

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**Т.З. ТЕШАБАЕВ, З.М. ОТАҚЎЗИЕВА**

**МАКРОИҚТИСОДИЁТ**

**ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА**

**ТОШКЕНТ-2017**

**УЎК  
КБК**

**Т.З.Тешабаев, З.М.Отакўзиева Макроиқтисодиёт (Ўқув  
қўлланма). –Т.: «Fan va texnologiya», 2017, \_\_\_\_ бет.**

**ISBN 978–9943–**

Мазкур ўқув қўлланма иқтисодиётнинг муҳим қисмини ўрганувчи макроиқтисодиёт фанига бағишланган бўлиб, унда ушбу фанга тегишли бўлган асосий макроиқтисодий тушунчаларнинг моҳияти, макроиқтисодий муаммолар, уларни ҳал этиш йўллари ва аралаш иқтисодий тизимда давлатнинг монетар, фискал сиёсат юритишда қўллайдиган воситалари, уларнинг иқтисодий жараёнларни тартибга солищдаги аҳамияти атрофлича кўриб ўтилган. Кўлланмада фаннинг усул ва тамойиллари, макроиқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш усуллари, макроиқтисодий мувозанатнинг турли хил моделлари, иқтисодий ўсиш, ташқи савдо сиёсатини юритишнинг асослари ва усуллари, тўлов баланси, валюта курси мавзулари назарий жиҳатдан ёритиб берилган.

Ўқув қўлланма олий ўқув юртларининг иқтисодиёт йўналишида таҳсил олаётган талабалари, ўқитувчилари ва макроиқтисодиёт билан қизиқувчи китобхонлар учун мўлжалланган.

**Масъул муҳаррир:**

**Тақризчилар:**

1. Иминов Одилжон Каримович, и.ф.д., профессор
2. Абулқосимов Хасан Пирназарович, и.ф.д., профессор

**ISBN 978–9943–**

©

**нашриёти, 2017.**

*Иқтисодчи олим ва сиёсатчиларнинг гоялари, назариялари улар ҳақ бўлганларида ҳам ёки хатоликка йўл қўйганликларида ҳам одатда бизлар ўйлаганимиздан кўпроқ даражада аҳамиятга эгадир. Хақиқатда айнан улар дунёга ҳукмронлик қиласидар. Амалий иши билан шуғулланувчилар ўзларини бундай интеллектуал назариётчилар билан боғламасаларда, аслида уларнинг ўзлари ўтган замондаги бирор-бир иқтисодчининг қули ҳисобланадилар».*

**Джон Мейнард Кейнс**

## **КИРИШ**

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг, давлатимиз раҳбари И.А.Каримов томонидан бешта тамойилга асосланган иқтисодий сиёсат ишлаб чиқилган бўлиб, ўтган давр давомида айнан ана шу сиёсат изчил амалга оширилмоқда ва дунё ҳамжамияти томонидан тан олинмоқда. Яъни, бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти томонидан тўлиқ эътироф этилаётган тараққиётнинг “ўзбек модели” мамлакатимизнинг жадал равнақ топиши, халқимиз моддий ва маънавий ҳаётининг тез суръатлар билан юксалиб бориши учун мустаҳкам негиз бўлиб хизмат қилмоқда. Айниқса, 2008 йилда бошланган ҳамда бугунги кунда ҳамон ўзининг оқибатларини намоён қилаётган жаҳон молиявий-иктисодий инқирози шароитида мамлакатимиз, унинг ижтимоий-иктисодий тараққиёти миллий моделининг синовдан муваффақиятли ўтиши ушбу модельнинг ҳаётийлигини яна бир бор исботлаб берди.

Мамлакатимиздаги чуқур иқтисодий ислоҳотлар, ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш, кенг таркибий ўзгаришлар ўзининг салмоқли натижаларини кўрсатиб келмоқда. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ривожлантириш ва ислоҳ қилиш стратегиясининг самарадорлиги, инқирозга қарши курашиш борасида тўпланган тажриба нуфузли халқаро молия ва иқтисодий институтларнинг, жаҳондаги етакчи илмий марказларнинг юқори баҳоларини олмоқда. Барқарор банк тизими, давлат қарзи даражасининг пастлиги ва четдан қарзлар олишга пухта ўйлаб ёндошиш мамлакатни глобал инқирознинг салбий оқибатларидан муҳофаза қилиб, Ўзбекистон иқтисодиётининг жадал суръатлар билан ўсишига ва келгуси йилларда унинг янада фаол ўсиши прогноз қилинаётганлигига сабаб бўлмоқда.

Глобал иқтисодиётда жиддий муаммолар сақланиб қолаёт-ганлигига қарамай, мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор юқори суръатлар билан ривожланишда давом этмоқда ва ахоли турмуш даражаси барқарор ўсиб, мамлакатимизнинг жаҳон бозорларидағи мавқеи янада мустаҳкамланиб бормоқда.

*Ўқув қўлланма ёзилишининг долзарблиги ва мақсади.* Ҳозирда мамлакатимиз ҳаётида ва умуман жаҳон иқтисодиётида бўлиб ўтаётган глобал жараёнларни чуқурроқ англаб етиш, бундай ўзгаришларни таҳлил этиб, уларга холисона баҳо бера олиш, яъни иқтисодий билимларга назарий томондан ёндошиш нафақат иқтисодий соҳадаги мутахассислар учун, балки кўпгина кишиларда қизиқиш уйғотиши табиий ҳолдир. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, “Макроиқтисодиёт” дан ёзилган ушбу ўқув қўлланма ҳозирги кунда долзарбдир. Бундан ташқари, ушбу ўқув қўлланмани ёзган муаллифнинг асосий мақсади талабаларга макроиқтисодиётнинг назарий билимларини бериш орқали уларга ўzlари яшаётган жамиятнинг иқтисодий қонун-қоидаларини тўғри ва чуқурроқ тушунишлари, ҳамда жамиятда ўз ўрниларини топиш ва кенг қамровли билимлар эгаси бўлиб етишишларига кўмаклашишдан иборатдир.

Муаллифтномонидан ушбу қўлланмани ёзишдан олдин кўпгина ўзбек ва рус тилларидағи адабиётлар ўрганиб чиқилган бўлиб, улар орасида Д.Қ.Аҳмедов, А.Э.Ишмуҳамедов, Қ.Ҳ.Жумаев, З.А.Жумаев ларнинг “Макроиқтисодиёт” (2005й), Х.П.Абулқосимовнинг илмий таҳрири остидаги “Давлатнинг макроиқтисодий сиёсати”, Х.П.Абулқосимовнинг “Макроиқтисодий тартибга солиш ва Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиши” (2011й.), Б.Беркинов, Ф.Маматованинг “Макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш йўллари” (2011й) ўқув қўлланмаларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Бундан ташқари, бир қатор рус муаллифлари томонидан яратилган адабиётлар ҳам мавжудки, улар ичida С.Н. Ивашковскийнинг “Макроэкономика”, Агапова Т.А., Серегина С.Ф.нинг “Макроэкономика”, Вечканов Г.С., Вечканова Г.Р.нинг «Макроэкономика», Матвеева Т.Ю. нинг “Введение в макроэкономику” ўқув адабиётларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Ушбу қўлланмани муаллиф юқорида номлари қайд этилган ва қўлланма адабиётлар рўйхатида келтирилган барча адабиётларни ўрганганд ҳолда яратишга ҳаракат қилганини таъкидлаб ўтиш жоиз.

*Фаннинг қисқача мазмуни.* Макроиқтисодиёт – бу мамлакат иқтисодиётини яхлит бир тизим сифатида ўрганувчи фан бўлиб, у иқтисодиёт назариясининг бўлими сифатида барқарор иқтисодий

ўсиш, ресурсларнинг тўлиқ бандлиги, инфляция даражасини минималлаштириш, фискал сиёсат, монетар сиёсат, тўлов баланси мувозанатини таъминлаш каби кўпгина давлат аҳамиятига молик масалаларни ўрганади. Алоҳида субъектларнинг индивидуал бозорларда иқтисодий ҳатти-ҳаракатини ўрганувчи микроиқтисодиётдан фарқли ўлароқ, макроиқтисодиёт иқтисодиётни бир бутунлигича ўрганади, иқтисодиётда умумий мавжуд бўлган муаммоларни таҳлил қиласи, умумий (ялпи) катталиклар, яъни: ялпи ички маҳсулот, миллий даромад, ялпи талаб, ялпи таклиф, ялпи истеъмол, инвестициялар, нархларнинг умумий даражаси, ишсизлик даражаси, давлат қарзлари ва бошқалар билан иш кўради.

Ресурсларнинг тўлиқ бандлиги ва инфляциясиз иқтисодий ўсишга эришиш мақсадида иқтисодий цикл (даврий тебраниш) бошқарилади ва бу давлат макроиқтисодий сиёсатининг воситалари орқали амалга оширилади. Бундай воситаларга солик - бюджет (фискал) ва пул-кредит (монетар) сиёсатларини киритишимиз мумкин. Солик - бюджет сиёсатини давлат бевосита бошқарса, пул-кредит сиёсатини – давлат билвосита Марказий Банк орқали амалга оширади. Узоқ ва қисқа муддатлардаги мақсадлар координацияси, фискал, монетар сиёсатлар инструментлари ва муқобил стратегияларни ишлаб чиқиш танлови макроиқтисодий назариянинг бевосита тадқиқот обьекти ҳисобланади.

Аҳоли сонининг ўсиши ва технологик жараёнларнинг жадаллашуви каби омилларнинг ўзаро таъсири барқарор иқтисодий ўсиш даражасини, бу омилларнинг узоқ муддат жараёнидаги динамик ўзгариши эса ишлаб чиқариш салоҳияти динамикасини белгилаб беради. Қисқа муддат давомида эса иқтисодиёт ўзининг асосий бир текис ривожланаётган траекториясидан четлашиши мумкин. Шунинг учун барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш деганда даврий тебранишларни бошқаришни тушуниш лозим деб ҳисобланади. Бундай даражадаги муаммоларни англаш, тушунтириш ва ҳал этишда макроиқтисодиёт фанининг ўрни бекиёсdir.

*Ўқув қўлланма ҳақида баъзи фикр ва тавсиялар.* Ушбу ўқув қўлланма бир неча йиллик педагогик фаолият давомида ортирилган тажриба, кузатув, талабаларнинг хоҳиши ва талаблари асосида ёзилган. Кўпгина талабаларда маъruzalар ўқилиши жараёнида макроиқтисодиёт фанига катта қизиқиш уйғонди ва бу ўқув қўлланманинг ёзилишига асосий туртки берди десак, муболага бўлмайди. Рус тилидан ўзбек тилига таржима қилиб фойдаланилган маъзуза

матнлари ва тарқатма материаллари, жумладан, Т.Ю.Матвееванинг «Макроиктисодиётдан маъруза матнлари» ўкув қўлланма яратилишида асос бўлиб хизмат қилди. Таянч иборалар ёки иқтисодий атамалар инглиз тилида ҳам келтириб ўтилган, сабаби, ҳозирги кунда уларни талабалар томонидан ўрганилиши давр талабидир ва бу уларнинг келгуси фаолиятларида фойдали бўлади деб ўйлаймиз.

Ўкув қўлланманинг ҳар бир боби якунида қисқача хulosалар келтирилган бўлиб, улар ўқувчига мавзуни тез фурсат ичида ёдга олиш имконини беради. Амалий машғулотларда мавзуларни мустаҳкамлашга доир топшириқлар қисмида ҳар бир боб бўйича саволлар, тестлар, масалалар ва инновацион педагогик технологияларни қўллаш бўйича тавсиялар келтирилган. Мавзулар бўйича тузилган саволларда ўқувчилар баъзида ўкув қўлланма матнида етарли даражада очиб берилмаган саволларга дуч келишлари мумкин. Уларни педагог ўқитувчилар талабаларга мустақил равишда ўрганиш ва бунда тавсия этилаётган адабиётлар рўйхатидан фойдаланишни маслаҳат беришлари мақсадга мувофиқ бўлади. Савол, масала ва тестларнинг баъзиларини аудиторияда, баъзиларини эса уйда бажариш тавсия этилади.

Айтиб ўтиш жоизки, ҳозирда республикамизнинг педагогик амалиётида ўқитишининг янги усул ва воситалари тобора кенг қўлланилмоқда. Ўқитишининг анъанавий шакл ва усуллари ўрнини эндиликда бир бутун жараён ҳисобланган ўқитиш технологиялари эгалламоқлиги зарурияти пайдо бўлди. Ҳозирги кунда ўқитишининг интерактив усуллари жуда кенг тарқалган бўлиб, уларни ўқитувчи-педагог қайси дарсда, қандай қилиб ва қайси усулни қўллаш кераклигини мустақил ҳал этмоғи лозим бўлади. Шуни ҳисобга олиб, ўкув қўлланмада бу ҳақда мавзулар бўйича баъзи бир тавсиялар келтириб ўтилган.

Ушбу ўкув-услубий қўлланма Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университетининг «Макроиктисодиёт» кафедраси томонидан ишлаб чиқилган «Макроиктисодиёт» фанининг намунавий ўкув дастури асосида ёзилган.

Ўкув қўлланма бўйича ўқувчилар томонидан билдириладиган фикр ва мулоҳазаларга олдиндан миннатдорчилик билдириб қоламиз.

# **І БОБ. МАКРОИҚТИСОДИЁТНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА ТАҲЛИЛ УСУЛЛАРИ**

1.1. Макроиқтисодиёт фанининг предмети. Макроиқтисодиёт ва микроиқтисодиёт.

1.2. Миллий ҳисобчилик тизими (МХТ) ва унинг келиб чиқиш тарихи.

1.3. Макроиқтисодий таҳлилнинг услуг ва тамойиллари.

1.4. Миллий хўжалик ишлаб чиқаришининг чекланганлиги. Муқобил ҳаражатлар.

1.5. Иқтисодий тизимлар ва уларнинг моделлари

1.6. Доиравий оқим модели. «Оқимлар ва инъекциялар».

Макроиқтисодий мувозанатнинг умумий шартлари.

**Қисқача хулосалар**

**Таянч иборалар**

## **1.1. Макроиқтисодиёт фанининг предмети.**

### **Макроиқтисодиёт ва микроиқтисодиёт.**

Макроиқтисодиёт микроиқтисодиёт каби иқтисодиёт назариясининг бир бўлими ҳисобланади ва у юонча сўздан олинган бўлиб, ундаги «макро» сўзи «катта» (тегишлича «микро» - «кичкина»), «иқтисодиёт» сўзи эса «хўжаликни юритиш» маъносини англатади.

Даставвал макроиқтисодиётнинг пайдо бўлиши, унинг фан сифатида шаклланиши тарихи ва унга тегишли бўлган асосий муаммоларга бир оз тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади. «Макроиқтисодиёт» атамаси яқин ўтмишда, яъни XX асрнинг биринчи ярмида пайдо бўлган бўлсада, аммо макроиқтисодий таҳлил иқтисодиёт назарияси пайдо бўлган даврдан бошлаб кўлланилган. Буни Ф.Кенэнинг «Иқтисодий жадвал» деб номланган хўжалик ҳаётининг макроиқтисодий модели мисолида ҳам учратишимиз мумкин.

Макроиқтисодиёт атамасини биринчи бўлиб 1933 йилда таниқли норвег олимни, иқтисодчи-математик, эконометрикага асос солган олимлардан бири, Нобел мукофоти лауреати Рагнар Фриш ўз мақоласида тилга олган (Ragnar Frisch). Замонавий макроиқтисодиёт назарияси эса таниқли инглиз иқтисодчиси, Кембридж мактабининг вакили, лорд Жон Мейнард Кейнс (John Maynard

Keynes)нинг фундаментал асарида мазмунан кенг ёритилган. 1936 йилда «Бандликнинг умумий назарияси, фоиз ставкаси ва пул» китоби чоп этилиб, унда Кейнс макроиктисодий таҳлилга асос солган эди.

Ж.М.Кейнс тадқиқотининг аҳамияти шу даражада катта эдики, иқтисодий адабиётларда «Кейнс инқилоби» атамаси пайдо бўлди ва кейнс макроиктисодий модели ёки иқтисодий жараёнларга шу давргача мавжуд бўлиб келган анъанавий ягона классик ёндошишга, яъни микроиктисодий таҳлилга (классик модел) қарама-қарши бўлган кейнсча ёндошиш пайдо бўлди.

Бу даврга келиб энди макроиктисодий муаммоларнинг барчасини микроиктисодий таҳлил нуқтаи назаридан, яъни алоҳида олинган истеъмолчи, фирма ёки тармоқ даражасида ҳал этиш мумкин эмас эди (Кейнс назарияси яратилганига қадар иқтисодий жараёнларга микроиктисодий нуқтаи назардан ёндашилган). Айнан шунинг учун, яъни умумий, макроиктисодий муаммолар мавжуд бўлганлиги сабабли уларга энди макродаражада ёндашиш зарурияти туғилди ва шу сабабли иқтисодиёт назариясида мустақил бўлган бўлим, мустақил фан – *макроиктисодиёт* пайдо бўлди.

*Макроиктисодиёт фанининг предмети.* Алоҳида (индивидуал) хўжалик субъектлари (истеъмолчи ёки ишлаб чиқарувчи)нинг индивидуал бозорларда иқтисодий ҳатти-ҳаракатини ўрганувчи микроиктисодиётдан фарқли ўлароқ, макроиктисодиёт иқтисодиётни бир бутунлигicha ўрганади, иқтисодиётда умумий мавжуд бўлган муаммоларни таҳлил килади, умумий (ялпи) катталиклар, яъни: ялпи ички маҳсулот, миллий даромад, ялпи талаб, ялпи таклиф, ялпи истеъмол, инвестициялар, нархларнинг умумий даражаси, ишсизлик даражаси, давлат қарзлари ва бошқалар билан иш кўради. «Макроиктисодиётда алоҳида олинган дарахтлар эмас, балки бутун бир ўрмон ўрганилади», - дейилади Америка олимлари К.Р.Макконнелл ва С.Л.Брюларнинг «Экономикс» деб номланган машҳур китобида

Макроиктисодиётга иқтисодчи олимлар томонидан кўпгина таърифлар берилган бўлиб, улардан бирида шундай дейилади: “макроиктисодиёт – иқтисодиётнинг бир бўғини сифатида уни яхлитликда, шу билан бирга барқарор иқтисодий ўсиш, инфляция даражасини минималлаштириш ва барқарор тўлов балансини таъминлаб бериш нуқтаи назаридан ўрганади.

Юқоридаги таърифларни ҳисобга олиб, уларни тўлдириб айтишимиз мумкинки, **макроиқтисодиёт** – бу мамлакат иқтисодиётини яхлит бир тизим сифатида ўрганувчи фан бўлиб, у иқтисодиёт назариясининг бўлими сифатида барқарор иқтисодий ўсиш, ресурсларнинг тўлиқ бандлиги, инфляция даражасини минималлаштириш, фискал сиёсат, монетар сиёсат, тўлов баланси мувозанатини таъминлаш каби кўпгина давлат аҳамиятига молик масалалар билан шуғулланади.

*Макроиқтисодиёт* (macroeconomics) фани иқтисодиётни бир бутунлигича ўрганувчи фан бўлиб, бунда иқтисодиёт катта бир бутун бирлашган тизим сифатида, иқтисодий жараёнлар ва уларнинг кўрсаткичлари умумлашган ҳолатда ўрганилади.



### 1.1.1- расм. Асосий макроиқтисодий муаммолар

Ресурсларнинг тўлиқ бандлиги ва инфляциясиз иқтисодий ўсишига эришиш мақсадида иқтисодий цикл (даврий тебраниш) бошқарилади ва бу давлат макроиқтисодий сиёсатининг воситалари

орқали амалга оширилади. Бундай воситаларга солиқ-бюджет (фискал) ва пул-кредит (монетар) сиёсатларини киритишими мумкин. Солиқ - бюджет (жумладан ташқи савдо) сиёсатини давлат бевосита бошқарса, пул-кредит (жумладан, валюта) сиёсатини – давлат билвосита Марказий Банк орқали амалга оширади. Узоқ ва қисқа муддатлардаги мақсадлар координацияси, фискал ва монетар сиёсатлар инструментлари ва муқобил стратегияларини ишлаб чиқиши танлови макроиктисодий назариянинг бевосита тадқиқот объекти ҳисобланади.

Аҳоли сонининг ўсиши ва технологик жараёнларнинг жадаллашуви каби омилларнинг ўзаро таъсири барқарор иқтисодий ўсиш даражасини, бу омилларнинг узоқ муддат жараёнидаги динамик ўзгариши эса ишлаб чиқариш салоҳияти динамикасини белгилаб беради. Қисқа муддат давомида эса иқтисодиёт ўзининг асосий бир текис ривожланаётган траекториясидан четлашиши мумкин. Шунинг учун барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш деганда даврий тебранишларни бошқаришни тушуниш лозимдир.

Макроиктисодиёт ҳам макроиктисодиёт каби иқтисодиёт назариясининг бир бўлими ҳисобланади. Макроиктисодиёт истеъмолчи танлови ва фирма назарияларини ўзида мужассамлаштиради. *Макроиктисодиёт* (microeconomics) алоҳида олинган иқтисодий агентлар: истеъмолчи (уй хўжалиги) ва ишлаб чиқарувчи (фирма)лар даражасида улар иқтисодий ҳатти-харакатлари қонуниятларини тадқиқ этиб, улар нима учун иқтисодий қарорлар қабул қилиш тамойилларини ўрганади. Иқтисодий жараён ва ҳодисалар микродарражада ўрганилиб тадқиқ этилганда «фирма», «уй хўжалиги», «алоҳида тармоқ» атамалари кенг қўлланилади ва маълум бир кўрсаткичлар, яъни: конкрет олинган маҳсулот нархи ва унинг ҳажми, бир фирмада ишловчи ишчилар сони, алоҳида фирма, уй хўжалиги ёки оила ҳаражати ва даромади ва хакозолар билан иш кўрилади.

Иқтисодиёт назариясини макроиктисодиёт ва микроиктисодиёт бўлимларига ажратиш дегани бу улар ўртасида умуман боғлиқлик йўқ дегани эмас. Аксинча уларни ўзаро чамбарчас боғлиқ деб ҳисобласак тўғри бўлади, чунки кўпгина иқтисодий категория ва муаммолар уларнинг ҳар иккисига ҳам тегишлидир, аммо турли даражада ҳал этилади. Масалан, ресурсларнинг камёблиги, ишлаб чиқариш имкониятининг чекланганлиги, танлов

муаммоси, самарадорлик (Парето-самарадорлик), «харажатлар-ишлаб чиқариш» модели ва бошқа кўпгина иқтисодий категориялар ҳар иккиси учун умумийдир.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, охирги вақтда иқтисодиёт назариясида янги бир бўлим – «мезоиқтисодиёт» пайдо бўлганлигини кузатишимиз мумкин. Иқтисодиёт назариясининг бундай оралиқ бўлимида макроиқтисодий муаммолар тадқиқоти микроиқтисодий таҳлил асосида олиб борилади. 1970-йилларда немис иқтисодчisi Ганц Рудольф Петерс «мезоиқтисодиёт» (юононча «mesos» сўзидан олинган бўлиб, «ўртача» деган маънони англатади) деб аталмиш иқтисодиёт назарияси янги бўлимининг асосий йўналишларини ишлаб чиқди. Мезоиқтисодиёт - анъанавий микроиқтисодий муаммоларни иқтисодий агентлар ҳатти - ҳаракатига макроиқтисодий катталиклар, яъни умумий талаб, инфляцияли кутишлар, даврийлик, иқтисодий ўсиш ва хакозолар таъсирини ҳисобга олган ҳолда тадқиқ этади. Ҳозирги даврда иқтисодиёт назариясининг ушбу бўлими олимлар томонидан ўрганилиб тадқиқ этилмоқда.

***Макроиқтисодиётнинг бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги.*** Макроиқтисодиёт иқтисодиёт назариясининг таркибий қисми сифатида иқтисодиёт назарияси каби кўпгина ижтимоий-иқтисодий, аниқ ва гуманитар фанлар билан узвий боғлиқ. Буларга: математика, фалсафа, психология, ҳуқуқ, тарихни ва бир қатор иқтисодий фанларни киритиш мумкин (1.1.2-расм).

Иқтисодий фанлар билан боғлиқлигини эса ўз ўринда қуидагиларга бўлиш мумкин:

- *конкрет* (саноат, қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва корхона иқтисодиёти ва бошқалар), яъни иқтисодиётнинг алоҳида олинган секторлари хусусиятларини чуқурроқ ўрганиш;
- *функционал* (молия, кредит, маркетинг, менеджмент ва бошқалар), хўжаликда юз бераётган муҳим жараёнларни таҳлил қилишга ихтисослашган;
- *ахборот-таҳлил* (статистика, иқтисодий моделлаштириш ва бошқалар) маълумотларни тўплаш ва қайта ишлаш билан боғлиқ;
- *тарихий* (халқ хўжалиги иқтисодиёти, миллий иқтисодиёт, иқтисодиёт тарихи, иқтисодий билимлар тарихи).



### **1.1.2.-расм. Макроиктисодиётнинг бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги**

## **1.2. Миллий ҳисобчилик тизими (МҲТ) ва унинг келиб чиқиш тарихи**

Асосий (абсолют миқдордаги) макроиктисодий кўрсаткичлар миллий ҳисобчилик тизими (МҲТ) таркибида (унинг тўлиқ номи Миллий Маҳсулот ва Даромаднинг Ҳисоблар Тизими – (System of National Product and Income Accounts) 20-йиллар охирида бир гурӯҳ америкалик олимлар, бўлажак Нобел мукофоти лауреати Саймон Кузнец раҳбарлиги остидаги Иктиносий Тадқиқотлар Миллий Бюроси ходимлари томонидан ишлаб чиқилган.

Миллий иктиносий баҳолайдиган макроиктисодий кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш ҳаракатлари турли мамлакатларда Биринчи Жаҳон уруши давридаёқ, уруш олиб бораётган давлатларнинг ҳарбий ва иктиносий салоҳиятини баҳолашда бошланган. Келажакда иктиносий ривожланиш тенденциясини башоратлашни мақсад қилиб қўйган МҲТнинг кейинги ривожи 20-йиллар ўрталарига, яъни иктиносий ривожланган давлатларнинг юксалиш даврига тўғри келди.

МҲТни ривожлантиришга йўналтирилган тадқиқотлар АҚШда 20-йилларда махсус ташкил этилган ва макроиктисодий кўрсаткичларсиз ўрганиш мумкин бўлмаган иктиносий тебранишлар муаммосини тадқиқ этиш билан шуғулланган таникли

америкалик иқтисодчи Уэсли Клер Митчелл бошқарган хусусий ташкилот – Иқтисодий Тадқиқотлар Миллий Бюросида ўтказилар эди. Бу йўналишдаги ишлар Совет Россиясида ҳам, беш йиллик режаларни ишлаб чиқишида, шунингдек Жаҳон иқтисодиёти ривожи ва бутунжаҳон Инқилоби истиқболлари тенденциясини баҳолашда ҳам олиб борилди.

1929-йил октябрида Нью-Йорк фонд биржаси инқирозга юз тутди, бу эса энг чуқур ва узоқ давом этган Жаҳон иқтисодий инқирозини – Буюк Депрессия (1929-1933йилларни ўз ичига олади)ни бошлаб берди. 1930-йил бошида АҚШ Конгресси Америка иқтисодиёти ҳолатини баҳолай оладиган индикатор (кўрсаткич)лар тизимини ишлаб чиқиш ҳақидаги қарорни қабул қиласди. Аммо айтиш жоизки, бу вақтга келиб амалда бундай тизим мавжуд эди.

Иккинчи Жаҳон урушидан сўнг қўпгина мамлакатлар БМТ тавсияларига кўра, МХТга киритилган макроиқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш услубиётини киритдилар, бу энди турли мамлакатларни макроиқтисодий даражада солиштириш имконини берди.

Миллий ҳисобчилик тизими макроиқтисодий статистик кўрсаткичлар йиғиндисини ўзида мужассам этади. Бу кўрсаткичлар миллий иқтисодиёт ҳолатини баҳолайдиган ялпи маҳсулот (ишлаб чиқариш) ва ялпи даромад катталигини характерлайди. МХТ ялпи ишлаб чиқариш (ишлаб чиқариш ҳажми)нинг учта асосий кўрсаткичини: ЯММ; ЯИМ; СММ ва ялпи даромаднинг учта кўрсаткичини: МД; ШД; ИД ни ўз ичига олади.

80-йиллар бошларигача ялпи ишлаб чиқариш ҳажмини характерловчи асосий кўрсаткич бўлиб ЯММ ҳисобланган. Аммо замонавий иқтисодий ва хўжалик алоқаларининг интернационаллашуви ва ЯММни ҳисоблашнинг мураккаблашуви (чунки миллий ишлаб чиқариш омиллари қўп давлатларда ишлатилмоқда) сабабли ялпи ишлаб чиқаришнинг асосий кўрсаткичи ЯИМ бўлиб қолди.

### **1.3. Макроиқтисодий таҳлилнинг услуг ва тамойиллари**

Услуг (approach) – бу бир неча усул ва тамойиллар йиғиндиси ҳисобланиб, улар орқали тадқиқот мақсадига эришиш йўллари белгиланади. Иқтисодиёт назарияси ривожланишининг турли босқичларида тадқиқотнинг турли хил услубларидан фойдаланилган (формал-логик, диалектик ва бошқ.) ва ҳозирда ҳам улардан замонавий тадқиқотларда кенг фойдаланилмоқда.

Иқтисодий жараёнларни таҳлил қилишда иқтисодиёт назарияси (жумладан микроиқтисодиёт ва макроиқтисодиёт) учун стандарт ҳисобланган диалектика ва мантиқнинг услугуб ва тамойиллари қўлланиладики, бундай умумий услугуб ва тамойилларга: абстрактлаштириш (мавҳумлаштириш), яъни иқтисодий ҳодиса ва жараёнларни тадқиқ этиш ва тушунтиришда моделларни қўллаш; дедукция ва индукция усуллари ёки уларни биргаликда қўллаш, норматив ва позитив таҳлилни қўшиб олиб бориш, умумлаштириш, «бошқа омиллар ўзгармас бўлганда» тамойилларидан фойдаланиш, иқтисодий агентларнинг рационал ҳаракатлари таҳмини ва бошқаларни киритишимиз мумкин. Моделлаштириш ёки абстрактлаштириш макроиқтисодий таҳлилнинг асосий услуби ҳисобланади ва шунинг учун барча макроиқтисодий жараёнлар моделлар орқали ўрганилади.

Уларни ҳар бирини алоҳида кўриб ўтамиш:

- моделлаштириш (абстракция усули, яъни иқтисодий ҳодиса ва жараёнларни ўрганиш ва маълум ечимларни топишда улардан энг асосийларини танлаб тадқиқ этиш ёки бошқача айтганда фактларни кутилаётган натижалар билан боғлаш);
- чизма ёки графикларда тасвирилаш усули (масалан, ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизифи, айланма ҳаракат модели );
- эконометрик метод (статистик маълумотларни таҳлил қилиш усули);
- башоратлаш усули (борлиқдаги реал маълумотларга асосланиб келажак ривожини белгилаб бериш);
- таҳлил – бир бутунни бўлакларга бўлиб тадқиқ этиш;
- синтез – тадқиқот обьекти бўлакларини бутунлаш орқали уни ўрганиш ва маълум бир қарор қабул қилиш;
- индукция – хусусийликдан умумийликка, фактлардан назарияга бориш орқали иқтисодиётдаги воқеа ва ҳодисаларни тадқиқ этиш;
- дедукция – умумийликдан хусусийликка, назариядан фактларга мурожаат қилиш орқали амалдаги жараёнларни текшириб тасдиқлаш ёки инкор этиш.
- гипотеза ёки бошқача айтганда таҳмин қилиш усули.

**Позитив иқтисодиёт** бу амалдаги иқтисодий ҳолатни илмий жиҳатдан асослаб бериш бўлса, **норматив иқтисодиёт** эса иқтисодий ҳолатни иқтисодий назарияга асосланган ҳолда қандай бўлиши лозимлигини кўрсатади. Масалан: Позитив иқтисодиёт

шундай таъкидлайди: «Ишсизлик иш кучининг 7% ини ташкил этди». Норматив иқтисодиёт: «Ишсизликни қисқартириш лозим”, - дейди.



### 1.3.1.-расм. Макроиқтисодий таҳлилнинг услугуб ва тамойиллари

Макроиқтисодий таҳлилнинг асосий хусусияти шундан иборатки, унинг энг муҳим тамойили умумлаштириш ҳисобланади. Иқтисодиётнинг ўзаро боғлиқлиги ва унинг қонуниятларини, иқтисодиётни бир бутун даражада ўрганиш фақатгина **умумлаштириш ёки агрегатлаш** (aggregation) тамойили орқали амалга оширилади. Макроиқтисодий таҳлил агрегатлашни талаб этади.

Агрегатлаш – алоҳида элементларни бир бутун агрегатга бирлаштиришни ифодалайди. Агрегатлаш доимо абстрактлаштиришга асосланади, яъни унчалик аҳамиятга эга бўлмаган жиҳатларни чиқариб ташлаб, аҳамиятга молик бўлган иқтисодий жараён ва ҳодисаларнинг қонуниятларини ажратиб кўрсатиш демакдир. Агрегатлаш: *макроиқтисодий агентлар, макроиқтисодий бозорлар, макроиқтисодий боғлиқликлар, макроиқтисодий кўрсаткичларни* ажратиб кўрсатиш имконини беради.

Иқтисодий агентларнинг нисбатан типик ҳаракатига асосланган агрегатлаш тўртта *макроиқтисодий агентларни* ажратиб беради:

- уй хўжаликлари;
- фирмалар;
- давлат;
- чет эл сектори.

**1) Уй хўжаликлари** (households) – бу мустақил, оқилона ҳаракат қилувчи макроиктисодий агент ҳисобланиб, унинг иқтисодий фаолият юритишдан мақсади товар ва хизматлардан оладиган фойдалиликни максималлаштиришдир. У иқтисодиётда: а) *иқтисодий ресурслар эгаси* (мехнат, ер, капитал ва тадбиркорлик фаолияти). Иқтисодий ресурсларни сотиб, уй хўжаликлари даромад кўрадилар, даромаднинг асосий қисмини эса истеъмол (истеъмол ҳаражатлари)га сарфлайдилар ва шунинг учун улар б) *товар ва хизматларнинг асосий харидори* бўлиб майдонга чиқадилар. Даромадларнинг қолган қисмини эса уй хўжаликлари жамғарадилар ва шунинг учун улар в) *асосий жамғарувчилар ёки кредитор* яъни, иқтисодиётга кредит воситаларини таклиф этувчи ҳисобланадилар.

**2) Фирмалар** (business firms) - бу ҳам мустақил, оқилона ҳаракат қилувчи макроиктисодий агент ҳисобланиб, унинг иқтисодий фаолият юритишдан мақсади фойда олишни максималлаштиришдир. Улар: а) *иқтисодий ресурслар харидори* бўлиб бозорга чиқадилар, бу ресурслар орқали эса ишлаб чиқариш жараёни юз беради ва шунинг учун фирмалар б) *иқтисодиётда товар ва хизматларнинг асосий ишлаб чиқарувчиси* бўлиб ҳисобланадилар. Ишлаб чиқарилган товар ва хизматлардан олинган тушумни фирмалар уй хўжаликларига омиллар даромади кўринишида тўлайдилар. Ишлаб чиқаришни кенгайтириш, капитал захираси ўсишини таъминлаш ва емирилган капитални қоплаш учун фирмаларга инвестицион товарлар (ва биринчи навбатда асбоб-ускуналар) керак, шунинг учун фирмалар в) *инвесторлар* бўлиб ҳисобланадилар, яъни инвестицион товарлар харидоридир. Инвестицион ҳаражатларни молиялаштиришда маблағларни қарзга олар эканлар, демак улар г) *иқтисодиётнинг асосий дебитори (қарз олувчиси)* ҳисобланадилар, яъни кредит воситаларига талабни келтириб чиқарадилар.

Уй ўжаликлари ва фирмалар иқтисодиётнинг **хусусий сектори** (private sector)ни ташкил этадилар.

**3) Давлат** (government) деганда, давлатга тегишли барча муассаса ва ташкилотлар тушуниладики, улар сиёсий ва юридик

хукуқга эга ва иқтисодиётни тартибга солишда иқтисодий жараёнларга таъсир эта оладилар. Давлат - бу мустақил ва оқилона ҳаракат қилувчи агент, унинг асосий вазифаси - бозор муваффақиятсизликларини олдини олиш ва йўқотиш (marketfailures) ва жамият фаровонлигини ошириш ва айнан шунинг учун у : а) умумжамият неъматларни ишлаб чиқарувчи; б) давлат сектори фаолиятини таъминлаш ва унинг кўпгина вазифаларини бажариш учун *товар ва хизматлар харидори*; в) *миллий даромадни тақсимловчи* (соликлар тизими ва трансферлар орқали); г) давлат бюджетининг ҳолатига қўра, молия бозорида *кредитор ва қарздор* бўлиб майдонга чиқади. Бундан ташқари давлат д) *бозор иқтисодиётини тартибга солади*. У иқтисодиётни тартибга солишда бир қатор институционал асослар яратади (қонунлар, хавфсизлик тизими, суғурта тизими, солик тизими ва бошқалар), яъни «ўйин қоидалари»ни ишлаб чиқади; пул таклифини таъминлайди ва назорат қиласи, чунки пул эмиссиясида монопол ҳукуқга эга; макроиқтисодий сиёсат юритади.

Макроиқтисодий сиёсат ўз навбатида қўйидагиларга бўлинади:

- а) иқтисодий ўсишни таъминловчи структуравий (таркибий) сиёсат;
- б) иқтисодий барқарорликни таъминловчи, иқтисодиётнинг даврий тебранишларининг олдини олишга қаратилган ва ресурсларнинг тўлиқ бандлигини, барқарор нарх даражаси ва ташки иқтисодий мувозанатни таъминловчи сиёсат.

Барқарорлик сиёсатининг асосий кўринишлари:

- фискал (ёки солик – бюджет) сиёсат;
- монетар (ёки пул – кредит) сиёсат;
- ташки иқтисодий сиёсат;
- даромадлар сиёсати.

Хусусий ва давлат сектори *ёниқ (closed economy) иқтисодиётни ташкил* киласи.

**4) чет эл (хорижий) (foreign sector)** сектори - дунёning бошқа барча мамлакатларини бирлаштиради ва мустақил оқилона ҳаракат қилувчи агент ҳисобланиб, муайян мамлакат билан:

- халқаро савдо (товар ва хизматлар экспорт ва импорти);
- капитал ҳаракати (молиявий активлар, яъни капиталнинг экспорт ва импорти) алоқаларини амалга оширади.

Тахлилга чет эл (хорижий) секторининг қўшилиши очик иқтисодиёт (open economy)ни келтириб чиқаради.

Кўп ҳолларда тадқиқ этилаётган жараёнларни соддалаштириш учун *ёник иқтисодиёт* тушунчасидан фойдаланилади, яъни бунда муайян бир мамлакат иқтисодиёти товар ва хизматларни айирбошлишда халқаро майдонда иштирок этмайди. Ёник иқтисодиёт автаркия ҳисобланиб, бундай мамлакат товар ва хизматларнинг экспорт ва импорт операцияларини амалга оширмайди.

Аммо баъзи бир иқтисодий муаммолар *очик иқтисодиётни* тадқиқ этишни тақазо этади, чунки энди бунда муайян бир мамлакат турли мамлакатлар билан халқаро савдо ва молиявий муносабатларга киришади.

Очиқ иқтисодиётнинг бошқа бир мамлакатлар билан ўзаро алоқаси икки усулда амалга оширилади, булар:

- 1) жаҳон товарлар бозорида товар ва хизматларнинг олди-сотдиси;
- 2) жаҳон молия бозорида молиявий ресурсларнинг олди-сотдиси.

Товар ва хизматлар нархи ҳар қандай мамлакат ички бозорида сотувчи ва харидор ҳатти-харакатини мувофиқлаштиргани каби халқаро битимларда ҳам нархлар жаҳон бозорларида иштирок этувчи ва ўзаро алоқага киришувчи истеъмолчилар ва ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги ҳатти-харакатнинг ўзаро мос келишини таъминлайди. Халқаро нархларнинг энг муҳим турлари **номинал** ва **реал айирбошлиш курслари**дир.

*Номинал айирбошлиш курси* деганда, икки мамлакат миллий валютаси ўзаро айирбошлангандаги нисбатга айтилади.

*Реал айирбошлиш курси* деганда, турли мамлакатлар товар ва хизматлари айирбошлангандаги ўзаро нисбат тушунилади.

Реал айирбошлиш курси номинал айирбошлиш курси ва миллий валюталарда ўлчангандаги товар ва хизматлар нархларига боғлиқ бўлади ва у қуидаги формула орқали аниқланади:

**Реал айирбошлиш курси = Номинал айирбошлиш курси х ички бозордаги нарх / ташқи бозордаги нарх      (1.3.)**

Реал айирбошлиш курси миллий иқтисодиёт экспорт ва импорт ҳажмларини таққослашда ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Валюталарни айирбошлиш курслари маълум бир вақт оралиғида сезиларли даражада ўзгариши мумкин.

Айирбошлаш курсига берилган таърифни англашга ёрдам бера оладиган оддий бир назария мавжудки, у **харид қилиш қобилияти паритети (ППС) назарияси** деб аталади ва уни тушуниб олиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу назариянинг таъкидлашича, ҳар қандай валюта бирлиги исталган мамлакатда бир хил ҳажмдаги товар ва хизматларни сотиб олиш имкониятини яратиши керак бўлади. Ушбу назария **ягона нарх қонуни тамойилига** асосланган бўлиб, бунда товарлар жаҳоннинг исталган нуқтасида бир хил нархларда сотилиши лозим деб ҳисобланади. Акс ҳолда савдодан фойда олиш имконияти мавжуд бўлмай қолади. Ягона нарх қонунига кўра, турли мамлакатларда, масалан, бир долларга бир хил ҳажмдаги товарларни харид қилиш имконияти мавжуд бўлади.

Шундай қилиб, харид қилиш қобилияти паритети (ППС) назариясига кўра, ҳар қандай валюта барча мамлакатларда бир хил харид қила олиш қобилиятига эга бўлиши лозим. Бу назариянинг ўз номи ҳам унинг мазмун-моҳиятини англаш имконини беради: «паритет» сўзи тенгликни билдиради, «харид қобилияти» тушунчasi бевосита пулларнинг қиймати билан боғлиқ тушунча ҳисобланади. Бундан, ҳар қандай валюта жаҳоннинг ҳар қандай мамлакатида ягона реал қийматга эга бўлиши лозим деган хуноса келиб чиқади.

*Бозорларни агрегатлаш* (aggregation markets) ҳар бир алоҳида бозорда амал қилувчи қонуниятларни аниқлаш, яъни: талаб ва таклиф шаклланиши хусусиятларини ва ҳар бир бозорда унинг мувозанат шартларини тадқиқ этиш; талаб ва таклиф нисбатлари асосида мувозанат нарх ва мувозанат ҳажмни аниқлаш; ҳар бир бозорда мувозанат ўзгариши оқибатларини таҳлил этиш мақсадида амалга оширилади.

Бозорларни агрегатлаш тўртта макроиктисодий бозорни ажратиш имконини беради:

- товар ва хизматлар бозори (реал бозор);
- молиявий бозор (молиявий активлар бозори);
- иқтисодий ресурслар бозори;
- валюта бозори.

*a) Агрегатланган товар ва хизматлар бозори* (goods market)ни ҳосил қилиш учун иқтисодиётда ишлаб чиқарилаётган барча турли-туман товарларни абстрактлаштириб (ажратиб олиб), ушбу бозорда амал қилувчи энг асосий қонуниятларни, яъни товар ва хизматларга бўлган талаб ва таклиф конуниятлари шаклланишини аниқлаш зарур бўлади. Талаб ва таклиф нисбати товар ва хизматларга бўлган

мувозанат нарх (equilibrium price level) ва мувозанат ҳажм (equilibrium output)ни аниқлаш имконини беради. Товар ва хизматлар бозори реал бозор (real market) деб ҳам аталади, чунки унда реал активлар сотилади ва сотиб олинади (реал бойликлар - real assets).



### 1.3.2.-расм. Макроиктисодий агентлар ва бозорлар

*б)* *Молия бозори* (financial assets market) - бу бозорда молиявий активлар (пул, акция ва облигациялар) сотилади ва сотиб олинади. Бу бозор икки сегментга бўлинади:

- *пул бозори* (*money market*) ёки *пуллик молиявий активлар бозори*;
- *қимматли когозлар бозори* (*bonds market*) ёки *пулсиз молиявий активлар бозори*.

Пул бозорида сотиш ва харид қилиш жараёни юз бермайди (чунки пулни пулга сотиб олиш мантиқга эга эмас), аммо пул бозорида амал қиласиган қонуниятларни, пулга бўлган талаб ва таклиф шаклланишини тадқиқ қилиш макроиктисодий таҳлил учун катта аҳамиятга эга. Пул бозорини ўрганиш, унинг мувозанат шартлари “пулнинг нархи” (кредит нархи) бўлмиш фоиз ставкасини ва пул массаси (*money stock*)нинг мувозанат катталигини, ҳамда пул бозорида мувозанатнинг ўзгариш оқибатлари ва унинг товар ва хизматлар бозорига таъсирини аниқлаш имконини беради. Пул

бозорининг асосий воситачиси банклар ҳисобланади, улар пулларни сақладилар ва кредитга берадилар.

Қимматли коғозлар бозорида акция ва облигациялар сотилади ва сотиб олинади. Қимматли қоғозлар харидори - бу биринчи навбатда уй хўжаликлари, улар ўз жамғармаларини даромад олиш мақсадида ишлатадилар (акциялар бўйича дивиденdlар ва облигациялар бўйича фоиз оладилар). Акцияларни сотувчилар (эмитентлар)и бўлиб фирмалар, облигацияларни сотувчилари эса - фирмалар ва давлат ҳисобланади. Фирмалар акция ва облигацияларни ўз инвестицион ҳаражатларини молиялаштириш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун, давлат эса облигацияларни давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш мақсадида чиқаради.

в) *Ресурслар бозори* (resource market) макроиктисодий моделларда меҳнат бозори орқали акс эттирилган (labour market), чунки бу бозорда амал қилувчи қонуниятлар (меҳнатга бўлган талаб ва таклифнинг шаклланиши) макроиктисодий жараёнларни тушунтириб бериш имконини беради (айниқса қисқа муддатда). Узок муддатли макроиктисодий моделларда капитал бозори тадқиқ этилади. Меҳнат бозоридаги мувозанат иқтисодиётда меҳнатнинг мувозанат ҳажми (labour force) ва “меҳнат нархи” мувозанати - иш хақи ставкаси (wage rate)ни аниқлаш имконини беради. Меҳнат бозорида мувозанат бузилишининг таҳлили ишсизликни келиб чиқиш сабаблари ва турларини тушунтириб беради.

г) *Валюта бозори* (foreign exchange market)да эса турли мамлакатлар миллий пул бирлиги (валюта) ўзаро бир-бираига айирбошланади (доллар иеналарга, рубл еврога, сўм долларга ва ҳакозо). Бир миллий валютани иккинчи бир валютага айирбошлаш натижасида валюта курси (exchange rate) шаклланади.

**Экзоген ва эндоген ўзгарувчан қўрсаткичлар.** Ҳар қандай модель (назария, тенглама, график) реал борлиқнинг содда ва абстракт кўриниши ҳисобланади, чунки тадқиқот ўтказишида барча элементларни бир вақтнинг ўзида барчасини ҳисобга олиш мушкул масала ҳисобланади. Шунинг учун ҳар қандай макроиктисодий модельни абсолют деб ҳисоблаш мумкин эмас. Бундай макроиктисодий моделлар барча мамлакатлар учун бир вақтнинг ўзида бир хил тўғри жавоб бериш имконини бермайди. Аммо бундай «умумийлаштирилган» моделлар орқали бандлик, ишлаб чиқариш, инфляция, инвестиция, истеъмол, фоиз ставкаси, валюта курси каби

**ички (эндоген)** иқтисодий кўрсаткичларни бошқаришнинг комплекс муқобил усуулари аниқланади.

Модел ташқарисида белгиланувчи **ташқи (экзоген) ўзгарувчан кўрсаткичлар** қаторига эса ҳукуматнинг фискал (солиқ-бюджет) ва Марказий Банкнинг монетар сиёсати инструментларини – давлат ҳаражатларидаги ўзгаришлар, солиқлар ва пул массаси кабиларни киритишимиз мумкин бўлади.

Иқтисодий муаммоларни ҳал этишда моделларнинг турли хил усуулар орқали ечимлар топа олиш имкониятига эга эканлиги **макроиқтисодий сиёсатнинг** муқобиллиги ва эгилувчанлигини таъминлайди. Макроиқтисодий моделлардан фойдаланиш фискал (солиқ - бюджет), монетар (пул - кредит), валюта ва ташқи савдо сиёсат дастакларини мувофиқлаштиришни оптималлаштириш ҳамда ҳукумат ва Марказий Банкнинг иқтисодиётни даврий тебранишини бошқариш бўйича чора-тадбирларини самарали олиб бориш имкониятини яратиб беради.

Товар ва хизматлар, даромад ва ҳаражатлар айланма ҳаракат модели, ялпи талаб ( $AD$ ) ва ялпи таклиф ( $AS$ ) модели, Кейнс хочи, IS-LM, Филлипс, Лаффер эгри чизиқлари, Солоу модели ва шу каби бошқа умумлаштирилган макроиқтисодий моделлар макроиқтисодий таҳлилнинг умумий воситалари ҳисобланади, аммо айтиш жоизки, улар миллийлик хусусиятидан мустаснодир.

#### **1.4. Миллий хўжалик ишлаб чиқаришининг чекланганлиги. Муқобил ҳаражатлар**

Иқтисодиёт назарияси - бу ресурсларни самарали ишлатиш ҳақидаги фан бўлиб, ресурсларнинг чекланганлиги шароитида (иқтисодиётнинг ҳар қандай даражасида, яъни микро - мезо ва макродаражада), унинг асосий муаммоси ва мақсади самара-дорликка эришиш ҳисобланади.

Самарадорлик ресурсларнинг чекланганлиги шароитида улардан оқилона фойдаланган ҳолда чексиз эҳтиёжларни максимал даражада қондириш йўлларини тадқиқ этади (ишлаб чиқаришнинг мақсади).

Иқтисодий самарадорлик ишлаб чиқариш жараёнида қўлланиладиган ресурсларнинг миқдори билан ушбу жараёнда ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдори ўртасидаги боғлиқликни характерлайди, яъни «**ҳаражатлар-ишлаб чиқарии**» муаммосини ўзида


мужассам этади. Мавжуд ҳаражатлардан олинган маҳсулотларнинг нисбатан кўпайганлиги самарадорликнинг ортишини билдиrsa, унинг камайиши самарадорликнинг пасайишини билдиради.

Ҳар қандай жамият, ҳар қандай иқтисодий агент ресурсларни самарали сарфлашга, чекланган ресурслардан максимал даражада товар ва хизматлар ишлаб чиқаришга ҳаракат қиласи. Бу мақсадга эришиш учун жамият ўз ресурсларини тўлиқ ишлатишга ва миллий хўжалик ишлаб чиқариш даражасини максимал даражага кўтаришга интилади.

Тўлиқ бандлик барча мавжуд ресурсларни максимал даражада ишлатиш орқали таъминланади. Бунда иқтисодиёт барча ишлашни ҳоҳловчи ва ишга лаёқатли (қонун доирасида чекланмаган) кишиларни иш билан таъминлаши, барча ишлатиш мумкин бўлган ер ресурсларини, ишлаб чиқариш омилларини ишга солиши лозим бўлади. Энг муҳими бунда ҳар бир ресурс ўз йўналишида ишлатилиши керак. Технологиянинг ҳам энг замонавийсини қўллаш ишлаб чиқариш ҳажмининг кенгайишига, иқтисодий ўсишга олиб келади.

Чекланган ресурслар шароитида ***Нима? Канча? Қандай? ва Ким учун?*** масалаларини ечиш мақсадида иқтисодчилар турли моделлардан фойдаланганлар.

Шуларнинг энг содда қўриниши қўйидагича:



#### 1.4.1. расм. Ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизиги

бунда,

0Х – истеъмол буюмларини ишлаб чиқариш;

0У - ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш;

АВСД – ҳар икки маҳсулотни ишлаб чиқаришнинг максимал имконият чегараси;


F - маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятларидан етарли даражада фойдаланилмаганликни билдиради;

E – чекланган имкониятлардан ташқари имконият шароитида ишлаб чиқариш (хозирда мавжуд бўлган ресурслар ҳисобидан унга эришиш мумкин эмас).


Бу моделдан қўриш мумкинки, маълум даврда жамият фақатгина истеъмол буюмларини ишлаб чиқаришни лозим деб топса, у ҳолда барча ресурслар сафарбар этилиб истеъмолга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқарилади, аммо бундай шароитда эндиликда ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқаришнинг имконияти мавжуд бўлмай қолади ёки аксинча (1.4.1.- расмдаги А ёки D нуқта).

Моделни таҳлил этишни давом эттирас эканмиз, муқобил ҳаражатлар мавжудлигини, яъни ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизигидаги В ёки С нуқталарда улардан бирини камайтириш ҳисобига иккинчисини ошириш мумкинлиги яққол қўриш мумкин.

Ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизиги ичкарисида жойлашган ҳар қандай нуқтада (масалан F нуқта) хозирда мавжуд имкониятлар, яъни мавжуд ресурслар (ер, меҳнат, капитал ва тадбиркорлик фаолияти) дан самарали ёки тўлиқ фойдаланилмаётганликни кўришимиз мумкин. Чунки бундай ҳолатда ҳар икки маҳсулотни мавжуд бўлган имконият даражасидан паст даражада ишлаб чиқарилган ҳисобланади.



а) Ишлаб чиқариш имкониятларининг бир текисда кенгайтирилиши



б) фақатгина бир маҳсулотни (ишлаб чиқариш воситаларини ёки истеъмол буюмларини) ишлаб чиқаришни ошириш

#### **1.4.2. - расм. Ишлаб чиқариш имкониятини кенгайтириш ёки иқтисодий ӯсишга эришиш**

бунда,

0Х – истеъмол буюмларини ишлаб чиқариш;

0Ү - ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш;

Е – чекланган имкониятлардан ташқари имконият шароитида ишлаб чиқариш.

Ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизифи ташқарисида жойлашган ҳар қандай нүкта (масалан Е нүкта)га эса, яъни уни кенгайтиришга ҳозирда мавжуд бўлган ресурслар ҳисобидан эришиш мумкин эмас. Бундай кенгайишга эришиш учун қўшимча ресурслар ёки инвестициялар, янги, замонавий технологиялар киритиш зарур ва унинг натижасида албатта иқтисодий ўсиш юз беради. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, ҳозирда истеъмолни бирмунча камайтириш ҳисобига ишлаб чиқариш воситаларини ошириш ҳам келгуси даврда иқтисодий ўсишни таъминлаб бериш имкониятини яратади (1.4.2.-расм).

Миллий иқтисодиётнинг келгуси даврларда иқтисодий жиҳатдан қай даражада ўсиши, самарали бўлиши албатта унинг макродаражада қабул қилган қарорларига, мамлакатнинг макроиктисодий сиёsat юритишида фискал (солик-бюджет) ва монетар (пул-кредит) сиёsat дастакларидан унумли фойдалана олишига боғлиқ бўлади. Аммо шуни унутмаслик керакки, келгусидаги ҳар қандай ютуқ, муваффақиятга эришиш ҳозирги кунда қилинган қарорлар билан албатта боғлиқ бўлади.

## 1.5. Иқтисодий тизимлар ва уларнинг моделлари

Ҳозир дунёда иқтисодий тизимларнинг тўрт тури мавжуд бўлиб, буларга одатда соф бозор, маъмурий-буйруқбозлиқ, аралаш ва анъанавий иқтисодий тизимлар киритилади. Улар билан батафсилрок танишиб ўтамиз.

**Соф бозор иқтисодиёти** тизими – бу хусусий мулкчиликка, эркин танловга, шахсий манфаат, рақобатга асосланган иқтисодий тизим бўлиб, давлатнинг иқтисодиётга аралашувини чеклайди.

Бозор иқтисодиёти энг аввало *истеъмолчи* эркинлигини кафолатлайди, бу эса унинг товар ва хизматлар бозорида эркин танлови чекланмаганлигида ифодаланади. Истеъмолчининг ўз хоҳишига асосланган, мажбурий бўлмаган айирбошлиш истеъмолчи суверенлигининг шарти ҳисобланади. Бозор иқтисодиётининг ҳар қайси иштирокчиси ўз ресурсларини мустақил тақсимлайди ва

ҳоҳишига кўра, ўз имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда товар ва хизматлар ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиши мумкин. Бу эса унинг тадбиркор бўлишида эркинликни яратади. Бунда кишилар нимани, қандай ва ким учун ишлаб чиқариш, қаерда, қандай, кимга, қанчага ёки қандай нархда сотишни, тушган даромадни қандай қилиб ва нимага сарфлашни ўзлари белгилайдилар. Бунда иқтисодий эркинлик иқтисодий масъулиятни билдиради ва унга таянади.

Кишиларнинг ўз шахсий манфаатларини кўзлаб қилган ҳатти-ҳаракатлари эса иқтисодиётни олға қараб силжишида асосий куч бўлиб хизмат қиласи. Бунда истеъмолчилар товар ва хизматлар истеъмолидан оладиган фойдалиликни оширишга, ишлаб чиқарувчилик эса фойдани оширишга интиладилар. Бозор иқтисодиёти асосини *хусусий мулкчилик* ташкил этади. Хусий мулкчиликка асосланган иқтисодий эркинлик эса эркин фуқаролик жамиятининг пойдевори ва таркибий қисми ҳисобланади.

### 1.5.-жадвал

#### **Иқтисодий тизим турлари ва уларнинг белгилари**

№	Иқтисодий тизим турлари	анъанавий	маъмурий- буйруқбозлиқ	соф бозор	аралаш
	Белгилари				
1	Мулкчилик шакли	жамоа	давлат	хусусий	хусусий ва давлат
2	Хўжалик фаолиятини ташкил этиш усули	анъаналарга асосланган	режа асосида	бозор иқтисодиёти тамойиллари асосида	бозор иқтисодиёти тамойиллари асосида
3	Давлатнинг роли		бошқарувчилик	деярли мавжуд эмас	чекланган
4	Мисоллар	Африка қабилалари	Шимолий Корея, Куба	Иқтисодий жараёнларга давлатнинг у ёки бу даражада аралашуви деярли барча мамлакатларда мавжуд	АҚШ, Россия, Европа, Япония ва бошка давлатлар

Соф бозор иқтисодиётига асосланган иқтисодий тизимда товар ва хизматларнинг ишлаб чиқарилиши, ресурслар таклифи эркин рақобат шароитида амалга оширилади, бу эса кўпгина мустақил ҳаракат қилувчи истеъмолчи ва сотувчилар мавжуд эканлигидан далолат беради. Бундай шароитда бу тизим тарафдорлари фикрича, ресурслардан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқариш, бандликнинг барқарор ривожланишига ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш имкониятига эришиш мумкин бўлади. Шунинг учун ҳам бундай тизимда *давлатнинг иқтисодий жараёнларга аralашуvi чекланади*, унинг роли хусусий мулкни ҳимоялаш ва эркин бозор иқтисодиётининг самарали фаолият юритишига имкон яратувчи ҳуқуқий тизимни яратишдан иборат бўлади.

***Маъмурий-буйруқбозликка асосланган иқтисодий тизим*** деганда, ишлаб чиқариш воситаларига давлат эгалик қилган, иқтисодий қарорларни жамоа бўлиб қабул қилинадиган, иқтисодиётни давлат режаси асосида марказлаштирилган бошқарув орқали ташкил этиш тушунилади. Ресурслар ҳажми, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар таркиби ва уларнинг тақсимланиши марказий режалаштирувчи орган томонидан бошқарилади. Корхоналар давлат мулки ҳисобланиб, унинг кўрсатмаларига асосан ишлаб чиқариш жараёнлари ташкил этилади. Бошқача айтганда, ишлаб чиқариш режаси ҳар бир корхона учун юқоридан белгилаб берилади ва уларнинг ҳар бирига ишлаб чиқариш бўйича топшириқларини амалга оширишлари учун ушбу режа асосида ресурслар тақсимлаб берилади.

Ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол товарларининг миллий маҳсулотдаги нисбати ҳам, аҳолининг истеъмоли ҳам марказлашган тартибда тақсимланади. Ишлаб чиқариш воситаларининг тармоқлар бўйича тақсимоти эса иқтисодиётдаги тармоқларнинг устувор ва узоқ муддатга мўлжалланганига мос равища марказий режалаштириш органи томонидан белгилаб берилади.

***Аralash иқтисодий*** тизим юқоридаги ҳар икки тизим элементларини синтезлаштиради, яъни бозор механизми давлатнинг иқтисодий жараёнларга фаол аралашуви билан тўлдирилади. Шу ўринда айтиш жоизки, реал ҳаётда иқтисодий тизимлар кўп ҳолларда аралаш ҳолатда учрайди. Аммо уларнинг нисбати турли моделлар учун турличадир. Масалан, Америка

*модели* нисбатан либерал ҳисобланиб, унда ижтимоий тенгликка эришиш масаласи умуман қўйилмайди. Бу модел тадбиркорликни рағбатлантиришга, аҳолининг нисбатан фаол қисмини бойишига қаратилган. Аҳолининг кам таъминланган қисми турмуш даражасига мувофиқ қисман имтиёз ва нафақалар билан таъминланади. Бу модель юқори меҳнат унумдорлигига ва кишиларнинг шахсий муваффақиятига асосланади.

*Швед модели* кучли ижтимоий сиёsat юритиши билан ажралиб туради ва у миллий даромадни нисбатан кам таъминланган аҳоли қатлами томон қайта тақсимланиши орқали мулкий тенгсизликни камайтиришга қаратилган. Табиийки, бундай «ижтимоийлик» фақатгина солиқларнинг юқори даражасида таъминланиши мумкин.

*Япон модели* аҳоли турмуш даражаси (жумладан иш ҳақи даражаси) меҳнат унумдорлиги ортишидан орқада қолиши билан характерланади. Бунинг ҳисобига маҳсулот таннархи камайиб, унинг жаҳон бозорида рақобатбардошлиги кескин ортади. Мулк бўйича кескин табақаланишга тўсиқлар қўйилмайди. Бундай модел фақатгина миллатнинг юқори даражада ўзлигини англаб етишида, кишиларнинг миллий манфаатни уларнинг шахсий манфаатларидан юқори қўя олишида, халқнинг Ватан учун, Юрт равнақи учун маълум бир моддий йўқотишларга тайёрлигига мавжуд бўлиши мумкин бўлади.

Ҳозирги кунда жаҳон ҳамжамиятининг назарига, эътиборига тобора тушиб бораётган тараққиётнинг ўзбек модели хусусида ҳам тўхталиб ўтиш лозим. Ушбу модел Президентимиз И.А.Каримов томонидан мустақилликка эришганимизнинг ilk даврида ёқ ишлаб чиқилган бўлиб, ҳозирги кунга келиб у ўзининг ҳаётйлигини яна бир бор тасдиқлаб берди. Энг аввало айтиш керакки, бу моделнинг асосида беш тамойил, яъни иқтисодиётнинг сиёsatдан устунлиги, ўтиш даврида давлат бош ислоҳотчи бўлмоғи, янгиланиш ва тараққиёт жараёнлари қонунларга асосланмоғи, кучли ижтимоий сиёsat ва бозор муносабатларига ўтишнинг босқичма-босқич амалга оширилиши ётади.

**Анъанавий иқтисодий тизим** элементлари барча иқтисодий тизимларнинг таркибида мавжуд бўлиб, бундай иқтисодий тизим анъана, урф-одатларга асосланади. У кўпинча иқтисодий жиҳатдан кам ривожланган давлатларда ҳукм суради. Бунда ишлаб чиқариш техникалари, айирбошлаш, даромадларни қайта тақсимлаш вақт

белгилаб берган урф-одатларга асосланади. Меъросга эга бўлишилик ва касталар индивидларнинг ижтимоий-иқтисодий ролини белгилаб беради. Техник ривожланиш ва инновациялар анъана ёки урф-одатларга қарши қаратилганлиги, жамият турмуш тарзи барқарорлигига хавф туғдирганлиги сабабли чегараланган бўлади.

Анъанавий иқтисодий тизимда яшовчи кишилар учун диний ва маданий қадриятлар иқтисодий фаолиятга нисбатан бирламчи деб қаралади. Бундай жамиятга у ёки бу иқтисодий тизим элементлари маълум бир даражада кириб келар экан, қайсики иқтисодий ривожланиш йўлини ўзлари учун кўпроқ манфаатли деб билмасинлар (соф бозор иқтисодий тизими ёхуд маъмурий - буйруқбозликка асосланган иқтисодий тизим), бу уларнинг туб ижтимоий манфаатларига зид келмаслигига асосланган ҳолда яшайдилар.


## **1.6. Доиравий оқим модели. «Оқимлар ва инъекциялар». Макроиқтисодий мувозанатнинг умуний шартлари.**

Иқтисодий агентлар ҳаракатларининг энг типик жиҳатларини (агентларни агрегатлаш) ва бозорларнинг амал қилишида нисбатан муҳим бўлган қонуниятларини (бозорларни агрегатлаш) аниқлаш макроиқтисодий боғлиқликларни агрегатлаш, яъни макроиқтисодий бозорларда макроиқтисодий агентлар ҳаракатлари қонуниятларини тадқиқ этиш имконини беради.

Макроиқтисодий таҳлил асосини энг оддий кўринишдаги *доиравий оқим модели* (ёки ЯИМ, даромадлар ва ҳаражатлар доиравий айланма ҳаракат модели) ташкил этади. Буни эса *маҳсулотлар, ҳаражатлар ва даромадларнинг доиравий айланниши* чизмаси орқали тасвирлаш мумкин (ёки доиравий оқим модели-model of circular flows) (1.6.1.-расм).

Даставвал икки категорияли моделни кўриб чиқамиз, бу модел фақат икки макроиқтисодий агентдан, яъни уй хўжаликлари, фирмалардан ва икки бозордан - товар ва хизматлар бозори ва иқтисодий ресурслар бозоридан иборат. Бундай моделда давлат иқтисодий жараёнларга аралашмайди ва ушбу модел ташки дунё билан ҳеч қандай алоқада бўлмайди деб таҳмин қилинади. Чизмадан кўриниб турибдики, бундай кўринишдаги иқтисодий тизим ёпиқ бўлиб, бир иқтисодий агентларнинг даромадлари бошқа бир иқтисодий агентларнинг ҳаражатлари ҳисобланади.

«Даромадлар-ҳаражатлар» ва «ресурслар-маҳсулотлар» оқимлари узлуксиз ва бир вақтнинг ўзида қарама-қарши йўналишларда ҳаракатланади. Фирмалар ишлаб чиқарган (таклиф этган), товар ва хизматлар бозорига келтирган маҳсулотларни уй хўжаликлари сотиб оладилар (яъни, уларга талаб билдирадилар).




### 1.6.1.-расм.Маҳсулотлар, ҳаражатлар ва даромадларнинг доиравий айланиши

Товар ва хизматлар ишлаб чиқариш учун фирмалар иқтисодий ресурсларни (ер, меҳнат, капитал ва тадбиркорлик фаолиятини) ресурслар бозоридан сотиб оладилар, яъни уларга талаб билдирадилар. Бундай иқтисодий ресурсларни уларнинг эгалари - уй хўжаликлари таклиф этадилар. Товар ва хизматлар сотиб олганда уй хўжаликлари сарф-ҳаражат киладилар. Уй хўжаликларининг товар ва хизматларга қилган ҳаражатлари истеъмол ҳаражатлари (consumption spending) деб номланади.

Фирмалар ўз маҳсулотларини уй хўжаликларига сотганда даромад кўрадилар (revenue), бундан улар уй хўжаликларига иқтисодий ресурслар учун ҳак тўлайдилар, бу эса фирмалар учун ҳаражат (costs) ҳисобланади (уй хўжаликлари учун омиллар даромади - меҳнат омили учун иш ҳақи, ер омили учун рента, капитал омили учун фоиз ва тадбиркорлик фаолияти учун фойда ҳисобланади, улар йигиндиси эса миллий даромадни ташкил этади). Олинган даромадларни уй хўжаликлари товар ва хизмат-

ларни сотиб олиш учун сарфлайдилар (истеъмол ҳаражатлари). Даромадлар ва ҳаражатлар айланга бўйлаб ҳаракатланади.



### 1.6.2.-расм. Давлат иштироқида очиқ иқтисодиётдаги айланма ҳаракат модели

Айланма ҳаракат моделида ҳар бир иқтисодий агент даромади сарфланганда бошқа бир иқтисодий агент даромад кўради, бу эса кейингисининг қиласига асос бўлади.

Ҳаражатлар ортиши даромад ўсишига олиб келади, даромад ўсиши эса келгусида ҳаражатларнинг қўпайишига замин яратиб беради. Шунинг учун ҳам чизма айланма ҳаракат модели ёки доиравий оқим модели (model of circular flows) номини олган. Моддий оқимлар соат милига қарши, пуллар эса соат стрелкаси йўналишида ҳаракатланади.

Талаб соат стрелкаси йўналишида, таклиф эса унга қарши йўналишда ҳаракатланади. Чизмадан қўйидагиларни кўриш мумкин:

- а) ҳар бир моддий оқим нарихи пул оқими катталигига тенг;

- б) миллий маҳсулот миллий даромадга тенг;
- в) умумий талаб умумий таклифга тенг;
- г) умумий даромад умумий ҳаражатларга тенг.

Айланма ҳаракат моделининг асосий холосаси шундан иборатки, фирмалар сотувидан тушган даромаднинг умумий ҳажми уй хўжаликлари га келиб тушган умумий даромад ҳажмига тенг. Бу дегани, ёпиқ иқтисодиёт (closed economy), яъни, ташқи дунё билан алоқалари бўлмаган ва давлатнинг иқтисодий жараёнларга аралашмагани шароитида ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг пулдаги миқдори уй хўжаликлари даромадининг умумий миқдорига тенг эканлигидир.

Давлат иштирокидаги очиқ иқтисодиётда айланма ҳаракат модели бирмунча мураккаблашади (1.6.2.-расм). Бундай моделга икки агент, яъни ҳукумат ва ташқи дунёни қўшиш натижасида мавжуд мувозанат бузилади, чунки «даромад-ҳаражат» оқимида *жамгарма, солик тўловлари* ва *импорт* кўринишдаги «оқимлар» пайдо бўлади.


**«Оқимлар»** - бир қисм миллий даромаднинг мамлакат ичкарисида ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан бошқасига сафарбар этилишидир. Бир вақтнинг ўзида «даромад-ҳаражат» оқимида *кинъекция* - яъни, инвестициялар, давлат ҳаражатлари ва экспорт кўринишидаги қўшимча маблағлар оқиб қуилиши мумкин.

**«Инъекциялар»** - мамлакат ичида ишлаб чиқарилган ҳар қандай маҳсулот ҳажмига истеъмолдаги ўзгариш туфайли қилинган қўшимча ҳаражатлардир. Айланма ҳаракат моделида гарчи уй хўжаликларининг ҳаражатлар юзасидан қилган қарорлари ва фирмаларнинг ишлаб чиқариш бўйича қабул қилган қарорлари аввалигидек қолса-да, аммо у энди бир оз мураккаблашади: трансферлар, субсидия, солиқлар ва бошқа иқтисодий дастаклар орқали давлат бундай шароитда ишлаб чиқариш, бандлик ва инфляция даражалари тебранишини тартибга солиб туради.

Агарда уй хўжаликлари камроқ сарфлашга аҳд қилсалар, у ҳолда фирмалар маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини пасайтиришга мажбур бўладилар, бу эса ўз навбатида ялпи даромадларнинг камайишига олиб келади. Маҳсулотларга бўлган талаб даражаси ишлаб чиқариш ва бандлик даражасини белгилаб беради, ишлаб чиқариш даражаси эса ишлаб чиқариш омиллари эгаларининг даромадлар даражасини белгилаб беради, улар (даромадлар) эса ўз навбатида ялпи талабни белгилайди.

*Айланма оқим моделининг асосий хуносалари:* реал ва пул оқимлари уй хўжаликлари, фирмалар, давлат ва ташқи дунё ялпи ҳаражатлари уларнинг ялпи ишлаб чиқариш ҳажмига тенг бўлган шароитидагина ҳеч қандай тўсиқсиз амалга ошишини таъминлайди. Ялпи ҳаражатларнинг ортиши бандлик, ишлаб чиқариш ва даромадлар ҳажмининг ошишига туртки беради; тобора ортиб бораётган даромадлардан эса яна иқтисодий агентларнинг ҳаражатлари молиялаштирилади, улар эса ўз навбатида яна ишлаб чиқариш омиллари эгаларига даромад кўринишида қайтади ва ҳоказо (1.6.3.-расм). Сабаб ва оқибат ўзаро ўрин алмашадилар, айланма оқим модели яна ўз навбатида айланма ҳаракат кўринишини ҳосил қиласди.

Агар ялпи талабни белгилаб берувчи ялпи ҳаражатлар пасайса, у ҳолда бандлик ва ишлаб чиқаришнинг ялпи ҳажми камаяди, бу эса ўз навбатида яна ялпи талабни белгилаб берувчи ялпи даромадларнинг камайишига олиб келади. Шунинг учун макроиктисодий сиёsatнинг энг муҳим вазифаси бўлиб ялпи талаб барқарорлигини белгилаб бериш ҳисобланади.



### 1.6.3.-расм. Даромадлар, ҳаражатлар, бандлик ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро боғлиқлиги

Бу масалани ҳал этишга макроиктисодий назариянинг турли оқим ва мактаб вакиллари турлича ёндашадилар. Кейнсча мактаб вакиллари ялпи ҳаражатлар барқарорлигини таъминлашни давлат ҳаражатлари, солиқлар ва пул таклифи катталигидаги ўзгаришлар орқали амалга оширишни таклиф этадилар. Монетаристлар эса иқтисодиёт барқарорлиги таъминланишида пул массасини ўзгартиришни универсал восита деб ҳисоблайдилар.

Неокейнсча йўналиш вакиллари макроиктисодий бошқарувнинг иш ҳақи даражаси ва нархларнинг паст даражада ўзгаришини иқтисодий агентларнинг кутиши билан боғлиқ бўлган концеп-

циясига асосланиб ўз назарияларини ишлаб чиқимокдалар. Рационал кутишнинг неоклассик моделида нарх ва иш ҳақи даражаси бозор конъюнктураси ўзгаришига тез жавоб беради, шунинг учун иқтисодиёт иқтисодий агентларнинг ҳукумат ва Марказий Банк сиёсатига ишончи шароитида тез барқарорлик ҳолатига эришади деган ғоя илгари сурилади.

## Қисқача хulosалар

1. Замонавий макроиқтисодиёт назариясига таниқли инглиз иқтисодчиси, Кембридж мактабининг вакили, лорд Жон Мейнард Кейнс (John Maynard Keynes) ўзининг «Бандликнинг умумий назарияси, фоиз ставкаси ва пул» (1936 й.) деб номланган фундаментал асарида асос солди.

2. Макроиқтисодиёт – бу мамлакат иқтисодиётини яхлит бир тизим сифатида ўрганувчи фан бўлиб, у иқтисодиёт назариясининг бўлими сифатида барқарор иқтисодий ўсиш, ресурсларнинг тўлиқ бандлиги, инфляция даражасини минималлаштириш, фискал сиёsat, монетар сиёsat, тўлов баланси мувозанатини таъминлаш каби қўпгина давлат аҳамиятига молик масалалар билан шуғулланади.

3. Микроиқтисодиёт ҳам макроиқтисодиёт каби иқтисодиёт назариясининг бўлими ҳисобланади. Микроиқтисодиёт истеъмолчи танлови ва фирма назарияларини ўзида мужассамлаштиради. *Микроиқтисодиёт* (microeconomics) алоҳида олинган иқтисодий агентлар: истеъмолчи (уй хўжалик) ва ишлаб чиқарувчи (фирма)лар даражасида улар иқтисодий ҳатти-харакатлари қонуниятларини тадқиқ этиб, улар нима учун иқтисодий қарорлар кабул қилишларини, шу билан бирга алоҳида олинган бозорларнинг амал қилиш тамойилларини ўрганади.

4. Макроиқтисодиёт иқтисодиёт назариясининг таркибий қисми сифатида иқтисодиёт назарияси каби қўпгина ижтимоий-иқтисодий, аниқ ва гуманитар фанлар билан узвий боғлиқ. Буларга: математика, фалсафа, психология, ҳуқуқ, тарихни ва бир қатор иқтисодий фанларни киритиш мумкин.

5. Иқтисодий жараёнларни таҳлил қилишда иқтисодиёт назарияси (жумладан микроиқтисодиёт ва макроиқтисодиёт) учун стандарт ҳисобланган диалектика ва мантиқнинг услуг ва тамойиллари қўлланиладики, бундай умумий услуг ва тамойилларига: абстрактлаштириш (мавҳумлаштириш), дедукция, индукция услу-

лари, таҳлил, синтез, эконометрик, башоратлаш, гипотеза усулари, норматив ва позитив таҳлилни қўшиб олиб бормоқ; умумлаштириш, «бошқа омиллар ўзгармас бўлганда» тамойилларидан фойдаланиш, иқтисодий агентларнинг рационал ҳаракатлари таҳмини ва бошқаларни киритишимиз мумкин.

6. Макроиқтисодий таҳлилнинг энг муҳим тамойили умумлаштириш ҳисобланади. Иқтисодиётни бир бутун даражада ўрганиш *умумлаштириши ёки агрегатлаши* (aggregation) тамойили орқали амалга оширилади. Макроиқтисодий таҳлил агрегатлашни талаб этади. Агрегатлаш – алоҳида элементларни бир бутун агрегатга бирлаштиришни ифодалайди. Агрегатлаш доимо абстрактлаштиришга асосланади, яъни унчалик аҳамиятга эга бўлмаган жиҳатларни чиқариб ташлаб, аҳамиятга молик бўлган иқтисодий жараён ва ҳодисаларнинг қонуниятларини ажратиб қўрсатиш демакдир.

7. Иқтисодий агентларнинг нисбатан типик ҳаракатига асосланган агрегатлаш тўртта *макроиқтисодий агентларни* ажратиб беради: уй хўжаликлари; фирмалар; давлат; чет эл сектори.

8. Бозорларни агрегатлаш тўртта макроиқтисодий бозорни ажратиш имконини беради: товар ва хизматлар бозори (реал бозор); молиявий бозор (молиявий активлар бозори); иқтисодий ресурслар бозори; валюта бозори.

9. Ёниқ иқтисодиёт автаркия ҳисобланиб, бундай мамлакат товар ва хизматларнинг экспорт ва импорт операцияларини амалга оширмайди. Очиқ иқтисодиётда муайян бир мамлакат турли мамлакатлар билан халқаро савдо ва молиявий муносабатларга киришади.

10. Ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизиғи мавжуд ресурслардан муқобил танлов асосида самарали фойдаланиш йўлини аниқлаш имконини берадиган оддий макроиқтисодий моделни ўзида мужассам этади.

11. Иқтисодий тизимларга одатда соф бозор, маъмурий-буйруқбозлик, аралаш ва анъанавий иқтисодий тизимлари киритилади.

12. Иқтисодий агентлар ҳаракатларининг энг типик жиҳатларини (агентларни агрегатлаш) ва бозорларнинг амал килишида нисбатан муҳим бўлган қонуниятларини (бозорларни агрегатлаш) аниқлаш макроиқтисодий боғлиқликларни агрегатлаш, яъни макроиқтисодий бозорларда макроиқтисодий агентлар ҳаракатлари қонуниятларини тадқиқ этиш имконини беради. Буни эса *маҳсулотлар, ҳаражатлар ва даромадларнинг доиравий айланиши*

чизмаси орқали тасвирлаш мумкин (ёки айланма оқим модели - model of circular flows).

13. Икки категорияли модел икки макроиктисодий агентдан, яъни уй хўжаликлари, фирмалардан ва икки бозордан - товар ва хизматлар бозори ва иқтисодий ресурслар бозоридан иборат. Бундай моделда давлат иқтисодий жараёнларга аралашмайди ва ушбу модел ташқи дунё билан ҳеч қандай алоқада бўлмайди деб таҳмин қилинади. Бундай кўринишдаги иқтисодий тизим ёпиқ бўлиб, бир иқтисодий агентларнинг даромадлари бошқа бир иқтисодий агентларнинг ҳаражатлари ҳисобланади. «Даромадлар-ҳаражатлар» ва «ресурслар-маҳсулотлар» оқимлари узлуксиз ва бир вақтнинг ўзида қарама-қарши йўналишларда ҳаракатланади.

14. Давлат иштирокидаги очиқ иқтисодиётда айланма ҳаракат модели бирмунча мураккаблашади. Бундай моделга икки агент, яъни ҳукумат ва ташқи дунёни қўшиш натижасида мавжуд мувозанат бузилади, чунки «даромад-ҳаражат» оқимида *жамгарма, солиқ тўловлари ва импорт* кўринишдаги «оқимлар» пайдо бўлади.

15. Маҳсулотларга бўлган талаб даражаси ишлаб чиқариш ва бандлик даражасини белгилаб беради, ишлаб чиқариш даражаси эса ишлаб чиқариш омиллари эгаларининг даромадлар даражасини белгилаб беради, улар (даромадлар) эса ўз навбатида ялпи талабни белгилайди. Шунинг учун кейнсча макроиктисодий сиёsat назариясининг энг муҳим вазифаси бўлиб ялпи талаб барқарорлигини таъминлаб бериш ҳисобланади.

## Таянч иборалар

Макроиктисодиёт, микроиктисодиёт, макроиктисодий сиёsat, агрегатлаш, макроиктисодий агентлар, макроиктисодий моделлар, эндоген ўзгарувчан кўрсаткичлар, экзоген ўзгарувчан кўрсаткичлар, норматив иқтисодиёт, позитив иқтисодиёт, оқимлар, инъекциялар, ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизифи, самарадорлик, муқобил ҳаражатлар, соф бозор иқтисодиёти тизими, маъмурий – буйруқбозликка асосланган иқтисодий тизим, аралаш иқтисодий тизим, анъянавий иқтисодий тизим, очиқ иқтисодиёт, ёпиқ иқтисодиёт, номинал ва реал айирбошлиш курслари, харид қилиш паритети (ППС) назарияси, ягона нарх қонуни тамойили, айланма оқим модели

## **П БОБ. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ НАТИЖАЛАРИНИ ИФОДАЛОВЧИ КҮРСАТКИЧЛАР. НАРХЛАР ИНДЕКСИ.**

2.1. Миллий иқтисодиёт ва унинг ривожланишини белгилаб берувчи омиллар.

2.2. Ялпи миллий маҳсулот ва уни ҳисоблашнинг усуллари.

2.3. Миллий хўжалик тизимидағи бошқа макроиқтисодий кўрсаткичларининг ўзаро нисбати.

2.4. Асосий макроиқтисодий тенгламалар.

2.5. Номинал ва реал кўрсаткичлар. Нархлар индекси.

2.6. Макроиқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблашнинг мураккабликлари. Миллий фаровонликни баҳолашнинг муаммолари.

2.7. Хуфёна (яширин) иқтисодиёт.

**Қисқача хulosалар**

**Таянч иборалар**

### **2.1. Миллий иқтисодиёт ва унинг ривожланишини белгилаб берувчи омиллар.**

*Миллий иқтисодиёт* (National economy) деганда, тарихан ягона ҳудуд доирасида таркиб топган маълум бир мамлакат ҳалқ хўжалиги тармоқларининг ўзаро бирлиги, уларнинг ўзаро меҳнат тақсимоти ва ягона мақсад йўлида жипслашуви тушунилади.

*Миллий иқтисодиёт* ягона хўжалик тизими сифатида унинг ўзига хос бўлган муносабатлар, бошқарув тизими ва инфратузилмаси, қонунчилиги бўлган мустақил давлатчиликни англаради. Миллий хўжаликни иқтисодиётнинг давлат, хусусий ва хорижий секторлари шакллантиради.

Шунинг учун «ҳалқ хўжалиги» атамаси ўтган асрнинг 1917-1991 йилларида ҳукм сурган СССР давлатчилигига унга тегишли бўлган собиқ иттифоқ республикаларини ўз ичига қамраб олган бўлиб, Ўзбекистон ҳам унинг таркибида умумиттифоқ меҳнат тақсимотига кўра пахта хом ашёсини етиштириб берувчи ролини бажаарар эди. Ўзбекистон бундай шароитда Собиқ Иттифоқнинг мақсад, вазифаларига ва шу билан бирга умумиттифоқ қонунчилигига бўйсунар эди.

Ўзбекистонда миллий иқтисодиёт унинг сиёсий ва давлат мустақиллигига эришганидан сўнг шаклана бошлади. Умуман

тариҳан миллий иқтисодиёт бутун бир тизим сифатида аввало капитализм даврида, миллий давлатчилик, меҳнат тақсимоти чуқурлашганда, ишлаб чиқаришда тармоқлар тобора ихтисослашиб борган шароитда юзага келган.

**Миллий иқтисодиёт ривожланишини белгилаб берувчи омиллар.** Миллий иқтисодиётга алоҳида олинган иқтисодий тизим сифатида ўз худудий чегараларида ташкил топган ёпиқ ёки бошқача айтганда, автаркия тизими сифатида қарамаслик керак. Миллий иқтисодиёт жаҳон иқтисодий тизимининг бир бўлاغи ҳисобланиб, унинг ривожланиши жаҳон иқтисодиёти ривожи билан узвий боғлиқдир. Шу сабабли миллий иқтисодиёт ривожланишига таъсир этувчи этувчи омилларни икки гурухга ажратиш мумкин:

- ташқи омиллар;
- ички омиллар.

*Ташқи омиллар* қуйидагилардан ташкил топган:

1. Сиёсий.
2. Иқтисодий.
3. Демографик.
4. Маданий.

*Сиёсий омиллар:*

- мамлакатлар ўртасида дипломатик алоқаларни ўрнатиш ёки тугатиш;
- иқтисодий иттифоқларни тузиш ёки йўқотиш;
- жаҳон бозорларига у ёки бу маҳсулотларни чиқариш бўйича эмбарго эълон қилиш;
- ҳар томонлама қулай муҳит яратиш ёки яратмаслик;
- у ёки бу мамлакатлар ўртасида уруш ёки тинчлик бўлиши ҳолатлари ва бошқалар.

*Иқтисодий омиллар:*

- халқаро меҳнат тақсимоти;

Жаҳон миқёсида бундай омиллар энг аввало у ёки бу мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимотида ихтисослашувига кўра бирор бир маҳсулотни ишлаб чиқаришга мослашганида деб қаралади. Масалан, табиат инъом этган шарт-шароитларга кўра Бразилия кофе етиширишга, Ҳиндистон чой, бир қатор араб давлатлари нефть ишлаб чиқаришга мослашган.

- импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқариш.

Бундай омиллар халқаро меҳнат тақсимотидан келиб чиқади, яъни мамлакатнинг импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар

етиштиришга интилишларида кўринади. Чунки у ёки бу маҳсулотни ишлаб чиқаришга ихтисослашган мамлакат ушбу товар ёки хизматни жаҳон бозорига келтириб беришда монопол ҳисобланади ва табиийки ушбу қарамлиқдан озод бўлиш учун бошқа мамлакатлар энди таркибий ўзгаришлар ҳисобига ўзларини таъминлашга ҳаракат қиласидар.

*Демографик омиллар.* Бундай омиллар иш кучи миграцияси билан боғлиқ. Масалан, баъзи бир мамлакатларда миграция жараёнлари ишсизликка олиб келса, баъзиларида уларнинг етишмовчилиги юзага келади. Аммо миграция жараёнларининг ижобий томонлари ҳам мавжуд, яъни юқори иш ҳақи олиш ниятида юрган шахслар (мигрантлар) ўз мамлакатлари иқтисодиётида бўлаётган ўзгаришларга таъсир этадилар.

*Маданий омиллар* иқтисодиётга қуидаги шароитларда таъсир этиши мумкин:

- оммавий маданиятнинг четдан кириб келиши оқибатида, масалан, киноматографияга тегишли маҳсулотнинг мамлакатга кириб келиши оқибатида илгари даромад олиб келаётган миллий киноматографияга талабнинг пасайиши ҳолати юзага келади;
- аудио-, видео- ва бошқа маҳсулотлар импортининг ортиши натижасида бошқа мамлакатларга валюта ресурсларининг чиқиб кетиши юз беради ва бошқалар.

## 2.1-жадвал

### Миллий иқтисодиёт ривожланишини белгилаб берувчи омиллар

<b>Ташқи омиллар</b>	сиёсий	- дипломатик алоқалар; - иқтисодий иттифоқлар; - эмбарго; - қулай муҳит; - сиёсий барқарорлик.
	иқтисодий	- ҳалқаро меҳнат тақсимоти; - импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқариш; - қулай инвестиция муҳити ва бошқалар.
	демографик	иш кучи миграцияси.
	маданий	- оммавий маданиятнинг кириб келиши;

		- маданий соҳага тегишли маҳсулотлар импортининг ортиши
<b>Ички омиллар</b>		табиий ресурслар; аҳолининг саводхонлик даражаси; илмий-техник ютуқлар; бозор муносабатларининг ривожланиш даражаси; давлат ижтимоий-иктисодий сиёсатининг натижалари; туғилиш ва ўлим даражаси ва бошқалар.

Миллий иқтисодиёт ривожланишини белгилаб берувчи **ички омилларга қўйидагилар киради**:

- табиий ресурсларнинг мавжудлиги, уларни ишлатиш ва қайта ишлаш даражаси;
- аҳолининг саводхонлик ва касбий тайёргарлик даражаси;
- мамлакат иқтисодиётининг илмий-техник ютуқларни ҳаётга татбиқ эта олишга қодирлиги;
- бозор муносабатларининг ривожланиш даражаси;
- давлат ижтимоий-иктисодий сиёсатининг натижалари ва бошқалар.

Шундай қилиб, миллий иқтисодиёт барқарорлиги ва ривожланишини, айниқса, ҳозир жадаллик билан ривожланиб бораётган глобализация жараёнлари шароитида жаҳон иқтисодий ҳамjamиятидан ажратиш мумкин эмас. Жаҳон хўжалиги алоҳида олинган мамлакатлар миллий хўжаликлари бирлигини ташкил этади ва улар ўзаро халқаро меҳнат тақсимоти, савдо, молия, ишлаб чиқариш ва илмий-техник жиҳатдан ўзаро узвий боғлиқдирлар.

## 2.2. Ялпи миллий маҳсулот ва уни ҳисоблашнинг усуллари

Макроиктисодий таҳлилда статистика ва миллий ҳисобчилик тизимида қўлланиладиган кўргина иқтисодий кўрсаткичлардан фойдаланишга тўғри келади. Миллий ҳисобчилик тизими доирасида баъзи бир асосий статистик агрегатлардан иқтисодий фаолликни макродаражада ўрганиш учун кенг қўлланилади.

Миллий ишлаб чиқариш ҳажмини белгилаб берадиган ва мамлакат даражасида иқтисодий фаолият натижаларини баҳолайдиган асосий макроиктисодий кўрсаткич – бу ялпи ички маҳсулот ( ЯИМ ) дир. Унинг динамикаси миллий иқтисодиёт қандай даражада ривожланаётганлигини, яъни ҳукумат томонидан

олиб борилаётган иқтисодий сиёсатга доир чора-тадбирлар қанчалик самарали эканлигини баҳолаш учун ишлатилади.

**Ялпи ички маҳсулот** (Gross Domestic Product - GDP) деганда, йил давомида иқтисодиётда (мамлакат ичкарисида) ишлаб чиқарилган барча пировард товар ва хизматларнинг умумий бозор қийматига айтилади.

Ушбу таърифнинг ҳар бир сўзи алоҳида изоҳни талаб этади:

- **умумий;** ЯИМ - бу умумий ишлаб чиқариш ҳажмини характерловчи агрегатланган кўрсаткичdir.

- **бозор;** ЯИМ қийматига фақатгина расмийлаштирилган битимларгина, яъни олди-сотди жараёни расмий равишда рўйхатдан ўtkазилган товарлар ва хизматларгина киритилади.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, ЯИМни ҳисоблашда баъзи бир норасмий битимлар маълум бир сабабларга асосан ҳисобга олинмайди. Буларга қуидагиларни киритиш мумкин:

а) ўз - ўзига меҳнат қилиш (масалан, кишилар ўзларига уй қурадилар, кийим-кечак тикадилар, тўқийдилар, уй-жой таъмири билан шуғулланадилар, телевизор ёки автомобильни таъмирлайдилар ва ҳакозо);

б) ўзга кишилар учун беминнат қилинадиган меҳнат (масалан, маҳалла ёки биродарлар ҳашарида иштирок этиш, касал беморга қараш, таниш ёки яқин кишини автомобилда манзилига элтиб қўйиш ва ҳакозо);

в) «яширин иқтисодиёт» ишлаб чиқарган товар ва хизматлар қиймати.

Булардан ташқари қайтадан сотилаётган (ушлаб турилган нарсалар) маҳсулотлар ҳам ЯИМ таркибиغا киритilmайди, чунки уларнинг наҳри ЯИМ таркибиغا ушбу маҳсулотни биринчи маротаба сотилаётган вақтда киритилган бўлади.

- **қиймат;** ЯИМ ялпи ишлаб чиқариш ҳажмининг пулдаги ифодасини ўлчайдиган кўрсаткич, яъни қиймат кўринишидаги ифодаси, бошқача бўлганда эди, у ҳолда олмалар билан кўйлакларни, автомобиллар билан компьютерларни кўшиб бўлмасди. Пуллар барча товарлар қийматларини белгилаб беришга ва иқтисодиётда ишлаб чиқарилаётган турли-туман товар ва хизматлар баҳосини ўлчаб, уларни баҳолашга хизмат қиласди.

- **пировад;** иқтисодиётда ишлаб чиқарилган барча маҳсулотлар пировард ва оралиқ маҳсулотга бўлинади. ЯИМни қайта

хисоблашга йўл қўймаслик мақсадида унга фақатгина пировад маҳсулот қийматини қўшиш мақсадга мувофиқдир.

**Пировард маҳсулот** – бу қайта ишлаш ёки қайта сотишга йўналтирилмаган, яъни, якуний истеъмолга мўлжалланган маҳсулотдир. Оралиқ маҳсулот эса ишлаб чиқариш ёки қайта сотиш жараёнига яна бир ёки бир неча бор йўналтирилади. Одатда оралиқ маҳсулотга хом-ашё, материаллар, ярим фабрикатлар ва бошқалар киради. Аммо ишлатиш усулига кўра бир товарнинг ўзи ҳам оралиқ, ҳам пировад маҳсулот бўлиши мумкин. Масалан, уй бекасининг таом тайёрлаш учун сотиб олган гўшти пировард маҳсулот ҳисобланиб, у тўғридан-тўғри истеъмолга йўналтирилади. «Диёр» ёки «Карвон» ресторани сотиб олган гўшт эса оралиқ маҳсулот ҳисобланади, чунки у қайта ишлатилади, яъни у ушбу ресторанлар «меню»сида белгиланган таомларни тайёрлашда ишлатилади (фақат шундан кейингина у пировад маҳсулотга айланади).

**ЯИМни** қайта ҳисоблашга йўл қўймаслик мақсадида унга фақатгина пировард маҳсулот қиймати қўшилади. Пировад товар ва хизматлар - бу пировард истеъмол, жамғарма ва экспортга йўналтирилган маҳсулотлардир. Ишлаб чиқариш жараёнида сарфланган оралиқ товар ва хизматлар (масалан, хом ашё, материаллар, ёқилғи, энергия, инструментлар, уруғлик, юк ташиш транспорти, ижара ҳақи хизматлари) нархи ЯИМга киритилмайди. Акс ҳолда қайтадан, яъни икки маротаба ҳисоблашга йўл қўйилган бўлар эди, чунки оралиқ маҳсулот нархи пировад маҳсулот таркибига киритилган бўлади.

• *товар ва хизматлар*; товар ва хизмат ҳисобланмайдиган ҳар қандай нарсалар ЯИМга киритилмайди. Товар ва хизматларни айирбошланишига ишлатилмайдиган ҳар қандай тўловлар ЯИМни ҳисоблашда ҳисобга олинмайди. Бундай тўловларга трансферт тўловлари ва молиявий битимларни киритиш мумкин:

- *трансферт тўловлари*: хусусий, давлат трансферт тўловларига бўлинади ва уларни совға тариқасида қабул қилиш мумкин. Хусусий трансферт тўловларига биринчи навбатда ота-онанинг фарзандларига, қариндош-уругларнинг бир-бирларига берадиган тухфаларини киритишмиз мумкин. Давлат трансферлари – бу давлатнинг уй хўжаликларига ижтимоий тизим йўналиши бўйича тўловлари (масалан, ишсизлик, ногиронлик, кам таъминланганлик

бўйича нафақалари) ва фирмаларга берилиши мумкин бўлган субсидияларидир. Трансфертлар ЯИМга киритилмайди, чунки:

а) трансферт бўйича товар ва хизмат учун ҳақ тўланмайди, яъни бундай тўлов натижасида ЯИМ катталиги ўзгармайди, янгидан ҳеч нарса яратилмайди, айтиш лозимки, ялпи даромад фақатгина қайта тақсимланади;

б) икки маротаба ҳисоблашга йўл қўймаслик лозим, чунки трансферт тўловлари уй хўжаликларининг истеъмол (уларнинг ихтиёридаги даромадларининг бир қисми ҳисобланади) ва фирмаларнинг инвестицион (субсидиялар қўринишида) ҳаражатларига киритилади.

- молиявий битимларга фонд биржаларидағи қимматли қоғозлар (акция ва облигациялар)нинг олди-сотди операцияларини киритиш мумкин. Бундай операциялар бажарилганда ҳеч қандай товар ёки хизмат бўйича тўловлар амалга оширилмайди, бундай битимлар ЯИМ катталигини ўзгартирмайди, улар фақатгина иқтисодий агентлар ўртасидаги маблағларни қайта тақсимлайди (аммо бунда шуни назарда тутиш лозимки, қимматли қоғозларни чиқаришдан келиб тушган даромад ЯИМ таркибиға киритилади, чунки бундай даромад иқтисодий ресурс бўйича тўлов ҳисобланади ва миллий даромаднинг бир қисми ҳисобланади).

• иқтисодиётда (*мамлакат ичкарисида*) ишлаб чиқарилган; бундай таъкидлаш ялпи ички маҳсулот кўрсаткичи (Gross Domestic Product) – ЯИМ билан ялпи миллий маҳсулот (Gross National Product) – ЯММ ўртасидаги фарқни тушуниш учун жуда муҳимдир. ЯММ – бу мамлакат ҳудудида ёки унинг ташқарисида мамлакат фуқаролари томонидан *миллий ишлаб чиқарии омиллари ҳисобига* ишлаб чиқарилган барча пировард товар ва хизматларнинг бозор қийматидаги ифодаси ҳисобланади.

Ялпи миллий маҳсулотни аниқлашда *миллийлик* хусусияти асосий мезон ҳисобланади. Ялпи ички маҳсулот – *миллий ёки хориждан келтирилган ишлаб чиқарии омиллари ҳисобига* (мамлакат ҳудудида) ишлаб чиқарилган барча пировард товар ва хизматларнинг бозор қийматидаги ифодаси ҳисобланади. ЯИМни аниқлашда ҳудудийлик омили асосий мезон саналади.

Кўпгина ривожланган мамлакатларда ЯИМ ва ЯММ ўртасидаги фарқ 1-2 %дан ошмайди. Ушбу кўрсаткичлар ўртасидаги сезиларли даражадаги фарқ бошқа мамлакат фуқаролариға хизматлар кўрсатувчи мамлакатлар учун хосдир (масалан, туризм

хизмати ривожланган мамлакатлар - Кипр, Греция, Мальта ва бошқалар - ёки банк хизматларини кўрсатувчи мамлакатлар – Люксембург, Швейцария).

• *бир йил давомида*; бу дегани, олдинги даврларда яратилган товар ва хизматлар қиймати энди ҳисоб қилинаётган йилдаги ЯИМда ҳисобга олинмайди, чунки улар олдинги йилларда ҳисобга олинган бўлади. Шунинг учун қайтадан ҳисоблашга йўл қўймаслик учун ЯИМга фақат ушбу йилда яратилган товар ва хизматлар қиймати қўшилади.

ЯИМ – бу ички маҳсулотдир, чунки у мазкур мамлакат резидентлари томонидан ишлаб чиқарилади. *Резидентлар* деб, уларнинг фуқаролиги ёки ишлаб чиқариш ресурсларига қўра ушбу мамлакатга (бир йилдан кам бўлмаган даврда) тегишли бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъий назар мамлакат ичкарисида фаолият юритувчи барча иқтисодий агентлар (корхоналар, уй хўжаликлари)га айтилади.

### **ЯИМни ҳисоблашнинг усуллари.**

ЯИМ ни ҳисоблашда З хил усулни қўллаш мумкин:

- *ҳаражатлар усули* (охирги ишлатилиши бўйича ҳисоблаш усули);
- *даромадлар усули* (таксимлаш усули);
- *қўшилган қиймат бўйича ҳисоблаш усули* (ишлаб чиқариш усули).

Ушбу барча усуллар бўйича ЯИМни ҳисоблаш бир хил натижа беради, чунки иқтисодиётда ялпи даромадлар ялпи ҳаражатларга тенг (1-боб, 1.6.га қаранг), қўшилган қиймат эса якуний маҳсулот қийматига тенг бўлади ва шуниси аҳамиятлики, бунда якуний маҳсулот қиймати истеъмолчиларнинг ялпи маҳсулотни сотиб олиш учун қилган ҳаражатларига тенг бўлади.

Шуни унутмаслик керакки, ЯИМ энг аввало ишлаб чиқаришни ифода этувчи кўрсаткич ҳисобланади ва ялпи ички маҳсулот - товар ва хизматлар ишлаб чиқаришда иштирок этган барча мамлакат резидентлари фаолиятининг якуний маҳсулотидир.

#### **1) ЯИМни ҳаражатлар усулида ҳисоблаш.**

ЯИМни ҳаражатлар усули бўйича ҳисоблашда уй хўжаликлари ва давлатнинг ҳаражатлари, ялпи инвестицияларга ҳаражатлар ва соф экспорт ҳаражати ҳисобга олинади. Умуман олганда эса, амалда бундай ҳаражатлар ишлаб чиқарилган ЯИМга бўлган ялпи талабни билдиради.

Ҳаражатлар усули бўйича ҳисобланган ЯИМ барча макро-иқтисодий агентларларнинг ҳаражатларини акс эттириб, бунда иқтисодиётда ишлаб чиқарилган товар ва хизматларга кимлар охирги истеъмолчи, ким уларни сотиб олишга маблағ сарфланлиги ҳисобга олинади.

ЯИМ ҳаражатлар усулида қуидагича ҳисобланади:

$$\text{ЯИМ} = C + I + G + X_n \quad (2.2.1)$$

бунда,

C – уй хўжаликларининг истеъмол ҳаражатлари;

I - ялпи инвестициялар;

G - давлат ҳаражатлари;

Xn - соф экспорт.

• *Истеъмол ҳаражатлари (consumption spending – C)* – бу уй хўжаликларининг товар ва хизматлар бўйича қилган ҳаражатларидир. Ушбу ҳаражатлар умумий ҳаражатларнинг асосий таркибий қисми ҳисобланади ва қуидагиларни ўз ичига олади:

- кундалик истеъмол ҳаражатлари, яъни қисқа муддатда ишлатиладиган товарлар (уларга бир йилдан кам муддат ичида хизмат қилувчи товарлар киритилади, аммо бунда қайд этиш жоизки, кийим-кечаклар 1 кун ёки 5-йил хизмат қиладими, қисқа муддатда ишлатиладиган товарлар таркибига киради);

- узоқ муддатда ишлатиладиган товарларга ҳаражатлар, яъни бундай товарлар бир йилдан ортиқ муддатга хизмат қилади (уларга мебель, майший техника, автомобиллар, яхталар, шахсий самолётлар ва бошқаларни киритиш мумкин ва буларга фақат уй-жойларни сотиб олиш бўйича ҳаражатлар киритилмайди, чунки улар уй хўжаликларининг истеъмолга эмас, балки инвестицияга қилган ҳаражати ҳисобланади).

- уй хўжаликларнинг хизматлар бўйича қилган ҳаражатлари (замонавий кундалик ҳаётимизни турли-туман хизмат турларисиз тасаввур этиш қийин, бундан ташқари уларга бўлган талаб истеъмолга бўлган умумий ҳаражатлар улушида кун сайин ортиб бормоқда).

Шундай қилиб:

*Истеъмол ҳаражатлари = кундалик истеъмол ҳаражатлари + узоқ муддатда ишлатиладиган товарларга ҳаражатлар (уй-жойларни сотиб олиш бўйича ҳаражатлар киритилмайди) + уй хўжаликларининг хизматлар бўйича қилган ҳаражатлари. (2.2.2)*

• *Инвестицияларга ҳаражатлар* (*investment spending - I*) – бу фирмаларнинг инвестиция товарлариға қилган ҳаражатларидир. Инвестиция товарлари деганда, капитал захираларини оширишни тушуниш лозим.

Инвестиция ҳаражатларига қўйидагилар киради:

- *асосий капиталга инвестициялар*: фирмаларнинг а) асбобускуна, жихозларга ва б) қурилишга (бино, иншоотлар қуришга) қилган ҳаражатлари;

- *уй-жой қурилишига инвестициялар* (уй хўжаликларининг уйжой сотиб олишга қилган ҳаражатлари);

- *захираларга инвестициялар*: товар-материал захиралар ўз ичига а) ишлаб чиқариш жараёни узлуксизлигини таъминловчи хом-ашё, материаллар захирасини; б) ишлаб чиқариш технологияси билан боғлиқ ҳозирда тугаб битмаган ишлаб чиқаришни; в) фирма ишлаб чиқарган ва ҳозирда сотилиб кетмаган тайёр маҳсулот захирасини олади.

Асосий капиталга ва уй-жой қурилишига инвестициялар ўзгармас (*fixed investment*) инвестициялар деб аталади. Захираларга инвестициялар (*inventory investment*) инвестицияларнинг ўзгарувчан қисми ҳисобланиб, ЯИМни ҳаражатлар усули бўйича ҳисоблаганда уларнинг умумий катталиги эмас, балки йил давомидаги бундай захираларнинг ўзгариш миқдори ҳисобга олинади.

Агар захира миқдори ошган бўлса, ЯИМ ҳам тегишли миқдорга ортади, чунки бунда захира ортишига сабаб бўлган қўшимча инвестициялар киритилган бўлади. Агарда захиралар катталиги камайган бўлса, бундай ҳолда ЯИМ тегишли катталикка камаяди, чунки ушбу йилда олдинги йилларда захирани тўлдирган маҳсулотлар сотилган бўлади. Шунинг учун ЯИМни захира камайгандаги катталикка пасайтириш лозим бўлади. Шундай қилиб, захира инвестициялари мусбат ёки манфий катталикда бўлиши мумкин бўлади.

Ҳаражатлар бўйича ЯИМни ҳисоблашда инвестициялар деганда, ялпи хусусий ички инвестициялар тушунилади. Ялпи инвестициялар (*gross investment - I<sub>gross</sub>*) тиклаш учун инвестициялар, яъни амортизация (*depreciation - A*) ва соф инвестициялар (*net investment – I<sub>net</sub>*)ни ўз ичига олади:

$$I_{gross} = A + I_{net} \quad (2.2.3)$$

Инвестицияларни тиклаш учун инвестиция – амортизация ва соф инвестицияга ажратиш факатгина асосий капиталга хос бўлиб,

унинг (асосий капиталнинг) хусусиятларидан келиб чиқади. Чунки захирага инвестициялар – бу соф инвестициялар ҳисобланади. Гап шундаки, ишлаб чиқариш жараёнида асосий капитал емирилади ва маълум даражада, яъни қисман ёки янгидан тикланишни талаб этади. Инвестицияларнинг асосий капитални емирилишини тиклаш учун йўналтирилиши *амортизация* (depreciation) дейилади. МХТда у «capital consumption allowances», яъни уни «истеъмол қилинган капитал қиймати» ёки иқтисодиётда «асосий капиталнинг истеъмоли» деб юритилади.

Соф инвестициялар – бу фирмалар капитал ҳажмини оширувчи қўшимча инвестициялардир. Соф инвестицияларнинг аҳамиятли жиҳати шундаки, улар ишлаб чиқаришни кенгайтириб, маҳсулот ҳажмини оширади. Агар иқтисодиётда соф инвестициялар  $I_{net} > 0$  мавжуд, яъни ялпи инвестициялар амортизация миқдоридан ортиқ ( $I_{gross} > A$ ) бўлса, ҳар бир кейинги йилда ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми олдинги йилдагига қараганда юқори бўлади.

Агар ялпи инвестициялар амортизация катталигига тенг ( $I_{net} = 0$ ) бўлса, у ҳолда «нолга» тенг иқтисодий ўсиш юз беради, бу дегани иқтисодиётда ҳар бир кейинги йилда олдинги йилдагига тенг бўлган маҳсулот ишлаб чиқарилади. Соф инвестициялар манфий бўлганда,  $I_{net} < 0$ , иқтисодиёт амортизацияни қоплаш даражасини ҳам таъминлаб беролмай қолади ( $I_{gross} < A$ ). Бундай иқтисодиёт пасайишга юз тутади ва охир-оқибатда чукур инқирозга учрайди.

***Соф инвестициялар = асосий капиталга соф инвестициялар + уй-жой қурилишига соф инвестициялар + заҳираларга инвестициялар. (2.2.4)***

МХТда инвестиция ҳаражатларига фақатгина хусусий инвестиция (private investment)лар, яъни хусусий фирмалар (хусусий сектор) инвестициялари киритилади ва давлат инвестициялари киритилмайди, сабаби, давлат инвестициялари давлатнинг товар ва хизматларга бўлган хариди ҳисобланади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ҳаражатларнинг бу қисмида фақатгина ички инвестициялар, яъни резидент фирмаларнинг ушбу мамлакат иқтисодиётига инвестициялари ҳисобга олинади. Резидент фирмалар (foreign investment)нинг хорижий инвестициялари ва чет эл фирмаларининг ушбу мамлакат иқтисодиётига

йўналтирган инвестициялари ялпи ҳаражатларнинг соф экспорт қисмига қўшилади. Агарда соф экспорт манфий бўлса, соф хорижий инвестициялар (net foreign investment) манфий, агарда у мусбат бўлса, унинг катталиги мусбат бўлади.

- Ялпи ҳаражатлар таркибий қисмининг учинчи элементи – *товар ва хизматларнинг давлат хариди (government spending - G)* бўлиб, у қуидагиларни ўз ичига олади:

- *Давлат истеъмоли* (иктисодиётни тартибга солиш, хавфсизлик ва ҳуқуқни ҳимоя этишда, сиёсий бошқарув, ижтимоий, ишлаб чиқариш инфраструктурасини таъминлашда қатнашадиган давлатнинг муассаса ва ташкилотлари фаолиятини таъминлаш бўйича ҳаражатлар, шунингдек давлат секторида ишловчи ходимлар иш ҳақини тўлаш ҳаражатлари);

- *Давлат инвестициялари* (давлат корхоналарининг инвестиция ҳаражатлари).

Бунда «товар ва хизматларнинг давлат хариди» (government spending) ва «давлат ҳаражатлари» (government spendings) тушунчалари ўртасидаги фарқни ажратиш муҳим. Охиргиси, яъни «давлат ҳаражатлари» (government spendings) трансферт, давлат облигациялари бўйича тўловларни ўз ичига олади ва улар юқорида таъкидланганидек, ЯИМ таркибига кирмайди. Чунки улар товар ва хизмат ҳисобланмайди, уларга айирбошланмайди ва фақатгина бунда ялпи даромад қайта тақсимланади.

• *Соф экспорт (net export – Xn)*. Ялпи ҳаражатлар таркибий қисмининг энг сўнгги элементи *соф экспорт*дир. У экспортдан тушган даромад (export – Ex) ва импорт ҳаражати (import - Im) ўртасидаги фарқни билдириб, тўлов баланси сальдосига тенгдир:

$$Xn = Ex - Im \quad (2.2.5)$$

Шундай қилиб,

**ЯИМ ҳаражатлар бўйича = истеъмолга ҳаражатлар (C) + ялпи инвестицияларга ҳаражатлар (Igross) + товар ва хизматларнинг давлат хариди (G) + соф экспорт (Xn).** (2.2.6)

ЯИМни ҳаражатлар усули бўйича ҳисоблагандা одатда унинг таркибида истеъмол ҳаражатлари – 60%, инвестициялар – 20% ва давлат ҳаражатлари 10%дан ортиқроқни ташкил этади. Умуман олганда, ЯИМни ҳаражатлар бўйича ҳисоблашда унинг таркибини ташкил этувчи компонентлардан энг салмоқли улушга эга

бўлгани – бу истеъмол ҳаражатлари бўлса, унинг энг ўзгарувчан таркибий қисми – инвестицияларга бўлган ҳаражатлар ҳисобланади.

Охирги ўн йилликлар ичида ЯИМнинг ҳаражатлар бўйича таркибий қисмидаги янги индустриал мамлакатлар деб ном олган Жанубий Корея, Сингапур, Тайван, Гонконг каби мамлакатларнинг инвестицияларга йўналтирган ҳаражатлари 30% - 40%ни ташкил этмоқда.

Шартли белги ва рақамларда ЯИМни ҳаражатлар усулида ҳисоблашни қуидаги жадвалда келтириб ўтамиш:

### 2.2.1.-Жадвал

#### **ЯИМни ҳаражатлар усулида аниқлаш (шартли белгиларда)**

№	ЯИМни товар ва хизматлар сотиб олишга мўлжалланган барча ҳаражатлар	Шартли белгилар	Миқдори
1	2	3	4
1	Уй хўжаликларининг истеъмол ҳаражатлари	C	63
2	Ялпи инвестициялар	I	20
3	Давлат ҳаражатлари	G	20
4	Соф экспорт	Xn	-3
	Жами: ЯИМ = C+I+G+Xn	Y	100

#### **2) ЯИМни даромадлар усулида ҳисоблаши.**

ЯИМни даромадлар усули бўйича ҳисоблашда уни барча иқтисодий ресурслар эгалари (уй хўжаликлари) даромадлари, яъни уларнинг омиллар бўйича даромадларининг йиғиндиси деб қаралади.

ЯИМни даромадлар усулида ҳисоблаш қуидагиларнинг йиғиндисидан таркиб топган:

$$\text{ЯИМ} = W + R + P + P_x + P_k + T + A \quad (2.2.7)$$

*Омиллар бўйича даромадларга қуидагилар киради:*

- **Хусусий фирмаларда ишловчиларнинг иш ҳақи (W)** (*wages and salaries*) - «мехнат» омили бўйича даромад ҳисобланиб, меҳнат хизмати бўйича тўловларнинг барча шаклларини ўз ичига олади: асосий иш ҳақи, унга қўшимча бўлган мукофотлар, турли

моддий кўринишдаги рағбатлантирувчи тухфалар, қўшимча иш учун иш ҳақи ва бошқалар (давлат хизматчиларининг иш ҳақи бу кўрсаткичга қўшилмайди, чунки у давлат бюджетидан (бюджет даромадларидан) тўланади ва омиллар бўйича даромад эмас, балки давлат харидининг бир қисми ҳисобланади;

• *Аренда тўлови ёки рента (R) (rental payments)* – «ер» омили бўйича кўчмас мулк эгаларининг даромади ҳисобланади ва у ўз ичига қўйидагиларни олади: яшашга яроқли ёки яроқли бўлмаган *ер участкалари* (бунда шуниси аҳамиятлики, агар уй эгаси арендага унга тегишли уй-жойни топширмасада, ЯИМни даромадлар бўйича ҳисоблашда ушбу аренда ҳисобидан олиши мумкин бўлган даромади ҳисобга олинади); бундай даромадлар «шартли аренда тўловлари» дейилади ва умумий рента тўловларига киритилади;

• *Фоиз тўловлари ёки фоиз (P) (percent payments)* - бу ишлаб чиқариш жараёнида капитал бўйича олинган даромад ёки капитални ишлатганлиги бўйича тўлов ҳисобланади. Фоиз тўловлари суммасига хусусий фирмаларнинг облигациялар бўйича тўлаган тўловлари киритилади, аммо бунга давлат облигациялари бўйича («давлат қарзи бўйича хизмат») фоиз тўловлари киритилмайди, чунки давлат облигациялари ишлаб чиқариш мақсадида эмас, давлат бюджети камомадини молиялаштириш учун чиқарилади;

• *Фойда* – бу ишлаб чиқариш омилларининг «тадбиркорлик қобилияти» ҳисобидан олган даромадидир. МХТда фойда корхоналарнинг ташкилий-хуқуқий шаклига кўра икки қисмга бўлинади:

- *иқтисодиётнинг нокорпоратив секторидан олинган фойда (Р<sub>х</sub>)*, у якка тартибда ва шерикчилик асосида ташкил этилган фирмаларнинг фойдасини ўз ичига олади, бундай фойда «хусусий мулк эгасининг даромади» (proprietors' income) номини олган;

- *иқтисодиётнинг корпоратив секторидан олинган фойда (Р<sub>к</sub>)*, бундай фойда хусусий мулкчиликнинг акциядорлик шаклига асосланган бўлади (акциядор капиталига) ва у «корпорациялар фойдаси» деб аталади. Корпорациялар фойдаси 3 га бўлинади: 1) корпорациялар фойдасига солиқлар (у давлатга тўланади); 2) дивидендер (фойданинг тақсимланадиган қисми), корпорациялар уларни акциядорларга тўлайдилар; 3) корпорацияларнинг тақсимланмаган фойдаси, фойданинг бу қисми давлат солиқлари ва акция

эгаларининг дивидентлар бўйича ҳисоб - китобларидан кейин фирмалар ихтиёрида қолиб, фирмалар уни соф инвестицияларни молиялаштириш ва ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун сарфлайдилар. Охиргиси албаттта ўз ўринда иқтисодий ўсишга олиб келади.

ЯИМни даромадлар бўйича ҳисоблаганда унга омиллар даромадидан ташқари яна икки элемент қўшилади, аммо улар иқтисодий ресурслар эгаларининг даромади ҳисобланмайди:

- *бизнесга эгри солиқлар* (Т). Солиқ – бу уй хўжалиги ёки фирманинг маълум бир пулларни мажбурий (қонуний) равишда давлатга (товар ва хизматларга айирбошламасдан туриб) тўлайдиган тўловидир.

Солиқлар тўғри ва эгри солиқларга бўлинади. Тўғри солиқларга даромад солиғи, мулк ва мерос бўйича солиқлар киритилади. Тўғри солиқда солиқ тўловчи ва уни давлатга элтиб берувчи битта иқтисодий агент ҳисобланади. Эгри солиқлар – бу товар ёки хизмат нархининг бир қисми ҳисобланади. Эгри солиқларнинг характерли хусусияти шундаки, уларни товар ва хизматни харид қилувчи истеъмолчи тўласа, уни давлатга шу товар ёки хизматни ишлаб чиқарган фирма тўлайди.

Шундай қилиб, эгри солиқларда солиқ тўловчи ва уни элтувчи ҳар хил иқтисодий агент ҳисобланади. ЯИМ ишлаб чиқарилган барча товар ва хизматларнинг қийматини ифодаловчи кўрсаткич бўлганлиги сабабли, ҳар қандай товар нархига эгри солиқлар киради ва ЯИМни ҳисоблашда уни омиллар даромадига киритиш лозим. Солиқлар давлатнинг даромади ҳисоблансада, улар омиллар даромади ҳисобланмайди, чунки давлат макроиктисодий агент сифатида иқтисодий ресурслар эгаси ҳисобланмайди.

- ЯИМни даромадлар бўйича ҳисоблашда қўшиладиган иккинчи бир элемент - бу *амортизация* (А), чунки у ҳам ҳар қандай товарнинг нархига қўшилади.

Шундай қилиб,

**ЯИМдаромадлар бўйича = иш ҳақи (W) + аренда тўловлари ёки рента (R) + фоиз тўловлари ёки фоиз (P) + хусусий мулк эгасининг даромади ( $P_x$ ) + корпорациялар фойдаси ( $P_k$ ) + бизнесга эгри солиқлар (T) + амортизация (A) (2.2.8).**

### 3) ЯИМни «қўшилган қиймат» усулида ҳисоблаш.

ЯИМни ҳисоблашнинг учинчи усули - бу «қўшилган қиймат» бўйича ҳисоблашdir. Бу дегани, иқтисодиётнинг барча тармоқлари

ва ишлаб чиқаришлари бўйича қўшилган қийматларни қўшиб чиқиш демакдир. Масалан, кўпгина мамлакатларнинг иқтисодиёти секторга бўлинган: саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, хизмат кўрсатиш соҳаси ва бошқалар. Бу секторларнинг ҳар бири учун қўшилган қийматларнинг йиғиндиси жамланиб ҳисобланади.

## 2.2.2.-Жадвал


### **ЯИМни барча даромадлар бўйича аниқлаш (шартли белгиларда)**

№	ЯИМни барча даромадлар бўйича ҳисоблашнинг таркиби	Шартли белгилар	Миқдори
1	Хусусий фирмаларда ишловчиларнинг иш ҳақи	W	57
2	аренда тўловлари ёки рента	R	0,5
3	фоиз тўловлари	P	10
4	хусусий мулк эгасининг даромади	P <sub>x</sub>	6
5	корпорациялар фойдаси	P <sub>k</sub>	8,5
6	бизнесга эгри солиқлар	T	6
7	амортизация	A	12
	Жами: ЯИМ = W + R + P + P <sub>x</sub> + P <sub>k</sub> + T + A	Y	100

Шуни унутмаслик керакки, ЯИМни ҳисоблашнинг турли усуллари бир хил натижа бериши лозим. Назарий жиҳатдан олиб қараганда, ҳар бир фирма томонидан қўшилган қиймат (ишлаб чиқаришнинг ҳар бир босқичида) якуний маҳсулот қийматига тенгдир. Бошқа томондан олиб қаралганда, қўшилган қиймат фирма даромади билан унинг бошқа фирмалардан сотиб оладиган маҳсулотларига сарфлаган ҳаражатлари ўртасидаги фарқ деб қараш мумкин, яъни унинг соғ даромадидир.

Оралиқ маҳсулот – бу қайта ишлаш ёки қайта сотишга мўлжалланган маҳсулотдир. Якуний маҳсулот – бу якуний ишлатиш (истеъмол ёки жамғарма) учун харид қилинадиган товар ва хизматлардир. Якуний маҳсулот нархига оралиқ маҳсулотнинг нархи киритилган бўлиб, уни яна қайта киритиб ҳисоблаш ЯИМни икки маротаба ҳисоблашга олиб келади, яъни якуний маҳсулот деб сотилган товар ёки хизмат нархига ишлаб чиқариш жараёнининг ҳар бир босқичида қўшиб борилган қўшимча қиймат миқдори қайтадан киритилган бўлади.

**ЯИМни** «қўшилган қиймат» усулида ҳисоблашни автомобиллар ишлаб чиқариш ва уларни сотиш мисолида кўриб ўтайлик.



## 2.2- расм. Автомобил нархининг шаклланиш жараёни

$$\text{ЯИМ} = \Sigma \text{ қўшилган қиймат} = 5+7+(15-12) + (17-15) + (18-17) = 5+7+3+2+1=18$$

Агарда ЯИМ нархига барча товарлар (кўмир, темир, пўлат, автомобиль ва бошқалар)нинг сотилиши мумкин бўлган нархларини ҳар бирини алоҳида киритсак, у ҳолда кўмир, руда ва бошқаларнинг нархи оралиқ товарлар нархидаги ишлаб чиқарининг турли босқичларида ҳисобга олинганлиги сабабли, ЯИМ бўрттириб кўрсатилган бўлади. Шунинг учун ЯИМни қўшимча қиймат усулида ҳисоблашда унга ишлаб чиқарининг ҳар бир босқичида яратилган қўшимча қиймат қўшилиб ҳисобланади.

### 2.3. Миллий хўжалик тизимидағи бошқа макроиктисодий кўрсаткичларининг ўзаро нисбати.

Юқорида айтилганидек, ялпи маҳсулотнинг МХТдаги асосий кўрсаткичлари булат:

- ✓ ялпи ички маҳсулот (**ЯИМ**);
- ✓ ялпи миллий маҳсулот (**ЯММ**);
- ✓ соғ миллий маҳсулот (**СММ**).

Ялпи даромаднинг МХТдаги асосий кўрсаткичлари эса:

- ✓ миллий даромад (**МД**);
- ✓ шахсий даромад (**ШД**);
- ✓ ихтиёрдаги шахсий даромад (**ИШД**).

ЯИМ (Gross Domestic Product – **GNP**)нинг ЯММ (Gross National Product – **GDP**)дан фарқи юқорида ҳам қисман кўриб ўтилган эди.

Умуман олганда, ЯММ кўрсаткичи катталиги ЯИМ кўрсаткичи катталигидан соф омиллар даромади (СОД) микдорига фарқ қиласди:

$$\begin{aligned} \mathbf{ЯММ} &= \mathbf{ЯИМ} + \mathbf{СОД} \\ &\text{тегишилича,} \\ \mathbf{ЯИМ} &= \mathbf{ЯММ} - \mathbf{СОД} \quad (2.3.1) \end{aligned}$$

Соф омиллар даромади катталиги - бу ушбу мамлакат фуқаро (резидент)ларига тегишли бўлган *миллий* ишлаб чиқариш омиллари ҳисобига бошқа мамлакатларда олган даромадлари билан шу мамлакатда чет эл фуқаро (норезедент)ларининг уларнинг ишлаб чиқариш омиллари ҳисобига олган даромадлари ўртасидаги фарқдир. Бу фарқ мусбат (агарда ушбу мамлакат фуқароларининг чет элдан олган даромадлари чет эл фуқароларининг ушбу мамлакатда олган даромадларидан юқори бўлса, бундай ҳолда **ЯММ** кўрсаткичи катталиги **ЯИМ**дан катта) ёки манфий (агарда чет эл фуқаролари бу мамлакатда ушбу мамлакат фуқароларининг чет элдан олган даромадларидан юқори даромад олган бўлсалар, бунда **ЯИМ** кўрсаткичи катталиги **ЯММ**дан катта) бўлади.

Бозор иқтисодиёти мамлакатларида асосий макроиктисодий кўрсаткичлар МХТ ёрдамида аниқланади ва маълум вақт ёрдамида миллий иқтисодиёт ривожланишининг пировард натижаларини ифодалайди. Ягона услуг асосида ҳисобланган бу кўрсаткичлар ўзаро бир-бирлари билан боғлиқ бўлади. Бундай ўзаро боғлиқлик ва макроиктисодий кўрсаткичларнинг ўзаро нисбати 2.3 - жадвалда акс эттирилган.

Соф миллий маҳсулот (Net National Product – **NNP**), келгусида СММ деб атаемиз, ишлаб чиқариш ҳажмини характерловчи **ЯММ**дан фарқли ўлароқ иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш потенциалини характерлайди. Чунки у ўз ичига фақатгина соф инвестицияларни олиб, тикланадиган инвестиция (амортизация)ларни ҳисобга олмайди. Шунинг учун СММни ҳисоблаш учун **ЯММ**дан амортизацияни айриш лозим:

$$\mathbf{СММ} = \mathbf{ЯММ} - \mathbf{A} \quad (2.3.2)$$

СММни ҳаражатлар ва даромадлар бўйича ҳисоблаш мумкин.

**СММхаражатлар бўйича = истеъмолга ҳаражатлар (C) + соф инвестицияларга ҳаражатлар (Inet) + товар ва хизматларнинг давлат хариди (G) + соф экспорт (Xn).**

**СММдаромадлар бўйича = иш ҳақи + аренда тўловлари (шартли аренда тўловлари) + фоиз тўловлари + хусусий мулк эгаларининг даромади + корпорациялар фойдаси + бизнесга эгри солиқлар.** (2.3.4)

### 2.3-жадвал

#### **МХТ да ҳисобланадиган асосий макроиктисодий кўрсаткичларнинг ўзаро нисбати**

Кўрсаткичлар	Шартли белгилар	Микдор
1	2	3
1. Ялпи ички маҳсулот - амортизация	<b>ЯИМ</b> А	100 12
2. Соф миллий маҳсулот - бизнесдаги эгри солиқлар	<b>СММ</b> t	88 5
3. Миллий даромад - ижтимоий суғурта тўловлари; - корпорация даромадларига солиқлар; -корпорацияларнинг тақсимланмайдиган даромадлари; + трансферт тўловлари	<b>МД</b> ИСТ КДС КТД TR	83 8 3 2 18
4. Шахсий даромад - индивидуал солиқлар	<b>ШД</b> ИС	88 10
5. Ихтиёрдаги шахсий даромад	<b>ИШД</b>	78

Миллий даромад (National Income - NI), келгусида МД деб атаемиз, – бу иқтисодий ресурслар эгаларининг ишлаб топган ялпи даромадларидир, яъни омиллар даромадининг йифиндисидир. Уни қуидагича ҳисоблаш мумкин:

а) агарда СММдан бизнесга эгри солиқларни айирсак:

$$MD = CMM - \text{бизнесга эгри солиқлар} \quad (2.3.5)$$

б) ёки барча омиллардан олинган даромадларни қўшсак:

**MD = иш ҳақи + аренда тўловлари (шартли аренда тўловлари) + фоиз тўловлари + хусусий мулк эгасининг даромади + корпорациялар фойдаси** (2.3.6)

Шахсий даромад (Personal Income - PI), келгусида ШД деб атайдиз. Миллий даромаддан фарқли равишда у иқтисодий ресурс эгаларининг олган ялпи даромадлариdir. Шахсий даромадни ҳисоблаш учун МДдан уй хўжаликлари ихтиёрига келиб тушмайдиган барча бошқа даромадларни, яъни шахсий эмас, балки жамоага тегишли қисмини айириб, улар даромадини оширадиган ва МДга қўшилмайдиган даромадларни қўшиш керак бўлади:

**ШД = МД – ижтимоий суғурта тўловлари – корпорациялар фойдасига солиқлар – корпорацияларнинг тақсимланмаган фойдалари + трансфертлар + давлат облигациялари бўйича фоизлар**

ёки

**ШД = МД – ижтимоий суғурта тўловлари – корпорациялар фойдаси + дивиденdlар + трансфертлар + давлат облигациялари бўйича фоизлар (2.3.7)**

Ялпи даромадларнинг учинчи тури – ихтиёрдаги шахсий даромад (Disposal Personal Income – DPI) ҳисобланиб, бу даромад уй хўжаликлари ихтиёридадир. У шахсий даромаддан иқтисодий ресурслар эгалари тўлаши мажбурий бўлган индивидуал тўғри солиқлар (энг аввало даромад солиғи) катталигига фарқ қиласи:

**ИШД = ШД – индивидуал солиқлар (2.3.8)**

**ИШД = С + S (2.3.9)**

бунда,

С – истеъмол;

S – жамғарма.

Уй хўжаликлари ўзларининг ихтиёридаги даромадларини истеъмол (consumption - C) ва жамғармага йўналтирадилар (saving - S).

## **2.4. Асосий макроиқтисодий тенгламалар.**

Ялпи ички маҳсулотнинг ЯИМ= С+I+G+Xn қўринишида келтирилган тенглиги асосий **макроиқтисодий тенглама** деб аталади.

**ЯИМ= С+I+G+Xn (2.4.1)**

бунда,

ЯИМ - ялпи ички маҳсулот;

С - истеъмол ҳаражатлари;

I - инвестиция ҳаражатлари;

G - давлат ҳаражатлари;

Xn - соф экспортга бўлган ҳаражатлар.

Макроиктисодий таҳлилда бошқа бир қатор тенгламалардан ҳам фойдаланилади ва қуида биз уларни келтириб ўтамиз.

**Жамғарма ва инвестициялар тенгламасини** келтириб чиқариш учун аввало ёпиқ иқтисодиётни қўриб ўтамиз, унда давлат сектори (солиқлар) иштирок этмайди:

$$\text{ЯИМга ҳаражатлар} = \text{Истеъмол} + \text{Инвестициялар} \quad (2.4.2)$$

Жамғарма (S) даромаднинг истеъмолдан қолган қисми деб қаралса, у ҳолда:

$$\text{ЯИМ даромад бўйича} = \text{Жамғарма} (S) + \text{Истеъмол} (C) \quad (2.4.3)$$

Даромад ва ҳаражатлар бўйича ЯИМ ўзаро тенг бўлганлиги сабабли, юқоридаги тенгламаларнинг ўнг томонларини тенглаштирасак:

$$C + I = S + C, \text{ ёки } I = S \quad (2.4.4)$$

Бу тенглама таҳлилига давлат ва чет эл секторини қўшсак, у янада мураккаблашади.

Жамғармаларни бир нечта турга ажратиш мумкин:

1) *шахсий жамғарма* (*personal savings*) ёки уй хўжаликларининг жамғармалари, у ихтиёрдаги шахсий даромад ва истеъмол ўртасидаги фарқдир:

$$S_{\text{personal}} = \text{ИШД} - C \quad (2.4.5)$$

2) *бизнес жамғармалари* (*savings of business*), ўз ичига корпорацияларнинг тақсимланмаган фойдаси ва амортизацияни олади, улар эса ўз навбатида ишлаб чиқариши кенгайтириш учун асос ва ички манбаа бўлиб хизмат қиласди;

3) *хусусий жамғармалар* (*private savings*), хусусий сектор жамғармалари, улар уй хўжаликлари ва фирмаларнинг жамғармалари йиғиндисидан ташкил топган, яъни шахсий ва бизнес жамғармаси йиғиндисидир:

$$S_{\text{private}} = S_{\text{personal}} + S_{\text{business}} \quad (2.4.6)$$

4) *давлат жамғармалари* (*government savings*), бундай жамғармалар давлат бюджетида ортиқчалиқ, яъни давлат бюджети мусбат сальдога эга бўлганда, бюджет даромадлари унинг ҳаражатларидан юқори бўлганда жамғарилади.

$$S_{\text{government}} = \text{бюджет даромади} - \text{бюджет ҳаражати} > 0 \quad (2.4.7)$$

Давлат бюджети даромадларига барча солиқ тушумлари, давлат корхоналаридан олинадиган фойда, хусусийлаштиришдан олинган даромад ва бошқаларни киритиш мумкин:

*Бюджет даромадлари* = индивидуал солиқлар + корпорациялар фойдасига солиқлар + бизнесга эгри солиқлар + ижтимоий суғурта тўловлари + давлат корхоналари фойдаси + хусусийлаштиришдан олинган даромад

*Бюджет ҳаражатлари* = товар ва хизматларнинг давлат хариди + трансфертлар + давлат облигациялари бўйича фоизлар.

$$\begin{aligned} \text{Бюджет сальдоси} &= \text{бюджет даромадлари} - \text{бюджет} \\ &\quad \text{ҳаражатлари} \end{aligned}$$

5) *Миллий жамғармалар* (national savings) – хусусий ва давлат жамғармалари йиғиндисидан иборатdir:

$$S_{\text{national}} = S_{\text{private}} + S_{\text{government}} \quad (2.4.8)$$

6) *Чет сектори жамғармалари* (foreign sector savings), бу ушбу мамлакат савдо баланси дефицит (манфий сальдо) ҳолатида, яъни импорт экспортдан юқори бўлса, бошқача айтганда, соғ экспорт манфий бўлганда юзага келади. Бу дегани, чет эл секторининг ушбу мамлакатга сотган товар ва хизматлар (ушбу мамлакат учун бу – импорт бўйича ҳаражатлар)дан тушган даромади бу мамлакатнинг товар ва хизматларни сотиб олиш бўйича қилган ҳаражатларидан (бундай мамлакат учун бу экспортдан олинган даромад ҳисобланади) юқорилигини билдиради:

$$S_{\text{foreign}} = I_m - E_x > 0 \quad (2.4.9)$$

Барча секторлар жамғармаларининг йиғиндиси (хусусий, давлат ва чет эл) ялпи инвестициялар катталигига tengdir:

$$I = S_{\text{private}} + S_{\text{government}} + S_{\text{foreign}} = S + (T - G) + (I_m - E_x) \quad (2.4.10)$$

*Хусусий жамғармалар* даромадлар, трансфертлар, давлат хизмати бўйича фоиз тўловлари йиғиндиси ва ундан солиқлар, истеъмолни айирганга tengdir, яъни:

$$S_{\text{private}} = (Y + TR + N - T) - C \quad (2.4.11)$$

бунда,

$Y$  – даромад;

$T$  – солиқлар;

TR – трансферлар;

C – истеъмол.

N - давлат хизмати бўйича фоиз тўловлари;

Давлат жамғармалари қўйидагича аниқланади:

$$S_{\text{government}} = (T - TR - N) - G \quad (2.4.12)$$

Баъзида МХТ бўйича ҳисоблаш лозим бўлган масалаларда оқим ва инъекциялар катталикларини аниқлаш керак бўлади. Бундай ҳолатда *оқимларга* қўйидагилар киради: хусусий жамғармалар, уларга ўз ўринда шахсий ва бизнес жамғармалари киради; барча турдаги солиқлар, жумладан ижтимоий суғурта тўловлари; импорт; *инъекциялар* булат: соф инвестицияларга ҳаражатлар, товар ва хизматларнинг давлат хариди, дивиденdlар, трансферлар, давлат облигациялари бўйича фоиз тўловлари, ва экспорт.

## 2.5. Номинал ва реал кўрсаткичлар. Нархлар индекси

МХТнинг барча асосий кўрсаткичлари йил давомида иқтисодий фаолиятнинг натижаларини жорий йил нархларида акс эттиради ва шунинг учун улар номинал кўрсаткичлар ҳисобланади. Аммо номинал кўрсаткичлардан ўзаро мамлакатлар ёки битта мамлакатнинг турли даврларда ижтимоий-иктисодий ривожланиш даражасини қиёслаш учун фойдаланиш мушкул, чунки улар нархлар даражаси таъсири остида бўлади. Бундай қиёслашни фақатгина ўзгармас (солиштирма ёки базис) нархларда ҳисобланган реал кўрсаткичлар (ишлиб чиқаришнинг реал ҳажми ва даромаднинг реал даражаси) орқали амалга ошириш мумкин бўлади. Шу сабабли номинал ва реал (нарх даражаси ўзгаришидан холос бўлган) кўрсаткичларни алоҳида ўрганиш ва уларни тушуниб олиш муҳим аҳамиятга эга.

**Номинал ЯИМ** – бу жорий нархларда, яъни ушбу йил нархларида ҳисобланган кўрсаткич бўлиб, у қиймат кўрсаткичи ҳисобланади ва шунинг учун нархлар даражасининг ўзгариши унинг катталигига таъсир кўрсатади.

Номинал ЯИМга иккита омил таъсир кўрсатади:

- 1) ишилб чиқариш реал ҳажмининг ўзгариши;
- 2) нархлар даражасининг ўзгариши.

Реал ЯИМни ҳисоблаш учун эса номинал ЯИМни унга таъсир этувчи нархлар даражасидан «холос этиш» лозим бўлади.

**Реал ЯИМ** – бу қиёсий нархларда, яъни ўзгармас ёки базис йил нархларида ҳисобланган ялпи ички маҳсулотдир. Бунда базис йил қилиб исталган йилни олиш мумкин, яъни танланган базис йил жорий йилдан олдин ҳам, ундан кейин ҳам бўлиши мумкин (масалан, 1980 йил учун реал ЯИМни ҳисоблаш учун 1999 йил нархлари базис йил қилиб олиниши мумкин ёки аксинча. 1999 йил учун 1980 йил нархлари базис йил деб қабул қилинади). Шундай қилиб, реал ЯИМ қуидагича аниқланади:

$$\text{Реал ЯИМ} = (\text{Номинал ЯИМ} / \text{Нархлар индекси}) \times 100\% \quad (2.5.1)$$

Агарда номинал ЯИМ, реал ЯИМ ва нархлар умумий даражасининг фоиздаги ўзгариши маълум бўлса, у ҳолда уларнинг ўзаро нисбати қуидагича бўлади:

$$\text{Реал ЯИМнинг ўзгариши (\%ларда)} = \frac{\text{номинал ЯИМнинг ўзгариши (\%ларда)}}{\text{умумий нархлар даражасининг ўзгариши (\%ларда)}} \quad (2.5.2.)$$

Масалан, агар номинал ЯИМ 15%га ошса, инфляция суръатлари 10%ни ташкил этса, у ҳолда реал ЯИМ 5%га ортади. Аммо ушбу формуласи нархларнинг умумий даражаси, яъни инфляция даражаси паст даражада ўзгарганда қўллаш тавсия этилади.

Нархларнинг умумий даражаси нархлар индекси орқали ҳисобланади. Базис йилда номинал ЯИМ реал ЯИМга teng бўлади, нархлар индекси эса 100%га ёки 1га teng бўлади. Нархлар индекси инфляция суръатларидағи ўзгаришни акс эттиради. Нархлар индекси ҳисобланганда ЯИМ дефлятори, истеъмол нархлар индекси ва турли товарлар гурӯҳларининг нарх индекслари ҳисобланади.

Агарда нархлар индекси 1 дан кичик бўлса, номинал ЯИМ корректировкаси ЯИМ кўрсаткичи миқдори ортишига томон ўзгаради ва бу **инфляциялаш** деб аталади. Нархлар индекси 1 дан катта бўлганда, номинал ЯИМ корректировкаси ЯИМ кўрсаткичи миқдори камайишига томон ўзгаради ва бу **дефляциялаш** деб аталади.

Мисол. Қуидада икки йиллик гипотетик (тажминий) маълумот мавжуд дейлик:

## 2.5.1.-жадвал

Йиллар	Номинал ЯИМ (млрд.\$)	ЯИМ дефлятори (%)
2010	60,2	100
2014	70	130

Бу жадвал кўрсаткичлариға кўра, 2014 йилда реал ЯИМни ҳисоблаб топиш учун қўйидаги оддий математик амални формулага кўра бажариш лозим бўлади, бунда асос (базис) йил бўлиб 2010 йил хизмат қиласи: реал ЯИМ =  $70 / 1,3 = 53,8$  (млрд.\$) ёки реал ЯИМ =  $(70 / 130) \times 100\% = 53,8\%$  (млрд.\$).

**Нархлар индекси.** Нарх индекси инфляция суръатлари ўзгариши, маълум бир даврда ҳаёт даражасининг қийматини баҳолаш учун ҳисобланади.

Нарх индекси маълум бир даврда товар ва хизматларга бўлган ўртacha умумий нархларни базис йилдаги ўртacha умумий нархларга нисбати билан аниқланади.

Истеъмол, улгуржи, чакана нархлар индекси, ишлаб чиқарувчилик нархлари индекси, шунингдек экспорт ва импорт маҳсулотлари нархлари индекси, саноат товарлари нархлари индекси ва бошқа турдаги индекслар мавжуд.

Асосий агрегатланган индекс кўрсаткичи – бу ЯИМ дефлятори (ЯИМ нархлар индекси)дир ва у қўйидагича ҳисобланади:

### **ЯИМ дефлятори = Номинал ЯИМ / Реал ЯИМ (2.5.3)**

ЯИМ дефлятори ўртacha нарх индекси (нархлар даражаси) бўлиб, унда ЯИМни ташкил этувчи барча турдаги товар ва хизматлар ҳисобга олинади.

Дефлятор жорий даврдаги ишлаб чиқариш ҳажмини базис йил нархларида аниқлаш имконини беради, бу билан реал ва номинал ЯИМ ўртасида боғлиқлик ўрнатади.

ЯИМ дефлятори барча якуний товар ва хизматлар нархларини ўз ичига олади:

- истеъмол товар ва хизматлар нархи;
- инвестиция товарлари ва хизматлари нархи;
- давлат харидига мўлжалланган товар ва хизматлар нархи;
- хорижий истеъмолчилар сотиб олган товар ва хизматларнинг нархлари.

Аҳоли турмуш даражасининг қиймати ҳақидаги маълумотни **истеъмол нархлар индекси** беради. Истеъмол нархлар индекси «истеъмол савати» қиймати ўзгаришини кўрсатади. *Истеъмол нархлар индекси* (ИНИ ёки CPI – consumer price index)ни ҳисоблашда бозор саватига оддий шаҳар оиласининг истеъмолига мўлжаллангин товар ва хизматлари киритилади. Одатда истеъмол савати истеъмолга мўлжалланган энг зарур товар ва хизматлар, яъни истеъмол ва ноистемол маҳсулотларнинг минимал тўпламини ўз ичига олади (ривожланган давлатларда ИНИга 300-400 турдаги товар ва хизматлар киритилади). Истеъмол товарларига истеъмолга мўлжалланган маҳсулотлар киритилган бўлса, ноистеъмол товар ва хизматларга уй-жой таъминоти, иссиқ сув, совуқ сув, электр тармоғи, транспорт ва бошқа хизматлар турини киритиш мумкин. Истеъмол савати таркибига кирган маҳсулотлар базис йил дараҷасида белгиланади, яъни таркиби ва сони базис йилда киритилган маҳсулотлардан иборат бўлади ва у қуидагича ҳисобланади:

#### **ИНИ = Жорий йил бозор саватининг нархи (жорий йил нархларида) / Базис йил бозор саватининг нархи (базис йил нархларида) (2.5.4)**

Ишлаб чиқарувчилар нархлари индексини ҳисоблашда бозор саватига фақатгина ишлаб чиқаришда ишлатиладиган товарлар киритилади (масалан, АҚШда ишлаб чиқарувчилар нархлари индексини ҳисоблашда бозор саватига 3200 турдаги маҳсулот киритилади).

Истеъмол нархлари индексининг ЯИМ дефляторидан фарқли жиҳати (уларни ҳисоблаш тегишлича базис ва жорий йилдаги катталиклар асосида амалга оширилсада) қуидагилар:

- ИНИни ҳисоблаш фақатгина истеъмолга мўлжалланган товар ва хизматларнинг нархлари асосида амалга оширилса, ЯИМ дефлятори иқтисодиётда ишлаб чиқарилган барча маҳсулотларнинг нархлари асосида ҳисобланади;
- ИНИ ҳисоблашда истеъмолга мўлжалланган импорт товарлари ҳам ҳисобга олинса, ЯИМ дефляторини ҳисоблашда фақатгина миллий иқтисодиётда ишлаб чиқарилган товар ва хизматлар нархларидан фойдаланилади;
- умумий нархлар даражаси ва инфляция суръатларини аниқлашда ЯИМ ва ИНИдан фойдаланиш мумкин, аммо ИНИ ҳаёт

нархи даражасининг ўзгариши ва «камбағаллик чегараси»ни ҳисоблашнинг асоси бўлиб, уларга асосланиб ижтимоий таъминот дастурлари ишлаб чиқилади;

- макроиктисодий моделларда умумий нархлар индекси сифатида ЯИМ дефлятори ишлатилади ва Р харфи билан белгиланади.

Истеъмол нархлар индексининг қуидаги турлари мавжуд:

- Ласпейрес индекси;
- Пааше индекси;
- Фишер индекси.

**1. Ласпейрес индекси** базис йил товарлар тўплами учун ҳисобланади ва у асосан истеъмол нархлари индекси ва ишлаб чиқарувчилар нархлари индексини ҳисоблашда фойдаланилади:

$$P_L = \frac{\sum_{i=1}^n P_i^t \cdot Q_i^0}{\sum_{i=1}^n P_i^0 \cdot Q_i^0} \quad (2.5.5)$$

бунда,

$P_i^t$  – i неъматнинг жорий йилдаги нархи;

$P_i^0$  – i неъматнинг базис йилдаги нархи;

$Q_i^0$  – базис йилда ишлаб чиқаришнинг товар таркиби.

Ушбу индекс ўртача нарх даражасини бўрттириб кўрсатади, чунки у базис йилда белгилаб олинган товар ва хизматлар тўплами таркибига таянади. Реал ҳаётда истеъмолчилар истеъмол савати таркибини ўзгартириб туришга мойил бўладилар: нархи ошган товар ва хизматларни нисбатан арzonроқ бўлган товар ва хизматлар билан алмаштирадилар. Шунинг учун бозор саватида арzon товар ва хизматлар кўпроқ бўлиб, нархи юқори бўлгани озроқ бўлади. Бундан ташқари, товар ва хизматлар сифати ушбу индекс ҳисоблашда ҳисобга олинмайди, демакки, ўз-ўзидан маълумки, улар нархининг ортиши ҳам инобатга олинмайди.

## 2. Пааше индекси.

Пааше индекси жорий йил товарлари таркиби орқали ҳисобланади:

$$P_P = \frac{\sum_{i=1}^n P_i^t \cdot Q_i^t}{\sum_{i=1}^n P_i^0 \cdot Q_i^t} \quad (2.5.6)$$

бунда,

$P_i^t$  – i неъматнинг жорий йилдаги нархи;

$P_i^0$  – i неъматнинг базис йилдаги нархи;

$Q_i^t$  – жорий йилда ишлаб чиқаришнинг товар таркиби.

Пааше индекси ўртача нарх индексининг динамик ўзгаришини пасайтириб кўрсатади, чунки у ҳам таркибий ўзгаришларни ҳисобга олмайди ва уларни жорий йилда белгилайди. Бунда базис йилдаги бир қатор товар ва хизматлар нархлар ортиши сабабли жорий йилда истеъмол саватига киритиласлиги мумкин.

**3. Фишер индекси  $R_l$  ва  $R_p$**  камчиликларини бартараф этади ва қуидагича ҳисобланади:

$$R_F = \sqrt{R_l \cdot R_p} \quad (2.5.7)$$

Мисол келтириш орқали ушбу индексларни ҳисоблашни кўриб ўтайлик. Faраз қилайлик, уч турдаги неъмат ишлаб чиқарилади ва истеъмол қилинади: булочкалар, китоб ва телефонлар. 2.5.2 - жадвалда икки давр (2010й. ва 2014 йиллар) учун уларнинг нархлари ва миқдорлари келтирилган.

## 2.5.2 - жадвал

Йиллар	2010	2010	2014	2014
	Нархи	Ҳажми	Нархи	Ҳажми
Булочкалар	1	85	2	70
Китоблар	75	10	100	7
Телефонлар	200	3	170	4

Эслатиб ўтамиз, Ласпейрес индекси базис йил товар ва хизматлар тўплами нархидаги ўзгаришларни аниқлайди:

$$R_l = \frac{\sum_{i=1}^n P_i^t x Q_i^0}{\sum_{i=1}^n P_i^0 x Q_i^0} = \frac{2 \cdot 85 + 100 \cdot 10 + 170 \cdot 3}{1 \cdot 85 + 75 \cdot 10 + 200 \cdot 3} = \frac{1680}{1435} = 1,17.$$

Пааше индекси жорий йил товар ва хизматлар тўплами нархидаги ўзгаришларни ҳисоблаш имконини беради:

$$R_p = \frac{\sum_{i=1}^n P_i^0 x Q_i^t}{\sum_{i=1}^n P_i^t x Q_i^0} = \frac{2 \cdot 70 + 100 \cdot 7 + 170 \cdot 4}{1 \cdot 70 + 75 \cdot 7 + 200 \cdot 4} = \frac{1520}{1395} = 1,09.$$

*Фишер индекси.* Ласпейрес ва Пааше индекслари аҳолининг турмуш даражаси нархларда қай даражада ортганлигини кўрсатса, Фишер индекси уларни умумлаштириб, ўртачасини келтириб чиқаради:

$$P_{\Phi} = \sqrt{1,17 \cdot 1,09} = \sqrt{1,275} \approx 1,13.$$

Умуман олганда, истеъмол нархлари индексини ҳисоблашдан мақсад – аҳоли турмуш даражаси ва ушбу даврда давлатнинг ижтимоий сиёсатини баҳолаш, келажак даврларга режаларни аниқлашдан иборатdir.

## **2.6. Макроиктисодий кўрсаткичларни ҳисоблашнинг мураккабликлари. Миллий фаровонликни баҳолашнинг муаммолари**

МҲТдаги кўрсаткичлар ялпи маҳсулот ва ялпи даромадни фақатгина миқдор жиҳатдан ҳисоблаб берувчи кўрсаткичлар ҳисоблануб, улар бир қатор камчиликлардан ҳоли эмас. Масалан, улар илмий-техник тараққиёт ва иқтисодий ўсишнинг салбий жиҳатларини ҳисобга олмайдилар, бундан ташқари ЯИМ ва МД кўрсаткичига нисбатан камроқ даражада ортадиган *фаровонлик*, ҳаёт сифати даражасини акс эттирмайди. Фаровонлик даражасини аниқлашда одатда а) аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМ (GDP per capita), яъни *ЯИМ / мамлакатдаги аҳоли сони*; ёки б) аҳоли жон бошига тўғри келувчи МД (NI per capita), яъни *МД / мамлакатдаги аҳоли сони* кўрсаткичлардан фойдаланилади. Мамлакатларни ўзаро ушбу кўрсаткичлар бўйича қиёслаш учун уларни нисбатан қатъий валютада, яъни АҚШ долларида ҳисоблаш амалиётда кенг тарқалган.

Аммо ушбу юқорида келтириб ўтилган кўрсаткичлар ҳам мукаммал ҳисобланмайди ва ҳаёт сифати даражасини аниқ белгилаб бера олмайди. *Уларнинг асосий камчиликлари:*

а) улар ўртача тенглаштирилган (агарда битта кишида иккита автомобиль, иккинчи бир кишида умуман автомобил бўлмаса, у ҳолда ҳар бирида ўртача биттадан мавжуд деб ҳисобланади);

б) улар фаровонлик даражасининг кўпгина сифат жиҳатларини ҳисобга олмайди (бир хил катталиқдаги МДга эга икки мамлакат турлича: заводхонлик даражаси, умр кечиришининг

давомийлигига кўра, саломатлик ва ўлим даражаси, жиноятчилик даражаси ва бошқа кўрсаткичлар бўйича фарқланиши мумкин);

в) улар долларнинг турли мамлакатлар учун турлича сотиб олиш қобилиятига эга эканлигини рад этади (1 долларга АҚШда ва масалан, Хиндистонда турли ҳажмдаги товарларни харид қилиш мумкин);

г) улар иқтисодий ўсишнинг салбий оқибатларини ҳисобга олмайди (атроф-муҳит ифлосланиш даражаси, шовқин, газлар билан ифлосланганлик даражаси ва бошқалар).

Аҳолининг фаровонлик даражасини янада аниқ белгилаб бериш мақсадида 1972 йилда икки америкалик иқтисодчи – Нобел мукофоти лауреати Джеймс Тобин и Уильям Нордхауз(жаҳонга машҳур «Экономикс» китобини Нобел мукофоти лауреати Пол Самуэльсон билан биргалиқда яратишган)лар «Соф иқтисодий фаровонлик» (*Net Economic Welfare*) деб аталган кўрсаткични ҳисоблашнинг услубиётини таклиф этганлар. Ушбу услубиётга асосан, соф иқтисодий фаровонлик кўрсаткичини ҳисоблашда ЯИМга кирмайдиган(*value of goods*), аммо фаровонликни оширадиган барча норасмий (яъни битимларга ва олди-сотди операцияларига киритилмайдиган) товар ва хизматлар қиймати (масалан: кишиларнинг ўз маълумотларини оширишга, фарзандлари тарбиясига сарфлайдиган бўш вақтлари; уларнинг ўзлари учун бажарадиган меҳнатлари; тиббиёт хизмати сифати даражасининг ошиши; атроф-муҳит ифлосланиши даражасининг камайиши ва бошқалар)ни қўшиб, кишилар турмуши ёки фаровонлик даражасини пасайтирувчи (*value of bads*) барча нарсалар (масалан, касалланиш ва ўлим даражаси, таълим сифати, ўртacha умр кўриш даражаси, жиноятчилик ва атроф-муҳитнинг ифлосланиш даражаси, урбанизациянинг салбий оқибатлари)ни айриш керак бўлади.

## 2.7. Хуфёна (яширин) иқтисодиёт.

**Хуфёна (яширин) иқтисодиёт** деганда, хўжалик юритища расмий равишдаги ҳисоб-китобларига киритилмайдиган ва қонунга хилоф фаолият турлари йиғиндисини тушунмок зарур. Яъни, хуфёна иқтисодиёт натижалари расмий статистик маълумотларда ҳисобга олинмайди ва шу сабабли мамлакатнинг ЯИМИни ҳисоблашда унинг таркибига киритилмайди. Хуфёна иқтисодиёт «кенг қамровли» ҳаёт неъматларининг ишлаб чиқарилиши

фаолиятини акс эттириб, у асосан ноқонуний равишда шахсий манфаат кўришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. У амалдаги қонунчиликни ва хўжалик юритувчи субъектларнинг жамоа тартибида оладиган даромадларини тан олмайди, давлатнинг даромадларни қайта тақсимлашдаги (солиқлар орқали) фаолиятини чегаралайди (чунки хуфёна иқтисодиёт иштирокчилари томонидан давлатга солиқлар тўланмайди).

Хуфёна иқтисодиётга қуйидаги хусусиятлар хосдир:

1. Давлат томонидан хўжалик фаолиятининг руйхатга олинмаслиги.

2. Солиқлар тўланмаслиги сабабли олинган даромад ҳисобига ушбу фаолият билан шуғулланган шахсларнинг ноқонуний равишда бойиб кетиши.

3. Ўзгалар мулкини ўзлаштириш ва бойликни жиноятчи кишилар ҳисобига оқиб ўтиши.

4. Барча ижтимоий ишлаб чиқариш босқичларининг хуфёна иқтисодиёт томонидан қамраб олиниши (ишлаб чиқариш, тақсимот, айирбошлаш ва истеъмол).

Хуфёна иқтисодиёт қонуний ва ноқонуний турларга бўлинади.

Қонуний хуфёна иқтисодиёт – бу қонуний равишда рухsat этилган фаолият турлари бўлиб, ундан тушган даромаддан давлат ғазнасига ҳеч қандай пул тушумлари келиб тушмайди (кичик савдо, уйларни таъмирлаш, кичик тиббиёт амалиёти, репетиторлик ва бошқалар кириши мумкин).

Ноқонуний хуфёна иқтисодиёт эса ўз ўринда сохта ва махфий турларга бўлинади.

Сохта хуфёна иқтисодиёт – бу давлат хизматидаги шахслар ва корхона раҳбарларининг шахсий бойишлари мақсадида ўз фаолиятларида ноқонуний воситалардан фойдаланишлариdir (кўшиб ёзиш, фирибгарлик ва бошқалар).

Махфий хуфёна иқтисодиёт – бу қонун билан таъқиқланган фаолиятдир (наркобизнес, контрабанда, қурол-яроғ сотиш, қалбаки пулларни босиб чиқариш ва бошқалар).

Хуфёна иқтисодиёт жиноятчиликни келтириб чиқаради (хом ашё ва тайёр махсулотни ўғирлаш, таъмагирлик, коррупция – давлат ҳокимияти органларини пора бериб ўз томонига оғдириб олиш ва бошқалар). Шу сабабли бундай ноқонуний иқтисодиётни келтириб чиқарувчи сабабларни ўрганиш, уларнинг салбий оқибатларини олдини олиш ва бартараф этиш нафақат давлатнинг,

балки барча жамият аъзоларининг бурчи ҳисобланади. Чунки айнан ана шу унсур кишиларнинг соғлом турмуш тарзига, рақобатчилик мухитига ва умуман ҳар қандай мамлакатнинг ижтимоий, иқтисодий, маънавий жиҳатдан ривожига тўсиқ бўлувчи омил ҳисобланади.

Яширин иқтисодиёт ҳиссасини тўғридан-тўғри баҳолайдиган ҳисоблаш усули мавжуд эмас, аммо билвосита усулларга: расмий сарфланган электроэнергиядан қўшимча равишда ишлатилган энергия сарфини ва муомалада расмий битимлар учун хизмат қиласидан пул массасидан ортиқча (қўшимча) бўлган пул миқдоридан фойдаланганликни киритиш мумкин.

## **Қисқача холосалар**

1. *Миллий иқтисодиёт* (National economy) деганда, тарихан ягона ҳудуд доирасида таркиб топган маълум бир мамлакат халқ хўжалиги тармоқларининг ўзаро бирлиги, уларнинг ўзаро меҳнат тақсимоти ва ягона мақсад йўлида жипслашуви тушунилади.

2. Миллий иқтисодиёт жаҳон иқтисодий тизимининг бир бўлаги ҳисобланиб, унинг ривожланиши жаҳон иқтисодиёти ривожи билан узвий боғлиқдир. Шу сабабли миллий иқтисодиёт ривожланишига таъсир этувчи этувчи омилларни икки грухга ажратиш мумкин: ташқи омиллар ва ички омиллар.

3. Ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) – бу мамлакат ҳудудида ёки унинг ташқарисида мамлакат фуқаролари томонидан миллий ишлаб чиқариш омиллари ҳисобига ишлаб чиқарилган барча якуний товар ва хизматларнинг бозор қийматидаги ифодасидир. Ялпи миллий маҳсулотни аниқлашда миллийлик хусусияти асосий мезон ҳисобланади.

4. Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) – миллий ёки чет эл ишлаб чиқариш омиллари ҳисобига, мамлакат ҳудудида (ичкарисида) ишлаб чиқарилган барча якуний товар ва хизматларнинг бозор қийматидаги ифодасидир. ЯИМни аниқлашда ҳудудийлик омили асосий мезон саналади.

5. ЯИМ ни ҳисоблашда 3 хил усулни қўллаш мумкин: ҳаражатлар усули (охирги ишлатилиши бўйича ҳисоблаш усули); даромадлар усули (тақсимлаш усули); қўшилган қиймат бўйича ҳисоблаш усули (ишлаб чиқариш усули).

6. ЯИМни ҳаражатлар усули бўйича ҳисоблашда уй хўжаликлари ва давлатнинг ҳаражатлари, ялпи инвестицияларга ҳаражатлар ва соф экспорт ҳаражати ҳисобга олинади. Умуман олганда эса, амалда бундай ҳаражатлар ишлаб чиқарилган ЯИМга бўлган ялпи талабни билдиради.

7. ЯИМни даромадлар усули бўйича ҳисоблашда уни барча иқтисодий ресурслар эгалари (уй хўжаликлари) даромадлари, яъни уларнинг омиллар бўйича даромадларининг йигиндиси деб қаралади.

8. ЯИМни ҳисоблашнинг учинчи усули - бу «қўшилган қиймат» бўйича ҳисоблашdir. Бу дегани, иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва ишлаб чиқаришлари бўйича қўшилган қийматларни умумлаштириб чиқиш демакдир. ЯИМни ҳисоблашнинг турли усуллари бир хил натижа бериши лозим.

9. Оралиқ маҳсулот – бу қайта ишлаш ёки қайта сотишга мўлжалланган маҳсулотdir. Пировард маҳсулот – бу якуний ишлатиш (истеъмол ёки жамғарма) учун харид қилинадиган товар ва хизматлардир. Пировард маҳсулот нархига оралиқ маҳсулотнинг нархи киритилган бўлиб, уни яна қайта киритиб ҳисоблаш ЯИМни икки маротаба ҳисоблашга олиб келади, яъни якуний маҳсулот деб сотилган товар ёки хизмат нархига ишлаб чиқариш жараёнининг ҳар бир босқичида қўшиб борилган қўшимча қиймат миқдори қайтадан киритилган бўлади.

10. Ялпи маҳсулотнинг МХТдаги асосий кўрсаткичлари қуидагилардан иборатdir: ялпи ички маҳсулот (ЯИМ); ялпи миллий маҳсулот (ЯММ); соф миллий маҳсулот (СММ). Ялпи даромаднинг МХТдаги асосий кўрсаткичлари эса: миллий даромад (МД); шахсий даромад (ШД); ихтиёрдаги шахсий даромад (ИШД).

11. Ялпи ички маҳсулотнинг  $ЯИМ = C + I + G + X_n$  кўринишида келтирилган тенгламаси асосий макроиктисодий тенглама деб аталади.

12. Номинал ЯИМ – бу жорий нархларда, яъни ушбу йил нархларида ҳисобланган кўрсаткич бўлиб, у қиймат кўрсаткичи ҳисобланади ва шунинг учун нархлар даражасининг ўзгариши унинг катталигига таъсир кўрсатади.

13. Реал ЯИМ – бу қиёсий нархларда, яъни ўзгармас ёки базис йил нархларида ҳисобланган ялпи ички маҳсулотdir. Бунда базис учун исталган йилни олиш мумкин, яъни танланган базис йил жорий йилдан олдин ҳам, ундан кейин ҳам бўлиши мумкин.

14. Нархлар индексидан инфляция суръатларининг ўзгариши, маълум бир даврда ҳаёт даражасининг қийматини баҳолашда фойдаланилади. Нарх индекси маълум бир даврда товар ва хизматларга бўлган ўртacha умумий нархларни базис йилдаги ўртacha умумий нархларга нисбати билан аниқланади.

15. Аҳоли турмуш даражасининг қиймати ҳақидаги маълумотни *истеъмол нархлар индекси* (ИНИ) беради. *Истеъмол нархлар индекси* (ИНИ ёки CPI – consumer price index)ни ҳисоблашда бозор саватига оддий шаҳар оиласининг истеъмолига мўлжалланган товар ва хизматлари киритилади.

16. Истеъмол нархлар индексининг қуидаги турлари мавжуд: Ласпейрес индекси; Пааше индекси; Фишер индекси.

17. МХТдаги кўрсаткичлар ялпи маҳсулот ва ялпи даромадни фақатгина миқдор жиҳатдан ҳисоблаб берувчи кўрсаткичлар ҳисобланиб, улар бир қатор камчиликлардан холи эмас. Масалан, улар илмий-техник тараққиёт ва иқтисодий ўсишнинг салбий жиҳатларини ҳисобга олмайди, бундан ташқари, ЯИМ ва МД кўрсаткичига нисбатан камроқ даражада ортадиган *фаровонлик*, ҳаёт сифати даражасини акс эттирамайди.

18. *Хуфёна (яширин) иқтисодиёт* деганда, хўжалик юритишида расмий равишдаги ҳисоб-китобларига киритилмайдиган ва қонунга хилоф фаолият турлари йиғиндисини тушунмоқ зарур.

## Таянч иборалар

Миллий иқтисодиёт, миллий ҳисобчилик тизими, ялпи ички маҳсулот, ялпи миллий маҳсулот, қўшимча қиймат, оралиқ маҳсулот, ЯИМни ҳисоблашнинг даромадлар ва ҳаражатлар усули, соф миллий маҳсулот, миллий даромад, шахсий даромад, ихтиёрдаги шахсий даромад, номинал ва реал ЯИМ, нархлар индекси, истеъмол нархлар индекси, Ласпейрес индекси, Пааше индекси, Фишер индекси, дефлятор, соф иқтисодий фаровонлик кўрсаткичи, хуфёна (яширин) иқтисодиёт.

## **III БОБ. УМУМИЙ МАКРОИҚТИСОДИЙ МУВОЗАНАТ: ЯЛПИ ТАЛАБ ВА ЯЛПИ ТАКЛИФ МОДЕЛИ**

- 3.1. Макроиқтисодий мувозанат тушунчаси.
- 3.2. Ялпи талаб ва унга таъсир этувчи омиллар.
- 3.3. Ялпи таклиф ва унга таъсир этувчи омиллар. Ялпи таклиф кесимлари.
- 3.4. Нархларнинг мувозанатли даражаси. Қисқа муддатдаги мувозанатдан узоқ муддатдаги мувозанатга ўтиш. Храповик самараси.
- 3.5. Талаб ва таклифнинг шок ҳолатга тушиши. Барқарорлик сиёсати.

### **Қисқача хulosалар**

### **Таянч иборалар**

#### **3.1. Макроиқтисодий мувозанат тушунчаси**

Макроиқтисодий мувозанатга эришишни ҳал этиш муаммоси иқтисодиёт назариясининг энг муҳим масалаларидан биридир. Умуман макроиқтисодий мувозанатга эришиш деганда, иқтисодий тизимни ташкил этувчи унинг барча таркибий қисмларининг барқарор ва ўзаро мутаносиб равишда ривожланиши тушунилади.

*Иқтисодий барқарорлик* – бу иқтисодий тизимнинг шундай ҳолатики, уни ташкил этувчиларининг барқарор ва ўзаро мутаносиб равишда ривожланиши қайта ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини таъминлайди.

Иқтисодий мувозанат назарияси иқтисодий статика назарияси деб ҳам аталади. Бу назария иқтисодий назарияси ва сиёсатининг энг асосий категорияларидан бири бўлиб, иқтисодий жараёнларнинг баланслашуви ва ўзаро мутаносиблигини, яъни ишлаб чиқариш ва истеъмол, талаб ва таклиф, ишлаб чиқариш ҳаражатлари ва уларнинг натижалари, моддий ва молиявий оқимларни характерлайди.

Иқтисодий мувозанатлик миллий иқтисодиётнинг шундай бир ҳолатики, бунда фойдаланиладиган ишлаб чиқариш ресурслари ва уларнинг тақсимланиш жараёни ўзаро мос келиши, яъни ресурслар ва улардан фойдаланиш натижалари, талаб ва таклиф, моддий ва молиявий оқимлар ўртасида умумий мутаносиблик бўлиши таъминланади.

Иқтисодий мувозанатни идеал ва реал турларга ажратадилар. Идеал мувозанат барча хўжалик субъектларининг ҳатти – ҳаракатлари уларнинг иқтисодий манфаатларига мос равища миллий иқтисодиётнинг барча тармоқ ва секторларида тўлиқ ва оптимал даражада амалга оширилганда таъминланади. Бундай мувозанат қайта ишлаб чиқаришнинг қуидаги шартлари бажарилганда, яъни: а) ўтган йилги барча маҳсулотлар сотилганда;

б) истеъмолчилар бозорларда барча истеъмол товарлари ва хизматларни, ишлаб чиқарувчилар эса ишлаб чиқариш омилларини харид қила олганларида амалга ошади.

*Идеал иқтисодий* мувозанатда мукаммал (соф) рақобат шароити таъминланган бўлади ва ички, ташқи самара таъсири мавжуд бўлмайди.

Аммо реал иқтисодиётда бундай шартларга одатда амал қилинмайди: соф рақобат мавжуд бўлмайди, тадбиркорлик фаолиятининг манфий ташқи самараси мавжуд бўлади, циклик ва структуравий тебранишлар, ишсизлик, инфляция мавжуд бўлади. Буларнинг барчаси иқтисодиёт мувозанатини бузилишига олиб келади ва шунинг учун энди иқтисодий мувозанатни таъминлаш асосий макроиқтисодий масалалардан бирига айланади. Реал мувозанат бу шундай мувозанатки, у иқтисодиётда номукаммал рақобат шароитида ўрнатилади ва бунда бозорлар ташқи ва ички самаралар таъсири остида бўлади.

Иқтисодий мувозанатлик – бу макроиқтисодий даражада жамият эҳтиёжларига мавжуд иқтисодий ресурслар микдори ва ижтимоий ишлаб чиқариш натижалари ҳажми ҳамда таркибининг ўзаро мос келишидир.

Иқтисодий мувозанатни *барқарор* ва *бекарор* турларга ажратиш мумкин.

*Барқарор иқтисодий мувозанат* деганда, иқтисодиётнинг ҳар қандай (ички, ташқи) таъсиrlар остида ҳам бозор механизми ёрдамида мустақил равища яна ўзининг мувозанат ҳолатига қайта олишига айтилади. Агарда иқтисодиёт ташқи таъсиrlар остида юз берган бекарорлик ҳолатидан мустақил равища барқарорликка қайта олмаса, у ҳолда иқтисодиёт *бекарор мувозанатликка* юз тутади.

Иқтисодий мувозанат *хусусий ва умумий* бўлиши мумкин.

*Хусусий мувозанат* – бу алоҳида олинган бозорлар, миллий хўжаликнинг турли хил тармоқлари ва иқтисодий секторларида мувозатдир. *Умумий мувозанат* – бу бир вақтнинг ўзида барча

бозорларда мувозанат ўрнатилиши, бутун бир иқтисодий тизимдаги мувозанат, яъни макроиқтисодий мувозанатдир. Бундай макроиқтисодий мувозанатга эса ялпи талаб ва ялпи таклиф ўзаро тенглашгандагина эришилади.

Умумий макроиқтисодий мувозанатни аниқлашда мувозанат нархлар даражаси ва миллий ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми тушунчаларидан кенг фойдаланилади. Мувозанат нархлар даражаси микроиқтисодиётда ўрганилган алоҳида олинган товар ёки хизмат нархидан бутунлай фарқли равишда иқтисодиётда ишлаб чиқарилган миллионлаб товарларнинг ўртача нархи бўлиб, у агрегатланган, яъни умумлаштирилган кўрсаткич ҳисобланади. Миллий ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми кўрсаткичи ҳам энди бир ёки бир неча товар ёки хизмат тури бўйича ҳисобланмасдан, балки энди у агрегатланганлиги сабабли мамлакатда ва унинг ташқарисида миллий ишлаб чиқариш омиллари ҳисобига ишлаб чиқарилган барча маҳсулотларни ўз ичига олади.


Ҳар қандай бозор ҳолати талаб ва таклифга, яъни улар ҳажмининг ўзгаришига боғлиқ бўлади. Улар ўртасида юзага келган нисбат нархларнинг ўзгаришига ва аксинча, нархларнинг ўзгариб туриши талаб ва таклиф ҳажмига бевосита таъсир қиласи. Бундай таъкидлаш фақат микродарражадаги қандайдир бир алоҳида маҳсулот ёки хизматга хос бўлмай, балки умуман миллий бозорга ҳам тааллуқлидир. Бундай бозордаги талаб алоҳида харидорлар истаги ва сотиб олиш қобилияти кўринишида бўлмасдан, барча харидорларнинг умумлаштирилган ялпи талаби сифатида амал қиласи ва макродарражадаги истеъмол қобилиятини акс эттиради. Таклиф эса миллий ишлаб чиқариш (реал ЯИМ)нинг ялпи таклифи сифатида бозорга чиқади.

### **3.2. Ялпи талаб ва унга таъсир этувчи омиллар**

**Ялпи талаб** – бу муайян даврда миллий иқтисодиётда ишлаб чиқарилган товар ва хизматлар ҳажмини уй хўжаликлари, корхоналар, ҳукумат ҳамда хорижий харидорлар томонидан маълум бир нархлар даражасида сотиб олинишидир.

Бошқа омиллар ўзгармас бўлганда, нархлар даражаси пасайгандан миллий иқтисодиётда ишлаб чиқарилган товар ва хизматлар ҳажмига уй хўжаликлари, корхоналар, ҳукумат ҳамда хорижий харидорлар томонидан ялпи талаб ортади ва аксича, нархлар дара-

жаси ортса, уларнинг миллий маҳсулотларга бўлган ялпи талаби камаяди. Шундай қилиб, нархлар даражаси ва ишлаб чиқарилган реал миллий маҳсулотнинг ҳажмига бўлган ялпи талаб ўртасида тескари пропорционал боғлиқлик мавжуд бўлиб, унинг графикдаги кўриниши қўйидагича:



### 3.2.1-расм. Ялпи талаб эгри чизиги

бунда,

$P$  – нархлар даражаси;

$Y$  – реал миллий ишлаб чиқариш ҳажми;

$AD$  – ялпи талаб эгриси.

Миллий бозорда  $AD$  эгри чизигининг йўналишини пулнинг миқдорий назарияси тенгламаси ёрдамида хам изоҳлаш мумкин:

$$M \times V = Y \times P \quad (3.2.1)$$

бу ерда:

$M$  – муомаладаги пул миқдори;

$V$  – пулнинг айланиш тезлиги;

$P$  – иқтисодиётдаги нархлар даражаси (нархлар индекси);

$Y$  – талаб қилинаётган реал ишлаб чиқариш ҳажми.

Юқоридаги тенгламадан :  $P = M \times V / Y$  ва  $Y = M \times V / P$  (3.2.2)

тенгламаларни келтириб чиқариш мумкин. Бу тенгламалардан кўринадики, баҳолар даражаси қанча ошса, миллий маҳсулотнинг реал ҳажмига талаб шунча паст бўлади, яъни пул массаси ( $M$ ) ва унинг айланиш тезлиги ( $V$ ) ўзгармас бўлса, баҳолар даражаси ва умумий талаб ўртасида тескари боғлиқлик мавжуд бўлади.

Ялпи талаб эгрисига нархлар даражаси билан боғлиқ ва нархлар даражасига боғлиқ бўлмаган омиллар таъсир кўрсатади. Эслатиб ўтамиз, микроиқтисодиётда талаб эгри чизиги йўналиши

даромад ва ўринбосар товарлар самараси деб номланган нарх омиллари орқали тушунтирилган эди, макродарражадаги ялпи талаб эгриси йўналишини энди бундай омиллар орқали изоҳлаб бўлмайди, чунки макроиқтисодий даражада энди бир ёки бир неча товар нархлари эмас, миллионаб товарлар учун умумий бўлган нархларнинг ўртача даражаси ҳисобга олинади.

Омиллар орқали тушунтириб бўлмайди, чунки макродарражада битта товарга бўлган хусусий талаб ёки бозор талаби эмас, балки миллионлаб товар ва хизматларни



### 3.2.2-расм. Ялпи талабга таъсир этувчи омиллар

#### **Ялпи талабга таъсир этувчи омиллар:**

- **Нарх омиллари**
- **Нархга боғлиқ бўлмаган омиллар.**


**Нарх омиллари.** Ялпи талабга таъсир кўрсатувчи энг асосий омил – бу нархлар даражасидир. Ялпи талаб эгрисининг пастга, яъни қуйига қараб йўналганини ёки нархлар даражаси ва ялпи талаб ҳажми ўртасида тескари пропорционал боғлиқлик борлигини нархлар даражаси билан боғлиқ бўлган қуйидаги омиллар орқали тушунтириш мумкин:

❖ *фоиз ставкаси самараси* (Кейнс самараси), яъни бунда нархлар даражаси кўтарилиши билан пулларга бўлган талаб ортади, оқибатда (агарда пул массаси ўзгармас деб ҳисобланса) фоиз ставкаси кўтарилади ва бунинг натижасида иқтисодиётга киритиладиган инвестициялар қисқаради ва бундай ҳолат ялпи талабнинг камайишига олиб келади;

❖ *реал касса қолдиги ёки бойлик самараси* (Пигу самараси), бунда нархлар даражаси ортиши билан реал моддий бойликларнинг, молиявий активларнинг харид қобилияти тушиб кетади ва оқибатда истеъмол ва у билан боғлиқ ялпи талаб камаяди. Ёки аксинча, нархлар даражаси пасайганда реал моддий бойликларнинг харид қобилияти ошади ва у эса ўз навбатида ялпи талабнинг ортишига олиб келади;

❖ *импорт харидлар самараси* шуни билдирадики, агарда мамлакатда нархлар даражаси ошса, ушбу мамлакатда ишлаб чиқарилган товар ва хизматларга чет эл харидорларининг ялпи талаби камаяди, яъни экспорт камаяди. Ёки аксинча, мамлакатда нархлар даражаси пасайса импорт камаяди ва экспорт ортиб, ялпи талабда соф экспорт ҳажми ошади.

**Нархга боғлиқ бўлмаган омиллар.** Ялпи талабга нарх билан боғлиқ бўлмаган бир қатор омиллар ҳам таъсир этиши мумкинки, улар ялпи талаб эгри чизифини ўнгга ёки чапга силжишига олиб келади, яъни ялпи талабнинг ортиши  $AD$  ни ўнгга, яъни  $AD_1$  дан  $AD_2$  га, унинг камайиши эса  $AD_1$  дан  $AD_3$  га силжитади (3.2.3.-расм).



**3.2.3-расм. Нархга боғлиқ бўлмаган омиллар таъсирида ялпи талабнинг силжиши**

Ялпи талабнинг нархга боғлиқ бўлмаган ва уни силжитувчи омилларини қўйида келтириб ўтамиз.

**1. Истеъмол ҳаражатларидағи ўзгаришлар:**

- истеъмолчининг моддий фаровонлиги;
- истеъмолчининг кутиши;
- истеъмолчининг қарздорлиги;
- солиқлар.

**2. Инвестиция ҳаражатларидағи ўзгаришлар:**

- фоиз ставкалари;
- инвестициялардан кутилаётган соф фойда;
- корхоналардан олинадиган солиқлар;
- технология;
- ортиқча қувватларнинг мавжуд бўлиши ёки бўлмаслиги.

**3. Давлат ҳаражатларидағи ўзгаришлар.**

**4. Соф экспорт ҳажми ҳаражатларидағи ўзгаришлар:**

- чет элдан олинадиган миллий даромад;
- валюта курслари.

Яъни ялпи талаб ( $AD$ )ни асосий макроиктисодий тенглама орқали тасаввур этиш мумкин:  $Y=C+I+G+X_n$ . Ушбу тенглама ташкил этувчиларидан бирортасининг ўзгариши миллий ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгаришига олиб келиши мумкин.

**3.3. Ялпи таклиф ва унга таъсир этувчи омиллар.**

**Ялпи таклиф кесимлари.**

**Ялпи таклиф** – бу маълум бир давр мобайнида, муайян нархлар даражасида миллий иқтисодиётда ишлаб чиқарилган ва харидорларга таклиф этилаётган реал миллий маҳсулот ҳажмидир.


Нархлар даражасининг ортиши ишлаб чиқаришни рағбатлантиради ва ялпи таклифнинг ортишига олиб келади ва аксинча нархлар даражасининг пасайиши ялпи таклифни камайтиради. Бунда нархлар даражасининг ўзгариши  $AS$ ни ялпи таклиф эгри чизиғи бўйлаб силжитади.

Ялпи таклиф эгри чизиғи йўналишига қаратилган турли хил тушунтиришлар мавжуд. Классик ва неоклассик мактаб вакилларининг таъкидлашларича, ялпи таклиф эгри чизиғи вертикал кўринишга эга бўлган чизик бўлиб, ялпи талаб ҳажмидаги ўзгаришлар нисбатан сезиларсизdir, чунки у фақат нархлар

даражасига таъсир этиб, ишлаб чиқариш ҳажми ва бандликка таъсир кўрсатмайди.

Кейнсчилар эса ялпи таклифни горизонтал йўналган деб ҳисоблайдилар ва шунинг учун ялпи талабнинг ҳар қандай ҳажмда камайиши ишлаб чиқариш ва бандликка сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Шу сабабли одатда ялпи таклиф эгри чизифи графикда учта кесмага ажратилади (3.3.1-расм):

**Кейнсча (горизонтал) кесма.** Расмда  $Y_f$  миқдордаги ҳажм түлиқ бандлик шароитидаги реал миллий ишлаб чиқаришнинг потенциал ҳажмини кўрсатади.  $Y_1$  миқдордаги AS горизонтал кесма  $Y_f$  миқдордаги түлиқ бандлик шароитидаги миллий ишлаб чиқаришнинг потенциал реал ҳажмидан кам бўлиб, иқтисодиёт тушкунлик ёки депрессия ҳолатида эканлигини кўрсатади. Бундай шароитда ресурсларнинг түлиқ бандлиги таъминланмайди, яъни масалан машина, асбоб-ускуналар ва иш кучидан түлиқ фойдаланилмайди ва ишлатилмаётган ресурсларни ишга тушириб, уларни ҳаракатга келтириш ўз кетидан нархлар даражасини ўзгаришига олиб келмайди.



### 3.3.1-расм. Ялпи таклиф эгри чизиги ва унинг кесимлари

**Классик кесма.** Эгри чизиқ бўйича ўнгга силжисак, иқтисодиёт тўлиқ бандликка ёки ўзининг табиий, яъни ишлаб чиқаришнинг табиий ишсизлик даражаси -  $Y_f$  га эришганини кўришимиз мумкин. Иқтисодиёт ўзининг шундай имкониятлари эгри чизиғи даражасида бўладики, бунда қисқа муддатда ишлаб чиқариш ҳажмини ошириб бўлмайди. Нархлар даражасининг ошиши ўз кетидан реал ишлаб чиқариш ҳажмининг ортишига олиб келмайди, чунки бундай шароитда мавжуд қувватлардан тўлиқ фойдаланилган

бўлади. Тўлиқ бандлик шароитида баъзи бир фирмалар ўз ишлаб чиқаришларини баъзи бир бошқа фирмаларга нисбатан ресурсларга юқорироқ нархлар белгилаш билан кенгайтиришга уринадилар. Аммо бундай шароитда бирор бир фирма ундириб олган ресурслар ва улар орқали ишлаб чиқарилган қўшимча маҳсулотларни бошқа фирма ишлаб чиқаролмайди ва уларни йўқотади. Натижада ресурслар нархлари (уларга ҳаражатлар) ва улар орқали ишлаб чиқарилган товарлар нархлари ортади, аммо реал ишлаб чиқариш ҳажми ўзгармас бўлиб қолади.

**Оралиқ кесма.** Оралиқ кесмада ( $Y_1$  ва  $Y_f$  оралиғида) реал ишлаб чиқарилган миллий маҳсулотнинг ортиши нархлар дараҷасининг ортиши билан кузатилади. Нимага? Сабаблардан бири, иқтисодиёт қўпдан-кўп ресурслар ва товарлар бозорларидан ташкил топган бўлиб, тўлиқ бандликка эришиш саноатнинг турли хил тармоқ ва секторларида нотекис ва ҳар хил вақтда пайдо бўла бошлайди. Шунинг учун миллий ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми  $Y_1$  ва  $Y_f$  кесмага етганда, масалан юқори технологияга эга компьютер саноатида юқори малакали кадрлар етишмаслиги ва аксинча автомобиль ёки пўлат саноатида ишсизлик кузатилиши мумкин. Саноатнинг баъзи бир тармоқларидағи ишлаб чиқаришда тақчилик (дефицит) ва бошқа тор жойлар пайдо бўлиши мумкин. Ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш яна шуни билдирадики, агарда у тўла қувватда ишлатилса, баъзи бир фирмалар нисбатан эски ва самарасиз асбоб-ускуналарни ишлатишларига тўғри келади. Ишлаб чиқариш ҳажми кенгайганда энди нисбатан паст малакали кадрларни ишга қабул қилишга мажбур бўладилар. Юқорида айтиб ўтилган барча сабабларга қўра, маҳсулот бирлигига тўғри келадиган ҳаражатлар ортади ва шунинг учун фирмалар рентабелликни оширишлари учун ўз маҳсулотларига юқорироқ нархлар белгилайдилар. Шунинг учун оралиқ кесмада реал миллий маҳсулотнинг ортиши нархлар даражасининг кўтарилиши билан кузатилади

### **Ялпи таклифнинг нархга боғлиқ бўлмаган омиллари:**

#### **1. Ресурслар нархларидағи ўзгаришилар**

- ички ресурслар (ер, меҳнат, капитал, тадбиркорлик фаолияти) нинг мавжудлиги;
- импорт ресурсларнинг нархи;
- ресурслар эгаларининг бозордаги мавқеи.

#### **2. Меҳнат унумдорлигидаги ўзгаришилар.**


#### **3. Технологиядаги ўзгаришилар.**

#### **4. Ҳуқуқий меъёрлардаги ўзгаришлар.**

- корхоналарга солик ва субсидиялар;
- давлат томонидан тартибга солиш.

#### **5. Табиий оғатлар, иқлимдаги ўзгаришлар.**

Юқоридаги омиллардан битта ёки бир нечтаси ялпи таклифга таъсир этса (бунда  $P=\text{const}$ ), AS әгри чизиги ўз йўналишини ўзгартиради, яъни ялпи таклифнинг нархга боғлиқ бўлмаган омиллари уни ўнгга ёки чапга силжитади (3.3.2-расм).



#### **3.3.2-расм. Ялпи таклифнинг ўзгариши**

P – нархлар даражаси;

Y – миллий ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми;

AS – ялпи таклиф әгри чизиги.

Шундай қилиб, пировард маҳсулотга бўлган нархлар даражаси ўзгармас бўлганда миллий маҳсулот ҳажми таклифида нарх билан боғлиқ бўлмаган бир қатор омиллар таъсир этиши мумкин эканки, улар ишлаб чиқариш ҳаражатлари билан узвий боғлиқдир.


Иқтисодиётнинг маълум бир даврда ишлаб чиқариши мумкин бўлган товар ва хизматларининг ҳажми ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган омиллар (ер, меҳнат, капитал) нинг сони ва сифатига бевосита боғлиқ бўлади. Иқтисодий ресурсларнинг сифати уларнинг **унумдорлиги** билан характерланади, яъни бу маълум вақт давомида омиллар бирлигига ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотдир. Ёки бошқача айтганда, унумдорлик – бу ўртacha маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми кўрсаткичи ёки бир бирлик ҳаражатларга тўғри келувчи реал ишлаб чиқариш ҳажмидир.

$$\text{Унумдорлик} = \frac{\text{Ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми}}{\text{ҳаражатлар}} \quad (3.3.)$$

Бир бирлик маҳсулотга сарфланадиган ҳаражатларнинг камайиши маҳсулотлар ҳажмини ортишига ва ялпи таклиф эгри чизигини ўнгга силжишига олиб келади ва аксинча, унумдорликнинг камайиши эса маҳсулот бирлигига тўғри келадиган ҳаражатларнинг кўпайишига ва ялпи таклиф эгри чизигини чап томонга силжишига сабаб бўлади.

### **3.4. Нархларнинг мувозанатли даражаси ва қисқа муддатли мувозанатдан узоқ муддатли мувозанатга ўтиш. Храповик самараси.**

**Нархларнинг мувозанатли даражаси** деб шундай нарх даражаси тушуниладики, унда ялпи талаб ва ялпи таклиф бир-бирига мос келади ёки бир-бирига тенг бўлади. Нархларнинг мувозанатли даражасида маълум миқдордаги маҳсулотларни мавжуд нархларда харидорлар харид қилишга, ишлаб чиқарувчилар эса таклиф этиш ва сотишга тайёр бўладилар. Бу **миллий ишлаб чиқаришнинг мувозанатли реал ҳажми** деб аталади. Расмда бу кўрсаткич ялпи талаб ва ялпи таклиф эгри чизиқларининг кесишган нуқталари билан аниқланади.




**3.4.1-Расм. Ялпи талаб ўзгарганда ишлаб чиқаришнинг мувозанатли ҳажми ўзгариши**

Чизмадан кўриниб турибдики, ялпи талаб эгри чизифи ялпи таклиф эгри чизифи билан унинг кейнсча кесмасида кесишганида ишлаб чиқаришнинг мувозанатли ҳажми  $Y_1$  ва мувозанатли нархлар даражаси  $P_1$  унинг  $E_1$  нуқтасида кесишмокда. Ялпи талаб -  $AD_1$  эгри чизигининг кейнсча кесма бўйлаб ҳаракати, нархлар даражасининг ўзгариши билан кузатилмайди.

Ялпи талаб  $AD_2$  нинг янада ошиши эгри чизикни ўнгга суриб, нархлар даражаси ва ишлаб чиқариш ҳажмини тегишлича  $P_2$  ва  $Y_2$  нуқталарга ўзгаришига олиб келади (бунда мувозанатли нуқта  $E_2$ ). Ялпи талабнинг кейинги ўсиши эгри чизикни янада юқорига суримишига олиб келади. Энди у  $AD_3$  ҳолатини эгаллади ва таклиф эгри чизигини классик ёки вертикал кесмада кесиб ўтади. Бу ерда мувозанатли нарх  $P_3$  даражада, ишлаб чиқаришнинг мувозанатли ҳажми  $Y_3$  нуқтада ўрнатилади (мувозанатли нуқта  $E_3$ ). Ялпи таклифнинг бу кесмасида ялпи талабнинг ҳар қандай ўзгариши факат нархлар даражасини ўзгаришига олиб келади, ишлаб чиқариш ҳажмлари эса бунда ўзгаришсиз қолади. Оралиқ ва вертикал кесмаларда нархлар ўсиб бориши билан кузатилган ялпи талабнинг кўпайиши талаб инфляцияси мавжудлигини кўрсатади.

Ялпи таклиф ҳам юқорида келтириб ўтилган бир қатор нархга боғлиқ бўлмаган омиллар таъсири остида бўлади ва бу омиллар таъсирида ялпи таклиф эгри чизифи чапга ёки ўнгга сурилади (3.4.2-расм).



**3.4.2-расм. Ялпи таклиф ўзгарганда ишлаб чиқаришнинг мувозанатли ҳажми ўзгариши**


Фараз қилайлик, иқтисодиётда маълум бир нархлар даражасида иш ҳақи ошган ва ходимларнинг ижтимоий сұғуртасига ажратмалар күпайган бўлсин. Иқтисодиётдаги бундай вазият, маҳсулот бирлигига сарфланадиган ҳаражатлар ўсишига, фойданинг, демакки, ялпи таклифнинг ҳам қисқаришига олиб келади.  $AS_1$  эгри чизифи чапга  $AS_2$  га сурилади, нархлар даражаси  $P_1$  дан  $P_2$  гача ўсади, ишлаб чиқариш эса  $Y_1$  дан  $Y_2$  га қисқаради. Яъни бу ерда ишлаб чиқариш ҳаражатларининг ўсиши билан юзага келган инфляция (таклиф инфляцияси) мавжуд бўлади. Ўз навбатида ишлаб чиқаришнинг қисқариши ишсизликнинг ўсишига олиб келади. Бундай вазиятни, яъни қачонки, нархларнинг ўсиши (инфляция) ишсизликнинг ўсиши билан кузатилаётган бўлса, *стагфляция* деб аталиши кейинги бобда яна кўриб ўтилади.

Агарда аксинча, нархга боғлиқ бўлмаган омиллар ялпи таклифни кенгайтириш томон таъсир этса, масалан, ернинг баҳоси пасайса, корхоналардан олинадиган солиқлар камайса ва бунинг оқибатида маҳсулот бирлигига кетадиган сарф-ҳаражатлар қисқарса, унда ялпи таклиф эгри чизифи ўнгга сурилади. Бунда нархларнинг мувозанатли даражаси  $P_1$  дан  $P_3$  гача пасаяди, ишлаб чиқаришнинг мувозанатли ҳажми  $Y_1$  дан  $Y_3$  га ошади, яъни *иқтисодий ўсиши* ҳолати юзага келади.

**Қисқа муддатли мувозанатдан узоқ муддатли мувозанатга ўтиши.** Юқорида айтиб ўтилганидек,  $AD$  ва  $AS$ нинг кесишган нуқтаси иқтисодиёт ишлаб чиқаришининг мувозанатли ҳажми ва нархлар даражасини белгилаб беради. Агар иқтисодиётда тўлиқ бандликка яқин бўлгандаги шароитда мувозанат бузилса (масалан, ялпи талаб ўзгариши натижасида), қисқа муддатли мувозанатнинг ўрнатилишига интилиш билан бир вақтда узоқ муддат учун ҳам мувозанат ўрнатилиши ҳаракати ҳолати юзага келади. Бундай *қисқа муддатли мувозанатдан узоқ муддатли мувозанатга ўтиши* нархлар даражасини корректировкаси (тўғриланиши) орқали амалга оширилади.

Масалан, пул массасининг ортиши натижасида ялпи талаб ортиб ( $AD_1 AD_2$ ), қисқа муддатли мувозанат В нуқтада ўрнатилади, бунда  $Y > Y^*$ , нархлар даражаси эса ўзгармас бўлиб қолади. Юқори даражада ялпи талабнинг ортиши натижасида ишлаб чиқариш ҳажми ортади, аммо қисқа вақт оралиғида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар даставвал аввалги (эски) нархларда сотилади. Сўнг аста-секин ишлаб чиқариш ҳаражатлари ортиб боради: ортиқча

ресурслар сонининг камайиб бориши ва уларга бўлган ялпи талабнинг ортиши натижасида уларнинг нархи кўтарилади, масалан бунга иш ҳақи даражасининг кўтарилишини киритиш мумкин. Иш ҳақи даражасининг кўтарилиши эса ўз навбатида маҳсулотларнинг нархларини оширади. Натижада ялпи талаб камаяди ( $AD_2$  эгри чизиги бўйлаб В нуқтадан С нуқтага ўтиш) ва иқтисодиёт ўзининг олдинги ишлаб чиқариш даражасига қайтади, аммо энди нархлар даражаси олдингисига нисбатан юқорироқ бўлади. Узок муддатдаги мувозанат С нуқтада ўрнатилади.



### 3.4.3-расм. Қисқа муддатли мувозанатдан узок муддатли мувозанатга ўтиш

SRAS – қисқа муддатли кейнсча кесма;


LRAS – узок муддатли классик кесма.

Нархлар даражасининг корректировкаси (ўзгариши) АДнинг ўзгаришига жавобан аста-секин рўй беради, аммо ишлаб чиқариш ва бандлик эса янги шароитга тезроқ мослашади. Эмпирик далиллар шуни тасдиқлайдики, мавжуд ишлаб чиқариш омиллари ва технологиялар шароитида ялпи талаб қандай омиллар таъсирида ўзгаришидан қатъий назар, унинг мувозанатининг бузилиши узок муддатда иқтисодиётни ўзини-ўзи тартибга солиши натижасида АДни яна ўз потенциали даражасига қайтарап экан. Ресурсларнинг тўлиқ бандлиги таъминланмаган шароитида ялпи талабнинг ошиши узок давр ялпи таклифни рағбатлантиради ва уни потенциал ишлаб чиқариш даражасига эришишига сабаб бўлади. Ялпи талабнинг бундан кейинги ошиши эса юқорида айтиб ўтилган ҳолатга олиб келади (3.4.3-расм)

Айтиб ўтиш жоизки, агар ялпи талаб камайса (пул таклифининг камайиши, давлат ҳаражатларининг қисқариши, соликларнинг ошиши ва бошқалар)  $AD$  эгри чизиги чапга силжийди ва қисқа муддатда ишлаб чиқариш ҳажми камаяди, аммо нархлар даражаси кескин тушмайди.

**Храповик самараси.** Ялпи талаб ва ялпи таклиф моделларини таҳлил қиласар эканмиз, юқорида кўрсатилганидек, оралиқ кесмада ялпи талабнинг ўнгга силжиши, яъни ортиши ўз кетидан ишлаб чиқариш ҳажми ва нархларнинг ортишига олиб келишини кўришимиз мумкин. Аммо агарда ялпи талаб камайса, яъни чапга томон, у ҳолда бошланғич мувозанат даражага (қисқа муддатда) қайтиш мумкин бўлмай қолар экан. Нима учун? Чунки товар ва ресурслар нархлари тез ўсишга кўпроқ мойил бўлиб, пасайиши эса қийинроқ кечади, яъни ўсишга эгилувчан ва пасайишга ноэластик бўлади. Шунинг учун баъзи иқтисодчилар бундай жараённи храповик механизми билан таққослайдилар ва **храповик самараси** деб атайдилар (храповик - бу механизм бўлиб, у ғилдиракни орқага эмас факат олдинга силжитади).

Ялпи талаб  $AD_1$  дан  $AD_2$  га ортганда мувозанат ҳолат  $E_1$  дан  $E_2$  га ўзгаради, миллий ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми эса  $Y_1$ дан  $Y_2$ га ошади, нархлар даражаси  $P_1$ дан  $P_2$  га кўтарилади.



### 3.4.4-расм. Храповик самараси

Аммо ялпи талабнинг  $AD_2$  дан  $AD_1$ га камайиши (қисқа муддатда) иқтисодиётни бошланғич ҳолатига қайтармайди ( $E_1$  мувозанат нуктага), бунда янги мувозанат ҳолат -  $E_2^*$  юзага келади, нархлар даражаси  $P_2$  даражада сақланиб қолади, ишлаб чиқариш

ҳажми эса ўзининг бошлангич ҳажми  $Y_1$  дан ҳам камайиб  $Y_3$  га тушиб қолади. Храповик самараси ялпи таклиф эгри чизифини  $P_1 E_1 E_2 AS$  дан  $P_2 E_2^* E_2 AS$  га силжитади.

Қисқа муддатда нархлар даражасининг ялпи талаб камайганда эгилувчанликка мойил эмаслигини асослаб берувчи бир қатор сабаблари мавжуд бўлиб, улар қуидагилар:

- меҳнат шартномаларининг узоқ муддатга тузилиши ва бундай шартномаларга кўра иш ҳақини маълум вактгача камайтиришнинг қонунан ман этилиши;
- хом ашё ва тайёр маҳсулотлар учун аввалдан, яъни эски нархлар бўйича битимлар тузилиши;
- давлат ва касаба уюшмалар фаолиятининг бевосита ва билвосита таъсири;
- фирмалар «самарали иш ҳақи»ни ушлаб туришга ҳаракат қиласидилар (малакали кадрларни сақлаб қолиш ва меҳнат унумдорлиги тушиб кетмаслигини олдини олиш учун, акс ҳолда паст даражадаги иш ҳақи ишчининг меҳнат унумдорлигига ва маънавий ҳолатига салбий таъсири кўрсатади).


### **3.5. Талаб ва таклифнинг шок ҳолатга тушиши. Барқарорлик сиёсати**

Ялпи талаб ва ялпи таклифнинг кескин ўзгариши – **шок ҳолатга тушиши** – ишлаб чиқариш ҳажми ва бандликнинг потенциал даражадан кескин оғишига сабаб бўлади. **Талаб шоклари** пул таклифининг ёки улар айланиш тезлигининг, инвестицияларга бўлган талабнинг кескин ўзгариши ва бошқа бир қатор сабаблар оқибатида юзага келиши мумкин. **Таклиф шоклари** ресурслар нархларининг кескин даражада ўзгариши (масалан, нефт шоклари), табиий оғатлар ва бунинг оқибатида иқтисодий салоҳиятнинг камайиши, касаба уюшмалари фаолиятининг кучайиши, қонунчиликдаги ўзгаришлар (масалан, атроф-муҳитни ҳимоялашга ҳаражатларнинг ошиши) ва бошқа сабаблар оқибатида юзага келиши мумкин.

AD ва AS модели ёрдамида бундай шокларнинг иқтисодиётга таъсирини, давлатнинг бундай шоклар таъсири остида рўй берган иқтисодий тебранишларни олдини олишга қаратилган барқарорлик сиёсати самарадорлигини, шунингдек, ишлаб чиқариш ҳажми ва бандликнинг аввалги даражадаги мувозанат ҳолатининг қай

даражада тикланганлигини баҳолаш мумкин. Масалан, таклиф шокининг салбий таъсири (нефт нархининг ошиши) умумий нархлар даражасининг ошишига (бунда қисқа муддатли AS эгри чизиги юқорига  $SRAS_1$  дан  $SRAS_2$  га силжийди) ва ишлаб чиқариш ҳажмининг камайишига (В нуқта) сабаб бўлади (3.5- расм).

Агарда ҳукумат ва Марказий Банк бундай шароитда ҳеч қандай чора-тадбирлар кўрмаса, у ҳолда иқтисодиёт янги вазиятга мослашади. Ишлаб чиқариш ва бандликнинг потенциал даражадан паст бўлиши (В нуқта) шароитида нархлар даражаси аста-секин пасаяди, бандлик ва ишлаб чиқариш даражаси эса энди аввалги ҳолатига қайтади. Бу графикда аввалги  $AD_1$  эгри чизик бўйлаб қайта ҳаракатланишини кўрсатиб, В дан А га қайтишни билдиради. Аммо мослашиш жараёни жуда узоқ давом этиши мумкин, иқтисодий пасайишнинг бундай давомийлиги ижтимоий вазиятни чукурлаштириши ва турли низоли ҳолатларга олиб келиши мумкин.



**3.5-расм. Таклиф шоки оқибатлари**

Марказий Банк иқтисодий пасайишни пул таклифини ошириб нейтраллаштириши мумкин (ялпи талаб эгри чизигининг ўнгга  $AD_1$  дан  $AD_2$  га силжиши), аммо бунда нархлар даражаси шок таъсирида нисбатан юқори даражада белгиланади (С нуқта). Худди шундай натижага давлат ҳаражатлари оширилиши натижасида эришиш мумкин.

Холоса қилиб шуни айтиш мумкинки, AD-AS модели ёрдамида бозордаги вазият, унинг тебранишларини, шоклар таъсирини, давлат иқтисодий сиёсатининг оқибатларини ва бозор механизмларининг таъсирини баҳолаш мумкин.

## Қисқача хуросалар

1. Иқтисодий мувозанатлик миллий иқтисодиётнинг шундай бир ҳолатики, бунда фойдаланиладиган ишлаб чиқариш ресурслари ва уларнинг тақсимланиш жараёни ўзаро мос келиши, яъни ресурслар ва улардан фойдаланиш натижалари, талаб ва таклиф, моддий ва молиявий оқимлар ўртасида умумий мутаносиблик бўлиши таъминланади.

2. Иқтисодий мувозанатлик – бу макроиқтисодиёт даражада жамият эҳтиёжларига мавжуд иқтисодий ресурслар микдори ва ижтимоий ишлаб чиқариш натижалари ҳажми ҳамда таркибининг ўзаро мос келишидир. Иқтисодий мувозанатни *барқарор* ва *бекарор* турларга ажратадилар. *Барқарор иқтисодий мувозанат* деганда, иқтисодиётнинг ҳар қандай (ички, ташқи) таъсирлар остида ҳам бозор механизми ёрдамида мустақил равишда яна ўзининг мувозанат ҳолатига қайта олишига айтилади. Агарда иқтисодиёт ташқи таъсирлар остида юз берган бекарорлик ҳолатидан мустақил равишда барқарорликка қайта олмаса, у ҳолда иқтисодиёт *бекарор мувозанатликка* юз тутади.

3. Иқтисодий мувозанат *хусусий ва умумий* бўлиши мумкин. *Хусусий мувозанат* – бу алоҳида олинган бозорлар, миллий хўжаликнинг турли хил тармоқлари ва иқтисодий секторларидағи мувозатдир. *Умумий мувозанат* – бу бир вақтнинг ўзида барча бозорларда мувозанат ўрнатилиши, бутун бир иқтисодий тизимдаги мувозанат, яъни макроиқтисодий мувозанатдир. Бундай макроиқтисодий мувозанатга эса ялпи талаб ва ялпи таклиф ўзаро тенглашгандагина эришилади.

4. *Ялпи талаб* – бу график кўринишга эга, расмда эгри чизик шаклида акс эттирилган модел бўлиб, у миллий иқтисодиётда ишлаб чиқарилган товар ва хизматлар ҳажмини уй хўжаликлари, корхоналар, ҳукумат ҳамда хорижий харидорлар томонидан муайян нархлар даражасида сотиб олишга хоҳиши ва тўлов қобилиятини акс эттиради.

5. Нархлар даражаси ва ишлаб чиқарилган реал миллий маҳсулотнинг ҳажмига бўлган ялпи талаб ўртасида тескари пропорционал боғлиқлик мавжуд.

6. Ялпи талаб эгрисига нархлар даражаси билан боғлиқ ва нархлар даражасига боғлиқ бўлмаган омиллар таъсир кўрсатади.

7. Ялпи талабга таъсир кўрсатувчи энг асосий омил – бу нархлар даражасидир. Ялпи талаб эгрисининг пастга, яъни қуйига қараб йўналганини ёки нархлар даражаси ва ялпи талаб ҳажми ўртасида тескари пропорционал боғлиқлик борлигини нархлар даражаси билан боғлиқ бўлган омиллар: а) *фоиз ставкаси самараси*; б) *реал касса қолдиги ёки бойлик самараси*; в) *импорт харидлар самараси* орқали тушунтириш мумкин.

8. Нархга боғлиқ бўлмаган омиллар таъсирида ялпи талаб эгри чизифи ўнгга ёки чапга силжийди. Ялпи талабнинг нархга боғлиқ бўлмаган омиллари: а) *истеъмол ҳаражатларидағи ўзгаришилар*; б) *инвестиция ҳаражатларидағи ўзгаришилар*; в) *давлат ҳаражатларидағи ўзгаришилар*; г) *соф экспорт ҳажми ҳаражатларидағи ўзгаришилар*.

9. *Ялпи таклиф* – бу график қўринишга эга, расмда эгри чизик шаклида акс эттирилган модел бўлиб, у маълум бир даврда муайян нархларда миллий иқтисодиётда ишлаб чиқарилган ва харидорларга таклиф этилаётган реал миллий маҳсулот ҳажмидир.

10. Одатда ялпи таклиф эгри чизифи графикда учта кесмага ажратилади: *кейнсча (горизонтал) кесма*; *классик кесма* ва оралиқ кесма.

11. Ялпи таклифнинг нархга боғлиқ бўлмаган омиллари: а) *ресурслар нархларидағи ўзгаришилар*; б) *мехнат унумдорлигидаги ўзгаришилар*; в) *технологиядаги ўзгаришилар*; г) *ҳуқуқий меъёрлардаги ўзгаришилар*; д) *табиий оғатлар, иқлимдаги ўзгаришилар*.

12. *Нархларнинг мувозанатли даражаси* деб шундай нарх даражаси тушуниладики, унда ялпи талаб ва ялпи таклиф бир-бирига мос келади ёки бир-бирига тенг бўлади. Нархларнинг мувозанатли даражасида маълум миқдордаги маҳсулотларни мавжуд нархларда харидорлар харид қилишга, ишлаб чиқарувчилар эса таклиф этишга ва сотишга тайёр бўладилар. Бу *миллий ишлаб чиқаришнинг мувозанатли реал ҳажми* деб аталади.

13. Товар ва ресурслар нархлари тез ўсишга кўпроқ мойил бўлиб, пасайиши эса қийинроқ кечади, яъни ўсишга эгилувчан ва пасайишга ноэластик бўлади. Шунинг учун баъзи иқтисодчилар бундай жараённи храповик механизми билан таққослайдилар ва *храповик самараси* деб атайдилар.

14. Киска муддатда нархлар даражасининг ялпи талаб камайганда эгилувчанликка мойил эмаслигини асослаб берувчи сабабларга: а) *мехнат шартномаларининг узок муддатга тузилиши*; б)

хом ашё ва тайёр маҳсулотлар учун аввалдан, яъни эски нархлар бўйича битимлар тузилиши; в) давлат ва касаба уюшмалар фаолиятининг бевосита ва билвосита таъсири; г) фирмалар малакали кадрларни сақлаб қолиш ва меҳнат унумдорлиги тушиб кетмаслигини олдини олиш учун «самарали иш ҳақи»ни ушлаб туришга ҳаракат қиласидилар.

15. Ялпи талаб ва ялпи таклифнинг кескин ўзгариши – *шок ҳолатга тушиши* – ишлаб чиқариш ҳажми ва бандликнинг потенциал даражадан оғишига сабаб бўлади. *Талаб шоклари* пул таклифининг ёки улар айланиш тезлигининг, инвестицияларга бўлган талабнинг кескин ўзгариши ва бошқа бир қатор сабаблар оқибатида юзага келиши мумкин. *Таклиф шоклари* ресурслар нархларининг кескин даражада ўзгариши (масалан, нефт шоклари), табиий оғатлар ва бунинг оқибатида иқтисодий салоҳиятнинг камайиши, касаба уюшмалари фаолиятининг кучайиши, қонунчиликдаги ўзгаришлар (масалан, атроф-муҳитни ҳимоялашга ҳаражатларнинг ошиши) ва бошқа сабаблар оқибатида юзага келиши мумкин.

16. AD-AS модели ёрдамида бозордаги вазият, унинг тебра-нишларини, шоклар таъсирини, давлат иқтисодий сиёсатининг оқибатларини ва бозор механизмларининг таъсирини баҳолаш мумкин.

## Таянч иборалар

Макроиктисодий мувозанат, иқтисодий барқарорлик, идеал ва реал иқтисодий мувозанат, бекарор ва барқарор иқтисодий мувозанат, хусусий ва умумий иқтисодий мувозанат, ялпи талаб, фоиз ставкаси самараси, реал касса қолдиғи ёки бойлик самараси, импорт харидлар самараси, ялпи талабнинг нархга боғлиқ бўлмаган омиллари, ялпи таклиф, кейнсча кесма, классик кесма, оралиқ кесма, ялпи таклифнинг нархга боғлиқ бўлмаган омиллари, нархларнинг мувозанатли даражаси, миллий ишлаб чиқаришнинг мувозанатли реал ҳажми, стагфляция, қисқа муддатли мувозанат, узоқ муддатли мувозанат, храповик самараси, талаб ва таклиф шоклари.

## **IV БОБ. МАКРОИҚТИСОДИЙ БЕҚАРОРЛИК: ИҚТИСОДИЁТНИНГ ДАВРИЙЛИГИ, ИШСИЗЛИК ВА ИНФЛЯЦИЯ**

- 4.1. Иқтисодиётнинг даврий тебраниши ва унинг фазалари. Иқтисодиётнинг даврий тебраниши сабаблари.
- 4.2. Аҳолининг асосий категориялари.
- 4.3. Ишсизликнинг келиб чиқиш сабаблари ва унинг асосий турлари. Табиий ишсизлик даражаси.
- 4.4. Ишсизлик оқибатлари. Ишсизликни бартараф этишнинг давлат сиёсати.
- 4.5. Инфляция ва унинг кўрсаткичлари. Инфляция турлари.
- 4.6. Инфляциянинг келиб чиқиш сабаблари ва оқибатлари. Инфляция ҳаражатлари.
- 4.7. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида инфляция жараёнлари ва аксилиинфляция сиёсати хусусиятлари.
- 4.8. Ишсизлик даражаси ва инфляция суръати ўртасидаги ўзаро боғлиқлик.

**Қисқача холосалар**

**Таянч иборалар**

### **4.1. Иқтисодиётнинг даврий тебраниши ва унинг фазалари. Иқтисодиётнинг даврий тебраниши сабаблари.**


Иқтисодиётнинг ривожланишини одатда иқтисодий ўсишни характерловчи тўғри чизик акс эттирасада, амалда иқтисодиёт доимий равища бундай узлуксиз, яъни тренд бўйича ривожланмайди. Аксинча, тренддан доимий узилишлар, пасайишлар ва юксалишлар кузатилади, яъни иқтисодиёт даврий (циклик) равища ривожланади (4.1.1-а расм). Иқтисодий ёки бизнес цикл (business cycle) иқтисодиётда вақти-вақти билан бўладиган пасайишлар ва юксалишларни яъни, иқтисодий фаоллик тебранишларини намоён этади. Бу тебранишлар бир маромда кечмайди ва уларни олдиндан башорат қилиб бўлмайди, шунинг учун ҳам “цикл” ибораси шартлидир. Циклнинг одатда 2 экстремум нуқтаси ажратилади: а) чўққи ёки энг юқори нуқта (peak), у иқтисодий фаолликнинг максимумига; б) туб ёки энг қуйи нуқта, у иқтисодий фаолликнинг минимумига тўғри келади.

Цикл, одатда, 2 фазага ажратилади: 1) пасайиш фазаси ва рецессия (recession), у чўққидан энг қуий нуқтагача давом этади. Узок давом этадиган ва чуқур пасайиш депрессия (depression) дейилади. Шунинг учун ҳам 1929-1933 йиллардаги инқироз “Буюк депрессия” номини олди; 2) ўсиш ёки жонланиш фазаси (recovery), у қуий нуқтадан чўққигача давом этади (4.1.1а -расм).

Бошқа бир қарашларга кўра иқтисодий цикл 4 фазага ажратилади (4.1.1б-расм), лекин бунда экстремум нуқталар ажратилмайди. Унга кўра, иқтисодиёт иқтисодий фаолликнинг максимум ёки минимумига эришганда, у маълум бир муддат (баъзида узок вақт) давомида шу ҳолатда бўлади:

1) I фаза – бүм (boom), бунда иқтисодиёт максимал фаолликка эришади. Бу юқори даражадаги бандлилик ва инфляция давридир (иқтисодиёт потенциал ишлаб чиқариш ҳажмидан, яъни тренд даражасидан юқорида бўлади). Бундай шароитда, яъни иқтисодиётда ҳақиқий ЯИМ потенциал ЯИМдан юқори бўлса **инфляцияли узилиши** юз беради ва бунда иқтисодиёт “қизиб кетади” (“overheated”).

2) II - фаза пасайиш (recession ёки slump). Иқтисодиёт астасекин тренд даражаси (потенциал ЯИМ)га қайтади, иқтисодий фаоллик даражаси пасаяди, ҳақиқий ЯИМ ўзининг потенциал даражасига етади, ундан кейин трендан пастга туша бошлайди ва бу кейинги фаза – инқирозга олиб келади.



#### 4.1.1- Расм. Иқтисодий цикл ва унинг фазалари


3) III – фаза – инқироз (crisis) ёки стагнация (stagnation). Ҳақиқий ЯИМ потенциал ЯИМдан паст бўлганлиги сабабли,

иқтисодиётда *рецессияли узилиши* юзага келади. Бу иқтисодий ресурслардан түліккө даражада фойдаланмаслик, яни юқори даражадаги ишсизлик даври ҳисобланади.


4) IV - фаза – жонланиш ва ўсиш. Иқтисодиёт аста-секин инқироз холатидан чиқиб, ҳақиқий ЯИМ ўзининг потенциал даражасига яқинлаша бошлайди, кейин эса ўз максимумига эришгунча ошиб боради ва яна бүм фазасига етиб келади.

**Иқтисодий тебранишлар сабаблари.** Иқтисодий назарияда иқтисодий тебранишларнинг бир қанча сабаблари күрсатилади: табиат билан боғлиқ ҳодисалар, урушлар, инқилоблар ва ҳарбий түнтаришлар; президент сайловлари; истеъмолнинг етарлича бўлмаганлиги; аҳоли ўсишининг юқори суръатлари; инвесторларнинг оптимистик ёки пессимистик кайфиятлари; пул таклифининг ўзгариши; техник ва технологик янгиликларнинг ҳаётга тадбиқ этилиши; нарх шоклари ва бошқалар. Ҳақиқатда эса юқоридаги барча сабабларни битта асосий сабаб сифатида, яни ялпи талаб ва ялпи таклиф, ялпи ҳаражатлар ва ялпи ишлаб чиқариш ҳажми ўртасидаги номутаносиблик деб қарашиб мумкин.

Иқтисодиёт ривожланишининг даврийлигини қўйидагича тушунтириш мумкин: ёки ялпи таклиф ўзгармаган ҳолда ялпи талабнинг ўзгариши (ялпи ҳаражатларнинг ўсиши юксалишга, уларнинг пасайиши рецессияга олиб келади) ёки ялпи талаб ўзгармаган ҳолда ялпи таклифнинг ўзгариши (ялпи таклифнинг камайиши иқтисодий пасайишни, унинг ортиши эса юксалишни назарда тутади).



2 а - расм



2 б - расм

#### 4.1.2-расм Иқтисодий циклнинг AD – AS модели орқали тасвирланиши

бунда,

SRAS – қисқа муддатли кейнсча кесма;

LRAS – узоқ муддатли классик кесма;

AD – ялпи талаб эгриси;

P – нархлар даражаси;

Y\* - миллий ишлаб чиқаришнинг потенциал ҳажми;

Y – миллий ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми.

**Иқтисодий тебранишлар турлари.** Иқтисодий тебраниш давомийлигига кўра, бир неча турларга бўлинади:

- “Контдратьев” иқтисодий тебранишлари, 40-60 йил давом этади. Бундай тебранишлар техник тараққиёт ва структуравий (таркибий) ўзгаришлар ҳисобига рўй беради. У буюк рус иқтисодчиси Н.Д. Контдратьев шарафига номланган. У “иқтисодий конъюктурунинг узун тўлқинлари” назариясини ишлаб чиқди.

- классик иқтисодий тебранишлар, 1-“классик” инқироз (ишлаб чиқариш инқирози) 1825 йил Англияда содир бўлган, улар 10-12 йил давом этади ва асосий капитал, яъни асбоб-ускуналарнинг ёппасига янгиланиши билан боғлиқ (асосий капиталнинг маънавий эскириши тезлашиб бориши маъносида бугунги кунда бундай иқтисодий тебранишларнинг давомийлиги қисқарди).

- Китчин иқтисодий тебранишлари 2-4 йил давом этади ва захираларнинг, МД, ишсизлик, инфляция даражаларининг ўзгариши билан боғлиқдир.

Қуйидаги жадвалда ҳозирда кенг тарқалган даврий тебранишларнинг асосий турларини келтириб ўтамиз (4.1-жадвал).

Иқтисодий тебранишларнинг бир неча турларга ажратилиши иқтисодиётда турли хилдаги жисмоний капиталлардан фойдаланишнинг давомийлигига асосланади. Масалан, юз йиллик иқтисодий тебранишлар илмий кашфиётлар ва катта янгиликлар юзага келиши билан боғлиқ, улар ишлаб чиқариш технологиясида ҳақиқий инқиlobни амалга оширадилар. (масалан, «буғ асли» “электр асли”га, сўнгра эса “электроника ва автоматика” аслига ўтганлигини эслайлик).

Контдратьевнинг узун тўлқинли иқтисодий тебранишлари асосида ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш, бино ва иншоотларининг хизмат даври давомийлиги (жисмоний капиталнинг пассив қисми) ётади. Тахминан 10-12 йилдан сўнг асбоб-ускуналарнинг жисмоний емирилиши юз беради (жисмоний капиталнинг актив қисми) ва бу “классик” иқтисодий тебранишларнинг давомийлигини асослаб беради.

## 4.1- жадвал

### Даврий тебранишларнинг асосий турлари

Даврий тебранишнинг асосчиси	Циклнинг давомийлиги	Даврий тебранишнинг асосий хусусиятлари
Китчин	2-4 йил	захиралар, МД, ишсизлик ва инфляция катталикларидағи ўзгаришлар
Жугляр	7-12 йил	инвестициялар, МД, ишсизлик ва инфляция катталикларидағи ўзгаришлар
Кузнец	16-25 йил	даромад, иммиграция, уй-жой қурилиши, ялпи талабдаги ўзгаришлар
Кондратьев	40-60 йил	техник тараққиёт, таркибий ўзгаришлар
Форрестер	200 йил	қўлланиладиган энергия ва материалларнинг ўзгариши
Тоффлер	1000 – 2000 йил	Цивилизацияларнинг ривожланиши билан боғлиқ

Хозирги даврда асбоб-ускуналарнинг алмаштирилиши учун унинг жисмоний эмас, маънавий емирилиши бирламчи аҳамиятга эга. Маънавий эскириш ишлаб чиқариш қуввати юқорироқ, мукаммалроқ асбоб-ускуналарнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Янги техника ва технология ҳозирда 4-6 йил ва ундан қисқароқ (масалан, АҚТ соҳасида) муддатда пайдо бўлаётганлиги учун иқтисодий тебраниш давомийлиги қисқариб бормоқда. Бундан ташқари, кўпгина иқтисодчилар иқтисодий тебраниш давомийлигини узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар истеъмолчилар томонидан кенг миқёсда, ҳар 2-3 йил муддатда (айниқса ривожланган давлатларда) янгиланиши билан боғлайдилар.

Хозирда иқтисодиётда иқтисодий тебраниш фазалари давомийлиги ва тебранишлар амплитудаси турли хил бўлаётганини кузатиш мумкин. Бу масалан, биринчи навбатда оқибатлари ҳалихануз давом этаётган жаҳон молиявий-иктисодий инқирози ва турли мамлакатлар иқтисодиётларининг ўзига хос хусусиятлари: давлат аралашуви даражаси, иқтисодиётни тартибга солиш харак-

тери, хизмат соҳасининг улуши ва ривожланиш даражаси (ноишлаб чиқариш соҳасининг), илмий-техник инқилобнинг ривожланиш шароитлари билан боғлиқ.

Даврий тебранишларни нодаврий тебранишлардан ажрата билиш лозим. Иқтисодий тебранишлар юз бераётган шароитда иқтисодиётдаги барча макроиктисодий кўрсаткичларнинг ўзгариши кузатилади ва бундай даврий ўзгариш иқтисодиётнинг барча тармоқларига таъсир кўрсатади. Нодаврий тебранишларга қуидаги-ларни киритиш мумкин:

- иши мавсумий характерга эга баъзи соҳалардагина иқтисодий фаолликнинг ўзгариши (масалан, кузда ҳосил терими вактида қишлоқ ҳўжалигида, баҳор ва ёзда қурилишда);

- факат баъзи соҳаларда иқтисодий кўрсаткичларнинг ўзгариши (масалан, байрам олди чакана савдо ҳажмларининг кескин ўсиши ва ушбу соҳаларда иқтисодий фаолликнинг ошиши).

Умуман олганда, иқтисодиёт ҳар доим ҳам бир текисда тренд бўйича ривожлана олмайди. Юқорида айтиб ўтилган сабаблар таъсирида иқтисодиёт ўз изидан чиқиб кетса, бу албатта ишлаб чиқариш ҳажмининг камайиши ёки ортиб кетиши, юқори бандлик даражаси ва ишсизлик, инфляция ёки дефляция, иқтисодий ўсиш ёки пасайиш каби ҳолатларга олиб келиши мумкин.

## 4.2. Аҳолининг асосий категориялари

Макроиктисодий бекарорлик вазияти юзага келиб, иқтисодий ривожланиш пасайиш томон ўзгарганда, иқтисодий ресурслардан тўлиқ фойдаланмаслик оқибатида ишсизлик муаммоси юзага келиши мумкин. Ишсизларни аниқлаш учун энг аввало аҳолининг асосий тоифаларини кўриб чиқиши лозим бўлади.

Мамлакат аҳолиси (population – POP) макроиктисодий нуқтаи назардан икки тоифага ажратилади (4.2.1):

- ишчи кучи таркибига киритиладиган аҳоли (labour force - L);
- ишчи кучи таркибига киритилмайдиган аҳоли (non-labour force - NL)

$$POP = L + NL \quad (4.2.1)$$

*Ишчи кучи таркибига киритилмайдиган аҳоли (non-labour force - NL) таркибига ижтимоий ишлаб чиқаришда қатнашмайдиган ва иш қидиришга интилмаётган кишилар киритилади. Яъни ушбу тоифага аҳолининг қуидаги групкалари киритилади: 16 ёшига*

*түлмаганар; аҳлок тузатиши колонияларида ўз муддатларини ўтаётган шахслар; руҳий касаллик бўйича даволаши муассасаларида бўлган шахслар ва инвалидлар* (ушбу гуруҳга тегишли кишилар «институционал аҳоли» деб аталади, чунки улар давлат қарамоғидаги шахслар ҳисобланади). Булардан ташқари, ишчи кучи таркибига киритилмайдиган аҳолига ишлаши мумкин бўлган, аммо баъзи сабабларга кўра, ҳозирда ишлай олмайдиган ва умуман иш қидирмаётган кишилар киради: *талаба ёшлар* (чунки улар ўқув юртларда ўқишлари лозим); *нафақага чиқсан кишилар* (улар ўз умрлари давомида ишлаб бўлганлар); *уй бекалари* (улар куни билан меҳнат қиласидар, аммо улар жамоага тегишли ишлаб чиқаришда қатнашмайдилар ва ўз меҳнатлари учун ҳақ олмайдилар); *дайдилар* (чунки умуман ишлашни хоҳламайдилар); *иши қидиришини тўхтатиб қўйган шахслар* (ҳозирга қадар иш қидириб юрган шахслар, аммо иш топмаганлари сабабли уни топишдан умидсизликка тушиб, ишчи кучи таркибидан чиқиб кетганлар).

Ишчи кучи таркибига киритиладиган аҳоли тоифаси («labour force»)га ишлай оладиган, ишлашни хоҳловчи ва ишни фаол қидиравчи кишилар киритилади. Яъни улар жамоа ишлаб чиқаришида банд бўлган ёки ҳозирда иш жойига эга бўлмаган, аммо иш қидиришга мавжуд имкониятларини сафарбар этаётган шахслардир. Шундай қилиб, умумий ишчи кучи икки кисмдан иборат бўлади:

- *банд бўлганлар* (employed - E) – яъни иш жойига эга бўлганлар, бунда улар тўлик ёки тўлик бўлмаган иш куни ёки иш ҳафтасига эга ёки эга эмасликлари аҳамиятга эга эмас. Бундан ташқари кишилар баъзи сабабларга кўра ишламасаларда, аммо иш билан банд ҳисобланадилар: а) қонуний таътил вактида; б) касалликлари туфайли ишга чиқа олмасалар; в) намойишларда иштирок этаётган бўлсалар ва г) ёмон об-ҳаво шароитида ёки фавқулотда юз берган ҳодиса туфайли ишга чиқа олмасалар;

- *ишилизлар* (unemployed - U) – яъни иш жойига эга бўлмаганлар, аммо уни фаол қидираётган шахслар. Ишилизларни ишчи кучи таркибига киритилмайдиган кишилардан энг асосий фарқи – уларнинг фаол иш қидиришларида ҳисобланади.

Шундай қилиб, ишчи кучининг умумий сони куйидагича аникланади:

$$L = E + U \quad (4.2.2)$$

бунда,


L - умумий ишчи кучи сони;

Е - банд бўлганлар сони;

У – ишсизлар сони.

Ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбийлар расмий равишида банд бўлсаларда ишсизлик даражасини ҳисоблашда ҳисобга олинмайдилар, чунки ишсизлик фақатгина иқтисодиётнинг фуқаролик секторига тегишли ҳисобланади).

Аҳолининг «банд бўлганлар», «ишсизлар» ва «иш кучи таркибиға киритилмайдиганлар» тоифалари ўртасида доимий равишида алоқа мавжуд бўлиб, уларга ўзаро бир-бири билан ўрин алмашиш жараёнлари хосдир (4.2.1-расм). Банд бўлганларнинг бир қисми вақти келиб ўз иш жойларини йўқотишлари ва ишсизлар қаторига киришлари ёки аксинча, ишсиз бўлиб юрганлар иш ўринларига эга бўлиб қолишлари мумкин. Иқтисодиётнинг жамиятга тегишли секторида ишлаётган баъзи бир кишилар уни тарк этишлари (масалан, нафақага чиқишлари ёки уй бекаси бўлиб қолишлари), бир қатор ишсизлар эса иш топишдан умидларини узуб ишчи кучи таркибидан умуман чиқиб кетишлари ва уларнинг қаторини тўлдиришлари мумкин. Бундан ташқари, жамиятнинг ишлаб чиқариш секторида банд бўлмаганлар бир кун келиб фаол иш қидиувчиларга айланишлари (уй бекалари, ўқув юртларини битирган ёшлар, ўзини ўнглаб олган дайдилар) ҳам табиий ҳолдир. Одатда барқарор ривожланаётган иқтисодиётда иш жойларини йўқотганлар сони иш ўринларини фаол қидираётганлар сонига teng бўлади.



**4.2.1-расм. Аҳолининг турли тоифалари ўртасида ўзаро алоқадорлик**

Ишсизликни белгилаб берадиган асосий кўрсаткич бу – ишсизлик даражаси ҳисобланади. Ишсизлик даражаси (rate of unemployment -  $u$ ) ишсизлар сонини умумий ишчи кучи сони (банд бўлганлар ва ишсизлар сони йифиндиси)га нисбати билан аниқланиб, фоизларда ифодаланади (4.2.3):

$$u = \frac{U}{L} \cdot 100\% \quad \text{ёки} \quad u = \frac{U}{E + U} \cdot 100\% \quad (4.2.3)$$

бунда,

$u$  – ишсизлик даражаси;

$U$  - ишсизлар сони;

$L$  - умумий ишчи кучи сони;

$E$  – банд бўлганлар сони.

Умуман олганда, ишсизлик барча мамакатлар учун салбий ижтимоий-иктисодий оқибатларга олиб келувчи жиддий макроиктисодий муаммо ҳисобланади. Шунинг учун тури мамлакатлар ишсизлик даражасини унинг табиий даражадан юқори даражада бўлмаслигининг йўлларини излаш мақсадида турли даврларда чора-тадбирлар дастурларини ишлаб чиқадилар. Масалан, 2007 йилда бошланган ва ҳозирда ҳам салбий оқибатлари давом этаётган жаҳон молиявий-иктисодий инқирози келтириб чиқараётган ишсизлик муаммосини ҳал этишга доир вазифаларни ҳал этишда турли мамлакатлар ўз чора-тадбирлар дастурларини ишлаб чиқмоқдалар.

### 4.3. Ишсизликнинг келиб чиқиши сабаблари ва унинг асосий турлари. Табиий ишсизлик даражаси

Одатда ишсизлик келиб чиқишининг асосий учта сабаби келтирилади:

- 1)иш йўқотиш (ишдан бўшатилиши туфайли);
- 2)иш жойидан ихтиёрий равишда кетиш;
- 3)мехнат бозорига биринчи маротаба мурожаат этиш.

Ишсизликнинг асосан уч тури мавжуд бўлиб уларга: фрикцион, структуравий ва даврий ишсизлик киритилади.

**Фрикцион ишсизлик** («фрикция» сўзидан олинган бўлиб, ишқаланиш маъносини англатади) деганда иш қидириш билан боғлиқ ишсизликни тушунмоқ даркор. Иш қидириш жуда кўп вақт ва ҳаракатни талаб этгани сабабли, кишилар маълум вақт ишсиз бўлиб юрадилар. Фрикцион ишсизликнинг асосий хусусияти шундаки, иш жойини маълум бир касбий тайёргарлик ва малакага эга бўлган тайёр мутахассислар излайдилар. Шунинг учун бундай турдаги ишсизликнинг асосий сабаби иш ўринлари ҳақидаги маълумотнинг етарли даражада мавжуд эмаслиги ҳисобланади, яъни бугун иш ўрнини йўқотган киши одатда эртасига уни топиш имкониятига эга бўлмай қолади.

Фрикцион турдаги ишсизларга қуидагиларни киритиш мумкин:

- 1)раҳбарият буйруғига асосан ишдан бўшатилганлар;
- 2)ўз хоҳиши билан ишдан бўшаганлар;
- 3)илгариги иш жойларига қайта қабул қилинишларини кутаётганлар;
- 4)иш топган, аммо ҳали ишга киришмаганлар;
- 5)мавсумий ишчилар (мавсумий иш бўлмагандан);
- 6)мехнат бозорига эндиғина келиб қўшилган касбий тайёргарик ва малакаси бўлмаган кишилар.

**Таркибий ишсизлик** иқтисодиётда руй берадиган таркибий ўзгаришлар билан боғлиқдир. Бундай ўзгаришлар эса ўз навбатида:  
а) турли тармоқлар маҳсулотларига бўлган талабдаги таркибий ўзгаришларга ва б) илмий-техник тараққиёт билан боғлиқ иқтисодиёт тармоқларининг таркибий ўзгаришларига боғлиқдир. Талабнинг таркиби доимо ўзгариб бориши сабабли, баъзи тармоқларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга талаб ортиб боради, бу эса ўз навбатида уларда ишчи кучига бўлган талабни ошишига олиб келади. Баъзи тармоқлар маҳсулотларига эса аксинча, талаб камайиб, бандликнинг қисқариши ишчиларни ишдан бўшатиш ва ишсизлар сони ортишига сабаб бўлади. Вақти келиб ишлаб чиқаришнинг тармоқлар бўйича таркибий ўзгаришлари ҳам табиий ҳолда ўзгаради: баъзи бир тармоқлар эскиради ва йўқолиб боради, масалан, парвозлар, файтунлар, керосин лампалар ва оқ-қора телевизорлар ишлаб чиқариш, улар ўрнига бошқалари масалан, шахсий компьютерлар, рангли телевизорлар, мобил алоқа телефонлари ва бошқалар. Масалан, Ўзбекистон мустақилликни кўлга киритгач, иқтисодиётнинг кўргина тармоқларида чукур

таркибий ўзгаришлар юз берганлиги сабабли, қўпгина кишилар илгариги касб-хунар, мутахассисликларидан воз кечиб, бошқа соҳада иш ўринларига эга бўлиш учун касбий малакаларини, мутахассисликларини ўзгартиришга мажбур бўлдилар.

Таркибий ишсизликнинг асосий сабаби – ишчи кучи таркибининг иш жойлари таркибиға мос келмаслигидадир. Бу дегани маълум касб ва малакага эга бўлган кишилар замонавий талаб ва замонавий тармок таркибий ўзгаришларга жавоб бера олмасликлари ва шу сабабли ишдан бўшаб иш топа олмасликлари ҳисобланади. Бундан ташқари, эндиғина ўқув юртларини тугатиб меҳнат бозорига қўшилган ёшлар битирган мутахассисликлари буйича иқтисодиётга бугунги «кераксиз» деб топилсалар, бундайлар ҳам таркибий ишсизларга айланадилар. Шунинг учун ўқув юртлари келажак мутахассисларини тайёрлашда бу масалага алоҳида эътиборларини қаратишлари лозим бўлади.

Таркибий ишсизик фрикцион ишсизликдан узоқроқ давом этиши ва қўпроқ ҳаражат талаб этиши билан фарқ қиласди, чунки янги тармоқларда маҳсус тайёргарликсиз ишлаш мумкин эмас.

Аммо айтиш жоизки, юқорида келтирилган фрикцион ва таркибий ишсизлик турларининг мавжуд бўлиши табиий жараён ҳисобланади (яъни жамият ривожи ва ишчи кучининг доимий равища ҳаракатланиши билан боғлиқдир). Бу жараён айниқса, иқтисодиёти юқори даражада ривожланган мамлакатлар учун ҳам хос ҳисобланади, чунки илмий-техник тараққиёт туфайли турли тармоқлар маҳсулотларига талаб таркиби доимо равища ўзгариб турди, шу сабабдан иқтисодиётда ҳозирда ва бундан кейин ҳам таркибий силжишлар рўй беради ва бундай ўзгаришлар таркибий ишсизликни келтириб чиқаради. Иқтисодиётда фрикцион и таркибий ишсизлик мавжуд бўлган шароитда ҳам ишчи қучларининг тўлиқ бандлиги таъминланади, бунда ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий ҳажми унинг потенциал ҳажмига teng бўлади.

*Ишсизликнинг табиий даражаси* (natural rate of unemployment –  $u^*$ ) – бу ишчи кучларининг тўлиқ бандлиги (full-employment) таъминлангандаги даражаси бўлиб, улардан самарали ва рационал фойдаланилаётганликни билдиради. Бу дегани, барча ишлашни хоҳловчилар иш топиш имкониятига эга бўладилар ва иш билан таъминланадилар. Шунинг учун ишсизликнинг табиий даражасини тўлиқ бандлик (full-employment rate of unemployment) шароитидаги ишсизлик даражаси дейдилар ва табиий ишсизлик

даражасига мос келувчи ишлаб чиқариш ҳажмини эса *табий ишлаб чиқариш ҳажми* (natural output) деб атайдилар. Иқтисодиётда түлиқ бандлик шароитида факатгина фрикцион и структуравий ишсизлик мавжуд экан, у ҳолда табий ишсизлик уларнинг йиғиндисидан иборат бўлади:

$$u^* = u_{\text{фрик}} + u_{\text{структур}} = \frac{(U_{\text{фрик}} + U_{\text{структур}})}{L} \cdot 100\% \quad (4.3)$$

бунда,

$u^*$  – ишсизлик даражаси;

$U_{\text{фрик}}$  – фрикцион ишсизлик туридаги ишсизлар сони;

$U_{\text{структур}}$  - таркибий (структурный) ишсизлик туридаги ишсизлар сони;


$L$  - умумий ишчи кучи сони.

Ишсизликнинг табий даражаси кўрсаткичи замонавий баъзи тушунтиришларда *инфляция даражасини тезлаштирмайдиган ишсизлик даражаси* деб ҳам юритилади (NAIRU, яъни non – accelerating inflation rate of unemployment). Буни тушунтириш учун иқтисодий ўсиш ва даврийлик графигидан фойдаланамиз.

4.3.1-расмда келтирилган чизмада тренднинг ҳар бир нуқтаси потенциал ЯИМ даражасини ёки ресурсларнинг түлиқ бандлигини англатади (В ва С нуқталар). Синусоидадаги, яъни иқтисодий циклни тасвирловчи ҳар бир нуқта (А ва D нуқталар) эса ҳақиқий ЯИМ ҳажмини билдиради. Агар ҳақиқий ЯИМ ҳажми потенциалдан юқори бўлса (А нуқта), ишсизликнинг ҳақиқий даражаси табий даражадан паст бўлади, ялпи талаб ялпи ишлаб чиқариш ҳажмидан юқори бўлади ва бу ҳолат юқори даражадаги бандликка олиб келади. В нуқтадан А нуқтага ўтилганда нархлар даражаси ортиб боради, яъни инфляция жараёни тезлашади. Иқтисодиёт потенциал ишлаб чиқариш даражада (түлиқ бандлик шароитида), яъни табий ишсизлик шароитида бўлганда инфляция жараёни тезлашмайди.

Ишсизликнинг табий даражаси катталиги вақт ўтиши билан ўзгариб туради. Масалан, 60-йилларда унинг даражаси ишчи кучларининг 4%ини ташкил этган бўлса, ҳозирги вақтда 6% - 7%ни ташкил этмоқда. Табий ишсизлик даражаси ортишининг асосий сабаби иш қидириш билан боғлиқ вақтнинг узайиши ҳисобланади. Бу эса ўз ўрнида қуйидагилар билан изоҳланади:

- 1) ишсизлик бўйича нафақа тўловларининг ортиши;
- 2) ишсизлик бўйича нафақа тўлови вақтининг узайганлиги;
- 3) ишчи кучи таркибида аёллар улушининг ортиши;
- 4) меҳнат бозорида ёшлар улушининг ортиши.




#### **4.3.1-расм. Даврий тебранишда ишсизлик ва инфляция**

Ҳақиқий ишсизлик даражаси табиий даражадан ортиб кетиш жараёни кузатилса, у ҳолда иқтисодиётда пасайиш, яъни *рецессия* ҳолати юз беради. Рецессия сабабли юзага келган ишсизлик **даврий ишсизлик** дейилади. Графикда бундай турдаги ишсизликнинг юзага келиши D нуқтага тўғри келади, бунда ҳақиқий ЯИМ ўзининг потенциал даражасидан паст бўлади. Бундай ҳолатда иқтисодиёт ўз ресурсларини тўлиқ ишлатмайди, яъни ҳақиқий ишсизлик даражаси табиий даражадан юқори бўлади. Замонавий шароитларда даврий ишсизликнинг мавжудлиги ялпи ҳаражатларнинг етишмаслиги, яъни ялпи талабнинг қисқариши, ҳамда ялпи таклифнинг камайиши билан боғлиқдир.

**Ихтиёрий ва мажбурий ишсизлик.** Ишсизликни турли хил иқтисодий йўналиш вакилари ўз макромodelарида турлича талқин қиласидилар. Масалан классик модел вакиларининг фикрича, ишсизлик ишчиларнинг маълум бир иш ҳақи даражасида ишлашни хоҳламасликлари туфайли юзага келади. Шунинг учун, яъни ишчилар ўз хоҳишлиари бўйича ишлашдан воз кечар эканлар, демак классик моделда ишсизлик ихтиёрий характерга эга бўлади. Замонавий шароитларда классикларнинг тарафдорлари бўлган неоклассик йўналиш вакиллари ҳам айнан шу сабабга кўра ихтиёрий ишсизликни мавжуд деб ҳисоблайдилар ва уни фрикцион

ишизликка киритадилар. Табиий ишизлик даражасида меҳнат бозорида мувозанат (меҳнатга бўлган талаб унинг таклифига тенг бўлгандаги вазият) таъминланади, яъни мувозанат иш ҳақи ставкасида ишлашни хоҳловчи кишилар эрта ёки кеч иш топадилар ва бу жараён ҳар қандай иқтисодиёт учун хосдир.

Аммо классиклардан фарқли равишда неоклассик йўналиш вакиллари ишизликнинг бир қисми мажбурий характерга эга эканлигини тан оладилар ва бундай ишизликни *кутиши билан боғлиқ бўлган ишизлик* (wait unemployment) деб атайдилар. Кутиш билан боғлиқ бўлган ишизликнинг келиб чиқиш сабаби меҳнат бозорида мувозанатнинг бузилиши, яъни реал иш ҳақи ставкасининг мувозанат даражадан юқори белгиланишида деб тушунтирилади.



#### 4.3.2-расм. Кутиш билан боғлиқ ишизлик (неоклассик назария)

бунда,

$W$  – иш ҳақи ставкаси;

$L_f$  - тўлиқ бандлик даражасидаги ишчи кучи сони;

$L_1$  - таклиф меҳнатга бўлган талабдан ортиқ бўлгандаги ишчи кучи сони;

$L^D$  – меҳнатга бўлган талаб;

$L^S$  – меҳнат таклифи.

( $W_0$ ) га тенг бўлган иш ҳақи ставкасида (4.3.2- расм) меҳнат бозори ишчи кучининг тўлиқ бандлиги даражасида ( $L_f$ ) мувозанат

ҳолатида бўлади. Аммо иш ҳақи даражаси ( $W_1$ )да ўрнатилса, у ҳолда таклиф ( $L_f$ ) меҳнатга бўлган талабдан ортиқ бўлади ва фақатгина  $L_1$  га тенг бўлган ишчи кучи ишга ёлланади.  $L_1$  ва  $L_f$  орасидаги фарқ кутиш билан боғлиқ ишсизликни ташкил этади ва бундай ишсизлик иш ҳақи даражаси яна мувозанатга келганда, яъни ( $W_0$ ) га тенг бўлганда бартараф этилади.

#### **4.4. Ишсизлик оқибатлари. Ўзбекистонда ишсизликни бартараф этишининг давлат сиёсати.**

**Ишсизлик оқибатлари.** Даврий ишсизликнинг мавжуд бўлиши жиддий макроиқтисодий муаммо бўлиб, макроиқтисодий бекарорликни ва мавжуд ресурслар тўлиқ бандлик шароитида ишлатилмаётганлигининг ёрқин ифодаси ҳисобланади.

Ишсизликнинг иқтисодий ва ноиқтисодий оқибатлари мавжуд бўлиб, улар индивидуал ва умумжамият даражаларда намоён бўлади. Ишсизликнинг ноиқтисодий оқибатлари – бу иш йўқотишининг психологик, ижтимоий ва сиёсий оқибатлариидир.

Индивидуал даражадаги ишсизликнинг ноиқтисодий оқибатлари деганда шуни тушунмок лозимки, агарда киши узоқ вақт давомида иш топа олмаса, у ҳолда бу ҳолат уни психологик стрессга, асад, юрак ва қон-томир тизими касалликларига, оиласининг бузилишига олиб келиши мумкин. Бундан ташқари барқарор даромад манбанинг йўқотиш кишини жиноятчи бўлишига сабаб бўлиши мумкин.

Умумжамият даражасида эса ишсизликнинг ноиқтисодий оқибатлари бу биринчи навбатда ижтимоий ва сиёсий бекарорликда намоён бўлишидир. Ишсизликнинг ижтимоий оқибатлари – бу мамлакатда касаллик, ўлим ва жиноятчилик даражасининг юқори бўлишида намоён бўлади. Бундан ташқари, ишсизлик туфайли жамиятнинг таълим, касбий ва малакавий тайёргарлик бўйича сарф - ҳаражатлари қайтиб қопланмайди, чунки кишилар ўз билим ва касбий малакаларини эндиликда амалда қўллаш имкониятидан маҳрум бўладилар.

*Индивидуал даражада ишсизликнинг иқтисодий оқибатлари кишининг ўз даромадидан маҳрум бўлишида, ўз касбий малакасини йўқотишида (айниқса замонавий касбларни эгаллаган шахслар учун) намоён бўлади.*

*Ишсизликнинг умумжасамият даражадаги иқтисодий оқибатларига ЯИМнинг потенциал даражада ишлаб чиқарилмаслигига намоён бўлади. Даврий ишсизликнинг мавжудлиги (ҳақиқий ишсизлик даражаси табиий ишсизликдан юқори бўлган вазият) ресурслар тўлиқ ишлатилмаётганлигини билдиради. Шунинг учун бундай шароитда ҳақиқий ЯИМ потенциал ЯИМдан кам бўлади. Ҳақиқий ЯИМнинг потенциал ЯИМдан ортда қолиши (узилиши) куйидагича хисобланади (4.4.1):*

$$GDP = \frac{Y - Y^*}{Y^*} \cdot 100\% \quad (4.4.1)$$

бунда,

$Y$  – ҳақиқий ЯИМ;

$Y^*$  - потенциал ЯИМ.

60-йиллардаги АҚШ президенти Кеннедининг маслаҳатчиси, иқтисодчи олим Артур Оуken (A.Okun) бир неча ўн йиллик статистик маълумотлар асосида ишлаб чиқариш ҳажмининг ортда қолиши ва даврий ишсизлик ўртасидаги эмпирик боғлиқликни ўрганди ва иқтисодий адабиётларда «Оуken конуни» деб ном олган конунийтни яратди (4.4.2).

$$\frac{Y - Y^*}{Y^*} = -\beta(u - u^*) \quad (4.4.2)$$

Тенгламанинг чап қисмида ЯИМнинг узилиш формуласи ёзилган.

Тенгламанинг ўнг қисмида:

$u$  – ишсизликнинг ҳақиқий даражаси;

$u^*$  - ишсизликнинг табиий даражаси;

$(u - u^*)$  – даврий ишсизлик даражаси;

$\beta$  - Оуken коэффициенти ( $\beta > 0$ ).

Ушбу коэффициент агарда ишсизликнинг ҳақиқий даражаси унинг табиий даражасидан 1%га ортган шароитда, ҳақиқий ЯИМ потенциал ЯИМга нисбатан неча фоизга камайганини кўрсатади. АҚШ иқтисодиёти учун ушбу коэффициент ўша йилларда A.Oуken ҳисоби бўйича 2.5-3%ни ташкил этган. Бошқа давлатлар учун турли даврларда бу кўрсаткич турлича бўлиши мумкин. Тенгламанинг ўнг тарафидаги «манфий» ишора ҳақиқий ЯИМ ва

даврий ишсизлик даражаси ўртасида тескари боқлиқликни билдиради, яъни ишсизлик даражаси қанчалик юқори бўлса, ҳақиқий ЯИМ ҳажми потенциал ЯИМга нисбатан шунчалик кам бўлади.

**Ўзбекистонда ишсизликни бартараф этишининг давлат сиёсати.** Ишсизлик жиддий макроиқтисодий муаммолардан бири бўлганлиги ва макроиқтисодий бекарорикни келтириб чиқарганлиги сабабли давлат ишсизликни бартараф этиш учун муҳим чора-тадбирлар ишлаб чиқади. Ишсизликнинг келиб чиқиш сабаблари турлича бўлганлиги учун, ҳар қайси давлат унинг ҳар бир тури учун алоҳида чора-тадбирлар ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ишсизликнинг барча турлари учун умумий бўлган чора-тадбирларга қуидагиларни киритиш мумкин:

- ишсизлик бўйича нафақалар тўлаш;
- бандикни таъминловчи хизматни ташкил этиш (ишга жойлаштириш бўйича ташкилот).

Фрикцион ишсизлик билан курашишнинг маҳсус чора-тадбирларига қуидагилар киради:

- бўш иш жойлари бўйича маълумотларни тўплаш ва уларни тақдим этиш тизимини такомиллаштириш (фақатгина ушбу шаҳарда эмас, балки мамлакатнинг бошқа шаҳар ва жойларида);
- ушбу мақсад учун маҳсус хизмат ташкил этиш.

Таркибий ишсизлик учун эса қуидаги чора-тадбирлар мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- касб-ҳунар бўйича қайта тайёрлайдиган давлат хизмати ва муассасаларини ташкил этиш;
- шу турдаги хусусий хизматларга ёрдам кўрсатиш.

Даврий ишсизлик билан курашишнинг асосий воситаларига қуидагилар киради:

- ишлаб чиқаришнингкескинпасайиб кетиши ва ишсизликнинг ёппасига кўпайиб кетишини олдини олишга йўналтирилгантициклик (аксилдаврий, барқарорлаштириш) сиёсатини ўтказиш;
- иқтисодиётнинг давлат секторида қўшимча иш жойларини ташкил этиш.

Аҳоли бандлигини таъминлаш жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистонда мустакиллик йилларида аҳолини иш билан таъминлашни янада яхшилашнинг энг муҳим йўналиши сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва касаначилик

соҳаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришни рағбатлантириш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш муҳим аҳамият касб этаётганлигини шу ўринда айтиб ўтиш жоиз.

Бугунги кунда мамлакатимизда аҳолини иш билан таъминлаш бўйича амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар қуйидагилардан иборат:

1. Аҳолининг иш билан бандлиги таркибий тузилмасини такомиллаштириш ҳамда ишсиз аҳолини янги, меҳнат бозорида рақобатдош касб-хунарларга ўргатиш.

2. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, айниқса таркибий ўзгариш ва диверсификация масалаларига эътиборни кучайтириш. Бу янги иш ўринлари яратиш билан бир қаторда ички ва ташқи истеъмолга мўлжалланган янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни ҳам кўзда тутади.

3. Иш билан бандликка кўмаклашувчи марказлар фаолиятини такомиллаштириш, бунда энг аввало ушбу марказлар тузилмасини мақбуллаштириш, глобал инқироз шароитида устувор чора-тадбирларни белгилаб олиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш вазифаларидан келиб чиқсан ҳолда, аҳолини иш билан таъминлаш учун ажратилаётган молиявий маблағларни оқилона тақсимлаш чора-тадбирларини амалга оширишни талаб этади.

Янги иш ўринларини ташкил этиш, иқтисодиёт тармоқлари таркибини диверсификация қилиш, малакали мутахассислар тайёрлаш ва шунингдек, 12 йиллик мажбурий таълим тизимига ўтиш борасида кўрилган чора-тадбирлар аҳолининг бандлик даражасини янада ошириш имконини берди.

Ўзбекистонда давлат иш билан таъминлашга муҳтоҷ бўлган аҳолига қуйидагиларни кафолатлайди:

- ишсизлик нафақасини тўлаш;
- меҳнат органларининг йўлланмаси бўйича касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ёки малака ошириш даврида стипендия тўланиши ҳамда шу даврни умумий меҳнат стажига қўшиш;
- ишсиз шахсга қарамоғидагиларини ҳисобга олган ҳолда, моддий ёрдам бериш;
- ҳақ тўланадиган жамоат ишларида қатнашиш имконияти;
- меҳнат органларининг таклифига биноан ишлаш учун ихтиёрий равишда бошқа ерга кўчиш билан боғлиқ харажатларини қоплаш.

Охирги йилларда республикада иш билан таъминланишга муҳтоҷ бўлган аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатининг ортиши ишсизлик даражасининг камайишини таъминлади.

Шундай қилиб, республикада иш излаб меҳнат муассасаларига мурожаат қилганлар, иш билан таъминланганлар сони йилдан-йилга ошиб, ишсизлар сони ва даражаси пасайиб бориши кузатилди. Бунинг асосий сабаби:

– иқтисодий фаол аҳоли ва иш билан банд аҳолининг ўсиб бориши;

– меҳнат ресурсларининг юқори суръатларда ўсиши, меҳнат муассасалари хизматларининг яхшиланиши ва уларга иш излаб мурожаат қилаётганлар сонининг ошиши;

– меҳнат муассасалари таклиф этаётган кўплаб бўш иш ўринларининг мавжудлиги, фуқароларни ишга жойлаштириш фаолиятининг яхшиланиши ва бунинг натижасида иш излаб мурожаат қилганлар аксарият қисмининг иш билан таъминланиши.

Бозор муносабатлари шароитида ишсиз шахсларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш – тўла ва самарали иш билан таъминлашга қўмаклашувчи энг муҳим омиллардан бири бўлиб, унга аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш чораларининг бир тури сифатида қаралади.

Республикада ишга жойлашишга муҳтоҷ аҳолини бир марталик ишга жалб қилиш ишлари ҳам йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда. Бу фаолиятнинг моҳияти шундаки, ўз меҳнат лаёқатини қисқа мuddатли (тўлиқ бир иш кунида ёки тўлиқсиз бир иш кунида, икки ёки ундан ортиқ, лекин бир ойдан кам иш кунида) ишга сарфлаш истагида бўлган фуқароларга меҳнат муассасалари иш берувчи ва ёлланма ишчини бир-бири билан учраштириш ва келишиб олишларига қўмаклашмоқда.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, бугунги кунда Ўзбекистонда меҳнат муассасалари томонидан фуқароларни ишга жойлаштириш билан бирга, меҳнат бозоридаги талаб ва таклифни мувофиқлаштириш, ишсиз фуқароларни турли касбларга тайёрлаш, пул тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш, меҳнат ярмаркалари уюштириш, меҳнат бозоридаги талаб ва таклифни тадқиқ қилиш, бу бозордаги талабни ўсишига қўмаклашиш, ҳукуматнинг меҳнат муносабатларидағи ижтимоий кафолатларини амалга ошириш бўйича кўп ишлар қилинмоқда.

## **4.5. Инфляция ва унинг кўрсаткичлари. Инфляция турлари**

*Инфляция ва унинг кўрсаткичлари.* Инфляция («inflation») итальянча «inflatio» сўзидан олинган бўлиб, «бўртиш, кўтарилиш» маъносини англатиб, умумий нархлар даражасининг барқарор ўсиш тенденциясини билдиради.

Бу таърифда қуйидаги сўзлар муҳим аҳамиятга эга:

1) *барқарор*, бу дегани, инфляция – бу узоқ давом этадиган, яъни барқарор ўсиш тенденциясига эга жараёндир, шунинг учун уни нархларнинг қисқа даврдаги сакрашларидан фарқлаш лозим;

2) *умумий нархлар даражаси*, бу дегани инфляция иқтисодиётдаги барча нархларнинг бир маромда ўсишини англатмайди. Алоҳида олинган товар ва хизматлар нархлари маълум бир даврда турлича ўзгариши мумкин: ошиши, пасайиши, ўзгармаслиги мумкин. Муҳими, умумий нархлар индекси, яъни ЯИМ дефляторининг ортиши юз беради.

Инфляцияга қарама-қарши жараён *дефляция* (*deflation*) ҳисобланиб, у умумий нархлар даражасининг барқарор пасайиш тенденциясини англатади. Шунингдек *дезинфляция* (*desinflation*) тушунчаси ҳам мавжудки, у инфляция суръати ёки бошқача айтганда инфляция даражасининг пасайишини билдиради.

Инфляциянинг асосий кўрсаткичи - инфляции суръати ёки даражаси (*rate of inflation - π*) ҳисобланиб, у жорий ва олдинги йил нархлар даражаси фоиздаги фарқининг олдинги йил нархлар даражасининг фоизига нисбати ва 100%га кўпайтириш орқали аниқланади:

$$\pi = \frac{P_t - P_{t-1}}{P_{t-1}} \cdot 100\% \quad (4.5)$$

$$\text{ёки } \pi = \frac{\Delta P}{P_{t-1}} \cdot 100\% \quad \text{ёки} \quad \pi = \left( \frac{P_t}{P_{t-1}} - 1 \right) \cdot 100\%$$

бунда,

$\pi$  - инфляции суръати ёки даражаси;

$P_t$  - жорий йилдаги умумий нархлар даражаси (ЯИМ дефлятори);

$P_{t-1}$  - олдинги йил нархларининг умумий даражаси (ЯИМ дефлятори).

Нархлар умумий даражасининг ортиши сабабли аҳоли қўлидаги пул маблағларининг харид қобилияти пасаяди. Пулларнинг харид қилиш қобилияти деганда, бир пул биригига харид килиниши мумкин бўлган товар ва хизматларнинг умумий ҳажми тушунилади. Агарда товар ва хизматларнинг нархлари ортиб борса, ушбу пулларга эндиликда аввалги даврга нисбатан камроқ маҳсулотлар сотиб олиш мумкин бўлиб қолади, яъни пулларнинг харид қилиш қобилияти бирмунча пасаяди.

**Инфляция турлари.** Ўлчов мезонига кўра, инфляция бир неча турларга бўлинади. Агарда ўлчов мезони инфляция суръатлари (даражаси) бўлса, у ҳолда инфляция қуидаги турларга ажратилади: мўътадил инфляция, сакраб чопувчи инфляция, юқори даражадаги инфляция ва гиперинфляция.

- *Мўтаъдил инфляция* йилига 3-5% (10%гача) ни ташкил этади. Бу турдаги инфляция замонавий иқтисодиёт учун нормал ҳолат ҳисобланиб, одатда ишлаб чиқариш ҳажмини оширишда рағбатлантирувчи куч бўлиб ҳам хизмат қиласи.

- *Сакраб чопувчи инфляция* ҳам йилига фоизларда ҳисобланади, унинг суръатлари эса икки хонали сонлар орқали ифодаланади ва ривожланган давлатлар учун жиддий иқтисодий муаммо ҳисобланади.

- *Юқори даражадаги инфляция* ойига фоизларда ўлчаниб, йилига 200 - 300% ва ундан ортик фоизни ташкил этиши мумкин (инфляция йилига ҳисобланганда «мураккаб фоиз» формуласидан фойдаланилади), бундай инфляция кўпгина ривожланаётган ва ўтиш даври иқтисодиётини бошдан кечираётган мамлакатларда кузатилади.


- *Гиперинфляция*, ҳафтасига ёки кунига фоизларда ўлчаниб, унинг даражаси ойига 40-50% ёки йилига 1000% ни ташкил этади. Гиперинфляцияга классик мисол тариқасида Германияда 1922 - 1924 йиллардаги (бунда умумий нархларнинг ўсиш даражаси суръатлари йилига  $10^{12}$  ни ташкил этган) ва Венгриядаги 1945 – 1946 йиллардаги (бунда умумий нархларнинг ўсиш даражаси суръатлари йилига  $3.8 * 10^{27}$  марта, ойига ўсиш 198 марта ташкил этган) инфляцияни келтириш мумкин.

Агарда ўлчов мезони инфляциянинг пайдо бўлиш шакллари бўлса, у ҳолда инфляцияни: ошкора (очик) инфляцияга ва бостирилган (яширин) инфляцияга ажратиш мумкин.

- *Ошкора* (очик) инфляция умумий нархлар даражасининг кўтарилиши билан кузатилади.

• *Бостирилган* (яширин) инфляция нархларни давлат томонидан белгиланганлиги оқибатида юзага келади, яъни бунда давлат нархларни эркин равишда талаб ва таклифнинг мувозанати оқибатида ўрнатиладиган бозор нархларидан пастроқ даражада белгилайди. Яширин инфляция шаклининг асосий кўриниши товарларнинг танқислиги (дефицити)да намоён бўлади.

Танқислик (дефицит) инфляция кўринишининг бир шакли бўлиб хизмат килади, чунки инфляцияни характерловчи хусусиятлардан бири пуллар тўлов қобилиятининг пасайиши ҳисобланади. Дефицит пулларнинг тўлов қобилияти йўқлигини, яъни кишилар уларга ҳеч нарса харид қила олмасликларини англаради.



**4.5-расм. Бостирилган (яширин) инфляция**

бунда,

AD – ялпи талаб;

AS – ялпи таклиф;

$P_M$  – мувозанатли бозор нархи, бунда ялпи талаб ялпи таклифга тенг;

$P_G$  – давлат томонидан ўрнатилган нархлар даражаси;

$Y^S$  – ялпи таклиф;

$Y^D$  – ялпи талаб;

$Y^D$  ва  $Y^S$  ўртасидаги фарқ – бу товарлар танқислигини ифодаловчи катталик.

## **4.6. Инфляциянинг келиб чиқиши сабаблари ва оқибатлари. Инфляция ҳаражатлари.**

Одатда инфляциянинг икки асосий сабаби келтириб ўтилади:

- 1) ялпи талабнинг ортиши;
- 2) ялпи таклифнинг камайиши.

Умумий нархлар даражасининг ошишига олиб келган сабабга кўра инфляцияни икки турга ажратадилар:

- а) талаб инфляцияси
- б) ҳаражатлар инфляцияси.

Агарда инфляциянинг келиб чиқиши сабаби ялпи талабнинг ортиши бўлса, бундай инфляция *талаб инфляцияси* (demand-pull inflation) дейилади. Бунда ялпи талабнинг ошиши ялпи ҳаражатлар (истеъмол, инвестиция, давлат хариди ва соф экспорт) таркибидағи исталган бир ёки бир неча ташкил этувчининг ўзгариши ёки пул таклифининг ортиши билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Кўпгина иқтисодчилар (айниқса монетаризм йўналиши тарафдорлари) *талаб инфляциясининг асосий сабабини* пул массасининг кўпайишида деб ҳисоблайдилар ва улар бундай хуносага пулларнинг миқдорий назарияси тенгламаси (ёки Фишер тенгламаси)ни таҳлил қилиш орқали келадилар. Монетаризм мактаби асосчиси ва йўлбошчиси, америкалик иқтисодчи олим, Нобел мукофоти лауреати Милтон Фридман бу ҳақда куйидагича фикр билдиради: «Инфляция - бу доимо ва ҳар жойда соф ҳолатдаги фақатгина пул билан боғлиқ бўладиган ҳодисадир».

Пулларнинг миқдорий назария тенгламаси олдинги бобда ҳам кўриб ўтилган эди, эслатиб ўтамиш:

$$M \cdot V = P \cdot Y, \quad (4.6.1)$$

бунда,


M (money supply) – номинал пул таклифи (муомаладаги пул массаси);

V (velocity of money) – муомаладаги пул тезлиги (унинг катталиги бир йилда ўртача бир пул бирлиги неча марта айланишини кўрсатади ёки масалан, 1 рубль, 1 доллар ва бошқалар ёки бир пул бирлиги йилига ўртача нечта битимга хизмат қилишини билдиради)

P (price level) – нархлар даражаси;

Y (yield) – ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми (реал ЯИМ).

Нархлар даражасини реал ишлаб чиқариш ҳажмига кўпайтмаси ( $P \times Y$ ) номинал ишлаб чиқариш ҳажми (реал ЯИМ)ни беради. Муомаладаги пуллар тезлиги одатда ўзгармас катталик ҳисобланади, шунинг учун пуллар таклифининг ортиши, яъни тенглама чап қисмининг ортиши унинг ўнг қисмининг ошишига олиб келади. Пул ҳажмининг ортиши қисқа муддатда ҳам (чунки замонавий қарашларга кўра ялпи таклиф эгри чизифи юқорига, яъни мусбат йўналишга эга), узоқ муддатда (ялпи таклиф эгри чизифи вертикал йўналишга эга) ҳам нархлар даражасининг ошишига олиб келади. Бунда қисқа муддатда инфляция реал ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши билан кузатилса, узоқ муддатда реал ишлаб чиқариш ҳажми ўзгармайди ва ўзининг табиий (потенциал) ҳажмига тенг бўлади.



#### 4.6.1-расм. Талаб инфляцияси

бунда,

$AD$  – ялпи талаб;

$SRAS$  – қисқа муддатдаги ялпи таклиф чизифи;

$P$  – умумий нархлар даражаси;


$Y$  – миллий ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми;

$LRAS$  – узоқ муддатдаги ялпи таклиф чизифи.

Узоқ муддатда пулларнинг бетарафиги (нейтралиги) тамойили амал қиласи, яъни, пул таклифининг ўзгариши реал кўрсаткичларга (реал ишлаб чиқариш ҳажми катталиги ўзгармайди ва  $Y^*$  потенциал даражада қолади) таъсир кўрсатмайди.

Савол туғилиши мүмкін: нима учун ҳукумат (айниқса, ривожланаётган ва ўтиш даври иқтисодиётини бошдан кечираётган мамлакатларда) инфляция жараёнларининг салбий оқибатларини билиб туриб пул таклифини оширадилар? Гап шундаки, пул эмиссияси одатда давлат бюджети тақчиллиги (дефицити)ни молиялаштириш (8-бобда батафсил кўриб ўтилади) мақсадида амалга оширилади ва шу сабабдан пул массасининг ортиши оқибатида инфляция жараёнлари бундай мамлакатларда жиддий макроиктисодий муаммога айланади.

Агар инфляция ялпи таклифнинг қисқариши оқибатида юзага келган бўлса (яъни ҳаражатларнинг ортиши оқибатида юз берса), у ҳолда бундай инфляция ҳаражатлар инфляцияси деб аталади (*cost-push inflation*). Ҳаражатлар инфляцияси **стагфляция** ҳолатига олиб келади, яъни бу – бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқаришнинг пасайиб кетиши ва нархлар даражасининг ошишидир (4.6.2-расм).



**4.6.2-расм. Таклиф (ҳаражатлар) инфляцияси**

бунда,

$P$  – нархлар даражаси;


$Y$  – миллий ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми;

AD – ялпи талаб;

SRAS – қисқа муддатда ялпи таклиф.

Талаб инфляцияси ва ҳаражатлар инфляциясининг бирлашуви натижасида *инфляцион спираль* ҳосил бўлади (4.6.3 - расм). Фараз қилайлик, марказий банк пул таклифини кўпайтирди, бу эса ялпи

талабнинг ортишига олиб келади. Ялпи талаб эгриси  $AD_1$  ўнгга, яъни  $AD_2$  га силжийди. Натижада нархлар даражаси  $P_1$  дан  $P_2$  га кўтарилиди, қисқа муддатда иш ҳақи ставкаси ўзгармас бўлганлиги сабабли (масалан,  $W_1$ ), бундай ҳолатда реал даромадлар пасаяди (реал даромад = номинал даромад/нархлар даражаси, яъни нархлар даражаси қанчалик юқори бўлса, реал даромадлар шунчалик паст бўлади).



#### 4.6.3-расм. Инфляцияли спираль

бунда,

$P$  – нархлар даражаси;  $AD$  – ялпи талаб;

$Y$  – миллий ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми;

$SRAS$  – қисқа муддатда ялпи таклиф.

Ишчилар иш ҳақи ставкаси даражасини нархлар даражасига пропорционал равишда оширилишини талаб қиласидилар (масалан,  $W_2$  гача). Бу ўз навбатида фирмалар ҳаражатларининг ортишига олиб келади ва ялпи таклиф эгриси -  $SRAS_1$  нинг чапга ва юқорига -  $SRAS_2$  гача силжишига олиб келади. Бунда нархлар даражаси  $P_3$  гача кўтарилиди. Реал даромадлар яна пасаяди ( $W_2/P_3 < W_2/P_2$ ). Ишчилар яна номинал иш ҳақи даражасини оширишни талаб этадилар. Унинг оширилишини ишчилар аввал реал иш ҳақи даражасининг оширилганлиги каби қабул қиласидилар ва шунинг учун истеъмол ҳаражатларини оширадилар. Ялпи ҳаражатлар ортади, ялпи талаб эгриси ўнгга -  $AD_3$  гача сижийди, нархлар

даражаси эса  $P_4$  гача кўтарилади. Бунда фирмалар ҳаражатлари ўсади, ва ялпи таклиф эгриси чапга ва юқорига  $SRAS_3$  гача силжийди, бу эса яна ўз навбатида нархлар даражасининг яна  $P_5$  гача кўтарилишига сабаб бўлади. Реал даромадларнинг пасайиши яна ишчиларнинг юқорироқ иш ҳақи даражасини талаб қилишларига олиб келади ва бу ҳолат яна такрор ва такрор давом этаверади. Ҳаракат спирал бўйича давом этиб бораверади ва ҳар бир юқоридаги ўрам юқорироқ нархлар даражасига, яъни юқорироқ инфляция суръатларига тўғри келади. (А нуқтадан В нуқтага, кейин С, ундан кейин D, сўнг F нуқтага ва ҳакозога силжийди). Шунинг учун бу жараён инфляцияли спирал ёки «иш ҳақи – нархлар» спирали номини олган. Нархлар даражасининг ошиши иш ҳақи даражасининг ортишига, иш ҳақи даражасининг ортиши эса нархлар даражасининг ортишига сабаб бўлади.

**Инфляциянинг оқибатлари.** Инфляция туфайли юзага келадиган асосий муаммоларга қуйидагиларни келтириш мумкин: 1) реал даромадларнинг пасайиши ва 2) пуллар харид қобилиятининг тушиб кетиши.

Даромадлар реал ва номинал даромадларга ажратилади. *Номинал даромад* – бу иқтисодий ресурс эгаларининг ўз ресурсларини сотишлари эвазига оладиган пул даромадлариdir. *Реал даромад* – бу кишиларнинг ўз номинал даромадларига (олган пуллари ҳажмига) ҳозирда реал сотиб олиши мумкин бўлган товар ва хизматлари миқдоридир.

**Реал даромад= Номинал даромад / Нархлар даражаси  
ёки**

**Реал даромад= Номинал даромад /  $1+\pi$       (4.6.2)**

бунда,  $\pi$  – инфляция даражаси.

Товар ва хизматларнинг нархлар даражаси қанчалик юқори бўлса, кишилар ўз номинал даромадларига эндиликда шунчалик кам миқдорда уларни харид қила оладилар, шунинг учун уларнинг реал даромадлари пасайиб кетади. Айниқса, гиперинфляциянинг салбий оқибатлари нафақат кишиларнинг реал даромадлари пасайишига, балки кишилар турмуш даражасининг кескин тушиб кетишига олиб келишини тарихий далиллар мисолида яққол кўриш мумкин.

*Пулларнинг харид қобилияти* – бу бир пул бирлигига сотиб олиниши мумкин бўлган товар ва хизматларнинг миқдоридир.

Агарда нархлар ошса, пулларнинг харид қобилияти пасайиб кетади. Агарда  $P$  – нархлар даражаси бўлса, у ҳолда пулларнинг

харид қобилияти 1/ Р га тенг бўлади, яъни пулларга алмаштирилиши мумкин бўлган товар ва хизматларнинг пул ифодасидир (value). Масалан, агар товар ва хизматлар савати \$5 га тенг бўлса, у ҳолда  $P = \$5$ . 1\$ нархи 1/ Р га ёки товарлар саватининг 1/5 ини ташкил этади. Бу дегани 1\$ га товарлар саватининг 1/5ини айирбошлиш мумкин бўлади. Агарда товарлар савати икки маротаба ошса ва эндиликда у \$10 ни ташкил этса, пулларнинг қиймати ярмига камаяди. Сават нархи энди \$10 ёки  $P = \$10$ га тенг экан, пулнинг қиймати товарлар саватининг 1/P ёки 1/10гача камайди. Шундай қилиб, товар ва хизматлар саватининг нархи икки маротаба ошса, яъни \$5 дан \$10га, товарлар саватидаги пулнинг қиймати 1/5 дан 1/10гача пасаяди.

Нархлар даражаси ёки инфляция суръатлари қанчалик юқори бўлса, пулларнинг харид қобилияти шунчалик паст бўлади ва шунинг учун кишилар инфляция даврида камроқ пул миқдорини сақлашни истайдилар, чунки нақд пулларни жамғарган кишилар бу даврда ўзига хос *инфляция солиги* – пулларнинг харид қобилияти учун солиқни тўлайдилар. Инфляция солиги ўз навбатида инфляция кетаётган вақтнинг бошланғич ва кейинги давридаги пулларнинг харид қилиш қобилияти ўртасидаги фарқнинг катталигига тенгdir. Киши қанчалик кўп нақд пулга эга бўлса ва инфляция даражаси қанчалик юқори бўлса, инфляция солиги катта бўлиб, пулларнинг харид қобилияти (қиймати) шунчалик камаяди. Шунинг учун юқори инфляция ёки гиперинфляция даврида «пуллардан қочиш» деб номланган жараён юз беради («run from money»). Пуллар эмас, реал қийматга эга бўлган моддий бойликлар кўпроқ аҳамиятга эга бўлади.

Милтон Фридман ўзининг «АҚШнинг монетар тарихи» деб номлаган машҳур китобида 1923 йилнинг октябринда Германияда юз берган гиперинфляцияни таҳлил қилиб, унинг оддий инфляциядан фарқини оддий қиёслаш орқали қуйидагича тушунтириб берган эди: «Агар аравани судраб кетаётган бирор киши пул билан тўлдирилган қопларни дўконга киришдаги эшик олдида ташлаб кириб кетсаю, магазиндан чиққанида арава турганини ва пул билан тўлдирилган қоплар эса йўқлигини кўрса, у ҳолда бу – инфляция; агарда у аксинча, арава йўқлигини, аммо қоплардаги пулларнинг қолдирилиб кетилганини кўрса, у ҳолда бу – гиперинфляцияни англатади».

Гиперинфляциянинг жиддий ва ҳалокатли оқибатларига қуйидагилар киради:

1) молия тизимининг барбод бўлиши (пуллар ўз аҳамиятини йўқотади ва оқибатда бартерга ўтилади);

2) фаровонликнинг пасайиб кетиши (реал даромадлар ҳалокатли тарзда қисқаради);

3) инвестиция механизмнинг бузилиши ва барбод бўлиши (ишлаб чиқаришга сарфланадиган инвестициялар узоқ муддат ичида ўзини қоплайди ва шунинг учун пуларнинг шиддатли равища қадрсизланишида уларни жалб этиш инвестор учун самарасиз ҳисобланади).

Гиперинфляциянинг асосий сабаби давлат бюджети ҳаражатларини сенъораж ҳисобига молиялаштириш орқали пул массасини кўпайтиришдир, бу эса ўз навбатида урушлар кетаётгани сабабли ёки бюджетдаги тақчилликнинг катталиги (уни инфляциясиз, яъни ноэмиссияли йўллар билан молиялаштириш мумкин бўлмай қолган шароитда) туфайли амалга оширилади.

**Инфляция ҳаражатлари.** Инфляция жараёни жиддий ҳаражатлар билан боғлиқ бўлиб, уларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- «эскирган оёқ-кiiйимлар» ҳаражатлари (*shoe leather costs*). Бу инфляциянинг трансакцион ҳаражатлари бўлиб, улар нақд пулларни олиш билан боғлиқ бўлган ҳаражатлардир. Ҳолбуки, инфляция нақд пулларнинг қадрсизланишини инфляцияли солик орқали келтириб чиқарар экан, кишилар пулларни уйларида камроқ сақлаш мақсадида уларни банкларда ёки келгусида даромад келтирадиган қимматбаҳо қофозларни сотиб олишга сарфлайдилар. Агар кишиларнинг даромади уларнинг банклардаги ҳисоб рақамларига ўтказилиб борилса, нархлар даражаси ўсган шароитда улар ушбу ҳисоб рақамларидаги пулларни тез-тез олиш учун банкларга кўпроқ қатнашларига тўғри келади, бунда улар йўл ҳақи, пиёда юрганликлари учун оёқ-кiiйимларини тўзитишларига, вақтларини йўқотишлари, навбат кутиб туришлари ва ҳакозолар билан боғлиқ ҳаражатларни кўпроқ қилишларига тўғри келади.

Агарда кишилар пулларини акция ёки қимматбаҳо қофозлар сотиб олишга сарфласалар, нархлар даражаси кўтарилган шароитда нақд пулларга эга бўлишлари учун вақтларини сарфлаб, брокер (қимматбаҳо қофозлар бозори воситачиси) топиб ва уни ёллаб, унга комиссион ҳақи тўлаб трансакцияли ҳаражатлар қилишларига тўғри келади.

- «меню» ҳаражатлари (*menu costs*). Бундай турдаги инфляция ҳаражатлари фирма-сотувчилари томонидан амалга ошири-

лади. Нархлар даражаси ўзгарган шароитда улар: а) тез-тез нарх күрсаткичлар, прейскурантларни алмаштиришлари, ўз маҳсулотлари каталогларини ўзгартыриб қайта босмадан чиқаришлари, яъни анчагина полиграфия ҳаражатларини; б) уларни тарқатиш ва янги нархларни реклама қилиш бўйича почта ҳаражатларини; в) энг янги нархлар бўйича қарорлар қабул қилиш учун ҳаражатларни амалга оширишларига тўғри келади.

Юқорида келтириб ўтилган ва бошқа бир қатор инфляция билан боғлиқ бўлган ҳаражатлар инфляция суръатлари барқарор ва у кутилган шароитда ҳам мавжуд бўлади. Аммо агарда у кутилмаган бўлса, у ҳолда инфляция иқтисодиёт учун қўшимча ҳаражатлар билан боғлиқ бўлган муаммолар келтириб чиқаради.

**Кутилаётган ва кутилмаган инфляция.** Инфляциянинг оқибатлари кутилаётган (*expected*) ёки кутилмаган (*unexpected*) лигига кўра турлича бўлади. Кутилаётган инфляция шароитидаги агентлар ўз ҳатти-ҳаракатлари орқали ўзларининг реал даромадлари ва пулларининг қадрсизланишини камайтиришга, яъни минималлаштиришга эришишлари мумкин. Масалан, кутилаётган инфляция суръатларига пропорционал равишда ишчилар ўз иш ҳақлари даражасини кўтарилишини, фирмалар ўз маҳсулотларига нархларни кўтаришни талаб қилишлари мумкин. Кредиторлар кредитларни реал фоиз ставкаси (кредит бўйича реал даромад) -  $r$  ва кутилаётган инфляция даражаси  $\pi^e$  йифиндисига тенг бўлган номинал фоиз ставкаси ( $R_n$ )да беришга тайёр бўладилар:

$$R_n = r + \pi^e \quad (4.6.3)$$

бунда,

$r$  – реал фоиз ставкаси;

$\pi^e$  - кутилаётган инфляция даражаси.

Кредит даврнинг бошида берилиб, қарздор томонидан охирида тўланганлиги сабабли, инфляциянинг кутилаётган (*expected*) даражаси муҳим аҳамиятга эгадир. Номинал фоиз ставкасининг кутилаётган инфляция даражасига боғлиқлиги иқтисодий адабиётларда «Фишер самараси» номини олган (таниқли америка иқтисодчиси Ирвинг Фишер номи билан боғлиқ, чунки у биринчи бўлиб бундай боғлиқликни асослаб берди).

«Фишер самараси» қуйидагича тушунтирилади: агарда кутилаётган инфляция даражаси *1* фоизга ойса, у ҳолда номинал

фоиз ставкаси худди шундай 1 фоизга ортади. Бундан реал фоиз ставкасини ҳисоблаш формуласини топиш мумкин:

$$r = R - \pi^e \quad (4.6.4)$$

Аммо шуни эсда тутиш лозимки, бундай формуладан фақат паст фоиздаги инфляция даражасини (10% гача) ҳисоблашда фойдаланиш мумкин, юқорироқ даражадаги инфляция суръатларини ҳисоблашда эса қўйидаги формуладан фойдаланиш керак бўлади:

$$r = \frac{R - \pi^e}{1 + \pi^e} \cdot 100\% \quad (4.6.5)$$

Бу эса нафақат даромад (реал фоиз ставкаси)ни ҳисоблаш, балки унинг харид қобилиятини баҳолаш кераклиги билан тушунтирилади. Модомики, нархлар даражаси  $\pi^e$  га teng бўлган катталикка ўзгарар экан, у ҳолда номинал фоиз ставкаси ва кутилаётган нархлар даражаси ўргасидаги фарқقا teng даромад катталигини янги нархлар даражасига, яъни  $(1 + \pi^e)$  га бўлиш керак. Инфляциянинг паст суръатларида бундай йифинди 1 га яқин бўлади, аммо инфляциянинг юқори суръатларида унинг миқдори юқори даражада бўлади ва унга эътиборсизлик билан қараш мумкин бўлмай қолади.

*Кутилмаган инфляция оқибатлари.* Кутилмаган инфляция оқибатлари кишилар даромадлари ва бойлигининг эркин равища қайта тақсимланишида намоён бўлади (*arbitrary redistribution of wealth*). Кутилмаган инфляция иқтисодий агентларнинг баъзиларини бойишига ва бошқаларининг камбағаллашувига олиб келади, яъни даромад ва бойлик қўйидаги йўналишда ҳаракатланади:

- кредиторлардан қарз олувчилар томон. Агарда инфляция даражаси кутилгандан юқори бўлса, кредитор қарз олувчиidan маълум вақт ўтгач, харид қобилияти пасайган пулларни қайтиб олади ва зарар кўради. Аксинча, бундай ҳолатда қарз олувчи битим асосида олган пул маблағларидан харид қобилияти юқори бўлган шароитда фойдаланиб, ундан ўз ютуғини олади. Ва агарда, аксинча, инфляция даражаси кутилгандан пастроқ даражада бўлса, даромад қарз олувчиidan кредитор томонга ўтади;

- ишчилардан фирмалар томон. Агарда инфляция даражаси кутилгандан юқори бўлса, келажакда пул олувчилар (ишчилар) зарар кўрадилар, чунки энди улар нисбатан харид қобилияти пасайган даромад оладилар, пул тўловчилар (фирмалар) эса фойда кўрадилар. Аксинча, инфляция даражаси кутилгандан пастроқ даражада бўлса, даромад фирмалардан ишчилар томонга ўтади;

- доимий, яъни барқарор даромадга эга бўлган шахслардан ўзгарувчан даромадга эга бўлган шахслар томон. Барқарор даромадга эга бўлган шахслар (масалан, давлат хизматчилари, шунингдек, трансферт тўловларига яшовчи шахслар) ўз номинал даромадларини кутилмаган инфляция (агарда даромад индексация қилинмаса) шароитида ўзгартириш имконига эга бўлмайдилар ва уларнинг реал даромадлари кескин пасаяди. Ўзгарувчан даромадга эга бўлган шахслар эса ўз номинал даромадларини инфляцияга мос равишда ошириш имкониятига эга бўладилар, шунинг учун уларнинг реал даромадлари пасаймайди ва аксинча, ошиши мумкин бўлади;

- пул шаклидаги жамғармага эга кишилардан жамғармага эга бўлмаган кишилар томон. Инфляция даражаси юқори бўлганда, жамғармаларнинг реал қиймати пасаяди, шунинг учун кишиларнинг пул кўринишидаги реал бойлиги камаяди.

- қариялардан ёшларга томон. Кутимаган инфляциядан қариялар кўпроқ азият чекадилар, чунки, бир томондан, улар катъий даромад оладилар, иккинчи томондан, улар пул кўринишидаги жамғармага эга бўладилар. Ёшлар эса ўз номинал даромадарини ошириш имкониятига эга ва қолаверса, жамғармага эга эмаслар ва шунинг учун улар кутилмаган инфляциядан камроқ зарап кўрадилар;

- нақд пулларга эга бўлган барча иқтисодий агентлардан давлатга томон. Кутилмаган инфляциядан маълум даражада аҳоли зарап кўради. Ундан фақатгина битта иқтисодий агент – давлат бойиш имконига эга бўлади. Муомалага қўшимча пул чиқариш (пул эмиссияси) билан давлат нақд пулларга ўзига хос солик ўрнатади ва у сенъораж дейилади. Эмиссиядан олдинги ва кейинги пулларнинг харид қилиш қобилияти бу – давлатнинг инфляциядан олган даромади, яъни сенъораждир. Давлат товар ва хизматларни харид қиласр экан, қадрсизланган пуллар билан тўловни амалга оширади, яъни қанчалик муомалага қўшимча равишда пуллар чиқарилган бўлса, ушбу пулларнинг харид қилиш қобилияти шунчалик паст бўлади.

#### **4.7. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида инфляция жараёнлари ва аксилинфляция сиёсати хусусиятлари.**

Инфляциянинг салбий ижтимоий-иқтисодий оқибатлари турли мамлакатларда катъий аксилинфляция сиёсат олиб боришликни тақазо этади. Бунда иқтисодчилар биринчи навбатда инфляцияни

кескин чора-тадбирлар кўриб «бартараф этиш» ёки унга «мослашиш керак» деган саволга жавоб топишга ҳаракат қиласилар. Инфляцияни бартараф этишда давлат фискал ва монетар сиёсатнинг мавжуд дастакларидан оқилона фойдаланишга ҳаракат қилса, инфляцияга мослашишда масалан, индексациядан кенг фойдаланади ва шу тариқа аҳоли қўлидаги нақд пулларнинг кескин даражада қадрсизлизанишининг олди олинади.

Замонавий бозор иқтисодиёти инфляцияли характерга эга, чунки унда инфляциянинг барча омилларини бартараф этишнинг имкони чекланган бўлади (бюджет тақчиллиги, монополиялар, халқ хўжалигидаги номутаносибликлар, аҳоли ва тадбиркорларнинг инфляцияли кутишлари ва бошқалар). Реал ҳаётда инфляцияни тўлиқ ва батамом йўқ қилиб бўлмайди, аммо унинг суръатларини барча мамлакатлар мўътадил даражада ушлаб туриш, уни назорат қилишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўядилар ва шунинг учун аксилинфляция сиёсатини олиб борадилар.

Ўзбекистонда ҳам давлат мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб президентимиз И.А.Каримов раҳбаригида аксилинфляция чора-тадбирларни амалга оширишнинг изчил сиёсати олиб борилмоқда. Сўнгги йилларда фуқароларнинг тижорат банкларидағи омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар, жумладан, тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир Президент фармонлари ва қатор бошқа меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, аҳолининг банк тизимиға ишончини мустаҳкамлаш, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш, мамлакат иқтисодиётини жадал ривожлантириш ва аҳолининг турмуш даражасини ошириш учун инвестиция ресурсларининг ғоят муҳим манбаи сифатида аҳолининг эркин пул маблағларини тижорат банклари омонатларига жалб этиш, уларнинг молиявий мустақиллигини таъминлаш, банкларда аҳоли омонатларининг янги турларини жорий этиш, банклар фаолиятини жаҳон банк амалиётига яқинлаштириш ва пировард натижада рақобатдошлигининг юқори даражасига эришиш банк тизимини асосий мақсадларидан бири ҳисобланди.


Банклардаги омонатлар хажмининг ошишида аҳоли реал даромадларининг ўсиши ҳамда банк тизимининг барқарорлиги асосий омил бўлгани ҳолда, аҳоли даромади ва фаровонлигини ошириш борасида ҳам сифат жиҳатидан чуқур ўзгаришлар юз бер-

моқда. Аҳолининг иш ҳақи ва умуман, пул даромадлари барқарор ошиб бормоқда, фуқароларимиз истеъмол қиласиган маҳсулотлар таркибининг сифати ортмоқда.

#### **4.8. Ишсизлик даражаси ва инфляция суръати ўртасидаги ўзаро боғлиқлик. Филлипс эгри чизиги.**

Инфляция ва ишсизлик ўртасидаги узвий боғлиқликни Филипс эгри чизиги ёрдамида тасвирлаш мумкин. Улар ўртасидаги боғлиқлик мамлакат иқтисодий ривожланишининг даврийлигига намоён бўлади. Даврий тебранишнинг пасайиш фазасида, яъни нархлар даражаси пасайганда ишсизлик ортади ва аксинча, юксалиш фазасида инфляция суръатлари ортганда ишсизлик даражаси қисқаради. Инфляция ва ишсизликнинг чекланганлик даражаси даврий тебранишнинг тегишлича энг юқори ва энг қуий нуқталарида эришилади. Масалан, иқтисодий фаолликнинг энг чўққи нуқтасида инфляция даражаси энг юқори бўлади, ишсизлик даражаси эса энг паст даражада бўлади. Даврий тебранишнинг энг қуий нуқтасида эса ишсизлик даражаси энг юқори бўлиб, инфляция даражаси энг паст бўлади.

Инфляция суръатларининг ўзгариши, аникроғи, иш хақининг ўсиш суръатлари ва ишсизлик ўртасидаги боғлиқликни О. Филлипс тадқиқ қилган (4.8.1-расм).



#### **4.8.1-расм. Қисқа муддатда Филлипс әгри чизиги**


бунда,

$u$  - ишсизлик даражаси;

$W$  - иш ҳақининг ўсиш суръатлари.

Горизонтал ўқ бўйлаб Филлипс ишсизлик даражаси (unemployed -  $u$ ) ни, вертикал ўқ бўйича эса иш ҳақининг ўсиш суръатлари ( $W$ )ни белгилади. Юксалиш даврида иш ҳақининг юқори ўсиш суръатлари ва ишсизликнинг паст суръатлари ( $W_1; u_1$ ), даврий тебранишнинг пасайиш фазасида эса аксинча, - иш ҳақининг паст ва ишсизликнинг юқори суръатлари ( $W_2; u_2$ ) кузатилди. Ўртача ҳолат ( $W_0; u_0$ ) иш ҳақи ва ишсизлик суръатларининг энг мақбул (оптимал) барқарор иқтисодий ривожланиш вазиятини акс эттиради. Яъни, бундай вазиятда иккала кўрсаткичнинг минимал даражасига эришилади.

Кейинчалик Филлипс эгри чизиги модификация қилинган: таниқли иқтисодчи олимлар П.Самуэльсон ва Р.Солоу иш ҳақи суръатларини нархларнинг ўсиш даражасига ёки инфляцияга ўзгартирдилар (4.8.2-расм).




#### 4.8.2-расм. Модификацияланган қисқа муддатдаги Филлипс эгри чизиги

Бундай янги кўринишдаги модификацияланган Филлипс эгри чизигининг горизонтал ўқи бўйлаб улар ишсизлик даражасини ( $u$ ), вертикал ўқи бўйлаб товар ва хизматлар нархларининг ўсиш суръати ( $P$ )ни белгиладилар. Эндиликда бу чизма даврийликнинг турли фазаларида инфляция ва ишсизлик даражалари тебранишларини аниқроқ акс эттируди. Юксалиш фазасида ( $P_1; u_1$ ) инфляция

суръатлари кўтарилади, ишсизлик эса камаяди. Пасайиш фазасида ( $P_2; u_2$ ) ишсизлик кўпайиб, инфляция суръатлари пасаяди.

Айтиш жоизки, юқорида келтирилган эгри чизиқлар бўйича таҳлиллар фақат қисқа муддат учун аҳамиятга эгадир. Бундан ташқари, Филлипс эгри чизиғи 20-асрнинг охирги чораги статистикасининг маълумотларини тасдиқлаб беролмади, чунки бу даврга келиб ҳам нархлар даражаси, ҳам ишсизликнинг ўсиши кузатилди. Бу ҳодиса иқтисодиётда *стагфляция* деб аталиши олдинги бобларда ҳам айтиб ўтилган эди, яъни *стагфляция* – бу иқтисодий даврнинг пасайиш фазасида юз берадиган, инфляция ва ишсизлик суръатларининг бир вақтда ошиши билан кузатиладиган жараёндир.

«Стагфляция» атамаси икки сўзнинг йиғиндисидан ташкил топган: стагнация (турғунлик) ва инфляция. Графикда у қисқа муддатдаги Филлипс эгри чизиғини (short-term Phillips curve) координаталар ўқига нисбатан ўнгга силжиганлиги билан тушунтирилади (4.8.3-расм).



**4.8.3-расм. Стагфляциянинг график изохи**

бунда,

SPhC - қисқа муддатдаги Филлипс эгри чизиғи;

u - ишсизлик даражаси;


P – нархлар даражаси.

Бундай ҳолатда қисқа муддат Филлипс эгрисининг янги пунктир чизиғи (SPhC<sub>2</sub>) даги ҳар бир нуқта унинг узлуксиз чизиғи (SPhC<sub>1</sub>) даги ҳар бир нуқтасидан янада юқорироқ бўлган инфляция ва ишсизлик даражалари билан фарқ қиласиди. Инфляция ва ишсизлик суръатларининг бир вақтда ошиши ялпи талабнинг камайиши туфайли нархлар даражасини ошириб, ишлаб чиқариш

хажмини камайтиради ва иқтисодий пасайишни янада чукурлаштиради.

Қисқа муддатдаги Филлипс эгри чизиги иқтисодиётнинг мувозанат (турғун, статик) ҳолатини характерлайди, аммо узоқ муддатнинг тенденцияси (йўналиши)ни акс эттира олмайди. Шунинг учун у М.Фридмен томонидан узоқ муддат учун табиий ишсизлик даражаси назариясига асосланиб модификациялаштирилди.

*Табиий ишсизлик даражаси назарияси* узоқ муддатда мўътадил инфляция даражасига ишсизликнинг табиий даражасида эришиш мумкинлигини, у эса ўз навбатида меҳнат бозори ҳолатига боғлиқ эканлигини тасдиқлади. Бу назарияга асосан, Филлипс эгри чизиги узоқ муддатда вертикал кўринишга эга. Бунда ишсизликнинг табиий ва ҳақиқий даражалари мос келганда меҳнат бозори кучлари мувозанатга келади, нархларнинг ҳақиқий даражаси ёки инфляция башорат (прогноз) кўрсаткичига teng бўлади (4.8.4-расм).



**4.8.4-расм. Узоқ муддатда Филлипс эгри чизиги**

бунда,

SPhC – қисқа муддат оралиғида Филлипс эгри чизиги;

LPhC - узоқ муддат оралиғида Филлипс эгри чизиги;

$U^*$  - тўлиқ бандлик ҳолати.

Узоқ муддатда Филлипс эгри чизиги (LPhC)ни графикда тушунтиришда унинг қисқа муддатдаги эгриси (SPhC) пунктир ёрдамида тасвирланса, таҳлилимизни англаш осонлашади. Узоқ муддат оралиғида Филлипс эгри чизиги (LPhC – long-term Phillips curve) узлуксиз вертикал чизик кўринишига эга бўлади, бунда у тўлиқ бандлик ҳолатини акс эттиради ( $U^*$ ).

Узоқ муддатдаги Филлипс эгри чизигининг таҳлили хўжалик субъектларининг инфляцияни кутиш ҳисоб-китобларига асослана-

ди. Охиргиси эса икки, яъни мослашув ва рационал кутиш назарияларига асосланади. Бу назарияларда инфляцияни кутишнинг тўлиқ бандлик ёки ишсизликнинг табиий даражаси (яъни, даврий ишсизлик мавжуд бўлмаган) шароитида унинг ялпи таклифга таъсири кўриб ўтилади. Аммо таъкидлаб ўтиш керакки, инфляция ва ишсизлик ўртасидаги боғлиқликни акс эттирувчи юқорида келтирилган замонавий бундай эгри чизиклар унинг асл кўринишига нисбатан ўзгартирилган бўлсада, ҳамон у Филлипс эгри чизиги деб аталади.

Аммо табиий савол туғилади: қайси бир қарашларни тўғри деб ҳисоблаш мумкин? Қисқа муддатда инфляция ва ишсизлик ўртасидаги тескари пропорционал боғлиқликни акс эттирувчи Филлипс эгри чизиғиними ёки узоқ муддатда бундай боғлиқликни рад этувчи табиий даража концепцияси (мослашув ва рационал кутиш назариялари)ними? Бу саволга жавоб К.Л.Макконнелл ва С.Л.Брюларнинг машҳур “Экономикс” деб номланган китобида шундай деб тушунтирилади: “Кўпгина иқтисодчилар қисқа муддатда инфляция ва ишсизлик ўртасида тескари боғлиқлик борлигини тан оладилар, аммо узоқ муддатда бундай боғлиқлик эҳтимолдан узоқдир. Бундан ташқари, ялпи таклифнинг камайиши стагфляцияни, яъни бир вақтнинг ўзида ҳам нархлар ҳам ишсизлик даражаларининг ортишига ва ишлаб чиқариш суръатларининг пасайишига олиб келиши мумкин”.

## Қисқача хulosалар

1. Цикл одатда, 2 фазага ажратилади : 1) пасайиш фазаси ва рецессия (recession), у чўққидан энг қуий нуқтагача давом этади. Узоқ давом этадиган ва чуқур пасайиш депрессия (depression) дейилади.

2. Бошқа бир қарашларга кўра иқтисодий цикл 4 фазага (энг юқори чўққи, пасайиш, инқироз, жонланиш ёки ўсиш) ажратилади, лекин бунда экстремум нуқталар ажратилмайди. Унга кўра, иқтисодиёт иқтисодий фаолликнинг максимум ёки минимумига эришганда, у маълум бир муддат (баъзида узоқ вақт) давомида шу ҳолатда бўлади.

3. Иқтисодий назарияда иқтисодий тебранишларнинг бир қанча сабаблари кўрсатилади. Ҳақиқатда эса юқоридаги барча сабабларни битта асосий сабаб сифатида, яъни ялпи талаб ва ялпи

таклиф, ялпи ҳаражатлар ва ялпи ишлаб чиқариш ҳажми ўртасидаги номутаносиблик деб қараш мумкин.

4. Иқтисодий тебранишларнинг бир неча турларга ажратилиши иқтисодиётда турли хилдаги жисмоний капиталлардан фойдаланишнинг давомийлигига асосланади.

5. Мамлакат аҳолиси макроиқтисодий нуқтаи назардан икки тоифага ажратилади: а) ишчи кучи таркибиға киритиладиган ва б) ишчи кучи таркибиға киритилмайдиган аҳоли. *Ишчи кучи таркибиға киритилмайдиган аҳолига ижтимоий ишлаб чиқаришда қатнашмайдиган* ва иш қидиришга интилмаётган кишилар киритилади. *Ишчи кучи таркибиға киритиладиган аҳоли* тоифасига ишлай оладиган, ишлашни хоҳловчи ва ишни фаол қидирувчи кишилар киритилади. Умумий ишчи кучи икки қисмдан: *банд бўлганлар* ва ишсизлардан иборат.

6. Аҳолининг «банд бўлганлар», «ишсизлар» ва «иш кучи таркибиға киритилмайдиганлар» тоифалари ўртасида доимий равиша алоқа мавжуд бўлиб, уларга ўзаро бир-бири билан ўрин алмашиш жараёнлари хосдир.

7. Ишсизликни белгилаб берадиган асосий кўрсаткич бу – ишсизлик даражаси ҳисобланади. Ишсизлик даражаси ишсизлар сонини умумий ишчи кучи сони (банд бўлганлар ва ишсизлар сони йиғиндиси)га нисбати билан аниқланиб, фоизларда ифодаланади.

8. Ишсизликнинг асосан уч тури мавжуд бўлиб уларга: фрикцион, структуравий ва даврий ишсизлик киритилади.

9. *Ишсизликнинг табиий даражаси* – бу ишчи кучларининг тўлиқ бандлиги таъминлангандаги даражаси бўлиб, улардан самарали ва рационал фойдаланилаётганликни билдиради. Иқисодиётда тўлиқ бандлик шароитида фрикцион и структуравий ишсизлик мавжуд бўлиб, табиий ишсизлик уларнинг йиғиндисидан иборатдир.

10. Ҳақиқий ишсизликнинг даражаси табиий даражадан ортиб кетиши жараёни кузатилса, у ҳолда иқтисодиётда пасайиш, яъни *рецессия* ҳолати юз беради. Рецессия сабабли юзага келган ишсизлик даврий ишсизлик дейилади.

11. Ишсизликнинг иқтисодий ва ноиқтисодий оқибатлари мавжуд бўлиб, улар индивидуал ва умумжамият даражаларда намоён бўлади. Ишсизликнинг ноиқтисодий оқибатлари – бу иш йўқотишнинг психологик, ижтимоий ва сиёсий оқибатларидир.

12. *Ишсизликнинг умумжамият даражадаги иқтисодий оқибатлари ЯИМни* потенциал даражада ишлаб чиқарилмаслигига намоён бўлади. Даврий ишсизликнинг мавжудлиги ресурслар тўлиқ ишлатилмаётганлигини билдиради. Шунинг учун бундай шароитда ҳақиқий ЯИМ потенциал ЯИМдан кам бўлади.

13. 60-йилларда АҚШ президенти Кеннедининг маслаҳатчиси, иқтисодчи олим Артур Оукен (A.Okun) бир неча ўн йиллик статистик маълумотар асосида ишлаб чиқариш ҳажмининг ортда қолиши ва даврий ишсизик ўртасидаги эмпирик боғлиқликни ўрганди ва иқтисодий адабиётларда «Оукен қонуни» деб ном олган қонуниятни яратди.

14. Аҳоли бандлигини таъминлаш жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида ахолини иш билан таъминлашни янада яхшилашнинг энг муҳим йўналиши сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва касаначилик соҳаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришни рағбатлантириш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

15. Бугунги кунда Ўзбекистонда меҳнат муассасалари томонидан фуқароларни ишга жойлаштириш билан бирга, меҳнат бозоридаги талаб ва таклифни мувофиқлаштириш, ишсиз фуқароларни турли касбларга тайёрлаш, пул тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш, меҳнат ярмаркалари уюштириш, меҳнат бозоридаги талаб ва таклифни тадқиқ қилиш, бу бозордаги талабни ўсишига кўмаклашиш, ҳукуматнинг меҳнат муносабатларидаги ижтимоий кафолатларини амалга ошириш бўйича кўп ишлар қилинмоқда.

16. *Инфляция* итальянча «inflatio» сўзидан олинган бўлиб, «бўртиш, қўтарилиш» маъносини англатиб, умумий нархлар даражасининг барқарор ўсиш тенденциясини билдиради.

17. Инфляцияга қарама-қарши жараён *дефляция* (*deflation*) ҳисобланиб, у умумий нархлар даражасининг барқарор пасайиш тенденциясини англатади. Шунингдек *дезинфляция* (*desinflation*) тушунчаси ҳам мавжудки, у инфляция суръати ёки бошқача айтганда инфляция даражасининг пасайишини билдиради.

18. Инфляциянинг асосий кўрсаткичи - инфляции суръати ёки даражаси (*rate of inflation - π*) ҳисобланиб, у жорий ва олдинги йил нархлар даражаси фоиздаги фарқининг олдинги йил нархлар

даражасининг фоизига нисбати ва 100%га кўпайтириш орқали аниқланади.

19. Инфляция қўйидаги турларга ажратилади: мўътадил инфляция, сакраб чопувчи инфляция, юқори даражадаги инфляция ва гиперинфляция. Агарда ўлчов мезони инфляциянинг пайдо бўлиш шакллари бўлса, у ҳолда инфляция: ошкора ва бостирилган инфляция турларига ажратилади.

20. Умумий нархлар даражасининг ошишига олиб келган сабабга кўра инфляцияни икки: а) талаб инфляцияси ва б) ҳаражатлар инфляцияси турларига ажратадилар. Агарда инфляциянинг келиб чиқиш сабаби ялпи талабнинг ортиши бўлса, бундай инфляция *талаб инфляцияси* дейилади. Агар инфляция ялпи таклифнинг қисқариши оқибатида юзага келган бўлса (яъни ҳаражатларнинг ортиши оқибатида юз берса), у ҳолда бундай инфляция ҳаражатлар инфляцияси деб аталади. Ҳаражатлар инфляцияси *стагфляция* ҳолатига олиб келади.

21. Инфляция туфайли юзага келадиган асосий муаммолар қўйидагилар: 1) *реал даромадларнинг пасайшии* ва 2) пуллар харид қобилиятининг тушиб кетишидир. *Реал даромад* – бу кишиларнинг ўз номинал даромадларига сотиб олишлари мумкин бўлган товар ва хизматлари миқдоридир. *Пулларнинг харид қобилияти* – бу бир пул биригига сотиб олиниши мумкин бўлган товар ва хизматларнинг миқдоридир.

22. Замонавий бозор иқтисодиёти инфляцияли характерга эга, чунки унда инфляцияни келтириб чиқарган барча омилларини бартараф этишнинг имкони чекланган бўлади (бюджет тақчиллиги, монополиялар, халқ хўжалигидаги номутаносибликлар, ахоли ва тадбиркорларнинг инфляцияни кутишлари ва бошқалар). Реал ҳаётда инфляцияни тўлиқ ва батамом йўқ қилиб бўлмайди, аммо унинг суръатларини барча мамлакатлар мўътадил даражада ушлаб туриш, уни назорат қилишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўядилар ва шунинг учун аксилинфляция сиёсатини олиб борадилар.

23. Ўзбекистонда ҳам давлат мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб президентимиз И.А.Каримов раҳбарлигига аксилинфляция чора-тадбирларни амалга оширишнинг изчил сиёсати олиб борилмоқда. Аҳолининг иш ҳақи ва умуман, пул даромадлари барқарор ошиб бормоқда, унинг харид қобилияти муттасил ўсмоқда, фуқароларимиз истеъмол қиласиган маҳсулотлар таркибининг сифати ортмоқда.

24. Инфляция ва ишсизлик ўртасидаги узвий боғлиқликни Филлипс эгри чизиги ёрдамида тасвирлаш мумкин. Улар ўртасидаги боғлиқлик мамлакат иқтисодий ривожланишининг даврийлигида намоён бўлади. Даврий тебранишнинг пасайиш фазасида, яъни нархлар даражаси пасайганда ишсизлик ортади ва аксинча, юксалиш фазасида инфляция суръатлари ортганда ишсизлик даражаси қисқаради.

25. *Стагфляция* – бу иқтисодий даврнинг пасайиш фазасида юз берадиган, инфляция ва ишсизлик суръатларининг бир вақтда ошиши билан кузатиладиган жараёндир. «Стагфляция» атамаси икки сўзнинг йиғиндисидан ташкил топган: стагнация (турғунлик) ва инфляция.

## Таянч иборалар

Иқтисодиётнинг даврий тебраниши, юксалиш, пасайиш, чўққи, туб (энг қуи) нуқта, иқтисодий фаоллик, Кондратьев, Китчин тўлқинлари, нодаврий тебранишлар, рецессия, депрессия, тренд, инфляцион ва рецессион узилиш, иқтисодий инқироз, стагнация, стагфляция, ялпи талаб, ялпи таклиф, аҳоли тоифалари, институционал аҳоли, бандлик, ишсизлик, фрикцион ишсизлик, таркибий ишсизлик, даврий ишсизлик, ишсизликнинг табиий даражаси, ихтиёрий ва мажбурий ишсизлик, Оукен қонуни, ишлаб чиқаришнинг потенциал даражаси, инфляция, умумий нарх даражаси, инфляция даражаси, инфляция турлари, гиперинфляция, ошкора инфляция, бостирилган (яширин) инфляция, талаб ва таклиф инфляцияси инфляцион спирал, Фишер тенгламаси, пулларнинг харид қилиш қобилияти, кутилаётган ва кутилмаган инфляция, инфляция ҳаражатлари, Филлипс эгри чизиги, стагфляция

# **V БОБ. КЛАССИК ВА КЕЙНСЧА МОДЕЛЛАР ТАҲЛИЛИ. КЕЙНСНИНГ ТОВАРЛАР ВА ХИЗМАТЛАР БОЗОРИДА МАКРОИҚТИСОДИЙ МУВОЗАНАТ МОДЕЛИ**

- 5.1. Макроиқтисодий мувозанатнинг классик модели.
  - 5.2. Кейнсча макроиқтисодий модел: асосий қонун ва хулосалар.
  - 5.3. Кейнсча моделда истеъмол ва жамғарма функциялари.
  - 5.4. Кейнсча моделда инвестициялар функцияси.
  - 5.5. Кейнсча моделда миллий ишлаб чиқаришнинг мувозанат ҳажми
  - 5.6. Мультиликатор самараси.
  - 5.7. Тежамкорлик парадокси.
- Қисқача хулосалар**  
**Таянч иборалар**

Иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга монистик (ягона) тарзда қаралган микроиқтисодиётдан фарқли ўлароқ, макроиқтисодий ҳодиса ва жараёнларни ўрганишда, шунингдек ялпи талаб ва таклиф мувозанатини характерлашда икки хил ёндошув, икки хил мактаб қўриб ўтилади:

- **классик мактаб** (XIX-асрнинг биринчи ярми, замонавий шароитларда эса тегишлича неоклассик – XIX-асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг биринчи ўн йиллиги);
- **кейнсча мактаб** (1936 йилда Ж.М.Кейнс ва унинг тарафдорлари томонидан асос солинган, замонавий шароитларда эса тегишлича неокейнсча).

Шунинг учун бир-биридан: 1) назарий асос; 2) модел тенгламалари; 3) назарий хулосалар; 4) амалий тавсиялар билан фарқланувчи икки хил макроиқтисодий модел мавжуд бўлиб, улар ўртасидаги асосий фарқлар қуидагилар ҳисобланади: а) бозор конъюнктураси ўзгаришига нархлар эгилувчанлиги ва улар мослашувчанлигининг тезлиги масаласи; б) иқтисодиётга давлат аралашувининг зарурлиги даражаси ва унинг дастаклари.

## **5.1. Макроиқтисодий мувозанатнинг классик модели.**

Классик ва неоклассик оқим вакиллари томонидан асос солинган назария улар томонидан ўрганилиб, хулосалар қилинганига кўп вақт ўтган бўлсада, ушбу назарияга фақатгина иқтисодий билимлар

тарихига қарғандек қараңыз нотүғри бўлар эди. Айтиб ўтиш жоизки, ортодоксал кейнсчилар концепциясига таянган иқтисодий сиёсат таназзулга учрагандан сўнг классикларнинг кўпгина хулосалари ҳозирги кунда ҳам долзарблигича қолмоқда.

Классик моделга XVIII асрда асос солинган бўлиб, уни мазмунан бойитган буюк иқтисодчилар: А.Смит, Д.Рикардо, Ж.-Б. Сей, Дж.-С.Милль, А.Маршалл, А.Пигу ва бошқалардир.

### **Классик моделнинг асосий қоидалари қўйидагилар:**

• иқтисод икки, яъни мустақил бўлган: реал ва пул секторига бўлинади. Бу макроиқтисодиётда “классик дихотомия” тамойили номини олган, яъни у иккита бир-бирига параллел бўлган **бозорлар** (реал ва пул)ларнинг ўзаро нейтраллигини – яъни бир-бирига боғлиқ эмаслигини англатади. Бунда пул сектори реал кўрсаткичларга таъсир этмайди, у фақатгина номинал кўрсаткичларнинг реал кўрсаткичлардан фарқини кўрсатади ва бу тамойил “пулларнинг бетарафлиги” номини олган. Ушбу тамойил пулларнинг реал сектордаги вазиятга таъсир этмаслигини ва барча нархлар нисбий эканлигини билдиради. Шунинг учун **классик моделда пул бозори мавжуд эмас** ва реал сектор учта бозордан иборатдир:

- меҳнат бозори;
- капитал бозори;
- товар бозори.

• барча **реал бозорлар соф рақобатли** бўлиб, бу XVIII аср ва бутун XIX аср даврига тўғри келадиган иқтисодий ҳолатдир.

• барча бозорларда такомиллашган рақобат мавжуд бўлганлиги сабабли барча **нархлар эгилувчан**. Бу меҳнат бозорида номинал иш ҳақи ставкасига, капитал бозорида фоиз ставкасига, товар бозорида товарлар нархларига тегишилдири. Нархлар эгилувчан дейилганда, нархлар бозор конъюнктураси (яъни талаб ва таклиф нисбати) ўзгаришига мос равишда ўзгаришини, яъни мувозанат қайта таъминланишини билдиради.

• нархлар эгилувчан экан, **бозор мувозанати бозорларда автоматик тарзда ўрнатилади**, А.Смитнинг “кўринмас қўл”, яъни бозорларни ўз-ўзини мувозанатга келтириш, тартибга солиш (market-clearing) тамойили амал қиласи.

• бозор мувозанати бозор механизми орқали автоматик тарзда ишга тушар экан, у ҳолда ҳеч қандай ташқи куч, ташқи агент иқтисодий жараёнларни тартибга солишида аралашмаслиги лозим. Шундай қилиб, **иқтисодиётга давлат аралашмаслиги керак**

деган тамойил асос топди ва “laissez faire” номини олди, французчадан бу “ҳамма нарса қандай қилинса шундай қилинсин, қандай кетса шундай кетсин” деган маънони англатади.

• иқтисодиётнинг асосий муаммоси – бу ресурсларнинг чекланганлиги муаммосидир, шунинг учун барча *ресурслар тўла бандлик шароитида самарали ва рационал ишлатилади* (микро-иқтисодиётдан маълумки, барча мавжуд бозор структуралари ичида ресурсларнинг нисбатан самарали ишлатилиши айнан соғ рақобатга тўғри келади). Шунинг учун ишлаб чиқариш ҳажми доимо ўзининг потенциал ишлаб чиқариш даражасида бўлади.

• ресурсларнинг чекланганлиги ишлаб чиқаришни, яъни ялпи таклифни иқтисодиётнинг энг асосий муаммоси қилиб қўяди. Шунинг учун классик модел (“supply-side”) иқтисодиётни **ялпи таклиф томонидан ўрганади**. Асосий бозор – бу ресурс бозори ва биринчи навбатда меҳнат бозоридир. Ялпи талаб ялпи таклифга доимо мос келади. Иқтисодиётда “Сей” қонуни амал қиласи. Бу қонун XIX аср бошларида француз иқтисодчиси Жан-Батист Сей томонидан яратилган. У шундай таъкидлайди: таклиф ўз-ўзидан талабни келтириб чиқаради, чунки ҳар қандай киши бозорда ҳам истеъмолчи, ҳам ишлаб чиқарувчи бўлиб майдонга чиқади ва унинг ҳаражатлари доимо унинг даромадига тенгdir. Ишчи бир томондан ўзининг меҳнати бўлган иқтисодий ресурсни таклиф қиласа, иккинчи томондан шу меҳнат маҳсулни бўлган даромадига энди товар ва хизматлар сотиб олади. Иш ҳақи кўринишида бўлган унинг олган даромади ўзи ишлаб чиқарган маҳсулот нархига тенгdir. Фирма бир вақтнинг ўзида ҳам товар ва хизматларни сотувчи ва ҳам иқтисодий ресурсларни сотиб оловчи ҳисобланади. Ўз ишлаб чиқарган маҳсулотидан тушган даромадини ишлаб чиқарувчилар ишлаб чиқариш омилларини сотиб олишга сарфлайдилар. Шунинг учун ялпи талаб билан боғлиқ муаммо бўлмаслиги лозим, чунки иқтисодий агентлар ўз даромадларини ҳаражатга айлантирадилар.


• ресурслар чекланганлиги муаммоси секин-аста ҳал бўлади (миқдор ўсиши ва сифат яхшиланиши оқибатида). Ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтириш ва технологик жараён узоқ давом этадиган жараёндир. Барча нархлар иқтисодиётда талаб ва таклиф нисбати ўзгаришига жавобан тез ўзгармайди. Шунинг учун классик модел **узоқ муддатни масвирловчи модел ҳисобланади**.

Нархларнинг абсолют эгилувчанлиги ва бозорларнинг ўзаро мувозанати фақатгина узок муддатда кузатилади.

Энди классик моделда бозорларнинг ўзаро таъсирини кўриб чиқайлик.

Классик моделда юқорида айтиб ўтганимиздек, реал бозорлар учта: **мехнат бозори, капитал бозори ва товар бозори**.

**Мехнат бозорини** кўриб чиқамиз (5.1-а расм). Соғ рақобат шароитида ресурсларнинг тўлиқ бандлиги мавжуд экан (тўлиқ бандлик даражаси), меҳнатнинг таклиф эгриси ( $L^S$  – labour supply curve) вертикал кўринишга эга ва таклиф этилаётган меҳнат ҳажми  $L_F$  га тенг (full employment).



### 5.1-расм. Классик моделдаги реал бозорлар

бунда,

$W$  – иш ҳақи ставкаси;

$R$  – фоиз ставкаси;

$L^S$  – меҳнат таклифи;

$L^D$  – меҳнатга бўлган талаб;

$L_F$  – тўлиқ бандлик;

$Y$  – миллий ишлаб чиқариш ҳажми;

$Y^*$  - потенциал ишлаб чиқариш даражасидаги ишлаб чиқариш ҳажми.

$I$  – инвестициялар;

$S$  – жамғармалар;

$P$  – нархлар даражаси;

$AD$  - ялпи талаб;

$AS$  – ялпи таклиф.

Меҳнатга бўлган талаб иш ҳақи ставкасига боғлиқ ва бундай боғлиқлик тескари пропорционаллик характерига эга, яъни иш ҳақининг номинал ставкаси ( $W$ -wage rate) қанчалик юқори бўлса,

фирмалар ҳаражатлари шунчалик юқори бўлади ва ишчиларни ишга ёллаш камаяди. Шунинг учун меҳнатга талаб эгри чизифи ( $L^D$  – labour demand curve) пастга қараб оғади. Даставвал мувозанат меҳнатга таклиф эгри чизифи ( $L^S$ ) ва меҳнатга бўлган талаб эгри чизифи кесишган нуқтада ўрнатилиб, бунда иш ҳақи ставкаси  $W_1$  ва иш билан бандлар сони  $L_F$  миқдорга тўғри келади. Фараз қиласлик, меҳнатга бўлган талаб пасайди ва меҳнатга талаб эгри чизифи  $L^D_1$ дан чапга  $L^D_2$ гача силжиди. Номинал иш ҳақи ставкаси ( $W_1$ )да тадбиркорлар  $L_2$  миқдорга тенг бўлган ишчиларни ёллайдилар.  $L_F$  ва  $L_2$  ўртасидаги фарқ ишсизликни билдиради.

XIX асрда ишсизлик нафақаси бўлмаганлигини ҳисобга олсак, классик мактаб тарафдорлари фикрига кўра, ишчилар рационал ҳаракат қилувчи иқтисодий агентлар ҳисобланадилар ва улар ҳеч қандай даромад кўрмагандан кўра оз миқдорда бўлса ҳам даромад кўришни афзал кўрадилар. Номинал иш ҳақи ставкаси  $W_2$  гача тушади ва меҳнат бозорида яна тўлиқ бандлик -  $L_F$  ўрнатилади. Шунинг учун ишсизлик классик моделда ихтиёрий характерга эга, чунки ушбу номинал иш ҳақи ставкаси  $W_2$ га ишлаш ёки ишламасликни ишчининг ўзи ҳал қилади.

**Капитал бозори** (5.1- б расм) – бу инвестициялар (I-investment) ва жамармалар (S-savings) “учрашадиган” ва унда фоиз ставкаси (R-interest rate) ўрнатиладиган бозордир. Инвестицион товарларини сотиб олиш учун фирмалар капиталга талаб билдирадилар, кредит ресурслари таклифини эса уй хўжаликлари ўзларининг жамғармаларини қарзга бериб амалга оширадилар. Инвестициялар ва фоиз ставкаси ўртасида тескари пропорционал боғлиқлик мавжуд, шунинг учун пуллик капиталнинг нархи қанчалик юқори бўлса, фирмаларнинг инвестицион ҳаражатлари миқдори шунчалик камаяди. Жамғармалар ва фоиз ставкаси ўртасида эса тўғри пропорционал боғлиқлик мавжуд, чунки фоиз ставкаси қанчалик юқори бўлса, уй хўжаликларининг жамғармаларни қарз(кредит)га бериши ва ундан оладиган даромади шунчалик юқори бўлади.

Даставвал  $I_1 = S_1$  мувозанат  $R_1$  фоиз ставкасида ўрнатилади. Агар жамғармалар ортса ( $S_1$ дан  $S_2$ га жамғарма эгри чизифи силжиса), у ҳолда илгариги фоиз ставкаси  $R_1$  да жамғармаларнинг бир қисми даромад келтирмайди. Жамғарувчилар (уй хўжаликлари) ўзларининг барча жамғармаларига даромад олишни истайдилар ва пастроқ фоиз ставкасига ҳам рози бўладилар. Янги фоиз ставкаси

$R_2$  даражасида ўрнатилади, бунда барча кредит воситалари түлиқ ишлатилади, чунки энди бундай пастроқ фоиз ставкасида инвесторлар күпроқ кредит оладилар ва инвестициялар микдори  $I_2$  микдорга ортади, яъни  $I_2 = S_2$  мувозанат түлиқ бандлик шароитида ўрнатилди.

**Товар бозорида** (5.1-в расм) даставвал мувозанат ялпи таклиф (AS) ва ялпи талаб ( $AD_1$ ) кесишган нуқтада ўрнатилади, бунда мувозанат нарх  $P_1$ га ва потенциал ишлаб чиқариш даражасидаги ишлаб чиқариш ҳажми –  $Y^*$ га тенгdir. Барча бозорлар бир-бири билан боғлиқ экан, меҳнат бозорида иш ҳақи ставкасининг пасайиши (бу эса даромадни камайишига олиб келади) ва капитал бозорида жамғармаларнинг ортиши истеъмол ҳаражатларини камайтиради, бунинг оқибатида ялпи талаб камаяди.  $AD_1$  эгри чизик  $AD_2$  га, яъни чапга силжийди. Илгариги  $P_1$  нархда энди фирмалар ўзлари ишлаб чиқарган барча  $Y^*$  ҳажмдаги товарларни сота олмайдилар, улар энди фақат  $Y_2$  ҳажмдаги товарларни сотиш имкониятига эга бўлиб қоладилар.

Аммо фирмалар рационал ҳаракат қилувчи иқтисодий агент ҳисобланганлиги учун барча ишлаб чиқарган ҳажмдаги товарларни пастроқ нархда бўлса ҳам сотишни афзал қўрадилар. Натижада нарх  $P_2$  даражага тушади ва барча ҳажмдаги ишлаб чиқарилган товарлар сотилади. Мувозанат яна потенциал ишлаб чиқариш ҳажми –  $Y^*$  да ўрнатилади.

Бозорлар ўз-ўзидан нарх эгилувчанлиги ҳисобига мувозанатлашди, бунда ҳар бир бозордаги мувозанат ресурсларнинг түлиқ бандлиги даражасида ўрнатилди. Бунда айтиш керакки, фақатгина номинал кўрсаткичлар ўзгарди, реал кўрсаткичлар эса ўзгармасдан қолди.

Шундай қилиб, классик моделда номинал кўрсаткичлар эгилувчан, реал кўрсаткичлар эса ноэластик (қаттиқ) ҳисобланади. Бу эса ишлаб чиқаришнинг реал ҳажмига ҳам (у доимо потенциал ишлаб чиқариш ҳажмига тенг), иқтисодий агентларнинг реал даромадига ҳам тегишлидир.

Гап шундаки, нархлар барча бозорларда бир-бирига пропорционал равища ўзгаради, шунинг учун  $W_1 / P_1 = W_2 / P_2$  (номинал иш ҳақининг нархлар даражасига нисбати реал иш ҳақига тенгdir). Бундан келиб чиқиб хулоса қилсак, номинал даромад тушганига қарамай, меҳнат бозорида реал даромад ўзгармасдан қолади. Жамғарувчиларнинг реал даромадлари (реал фоиз ставкаси) ҳам

ўзгармасдан қолди, чунки номинал фоиз ставкаси ҳам нархлар тушган нисбатда пасайди. Нархлар даражаси тушганига қарамай, тадбиркорларнинг реал даромадлари (сотувдан тушган тушум ва фойда) пасаймади, чунки айнан шу даражада ҳаражатлар пасайди (иш ҳақи ҳаражатлари, яъни номинал иш ҳақи ставкаси). Бунда ялпи талабнинг пасайиши ишлаб чиқариш ҳажмини пасайишига олиб келмайди, чунки истеъмол ҳаражатларининг камайиши (мехнат бозорида номинал даромаднинг камайиши ва капитал бозорида жамғармалар миқдорининг ортиши натижасида) инвестицияга бўлган талабнинг ортиши (капитал бозорида фоиз ставкаси тушиши натижасида) билан тўлдирилади. Шундай қилиб, мувозанат фақатгина алоҳида олинган бозорларда ўрнатилмай, балки мувозанат ўзаро барча мавжуд бозорларнинг бир-бири билан ва оқибатда эса бутун иқтисодиётда ўрнатилди.

Классик модел хулосаларидан шуни айтиш мумкинки, узок давом этувчи кризислар иқтисодиётда бўлиши мумкин эмас, балки бу факат вақтинчалик номутаносиблик (диспропорция)лардир. Бундай номутаносибликлар бозор механизми бўлмиш нарх механизми ўзгариши орқали аста-секин ўз-ўзидан йўқолади.

Аммо 1929-1933 йилларда АҚШда тарихида “Буюк Депрессия” деб номланган инқироз рўй берди ва у барча ривожланган мамлакатларни қамраб олди. Ушбу инқироз навбатдаги оддий инқирозлардан эмас эди. Бу инқироз классик макроиқтисодий моделнинг қилган хулосаларини ва биринчи навбатда иқтисодий тизимнинг ўз-ўзини бошқара олиши мумкинлигини бутунлай йўққа чиқарди. Биринчидан, 4 йил давом этган “Буюк Депрессия”ни энди вақтинчалик ишдан чиқсан, автоматик равишда ўз-ўзини бошқара оладиган механизм сифатида тушунтириб бериш мутлақо мумкин эмас эди. Иккинчидан, энди бундай ҳолатда, яъни АҚШда ишсизлик даражаси 25%ни ташкил этган вақтда ресурсларнинг чекланганлиги ҳақида сўз юритиш мумкин бўлмай қолган эди.

“Буюк Депрессия”нинг сабаблари, ундан мумкин бўлган чиқиши йўллари ва келгусида бундай иқтисодий ҳалокатларга йўл қўймаслик бўйича тавсиялар буюк инглиз иқтисодчиси Д.М.Кейнснинг 1936 йилда ёзилган “Бандликнинг умумий назарияси, фоиз ставкаси ва пуллар” китобида таҳлил қилиниб, асослаб берилди. Ушбу китобнинг чиқиши натижасида **макроиқтисодиёт** иқтисодиёт назариясининг ўз предмети ва таҳлил усулига эга бўлган мустақил бўлимига айланди. Кейнснинг иқтисодиёт назарияга

кўшган ҳиссаси шу қадар буюк эди, кейнсча макроиктисодий модел, яъни иқтисодий таҳлиллар жараёнига кейнсча ёндошувнинг пайдо бўлиши “Кейнсча инқилоб” номини олди.

Аммо шуни эсда тутмоқ керакки, классик мактаб вакилларининг мағлубияти иқтисодий жараёнлар таҳлилига нотўғри ёндошиб, нотўғри хulosалар чиқарганликларида деб бўлмайди, чунки бу моделнинг асосий хulosалари XIX асрда ишлаб чиқилган бўлиб, шу даврнинг соф рақобат шароитидаги иқтисодий ахволини акс эттирган эди. Аммо бу хulosалар XX асрнинг бошларига, номукаммал рақобат мавжуд бўлган шароитга энди мутлақо тўғри келмай колди. Шу сабабли Кейнс классик мактабнинг қилган асосий хulosаларини рад этди ва ўзининг макроиктисодий моделини яратди.

## **5.2. Кейнсча макроиктисодий модел: асосий қонун ва хulosалар**

Юқорида айтиб ўтилганидек, классик мактаб вакилларининг иқтисодий ҳодиса ва жараёнлар ҳақидаги асосий хulosалари давр синови (XX асрнинг биринчи ярми)га дош бера олмади. АҚШ тарихида энг чуқур из қолдирган инқироз – Буюк Депрессиядан (1929-1933йиллар) чиқиб кетиш йўлларини излаш масаласи ўша даврнинг ривожланган давлатлари олдига кўндаланг қилиб қуйилди.

Бу даврда ушбу мамлакатларда ишсизлик даражаси ортди, ишлаб чиқариш суръатлари пасайди ва умуман иқтисодий фаоллик даражаси сусайди. Масалан, АҚШда бу давр ичida ЯИМ 30%га камайди, ишсизлик даражаси 3%дан 25%га ошди ва 1940 йилгача ўртacha 19%га teng бўлди. 1931-1935 йиллар ичida соф инвестициялар манфий бўлди. Нархлар даражасининг пасайиши (истеъмол нархлари индекси бу даврда 25%га камайди) товарлар таклифи ортиқчалигини бартараф этмади, чунки ялпи талаб даражаси унга нисбатан кўпроқ даражада пасайиб кетди. Бир сўз билан айтганда, Буюк Депрессия классикларнинг *таклиф талабни келтириб чиқаради* (Сей қонуни), деган хulosасини инкор этди ва аксинча, ҳаражатлар ишлаб чиқариш даражасини белгилаб беради ёки бозор иқтисодиётiga хос ички қонуниятларга кўра талаб доимо таклифдан кам бўлишини белгилаб берди.

**Моделнинг асосий қоидалари:**

**- реал ва пул секторлари ўзаро бир-бирлари билан боғлиқ.**

Классик моделга характерли бўлган пулларнинг нейтраллик

тамойили энди “пуллар аҳамиятга эга” (“money matters”) тамойили билан алмаштирилди, бу эса пулларнинг реал кўрсаткичларга таъсир этишини билдиради. Пул бозори қимматли қоғозлар бозори сингари молия бозорининг бир қисми (сегменти)га айланиб, макроиктисодий бозорни ташкил этади.

*- барча бозорларда номукаммал рақобат ҳукм суради.*

Барча бозорларда номукаммал рақобат ҳукм сурганлиги сабабли, **нархлар ноэластик**, қаттиқ (rigid) ёки Кейнс сўзи билан айтганда, ”ёпишқоқ” (sticky), яъни маълум даражада ёпишиб қолувчи ва маълум бир вақт ичида ўзгармасдир. Масалан, меҳнат бозорида меҳнат нархи бўлган номинал иш ҳақи ставкасининг қаттиқлиги (ёпишқоқлиги)ни қўйидагича тушунтириш мумкин:

а) битим асосидаги тизим амал қилади: битимлар (масалан, АҚШда бир йилдан уч йилгача) маълум бир даврга имзоланади ва бу вақт ичида битим бўйича келишилган номинал иш ҳақи ставкасини ўзгартириб бўлмайди;

б) касаба уюшмалари фаолият юритадилар, улар тадбиркорлар билан жамоа битимларини номинал иш ҳақининг маълум бир миқдорида бўлишига келишадилар, тадбиркорлар эса бу миқдордан паст бўлган иш ҳақи миқдорида ишчиларни ёллашга ҳақли эмаслар (шуниг учун иш ҳақи ставкаси жамоа битими қайта кўрилиб чиқилмагунга қадар ўзгартирилмайди);


в) давлат минимал иш ҳақини ўрнатади, тадбиркорлар шу минимал иш ҳақи ставкасидан паст бўлган ставкада ишчиларни ёллаш ҳуқуқига эга эмаслар. Шунинг учун графикда меҳнат бозори (5.1- а расм) меҳнатга талаб пасайганда ( $L^D_1$  дан  $L^D_2$  гача силжиганда) меҳнат нархи (номинал иш ҳақи ставкаси)  $W_2$  гача пасаймайди, у  $W_1$  даражада қолади (“ёпишади”).

Товарлар бозорида нархларнинг қаттиқлигини шу билан тушунтириш мумкинки, унда монополиялар, олигополиялар ёки монополистик рақобатли фирмалар ҳаракат қилиб, улар эса нархларни бир хил даражада ушлаб туриш имкониятига эгадирлар (яъни price-makers, энди улар соф рақобат шароитидек price-takers бўлмайдилар). Шунинг учун товарлар бозори графикда (5.1- в расм) товарларга талаб пасайганда, нарх даражаси  $P_2$  га пасаймайди, балки  $P_1$  даражада сақланиб қолади (3-бобдаги храповик самарасини эсланг).

Кейнс фикрича, фоиз ставкаси инвестициялар ва жамғармалар нисбати натижасида капитал бозорида шаклланмай, балки пул


бозорида – пулга бўлган талаб ва таклиф нисбати натижасида ўрнатилади. Шунинг учун пул бозори тўлиқ макроиктисодий бозор бўлиб қолади, ундаги шароитнинг ўзгариши товарлар бозоридаги шароитнинг ўзгаришига таъсир этади.

Кейнс бу талқинни қўйидагича асослади: бир хил даражадаги фоиз ставкасида амалдаги инвестициялар жамғармалар билан мос тушмаслиги мумкин, чунки инвестициялар ва жамғармалар турли иқтисодий агентлар орқали амалга оширилади, бу агентлар эса (фирмалар, уй хўжаликлари) турли мақсадларни кўзлайдилар. Инвестицияларни фирмалар, жамғармаларни эса уй хўжаликлари амалга оширадилар.



**5.2.1-расм. Кейнсча моделда инвестиция ва жамғармалар**

R – фоиз ставкаси;  
S – жамғармалар;  
I - инвестициялар;



**5.2.2-расм. Пул бозори**

$(M/P)^D$  – пулга бўлган талаб;  
 $(M/P)^S$  - пулга бўлган таклиф;  
 $(M/P)_e$  – пул бозоридаги мувозанат.

Кейнс бу талқинни қўйидагича асослади: бир хил даражадаги фоиз ставкасида амалдаги инвестициялар жамғармалар билан мос тушмаслиги мумкин, чунки инвестициялар ва жамғармалар турли иқтисодий агентлар орқали амалга оширилади, бу агентлар эса (фирмалар, уй хўжаликлари) турли мақсадларни кўзлайдилар. Инвестицияларни фирмалар, жамғармаларни эса уй хўжаликлари амалга оширадилар.

Инвестиция ҳажмини белгилаб берувчи асосий омил Кейнс фикрича, фоиз ставкаси даражаси эмас, балки *инвестициядан куттилаётган соф фойда меъёри*дир. Кейнс буни *капиталнинг чекли*

самарадорлиги деб атайди. Инвестор капиталнинг чекли самарадорлиги катталигини фоиз ставкаси билан таққослаб инвестицион қарор қабул қиласди. Агар биринчиси иккинчисидан катта бўлса, у ҳолда инвестор инвестиция лойиҳасини молиялаштиради (агар инвестор томонидан капиталнинг чекли самарадорлиги масалан, 100% деб баҳоланса, у ҳолда кредит 90%га тенг фоиз ставкасида ҳам олинади, агарда капиталнинг чекли самарадорлиги масалан, 9% деб баҳоланса, инвестор 10%лик фоиз ставкани олишдан манфаатдор бўлмайди). Жамғармалар ҳажмини белгилаб берувчи омил ҳам фоиз ставкаси бўлмай, ихтиёргани даромад ҳажми ҳисобланади ( $ID=C+S$ ). Агарда кишининг ихтиёридаги даромади катта бўлмаса ва бу даромад кундалик ҳаражатларга аранг етса, у ҳолда жуда юқори фоиз ставкасида ҳам кишилар жамғарма қилолмайдилар.

Кейнсча моделдаги инвестициялар ва жамғармаларнинг ўзаро нисбати график кўринишда 5.2.1 - расмда берилган. Жамғармалар фоиз ставкасига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлганлиги сабабли, уларнинг график кўриниши вертикаль чизикдан, инвестициялар эса фоиз ставкасига нисбатан камроқ боғлиқ бўлганлиги учун қия, пастга эгилувчан кўринишга эга. Агар жамғармалар  $S_2$  гача ортса, у ҳолда мувозанат фоиз ставкасини аниқлаб бўлмайди, чунки инвестиция эгри чизифи ва янги жамғарма эгриси  $S_2$  кесишидиган нуқта мавжуд эмас. Демак, мувозанат фоиз ставкаси  $R_e$  ни бошқа бозорда, яъни пул бозоридан топиш лозим (пулга бўлган талаб ва таклиф нисбати орқали 5.2.2 - расм).

- *барча бозорларда пуллар ноэластик* (қаттиқ) экан, бозорлар мувозанати тўлиқ бандлик шароитида ўрнатилмайди. Мехнат бозорида 5.1- а расм) номинал фоиз ставкаси  $W_1$  даражада, фирмалар ишчиларга  $L_2$  миқдорда талаб билдирганда ўрнатилади.  $L_F$  ва  $L_2$  ўртасидаги фарқ - ишсизлар сонини билдиради. Бу ҳолда ишсизлик ишчиларга берилган номинал иш ҳақи ставкасини рад этгани учун эмас, ушбу ставканинг қаттиқлиги сабабли содир бўлади. Ишсизлик ихтиёрий ҳолатдан мажбурий ҳолатга айланади. Ишчилар пастроқ ставкада ишлашга рози бўладилар, аммо тадбиркорлар бундай иш ҳақи ставкасини пасайтиришга ҳақли эмаслар. Ишсизлик жиддий иқтисодий муаммога айланади.

Товарлар бозорида ҳам нархлар маълум  $P_1$  даражада “ёпишиб” қолади (5.1.1-в расм). Ишсизлик туфайли ялпи талабнинг ялпи даромадлар пасайиши натижасида камайиши (эслатиб ўтамиз,

ищизлик бўйича нафақалар тўланмайди) ва шу билан бирга истеъмол ҳаражатларининг пасайиши барча ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш мумкин бўлмай қолишига олиб келади ( $Y_2 < Y^*$ ) ва *рецессия* (ишлаб чиқаришнинг тушиб кетиши) ҳолати содир бўлади. Иқтисодиётнинг пасайгандаги ҳолати инвесторлар кайфиятига таъсир этади ва натижада инвестиция ҳаражатлари пасаяди. Натижада эса ялпи талаб янада тушиб кетади.

- хусусий секторнинг ҳаражатлари (уй хўжаликларининг истеъмол ҳаражатлари ва фирмаларнинг инвестиция ҳаражатлари) потенциал ишлаб чиқариш ҳажмига тўғри келадиган, яъни ресурсларнинг тўлик бандлик шароитидаги ишлаб чиқарилган ҳажмига тенг бўлгандаги ялпи талаб ҳажмини таъминлай олмайди. Шунинг учун иқтисодиётда ёки товар ва хизматларга ўзининг талабини билдирувчи, ёхуд хусусий сектор талабини рағбатлантириб, ялпи талабни оширадиган қўшимча макроиктисодий агент пайдо бўлиши лозим. Бундай агент давлатдир. Шу тариқа Кейнс *давлатнинг иқтисодий жараёнларга аралашуви ва иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиши* (давлат фаоллиги) кераклигини асослаб берди.

- *асосий иқтисодий муаммо* (ресурслар бандлиги тўлик бўлмаган шароитда) ялпи таклиф муаммоси бўлмай, энди *ялпи талаб муаммоси* ҳисобланди. Кейнсча модел иқтисодиётни ялпи талаб томонидан ўрганувчи “demand-side” моделидир.

- давлатнинг барқарорлик сиёсати, яъни ялпи талабни тартибга солувчи сиёсат иқтисодиётга қисқа муддатда таъсир этар экан, у ҳолда Кейнсча модел *иқтисодиётни қисқа муддатда* (“short-run” модели) *тасвирловчи моделдир*. Кейнс узок даврга назар солишини, иқтисодиётни узок муддатда ўрганишни лозим деб ҳисобламаган. У: ”Узок даврда биз барчамиз мурдалармиз”, - деб айтган (“In long run we are all dead”).

Иқтисодиётни ялпи талабга таъсир этиш йўли билан (биринчи навбатда фискал сиёсат чоралари билан) тартибга солиш, яъни давлатнинг юқори даражада иқтисодиётга аралашувини назарда тутган Кейнсча услуг Ш-Жаҳон урушидан кейин ривожланган мамлакатлар учун характерли эди. Аммо иқтисодиётда инфляция жараёнларининг кучайиши ва айниқса 70-йиллар нефт “шок”и оқибатлари биринчи навбатга ялпи талабни рағбатлантиришни эмас (чунки бу инфляцияни янада кучрайтириб юборар эди) ялпи таклиф

муаммосини ҳал этиш масаласини қўйди. ”Кейнсча инқилоб” ўрнига “неоклассик аксилинқилоб” келди.

Иқтисодий назарияда неоклассик йўналишнинг асосий оқимлари булар:

1) Монетаризм (“monetarist theory”);

2) “Таклиф иқтисодиёти” назарияси (“supply-side economics”);

3) Рационал кутишлар назарияси (“rational expectations theory”).

Неоклассик концепцияларда асосий эътибор макроиқтисодиётнинг микроиқтисодий асослари таҳлилига қаратилади. Неоклассик оқим вакиллари қарашларининг “классик мактаб” намояндалари ғояларидан фарқи шундаки, улар классик модел қоидаларини замонавий иқтисодий шароитга мос ҳолда қўллайдилар ва иқтисодиётни қисқа муддатда ялпи таклиф томонидан таҳлил этадилар. Шунингдек, неокейнсча йўналиш вакиллари ўзларининг концепцияларида замонавий иқтисодиётнинг инфляцияли характеристики ҳисобга оладилар. Шунинг учун замонавий макроиқтисодий назарияда неоклассик ва неокейнсча қарашларнинг ўзаро қарама-қаршилиги эмас, балки замонавий иқтисодий жараёнларни назарий жиҳатдан тушунтириб берадиган умумий назарий концепцияни ишлаб чиқиш ҳақида сўз юритилади. Бундай йўл тутиш эса “main stream” номини олган.

### 5.3. Кейнсча модельда истеъмол ва жамғарма функциялари.

Кейнсча макроиқтисодий модельда ялпи талаб тўрт таркибий қисмдан иборат: *истеъмол (C)*, *хусусий инвестициялар (I)*, *давлат ҳаражатлари (G)* ва *соғ экспорт ( $X_n$ )*. Аммо уларнинг ичida энг асосийлари иккита: **1) Истеъмол (C) ва 2) Инвестициялар (I)**. Замонавий шароитларда ялпи ҳаражатларнинг асосий (2/3) қисми *истеъмол (C)* га тўғри келади, шунинг учун уй хўжаликларининг истеъмол режалари иқтисодий ҳодиса ва жараёнларнинг йўналишини белгилаб берувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Нархлар даражасининг ноэластиклиги (қаттиқлиги) шароитида бундай режалар фақатгина даромад асосида тузилади. Ўз даромадларини уй хўжаликлари икки йўналишга ажратишга мойил бўладилар: **a) истеъмол (C) ва б) жамғарма (S)**га. Жамғармалар даромаднинг истеъмол ҳаражатларидан ортган қисми бўлганлиги сабабли, даромаднинг жамғарма қисми ортиши худди шундай

катталиқдаги истеъмол қисмининг камайишини билдиради ва аксинча, даромаднинг истеъмол қисми ортиши жамғарма қисмининг камайишига олиб келади.

Бундан:

$$Y = C + S, \quad (5.3.1)$$

бунда,

$Y$  – миллий (ихтиёрдаги) даромад;

$C$  – истеъмол;

$S$  – жамғарма.

Үз ўринда истеъмол ва жамғарма ихтиёрдаги даромадга боғлиқ бўлади. Истеъмол миқдорининг даромад миқдорига нисбати аҳолининг *истеъмолга ўртача мойиллиги (APC – average propensity to consume)* дейилади ва қуидагича ҳисобланади:

$$APC = C / Y \quad (5.3.2)$$

Жамғармага йўналтирилган миқдорнинг даромад миқдорига нисбати *жамғармага ўртача мойиллик (APS – average propensity to save )* дейилади ва у қуидагича аниқланади:

$$APS = S / Y \quad (5.3.3)$$

Шундай қилиб, классиклардан фарқли ўлароқ, Ж.М.Кейнс жамғармани фоиз ставкасига эмас, даромад миқдорига боғлиқлигини асослаб берди, яъни  $S = S(Y)$ . Худди шундай истеъмол ҳам даромаднинг функцияси ҳисобланади:  $C = C(Y)$ . Бу функцияни характерлаб Ж.М.Кейнс қуидагича холоса қиласди: “кишилар даромадлари ортиши билан истеъмолни кўпайтиришга мойил бўладилар, аммо даромад ўсган даражада эмас”. Ушбу асосий психологик қонуниятнинг мазмуни тушунарли: агарда даромад ўзгарса, истеъмол ҳам худди шу йўналишда ўзгаради, аммо истеъмолнинг ўзгариши даромаднинг ўзгаришидан кам бўлади.

Истеъмол ҳаражатларининг ўзгариши уни ўзгаришига олиб келган даромад ўзгаришига нисбати *истеъмолга чекли мойиллик (MPC – marginal propensity to consume)* дейилади ва у қуидагича ҳисобланади:

$$MPC = \Delta C / \Delta Y \quad (5.3.4)$$

бунда,

$MPC$  – истеъмолга чекли мойиллик;

$\Delta C$  – истеъмол ҳаражатларининг ўзгарган қисми;

$\Delta Y$  – даромаднинг ўзгарган қисми.

Истеъмолга чекли мойиллик тушунчаси билан бирга Ж.М.Кейнс **жамғармага чекли мойиллик** тушунчасини макроиктисодий назарияга киритди. Жамғармага чекли мойиллик **MPS** (*marginal propensity to save*) жамғарма микдорининг ўзгаришини уни ўзгаришига олиб келган даромад ўзгаришига нисбати билан аниқланади:

$$MPS = \Delta S / \Delta Y, \quad (5.4.5)$$

бунда,

**MPS** – жамғармага чекли мойиллик;

$\Delta S$  – жамғарманинг ўсган қисми;

$\Delta Y$  – даромаднинг ўсган қисми.

Истеъмолга ва жамғармага чекли мойиллик кўрсаткичлари уй хўжаликлари ўзларининг қўшимча бир бирлик даромадларининг қанча қисмини истеъмол ва жамғармага ажратганлигини кўрсатади.

Энди истеъмолга чекли мойиллик ва жамғармага чекли мойиллик кўрсаткичлари ўзаро қандай нисбатда бўлишини аниқлайлик. Буни аниқлаш учун истеъмолга чекли мойиллик ва жамғармага чекли мойиллик тушунчалари тагида яширинган иқтисодий жараёнларни кўриб чиқиш лозим.

Агар умумий даромад ошса, истеъмолчилар бир қисм ўсган даромадларини истеъмолга ва қолган қисмини жамғармага йўналтирадилар. Қўшимча ўсган даромаднинг йўналтирилиши мумкин бўлган учинчи бир томони бўлмаганлиги сабабли, истеъмол ва жамғармани даромаднинг ўзгариши билан боғлиқ ўзгарган қисмлари йифиндиси ўзаро тенг бўлади:

$$\Delta C + \Delta S = \Delta Y, \quad (5.3.6)$$

у ҳолда,

$$\Delta C / \Delta Y + S / \Delta Y = 1 \text{ ёки}$$

$$MPC + MPS = 1 \quad (5.3.7)$$

Геометрик нуқтаи назардан талқин қилсақ, MPC катталиги истеъмол ( $C$ ) эгри чизигининг бурчак қиялиги тангенсига тенгдир. Ўз ўрнида, истеъмол ( $C$ ) билан даромаднинг ( $Y$ ) нисбати чизиқли боғлиқликда бўлиб, қуйидаги кўринишга эга:

$$C = C_a + C(Y) \text{ ёки}$$

$$C = C_a + MPC \times Y \quad (5.3.8)$$

бунда,


$C$  – истеъмол;

$Y$  – даромад;

MPC – истеъмолга чекли мойиллик;

$C_a$  - автоном истеъмол.

Автоном истеъмол ( $C_a$ ) уй хўжаликларининг жорий даромадлари нолга тенг бўлгандаги истеъмол даражасини кўрсатади ва у **автоном истеъмол** деб аталади (чунки у даромадга боғлиқ бўлмайди).



### 5.3-расм. Кейнснинг истеъмол ва жамғарма функцияси

Жорий даромад мавжуд бўлмаганда (ёки у мавжуд бўлиб, етарли даражада бўлмаса), уй хўжаликлири “қарз”га кун кечирадилар ёки илгари тўплаган мулклари ёки жамғармаларини сотиб яшайдилар (“манфий жамғарма”).

Кейнснинг жамғарма функцияси куйидаги кўринишга эга:

$$S = Y - C = Y - (C_a + MPC \times Y) = -C_a + (1 - MPC)Y = -C_a + MPS \times Y$$

яъни,

$$S = -C_a + MPS \times Y \quad (5.3.9.)$$

бунда,

$S$  – истеъмол;  $MPC$  – истеъмолга чекли мойиллик;

$Y$  – даромад;  $C_a$  – автоном истеъмол;

$MPS$  – жамғармага чекли мойиллик.

Истеъмол ва жамғармага қуйидаги омиллар таъсир этиши мумкин:

- солиқларнинг ортиши истеъмол ва жамғармани камайтиради;
- ижтимоий суғуртага тўловларининг ошиши жамғармалар қисқаришига олиб келади;
- сунъий равишда ва асоссиз шов-шув натижасида ошган талаб истеъмолнинг кескин ортишига сабаб бўлади;

- бозорда таклифнинг ортиши жамғармаларни камайишига олиб келади.

Амалиётда шуни кузатиш мумкинки, даромад ортганда истеъмол ҳам, жамғармалар ҳам ортади, аммо бунда истеъмолга чекли мойиллик (MPC) пасайиш тенденциясига эга бўлади, жамғармага чекли мойиллик (MPS) эса ошади.

#### **5.4. Кейнсча моделда инвестициялар функцияси.**

Кейнсча моделда *инвестициялар* – (I) ялпи талабни рағбатлантирувчи иккинчи бир асосий омил ҳисобланади. Иқтисодий таҳлилда «инвестиция» атамаси жамғармани янги ишлаб чиқариш қувватлари ва бошқа *реал активларни яратиш мақсадида ишлатилишини* англатади. Инвестициялар таркибига машина ва асбобускуналарни харид қилиш, қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш, заҳираларни ўзгартириш учун қилинадиган барча ҳаражатлар киритилади. Шуниси муҳимки, иқтисодчилар инвестицияларни реал активларни сотиб олишга қўйилмалар билан бир қаторда заҳиралар билан ҳам боғлайдилар. Қимматли қоғозлар (масалан, акция ва облигациялар)га маблағларни сарфлаш *молиявий ёки портфель инвестициялар* деб аталади. Ишлаб чиқариш қувватларини, яъни реал активларни кўпайтиришга хизмат қиласидиган реал инвестициялардан фарқли ўлароқ, молиявий инвестициялар мулкнинг қайта тақсимланишини ва унга эгалик қилиш ҳуқуқини бир субъектдан иккинчиси томон ўзгаришини билдиради. Инвестицияларни амалга ошириш товарлар бозори билан боғлиқ бўлса, қимматли қоғозларнинг олди-сотдиси молиявий бозор билан боғлиқдир.

Инвестициялар ялпи ҳаражатларнинг таркибий қисми бўлганилиги сабабли, улар ялпи талаб ўзгаришига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади, жамғармалар эса аксинча тескари йўналишда таъсир этади, яъни жамғармаларнинг ортиши ялпи талабни камайтиради. Шунинг учун кейнсчилар истеъмолга мойилликнинг камайишини инвестицияларни кўпайтириш орқали тўлдиришни таклиф этадилар.

**Инвестициялар ва фоиз ставкаси.** Инвестиция ҳаражатларини амалга оширишдан мақсад фойда олишдир. Ҳар қандай тадбиркорни инвестиция ҳаражатларини амалга оширишдан аввал унинг қай даражада фойда келтира олиши масаласи қизиқтиради.

Оддий мисол орқали тушунтиришга ҳаракат қилайлик. Фараз қилайлик, мебел ишлаб чиқарувчи фирма хизмат муддати 1 йилга teng бўлган 10000 \$ лик янги асбоб-ускуна харид қилишга қарор қилди. Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатдик, ушбу қарор фирмага 11000\$ га teng миқдорда даромад келтиради. Ушбу сотувдан тушган даромаднинг 10000\$ ини фирма ҳаражатларни қоплашга сарфласа, қолган 1000\$и фойда тариқасида унинг ихтиёрида қолади. Ушбу фойдани асбоб-ускунага қилинган ҳаражатлар миқдори билан солиштиrsак, кутилаётган соф фойда миқдори 10%ни ташкил этади  $((1000\$/10000 \$) \times 100\%)$ . Аммо олингандан маълумот инвестиция бўйича қилинадиган қарор учун ҳали етарли ҳисобланмайди. Фирма кутилаётган соф фойда меъенинг банкнинг фоиз ставкаси билан солиштириши керак бўлади. **Фоиз ставкаси** – реал капитал (бизнинг мисолда фирманинг мебел ишлаб чиқариш учун асбоб-ускуна)ни харид қилиш мақсадида олингандан пуллик капитал учун қўйилган нархdir. Фирма томонидан агарда кутилаётган соф фойда меъёри фоиз ставкасидан юқори бўлса ижобий қарор қилинади (масалан, бизнинг мисол учун фоиз ставкаси 6% бўлса). Бундай ҳолатда инвестиция лойиҳасининг фойдалилиги 4% бўлади. Агарда фоиз ставкаси кутилаётган соф фойда меъеридан юқори бўлса, масалан, 12%га teng бўлса, у ҳолда инвестиция лойиҳасини амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлмайди.


Савол туғилиши мумкин: агарда фирма инвестицияни амалга ошириш учун сарфланадиган ҳаражатларни ўз ҳисобидан, яъни қарз олмай, олдинги йилги жамғармалари ҳисобидан амалга ошириса, бундай ҳолатда фоиз ставкаси кўринишидаги инвестициялаш нархи ўз мазмунини сақлаб қоладими? Албатта сақлаб қолади, чунки фирма учун бу – муқобил ҳаражатдир. Агарда фирма ушбу жамғармаларни асбоб-ускуналар сотиб олишга сарфламаса, уларни ссуда капитали сифатида бошқа бирорга қарзга бериши ва фоиз ставкаси кўринишида даромад кўриши мумкин бўлади.

Шундай қилиб, фоиз ставкаси инвестиция бўйича қарорлар қабул қилиш учун муҳим аҳамиятга эгадир. Исталган вақтда фирмалар инвестицияларни амалга оширишларида муқобил қарорлар қабул қилиш имкониятига эга бўладилар. Юқори фоиз ставкалари шароитида кутиладиган соф фойда меъёри энг кўп бўлган инвестиция лойиҳалари амалга оширилса, паст фоиз ставкасида илгари фойда келтирмаган лойиҳаларни эндиликда амалга ошириш имконияти туғилади ва иқтисодиётда инвестициялар ҳажми ортади.

Шунинг учун инвестициялар ҳажми ва фоиз ставкаси ўртасида тескари функционал боғлиқлик мавжуд бўлиб, уни қуидаги чизмада кўриш мумкин.

**Инвестициялар ва даромад.** Инвестициялар функциясини кейнсча таҳлилга киритиш учун юқорида айтиб ўтилганларнинг ўзи кифоя қилмайди. Бунинг учун инвестициялар ҳажмининг ялпи даромад миқдорига боғлиқлигини аниқлаш лозим бўлади.

Инвестициялар: соф (ишлаб чиқариш ҳажмини оширувчи) ва тикланадиган (асосий капиталнинг емирилган қисмини қопловчي) турларга бўлинади. Кейнс моделида  $YMM = CMM = MD$  бўлганилиги сабабли, фақат соф инвестициялар ҳақида сўз юритилади.



**5.4-расм. Инвестициялар ва фоиз ставкаси ўртасидаги боғлиқлик графиги**

Булардан ташқари, *автоном* (даромад даражасига боғлиқ бўлмаган – autonomous investment) ва *индуцирланган* (катталиги даромад даражаси билан аниқланадиган – induced investment) инвестициялар мавжуд. Кейнс ўз таҳлилида фақатгина *автоном* инвестицияларни кўриб ўтган.

## 5.5. Кейнсча моделда миллий ишлаб чиқаришнинг мувозанат ҳажми

AD–AS чизмаси орқали акс эттирилган ялпи талаб ва ялпи таклиф графиклари, уларнинг мувозанатга эришгандаги ҳолатлари олдинги 3 - бобда кўриб ўтилган эди. Бундай кўринишдаги таҳлил нархлар даражаси эгилувчан бўлгандаги узоқ муддатни кўриб ўтган классик моделга хосдир. Кейнсча модел иқтисодиётни қисқа муддатда кўриб чиқиб таҳлил этган ва унга нархларнинг қаттиқ

бўлиши характерли бўлганлиги бизга маълум. Шунинг учун кейнча моделни таҳлил этиш учун AD-AS графигининг илгариғи чизмаси энди мутлақо тўғри келмайди. Эслатиб ўтамиз, уни тасвирлашда вертикал ўққа нархлар даражаси, горизонтал чизик бўйлаб эса миллий ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми белгиланган эди.

Кейнсча макроиктисодий моделда мувозанат ўрнатилишини тадқиқ этиш учун ҳақиқий ва режалаштирилган ҳаражатлар тушунчаларини киритиш керак бўлади, улар ўз ўринда ўзаро тенг бўлмаслиги мумкин. Ҳақиқий ҳаражатлар ( $E$ ) – ҳақиқатда уй хўжаликлари ( $C$  - истеъмол ҳаражатлари) ва фирмалар ( $I$  - инвестицион ҳаражатлар) томонидан қилинган ҳаражатлардир, яъни, икки секторли моделда:

$$E = C + I \quad (5.5.1)$$

Режалаштирилган ҳаражатлар ( $E_p$ ) – бу уй хўжаликлари ва фирмаларнинг режалаштирган ҳаражатлари. Ҳақиқий ҳаражатлар доимо ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига тенг бўлади ( $E = Y$ ), режалаштирилган ҳаражатлар эса ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига тенг бўлмаслиги мумкин. Агарда режалаштирилган ҳаражатлар ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмидан кам бўлса ( $E < Y$ ), у ҳолда фирмалар ишлаб чиқарган маҳсулотларининг бир қисмини сота олмайдилар, бунда фирмалар товарларининг заҳираси ортади, яъни сотилмаган маҳсулотлар заҳираси омборларда туриб қолади. Агарда режалаштирилган ҳаражатлар ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмидан ортиқ бўлса ( $E > Y$ ), у ҳолда иқтисодий агентлар ушбу йилда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажмидан кўп бўлган товар ва хизматларни харид қиласидилар, яъни олдинги йилларда сотилмай омборларда тўпланиб қолган заҳираларни ҳам сотиб оладилар. Фирмалар эса бундай шароитда омборларда тўпланиб қолган ўз заҳираларни қисқартириш имконига эга бўладилар. Бизга маълумки, инвестицияларга заҳиралар (заҳираларнинг ўзгариши) инвестиция ҳаражатларнинг таркибий қисмидир (2-бобга қаранг). Шундай қилиб, ҳақиқий инвестициялар режалаштирилган (planned investment –  $I_p$ ) ва режалаштирилмаган (unintended inventory investment –  $I_{un}$ ) заҳира инвестицияларидан ташкил топади:

$$I = I_p + I_{un} \quad (5.5.2)$$

Тегишлича ҳақиқий ҳаражатлар истеъмол ва ҳақиқий инвестиция ҳаражатлари йифиндисига тенг:

$$E = C + I, \quad (5.5.3)$$

Режалаштирилган ҳаражатлар истеъмол ва режалаштирилган инвестиция ҳаражатлари йиғиндисига тенгdir:

$$E_p = C + I_p \quad (5.5.4)$$

Ҳақиқий ҳаражатлар доимо ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига тенг экан, у ҳолда ҳақиқий ҳаражатлар фақатгина режалаштирилмаган инвестициялар захиралари Ога тенг бўлганда режалаштирилган ҳаражатларга тенг бўлади ва товарлар бозорида мувозанат ҳақиқий ҳаражатлар режалаштирилган ҳаражатларга тенг бўлганда ( $E = E_p$ ) ўрнатилади ва тегишлича бунда режалаштирилган ҳаражатлар ишлаб чиқариш ҳажмига тенг бўлади ( $E_p = Y$ ).

Модел шартига кўра, ялпи ишлаб чиқариш ҳажми ялпи даромадга тенгdir, ялпи даромад эса истеъмол (C) ва жамғарма (S)га сарфланади:

$$Y = C + S \quad (5.5.5)$$

Мувозанат ҳолатида:


$$\begin{aligned} Y &= E = E_p \\ &\text{у ҳолда,} \\ C + S &= C + I_p. \end{aligned} \quad (5.5.6)$$

Демак, мувозанат ҳолатда жамғармалар режалаштирилган инвестицияларга тенг бўлади. Жамғармалар ҳаражатлар ва даромадлар оқимидан олинар экан, инвестициялар эса ҳаражатлар ва даромадлар оқими учун инъекция (қуиши) экан, у ҳолда мувозанат ҳолатида оқимлар инъекцияларга тенг бўлади.

Иқтисодиётда нархларнинг қаттиқ бўлиши шуни билдирадики, ялпи талаб ва ялпи таклифнинг мувозанатга келиши нархлар даражасининг ўзгариши ҳисобига эмас, балки сотув ҳажми ва захиралардаги ўзгаришлар фирмаларга харидорларнинг нимани, қанча сотиб олишлари ҳақида маълумот бериши ҳисобига содир бўлади. AD-AS модели ишлаб чиқаришнинг мувозанатли ҳажмини белгилаб берсада, аммо бундай мувозанатга қандай қилиб эришиш мумкинлигини кўрсатиб бера олмайди. Шунинг учун иқтисодиётдаги мувозанатни қаттиқ нархлар шароитида тасвирлаш учун ялпи талаб ва таклифнинг миллий даромад ҳажмига боғлиқлигини акс эттирувчи графикни тасвирлаш керак бўлади. Бундай график иқтисодий адабиётларда “Кейнс хочи” деб номланган ва нарх белгилашнинг қаттиқ ёки “ёпишқоқ”лиги шароитида AD-AS моделини тушунтириб беришда қўлланилади.

Қуидаги 5.5-расмнинг горизонтал ўқида миллий даромад  $Y$  акс эттирилган бўлиб, у миллий ишлаб чиқариш ҳажмига мос келади, вертикал ўқда эса ялпи талаб ҳажми белгиланади. Ялпи талаб истеъмол ва инвестиция товарларига бўлган талабнинг йифиндисидан ташкил топганлиги сабабли, унинг график тасвири даромаднинг ҳар бир даражасида истеъмол ва инвестициялар графикларининг йифиндисидан иборат бўлади.

Ҳақиқий ҳаражатлар эгриси *биссектриса* ( $45^0$  га тенг чизик)ни акс эттиради, чунки ҳақиқий ҳаражатлар ишлаб чиқариш ҳажмига тенг бўлиб, ушбу чизиқнинг ҳар қандай нуқтаси бу шартга мос келади. Режалаштирилган ҳаражатлар эгриси мусбат қийматга эга қияликни акс эттиради (қиялик бурчаги истеъмолга чекли мойиллик катталиги билан аниқланади – MPC), бу қиялик координаталар ўқи бошидан бошланмайди, чунки даромад даражасига боғлиқ бўлмаган автоном истеъмол (C) доимо мавжуд бўлади. Натижада қияликда хочни ҳосил қиласиз, шунинг учун модел «**Кейнс хоти**» номини олган («Keynesian cross»). Айтиб ўтиш керакки, ўзининг машҳур китобида Кейнс графиклардан фойдаланмаган. Оддий Кейнс моделининг график талқини ilk бор Нобел мукофоти лауреати Пол Самуэльсон томонидан унинг машҳур «Экономикс» деб номланган китобида таклиф этилган.



**5.5-расм. Кейнс моделида мувозанат (Кейнс хоти)**

Ҳаражатлар ва даромадларнинг мувозанати, яъни товарлар бозорининг мувозанати икки эгри чизик кесишиган нуқтада жойлашган (А нуқта). Бу нуқтада: 1) режалаштирилган ҳаражатлар ишлаб чиқариш ҳажми (даромад)га тенг:  $E_p = Y$ ; 2) ҳақиқий ҳаражатлар режалаштирилган ҳаражатларга тенг:  $E = E_p$ ; 3) инъекциялар оқимларга тенг:  $I = S$ ;

4) режалаштирилган инвестициялар жамғармаларга тенг:

$$I_p = S \quad (5.5.7)$$

Мувозанатли бўлмаган нуқталарни кўриб ўтайлик. Масалан, В нуқтада инъекциялар оқимлардан кам.

$$E_p < Y, E_p < E \Rightarrow I_p < S \quad (5.5.8)$$

Аксинча, С нуқтада инъекциялар оқимлардан ортиқ.

$$E_p > Y, E_p > E \Rightarrow I_p > S \quad (5.5.9)$$

Товарлар бозорида мувозанат қандай ўрнатилади? Агарда иқтисодиёт режалаштирилган ҳаражатлар ишлаб чиқариш ҳажмидан кам бўлган В нуқтада бўлса, бир қисм маҳсулот сотилмай қолади ва фирмалар маҳсулотларининг кутилмаган заҳиралари жамланиб қолади. Натижада иқтисодиёт мувозанатга келади (В нуқтадан А нуқта томон ҳаракат). Агарда иқтисодиёт С нуқтада бўлса, бунда режалаштирилган ҳаражатлар ишлаб чиқариш ҳажмидан ортиқ, бу дегани, ҳақиқий ишлаб чиқариш ҳажмидан ортиқроқ ҳажмда сотиб олишни истайдилар, у ҳолда фирмалар олдинги даврда сотилмай қолган маҳсулотлар заҳираларини сотишни бошлийдилар, заҳиралар камаяди, ялпи талаб қондирилади, иқтисодиёт мувозанат ҳолатга келади (С нуқтадан А нуқта томон ҳаракат). Шундай қилиб, товарлар бозорида мувозанатни тиклайдиган механизм – бу заҳиралардаги ўзгаришлардир (уларни тўплаш ёки қисқартириш) (5.5-расм).

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, классиклардан фарқли равища Кейнснинг макроиқтисодий мувозанат назарияси жамғармалар инвестицияларга мослашади деган ғояни илгари суради: инвестицияларнинг ошиши даромадларнинг ортишига, охиргисининг қўпайиши эса тегишлича жамғармалар ҳажмининг ортишига туртки беради.

Кейнс ялпи талаб назариясининг умумий натижаси – бу *мультиликатор* самарасидир. Мультиликатор тамойилига асосланган иқтисодий ўсиш даромадлар ва жамғармага чекли мойилликнинг ортишига имкон беради. Юқори даражадаги фаоллик даврида жамғармаларнинг ортиши янги инвестициялар ва демакки, иқтисодий ўсишга асос бўлади (акселератор самараси).

## 5.6. Мультиликатор самараси

Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг мувозанатли ҳажмини аниқлаш учун (мувозанатли миллий даромад) уни режалаштирилган ҳаражатлар миқдорига тенглаштириш керак бўлади:

$$\begin{aligned} Y &= C + I_p \\ \text{бунда,} \\ C &= C_a + MPCxY \\ \text{яъни, } Y &= C_a + MPCxY + I_p \end{aligned} \quad (5.6.1)$$

Агарда ҳаражатлар ортса нима бўлади? Кейнс ялпи ҳаражатларнинг ошиши даромадлар ортишига олиб келишини кўрсатиб берди, аммо шуниси муҳимки, энди даромадлар уни ортишига олиб келган ҳаражатларга қараганда кўпроқ даражада ортар экан (яъни мультиликатор самараси орқали).

*Мультиликатор* – бу ялпи ҳаражатларнинг бир бирликка ортиши (камайиши) ялпи даромадларни неча маротаба ошиши (қискариши)га олиб келишини кўрсатувчи коэффициентdir. Мультиликаторнинг таъсири бир иқтисодий агентнинг сарфлаган ҳаражатлари албатта бошқа бир иқтисодий агентнинг даромадига айланиши ва охиргисининг бир қисм даромадини сарфлаши учинчи бир иқтисодий агент даромади(ва ҳакозо)га айланишига олиб келишига асосланган. Натижада мультиликатор самараси туфайли умумий даромад миқдори илк бор қилинган ҳаражатлар миқдоридан бир неча маротаба юқори бўлади.

Фараз қилайлик, уй хўжаликлари ўзларининг автоном ҳаражатларини 100\$ га оширади, яъни ушбу пулларга товар ва хизматлар сотиб олади. Бу дегани, товар ва хизматларни ишлаб чиқарувчи тадбиркор 100\$ миқдорида даромад кўради, уларни истеъмол ва жамғармага сарфлайди. Фараз қилайлик, истеъмолга чекланган мойиллик  $MPC = 0.8$ , бу дегани, ҳар бир қўшимча 1 доллар даромаднинг 80 цент (80%)ини иқтисодий агент истеъмолга сарфлайди, 20 цент (20%)ини эса жамғаради (яъни, жамғармага чекланган мойиллик  $MPS = 0.2$ ). У ҳолда, \$100 қўшимча даромаднинг 80\$ини истеъмолга сарфлайди ( $Y \times MPC = 100 \times 0.8 = 80$ ) ва 20\$ ини жамғармага йўналтиради ( $Y \times MPS = 100 \times 0.2 = 20$ ). Истеъмолга сарфланган (товар ва хизматарни ҳарид қилишга) 80\$ бошқа бир сотувчига даромад келтиради ва у ҳам ўз ўрнида 64\$ни истеъмолга сарфлайди ( $Y \times MPC = 80 \times 0.8 = 64$ ) ва 16\$ ини

жамғаради (тегишлича  $80 \times 0.2 = 16$ ) ва ҳакозо. Бу жараён ҳаражатларнинг ўсиши 0 га етгунча давом этади.

Барча даромадларни қўшиб, натижада ялпи даромадлар неча маротабага ортганлигини аниқлаймиз:

$$C = \Delta C_a + \Delta C_a MPC + (\Delta C_a MPC)MPC + (\Delta C_a MPC^3)MPC + \dots = \Delta C_a(1 + MPC + MPC^2 + MPC^3 + MPC^4 + \dots) \quad (5.6.2)$$


Биз бирдан кичик MPC га асосланган чексиз камайиб борувчи геометрик прогрессияни ҳосил қилдик (бу эса мультиликаторнинг математик мазмунидир). Унинг йифиндиши:

$$\Delta C_a / 1 - MPC \text{ га тенг, яъни } \Delta Y = \Delta C_a / 1 - MPC \quad (5.6.3)$$

Бу ифода, яъни

$$MR = 1 / 1 - mpc \quad (5.6.4)$$

автоном истеъмол ҳаражатларининг **мультиликаторидир**.



### 5.6.1-расм. Мультиликатор самараси


Бизнинг мисолда мультиликатор 5 га тенг ( $1/1 - 0.8 = 5$ ). Тегишлича, автоном истеъмол ҳаражатар 100\$га ошганда, ялпи даромадлар 500\$ га ( $100 \times 5 = 500$ ) ортади.

Худди шундай мулоҳазаларни автоном инвестиция ҳаражатларининг ўзгариши юзасидан ҳам кўллаш мумкин. Инвестиция-

ларни оширад экан, фирма инвестиция товарларини харид қилади ва бу инвестиция товарлари ишлаб чиқарувчиларга даромад келтиради, даромад кўрган ушбу фирма эса ўз ўринда ушбу даромаднинг бир қисмини истеъмолга ҳаражат қилиб, истеъмол товарлар ишлаб чиқарувчиларига даромад келтиради ва хакозо. Натижада ялпи даромадларнинг ортиши илк бор қилинган инвестициялар миқдоридан бир неча баробар катта бўлади, яъни мультипликатор самараси амал қилади ва ушбу мультипликатор (аммо энди инвестиция ҳаражатлари мультипликатори) ҳам худди юқоридағидек аниқланади:

$$1/ 1-MPC \quad (5.6.5)$$

Ҳаражатлар мультипликатори (масалан, инвестициялар мультипликатори) самарасининг график тасвири (5.6.2-расмда келтирилган.) Расмдан кўриниб турибдики, ҳар бир кейинги ортган даромад олдингисига нисбатан камайиб бормоқда. Мультипликация жараёни даромаднинг ошиши 0 га teng бўлгунга қадар давом этади.



### 5.6.2-расм. Автоном ҳаражатлар мултипликатори


Истеъмолга чекли мойиллик (MPC) қанчалик катта бўлса, автоном ҳаражатлар мультипликаторининг катталиги шунчалик юқори бўлади. Агар масалан, MPC = 0,9 га teng бўлса, у ҳолда мультипликатор = 10 ( $1 / (1 - 0,9) = 10$ ) га teng, MPC = 0,75 га teng

бўлганда, мультиликатор = 4 ( $1 / (1 - 0,75) = 4$ )га тенг бўлади. МРС режалаштирилган ҳаражатлар эгрисининг қиялигини белгилаганлиги учун, МРС қанчалик катта бўлса, эгри чизик шунчалик тик бўлади. Режалаштирилган ҳаражатлар эгриси қанчалик тик, яъни МРС ва мультиликатор қанчалик катта бўлса, бир хил ҳажмдаги ҳаражатларнинг ортиши даромадларнинг шунчалик кўпроқ ҳажмда ортишига олиб келади.

## 5.7. Тежамкорлик парадокси

Оддий кейнсча моделдан маълум бўлдики, иқтисодиётнинг ўсишини таъминлаш учун ялпи ҳаражатларни ошириш керак, улар эса инъекциялар ҳисобланиб, ялпи даромадларни мультиликатор самараси орқали ошишини таъминлаб беради. Ҳаражатлардан чиқиб кетган оқимлар эса ялпи даромадни мультиликатив қисқартириб, иқтисодиётни рецессия ёки депрессия ҳолатига олиб келиши мумкин.

Бундай парадоксдан шундай хулоса келиб чиқади: иқтисодиёт қанчалик жамғарса, у шунчалик камбағаллашади. (Парадокс шундаки, агарда киши ўз жамғармаларини оширса, у бойиб боради, иқтисодиёт эса жамғармалар ортган сайин камбағаллашади). Тежамкорлик парадоксининг график кўриниши 5.7.1-расмда икки хил усулда кўрсатилган: 1) инвестициялар ва жамғармалар графикда (а); 2) оқимлар ва инъекциялар графикда (б).



5.7.1-расм. Тежамкорлик парадокси


Кейнсча моделда жамғармалар даромадга түғридан–түғри боғлиқ бўлиб, инвестициялар автоном катталик ҳисобланар экан, у ҳолда, жамғарма эгри чизиги мусбат қияликни, инвестиция эгриси горизонтал чизиқни акс эттиради. Жамғармаларнинг ортиши жамғарма эгри чизигини чапга ва юқорига  $S_1$  дан  $S_2$  га силжитади. Агарда инвестициялар миқдори ўзгармаса, у ҳолда жамғармаларнинг ортиши ялпи даромадларни  $Y_1$  дан  $Y_2$  гача камайишига олиб келади, яъни жамғармаларнинг ортиши иқтисодий вазиятнинг ёмонлашувига олиб келади (5.7.1-б расм).

5.7.1-а расмда даромад даражасига боғлиқ бўлмаган ва шунинг учун горизонтал чизик кўринишида акс эттирилган автоном ҳаражатлар эгри чизиги (инъекциялар) ва ялпи даромаднинг муайян бир қисмини ташкил этувчи  $MLR \times Y$  га тенг бўлган оқимлар эгри чизиги келтирилган. Оқимлар эгри чизиги қиялиги  $MLR$  катталиги орқали аниқланади. Келтирилган график нафақат жамғармаларни, балки ҳар қандай турдаги оқимларни (масалан, солиқлар, импорт) иқтисодиётга таъсирини ўрганиш имкониятини беради. Оқимлар катталиги ошганда,  $MLR$  ортади ва оқимлар эгри чизиги катталиги янада тиккароқ бўлади. Натижада автоном ҳаражатлар катталиги ўзгармас бўлганда ялпи ишлаб чиқариш ҳажми  $Y_1$  дан  $Y_2$  га қисқаради.

Айтиш жоизки, жамғармалар парадокси муаммоси фақатгина кейнс моделига хосдир. Классик моделда жамғармалар инвестицияларга доимо тенгdir. Шунинг учун классикларнинг қарашларига мувофик, агарда жамғармалар ошса, худди шундай ҳажмга инвестициялар ортади. Графикда инвестициялар ҳажмининг ортиши инвестициялар эгри чизигининг юқорига -  $I_1$  дан  $I_2$  га силжиши билан кузатилади (5.7.1-а расм).

Худди шундай, агарда бирор турдаги оқимнинг ошиши натижасида оқимнинг чекли меъёри катталашса, у ҳолда бундай оқим тегишлича катталиктаги инъекция билан тўлдирилади ва ялпи ишлаб чиқариш ҳажми катталиги ўзгармайди (5.7.1-б расм).

Жамғармаларнинг ортиши иқтисодиётга тўлиқ бандликка яқин шароитдаги аксилинфляция тарзида таъсир этиши мумкин: истеъмолнинг камайиши ва ундан кейинги ялпи ҳаражатлар, бандлик ва ишлаб чиқаришнинг пасайиши (мультиплікатор самараси орқали) талаб инфляциясини чегаралайди – ялпи талаб  $AD$  дан  $AD_1$  га камаяди, бунда ишлаб чиқариш ҳажми  $Y_1$  дан  $Y_2$  га, нархлар даражаси эса  $P_1$  дан  $P_2$  га пасаяди (5.7.2-расм).



### 5.7.2-расм. Жамғармаларнинг аксилиинфляция таъсири

Кейнс хочи модели нархлар даражаси – Р нинг ўзгариш жараёнини акс эттира олмайди, чунки у ўз таҳлилида ўзгармас нархлар даражаси (қаттиқ нархлар)ни тахмин қилади. Кейнс хочи қисқа муддат учун ва қаттиқ нархлар шароитида AD-AS моделини конкретлаштириб (аниқлаштириб) беради ва ушбу моделдан макроиктисодий сиёсатда инфляция суръатларининг пасайиши ва ошишидаги оқибатларни тадқиқ этиш учун фойдаланиб бўлмайди.

Шуниси муҳимки, оддий кейнсча модел рецессиядан чиқиш йўлини кўрсатиб бера олди, бу эса иқтисодиётни фаол равишда давлат томонидан тартибга солиш орқали амалга оширилади. Шунинг учун кейнсчилар томонидан таклиф этилган чора-тадбирлар *фаоллаштирилган давлат сиёсати* номини олган. Кейнс ва унинг давомчилари иқтисодиётни барқарорлаштириш учун фискал сиёсатни ва биринчи навбатда давлат ҳаражати катталигидаги ўзгариш дастагини таклиф этгандар, чунки у максимал даражада ялпи талабга ва ўз навбатида, мультиплектив самара билан ялпи ишлаб чиқариш ҳажми ва даромадга таъсир кўрсатади.

### Қисқача холосалар

1. Классик моделнинг асосий қоидалари қуйидагилар: а) иқтисодиёт икки, мустақил бўлган: реал ва пул секторига бўлинади; б) барча реал бозорлар соғ рақобатли бўлиб, бу XVIII аср ва бутун XIX аср даврига тўғри келадиган иқтисодий ҳолатдир; в) барча бозорларда такомиллашган рақобат мавжуд бўлганлиги сабабли барча нархлар эгилувчан; г) нархлар эгилувчан экан, бозор мувозанати бозорларда автоматик тарзда ўрнатилади; д) иқтисодиётга

давлат аралашмаслиги керак деган тамойил амал қиласи; е) иқтисодиётнинг асосий муаммоси – бу ресурсларнинг чекланганлиги муаммосидир, шунинг учун барча ресурслар тўла бандлик шароитида самарали ва рационал ишлатилади; ж) ресурсларнинг чекланганлиги ишлаб чиқариши, яъни ялпи таклифни иқтисодиётнинг энг асосий муаммоси қилиб қўяди; з) ресурслар чекланганлиги муаммоси секин-аста ҳал бўлади (миқдор ўсиши ва сифат яхшиланиши оқибатида); и) классик модел узоқ муддатни тасвирловчи модел ҳисобланади.

2. Классик моделда юқорида айтиб ўтганимиздек, реал бозорлар учта: меҳнат бозори, капитал бозори ва товар бозори.

3. Кейнсча моделнинг асосий қоидалари: а) реал ва пул секторлари ўзаро бир-бирлари билан боғлиқ; б) барча бозорларда номукаммал рақобат ҳукм суради; в) барча бозорларда номукаммал рақобат ҳукм сурганлиги сабабли, нархлар ноэластик, қаттиқ (*rigid*); г) барча бозорларда пуллар ноэластик(қаттиқ) экан, бозорлар мувозанати тўлиқ бандлик шароитида ўрнатилмайди; д) иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш (давлат фаоллиги) тамойили амал қиласи; е) асосий иқтисодий муаммо ялпи талаб муаммоси ҳисобланади; ж) кейнсча модел иқтисодиётни қисқа муддатда (“short-run” модели) тасвирловчи моделдир.

4. Ўз даромадларини уй хўжаликлари икки йўналишга ажратишга мойил бўладилар: а) истеъмол (*C*) ва б) жамғарма (*S*)га. Жамғармалар даромаднинг истеъмол ҳаражатларидан ортган қисми бўлганлиги сабабли, даромаднинг жамғарма қисми ортиши худди шундай катталиқдаги истеъмол қисмининг камайишини билдиради ва аксинча даромаднинг истеъмол қисми ортиши жамғарма қисмининг камайишига олиб келади.

5. Истеъмол ва жамғарма ихтиёрдаги даромадга боғлиқ бўлади. Истеъмол миқдорининг даромад миқдорига нисбати аҳолининг истеъмолга ўртacha мойиллиги (*APC*), жамғармага йўналтирилган миқдорнинг даромад миқдорига нисбати жамғармага ўртacha мойиллик (*APS*) дейилади.

6. Классиклардан фарқли ўлароқ, Ж.М.Кейнс жамғармани фоиз ставкасига эмас, даромад миқдорига боғлиқлигини асослаб берди, яъни  $S = S(Y)$ . Худди шундай истеъмол ҳам даромаднинг функцияси ҳисобланади:  $C = C(Y)$ .

7. Истеъмол ҳаражатларининг ўзгариши уни ўзгаришига олиб келган даромад ўзгаришига нисбати истеъмолга чекли мойиллик

(МРС) дейилади. Истеъмолга чекли мойиллик тушунчаси билан бирга Ж.М.Кейнс жамғармага чекли мойиллик тушунчасини макроиктисодий назарияга киритди. Жамғармага чекли мойиллик (MPS) жамғарма миқдорининг ўзгаришини уни ўзгаришига олиб келган даромад ўзгаришига нисбати билан аниқланади.

8. Кейнсча моделда инвестициялар (I) ялпи талабни рағбатлантирувчи иккинчи бир асосий омил ҳисобланади. Иқтисодий таҳлилда «инвестиция» атамаси жамғармани янги ишлаб чиқариш қувватлари ва бошқа реал активларни яратиш мақсадида ишлатилишини англатади.

9. Инвестициялар: соф (ишлаб чиқариш ҳажмини оширувчи) ва тикланадиган (асосий капиталнинг емирилган қисмини қопловчи) турларга бўлинади. Кейнс моделида ЯММ=СММ=МД бўлганлиги сабабли, фақат соф инвестициялар ҳакида сўз юритилади. Булардан ташқари, автоном (даромад даражасига боғлиқ бўлмаган – autonomous investment) ва индуцирланган (катталиги даромад даражаси билан аниқланадиган – induced investment) инвестициялар мавжуд. Кейнс ўз таҳлилида фақатгина автоном инвестицияларни кўриб ўтган.

10. Классиклардан фарқли равишда Кейнс ўзининг макроиктисодий мувозанат назариясида жамғармалар инвестицияларга мослашади деган ғояни илгари суради: инвестицияларнинг ошиши даромадларнинг ортишига, охиргисининг кўпайиши эса тегишлича жамғармалар ҳажмининг ортишига туртки беради.

11. Кейнс ялпи талаб назариясининг умумий натижаси – бу мультипликатор самарасидир. Мультипликатор тамойилига асосланган иқтисодий ўсиш даромадлар ва жамғармага чекли мойилликнинг ортишига имкон беради. Юқори даражадаги фаоллик даврида жамғармаларнинг ортиши янги инвестициялар ва демакки, иқтисодий ўсишга асос бўлади (акселератор самараси).

12. Мультипликатор – бу ялпи ҳаражатларнинг бир бирликка ортиши (камайиши) ялпи даромадларни неча маротаба ошиши (қисқариши)га олиб келишини кўрсатувчи коэффициентdir. Мультипликаторнинг таъсири бир иқтисодий агентнинг қилган ҳаражатлари албатта бошқа бир иқтисодий агентнинг даромадига айланиши ва охиргисининг бир қисм даромадини сарфлаши учинчи бир иқтисодий агент даромади (ва ҳакозо)га айланишига олиб келишига асосланган.

13. Оддий кейнсча моделидан маълум бўлдики, иқтисодиётнинг ўсишини таъминлаш учун ялпи ҳаражатларни ошириш керак, улар эса инъекциялар ҳисобланиб, ялпи даромадларни мультиплитатор самараси орқали ошишини таъминлаб беради. Ҳаражатлардан чиқиб кетган оқимлар эса ялпи даромадни мультипликатив қисқартириб, иқтисодиётни рецессия ёки депрессия ҳолатига олиб келиши мумкин.

14. Тежамкорлик парадокси: иқтисодиёт қанчалик жамғарса, у шунчалик камбағаллашади. Парадокс шундаки, агарда киши ўз жамғармаларини оширса, у бойиб боради, иқтисодиёт эса жамғармалар ортган сайин камбағаллашади.

15. Оддий кейнсча модел рецессиядан чиқиш йўлини кўрсатиб бера олди, бу эса иқтисодиётни фаол равишда давлат томонидан тартибга солиш орқали амалга оширилади. Шунинг учун кейнсчилар томонидан таклиф этилган чора-тадбирлар фаоллаштирилган давлат сиёсати номини олган. Кейнс ва унинг давомчилари иқтисодиётни барқарорлаштириш учун фискал сиёсатни ва биринчи навбатда давлат ҳаражати катталигидаги ўзгариш дастагини таклиф этганлар, чунки у максимал даражада ялпи талабга ва ўз навбатида, мультипликатив самара билан ялпи ишлаб чиқариш ҳажми ва даромадга таъсир кўрсатади.

## Таянч иборалар

классик мактаб, кейнсча мактаб, реал ва пул секторлари, меҳнат бозори, капитал бозори, товарлар бозори, нархлар даражасининг эгилувчанлиги, нархлар даражасининг қаттиқлиги, иқтисодиётга давлатнинг аралашуви, “Буюк депрессия”, “Кейнсча инқиlob», истеъмолга ўртacha мойиллик, истеъмолга чекли мойиллик, жамғармага чекли мойиллик, жамғармага ўртacha мойиллик, иш ҳақи ставкаси, автоном истеъмол, инвестициялар, жамғармалар, автоном ҳаражатлар мультипликатори, ҳақиқий ҳаражатлар, режалаштирилган ҳаражатлар, инвестицияларга чекли мойиллик, автоном инвестициялар, индуцирланган инвестициялар, инвестицияларга чекли мойиллик, мультипликатор самараси, “кейнс хочи”

## **VI БОБ. ПУЛГА ТАЛАБ ФУНКЦИЯСИ. ПУЛ ТАКЛИФИ. ПУЛ БОЗОРИДА МУВОЗАНАТ**

- 6.1. Пул тушунчаси, унинг турлари ва функциялари.
- 6.2. Пулга талаб, унинг турлари ва омиллари
- 6.3. Пул таклифи
- 6.4. Банклар ва уларнинг иқтисодиётда тутган ўрни.
- 6.5. Банк мультиликатори
- 6.6. Пул мультиликатори
- 6.7. Пул бозоридаги мувозанат

### **Қисқача хуносалар**

#### **Таянч иборалар**

#### **6.1. Пул тушунчаси, унинг турлари ва функциялари**

Пуллар бу – молиявий актив бўлиб, улар битимлар тузиш учун хизмат қиласи (товар ва хизматларни харид қилиш учун). Пуллар қийматга эга бўлиб, реал ва молиявий турларга бўлинади.

*Реал активларга* моддий бойликлар киради (асбоб-ускуналар, бино ва иншоотлар, мебель, уй хўжалиги техникаси ва бошқалар). *Молиявий активларга* қимматбаҳо қоғозлар киради. Улар эса ўз навбатида қуидагиларга бўлинади:

- *пуллик* (пуллар ёки қисқа муддатли мажбуриятли қарзлар);
- *пулсиз* (даромадли қимматбаҳо қоғозлар – акциялар ва облигациялар, улар узоқ муддатли мажбуриятли қарзлар ҳисобланади).

Пуллар бошқа молиявий активлардан битимлар учун хизмат қилиши ва муомалада тўлов воситаси сифатида ишлатилиши мумкинлиги билан фарқ қиласи. Нон дўконида нон ёки булочкани акция ёки облигация сингари молиявий активга харид қилиб бўлмайди.

Қоғоз ва металл пуллар – бу рамзга эга пуллар ҳисобланади (*token money*). Ушбу пулларнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, уларнинг товар қиймати паст бўлиб, пул қийматига мос келмайди. Қоғоз ва металл пуллар қонуний тўлов воситаси бўлиши учун улар *декрет пуллар* (*fiat money*), яъни давлат томонидан умумий тўлов воситаси сифатида қонунан тасдиқланган бўлиши керак.

Қоғоз пуллар биринчи марта XII асрда Хитойда пайдо бўлган. АҚШда қоғоз пуллар биринчи маротаба 1690 йилда, Массачусетс штатида чоп этилган. Россияда биринчи маротаба муомалага чиқарилган қоғоз пуллар «ассигнация» номини олган ва бу 1769 йилда Екатерина II буйруғи асосида амалга оширилган (шунинг учун норасмий равишда улар «екатеринкалар» деб аталган). Ўша давр қоғоз пуллариға хос хусусият уларнинг олтин пулларга айирбошланиши ҳисобланган, яъни «олтин стандарт» тизими амал қилган.

Замонавий шароитларда декрет пуллар кредит пуллар билан тўлдирилмоқда ва улар «IOU- money» (I owe you-money) деб аталади, яъни таржимада «Мен сизга пул қарздорман» маъносини англатади. Пуллар МБ (нақд пуллар) ёки хусусий иқтисодий агентнинг мажбуриятли қарзлари бўлиши мумкин. Шунинг учун қоғоз пуллар – бу кредит пуллардир. Кредит пулларнинг уч шакли мавжуд: а) вексель б) банкнота в) чек.

*Вексель* – бу бир иқтисодий агент (хусусий шахс)нинг бошқа бир иқтисодий агентдан маълум бир миқдорда ва маълум вақтга олган қарзини фоизли мукофоти билан қайтариши шарт бўлган мажбуриятли қарзидир. Вексель одатда тижорат кредити ҳисобига берилади, бунда бир киши бошқа бир одамдан маълум бир вақтдан сўнг тўлаш мажбурияти билан товарларни сотиб олади. Вексель олиб пулни олмаган киши уни бошқа бир одамга бериши мумкин, бунда у вексел берилганлиги ҳақида ёзувни битади ва бу ёзув индоссамент деб аталади. Шундай қилиб вексель муомаласи пайдо бўлади.

*Банкнота* – бу банкнинг векселидир (қарзли мажбуриятидир). Замонавий шароитларда банкноталарни муомалага фақат МБ чиқариш ҳуқуқига эга бўлганлиги сабабли нақд пуллар МБнинг қарзли мажбуриятлари ҳисобланади.

*Чек* – бу банк омонатчисининг маълум бир миқдордаги ўз пулларини ўзига ёки бошқа бир кишига бериши ҳақидаги буйруғидир. *Пластик карточкалар* кредитли и дебетли бўлади, аммо уларнинг ҳеч бири пул ҳисобланмайди. Биринчидан, улар пулларнинг ҳамма функцияларини бажармайди ва энг аввало муомала воситаси бўла олмайди. Иккинчидан, *кредит карточкалар* бу пуллар эмас, балки қисқа муддатли банк кредитининг шакли ҳисобланади. *Дебетли карточкалар* ҳам пуллар бўла олмайди, чунки банк ҳисобидан илгари унга қўйилган чекланган миқдордаги

пулларни ечиб олишни шартли қилиб қўяди ва у пул массасининг ташкил этувчиси сифатида банклар ҳисобидаги умумий пул маблағлари микдори таркибига киритилган бўлади.

Пулларнинг моҳияти улар бажарадиган функцияларида намоён бўлади. Пуллар асосан қуидаги функцияларни бажаради:

- муомала воситаси;
- қиймат ўлчови;
- жамғарма воситаси.

*Муомала воситаси* сифатида (medium of exchange) пуллар товарларни айирбошлишда, битимлар тузишда воситачилик қиласди. Ҳамма нарса пулга сотилади ва сотиб олинади. Пул алмашувига муқобил бўлиб бартер хизмат қилиши мумкин (товарни пулга эмас бошқа бир товарга айирбошлиш). Аммо бартер маълум бир ҳаражатлар билан боғлиқ бўлади. Бир томондан, у маълум вақт ва ҳаракатни талаб этса, иккинчи бир томондан улар тўғридан-тўғри трансакция ҳаражатлардир (битимлар учун ҳаражатлар - transaction costs), уларга масалан, «эскирган оёқ-кийимлар» ҳаражатларини киритиш мумкин.

Бартер орқали айирбошлишни амалга ошириш учун маълум бир шартлар бажарилиши лозимки, уларни ўтган асрнинг буюк инглиз иқтисодчиси, чекли фойдалилик назарияси ва иқтисодий назария мактабининг асосчиларидан бири Уильям Стенли Джевонс «икки томонлама хоҳишининг ўзаро мос келиши» (double coincidence of wills) деб номлаган. Киши бирор товарни сотиб олиши учун шундай бир сотувчини излаб топиши лозимки, бу сотувчи унинг сотмоқчи бўлган товарига ўзининг товарини алмаштиришга рози бўлиши керак бўлади. Масалан, нон харид қилмоқчи бўлган этикдўз шундай нонвойни топиши керакки, бу нонвой ўзининг сатаётган нонига шу этикдўз тиккан этикни алмаштиришга рози бўлиши керак. Касал бўлган рассом шундай бир дорихоначини топиши лозимки, унинг чизган суръатларига дорихоначи ўз дориларини алмаштиришга рози бўлиши керак. Ёки иқтисодиётдан дарс берувчи ўқитувчи соchlарини замонавий услугда турмаклаши учун шундай бир сартарошни топиши керак бўладики, бу сартарош унинг соchlарини турмаклашга масалан, пуллар назарияси ҳақидаги маъruzасини тинглашни алмаштириш учун розилик билдириши керак бўлади. Келтирилган бу ва шу каби мисолларда қидиувлар натижаси узоқ ва натижасиз бўлиши мумкин. Бунда беҳудага вақт сарфланади, оёқ-кийимлар тўзийди.

Шунинг учун бартер айирбошлашнинг самарасиз ва норационал шакли ҳисобланади.

Пуллар – инсониятнинг буюк кашфиётидир. Пулларнинг айирбошлашда воситачи сифатида пайдо бўлиши кишиларнинг икки томонлама истакларининг ўзаро мос келиши муаммосини ва айирбошлаш ҳаражатларини бартараф қилди. Пуллар пайдо бўлгандан кейин энди ҳар қандай товарни пулларга айирбошлаш ва ушбу пулларга энди бошқа бир товарни харид қилиш имконияти пайдо бўлди. Пулларни тез ва ҳаражатларсиз бошқа бир активга (реал ёки молиявий) айирбошлаш мумкинлиги *абсолют ликвидлилик* (*liquidity*) номини олган – инглиз тилида «*liquid*» сўзи, «суюқ, оқувчан» маъносини англатади. Маълумки, барча активлар ликвидлилик хусусиятига эга, чунки уларни айирбошлаш ёки сотиш мумкин, аммо уларнинг ликвидлилик даражаси турличадир. Фақат нақд пулларгина абсолют ликвидлилик хусусиятига эгадир.

Пулларнинг иккинчи функцияси – бу уларнинг барча товар ва хизматларнинг нархини ўлчашда қиймат ўлчови функциясини бажаришидир (*unit of account*). Оғирлик ўлчови килограммларда, масофа метрларда, суюқлик ҳажми – литрларда ўлчанганидек, қиймат ҳам маълум бир пул миқдорида ўлчанади. Пуллар ушбу функцияни бажаришдан аввал иқтисодиётда ишлаб чиқарилган ҳар бир товар маълум бир ҳажмдаги бошқа бир товарларга солиширилиб нисбатан ўлчанган. Бундай ҳолатда маълум бир товарни сотувчи ёки сотиб оловчи киши айирбошланадиган товарлар мутаносиблиги (пропорцияси)ни билиши (масалан, нон кўйлаклар, этиклар, тухумларда қанча турган) керак бўлган. Пулга айирбошланганда эса бунга зарурат бўлмаган, фақатгина ҳар бир товар қанча миқдордаги пулларга айирбошланишини билиш лозим бўлган. Ҳисоб бирлиги бўлиб ҳар бир мамлакатнинг пул бирлиги, яъни миллий валютаси ҳисобланади. (Россияда рубль, АҚШда доллар, Буюк Британияда фунт стерлинг). Миллий пул бирлигининг бекарорлиги шароитида, яъни инфляциянинг юқори даражасида, қўшимча ҳисоб бирлиги сифатида бошқа бир давлатнинг нисбатан барқарор пул бирлиги (масалан, АҚШ доллари, япон иенаси) ишлатилиши мумкин.

Пулларнинг учинчи функцияси – бу улардан жамғарма воситаси (қийматни сақлаш воситаси) сифатида фойдаланишликдир (*store of value*). Пуллар қийматга эга молиявий активлардир. Бу қиймат уларнинг ликвидлиги, тўлов қобилиятида – уларга исталган

вақтда товар, хизмат ёки қимматли қофозни харид қилиш мүмкінлігіда намоён бўлади. Инфляциясиз иқтисодиётда бу қиймат (тўлов қобилияти) вақт давомида ўзгармайди ва сақланиб қолади. Яъни, маълум бир миқдордаги пулларга бир йил ёки 5 йилдан кейин ҳам худди шундай ҳажмдаги товарларни харид қилиш мүмкин бўлади. Инфляция шароитида пуллар ўз қадр ва қийматини йўқотади, уларнинг тўлов қобилияти пасайиб кетади. Чунки умумий нархлар даражаси кўтарилади ва маълум бир пул миқдорига олдинги даврдагига нисбатан камроқ товар ва хизматларни харид қилиш мүмкин бўлиб қолади. Кадрсизланган пулларни жамғариш эндиликда бефойда бўлиб, жамғарма воситаси функциясини миллий валюта эмас, бошқа бир мамлакатнинг барқарор валютаси бажаради. Бундан ташқари, нақд пуллар кишилар қўлларида сақланадиган энг жозибадор (қулай) молиявий актив ҳисобланмайди, чунки улар даромад келтирмайди. Даромад келтирувчи молиявий активлар ҳам мавжудки, улар масалан, дивиденд шаклида даромад келтирувчи акциялар ёки фоизли даромадни таъминловчи облигациялардир.

Пулларнинг энг муҳим функцияси – бу муомала воситаси функциясидир, чунки у пуллик активлардан пуллик бўлмаган молиявий активларни ўзаро бир-биридан ажратиб туради. Аммо юқорида келтирилган функцияларнинг барчasi ўзаро бир-бири билан боғлиқдир. Пуллардан битимларни тузишда фойдаланилади, чунки улар ҳисоб бирлиги бўлиб хизмат қиласи ва барча товарларнинг қийматини ўлчайди. Бундан ташқари, молиявий актив бўлиб пуллар қийматга эгадир, маълум вақт давомида агарда улар ўз қийматини сақлаб қолсалар, улардан жамғарма воситаси сифатида ҳам фойдаланиш мүмкин бўлади.

## **6.2. Пулга талаб, унинг турлари ва омиллари**

Пулларга бўлган талаб пулларнинг икки асосий функцияси:  
1) пулларнинг муомала воситаси ва 2) бойликни тўплаш воситаси функциялари билан бевосита боғлиқдир.

Пулларнинг муомала воситаси функцияси пулларга бўлган талабнинг биринчи тури – *трансакция* тури билан боғлиқдир. Яъни, пуллар муомала воситаси сифатида товар ва хизматларни айирбошлишда, битимлар тузиб уларни амалга оширишда воситачилик ролини бажаради.

Пулларга бўлган *трансакция талаби* (transaction demand for money) – бу пулларга битимлар тузиш учун (transactions), яъни товар ва хизматларни сотиб олиш учун бўлган талабдир. Пулларга бўлган талабнинг бу тури классик моделда тушунтирилган ва у пулларга бўлган талабнинг ягона тури ҳисобланниб, пулларнинг миқдорий назарияси (америкалик иқтисодчи И.Фишер ва инглиз иқтисодчisi А.Маршалл таклиф этган) тенгламасидан келтириб чиқарилган.

Пулларнинг миқдорий назарияси формуласидан:  $MxV = PxY$  (олдинги бобларда бу ҳақида айтиб ўтилган эди) пулларга бўлган реал талабга ( $M/P$ ) таъсир этувчи ягона омил – бу реал ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳажми ( $Y$ ) ҳисобланади.

А.Маршалнинг тахминига кўра, агарда киши маълум бир миқдорда даромад ( $Y$ ) олса, у ҳолда унинг бир қисми ( $k$ )ни нақд пул шаклида сақлади. Бутун бир иқтисодиёт учун номинал даромад реал даромад (ишлаб чиқариш ҳажми)ни нархлар даражасига қўпайтмаси ( $P \times Y$ ) орқали аниқланади, яъни:

$$M = k PY \quad (6.2.1)$$


бунда,

$M$  – пулларга бўлган номинал талаб;

$k$  – кишилар даромадининг қандай қисми нақд пулларда сақланишини кўрсатувчи ликвидлилик коэффициенти;

$P$  – иқтисодиётдаги нархлар даражаси;

$Y$  – реал ишлаб чиқариш ҳажми (даромад).



**6.2.1 - расм. Пулларга бўлган трансакция талаби**

Шунинг учун пулларга бўлган трансакция талаби формуласи қўйидагича аниқланади:

$$(M/P)^D_T = (M/P)^D(Y) = kY \quad (6.2.2)$$

Пулларга бўлган трансакция талаби даромад даражасига тўғри пропорционал боғлиқликда бўлиб (6.2.1-б расм), фоиз ставкасига эса боғлиқ бўлмаганлиги (6.2.1-а расм) сабабли, унинг графиги икки хил кўринишга эга (6.2.1-расм).

Пулларга бўлган талабни келтириб чиқарувчи ягона омил - битимларни тузиш учун керак деб билган классикларнинг нуқтаи назари XX-асрнинг 30-йилларигача долзарб бўлган. Ундан кейинги даврда Кейнс «Бандликнинг умумий назарияси, фоиз ва пуллар» деб номлаган машҳур китобида, пулларга бўлган трансакция талаби омилига яна икки омил - пулларга бўлган эҳтиёткорлик ва спекулятив талабларини киритди.

*Пулларга бўлган эҳтиёткорлик талаби* (пулларга бўлган талабга эҳтиёткор бўлишлик сабабидан келиб чиқсан – precautionary demand for money)ни шу билан тушунтириш мумкинки, кишилар ўз режаларидан ташқари режалаштирилмаган харидларни амалга оширишга мойил бўладилар. Тўсатдан пул керак бўлиб қолишини билган инсонлар режалаштирилгандан зиёда бўлган қўшимча пулларни сақлайдилар. Пулларнинг эҳтиёткорлик билан боғлиқ талаби пулларнинг муомала воситаси функциясидан ҳам келиб чиқади. Кейнс фикрича, пулларга бўлган талабнинг бундай тури фоиз ставкасига боғлиқ эмас ва у фақатгина даромад даражаси билан аниқланиб, унинг график кўриниши пулларга бўлган трансакция талабининг графигига ўхшаш бўлади.

*Пулларга бўлган спекулятив талаб* (speculative demand for money) пулларнинг жамғарма воситаси функцияси билан боғлиқдир. Пуллар молиявий актив сифатида қийматларини сақлаб қолсаларда (фақатгина ноинфляцияли иқтисодиётда), аммо уларни кўпайтира олмайдилар. Нақд пуллар абсолют ликвидлилик (100%) ва нолга тенг даромадлиликка эга бўлади. Молиявий активларнинг бошқа турлари ҳам мавжудки, масалан, облигациялар, улар фоиз кўринишида даромад келтирадилар. Шунинг учун фоиз ставкаси қанчалик юқори бўлса, нақд пулларни сақлаган кишилар облигациялардан фоиз ҳисобида келиши мумкин бўлган даромадларини йўқотишлари мумкин.


Молиявий актив ҳисобланган пулларга бўлган талабни белгилаб берувчи омил фоиз ставкаси бўлиб, у нақд пулларни сақлашнинг альтернатив (муқобил) ҳаражати ҳисобланади. Юқори фоиз ставкасида облигацияларнинг даромадлилиги ошиб, нақд

пулларга талаб камаяди ва аксинча, фоиз ставкаси паст бўлса, нақд пулларга бўлган талаб ортади, чунки энди бошқа молиявий активларнинг даромадлилиги камаяди. Шундай қилиб, пулларга бўлган талаб фоиз ставкаси билан тескари пропорционал боғлиқликда бўлиб, пулларга бўлган спекулятив талаб пастга қараб қия йўналишига эга (6.2.2 - б расм). Бундай тушунтириш Кейнсга тегишли бўлиб, ликвидлиликни афзал кўриши назарияси деб аталади. Пулларга бўлган спекулятив талаб ва фоиз ставкаси ўртасидаги тескари боғлиқликни бошқача усулда, яъни, кишиларнинг қимматли қоғозлар (облигациялар) бозоридаги ҳатти-ҳаракатлари орқали ҳам тушунтириш мумкин.

Ликвидлиликни афзал кўриш назариясидан замонавий *пулларнинг портфель назарияси* келиб чиқади. Ушбу назариядан, кишилар молиявий активлар портфелини шундай шакллантирадиларки, бу активлардан оладиган даромадларини максимал, аммо таваккалчиликларини эса минималлаштирадилар. Ва аксарият, таваккалчилиги юқори бўлган активлар энг катта даромад келтиради. Бу назария келгусидаги дисконтланган даромадлар йифиндисини акс эттирувчи облигация нархи ва дисконт меъёри деб қараш мумкин бўлган фоиз ставкаси ўртасидаги тескари пропорционал боғлиқлик ғоясидан келиб чиқкан. Фоиз ставкаси қанчалик юқори бўлса, облигация нархи шунчалик паст бўлади. Биржада ишловчи олибсotar (спекулянт)лар облигацияларнинг нархи паст бўлса, уларни кўпроқ харид қиласилар ва бунда нақд пулларга бўлган талаб минимал бўлади.

Фоиз ставкаси ҳар доим ҳам юқори даражада бўлавермайди. Агарда у тушса, облигациялар нархи ошади ва кишилар облигацияларни илгари сотиб олган нархларига нисбатан юқорироқ нархларда сота бошлайдилар, бунда кишилар capitalgain деб ном олган нархдаги фарқни оладилар. Фоиз ставкаси қанчалик паст бўлса, облигация нархи ва capitalgain юқори бўлади, шунинг учун облигацияларни нақд пулларга алмаштириш ҳар томонлама қулай ва фойдалидир. Бунда нақд пулларга талаб ортади. Фоиз ставкаси орта бошласа, олибсotar (спекулянт)лар яна нақд пулларга талабни камайтириб, облигацияларни сотиб оладилар. Шунинг учун пулларга бўлган спекулятив талабни қуйидагича ёзиш мумкин:

$$(M/P)^D_A = (M/P)^D = - qR \quad (6.2.3)$$



### 6.2.2- расм. Пулларга бўлган талаб турлари

Пулларга бўлган умумий талаб трансакция и спекулятив талаби йиғиндисига тенгdir:

$$(M/P)^D = (M/P)_T^D + (M/P)_A^D = kY - qR \quad (6.2.4)$$

бунда,

$Y$  – реал даромад;

$R$  – номинал фоиз ставкаси;

$k$  – даромад даражаси ўзгаришига нисбатан пулларга талабнинг ўзгарувчанлиги, эластиклилиги, яъни, даромад даражаси бир бирликка ўзгарганда пулга бўлган талабнинг ўзгаришини белгиловчи кўрсаткич;

$q$  – пулга бўлган талабдаги ўзгаришнинг фоиз ставкаси ўзгаришига нисбатан сезувчанлиги, эластиклиги, яъни, фоиз ставкаси бир фоизга ўзгарганида пулларга бўлган талаб қандай ўзгарганлигини кўрсатувчи катталик.

Формулада  $k$  катталиги олдида «плюс» белгиси қўйилган, чунки пулга бўлган талаб ва даромад даражаси ўртасида тўғри пропорционал боғлиқлик мавжуд,  $q$  параметри олдида «минус» белгиси белгиланган, чунки пулга бўлган талаб ва фоиз ставкаси ўртасида тескари пропорционал боғлиқлик мавжуд).

Замонавий шароитларда неоклассик йўналиши вакиллари пулларга бўлган талабнинг омили нафақат даромад даражаси

эканлигини, балки фоиз ставкаси омили ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлигини ва бунда пулларга бўлган талаб ва фоиз ставкаси ўртасида тескари боғлиқлик мавжудлигини эътироф этмоқдалар. Аммо улар илгариgidек, пулларга бўлган талабнинг ягона сабаби – трансакция талаби эканлиги тарафдори бўлиб қолмоқдалар. Айнан трансакция талаби фоиз ставкасига тескари пропорционал боғлиқликдадир. Бу ғоя икки америкалик иқтисодчи олимлар – Уильям Баумол (1952г.) ва Нобел мукофоти лауреати Джеймс Тобин (1956г.) томонидан таклиф қилиниб, исбот этилган ва нақд пулларни бошқаришнинг Баумол-Тобин модели номини олган.

### 6.3. Пул таклифи

Пулларнинг таклифи деганда, иқтисодиётда мавжуд барча пуллар, яъни жами пулларнинг умумий ҳажмига айтилади. Пул массасини тавсифлаш ва ўлчаш учун турли умумлаштирилган кўрсаткичлар қўлланилади ва улар *пул агрегатлари* деб аталади. АҚШда пуллар таклифининг ҳисоби тўртта, Япония ва Германияда учта, Буюк Британия ва Францияда иккита пул агрегати бўйича олиб борилади. Пул агрегатларининг сони у ёки бу давлат пул тизимининг ўзига хос хусусиятлари билан тушунтирилади.

Аммо барча давлатларда пул агрегатлари тизими бир хил тартибда тузилади: ҳар бир кейинги агрегат ўзидан олдинги агрегатни ўз ичига олади.

АҚШнинг пул агрегатлари тизимини кўриб чиқамиз.

*M1* пул агрегати «тор маънодаги пуллар» бўлиб, ўз ичига нақд пуллар (қоғоз ва металл пуллар, яъни, банкнота ва тангалар - currency) (баъзи мамлакатларда нақд пулларни алоҳида – M0 агрегатга ажратадилар)ни, жорий ҳисобдаги маблағларни (demand deposits), яъни чекли депозитлар, муддатсиз депозитларни ва йўл чекларини ўз ичига олади.

$$M1 = \text{нақд пуллар} + \text{чекли депозитлар (муддатсиз депозитлар)} + \text{йўл чеклари}. \quad (6.3.1)$$

*M2* пул агрегати ўз ичига M1 пул агрегатини ва омонатдаги ҳисобларнинг чексиз маблағларини (save deposits), шунингдек майда (\$100 000 гача) муддатли омонатларни ўз ичига олади.

$$M2 = M1 + \text{омонатдаги депозитлар} + \text{майда муддатли омонатлар} \quad (6.3.2)$$

*M3* пул агрегати «кенг маънодаги пуллар» ёки жами пул массаси бўлиб, *M2* пул агрегатини ва ҳисоблардаги йирик (\$100 000 дан юқори) муддатли омонатлар (time deposits) ва депозитли сертификатларни ўз ичига олади.

***M3 = M2 + йирик муддатли омонатлар + депозитли сертификатлар (6.3.3)***

*L* пул агрегати *M3* пул агрегатини ва давлатнинг қисқа муддатли қимматли қоғозлари (асосан давлат хазинаси векселлари – treasury bills)ни ўз ичига олади.

***L = M3 + давлатнинг қиска муддатли қимматли қоғозлари, газнанинг омонат облигациялари, тижорат қоғозлари (6.3.4)***

Пул агрегатларининг ликвидилиги пастандян юқорига қараб (*L* дан *M0*га томон), даромадлилиги юқоридан пастанга қараб ортади (*M0* дан *L*га томон).

Пул агрегатларининг ташкил этувчилари: 1) нақд ва нақд бўлмаган пуллар; 2) пуллар ва «деярли-пуллар» («near-money»)га бўлинади.

Нақд пулларга банк тизими ташқарисида бўлган муомаладаги қоғоз пул ва тангалар киради. Бу Марказий банк мажбуриятидаги қарзлардир. Пул агрегатларининг қолган барча ташкил этувчилари (яъни банк тизимидағи) нақдсиз пуллардир. Бу эса тижорат банклари мажбуриятидаги қарзлардир.

Пуллар - бу *M1* пул агрегати (яъни нақд пуллар – *c* (currency)) ва тижорат банкларининг жорий ҳисобларидағи маблағлари ҳисобланади – *D* (demand deposits):

$$M = c + D \quad (6.3.5)$$

Агарда маблағлар омонатдаги ҳисоблардан жорий ҳисобларга енгил ўтказилса, масалан, АҚШдаги каби, у ҳолда *D* кўрсаткич омонатдаги депозитларни ҳам ўз ичига олади.

*M2, M3* ва *L* – бу «деярли пуллар»дир, чунки уларни нақд пул шаклига ўтказиш: а) маблағларни омонатлардан ёки муддатли ҳисоблардан олиб нақд пулларга айлантириш; б) нақд бўлмаган маблағларни муддатли ва муддатсиз ҳисоблардан жорий ҳисобга ўтказиш; в) ёхуд давлатнинг қимматли қоғозларини сотиш мумкин.


Шундай қилиб, иқтисодиётда пулларнинг таклифи қўйида-гиларнинг ҳатти-харакати орқали белгиланади:

- иқтисодиётни нақд пуллар (*c*) билан таъминловчи ва назорат қилувчи Марказий банк;

- тижорат банклари (иқтисодиётнинг банк сектори), улар маблағларни ўз ҳисоб рақамларида сақладилар ( $D$ );

- аҳоли (уй хўжаликлари ва фирмалар, яъни иқтисодиётнинг банксиз сектори), улар эса ўз ўринда пул маблағларини накд пуллар ва банк ҳисобидаги маблағларда қандай нисбатда бўлиши кераклиги ҳақида қарорлар қабул қиласидар.

Пул массаси маълум бир таркибга эга бўлиб, унинг мезони ликвидлилиқдир, яъни, пул массасини жамғарманинг бошқа шаклларига айрбошланиши қобилиятидир. Пул массаси қурилмаси унинг агрегатларини ранжирлаш, яъни абсолют ликвидликдан агрегатларнинг камайиб борувчи ликвидлилиги томон ўзгариш тамойилига асослангандир. Аммо бунда актив ликвидлилигининг камайиши унинг даромадлилигининг ошишига томон ўзгаради.



### **6.3 - расм. Пул агрегатларининг ранжирланиши**

Шундай қилиб, энг ликвидли накд пуллар унинг эгасига қўшимча даромад келтирмайди. Депозитли сертификатнинг сотуви эса бундай даромадни таъминлаб беради.

### **6.4. Банклар ва уларнинг иқтисодда тутган ўрни**

**Банклар** иқтисодиётнинг асосий молиявий воситачиси ҳисобланади. Банкларнинг фаолияти орқали юз берган пул бозоридаги ўзгариш товарлар бозоридаги ўзгаришларга олиб келади.

Банклар молиявий воситачи бўлиб биринчидан, депозитларни омонатчилардан қабул қиласидар, яъни вақтинчалик бўш пул маблағларини йигади (аккумуляциялади), иккинчидан, турли иқтисодий агентлар (фирмалар, уй хўжаликлар)га ушбу бўш пул

маблағларини муайян муддатга маълум бир фоизлар бўйича кредитга беради. Шундай қилиб, банклар кредитдаги воситачи ҳисобланади, шунинг учун банк тизими кредит тизимининг бир қисми ҳисобланади. Кредит тизими банк ва банк бўлмаган кредит муассасаларидан ташкил топади. Банк бўлмаган кредит муассасаларига: фонdlар (инвестиция, нафақа ва бошқалар); компаниялар (сұғурта, инвестиция); молиявий компаниялар (ссуда-омонат ассоциациалари, кредит бирлашмалар); ломбардлар, яъни кредитда воситачи функциясини бажарувчи барча ташкилотлар. Аммо асосий молиявий воситачилар – бу тижорат банкларидир.

Замонавий банк тизими икки поғонадан иборат:

1. Марказий банк
2. Тижорат банклар тизими.

Марказий банк – бу мамлакатнинг энг асосий банки ҳисобланади. АҚШда у ФРС (Federal Reserve System), Буюк Британияда – Англия банки (Bank of England), Германияда – Bundesdeutchebank, Россияда – Россия Марказий банки деб юритилади.

Марказий банк қуидаги функцияларни бажаради:

- мамлакатнинг эмиссия маркази (банкноталар чиқаришда монопол ҳукуқга эга). Марказий банк пуллари нақд (банкнота ва тангалар) пуллардан ва нақд бўлмаган (Марказий банкдаги тижорат банкларининг ҳисоблари) пуллардан ташкил топади.
- ҳукуматнинг банкири ҳисобланади (ҳукуматнинг молиявий операциялари хизматини бажаради, ғазна тўловларида ва давлатнинг кредитларида воситачи бўлиб хизмат қиласди. Ғазнанинг барча бўш маблағлари Марказий банкда депозит шаклида сақланади, ўз ўрнида Марказий банк ғазнага ўзининг белгиланган меъёридан ортиқ фойдасини ўтказади;
- барча банкларнинг банки ҳисобланади. Тижорат банклари Марказий банк мижозлари ҳисобланадилар ва Марказий банк уларнинг мажбурий заҳираларини сақлади, бу эса уларнинг ички ва ташқи фаолиятларини назорат қилиш ва йўналтириш имконини беради. Тижорат банклари учун Марказий банк энг юқори босқич кредитори ҳисобланади (бунда Марказий банк тижорат банкларига пул эмиссияси ёки қимматли қофозлар сотиш йўли билан кредит беради);
  - банклараро ҳисоб маркази;
  - мамлакатнинг олтин-валюта заҳираларини сақлади (мамлакатнинг халқаро молиявий операцияларини ўтказади ва тўлов

баланси ҳолатини назорат қилади, халқаро валюта бозорларида сотувчи ва харидор бўлиб майдонга чиқади);

- Марказий банк пул-кредит (монетар) сиёсатини олиб боради.

Банк тизимининг иккинчи поғонаси бўлган тижорат банклари қўйидигиларга бўлинади:

- Универсал тижорат банклари.
- Ихтисослашган тижорат банклари.

Банклар ихтисослашади:

а) мақсадига кўра:

- инвестиция (инвестиция лойиҳаларни кредитлайдиган) банклари;

- инновация (илмий-техник ривожланишга бериладиган кредитлар) банклари;

- ипотекавий (кўчмас мулк гарови ҳисобига кредитни амалга оширувчи) банклар.

б) тармоқлар бўйича:

- қурилиш банклари;

- қишлоқ хўжалиги банклари;

- ташқи иқтисодий фаолият банклари.

в) мижозлар бўйича:

- фақат фирмаларга хизмат қилувчи банклар;

- аҳолига хизмат қилувчи ва бошқа банклар.

*Тижорат банклари* икки асосий турдаги операцияларни амалга оширади: *пассив операциялар* (депозитларни жалб этиш) ва *актив операциялар* (кредитларни бериш).

Бундан ташқари тижорат банклари қўйидаги операцияларни бажаради: ҳисоб-касса операциялари; банклараро операциялар (кредит операциялари – ўзаро кредитлар бериш ва трансферт – пулларни ўтказиш); қимматли коғозлар билан операциялар; чет эл валютаси билан операциялар ва бошқалар.

Тижорат банклари даромадларининг асосий қисмини улар кредитлари ва депозитлари фоизларининг ўртасидаги фарқ ташкил этади. Даромадларининг қўшимча манбаи турли хизматлар бўйича комиссия тушумлари ва қимматли коғозлар бўйича даромадлар ҳисобланади. Даромадларининг бир қисми банкнинг ҳаражатларига, яъни банк ходимларининг иш ҳақи, турли асбоб-ускуналар, компьютерлар, бино арендасига сарфланса, қолган қисми банкнинг фойдаси бўлиб, ундан банкнинг акцияларига эга ҳиссадорларига

дивидендер тўланади ва қолган қисми банк фаолиятининг келгусида ривожланишига йўналтирилади.

Тарихан банклар асосан заргарлик дўконларида пайдо бўлган. Заргарларнинг қимматбаҳо буюмларни сақлайдиган ишончли уй ости омборлари бўлганлиги сабабли кишилар уларга ўз зеб-зийнат ва бойликларини сақлашга берганлар ва эвазига улар биринчи маротаба талаб қилганларидаёқ қайтариб беришликини мажбуриятли деб тасдиқловчи тилхат олганлар. Шундай қилиб банкларнинг кредит пуллари пайдо бўлган. Аввалига заргарлар қимматбаҳо буюмларни фақат сақлаганлар ва кредит бермаганлар. Бу ҳолат *тўлиқ ёки 100% лик заҳиралар* тизимиға мос келган (барча депозитлар заҳира кўринишида сақланади). Барча мижозлар бир вақтнинг ўзида ўзларининг омонатларини талаб қила олмасликлари маълум бўлгач, аста-секин вақтинча қўйилган бўш омонатларни қарз (кредит)га бериш йўлга қўйилган .

Бундай шароитда банклар қарама-қаршиликка дуч келади. Агарда у барча омонатларни кредит бермасдан фақатгина заҳирада сақласа, у фойда кўрмайди. Аммо бундай ҳолатда у 100% лик тўлов қобилияти ва ликвидлиликка эга бўлади. Агарда у омонатчиларнинг пулларини кредитга берса, у фойда қўради, аммо бундай ҳолатда банкнинг тўлов қобилияти ва ликвидлилиги муаммоси пайдо бўлади.

*Банкнинг тўлов қобилияти* шуни билдирадики, унинг активлари миқдори энг камида унинг қарзларига тенг бўлиши керак. Банк активларига эса унинг бошқа шахс ва муассасалардан сотиб оладиган банкноталари ва барча молиявий маблағлари (облигациялар и қарзли мажбуриятлари) киради. Облигациялар ва қарзли мажбуриятлар банк даромадининг манбаи бўлиб хизмат қиласи. Банкнинг қарзлари (liabilities) – унинг пассиви – бу мижознинг биринчи талаби бўйича қайтариб бериш мажбурий бўлган банкка қўйилган депозитлардир. Агарда банк 100% лик тўлов қобилиятига эга бўлишни хоҳласа, у ҳолда у қўйилган омонатлардан кредит бермаслиги керак бўлади. Бундай ҳолатда банк фойда олмайди ва ўз ҳаражатларини қоплай олмайди. Фойда олиб ривожланишини хоҳласа, банк таваккал қилиб омонатларни кредитга бериб ишлаши керак. Кредитлар қанчалик кўп берилса, фойда ҳам, таваккалчилик ҳам юқори бўлади. Тўлов қобилиятига эга бўлишдан ташқари, банклар яна бир хусусиятга эга бўлиши керак, бу уларнинг *ликвидлилик* хусусиятидир, яъни банкнинг исталган вақтда омонатчиларнинг ҳар қанча сонига

омонатларини бир қисми ёки ҳаммасини нақд пулда бера олишга қодирлигидир. Агарда банк барча депозитларни қофоз пулларда сақласа, у абсолют ликвидлиликка эга бўлади. Аммо пулларни сақлаш, масалан, облигацияларга нисбатан олиб қарасак, ҳеч қандай даромад келтирмайди. Шунинг учун банкнинг ликвидлилиги қанчалик юқори бўлса, унинг даромади шунча паст бўлади ва банкнинг бу борадаги муқобил қарори унинг келажакда қандай ривожланишини белгилаб беради.

Банкларнинг кредит учун берадиган маблағларининг асосий манбанини муддатли депозитлар(жорий ҳисобдаги маблағлар) ташкил этади. Жаҳондаги мавжуд банклар эгалари аллақачон банкнинг кундалик ликвид фонdlари унда жойлаштирилган маблағларнинг 10%ни ташкил этиш кераклигини тушуниб етганлар. Эҳтимоллар назариясига кўра, банкка ўз маблағларини жойлаштирган кишилар сони унинг ҳисобидан олмоқчи бўлган одамлар сонига тенг бўлиши керак. Замонавий шароитларда банклар қисман заҳираланган тизимда фаолият юритадилар, яъни омонатларнинг бир қисми заҳира кўринишида банкда сақланади ва қолган қисми кредит бериш учун ишлатилиши мумкин. Ўтган асрда заҳиралаш меъёри, яъни кредитга бериш мумкин бўлмаган омонатларнинг бир қисми (депозитларнинг умумий миқдоридаги заҳира улуши – (R/D)) тажриба ва хатоликлар усулларидан фойдаланган ҳолда эмпирик йўл билан аниқланган. XIX асрда эса банклар инқирозга кўп учраганликлари туфайли улар айёр ва эҳтиёткор бўлиб қолганлар. Заҳиралаш меъёрини тижорат банклари ўзлари белгилаганлар ва у одатда 20% ни ташкил этган. XX аср бошларида банк тизимининг бекарорлиги, инқироз ва касодга кўп учраганлиги туфайли банк заҳираларининг мажбурий меъёрини белгилаш функциясини МБ ўз зиммасига олди (АҚШ да бу 1913 йилда бўлди), бу эса унга тижорат банклари фаолияти устидан назорат қилиш имконини берди.

*Банкларнинг мажбурий заҳира меъёри* (ёки заҳира талаблари меъёри – require dreserve ratio - rr) умумий депозитлар миқдоридан маълум бир улушнинг фоизларда ифодаланган қисми бўлиб, уни тижорат банклари кредит учун беришга ҳақли эмаслар ва бу заҳираларни улар МБда фоизсиз омонат кўринишида сақлайдилар. Банкнинг мажбурий заҳира меъёри миқдорини аниқлаш учун (required reserves), депозитлар миқдорини (deposits - D) заҳира талаблари меъёрига кўпайтириш керак бўлади:

$$R_{\text{мажб.}} = D \times r_r \quad (6.4.1)$$

бунда,

$R_{\text{мажб.}}$  – мажбурий захира миқдори;

$D$  – депозитларнинг умумий миқдори;

$r_r$  – мажбурий захира меъёри (фоизларда)

Тўлиқ заҳираланган тизимда захира талаблари меъёри 1 га тенг, қисман заҳираланган тизимда эса  $0 < r_r < 1$ .

Агар депозитларнинг умумий миқдоридан мажбурий захира меъёрини айириб ташласак, у ҳолда кредит имкониятлари ёки ортиқча заҳиралар (мажбурийдан ортиқ)ни қиласиз:

$$K = R_{\text{орт.}} = D - R_{\text{мажб.}} = D - D \times r_r = D (1 - r_r) \quad (6.4.2)$$

бунда,

$K$  – кредит имкониятлари;

$R_{\text{орт.}}$  – ортиқча заҳиралар;

$D$  – банк депозитлари;

$r_r$  – мажбурий захира меъёри (фоизларда);

$R_{\text{мажб.}}$  – мажбурий захира миқдори.

Айнан ана шу маблағлардан банклар кредит берадилар. Агар банк заҳиралари зарур бўлган захира маблағларидан камайса (масалан, омонатчиларнинг «бостириб келишлари» туфайли), у ҳолда банк уч хил усулдаги ҳаракатни амалга ошириши мумкин бўлади: 1) ўзининг бир қисм молиявий активларини сотиши (масалан, облигацияларни) ва бу билан нақд пуллар миқдорини ошириши мумкин, аммо бунда у облигациялардан келадиган фоизли даромадини йўқотади; 2) МБ га ёрдам сўраб мурожаат этиши мумкин, бунда тижорат банкларига вақтинчалик ўз муаммоларни ҳал этишлари учун МБ ҳисоб фоиз ставкаси деб аталадиган фоиз ставкаси ҳисобидаги пулларни қарзга бериши мумкин; 3) банклараро кредит бозори орқали бошқа банкдан қарз олиши мумкин, бунда тўланадиган фоиз эса банклараро фоиз ставкаси деб аталади (АҚШда – бу федерал фондлар ставкаси).

Агар банк ўзининг барча ортиқча заҳираларини кредитга берса, у ҳолда банк ўзининг барча кредит имкониятларидан тўлиқ фойдаланган бўлади, бунда  $K = R_{\text{орт.}}$  бўлади. Аммо банк кредитга бермай, бир қисм ортиқча заҳираларини ўзида қолдириши ҳам мумкин. Кредитга берилмаган мажбурий ва ортиқча заҳиралар йиғиндиси (excess reserves), банкнинг ҳақиқий заҳираларини ташкил этади:

$$R_{\text{ҳақиқ.}} = R_{\text{мажб.}} + R_{\text{орт.}} \quad (6.4.3)$$

$R_{\text{орт.}}$  – ортиқча заҳиралар;

$R_{\text{мажб}}$  - мажбурий захира миқдори.

Мисол.  $rr = 20\%$  бўлганда,

## 6.4-Жадвал

### Тижорат банкининг соддалаштирилган баланси

Активлар (assets)	Мажбуриятлар (liabilities)
Захиралар: 1000\$ Мажбурий захиралар: 200\$ Кредит имкониятлари: 800\$	Депозитлар: 1000\$


Захира меъёрлари талаблари 20% га ва депозитлар миқдори 1000\$ га тенг бўлганда, банк 200\$ ( $1000\$ \times 0.2 = 200\$$ )ни мажбурий захира кўринишида сақлаши керак, қолган 800\$ ( $1000\$ - 200 = 800\$$ )ни у кредитга бериши мумкин. Агар банк кредитга омонатнинг ҳаммасини бериб юборса, бундай ҳолатда у ўзининг кредит имкониятларини тўлиқ ишга солган бўлади. Аммо банк кредитга ушбу миқдорнинг бир қисмини, масалан, 600\$ини бериши ҳам мумкин. Бундай ҳолатда 200\$ ( $800\$ - 600\$ = 200\$$ ) унинг ортиқча захираси(excess)ни ташкил этади. Натижада банкнинг ҳақиқий захираси 400\$ га ( $200\$ \text{ мажбурий} + 200\$ \text{ ортиқча} = 400\$$ ) тенг бўлади.

## 6.5. Банк мультипликатори

Пулларни ҳосил қилиш жараёни кредитнинг кенгайиши ёки кредит мультипликацияси дейилади. У банк соҳасига пулларнинг келиб тушиши ва тижорат банклари депозитларининг кўпайиши, яъни, нақд пулларнинг нақд бўлмаган пулларга айланиши натижасида пайдо бўлади. Агарда депозитлар катталиги камайса, яъни мижозлар ўз ҳисобларидан пул маблағларини қайтариб олсалар, у ҳолда тескари жараён, яъни кредитнинг сиқилиши юз беради.

Фараз қилайлик, I-банкка 1000\$ га тенг депозит келиб тушган, мажбурий захира меъёри 20% ни ташкил этади. Бундай ҳолатда банк 200\$ ни мажбурий захирага ажратиши лозим ( $R_{\text{мажб.}} = Dxrr = 1000 \times 0.2 = 200$ ) ва унинг кредит имкониятлари 800\$ ни ташкил этади ( $K = Dx (1 - rr) = 1000 \times (1 - 0.2) = 800$ ). Агарда банк уни тўлиқ ишлатса, у ҳолда унинг мижози (яъни, ҳар қандай иқтисодий агент) кредитга 800\$ ни олиши мумкин бўлади. Бу маблағларни мижоз ўзига керакли бўлган товар ва хизматларни харид қилишга

сарфлаши мумкин (фирма – инвестиция, уй хўжаликлари – истеъмол ёки уй-жойларни сотиб олиш бўйича), бунда у сотувчига даромад (тушум) келтиради, ушбу даромад эса сотувчининг бошқа банқдаги (масалан II банкдаги) ҳисоб рақамига келиб тушади. II банк 800\$ га тенг депозитнинг, 160\$ ини мажбурий заҳирага ажратади ( $800 \times 0.2 = 160$ ) ва унинг кредит имкониятлари 640\$ ( $800 \times (1 - 0.2) = 640$ ) га тенг бўлади, банк уни кредитга бериб мижозининг битим бўйича тўловини ва бундан сотувчи тушумини таъминлаб беради ва 640\$ депозит сифатида сотувчининг ҳисоб рақамига III банкка келиб тушади. III банкнинг мажбурий заҳираси 128\$ ни ташкил этади, унинг кредит имкониятлари эса 512\$ га тенг бўлади. Бу миқдорда кредит бериб III банк IV банкка 409.6\$ миқдорда кредит бера олиш имкониятини яратади, V банк эса 327.68\$ га тенг кредит бериш имкониятига эга бўлади ва ҳакозо. Бундан қўйидаги пирамидани ҳосил қилиш мумкин бўлади:



ва ҳакозо.

## 6.5.-расм. Банк мультипликаторининг ҳосил бўлиш механизми

бунда,

$K$  – кредит имкониятлари;

$D$  – банк депозитлари;

$rr$  – мажбурий захира меъёри;

$R_{\text{мажб}}$  – мажбурий захира микдори.

Айнан мана шу депозитнинг кенгайиши жараёни ҳисобланади.

Агарда пул маблағлари банк соҳасини тарқ этмаса ва иқтисодий агентлар қўлида нақд пул шаклида қолса, банклар эса ўз кредит имкониятларини тўлиқ ишлатса, у ҳолда тижорат банклари томонидан ҳосил қилинган умумий пулларнинг йиғиндиси (I, II, III, IV, V ва хакозо банк депозитларининг умумий йиғиндиси) қўйидагига тенг бўлади:

$$M = D_I + D_{II} + D_{III} + D_{IV} + D_V + \dots = D + Dx(1 - rr) + [Dx(1 - rr)]x(1 - rr) + [Dx(1 - rr)^2]x(1 - rr) + [Dx(1 - rr)^3]x(1 - rr) + [Dx(1 - rr)^4]x(1 - rr) + \dots = 1000 + 800 + 640 + 512 + 409.6 + 327.68 + \dots$$

Шундай қилиб, биз чексиз камаювчи  $(1 - rr)$  асосга эга, яъни 1 дан кичик геметрик прогрессия йиғиндисини келтириб чиқардик. Умумий ҳолда ушбу йиғинди қўйидагига тенгдир:

$$M = Dx [1/(1 - (1 - rr))] = Dx 1/r \quad (6.5.1)$$

бунда,

$D$  – банк депозитлари;

$rr$  – мажбурий захира меъёри;

$M$  – умумий пулларнинг йиғиндиси ёки пул массаси.

Бизнинг мисолда  $M = 1000 \times 1/0.2 = 1000 \times 5 = 5000$

$1/r$  катталиги банк (ёки кредит, ёки депозит)

мультипликатори номини олган:

$$\text{mult}_{\text{банк}} = 1/r \quad (6.5.2)$$

бунда,  $rr$  – захира меъёри.

Унинг яна бир номи – *депозитнинг кенгайган мультипликаторидир*. Бу атамаларнинг барчasi биргина мазмунга эга, яъни: агарда тижорат банкларининг депозитлари ортса, у ҳолда пул массаси ундан кўпроқ даражада ошади. Банк мультипликатори тижорат банклари депозитларининг катталиги бир бирликка ўзгарганда (ортганда ёки камайганда) пул массаси неча мартага ўзгариши (ортиши ёки камайиши)ни кўрсатади. Шундай қилиб, мультипликатор икки томонлама таъсир этади. Пул массаси пул маблағлари банк тизимига келиб тушганда ошади (депозитларнинг умумий йиғиндиси ортади) ва улар банк тизимини тарқ этганда (яъни, пул маблағлари депозитлардан ечиб олинади) пул массаси камаяди. Иқтисодиётда пул маблағларини бир вақтнинг ўзида банкларга омонат қилиб қўйиш ва уларни ҳисоблардан ечиш мумкин бўлганлиги сабабдан пул массаси сезиларли даражада

ўзгармаслиги мумкин. Бундай ўзгариш фақатгина Марказий банк мажбурий захира меъёрини ўзгартирганида, бу эса ўз навбатида банкларнинг кредит имкониятлари ва банк мультипликатори катталигига таъсир кўрсатгандагина юз беради. Шу сабабдан, мажбурий захира меъёри Марказий банк монетар сиёсатининг энг муҳим воситаларидан бири ҳисобланади.

Банк мультипликатори ёрдамида нафақат пул массаси катталигини ( $M$ ), балки унинг ўзгаришини ҳисоблаш мумкин ( $\Delta M$ ). Пул массаси катталиги нақд ва нақд бўлмаган пул маблағлари йиғиндисидан иборат экан, яъни,  $M = c + D$ , у ҳолда I банк депозитига (\$1000)лик пул маблағлари нақд пуллар муомаласи доирасидан келиб тушган, яъни улар пул массасининг таркибий қисми бўлган ва фақатгина с ва  $D$  ўртасида пул маблағларининг қайта тақсимланиши юз берган. Пул массаси депозитнинг кенгайиши жараёни натижасида  $\$4000$  ( $\Delta M = 5000 - 1000 = 4000$ ) га ошган, яъни тијорат банклари айнан шу пул маблағларини ҳосил қилган. Пул таклифининг ўзгариши қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$\Delta M = D_{II} + D_{III} + D_{IV} + D_V + \dots = D x (1 - rr) + [D x (1 - rr)] x (1 - rr) + [D x (1 - rr)^2] x (1 - rr) + [D x (1 - rr)^3] x (1 - rr) + [D x (1 - rr)^4] x (1 - rr) + \dots = 800 + 640 + 512 + 409.6 + 327.68 + \dots = 800 x (1/0.8) = 800 x 5 = 4000$$

$$\text{ёки } \Delta M = [D x (1 - rr)] x (1/r) = K x (1/r) = R_{opm} x (1/r) = 800 x (1/0.2) = 4000$$

Шундай қилиб, пул таклифининг ўзгариши иккита омилга боғлиқ:

1)тијорат банклари томонидан кредитга берилган захиралар катталигига;

2)банк (депозит) мультипликатори катталигига.

Ушбу омилларнинг бир ёки ҳар иккисига таъсир этиб, Марказий банк монетар (пул-кредит) сиёсати орқали пул таклифи ўзгартириши мумкин.

## 6.6. Пул мультипликатори

Депозитнинг кенгайиш жараёнини кўриб ўтишда: 1) пуллар банк соҳасини тарк этмаслиги ва нақд пул шаклида қолиб кетмаслиги; 2) кредит имкониятлари банклар томонидан тўлиқ ишлатилаётганлиги ва 3) пул таклифи фақатгина банк сектори

томонидан аниқланиши таҳмин қилинди. Аммо пул таклифини ўрганишда шуни назарда тутмок керакки, унинг катталигига уйхўжалиги ва фирмалар (нобанк сектори)нинг ҳатти-харакатлари ҳам таъсир қўрсатади, шу билан бирга тижорат банклари ортиқча заҳираларни кредитга бермай, ўзларининг кредит имкониятларидан тўлиқ фойдаланмасликлари мумкин. Бундай шароитда депозитлар катталигининг ўзгариши мультипликатив самарага эга бўлади ва унинг катталиги ўзгаради. Шу сабабдан пул мультипликатори формуласини келтириб чиқарамиз: пул массаси ( $M_1$ ) аҳоли қўлидаги нақд пуллардан ва банкларнинг жорий ҳисобларидағи маблағлари (депозитлари)дан ташкил топишини эслатиб ўтамиз:  $M = C + D$ , бунда,  $M$  – пул массаси;  $C$  – нақд пуллар;  $D$  – депозитлар.

Аммо пул таклифини назорат қилувчи МБ бевосита пул катталигига таъсир қўрсата олмайди, чунки у депозитлар ҳажмини белгиламайди, у фақатгина билвосита заҳира меъёри талабларини ўзгартириш орқали улар ҳажмига таъсир қўрсатиши мумкин.

МБ фақатгина нақд пуллар (чунки унинг ўзи уларни муомалага чиқаради) ва заҳира миқдори (улар МБ ҳисобида бўлганлиги сабабдан)ни тартибга солади. МБ томонидан назорат қилинувчи нақд пуллар ва заҳираларнинг йифиндиси *пул базаси* (monetary base) ёки *юқори қувватли пуллар* (high-powered money) номини олган ва Н билан белгиланади:

$$H = c + R \quad (6.6.1)$$

бунда,

$H$  – пул базаси;

$c$  – нақд пуллар;

$R_{зах}$  – заҳира миқдори.

Қандай қилиб МБ пул массасини назорат қилиб, тартибга солиб туради? Буни у пул базасини тартибга солиш орқали амалга ошириши мумкин, чунки пул базасини пул мультипликаторига кўпайтмаси пул массасига тенгdir.

Пул мультипликаторини топиш учун икки тушунчани билиш зарур бўлади: 1) *захира меъёри* -  $rr$ , у заҳира катталигини депозит катталигига бўлинмаси орқали топилади:  $rr = R_{зах} / D$  ёки банк заҳирасида бўлган депозитларнинг қисми. У банкларнинг иқтисодий сиёсати ва улар фаолиятини тартибга солиб турувчи қонунлар орқали аниқланади; 2) *депонентлаш меъёри* -  $cr$ , у нақд пулларни депозитлар нисбатига:  $cr = C/D$  тенгdir. У аҳолини пул маблағларни нақд пуллар ва банк депозитлари ўртасида

тақсимланишидаги афзаллигини харктерлайди.  $c = cr \times D$  ва  $R = rr \times D$  га тенг экан, у ҳолда:

$$M = c + D = cr \times D + D = (cr + 1) \times D \quad (6.6.2)$$

$$H = c + R = cr \times D + rr \times D = (cr + rr) \times D \quad (6.6.3)$$

бунда,

$M$  – пул массаси;  $rr$  – захира меъёри;

$C$  - нақд пуллар  $cr$  – депонентлаш меъёри;

$H$  – пул базаси;  $R_{зах}$  – захира миқдори.

$D$  - банк депозитлари;

(1) ни (2) га бўлсак, қўйидагига эга бўламиз:

$$\frac{M}{H} = \frac{(cr + 1) \times D}{(cr + rr) \times D} = \frac{(cr + 1)}{(cr + rr)}$$


бундан,  $M = \frac{(cr + 1)}{(cr + rr)} H$

$$M = \text{mult}_{\text{пул}} \times H \quad \text{mult}_{\text{пул}} = \frac{(cr + 1)}{(cr + rr)} \quad (6.6.4)$$

$[(cr + 1)/ (cr + rr)]$  катталиги пул мультиликатори ёки пул базаси мультиликаторини ифодалайди, яъни пул базасини бир бирликка ошиши (камайиши) натижасида пул массасини неча маротабага ортишини (қисқаришини) қўрсатувчи коэффициентdir. Ҳар қандай мультиликатор каби у ҳам икки томонга ҳаракат қиласди. Агарда МБ пул массасини оширишни хоҳласа, у пул базасини ошириши керак, пул таклифини камайтириши керак бўлса, пул базасини камайтириши керак бўлади. Фараз қилайлик, нақд пуллар мавжуд эмас ( $c=0$ ) ва барча пуллар фақатгина банк тизимида айланади, у ҳолда пул мультиликаторидан биз банк (депозит) мультиликаторини ҳосил қиласми:  $\text{mult}_{\text{пул}} = 1/ rr$ . Шунинг учун банк мультиликатори кўп ҳолларда «оддий пул мультиликатори» дейилади (simple money multiplier), пул мультиликатори эса – мураккаб пул мультиликатори ёки пул мультиликатори (money multiplier) дейилади.

Пул мультиликатори катталиги захира меъёри ёки депонентлаш меъёрига боғлиқ бўлади. Ушбу катталиклар қанчалик юқори, яъни банкларнинг кредит бермайдиган улушининг салмоғи катта бўлса ва аҳоли банк ҳисобларига қўймасдан қўлларида сақлайдиган нақд пулларнинг улуши юқори бўлса, мультиликатор катталиги шунчалик кичик бўлади. Буни графикда, пул базаси ( $H$ ) ва пул массаси ( $M$ ) нисбатлари пул мультиликатори орқали

ифодаланган  $(cr + 1)/(cr + rr)$ га тенг чизма орқали ифодалаш мумкин. Бунда, бурчак тангенси қиялиги  $(cr + rr)/(cr + 1)$ га тенгдир (6.6-расм).




### **6.6-расм. Пул базаси ва пул массаси нисбатларининг пул мультиликатори орқали ифодаланиши**

Пул базаси ( $H_1$ ) ўзгармас катталикда бўлганда депонентлаш меъёрининг  $cr_1$  дан  $cr_2$  га ошиши пул мультиликатори катталигини камайтиради ва пул массаси (пул таклифи) эгри чизиғи қиялигини катталаштиради, натижада пул таклифи  $M_1$  дан  $M_2$  га қисқаради. Мультиликатор катталиги камайганда пул массаси ўзгармаслиги учун ( $M_1$  даражада сақланиб қолиши учун), МБ пул базасини  $H_2$  гача ошириши керак. Шундай қилиб, депонентлаш меъёрининг ошиши мультиликатор катталигини камайтиради. Худди шундай захиралаш меъёри (захира кўринишида сақланаётган банклар депозитлари улуши)нинг ошиши, яъни ортиқча ва кредитга берилмайдиган банк захиралари миқдори қанчалик кўп бўлса, мультиликатор катталиги шунчалик кичик бўлишини ҳам айтиш мумкин.

### **6.7. Пул бозоридаги мувозанат**

Пул бозоридаги мувозанат автоматик равишда фоиз ставкаси ўзгариши ҳисобига ўрнатилади. Пул бозори самарали бўлиб, деярли доимо мувозанат ҳолатида бўлади, чунки қимматли қоғозлар бозорида дилерлар фоиз ставкаларидаги ўзгаришларни назорат қилиб турадилар.

Пул таклифини Марказий банк назорат қилиб туради, шунинг учун пул таклифи эгри чизиги  $(M/P)^S$ ни фоиз ставкасига бөллиқ бўлмаган вертикал кўринишда тасвирлаш мумкин. Пулга бўлган талаб  $(M/P)^D$  фоиз ставкасига тескари пропорционал бөллиқлиқда бўлиб, у манфий қияликка эга эгри чизикдан иборат эканлиги юқорида айтиб ўтилди. Пулга бўлган талаб ва таклиф эгри чизиклари кесишган нуқтада мувозанат фоиз ставкаси  $R$  ва пул массасининг мувозанатли микдори  $(M/P)$ ни ҳосил қилиш мумкин (6.7-а расм)



### 6.7-расм. Пул бозоридаги мувозанат

Энди пул бозорида мувозанатнинг ўзгариши оқибатларини кўриб чиқайлик.

Фараз қилайлик, пул таклифи микдори ўзгармас бўлсин, аммо пулга бўлган талаб ошмоқда –  $(M/P)^D_1$  эгри чизиги ўнгга ва юқорига  $(M/P)^D_2$  гача силжиди. Натижада мувозанатли фоиз ставкаси  $R_1$  дан  $R_2$  гача кўтарилади (6.7-б расм). Эслатиб ўтамиз, пул бозорида мувозанат ўрнатилишининг иқтисодий механизмини *кейнсча ликвидлиликни афзал кўриши назарияси* билан тушунтириш мумкин. Агарда пул таклифи микдори ўзгармаган шароитда нақд пулларга бўлган талаб ошса, молиявий активлар портфелига, яъни, маълум бир нисбатда нақд ва нақд бўлмаган (масалан, облигациялар) молиявий активларга эга бўлган кишилар нақд пул маблағлари етишмаганидан ўз облигацияларини сота бошлайдилар. Облигациялар бозорида облигациялар таклифи уларга бўлган талабга нисбатан ортади ва облигациялар нархи пасаяди. Облигациялар

нархи юқорида айтилганлардан маълумки, фоиз ставкаси билан тескари пропорционал боғлиқликда, шунинг учун бундай шароитда фоиз ставкаси кўтарилади. Пулларга бўлган талабнинг ошиши мувозанат фоиз ставкасининг ортишига олиб келди. Бунда пул таклифи ўзгармади ва пулга бўлган талабнинг миқдори ўзининг бошланғич даражасига қайтди, чунки юқорирок фоиз ставкада кишилар облигациялар сотиб оладилар ва ўз нақд пул заҳираларини камайтирадилар.

Энди мувозанатли пул бозори учун пул таклифи ўзгаришининг оқибатларини кўриб ўтайлик. Фараз қилайлик, Марказий банк пул массасини ошириди ва бунда пул таклифи эгри чизифи ўнгга  $(M/P)^{S_1}$  дан  $(M/P)^{S_2}$  га силжиди (6.7-в расм). Чизмадан кўриниб турибдики, пул бозоридаги мувозанат фоиз ставкаси  $R_1$  дан  $R_2$  га пасайиши ҳисобига тикланди. Бундай ҳолатни айнан юқорида айтиб ўтилган *кейнсча ликвидиликни афзал кўриши назарияси* билан тушунтирамиз. Пул таклифи ошганда, кишиларнинг қўлида нақд пуллар миқдори ортади, аммо уларнинг бир қисми ортиқча бўлади ва бундай шароитда улар даромад келтирадиган қимматбаҳо қоғозларни (масалан, облигацияларни) кўпроқ сотиб оладилар. Облигациялар бозорида уларга бўлган талаб ортганлиги сабабли облигациялар нархи ортади. Облигациялар нархи фоиз ставкаси тескари пропорционал боғлиқликда бўлганлиги учун фоиз ставкаси тушади. Паст фоиз ставкасида нақд пулларни сақлашнинг муқобил ҳаражатлари кам бўлади, чунки энди кишилар нақд пул маблағлари миқдорини оширадилар ва пулларга бўлган талаб  $(M/P)_1$  дан  $(M/P)_2$  га ортади (пулга бўлган талаб эгри чизифи  $(M/P)^D$  да А нуқтадан В нуқта бўйлаб ҳаракатни билдиради).

## Қисқача хуносалар

1. Пуллар бу – молиявий актив бўлиб, улар битимлар тузиш учун хизмат қиласи (товар ва хизматларни харид қилиш учун). Пуллар қийматга эга бўлиб, реал ва молиявий турларга бўлинади.

2. Пулларнинг моҳияти улар бажарадиган функцияларида намоён бўлади. Пуллар асосан: а) муомала воситаси; б) қиймат ўлчови; в) жамғарма воситаси функцияларини бажаради.

3. Пулларга бўлган *трансакцияли талаб* (transaction demand for money) – бу пулларга битимлар тузиш учун (transactions), яъни товар ва хизматларни сотиб олиш учун бўлган талабдир.

4. Пулларга бўлган эҳтиёткорлик талаби пулларга бўлган талабга эҳтиёткор бўлишлик сабабидан келиб чиқкан бўлиб, уни шу билан тушунтириш мумкинки, кишилар ўз режаларидан ташқари режалаштирилмаган харидларни амалга оширишга мойил бўладилар. Тўсатдан пул керак бўлиб қолишини билган инсонлар режалаштирилгандан зиёда бўлган қўшимча пулларни сақлайдилар.

5. Пулларга бўлган спекулятив талаб пулларнинг жамғарма воситаси функцияси билан боғлиқдир.

6. Пулларга бўлган умумий талаб трансакцияли и спекулятив талаб йиғиндисига tengdir.

7. Пулларнинг таклифи деганда, иқтисодиётда мавжуд барча пуллар, яъни жами пулларнинг умумий ҳажмига айтилади. Пул массасини тавсифлаш ва ўлчаш учун турли умумлаштирилган кўрсаткичлар қўлланилади ва улар *пул агрегатлари* ( $M_0$ ,  $M_1$ ,  $M_2$ ,  $M_3$ , L) деб аталади.

8. Замонавий банк тизими икки поғонадан иборат: а) Марказий банк; б) Тижорат банклар тизими. Марказий банк – бу мамлакатнинг энг асосий банки ҳисобланади.

9. *Тижорат банклари (ТБ)* икки асосий турдаги операцияларни амалга оширади: *пассив операциялар* (депозитларни жалб этиш) ва *актив операциялар* (кредитларни бериш).

10. *Банкнинг тўлов қобилияти* шуни билдирадики, унинг активлари миқдори энг камида унинг қарзларига тенг бўлиши керак. Банк активларига эса унинг бошқа шахс ва муассасалардан сотиб оладиган банкноталари ва барча молиявий маблағлари (облигациялар и қарзли мажбуриятлари) киради. Облигациялар ва қарзли мажбуриятлар банк даромадининг манбаи бўлиб хизмат қиласи. Банкнинг қарзлари (*liabilities*) – унинг пассиви – бу мижознинг биринчи талаби бўйича қайтариб бериш мажбурий бўлган банкка қўйилган депозитлардир.

11. *Банкларнинг мажбурий заҳира меъёри (rr)* умумий депозитлар миқдоридан маълум бир улушнинг фоизларда ифодаланган қисми бўлиб, уни тижорат банклари кредит учун беришга ҳақли эмаслар ва бу заҳираларни улар МБда фоизсиз омонат кўринишида сақлайдилар. Банкнинг мажбурий заҳира меъёри миқдорини аниқлаш учун, депозитлар миқдорини заҳира талаблари меъёрига қўпайтириш керак бўлади.

12. Агар депозитларнинг умумий миқдоридан мажбурий заҳира меъёрини айириб ташласак, у ҳолда кредит имкониятлари

ёки ортиқча заҳираларни ҳосил қиласыз. Кредитга берилмаган мажбурий ва ортиқча заҳиралар йиғиндиси, банкнинг ҳақиқий ёки умумий заҳираларини ташкил этади.

13. Пулларни ҳосил килиш жараёни кредитнинг кенгайиши ёки кредит мультипликацияси дейилади. У банк соҳасига пулларнинг келиб тушиши ва тижорат банклари депозитларининг кўпайиши, яъни, нақд пулларнинг нақд бўлмаган пулларга айланиши натижасида пайдо бўлади. Агарда депозитлар катталиги камайса, яъни мижозлар ўз ҳисобларидан пул маблағларини қайтариб олсалар, у ҳолда тескари жараён, яъни кредитнинг сиқилиши юз беради.

14. *Банк мультиликатори* тижорат банклари депозитларининг катталиги бир бирликка ўзгарганда (ортганда ёки камайганда) пул массаси неча мартага ўзгариши (ортиши ёки камайиши)ни кўрсатади.  $1/rr$  катталиги *банк* (ёки кредит, ёки депозит) мультиликатори номини олган:  $mult_{\text{банк}} = 1/rr$ . Унинг яна бир номи – *депозитнинг кенгайган мультиликаторидир*. Бу атамаларнинг барчаси биргина мазмунга эга, яъни: агарда тижорат банкларининг депозитлари ортса, у ҳолда пул массаси ундан кўпроқ даражада ошади.

15. Пул таклифининг ўзгариши иккита омилга боғлиқ: а) тижорат банклари томонидан кредитга берилган заҳиралар катталигига; б) банк (депозит) мультиликатори катталигига. Ушбу омилларнинг бир ёки ҳар иккисига таъсир этиб, Марказий банк монетар (пул-кредит) сиёсати орқали пул таклифини ўзгартириши мумкин.

16. МБ томонидан назорат қилинувчи нақд пуллар ва заҳираларнинг йиғиндиси *пул базаси* номини олган.

17.  $[(cr + 1)/ (cr + rr)]$  катталиги пул мультиликатори ёки пул базаси мультиликаторини ифодалайди, яъни пул базасини бир бирликка ошиши (камайиши) натижасида пул массасини неча маротабага ортишини (қисқаришини) кўрсатувчи коэффициентdir.

18. Пулга бўлган талаб ва таклиф эгри чизиклари кесишган нуқтада мувозанат фоиз ставкаси  $R$  ва пул массасининг мувозанатли микдори ( $M/P$ ) ўрнатилади.

## **Таянч иборалар**

пуллар, реал ва молиявий активлар, қофоз ва металл пуллар, декрет пуллар, кредит ва дебит пуллар, вексель, банкнота, чек, пластик карточкалар, кредит карточкалар, дебет карточкалар, муомала воситаси, қиймат ўлчови, жамғарма воситаси, пулларга бўлган трансакцияли талаб, пулларга бўлган эҳтиёткорлик талаби, пулларга бўлган спекулятив талаб, пулларга бўлган умумий талаб, пул таклифи, пул агрегати, нақд пуллар, деярли пуллар, ликвидлилик, пулларнинг тўлов қобилияти, Марказий банк, тижорат банклари, депозит, мажбурий заҳира меъёри, ортиқча заҳира меъёри, банкнинг кредит имкониятлари, ҳисоб фоиз ставкаси, очиқ бозордаги операциялар, банк мультипликатори, пул мультипликатори, заҳира меъёри, депонентлаш меъёри

## **VII БОБ. ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИ.**

- 7.1. Пул – кредит (монетар) сиёсати ва унинг мақсади.
- 7.2. Пул-кредит сиёсати воситалари ва унинг турлари.
- 7.3. Иқтисодиётга пул таклифи ўзгаришининг таъсири.
- 7.4. Монетар сиёсатнинг афзалликлари ва камчиликлари.

**Қисқача хulosалар**

**Таянч иборалар**

### **7.1. Пул – кредит (монетар) сиёсати ва унинг мақсади.**

Пул-кредит (монетар) сиёсати иқтисодиётни барқарорлаштириш сиёсатининг бир тури бўлиб, у фискал, ташқи савдо, структуравий, валюта ва бошқа сиёсатлар билан бир қаторда иқтисодий тебранишларни олдини олишга қаратилгандир. *Монетар сиёсатнинг мақсади* давлатнинг ҳар қандай барқарорлаштириш сиёсати каби қуидагиларни таъминлашга қаратилгандир:

- 1) барқарор иқтисодий ўсиши;
- 2) ресурсларнинг тўлиқ бандлиги;
- 3) нархлар даражасининг барқарорлиги;
- 4) тўлов балансининг мувозанати.

Монетар сиёсат ялпи талабга таъсир ўтказиб, иқтисодий конъюнктурани ўзгартиради. Таъсир ўтказиладиган обьект бўлиб пул бозори ва энг аввало пул массаси ҳисобланади.

Монетар сиёсатни Марказий Банк белгилаб беради ва амалга оширади. Аммо иқтисодиётда пул таклифининг ўзгариши фақатгина Марказий Банк операциялари натижасида эмас, балки тижорат банклари, шунингдек уй хўжаликлари ва фирмалар қарорларига ҳам боғлиқ ҳолда ўзгаради. Ўз мақсадига эришишда Марказий Банк қуидагиларни амалга оширади:

- 1) пул таклифи (пул массаси)ни ўзгартиради ва назорат қиласди;
- 2) фоиз ставкаси даражасини ўзгартиради ва назорат қиласди;
- 3) миллий пул бирлиги (миллий валюта) алмашув курсини назорат қиласди.

Пул-кредит сиёсати деганда, иқтисодиётнинг тўлиқ бандлик ёки пасайиши шароитида жами маҳсулотни ишлаб чиқаришга инфляциянинг таъсирини камайтириш ёки бартараф этиш

мақсадида мұомаладағи пул миқдорини ўзгартыриш тушуnilади. Унинг ёрдамида ҳар қандай давлат мамлакатда иқтисодий барқарорликни таъминлаш вазифасини ҳаётга татбиқ этади.

Ҳозирда барча мамлакатлар пул миқдорини тартибға солища очиқ бозордаги операциялардан, яғни давлатнинг қимматбаҳо қоғозларини таклиф қилиш усулидан кенг фойдаланмоқда. Ушбу операцияларни Марказий Банк асосан нуфузи катта банклар гурхы билан биргаликда амалға оширади. Бозорда Марказий Банк хазина қимматбаҳо қоғозларини сотиш ёки харид қилиш йўли билан пул таклифига таъсир этади, яғни пул бозоридаги талаб ва таклиф мувозанатини таъминлайди.

Пул бозорида мұомалада пул миқдори ортиқчалиги мавжуд деб фараз қиласиз. Табиийки, Марказий Банк ортиқча пул массасини камайтириш ёки йўқ қилишга ҳаракат қиласи. Бунинг учун у очиқ бозорда ўзининг қимматли қоғозларини ахоли ва банкларга таклиф этади, улар эса харид қила бошлайдилар. Пул-кредит сиёсатининг воситаларидан яна бири – бу МБнинг мажбурий заҳира меъени белгилashi ва уни ўзгартириб туришидир. Мажбурий заҳира меъени ошириш ёрдамида давлат пул таклифини камайтиради, бу эса банклар ортиқча банк заҳира-ларининг қисқаришига олиб келади. Монетар сиёсатни ўтказиша бу восита бутун банк тизимининг асосларига таъсир этади. Шунинг учун у кўпчилик мамлакатларда ўта зарур бўлгандағина қўлланилади.

Давлат томонидан ошириладиган пул-кредит сиёсат ЯММ, бандлик ва баҳолар даражасига бевосита таъсир кўрсатади. Фараз қиласизки, иқтисодиётда ишлаб чиқариш қисқармоқда ва ишсизлар сони ортиб бормоқда. Бундай шароитда давлат МБ орқали пул таклифини оширишга (юқорида келтирилган монетар сиёсат воситалари орқали, бу воситалар ушбу бобда яна батафсил қўриб чиқилади) ҳаракат қиласи. Бунинг натижасида пул таклифи ошади, фоиз ставкаси эса пасаяди. Бу эса инвестицияга талабни оширади ва ўз навбатида ЯММ миқдорини кўпайишига олиб келади. Бу билан давлат маълум даврда ўз мақсадига эришади, ишлаб чиқаришнинг пасайиши камаяди ёки бутунлай тўхтайди, ишсизлар сони камаяди, жамиятнинг даромадлари эса ошади.

Пул таклифини МБ пул базаси ( $H$ ) ва пул мультипликатори ( $mult_{пул} = [(1 + cr)/(cr + rr)]$ )га таъсир этиш орқали ўзгартиради, чунки  $\Delta M = mult_{пул} \times \Delta H$ . Банк тизими даражасида эса у тижорат

банкларининг кредит имкониятлари (К) ва банк мультиликатори ( $\text{mult}_{\text{банк}} = 1/\text{rr}$ ) катталиклари орқали тартибга солади.

## 7.2. Пул-кредит сиёсати воситалари ва унинг турлари.

Марказий банкнинг пул ҳажмини ўзгартириши ва уларни назорат қилишига имконият берувчи *пул-кредит сиёсати воситалари* қўйидагилардан иборатdir:

- 1) мажбурий заҳира меъенинг ўзгариши;
- 2) ҳисоб ставка фоизидаги ўзгариши; (қайта молиялаштириш ставкаси);
- 3) очиқ бозордаги операциялар.

**Мажбурий заҳира меъёри.** Монетар сиёсатнинг мамлакатдаги пул массасини тартибга солишидаги энг биринчи восита - бу мажбурий заҳира меъенинг ўзгартиришидир (*required reserve ratio*). *Мажбурий заҳира меъёри* – бу тижорат банкларининг МБ да ўзларининг бир қисм депозитларини фоизсиз омонатлар (агарда мамлакатда заҳирали банк тизими бўлса) ёки накд пуллар шаклида сақлашидир. Мажбурий заҳира меъёри катталиги умумий депозитлар ҳажмидан фоиз ҳисобида олинган бўлиб, у қўйидаги формула орқали аниқланишини эслатиб ўтамиш:

$$R_{\text{мажб.}} = D \times rr \quad (7.2.1)$$

бунда,

D – банк депозитлари;

rr - мажбурий заҳира меъёри (фоизларда);

R<sub>мажб</sub> - мажбурий заҳира миқдори.

Депозитнинг хар бир тури учун (муддатсиз, муддатли омонатлар) ўз мажбурий заҳира меъёри белгиланади ва бунда депозитнинг ликвидлилик даражаси қанчалик юқори бўлса, мажбурий заҳира меъёри шунчалик юқори бўлади. Масалан, муддатсиз омонатлар учун муддатли омонатларга қараганда мажбурий заҳира меъёри юқорироқ белгиланади.

Агарда Марказий банк мажбурий заҳира меъенинг оширса, у ҳолда пул таклифи икки сабабга кўра камаяди. Биринчидан, тижорат банкининг кредит имкониятлари, яъни унинг кредитга бермоқчи бўлган пул маблағлари камаяди. *Кредит имкониятлари* банкнинг ихтиёридаги депозитлари ва мажбурий заҳира миқдори ўртасидаги фарқ билан аниқланиши олдинги бобди кўриб ўтилган Эди:

$$K = D - R_{\text{мажб}} \quad (7.2.2)$$

бунда,

$K$  – кредит имкониятлари;

$D$  – банк депозитлари;

$R_{\text{мажб}}$  - мажбурий захира микдори.

Шу сабабдан, мажбурий захира меъёри ошса, банкнинг кредитга берадиган маблағлари қисқариб, унинг кредит имкониятлари камаяди. Масалан, тижорат банк депозитларининг умумий микдори 1000 долл.га ошган бўлса, мажбурий захира меъёри 10% га тенг бўлганда унинг кредит имкониятлари:

$\Delta K = \Delta D - \Delta R_{\text{мажб.}} = \Delta D - (\Delta D \times rr) = 1000 - 1000 \times 0.1 = 900$  га тенг бўлади, мажбурий захира меъёри 20% га тенг бўлганда эса

$$\Delta K = 1000 - 1000 \times 0.2 = 800.$$

Иккинчидан, мажбурий захира меъёри банк (депозит) мультиликатори меъерини белгилаб беради ( $mult = 1/r$ , бунда  $r$  – мажбурий захира меъёри). Мажбурий захира меъерининг 10% дан 20% га ошиши банк мультиликатори микдорини 10 ( $1/0.1$ ) дан 5 га ( $1/0.2$ ) камайишига олиб келади. Шундай қилиб, мажбурий захира меъерининг ўзгариши пул массасига икки йўналишда: 1) тижорат банклари кредит имкониятларининг ўзгариши; ва 2) банк мультиликатори катталигининг ўзгариши орқали таъсир кўрсатади.

Тижорат банклари кредит имкониятлари катталиги, яъни, унинг захиралари ўзгариши пул базаси микдорини ўзгаришига олиб келади (пул базаси ( $H$ ) = нақд пуллар ( $c$ ) + захиралар ( $R$ )), банк мультиликатори катталигининг ўзгариши ( $1/r$ ) эса пул мультиликатори  $[(1 + cr)/(cr + rr)]$  ўзгаришига сабаб бўлади. Натижада мажбурий захира меъерининг оз даражада ўзгариши ҳам пул массасининг сезиларли даражада ўзгаришига олиб келиши мумкин. Масалан, мажбурий захира меъёри 10% га тенг бўлганда, банк тизимида пул таклифининг ўзгариши  $\Delta M_1 = \Delta K_1 \times mult_1 = 900 \times 10 = 9000$ , мажбурий захира меъёри 20% бўлганда, пул таклифининг ўзгариши  $\Delta M_2 = \Delta K_2 \times mult_2 = 800 \times 5 = 4000$  га тенг бўлади. Бундан ташқари, захира меъёрларининг барқарорлиги тижорат банкларининг ишонч билан иш олиб боришлари учун асос бўлади.

**Ҳисоб фоиз ставкаси.** Монетар сиёсатнинг иккинчи воситаси пул массасини ҳисоб фоиз ставкаси (*discount rate*) ёки қайта молиялаштириш ставкаси орқали тартибга солиш ҳисобланади.

*Ҳисоб фоиз ставкаси* – бу Марказий банкнинг тижорат банкларига кредитлар бўйича берадиган фоизидир. Тижорат банклари ўз заҳираларини тезкор равишда тўлдиришлари зарурати пайдо бўлганда ёки мураккаб молиявий вазиятга тушиб қолганинида Марказий банкдан карз олишлари мумкин бўлади ва бунда у тижорат банклари учун охирги босқичдаги кредитор бўлиб хизмат қиласи.

Марказий банкдан ҳисоб фоиз ставкаси бўйича ссудага олинган маблағлар («дисконт кўзгу» орқали) тижорат банкларининг қўшимча заҳираларини ташкил этади ва пул массасининг мультиликатив кўпайишига асос бўлиб хизмат қиласи. Шунинг учун ҳисоб фоиз ставкасини ўзгартириб, Марказий банк пул таклифига таъсир этиши мумкин. Тижорат банклари ҳисоб фоиз ставкасини заҳираларни сотиб олиш билан боғлиқ бўлган ҳаражатлар деб қарайдилар. Ҳисоб ставкаси қанчалик юкори бўлса, тижорат банклар томонидан Марказий банкдан маблағлар қарзга шунчалик кам олинади ва кредитлар ҳажми ҳам тегишлича камаяди. Агарда ҳисоб фоиз ставкасининг фоизлари пасайса, тижорат банклари томонидан МБдан кўпроқ кредитлар заҳирага олинади ва бунда уларнинг кредит имкониятлари ортади. Кредит имкониятлари кенгайганда пул базаси ортади ва пул массасининг мультиликатив ўсиш жараёни бошланади (банклар даражасида  $\Delta M = mult_{bank} \times \Delta K$  ёки  $\Delta M = mult_{pul} \times \Delta H$ ).

Таъкидлаш жоизки, мажбурий захира меъенининг ўзгаришидан фарқли ўлароқ, ҳисоб фоиз ставкасининг ўзгариши тижорат банкларининг фақатгина кредит имкониятлари катталигига ва пул базасига таъсир кўрсатади, аммо бунда банк ва пул мультиликаторлари ўзгармайди.

Ҳисоб фоиз ставкасини ўзгартириш орқали пул массасига таъсир этиш монетар сиёсатнинг эгилувчан ва тезкор воситаси ҳисобланмайди. У МБдан қарзга олинадиган кредитларнинг унчалик катта бўлмаган ҳажми (яъни, у банк заҳиралари умумий миқдорининг атиги 2-3% и)ни ташкил этади. Гап шундаки, МБ тижорат банкларига ундан олинадиган кредит имкониятларидан фойдаланишда сустеъмолчиликка йўл қўймайди. У маблағларни фақатгина экспертларнинг хulosаларига кўра, яъни банк ҳақиқатда ҳам ёрдамга муҳтоҷ бўлган ҳолатдагина, унинг молиявий қийинчиликлари сабаблари объектив бўлсагина ажратишга рухсат беради.

Шунинг учун ҳисоб фоиз ставкасининг ўзгариши МБ монетар сиёсатининг йўналиши ҳақида ахборот берувчи сигнал бўлиб хизмат қиласи. Ҳисоб фоиз ставкаси ошириш орқали МБ инфляция суръатларини камайтиради ва бунда у ушлаб турувчи монетар сиёсатни олиб боради. Ҳисоб фоиз ставкаси банклараро фоиз ставкасини (яъни, тижорат банклари ўзаро бир-бирига кредит бера оладиган фоиз ставка) ва иқтисодиётнинг банк секторига тегишли бўлмаган секторлари (уй хўжаликлари ва фирмалар)га бериладиган кредитларга фоизлар ўрнатилишида ҳам ўзига хос таянч нуқта бўлиб хизмат қиласи. Агарда МБ ҳисоб фоиз ставкасининг кўтарилиши ҳақида эълон берса, иқтисодиётга бундай ўзгариш жуда тез таъсир этиб, пуллар (кредитлар) «қимматлашади» ва пул массаси камаяди.

**Очиқ бозордаги операциялар.** Пул массасини назорат қилишнинг муҳим ва тезкор воситаси очиқ бозордаги операциялар (*open market operations*) ҳисобланади. Очиқ бозордаги операциялар деганда, МБнинг қимматли қофозларнинг иккиламчи бозорида давлатнинг облигациялар, векселларини сотиши ва харид қилиши бўйича олди-сотди операциялари тушунилади. (МБнинг қимматбаҳо қофозларининг бирламчи бозорлардаги фаолияти қўпгина мамлакатларда қонун бўйича таъқиқланган ёки чегараланган). Монетар сиёсатнинг очиқ бозордаги операциялар воситасидан (қимматли қофозлар бозорида олиб бориладиган) ривожланган мамлакатлар кенг фойдаланади ва табиийки, молиявий бозори энди шаклланиш босқичида бўлган мамлакатларда маълум бир қийинчиликлар юзага келади.

Очиқ бозордаги операциялар обьекти бўлиб қуидагилар хизмат қиласи:

- 1) қисқа муддатли давлат облигациялари;
- 2) давлат хазина векселлари.

Давлат облигацияларининг давлат хазина векселларидан фарқи шуки, облигациялар фоиз миқдорида даромад келтиради (*percent income*). Давлат хазина векселлари бўйича даромад эса МБнинг қимматбаҳо қофозларни аввал сотгандаги нарх билан маълум вақт ўтгач, мажбуриятли уларни қайтиб юқорироқ нархларда сотиб олишидаги фарқ орқали аниқланишини билдиради (*capital gain*).

Пул базасига таъсир этиб, очиқ бозордаги операциялар орқали Марказий банк иқтисодиётдаги пул массаси ҳажмини тартибга

солади. Кўп ҳолларда бундай операциялар МБ томонидан РЕПО (қайтиб сотиб олиш тўғрисидаги келишув) шаклида амалга оширилади. Бундай ҳолатда банк, масалан, қимматли қоғозларни мажбуриятли қайтиб (қимматроқ нархда) сотиб олиш шарти билан маълум бир вақтга уларни сотади. РЕПО тижорат банклари ва фирмалар фаолиятида кенг тарқалган.

Давлатнинг қимматбаҳо қоғозлари тижорат банклари ва аҳолига сотилади ва сотиб олинади. Марказий банк томонидан давлатнинг қимматбаҳо қоғозлари сотиб олинса, у ҳолда тижорат банкларининг МБ даги ҳисоб рақамида уларнинг заҳиралари ортади. Шу билан бирга банк тизимининг депозит заҳиралари ҳажми ортади, банкларнинг кредит имкониятлари ортиши эса депозит (мультиплекатив) кенгайишга олиб келади. Ҳисоб фоиз ставкасининг ўзгариши каби очиқ бозордаги операциялар ҳам пул таклифига тижорат банкларининг кредит имкониятлари катталиги ва пул базасига таъсир кўрсатади. (бунда банк ва пул мултиплекатори катталиклари ўзгариши рўй бермайди).

Иқтисодиётнинг пасайиши даврида МБ томонидан қимматли қоғозларнинг сотиб олиниши иқтисодий вазиятга тезкор восита сифатида таъсир кўрсатади. Агарда иқтисодиёт «қизиган» ҳолатда бўлса, у ҳолда МБ давлатнинг қимматли қоғозларини очиқ бозорда сотади. Бу эса тижорат банкларининг заҳираларини камайтириб, уларнинг кредит имкониятларини чегаралайди.

Очиқ бозорда операциялар ўтказиш тижорат банклари ва аҳолига шуниси билан аҳамиятлики, облигациялар нархи ва фоиз ставкаси ўртасида тескари боғлиқлик мавжуд. МБ давлат облигацияларини сотиб олишни бошласа, уларга бўлган талаб ортиши туфайли нархи кўтарилади ва фоиз ставкаси эса камаяди. Қимматли қоғозлар эгалари (тижорат банклари ва аҳоли) облигацияларни МБга сота бошлайдилар, чунки эндиликда уларни сотишдан кўпроқ даромад кўрадилар. Ва аксинча, агарда МБ қимматли қоғозларни сотишни бошласа, таклиф ҳажми ортиши натижасида уларнинг нархи тушади ва сотиб олиш эндиликда манфаат келтиради, фоиз ставкаси эса кўтарилади.


Демак, банк заҳираларига инъекция ва оқимлар, яъни, қимматли қоғозларни МБ томонидан тегишлича сотиб олиш ва сотиш банк тизимиға монетар сиёсатнинг бошқа воситаларига нисбатан жуда тез таъсир кўрсатади, шунинг учун очиқ бозордаги

операциялар пул таклифи микдорига таъсир этадиган энг самарали, тезкор ва эгилувчан усул ҳисобланади.

Юқорида келтирилган воситалар орқали МБ пул-кредит сиёсати мақсадларини амалга оширади: пул массаси (қаттиқ монетар сиёсат) ёки фоиз ставкаси (юмшоқ монетар сиёсат)ни маълум даражада ушлаб туради (7.2 -расм).

*Монетар сиёсат турлари.* Монетар сиёсатнинг: 1) рағбатлантирувчи ва 2) пасайтирувчи турлари мавжуд.

*Рағбатлантирувчи монетар сиёсат иқтисодиётнинг пасайиш даврида амалга оширилиб, иқтисодиётни «жонлантириш», фаолликни ошириб, ишсизликни камайтиришни мақсад қилиб қўяди.*



а) қаттиқ пул сиёсати    б) юмшоқ пул сиёсати

**7.2- расм. Қаттиқ ва юмшоқ пул сиёсати**

*Пасайтирувчи монетар сиёсат иқтисодиётнинг «қизиган» даврида амалга оширилади, бу сиёсат инфляция суръатларини камайтиришни мақсад қилиб қўяди ва у иқтисодий фаолликни пасайтиришга қаратилгандир.*

Рағбатлантирувчи монетар сиёсатда МБ пул таклифини оширишга қаратилган чора-тадбирларни ўтказади ва унинг воситалари қуйидагилардан иборат: 1) заҳира меъёри талабларини камайтириш; 2) ҳисоб фоиз ставкасини пасайтириш ва 3) МБнинг давлат қимматбаҳо қофозларини сотиб олиши.

Пасайтирувчи монетар сиёсатда эса аксинча, МБ пул таклифини камайтиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширади, улар эса қуйидагиларда намоён бўлади: 1) заҳира меъёри талабларини ошириш; 2) ҳисоб фоиз ставкасини кўтариш ва 3) МБнинг давлат қимматбаҳо қофозларини сотиши.


### **7.3. Иқтисодиётга пул таклифи ўзгаришининг таъсири.**

Иқтисодиётга пул таклифи ўзгаришининг таъсир этиш механизми «*пул трансмиссияси механизми*» ёки «*пул узатиш механизми*» («*money transmission mechanism*») номини олган. Пул трансмиссияси механизми пул таклифининг ўзгариши (пул бозорида вазиятнинг ўзгариши) қандай қилиб реал ишлаб чиқариш ҳажми ўзгариши (реал бозордаги вазият, яъни товар ва хизматлар бозори)га таъсир этишини кўрсатади.

Иқтисодиётдаги ушбу механизм ҳаракатини мантиқий кетма-кетликда келтириб ўтамиз. Агарда иқтисодиётда пасайиш юз бераётган бўлса, у ҳолда МБ давлатнинг қимматбаҳо қоғозларини сотиб олади → тижорат банкларининг кредит имкониятлари ортади → банклар кредитларни кўпроқ беради → пул таклифи мультиплекатив тарзда ортади → фоиз ставкаси (кредит нархи) тушади → фирмалар арzon кредитларни катта хоҳиш билан оладилар → инвестицион ҳаражатлар кўпаяди → ялпи талаб ортади → ишлаб чиқариш ҳажми мультиплекатив равища ошади. Шуниси муҳимки, фоиз ставкаси пасайиши туфайли нафақат фирмалар ўз инвестиция ҳаражатларини оширадилар, балки уй хўжаликлари ҳам арzon истеъмол кредитларидан фойдаланиш имкониятига эга бўладилар, шунингдек хорижий сектор ҳам фоиз ставкаси пасайганда соф экспорт ҳаражатларини оширади, чунки бу ушбу мамлакат миллий валюта курсининг пасайишига, унинг товарлари хорижликлар учун нисбатан арzon ва жозибадор бўлишига олиб келади. Барқарорлаштириш сиёсатининг таъсири қисқа муддатда кўрилганлиги сабабли, рағбатлантирувчи монетар сиёсатнинг иқтисодиётга таъсирини чизмада қуйидагича тасвирлаш мумкин бўлади (7.3- расм).

Пасайиш даврида қўлланиладиган бу сиёсат «арzon пуллар» номини олган. МБ томонидан иқтисодиётнинг «қизиган» даврида ўтказиладиган ва иқтисодий фаолликни пасайтиришга йўналтирилган сиёсати «қиммат пуллар сиёсати» дейилади ва уни қуйидаги кетма-кетликда тушунтириш мумкин: МБ давлатнинг қимматли қоғозларини сотади → тижорат банкларининг кредит имкониятлари чекланади → пул таклифи мультиплекатив равища қисқаради → фоиз ставкаси (кредит нархи) ошади → фирмалар томонидан қиммат кредитларга талаб пасаяди → инвестиция

ҳаражатлари қисқаради → ялпи талаб камаяди → ишлаб чиқариш ҳажми пасаяди.



**7.3-расм. Рағбатлантирувчи монетар сиёсатда пул трансмиссияси механизми**

Ҳар икки ҳолатда ҳам иқтисодиёт барқарорлашади ва ушбу механизмнинг самарали ишлаши давлатнинг монетар сиёсат воситаларини иқтисодиётнинг қайси даврида қандай қўллай олишига бевосита боғлиқ бўлади.

#### 7.4. Монетар сиёсатнинг афзаликлари ва камчиликлари

Пул-кредит сиёсати бир қатор афзалик ва камчиликларга эга бўлиб, қуйида биз уларни келтириб ўтамиз.

##### *Монетар сиёсатнинг афзаликлари:*

1. *Ички оралиқ вақтнинг мавжуд эмаслиги.* Ички оралиқ вақт – бу мамлакатдаги иқтисодий вазиятни англаб етиш ва уни яхшилашга қаратилган чора-тадбирларни қўллаш вақтлари оралиғидаги даврни ўз ичига олади. МБ томонидан давлатнинг қимматли қоғозларини сотиб олиш ёки сотиш ҳақидаги қарори тез вақт ичидан қабул қилинади. Ривожланган давлатларда бундай қимматбаҳо қоғозлар юқори ликвидли ва ишончли бўлганлиги учун

аҳоли, банклар томонидан катта иштиёқ билан харид қилинади ва уларни МБ томонидан сотиб олинишида ҳам муаммолар пайдо бўлмайди.

*2. Сиқиб чиқариши самарасининг мавжуд эмаслиги.* Рағбатлантирувчи фискал сиёсатдан фарқли равишда рағбатлантирувчи монетар сиёсат (пуллар таклифининг ошиши) фоиз ставкаси пасайишини шарт қилиб қўяди, бу эса инвестицияларни сиқиб чиқармасдан, балки уларни ва фоиз ставкаси ўзгаришига сезувчан бўлган автоном ҳаражатлар ва мултипликатив ишлаб чиқаришнинг ўсишини рағбатлантиради.

*3. Мултипликатор самараси.* Монетар сиёсат фискал сиёсат каби иқтисодиётга таъсир этишда мултипликатив самараға эга бўлиб, бунда икки мултипликатор таъсир кўрсатади: а) банк мультипликатори депозитларнинг кенгайиши жараёнини таъминлади (яъни пул массасининг мультипликатив ошиши) ва б) автоном ҳаражатларнинг ортиши, пул таклифининг мультипликатив тарзда ортиши шароитида фоиз ставкасининг пасайиши натижасида (автоном ҳаражатларнинг мултипликатор самараси билан биргаликда) ялпи ишлаб чиқариш ҳажмини оширади.

*Монетар сиёсатнинг камчиликлари* қуйидагилар:

*1. Инфляциянинг юз берииш хавфи.* Рағбатлантирувчи монетар сиёсат, яъни пул таклифининг ортиши қисқа муддатда ҳам, узок муддатда ҳам инфляцияга олиб келади. Шунинг учун кейнсча йўналиш тарафдорлари монетар сиёсатни иқтисодиёт «қизиган» пайтда (инфляцияли узилишда) қўллашни, яъни ушлаб турувчи монетар сиёсат даврида ўтказиш кераклигини таклиф этадилар. Рецессияда эса, уларнинг фикрича монетар сиёсат эмас, балки рағбатлантирувчи фискал сиёсат воситаларидан фойдаланиш кераклигини таъкидлайдилар.

*2. Пул трансмиссияси механизмининг мураккаблиги ва ташқи оралиқ вақтнинг мавжудлиги туфайли унинг издан чиқиши эҳтимоли борлиги.* Ташқи оралиқ вақт иқтисодиётни барқарорлаштиришга қаратилган чора-тадбирларни қабул қилиш (МБ томонидан пул ҳажмини ўзгартириш бўйича қарор қабул қилиш) ва уларни иқтисодиётга таъсир этиш натижалари пайдо бўлгунга қадар керак бўладиган вақт (ишлаб чиқариш ҳажмидаги ўзгариш орқали ифодаланади) оралиғини ўз ичига олади. МБнинг давлат қимматли қоғозларини харид қилиши ва сотиши тез амалга ошириладиган жараён, яъни тижорат банкларининг кредит

имкониятлари тез ўзгаради. Аммо пул трансмиссияси механизми узоқ вақт ишлайди ва бир нечта босқичдан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бирида тўхтаб қолиш вазиятлари рўй бериши мумкин.

*3. Пул таклифининг ўзгаришидан келиб чиқсан қўшимча самараларнинг мавжудлиги ҳам монетар сиёсатнинг самарадорлигини камайтиради.* Масалан, агарда МБ пул массасини оширса, фоиз ставкаси тушади, нақд пулларни сақлашнинг альтернатив ҳаражатлари камаяди, яъни нақд пулларни банкларда сақлаш эндиликда кам даромад келтиради. Бундай шароитда аҳоли ўз маблағларини депозитлардан нақд пулларга ўтказишни афзал кўрадилар ва бунда депонентлаш меъёри камаяди. Депонентлаш меъёри -  $cr$  (коэффициенти) қўйидагича аниқланишини эслатиб ўтамиш:

$$cr = c/D \quad (7.4.1)$$

бунда,

$cr$  – депонентлаш меъёри коэффициенти;

$c$  – нақд пуллар;

$D$  – депозитлар.

Бир вақтнинг ўзида фоиз ставкасининг пасайиши (кредит нархи) тижорат банкларининг кредит беришларига қизиқишлигини камайтиради ва бунда уларнинг ортиқча заҳиралари кўпаяди (excess reserves), бу эса заҳира меъёри катталигига намоён бўлади. Унинг формуласи олдинги бобда келтириб ўтилган эди:

$$rr = R_{зах} / D \quad (7.4.2)$$

бунда,

$rr$  – заҳира меъёри коэффициенти;

$R_{зах}$  – заҳира миқдори;

$D$  – депозитлар.

$$\text{ёки } rr = ur + er \quad (7.4.3)$$

бунда,

$ur$  – мажбурий заҳира меъёри (МБ томонидан белгиланади);

$er$  - ортиқча заҳира меъёри (тижорат банкларининг ўзлари томонидан белгиланади).

*4. Монетар сиёсатнинг фискал сиёсатга боғлиқлиги шароитида МБнинг пул таклифи назоратини йўқотиши.* Агарда МБ фаолияти бюджет муаммоларини ҳал этишга қаратилса, яъни давлат ҳаражатларини (давлатнинг рағбатлантирувчи фискал сиёсати) ёки давлат бюджети камомадини молиялаштиришни таъминлашга қаратилган бўлса, у ҳолда монетар сиёсат фискал

сиёсат муаммоларини ҳал этишга түлиқ бўйсундирилган бўлади. Маълумки, давлат ҳаражатларининг ошиши ва давлат бюджети камомади қуидагилар орқали молиялаштирилади: а) МБ томонидан давлатнинг қимматли қоғозларини сотиб олиниши ёки тўғридан-тўғри пул эмиссияси; б) давлатнинг қимматли қоғозларини аҳоли томонидан сотиб олиниши (ички қарз) ва в) хориждан қарз олиш (ташқи қарз). Агар маълум бир сабабларга кўра қарз ҳисобига молиялаштириш мумкин бўлмай қолса, у ҳолда хукumat бюджет ҳаражатлари ва камомадини эмиссия усулидан фойдаланиб қоплади, аммо бу усул бир томондан, инфляцияни келтириб чиқарса, иккинчи бир томондан МБни монетар сиёсат йўналишини аниқлашда мустақил бўлишиликдан маҳрум этади. Монетар сиёсат фискал сиёсат муаммоларини ҳал этишда унинг «асир»ига айланади.

Замонавий шароитларда пул-кредит сиёсатининг самардорлиги кўп жиҳатдан МБ сиёсатига ишонч ва унинг ижро этувчи хукumatдан мустақил бўла олишлик даражаси билан аниқланади. Ривожланган ва ўтиш даври иқтисодиётини бошидан кечираётган давлатларда кўп ҳолларда шундай қонуниятни кузатиш мумкин: МБнинг мустақиллиги (расмий ва норасмий) қанчалик сезиларли даражада бўлса, инфляция даражаси ва бюджет камомади шунчалик кам бўлади.

## Қисқача холосалар

1. Пул-кредит (монетар) сиёсат бу - барқарорлаштириш сиёсатининг бир тури ҳисобланиб, у фискал, ташқи савдо, структуравий, валюта ва бошқа сиёсатлар билан бир қаторда иқтисодий тебранишларни олдини олишга қаратилган сиёсатdir.

2. Монетар сиёсат ялпи талабга таъсир ўтказиб, иқтисодий конъюнктурани ўзгартиради. Таъсир ўтказиладиган обьект бўлиб пул бозори ва энг аввало пул массаси ҳисобланади.

3. Монетар сиёсатни Марказий Банк белгилаб беради ва амалга оширади. Аммо иқтисодиётда пул таклифининг ўзгариши фақатгина Марказий Банк операциялари натижасида эмас, балки тижорат банклари, шунингдек уй хўжаликлари ва фирмалар қарорларига ҳам боғлиқ ҳолда ўзгаради.

4. Марказий банкнинг пул ҳажмини назорат қилишига имконият берувчи *пул-кредит сиёсати воситалари* қуидагилардан

иборатдир: *а) мажбурий заҳира меъёрининг ўзгариши; б) ҳисоб ставка фоизидаги ўзгариши; (қайта молиялаштириши ставкаси); в) очиқ бозордаги операциялар.*

5. *Мажбурий заҳира меъёри* – бу тижорат банкларининг МБ да ўзларининг бир қисм депозитларини фоизсиз омонатлар (агарда мамлакатда заҳиралари банк тизими бўлса) ёки накд пуллар шаклида сақлашидир.

6. *Ҳисоб фоиз ставкаси* – бу Марказий банкнинг тижорат банкларига кредитлар бўйича берадиган фоизидир. Тижорат банклари ўз заҳираларини тезкор равишда тўлдиришлари зарурати пайдо бўлганда ёки мураккаб молиявий вазиятга тушиб қолганларида Марказий банкдан қарз олишлари мумкин ва бунда у тижорат банклари учун охирги босқич кредитор бўлиб хизмат қиласиди.

7. Пул массасини назорат қилишнинг муҳим ва тезкор воситаси очиқ бозордаги операциялар ҳисобланади. Очиқ бозордаги операциялар деганда, МБнинг қимматли қофозларни иккиласчи бозорда давлатнинг облигациялари, векселларини сотиши ва харид қилиш бўйича олди-сотди операциялари тушунилади.

8. Иқтисодиётга пул таклифи ўзгаришининг таъсир этиш механизми «*пул трансмиссияси механизми*» ёки «*пул узатиш механизми*» (*«money transmission mechanism»*) номини олган. Пул трансмиссияси механизми пул таклифининг ўзгариши (пул бозорида вазиятнинг ўзгариши) қандай қилиб реал ишлаб чиқариш ҳажми ўзгариши (реал бозордаги вазият, яъни товар ва хизматлар бозори)га таъсир этишини кўрсатади.

9. Пул-кредит сиёсати бир қатор афзаллик ва камчиликларга эга.

10. Давлат МБнинг монетар сиёсат инструментларидан тўғри ва оқилона фойдаланиб, уни фискал, ташқи савдо, структуравий, валюта ва бошқа сиёсатлари билан бирга самарали олиб борса, мамлакатнинг юқори даражадаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши таъминланади.

## **Таянч иборалар**

Пул-кредит сиёсати, барқарорлаштириш сиёсати, барқарор иқтисодий ўсиш, ресурсларнинг тўлиқ бандлиги, нархлар даражасининг барқарорлиги, тўлов балансининг мувозанати, очик бозордаги операциялар, ҳисоб фоиз ставкаси, қиммат пуллар сиёсати, арzon пуллар сиёсати, қаттиқ ва юмшоқ пул сиёсати, мажбурий заҳира меъёри, пул таклифи, тижорат банклари кредит имкониятлари, пул базаси, РЕПО, давлатнинг қимматбаҳо қофзлари, рағбатлантирувчи монетар сиёсат, рағбатлантирувчи ва пасайтирувчи монетар сиёсат, пул трансмиссияси механизми

## **VIII БОБ ФИСКАЛ СИЁСАТ. ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ. ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТАҚЧИЛЛИГИ ВА ДАВЛАТ ҚАРЗЛАРИ**

8.1. Фискал сиёсат, унинг воситалари. Фискал сиёсат воситаларининг ялпи талаб ва ялпи таклифга таъсири.

8.2. Давлат бюджети. Бюджет тақчиллиги.

8.3. Давлат бюджети концепциялари.

8.4. Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш йўллари.

8.5. Давлат қарзлари, унинг турлари ва оқибатлари.

### **Қисқача хуносалар**

#### **Таянч иборалар**

##### **8.1. Фискал сиёсат, унинг воситалари.**

##### **Фискал сиёсат воситаларининг ялпи талаб ва ялпи таклифга таъсири.**

**Фискал сиёсат** давлат иқтисодий сиёсатининг таянчи ҳисобланиб, у давлат бюджети даромади ёки ҳаражатларини ўзгартириш орқали иқтисодиётни барқарорлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмууни акс эттиради. Шунинг учун фискал сиёсат солиқ-бюджет сиёсати деб ҳам аталади.

Даврий тебранишларни олдини олишга, текислашга (аксилдаврий чоралар кўришга), яъни барқарорликка қаратилган ҳар қандай сиёсат каби фискал сиёсатининг мақсадлари ҳам қуйидагиларни таъминлашга қаратилгандир:

- барқарор иқтисодий ўсиш;
- ресурсларнинг тўлиқ бандлиги (энг аввало даврий ишсизлик муаммосини ҳал этиш);
- барқарор нархлар даражаси (инфляция муаммосини ҳал этиш).

Фискал сиёсат – бу энг аввало ҳукуматнинг ялпи талабни таъминлашга (тартибга солишга) қаратилган сиёсатидир. Иқтисодиётни тартибга солиш бундай шароитда ялпи ҳаражатларга таъсир этиш орқали амалга оширилади. Аммо фискал сиёсатнинг баъзи воситалари ялпи таклифга фаоллик даражаси орқали таъсир этиш учун ҳам қўлланилиши мумкин. Фискал сиёсатни ҳукумат олиб боради.

Фискал сиёсатнинг воситалари бўлиб давлат бюджетининг даромад ва ҳаражатлари ҳисобланади:

- давлат ҳаражатлари;
- солиқлар;
- трансферлар.

Фискал сиёсат инструментларининг ялпи талабга таъсири турличадир. Ялпи талаб формуласидан

$$AD = C + I + G + X_n \quad (8.1)$$

маълумки, давлат ҳаражатлари ( $G$ ) ялпи талабнинг таркибий қисми ҳисобланади, шунинг учун давлат ҳаражатларининг ўзгариши ялпи талабга тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади, солиқлар ва трансферлар эса ялпи талабга билвосита таъсир этади (бунда улар таъсирида истеъмол ва инвестиция ҳаражатлари, яъни  $C$  ва  $I$  ўзгаради).

Давлат ҳаражатларининг ортиши ялпи талабни ошиrsa, уларнинг қисқариши эса  $AD$  ни камайишига олиб келади, чунки давлат ҳаражатлари ялпи ҳаражатларнинг бир қисми ҳисобланади. Трансферларнинг ортиши ҳам ялпи талабни оширади. Бир томондан ижтимоий трансфер тўловларининг ортиши уй хўжаликларининг шахсий даромадларини оширади, бунинг оқибатида эса истеъмол ҳаражатлари ортади. Иккинчи бир томондан, трансфер тўловлари (субсидия)нинг фирмаларга берилиши уларнинг ички молиялаш имкониятларини оширади, бу эса инвестиция ҳаражатларининг ошишига олиб келади. Субсидияларнинг қисқариши эса ялпи талабни камайишига олиб келади.

Солиқларнинг ортиши тескари йўналишда таъсир кўрсатади. Солиқларнинг оширилиши ҳам истеъмол (чунки ихтиёрдаги даромад камаяди), ҳам инвестиция (чунки соф инвестиция манбаи бўлган тақсимланмаган фойда камаяди) ҳаражатлари, яъни  $C$  ва  $I$  нинг камайишига, бу эса  $AD$  ни пасайишига сабаб бўлади ва аксинча, солиқларнинг пасайиши ялпи талабни оширади. Солиқларнинг камайиши  $AD$  эгри чизигини ўнгга силжитади ва бунда реал ЯММ ҳам ортади.

Шунинг учун фискал сиёсат воситаларидан иқтисодий даврнинг турли фазаларида иқтисодиётни барқарорлаштириш учун фойдаланиш мумкин.

Иқтисодий даврнинг ҳолатига, яъни иқтисодиёт ҳозирда қандай даврий фазада эканлигига кўра, фискал сиёсат воситалари турлича қўлланилади. Фискал сиёсатнинг икки тури мавжуд (8.1.1-расм):


1) *Рағбатлантирилувчи фискал сиёсат.* 2) *Пасайтирилувчи фискал сиёсат.*

Рағбатлантирилувчи фискал сиёсат воситалари иқтисодиёттинг тушкунлик даврида қўлланилади (8.1.1а-расм), у ишлаб чиқариш қисқаришини олдини олишга, ишсизлик даражасини камайтиришга ва ялпи талабни оширишга қаратилган. Унинг воситалари:

- давлат ҳаражатларини ошириш;
- солиқларни пасайтириш;
- трансферт тўловларини қўпайтириш.

Пасайтирилувчи (ушлаб турилувчи) фискал сиёсат (8.1.1.б-расм) иқтисодиёт тўлиқ бандликка эришганда, яъни ўзининг юқори чўққисига чикқан (иқтисодиёт қизиган) даврда қўлланилади, у ортиқча ишлаб чиқаришни камайтириш, инфляция суръатларини пасайтириш ва AD (ялпи ҳаражатлар) ни камайтиришга қаратилган. Унинг воситалари қуидагилардан иборатdir:

- давлат ҳаражатларини камайтириш;
- солиқларни ошириш;
- трансферт тўловларини камайтириш.



### 8.1.1-расм Фискал сиёсат турлари.

бунда,

$AD$  – ялпи талаб;

$LRAS$  – узоқ муддатда ялпи таклиф;

$SRAS$  – қисқа муддатда ялпи таклиф;

$Y$  – миллий ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми;

Р – нархлар даражаси.

Бундан ташқари фискал сиёсат: **дискрецион ва нодискрецион (автоматик)** турларга бўлинади.

Дискрецион фискал сиёсат деганда, ҳукуматнинг қонуний (расмий) равишда иқтисодиётни барқарорлаштириш мақсадида давлат ҳаражатларини, солиқ ва трансферларни ўзгартириши тушунилади.

Нодискрецион (автоматик) фискал сиёсат автоматик (ўрнатилган) стабилизаторларнинг таъсир этиши билан боғлиқдир. Автоматик стабилизаторлар – бу катталиги ўзгартирилмайдиган воситалар бўлиб, улар мавжудлиги (иқтисодий тизимга ўрнатилганилиги)нинг ўзи иқтисодиётни автоматик равишда барқарорластиради. Улар иқтисодиёт тушкунликка тушган даврда фаолликни оширади ва иқтисодиёт «қизиган» вақтда уни пасайтиради.

Автоматик стабилизаторларга қуйидагилар киради:


- а) даромад солиғи (уй хўжаликларининг даромадлари ва корпорациялар фойдаларига солинадиган соликлар);
- б) эгри соликлар (энг аввало кўшилган қиймат солиғи);
- в) ишсизлик бўйича нафақалар ва бошқалар.

Фискал сиёсат инструментлари бўлган солиқ ва трансферлар фақатгина ялпи талаб (AD)га эмас, балки ялпи таклиф (AS)га ҳам таъсир кўрсатади. Соликларнинг камайтирилиши ва трансфер тўловларининг оширилиши иқтисодиётни барқарорлаштириш ва тушкунлик даврида, даврий ишсизликка қарши курашда, яъни ялпи ҳаражатларни оширишда рағбатлантирувчи, фаолликни ва бандликни оширувчи муҳим восита ҳисобланади.

Соликларнинг камайтирилиши, трансферларнинг оширилиши натижасида (кейнсча моделда), ишлаб чиқариш ҳажми ошсада, аммо бунда нархлар даражаси ошиши кузатилади, яъни бу воситаларнинг бундай ўзгариши инфляцияни келтириб чиқаради. Шунинг учун иқтисодиёт чўққига чиқсан даврда фаолликни камайтирувчи, антиинфляцияли чора-тадбирлар бўлиб соликларни ошириш ва трансферларни камайтириш ҳисобланади. Аммо фирмалар учун соликлар ҳаражат ҳисобланади ва соликларнинг оширилиши ялпи таклифнинг қисқаришига, уларнинг камайтирилиши эса ASни ошишига (фаолликни ва ишлаб чиқариш ҳажмининг ошишига) олиб келади.

Соликларнинг ялпи таклифга таъсирини ўрганган олим АҚШ собиқ президенти Р.Рейганинг маслаҳатчиси, «таклиф иқтисодий

назария»си концепцияси асосчиларидан бири бўлган Артур Лаффердир. Лаффер шундай бир гипотетик эгри чизиқни яратдики, у орқали солиқ ставкаси ўзгариши туфайли давлат бюджетига тушадиган умумий солиқ тушумлари ўзгаришини кўриш мумкин (бу эгри чизиқ гипотетик деб аталишининг сабаби, Лаффер унда ўз хулосаларини статистик маълумотлар асосида эмас, балки гипотеза (тахмин қилиш) орқали, яъни логик мулоҳаза орқали тушунириб берган (8.1.2-расм).



### **8.1.2-расм. Лаффер эгри чизиги**

бунда,

$t$  – солиқ ставкалари;


$t_{\text{опт}}$  – оптимал солиқ ставкаси;

$T$  – солиқ тушумлари.

Бу эгри чизиқда оптимал солиқ ставкаси кўрсатилган бўлиб ( $t_{\text{опт}}$ ), бундай солиқ ставкада солиқ тушумлари максимал ( $T_{\text{max}}$ ) бўлади. Агар солиқ ставкаси оширилса ( $t_{\text{опт}}$  дан), у ҳолда фаоллик даражаси пасаяди ва солиқ тушумлари қисқаради, чунки солиқ базаси –  $Y$  камаяди.

Шунинг учун стагфляцияга қарши курашда (яъни бир пайтда ишлаб чиқаришнинг тушиб кетиши ва инфляцияда) 80-йилларда Лаффер солиқ ставкасини тушириш чорасини таклиф этди (ҳам даромад солиғи, ҳам корпорациялар фойдасига солиқларни).

Солиқларни пасайтириш ялпи талабни ошириб, ишлаб чиқариш ҳажмини ошиrsa ва инфляцияга олиб келса, ялпи таклифга у антиинфляцияли чора сифатида таъсир этади, яъни ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши ( $Y_1$  дан  $Y^*$  гача) нарх даражасининг пасайиши билан кузатилади (8.1.3-расм).



**8.1.3-расм. Солиқлар пасайишининг ялпи таклифга таъсири**

## 8.2. Давлат бюджети. Бюджети тақчиллиги

Давлат бюджети деганда, умумжамият миқёсида марказлашган ва давлат иштирокида ҳосил бўлувчи ва сарфланувчи молиявий ресурслар тушунилади. Унинг асосий вазифаси молиявий воситалар ёрдамида иқтисодиётни самарали ривожлантириш ва умумдавлат миқёсидаги вазифаларни ҳал қилишdir.

Давлат бюджети – бу маълум давр ичida (одатда 1 йил) давлат даромад ва ҳаражатларининг баланслашуви ҳисобланиб, у мамлакатнинг асосий молиявий режасини акс эттиради ва ҳукуматнинг қонун қабул қилувчи органи ҳисобланган Олий Мажлис (парламент, давлат думаси, конгресс) томонидан қабул қилингандан сўнг ижро учун қонуний ва мажбурий тус олади.

Ўз функцияларини амалга оширишда давлат жуда кўп ҳаражатлар қиласди. Турли мақсадларда ишлатилишига кўра давлат ҳаражатлари қуйидагиларга бўлинади:

- *сиёсий мақсадларни амалга ошириш учун: миллий ҳимоя ва ҳавфсизликни таъминлаш ҳаражатлари, яъни армия, полиция, судларни ва бошқаларни таъминлашга, давлатнинг бошқарув аппаратини таъминлашга сарфланадиган ҳаражатлар;*
- *иқтисодий мақсадларга сарф-ҳаражатлар: иқтисодиётда давлат секторининг фаолият юритишини таъминлаш учун,*

иқтисодиётнинг хусусий секторига ёрдам бериш учун(субсидиялар) сарфланадиган ҳаражатлар;

• ижтимоий мақсадларни амалга ошириш учун: ижтимоий таъминот ҳаражатлари (стипендиялар, нафақалар), таълим, соғлиқни сақлаш, фундаментал фанлар ривожига, атроф-муҳит мухофазасига сарфланадиган ҳаражатлар.

Макроиқтисодиёт нуқтаи назаридан давлат ҳаражатлари қуидагиларга бўлинади:

- товар ва хизматларнинг давлат хариди (ЯИМга киритилади)
- трансферлар (ЯИМга киритилмайди)
- давлат облигациялари бўйича фоиз тўловлари (давлат қарзи хизмати ҳисобланади).

Даромадларнинг асосий манбаи бўлиб қуидагилар ҳисобланади:

- солиқлар (ижтимоий суғурта бадалларини ҳам ўз ичига олади);
- давлат корхоналаридан келадиган фойда;
- сенъораж (пул эмиссиясидан тушадиган даромад);
- хусусийлаштиришдан тушадиган даромад.

**Давлат бюджетининг ҳолатлари.** Давлат ҳаражатлари ва даромадлари ўргасидаги фарқ давлат бюджети сальдосини ташкил этади. Давлат бюджети кўриниши уч ҳолатда бўлиши мумкин:

1. Даромадлар ҳаражатлардан юқори ( $T > G$ ), бюджет сальдоси мусбат, бунда давлат бюджети ортиқчалиги (профицит) кузатилади.

2. Даромадлар ҳаражатларга teng ( $T = G$ ), бюджет сальдоси 0 га teng, яъни бюджет баланслашган бўлади.

3. Даромадлар ҳаражатлардан кам ( $T < G$ ), бюджет сальдоси манфий, яъни давлат бюджети камомади (дефицит) кузатилади.

Иқтисодий даврнинг турли фазаларида давлат бюджети ҳолати турлича бўлади. Пасайиш фазасида бюджет даромади қисқаради (чунки иқтисодий фаоллик сусаяди ва оқибатда солик базаси камаяди), шунинг учун давлат бюджети тақчиллиги (агар у аввалдан мавжуд бўлган бўлса) ортади, профицит (агар у мавжуд бўлган бўлса) қисқаради. Юқори, яъни чўққи деб аталмиш фазада аксинча, бюджет дефицити камаяди (чунки солик тушумлари, яъни бюджет даромади ортади), профицит эса ортади.

**Бюджет тақчиллиги ва унинг қўринишлари.** Ҳар бир давлат бюджетнинг даромад қисми билан ҳаражат қисмларининг teng бўлишини таъминлашга ҳаракат қиласиди. Аммо амалда кўп

ҳолатларда ҳаражат даромадга нисбатан юқоририқ бўлади. Натижада бюджет тақчиллиги юзага келади. Унинг пайдо бўлиши бир қатор сабабларга боғлик:

- ишлаб чиқаришнинг пасайиши;
- ижтимоий дастурларга кўзланган ҳаражатлардан кўпроқ сарфлаш;
- мудофаага ҳаражатнинг ошиб кетиши;
- яширин (хуфёна) иқтисодиётнинг қўпайиши.

Бюджет камомадининг *структуравий, даврий* ва *амалдаги* кўринишлари мавжуд.

Бюджет камомадининг структуравий кўриниши ресурсларнинг тўлиқ бандлиги шароитида, мавжуд бўлган солик тизимида давлат ҳаражатлари ва даромадлари ўртасидаги фарқ орқали аниқланади:

$$\delta^S = G - tY^* \quad (8.2.1)$$

бунда,

$\delta^S$  - бюджетнинг структуравий камомади;

$G$  - давлат ҳаражатлари;

$t$  - солик ставкаси;

$Y^*$  - потенциал ЯИМ.

Даврий камомад давлат бюджетининг амалдаги ва структуравий камомадлари ўртасидаги фарқ билан аниқланади:

$$\delta^C = \delta - \delta^S = (G - tY) - (G - tY^*) = t(Y^* - Y) \quad (8.2.2)$$

$\delta^C$  - бюджетнинг даврий камомади;

$\delta$  - амалдаги бюджет камомади;

$\delta^S$  - бюджетнинг структуравий камомади;

$G$  - давлат ҳаражатлари

$t$  - солик ставкаси;

$Y$  - амалдаги ЯИМ;

$Y^*$  - потенциал ЯИМ.

Пасайиш даврида амалдаги камомад структуравий камомаддан катта бўлади, чунки структуравий камомадга даврий камомад қўшилади (рецессияда  $Y < Y^*$ ). Юксалиш даврида амалдаги камомад структуравий камомаддан даврий камомаднинг абсолют катталигига камдир, чунки чўққи фазада  $Y > Y^*$ . Структуравий камомад рағбатлантирувчи дискрецияли фискал сиёсатнинг, даврий камомад эса автоматик фискал сиёсатнинг, яъни автоматик стабилизаторлар таъсирининг натижасидир.

Шунингдек, бюджетнинг жорий ва бирламчи камомади мавжуддир. Жорий бюджет камомади (ёки бюджетнинг жорий камомади) давлат бюджетининг умумий камомадини билдиради. Бюджетнинг бирламчи камомади умумий (жорий) камомад ва давлатнинг қарзлар хизмати бўйича тўлаган тўловлари ўртасидаги фарқ билан аниқланади.

### **8.3. Давлат бюджети концепциялари**

Бюджет камомадига бўлган муносабат салбий ҳисобланиб, баланслашган бюджет ғояси энг мақбул ҳисобланади. Тарихан давлат бюджети ҳолатига бўлган муносабат учта концепция орқали илгари сурилган:

- а) бюджетнинг йилига баланслашуви ғояси;
- б) бюджетнинг иқтисодий даврнинг фазалари бўйича баланслашуви ғояси (даврийлик асосида);
- в) бюджетнинг баланслашуви эмас, балки иқтисодиётнинг баланслашуви ғояси.

**Бюджетнинг йилига баланслашуви** концепциясига кўра, иқтисодиёт даврининг ҳар қандай фазасида йилига бюджет ҳаражатлари унинг даромадларига тенг бўлиши лозим деб ҳисобланади. Бу дегани, масалан, агар пасайиш даврида бюджет даромадлари (солик тушумлари) минимал бўлганда, давлат бюджетни баланслаштириш учун ўз ҳаражатларини (давлат хариди ва трансферларни) пасайтириши керак бўлади. Давлат харидлари ва трансферларни камайтириш тадбири эса ялпи талаб ва ишлаб чиқариш ҳажмини камайишига, яъни янада чукурроқ иқтисодий пасайишга олиб келади. Ва аксинча, агар иқтисодиёт ривожланишининг чўққисига чиқсан, яъни солик тушумлари максимал бўлган даврида бўлса, давлат ҳаражатлари ва даромадларини тенглаштириш учун давлат ҳаражатларни ошириши лозим, бунда энди иқтисодиёт янада қизиб жонланади ва бу инфляцияни кучайишига олиб келади. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, давлат бюджетини баланслаштиришнинг бундай йўлини назарий жиҳатдан тўғри деб бўлмайди.

**Бюджетни иқтисодий даврнинг фазалари асосида баланслаштириши концепциясида** эса ҳар йили баланслашган бюджет бўлиши зарур деб ҳисобламайди. Мухими бюджет иқтисодиётнинг маълум бир давомида баланслашган бўлиши

лозим: иқтисодиёт «қизиган» ва чўққига чиққанда (иқтисодий фаоллик юқори бўлган шароит), яъни бюджет даромадлари максимал бўлганда бюджетдаги ортиқчалик рецессия (иқтисодий фаоллик минимал бўлган вазият) даврида, бюджет даромадлари кескин камайган вақтда бюджет тақчиллигини молиялаштириш учун сарфланиши мумкин. Бу концепция ҳам камчиликдан ҳоли эмас. Гап шундаки, иқтисодий циклнинг юқори (чўққи) фазаси ва рецессия даврлари давомийлиги ва чукурлилиги билан фарқланади. Шунинг учун чўққи давридаги бюджетдаги ортиқчалик тушкунлик давридаги тақчиллик (дефицит) билан мос келмайди, шунинг учун бюджет баланслашувини кўп ҳолларда таъминлаш мумкин бўлмай қолади.

Энг кенг тарқалган концепция бу *давлатнинг бюджетни баланслаштиришга қаратилган эмас, балки иқтисодиётни барқарорлаштиришга эришишини мақсад қилиб қўйган концепцияси* ҳисобланади. Бу ғоя Кейнснинг «Бандликнинг, фоиз ва пулларнинг умумий назарияси» деб аталган китобида (1936 й.) илгари сурилган ва иқтисодиёти ривожланган давлатларда 70-йилларнинг ўрталарига қадар фаол қўлланилган. Кейнс давлат бюджети воситалари (давлат ҳаражатлари, солиқлар ва трансферлар)ни аксилдаврий, иқтисодиётни барқарорлаштирувчи регуляторлари сифатида иқтисодий даврнинг турли фазаларида қўлланилиши мумкин деб ҳисоблайди.

Агар иқтисодиётда пасайиш вазияти юз берган бўлса, у ҳолда давлат иқтисодий фаолиятни фаоллаштириш ва иқтисодий ўсишга эришиш мақсадида ўз ҳаражатларини (давлат хариди ва трансферларни) ошириши лозим ва солиқларни пасайтириши керак, бунинг оқибатида эса ялпи талаб ортади. Ва аксинча, агар иқтисодиёт «қизиган» даврни бошдан кечираётган бўлса, у ҳолда давлат ҳаражатларни қисқартириб, солиқлар(даромадлар)ни ошириши лозим, бунинг натижасида иқтисодий фаоллик пасаяди ва иқтисодиёт «совийди», бу эса барқарорликни таъминлаб беради. Давлат бюджетининг ҳолати бунда ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмайди.

Кейнс назарияси рецессия, яъни иқтисодиётнинг пасайиш даври билан қурашишга йўналтирилган бўлиб, у энг аввало бюджетни тартибга солишда унинг воситалари (давлат ҳаражатлари ва трансферлар, яъни бюджет ҳаражатларини ошириш ва солиқларни, яъни даромадларни камайтириш)дан фойдаланишни

шарт деб ҳисобланган ва шу сабабдан бу назария «молиявий камомад» ғоясига асосланган деб айтиш мумкин. Кўпгина ривожланган давлатларда 50-60 йилларда бундай кейнсча рецептнинг қўлланилиши 70-йиллар ўрталарига келиб бюджет тақчиллигининг сурункали бўлиб қолиши ва инфляция жараёнларининг кучайишига олиб келди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, йил давомида ҳам, иқтисодий даврнинг турли фазаларида ҳам бюджет тақчиллигига йўл қўймаслиқ, маълум бир даврда бундай вазият юзага келган шароитда эса унинг сурункали бўлиб қолишининг олдини олишга қаратилган кескин чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

#### **8.4. Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш йўллари**

Давлат бюджети тақчиллиги 3 усулда молиялаштирилиши мумкин:

- пул эмиссияси ҳисобига;
- ўз мамлакати аҳолисидан қарз олиш ҳисобига (ички қарз);
- бошқа мамлакатлардан ёки халқаро молиявий ташкилотлардан қарз олиш ҳисобига (ташқи қарз ҳисобига).

Биринчи усул давлат бюджети тақчиллигини молиялаштиришнинг эмиссияли ёки пуллик усули ҳисобланади, иккинчи ва учинчи усул эса мажбуриятли усуллар ҳисобланади. Ҳар бир усулнинг афзалликлари ва камчиликлари мавжуд бўлиб, биз уларни қўйида кўриб чиқамиз.

***Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштиришининг эмиссияли усули.*** Бу усулда давлат (Марказий банк) пул массаси ҳажмини оширади, яъни муомалага қўшимча пулларни чиқаради, унинг ёрдамида эса ҳаражатларни қоплади.

Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштиришининг эмиссияли усули *афзалликлари*:

- пул массаси ҳажмининг ошиши ялпи талабни оширади ва бунинг натижасида ишлаб чиқариш ҳажми ортади. Пул таклифи ортиши пул бозорида фоиз ставкасининг пасайишига (кредит наринин арzon бўлишига) олиб келади, бу эса инвестицияларни, ялпи ҳаражатлар ва ишлаб чиқариш ҳажмини оширади. Бу чора иқтисодиётга рағбат бериши ва уни рецессия ҳолатидан чиқиб кетишига хизмат қилиши мумкин;

- бу чорани тез вақт ичида амалга ошириш мумкин. Бунда шуни айтиб ўтиш жоизки, пул массасини кўпайтириш Марказий банк томонидан очик бозорда операциялар ўтказиб давлатнинг қимматбаҳо қоғозларини сотиб олганда ва сотувчиларга (уй хўжаликлари ва фирмаларга) бу қимматбаҳо қоғозларнинг нархини тўлаб муомалага қўшимча пулларни чиқарганда (бундай сарфни у ҳар қандай вақтда ва ҳар қандай ҳажмда амалга ошириши мумкин) ёки тўғридан-тўғри пул эмиссияси (ҳар қандай зарур ҳажмда пулни муомалага чиқариш)ни амалга оширганда содир бўлади.

Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштиришнинг эмиссияли усули *камчиликлари*:

- энг асосий камчилиги, узоқ муддатда пул массасининг ортиши инфляцияга олиб келади, яъни молиялаштиришнинг инфляцияли усули ҳисобланади;
- бу усул иқтисодиёт «қизиган», чўққига чиқкан даврда макроиқтисодий беқарорликни келтириб чиқариши мумкин. Пул массаси ҳажмининг ортиши оқибатида фоиз ставкасининг тушиши ялпи ҳаражатлар (энг аввало инвестиция), иқтисодий фаолликнинг ошиши янада кўпроқ инфляция жараёнини кучайишига сабаб бўлиши мумкин.

*Давлат бюджети тақчиллигини ички қарз ҳисобига молиялаштириши усули.* Бу усулда давлат қимматбаҳо қоғозларни (давлат облигациялари ва векселларни) чиқариб, уларни аҳолига (уй хўжалиги ва фирмаларга) сотади ва олган пул маблағларини бюджет камомадини молиялаштиришга сарфлайди.

Бу усулнинг *афзалликлари*:

- у инфляцияни келтириб чиқармайди, чунки пул массаси ўзгармайди, яъни бу молиялаштиришнинг инфляциясиз усули ҳисобланади;
- бу етарли даражада тезкор усул, чунки давлат қимматли қоғозларини чиқариш ва сотишни тез вақт амалга ошириши мумкин.

Бу усулнинг *камчиликлари*:

- қарзларни тўлаш керак бўлади. Табиийки, аҳоли давлат облигацияларини даромад келтирмаса, яъни агар улар бўйича фоиз тўланмаса сотиб олмайди. Давлат облигациялари бўйича фоиз тўлаш «давлатнинг қарз бўйича хизмати» деб аталади. Давлат қарзи қанчалик катта бўлса (яъни давлат облигациялари қанчалик кўп

чиқарилған бўлса), қарз хизматига сарфланадиган пуллар шунчалик кўп бўлади. Давлат облигациялари бўйича тўланадиган фоизлар эса давлат бюджети ҳаражатларининг бир қисми ҳисобланади, у қанчалик кўп бўлса, давлат бюджети тақчиллиги шунчалик юқори бўлади. Қарама-қарши вазият юзага келади: давлат бюджети камомадини молиялаштириш учун давлат облигациялар чиқаради, бу облигациялар бўйича фоизлар тўлаш эса ўз кетидан бюджетнинг янада кўпроқ тақчил бўлишига олиб келади.

- парадокски, бу усул узоқ муддатда инфляциясиз бўлмайди. Америкалик икки иқтисодчи Томас Саржент (Нобель мукофоти лауреати) ва Нейл Уоллес узоқ муддатда давлат бюджети камомадини бундай қарз ҳисобига молиялаштириш эмиссия усулига қараганда янада юқорироқ даражадаги инфляцияга олиб келишини исботлаб бердилар. Иқтисодий адабиётларда бу ғоя «Саржент-Уоллес теоремаси» номини олган. Давлат бюджет тақчиллигини ички қарз ҳисобига (давлат облигацияларини чиқариш) молиялаштирганда молиявий пирамида қуради, яъни илгариги қарзларини ҳозирда қарз олиш билан тўлайди, ҳозирги қарзни эса келгусида қайтариш керак бўлади, бундай қарзни тўлаш эса қарзни ўзини ва қарз бўйича фоиз тўлашни талаб этади. Агар давлат бюджет камомадини молиялаштиришнинг фақат шу усулини қўлласа, келгусида шундай вақт келиши мумкинки, тақчиллик шу даражада катта (яъни шундай миқдорда давлат облигациялари чиқариладики ва давлат қарзлари хизмати буйича ҳаражатлар шунчалик кўп) бўладики, уни бу усулда молиялаштириш мумкин бўлмай, эмиссия усулидан фойдаланиш керак бўлиб қолади. Бунда энди ҳар йили аста-секин кичик миқдорларда ўтказиладиган эмиссияга қараганда анча катта миқдордаги пул эмиссиясини ўтказиш лозим бўлади. Бу эса инфляция даражаси кескин кўтарилиб кетишига сабаб бўлиши мумкин. Саржент ва Уоллес кўрсатганларидек, юқори даражадаги инфляцияга олиб келмаслиги учун молиялаштиришнинг эмиссияли усулини рад этмасдан уни қарз усули билан биргаликда олиб бориш керак бўлади;

- бюджет тақчиллигини молиялаштиришни ички қарз ҳисобига амалга оширишда хусусий инвестициялар «сиқиб чиқарувчи самара» камчилигидан холи эмас. Бу самара шуни билдирадики, давлат облигацияларининг қимматли қоғозлар бозорида кўплаб чиқарилиши уй хўжаликлари жамғармаларининг

бир қисми хусусий фирмаларнинг қимматбаҳо қоғозларини сотиб олишга эмас (акс ҳолда ишлаб чиқариш кенгаяди ва иқтисодий ўсиш юз беради), айнан давлат чиқарган қимматбаҳо қоғозларни сотиб олиш учун сарфланади (бу давлат бюджети камомадини молиялаштиришни тамиллаб беради, яъни ноишлаб чиқариш мақсадида сарфланади). Бундай ҳолат хусусий фирмалар молиявий ресурсларини ва инвестицияларини қисақтиради. Натижада ишлаб чиқариш ҳажми камаяди. «Сиқиб чиқарувчи самара»нинг иқтисодий механизми қуидагича: давлат облигациялари миқдорининг кўпайиши қимматли қоғозлар бозорида облигациялар таклифини оширади. Облигациялар таклифининг ошиши улар бозор нархининг тушишига олиб келади, облигациялар нархи фоиз ставкаси билан тескари боғлиқликда, шунинг учун фоиз ставкаси ошади. Фоиз ставкасининг ошиши хусусий инвестициялар ва ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқаришига сабаб бўлади;

- давлат бюджетини молиялаштиришнинг ички қарз усули тўлов баланси тақчиллигига олиб келиши мумкин. Тасодиф эмаски, АҚШда 80-йилларда «қўшалоқ тақчиллик» («twin-deficits») термини пайдо бўлди.

Фоиз ставкасининг ошиши ички сиқиб чиқариш билан бирга соғ экспортни сиқиб чиқаришга олиб келиши, яъни тўлов баланси тақчиллигини ошириши мумкин. Ташқи сиқиб чиқариш механизми қуидагича: ички фоиз ставкасининг жаҳондагига нисбатан ошиши ушбу мамлакат қимматли қоғозларининг даромадлироқ бўлишига сабаб бўлади, бу эса уларга чет эл инвесторлари томонидан бўладиган талабни оширади, ўз ўрнида миллий валютага талаб ошади ва миллий валютанинг алмашув курси ошишига олиб келиб, ушбу мамлакат товарларини чет элликлар учун нисбатан қимматлаштиради (чет элликлар ўз валюталарини ушбу мамлакат товарларини илгариги миқдорда сотиб олиш учун энди кўпроқ миқдорда пулларни айирбошлишлари керак бўлади), импорт товарлари ушбу мамлакат истеъмолчилари учун нисбатан арzon бўлади, бу эса экспортни пасайтириб импортни оширади, ўз ўрнида соғ экспорт қисқаради, яъни тўлов баланси тақчиллиги юзага келади.

**Давлат бюджетини ташқи қарз орқали молиялаштириш.** Бюджетни бундай молиялаштиришда тақчиллик муаммоси бошқа мамлакатлардан ёки халқаро молиявий ташкилотлардан қарз олиш ҳисобига ҳал этилади (Халқаро Валюта Фонди, Жаҳон Банки,

Лондон клуби, Париж клуби ва бошқалар). Яъни бу ҳам қарз ҳисобига, аммо энди ташқи қарз ҳисобига молиялаштиришни англатади.

Бу усул *афзалликлари*:

- катта микдорда маблағ олиш имконияти;
- инфляциясиз характерда бўлиши.

Бу усул *камчиликлари*:

• қарзни қайтариш ва унга хизмат қилиш мажбурияти (яъни қарз микдорини ҳам, қарз бўйича фоизларни ҳам қайтариш);

• ташқи қарзни тўлашда молиявий пирамида қуриб бўлмаслиги;

• мамлакат иқтисодиётидан ташқи қарз ва унга хизмат кўрсатиш бўйича тўлов мажбуриятларини жалб қилиш зарурати ички ишлаб чиқариш ҳажми камайишига ва иқтисодиётнинг пасайишига олиб келади;

• тўлов баланси тақчиллигига мамлакат олтин заҳираси камайиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, давлат бюджети камомадини молиялаштиришнинг ҳар қандай усули ўз афзаллик ва камчиликларига эга ва турли мамлакатлар ўз бюджет тақчиллигини бартараф этишда у ёки бу усулдан алоҳида ва биргаликда фойдаланиб, иқтисодиётдаги мавжуд муаммоларини ҳал этишлари мумкин бўлади.

## **8.5. Давлат қарzlари, унинг турлари ва оқибатлари.**

Абсолют микдори бўйича давлат қарзининг иқтисодиётга салбий таъсирини аниқлаш мураккаб масала. Бунинг учун давлат қарзи микдорини миллий даромад катталигига ёки ЯИМга нисбати олинади, яъни  $d=D/Y$ . Агар қарзнинг ўсиш даражаси суръатлари ЯИМнинг ўсиш даражаси суръатларидан паст бўлса, қарз унчалик хатарли ҳисобланмайди. Иқтисодий ўсишнинг паст суръатларида давлат қарzlари жиддий макроиктисодий муаммога айланади.

Давлат қарzlарининг жиддий муаммо эканлиги ва унинг салбий оқибатларини қўйидагиларда кўриш мумкин:

• иқтисодиётнинг самарадорлиги пасаяди, чунки молиявий активлар ишлаб чиқариш секторидан қарzларни тўлашга сарфланади;

- даромадлар хусусий сектордан давлат сектори томонга қайта тақсимланади;
- даромадларнинг тенгсизлиги кучаяди;
- қарзларни тўламаслик оқибатида фоиз ставкаси ошади, оқибатда қисқа муддатда инвестициялар сиқиб чиқарилади, узоқ муддатда эса капитал заҳиралари ва мамлакат иқтисодий салоҳиятининг қисқариши рўй беради;
- қарз бўйича фоизлар тўлаш зарурияти солиқларни оширишни талаб қилиши иқтисодий рағбатни суайтиради;
- узоқ муддатда юқори даражадаги инфляция хавфи туғилади;
- келажак авлодга қарз юкининг тушиши уларнинг фаровон яшашига тўскенилик қилади;
- қарз бўйича фоизлар ёки қарзниң асосий қисмини хорижикларга тўлаш ЯИМ маълум бир қисмининг четга чиқиб кетишига олиб келади;
- қарз ва валюта инқирози таҳдида туғилиши мумкин.

Бюджет тақчиллигининг кучайиши муқаррар равища давлат қарзини келтириб чиқаради. Яъни, бюджет тақчиллиги асосан давлат қарзи ҳисобига қопланиб, у ички ва ташқи қарзлардан иборат бўлади. Ички қарз давлатнинг мамлакат ичида заёмлар ва бошқа қимматли қоғозларини чиқариш, бюджетдан ташқари турли фонdlар (суғурта фонди, ишсизлик бўйича суғурталаш фонди, пенсия фонди)дан олинган қарзлардан иборат бўлса, ташқи қарз хорижий давлатлардан, улардаги жисмоний ва юридик шахслардан, шунингдек, халқаро молиявий ташкилотлардан олинган қарз ҳисобланади.

Ташқи қарзниң меъёридан ошиб кетиши миллий иқтисодиёт ривожига салбий таъсир кўрсатади. Агар ташқи қарз бўйича тўловлар мамлакатнинг товар ва хизматлар экспортидан келадиган тушумнинг сезиларли қисми, масалан, 20-25 фоизидан ошиб кетса, бу ҳолат давлатнинг кредит бўйича рейтингини пасайтириб юборади. Натижада четдан янги қарз маблағларини жалб этиш мушкуллашади. Шунга қўра, давлатлар мунтазам равища ташқи қарзни тартибга солиш чора-тадбирларини амалга ошириб боради.

Бундай чора-тадбирлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин: мамлакатнинг олтин-валюта заҳираси ҳисобидан қарзларни тўлаб бориш; кредиторларнинг қарз тўлов муддатларини ўзгартиришлари, айrim ҳолларда уларнинг маълум қисмидан воз кечишлирига эришиш; қарзларни мамлакатдаги кўчмас мулк,

қимматли қоғозлар, капиталда иштирок этиш ва бошқа ҳуқуқларни сотиш ҳисобидан тўлаш; халқаро банклар ва бошқа молиявий ташкилотлардан ёрдам олиш ва ҳ.к.

Айтиш жоизки, жаҳон захира валюталарининг бекарорлиги, молия-банк тизими кредит қобилиятининг кескин пасайиши ва инвестициявий фаолликнинг сусайиши билан боғлиқ мураккаб муаммолар кўплаб давлатлар иқтисодиётининг тикланиш ва ўсиш суръатларига салбий таъсир қўрсатиши табиий. Сўнгги йилларда жаҳон иқтисодиётида юзага келаётган муаммолар асосан қўшимча пул босиб чиқариш ва молия бозорини шундай пуллар билан тўлдириш ҳисобидан ҳал этилмоқда, бу эса, ўз навбатида, келгусида жиловлаб бўлмайдиган инфляцияга, яъни қимматчиликка, захира ва миллий валюталарнинг қадрсизланишига ва шу билан боғлиқ оғир оқибатларга олиб келиши мумкин.

## Қисқача хulosалар

1. *Фискал сиёсат* давлат иқтисодий сиёсатининг таянчи ҳисобланиб, у давлат бюджети даромади ёки ҳаражатларини ўзгартириш орқали иқтисодиётни барқарорлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмuinи акс эттиради. Шунинг учун фискал сиёсат солиқ-бюджет сиёсати деб ҳам аталади.

2. Фискал сиёсат – бу энг аввало ҳукumatнинг ялпи талабни таъминлашга (тартибга солишга) қаратилган сиёсатидир. Иқтисодиётни тартибга солиш бундай шароитда ялпи ҳаражатларга таъсир этиш орқали амалга оширилади. Аммо фискал сиёсатнинг баъзи воситалари ялпи таклифга фаоллик даражаси орқали таъсир этиш учун қўлланилиши мумкин.

3. Фискал сиёсат инструментларининг ялпи талабга таъсири турличадир. Ялпи талаб формуласидан:  $AD = C + I + G + X_n$  маълумки, давлат ҳаражатлари ( $G$ ) ялпи талабнинг таркибий қисми ҳисобланади, шунинг учун давлат ҳаражатларининг ўзгариши ялпи талабга тўғридан-тўғри таъсир қўрсатади, солиқлар ва трансферлар эса ялпи талабга билвосита таъсир этади (бунда улар таъсирида истеъмол ва инвестиция ҳаражатлари, яъни  $C$  ва  $I$  ўзгариади).

5. Фискал сиёсатнинг воситалари бўлиб давлат бюджетининг даромад ва ҳаражатлари ҳисобланади: а) давлат ҳаражатлари; б) солиқлар; в) трансферлар.

6. Иқтисодий даврнинг фазасига қараб, яъни иқтисодиёт ҳозирда қандай фазада эканлигига кўра, фискал сиёсат воситалари турлича қўлланилади. Фискал сиёсатнинг икки тури мавжуд: а) рағбатлантирилувчи фискал сиёсат; б) пасайтирилувчи фискал сиёсат.

7. Рағбатлантирилувчи фискал сиёсат воситалари иқтисодиётнинг тушкунлик даврида қўлланилади, у ишлаб чиқариш қисқаришини олдини олишга, ишсизлик даражасини камайтиришга ва ялпи талабни оширишга қаратилган. Унинг воситалари: а) давлат ҳаражатларини ошириш; б) соликларни пасайтириш; в) трансферт тўловларини кўпайтириш ҳисобланади.

8. Пасайтирилувчи (ушлаб турилувчи) фискал сиёсат иқтисодиёт тўлиқ бандликка эришганда, яъни ўзининг юқори чўққисига чиқкан (иқтисодиёт қизиган) даврда қўлланилади, у ортиқча ишлаб чиқаришни камайтириш, инфляция суръатларини пасайтириш ва AD (ялпи ҳаражатлар)ни камайтиришга қаратилган. Унинг воситалари: а) давлат ҳаражатларини камайтириш; б) соликларни ошириш; в) трансферт тўловларини камайтириш ҳисобланади.

9. Бундан ташқари фискал сиёсат: а) *дискрецион*; б) *нодискрецион (автоматик)* турларга бўлинади. Дискрецион фискал сиёсат деганда, ҳукуматнинг қонуний (расмий) равища иқтисодиётни барқарорлаштириш мақсадида давлат ҳаражатларини, солик ва трансфертларни ўзгартириш тушунилади. Нодискрецион (автоматик) фискал сиёсат автоматик (ўрнатилган) стабилизаторларнинг таъсир этиши билан боғлиқдир. Автоматик стабилизаторлар – бу катталиги ўзгартирилмайдиган воситалар бўлиб, улар мавжудлиги (иқтисодий тизимга ўрнатилганлиги)нинг ўзи иқтисодиётни автоматик равища барқарорлаштиради. Улар иқтисодиёт тушкунликка тушган даврида фаолликни оширади ва иқтисодиёт «қизиган» вақтда уни пасайтиради.

10. Фискал сиёсат инструментлари бўлган солик ва трансфертлар фақатгина ялпи талаб (AD)га эмас, балки улар ялпи таклиф (AS)га ҳам таъсир кўрсатади. Соликларнинг ялпи таклифга таъсирини ўрганган олим АҚШ собиқ президенти Р.Рейганнинг маслаҳатчиси, «таклиф иқтисодий назария»си концепцияси асосчиларидан бири бўлган Артур Лаффердир. Лаффер шундай бир гипотетик эгри чизиқни яратдики, у орқали солик ставкаси

ўзгариши туфайли давлат бюджетига тушадиган умумий солиқ тушумлари ўзгаришини кўриш мумкин.

11. *Давлат бюджети* деганда, умумжамият миқёсида марказлашган ва давлат иштирокида ҳосил бўлувчи ва сарфланувчи молиявий ресурслар тушунилади. Унинг асосий вазифаси молиявий воситалар ёрдамида иқтисодиётни самарали ривожлантириш ва умумдавлат миқёсидаги вазифаларни ҳал қилишdir.

12. Давлат ҳаражатлари ва даромадлари ўртасидаги фарқ давлат бюджети сальдосини ташкил этади. Давлат бюджети кўриниши уч ҳолатда бўлиши мумкин: а) даромадлар ҳаражатлардан юқори, бюджет сальдоси мусбат; б) даромадлар ҳаражатларга teng, бюджет сальдоси 0 ga teng; в) даромадлар ҳаражатлардан кам, бюджет сальдоси манфий, яъни давлат бюджети тақчиллиги кузатилади.

13. Бюджет тақчиллигининг *структуравий, даврий* ва *амалдаги* кўринишлари мавжуд.

14. Бюджет тақчиллигига бўлган муносабат салбий ҳисобланади. Баланслашган бюджет ғояси энг машҳур ҳисобланади. Тарихан давлат бюджети ҳолатига бўлган муносабат учта концепция орқали илгари сурилган: а) бюджетнинг йилига баланслашуви ғояси; б) бюджетнинг иқтисодий даврнинг фазалари бўйича баланслашуви ғояси (даврийлик асосида); в) бюджетнинг баланслашуви эмас, балки иқтисодиётнинг баланслашуви ғояси.

15. *Бюджетнинг йилига баланслашуви* концепцияси деганда, иқтисодиёт даврининг ҳар қандай фазасида йилига бюджет ҳаражатлари даромадларига teng бўлиши тушунилади.

16. *Бюджетни иқтисодий даврнинг фазалари асосида баланслаштириши* концепцияси эса ҳар йили баланслашган бюджет бўлишини зарур деб ҳисбламайди. Мухими бюджет иқтисодиётнинг маълум бир даври давомида баланслашган бўлиши лозим: иқтисодиёт «қизиган» ва чўққига чиққанда (иктисодий фаоллик юқори бўлган шароит), яъни бюджет даромади максимал бўлганда бюджетдаги ортиқчалик рецессия (иктисодий фаоллик минимал бўлган вазият) даврида, бюджет даромадлари кескин камайган вақтда бюджет тақчиллигини молиялаштириш учун сарфланиши мумкин.

17. Энг кенг тарқалган концепция бу *давлатнинг бюджетни баланслаштиришига қаратилган* эмас, балки *иктисодиётни*

*барқарорлаштиришига эришишини мақсад қилиб қўйган концепцияси ҳисобланади.*

18. Давлат бюджети камомади З усулда молиялаштирилиши мумкин: а) пул эмиссияси ҳисобига; б) ўз мамлакати ахолисидан қарз олиш ҳисобига (ички қарз); в) бошқа мамлакатлардан ёки халкаро молиявий ташкилотлардан қарз олиш ҳисобига (ташқи қарз). Ҳар бир усулнинг ўз камчилик ва афзалликлари мавжуд.

19. Давлат қарзини икки турга ажратадилар: а) ички қарз; б) ташқи қарз. Агар қарзнинг ўсиш даражаси суръатлари ЯИМнинг ўсиш даражаси суръатларидан паст бўлса, қарз унчалик хатарли ҳисобланмайди. Иқтисодий ўсишнинг паст суръатларида давлат қарzlари жиддий макроиктисодий муаммога айланади.

## **Таянч иборалар**

фискал сиёsat, фискал сиёsat инструментлари, солиқлар, трансферtlар, истеъмол ва инвестициялар, ялпи талаб, ялпи таклиф, барқарор, иқтисодий ўсиш, ресурсларнинг тўлиқ бандлиги, барқарор нарх даражаси, фискал сиёsat, пасайтирилувчи фискал сиёsat, дискрецион фискал сиёsat, нодискрецион фискал сиёsat, давлат бюджети, давлат бюджетининг даромадлари ва ҳаражатлари, товар ва хизматларнинг давлат хариди, тўлов баланси, давлат бюджети тақчиллиги, давлат бюджети ортиқчалиги, трансферtlар, давлат облигациялари бўйича фоиз тўловлари, солиқлар, иқтисодий цикл фазалари, бюджет камомадининг структуравий кўриниши, бюджет камомадининг даврий кўриниши, бюджет камомадининг амалдаги кўриниши, сенъораж, пул эмиссияси, ички қарз, ташқи қарз, давлат облигациялари

## **IX – БОБ. ТОВАР ВА ПУЛ БОЗОРЛАРИНИНГ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИГИ. IS - LM МОДЕЛИ**

9.1. Товар ва пул бозорларининг ўзаро боғлиқлиги. IS-LM модели ва унинг моҳияти

9.2. IS эгри чизиги ва унинг ясалиши

9.3. LM эгри чизиги ва унинг ясалиши

9.4. Товар ва пул бозори мувозанати

**Қисқача хуласалар**

**Таянч иборалар**

### **9.1. Товар ва пул бозорларининг ўзаро боғлиқлиги.**

#### **IS-LM модели ва унинг моҳияти**

IS-LM модели ўзида товар ва пул бозорларининг ўзаро биргаликдаги мувозанатини акс эттиради. У кейнсча турдаги модел бўлиб (demand-side), иқтисодиётни қисқа муддатда ўрганади ва замонавий ялпи талаб назариясининг асоси бўлиб хизмат қиласди.

IS-LM модели 1937 йилда инглиз иқтисодчиси Джон Хикс томонидан унинг «Кейнс ва неоклассиклар» деб номланган мақоласида ишлаб чиқилган бўлиб, 1949 йилда америка иқтисодчиси Элвин Хансенning «Монетар назария ва фискал сиёsat» деб номланган китоби чоп этилгандан сўнг кенг тарқалди ва шу сабабли уни Хикс-Хансен модели деб ҳам атайдилар.

IS эгри чизиги (инвестициялар-жамғармалар) товарлар бозоридаги мувозанатни тасвирлайди ва у товар ва хизматлар бозорида пайдо бўладиган фоиз ставкаси  $R$  билан даромад даражаси  $Y$  ўртасидаги боғлиқликни акс эттиради. IS эгри чизиги оддий кейнс модели (ялпи ҳаражатлар ёки кейнс-хочи модели) дан ҳосил қилинган бўлиб, аммо ундан ялпи ҳаражатлар ва энг аввало инвестиция ҳаражатларининг бир қисми фоиз ставкасига боғлиқ эканлиги билан фарқ қиласди. Фоиз ставкаси энди экзоген эмас, балки пул бозоридаги вазият белгилаб берадиган эндоген (яъни модел ичидаги) катталик бўлиб қолади. Ялпи ҳаражатлар бир қисмининг фоиз ставкасига боғлиқлиги натижасида энди ҳар бир даражадаги фоиз ставкасига мувозанатли даромад миқдори тенг келади ва шунинг учун товарлар бозори учун мувозанатли даромад эгри чизиги - IS ни қуриш мумкин бўлиб қолади. Бу эгри чизикнинг барча нуқталарида инвестициялар жамғармаларга (кенгроқ маънода

эса инъекциялар йиғиндиси оқимлар йиғиндисига) тенг келади (Investment=Savings).

LM әгри чизиғи (яғни, ликвидлилик - пуллар) пулларга бўлган талаб (энг аввало нақд пулларнинг абсолют ликвидлилик хусусияти билан боғлиқ) таклифга тенг бўлгандағи вазиятни, яғни пул бозоридаги мувозанатни характерлайди. Пулларга бўлган талаб фоиз ставкаси боғлиқ экан, у холда пул бозорининг мувозанатли эгри чизиғи - LM (Liquidity preference=Money supply) мавжуд бўлиб, ундаги ҳар бир нуқта монетар мувозанатни таъминловчи даромад миқдори ва фоиз ставкаси комбинациясини акс эттиради.

Товар (IS) ва пул (LM)лар бозорларидағи мувозанатли эгри чизиқларнинг кесишуви фоиз ставкаси R (мувозанатли фоиз ставка) ва даромад даражаларининг Y (мувозанатли даромад даражаси) ҳар икки бозордаги мувозанатини бир вақтнинг ўзида таъминлайдиган ягона миқдорини белгилаб беради.

IS-LM модели: 1) товар ва пуллар бозорларининг ўзаро боғлиқлигини қўриш; 2) биргалиқдаги мувозанат ҳолатида ва ҳар бир алоҳида бозорда уларнинг мувозанатига таъсир этувчи омилларни аниклаш; 3) ушбу бозорларда мувозанат ўзгаришининг иқтисодиётга таъсирини қўриш; 4) фискал ва монетар сиёсалари самарадорлиги таҳлилини амалга ошириш; 5) ялпи талабга таъсир кўрсатувчи омилларни аниклаш; 6) даврий тебранишнинг ҳар бир фазасида барқарорлаштириш сиёсатининг турли хил йўлларини таҳлил этиш имконини беради.

IS-LM модели оддий кейнсча моделнинг барча шартларини сақлаб қолади:

1) нархлар даражаси ўзгармас, яғни ( $P=const$ ) ва у экзоген катталик ҳисобланади, шунинг учун барча ўзгарувчиларнинг номинал ва реал қийматлари ўзаро мос келади;

2) ялпи таклиф абсолют эластик (ишлаб чиқариш ҳажми) ва ҳар қандай ҳажмдаги ялпи талабни қаноатлантира олади;

3) даромад ( $Y$ ), истеъмол ( $C$ ), инвестициялар ( $I$ ), соғ экспорт ( $X_n$ ) эндоғен ўзгарувчилар ҳисобланади ва модель ичкарисида аникланади;

4) давлат ҳаражатлари ( $G$ ), пул таклифи ( $M$ ), солиқ ставкаси ( $t$ ) экзоген ўзгарувчилар ҳисобланади ва моделдан ташқарида шаклланади (ташқаридан киритилади).

5) ЯММ=СММ=МД, чунки солиқларни фақат уй хўжаликлари тўлайдилар ва бизнесга эгри солиқлар мавжуд эмас.

Аммо бунда айтиш керакки, фақат фоиз ставкасининг ўзгармаслиги (доимийлиги) шарти бундан истисно, агар «кейнс-хочи»да фоиз ставкаси  $R=\text{const}$  ва экзоген кўрсаткич бўлган бўлса, IS-LM моделида у энди эндоген кўрсаткич ҳисобланади ва модель ичида шаклланади; унинг даражаси пул бозоридаги вазият (мувозанат)га қараб ўзгаради ва аниқланади, режалаштирилган автоном ҳаражатлар фоиз ставкасига боғлиқ бўлади.

## 9.2. IS эгри чизиги ва унинг ясалиши

IS эгри чизигини хосил қилишда: 1) ялпи ҳаражатлар модели («кейнс-хочи» модели, ушбу модель 5-бобда қўриб ўтилди ва у иқтисодиётда мавжуд режалаштирилган ҳаражатлар даражасида даромадни аниқлаш имконини берган эди, яъни, автоном режалаштирилган ҳаражатлар даражаси ўзгармас деган шартни қўяди); 2) автоном режалаштирилган ҳаражатларнинг фоиз ставкасиға функционал боғланганлиги асос бўлиб хизмат қиласи.

Моделга янги эндоген ўзгарувчи – фоиз ставкаси киритилгани учун уни батафсилроқ қўриб ўтамиш.

**Фоиз ставкаси ва автоном ҳаражатлар.** Жамғарувчилар учун фоиз ставкаси ҳозирда ўзларини истеъмолдан чеклаганлари учун келажакда кутилаётган истеъмол ҳисобига мукофот ҳисобланади. Қарз олувчилар учун фоиз ставкаси қарзга олинган маблағлар учун тўлов воситаси бўлиб, бунда қарздор ҳисобланган ишлаб чиқарувчилар ушбу маблағларни инвестиция товарларини, уй хўжаликлари эса узоқ муддатли товарларни сотиб олиш учун сарфлайдилар. Иқтисодиётда турли хил фоиз ставкалари мавжуд бўлиб, улар қуидагилар томонидан тўланади:

- банкларнинг чекли, омонатли ва муддатли ҳисоблари бўйича;
- давлат (давлат облигациялари бўйича фоизлар);
- бизнес (тижоратнинг қимматбаҳо қофозлари ва корпорацияларнинг облигациялари бўйича фоизлар);
- Марказий банкга тижорат банклари (ҳисоб фоиз ставкаси);
- уй хўжаликлари (ипотека ва истеъмол кредитлари бўйича фоизлар).

Макроқтисодиёт назариясида юқорида келтириб ўтилган фоиз ставкалари ўртасидаги фарқ сезиларли даражада деб

хисобланмайди ва бозор фоиз ставкаси деганда турли хилдаги фоиз ставкаларнинг ўрта арифметик катталиги тушунилади.

*Автоном режалаштирилган ҳаражатлар ва фоиз ставкаси ўртасидаги боғлиқлик.* Фоиз ставкасининг ўзгариши автоном ҳаражатларининг қуидаги таркибий қисмларига таъсир кўрсатади:

- *инвестиция ҳаражатлари;* фирмалар инвестиция товарларини сотиб олиш учун қарз олар эканлар, улар ушбу маблағлардан фойда кўришга ҳаракат қиласидилар. Шунинг учун улар бу пул воситаларини асбоб-ускуна, бино-иншоот (реал капитал) ёки янги турдаги техника воситаларини сотиб олишга сарфлар эканлар, фоиз ставкасининг қай даражада бўлишига катта эътибор берадилар. Фоиз ставкасининг ҳар қандай кўтарилиши инвестиция лойиҳаларининг самарадорлигини пасайтиради ва аксинча. Шунинг учун, агар фоиз ставкаси кутилаётган соф фойда меъёридан юқори бўлса, фирма бундай инвестиция лойиҳасини амалга оширишдан воз кечади ва бундай ҳолатда инвестицияларга ҳаражатлар камаяди.

Демак, инвестицияларга ҳаражатлар миқдори ва фоиз ставкаси ўртасида тескари боғлиқлик мавжуд бўлиб, фоиз ставкаси қанчалик юқори бўлса, фирмаларнинг инвестицияларни амалга оширишларига хоҳишлари шунчалик кам бўлади. Инвестициялар функциясини қуидагича ёзиш мумкин:

$$I = I(R) \quad (9.2.1)$$

ёки, агарда боғлиқлик чизиқли бўлса:


$$I = \underline{I} - dR \quad (9.2.2)$$

бунда,  $\underline{I}$  – автоном инвестициялар,  $R$  – фоиз ставкаси,  $d$  – инвестиция ҳаражатларини фоиз ставкасига нисбатан сезувчанигини ва фоиз ставкаси бир бирликка ўзгарганида инвестицияларга ҳаражатлар миқдори қанчалик ўзгаришини акс эттирувчи коэффициентдир. Коэффициент  $d > 0$ , формулада унинг олдида "манфий" ишора турганлиги сабабли, эгри чизиқ пастга қия бўлиб қараган.

Инвестицияларга ялпи талаб эгри чизиги инвестицияларга бўлган талаб миқдорининг фоиз ставкасига тескари пропорционал боғлиқликда эканлигини акс эттиради (9.2.1-а расм).

Инвестицияларга ялпи ҳаражатлар эгри чизигининг силжииши автоном инвестиция ( $I$ ) лар миқдорининг ўзгариши оқибатида содир бўлади: уларнинг ошиши эгри чиззиқни ўнгга, камайиши эса

чап томонга қараб силжитади. Бу ўзгаришларни одатда кейнсча йўналиш вакиллари инвесторлар инвестиция ҳаражатларининг кутилаётган соғ фойда меъенини баҳолашларидағи пессимистик ёки оптимистик кайфиятлари билан боғлайдилар. Автоном инвестициялар даражаси ошишининг оқибатлари 9.2.1-б расмда I нинг ўнга, яъни I' гача силжишига сабаб бўлади.



### 9.2.1-расм. Инвестициялар функцияси

Инвестицияларга ялпи ҳаражатлар эгри чизигининг қиялиги д коэффициентининг катталиги билан боғлиқ; у қанчалик катта бўлса, яъни инвестицияларнинг фоиз ставкасига нисбатан сезувчанлиги юқори бўлса, I эгри чизиги қияроқ бўлади: фоиз ставкасининг оз даражада ўзгариши инвестицияларга бўлган талаб миқдорини сезиларли даражада ўзгартиради.

- *истеъмол ҳаражатлари*; инвесторлар каби уй хўжаликлари ҳам кредит воситаларидан узоқ муддатли истеъмол товарларини харид қилишда фойдаланадилар. Истеъмолчилар қарз бўйича фоиз тўловларни (истеъмол бўйича кредит) товар (масалан, автомобиль ёки кир ювиш машинаси)ни тезроқ сотиб олишдаги хошишлари билан боғлайдилар. Юқори фоиз ставкалари баъзи истеъмолчиларни товарларни харид қилишдан воз кечишларига мажбур этса, бундай ҳолат автоном истеъмол ҳаражатларини камайтиради. Шунинг учун, автоном истеъмол ҳаражатлари ва фоиз ставкаси ўртасидаги боғлиқлик тескари бўлиб, бундаги барча мулоҳаза ва

хulosалар инвестиция ҳаражатлариға ўхшашдир (шу сабабли баъзи иқтисодчилар уй хўжаликларининг узоқ муддатдаги истеъмол товарларга ҳаражатларини инвестиция ҳаражатлариға киритишни таклиф этадилар).

- соф экспортга ҳаражатлар; фоиз ставкасининг ўзгариши соф экспорт миқдорига ҳам таъсир кўрсатади. Мамлакатда фоиз ставкасининг ошиши капиталнинг даромадлилигини оширади ва четдан капиталнинг оқиб келишига сабаб бўлади. Натижада валюта бозорларида ушбу мамлакат миллий валютасига талаб ортади ва миллий валюта қимматлашади. Бу мамлакат товарларининг нархи эндиликда қимматлашишига, импорт товарларининг нархлари эса нисбатан арzonроқ бўлишига олиб келади. Хорижликлар томонидан ушбу мамлакат товарлариға талаб ва экспорт ҳажми камаяди, импорт товарларга талаб ортади. Ялпи ҳаражатлар камайиб, соф экспорт қисқаради. Бундан, соф экспорт ва фоиз ставкаси ўртасида ҳам тескари пропорционал боғлиқлик мавжудлиги маълум бўлди.

Шунинг учун экспорт формуласини қуйидагича ёзиш мумкин:

$$Xn = Xn (Y, e^f) \quad (9.2.3)$$

ёки чизиқли боғлиқликда:

$$Xn = Ex - (Im + tpm Y) - e^f R = Xn - tpm Y - e^f R \quad (9.2.4)$$

бунда,  $Ex$  – автоном экспорт;  $Im$  – автоном импорт;  $Xn$  – автоном соф экспорт;  $tpm$  - импортга чекли мойиллик ( $0 < tpm < 1$ ), у даромад бир бирликка ўзгарганда импорт товарларни сотиб олиш учун ҳаражатлар миқдори қандай ўзгаришини кўрсатади ( $tpm = \Delta Im / \Delta Y$ );  $e^f$  – соф экспортнинг фоиз ставкасига нисбатан сезувчанлиги ( $e^f > 0$ ), у фоиз ставкаси бир бирликка ўзгарганда соф экспорт миқдори қандай ўзгаришини кўрсатади ( $\Delta Xn / \Delta R$ ).

**IS эгри чизигининг ясалиши.** Автоном режалаштирилган ҳаражатлар миқдори фоиз ставкаси, реал ишлаб чиқариш ва даромаднинг умумий даражаси режалаштирилган автоном ҳаражатлар миқдорига боғлиқ экан, у ҳолда бу боғлиқликларни бирлаштириб, реал даромад фоиз ставкаси боғлиқ бўлиши керак, деган хulosага келиш мумкин бўлади. Бундай нисбатни графикда тасвирласак, IS эгри чизигини ҳосил қиласиз. IS эгри чизиги графикини икки усулда ҳосил қиласиз:

9.2.2-а расмда IS эгри чизиги кейнс-хочи ва инвестициялар функцияси орқали келтириб чиқарилган.  $R_1$  фоиз ставкасида инвестицияга ҳаражатларнинг миқдори  $I_1$  га тенг, бу режалаштирилган ҳаражатлар миқдори  $E_p$  га мос келади, бунда ялпи даромад (ишлаб чиқариш ҳажми) миқдори  $Y_1$  га тенг. Фоиз ставкаси  $R_2$  гача тушганда, инвестицияга ҳаражатлар миқдори  $I_2$  га ортади, шунинг учун кейнс-хочи графигида режалаштирилган ҳаражатлар эгри чизиги юқорига -  $E_p$  гача силжийди, бунга ялпи даромад (ишлаб чиқариш) миқдори  $Y_2$  мос келади. Шундай қилиб, юқорироқ фоиз ставкаси  $R_1$  га ялпи ишлаб чиқаришнинг  $Y_1$  пастрок даражаси мос келади, пастрок фоиз ставка  $R_2$  га ишлаб чиқаришнинг юқорироқ даражаси  $Y_2$  мос келади. Ҳар икки вазиятда ҳам товар бозори мувозанат ҳолатида бўлади, яъни ҳаражатлар даромадга тенг бўлади ( $E_p = Y_1$  ва  $E_p = Y_2$ ).

IS эгри чизиги айнан мана шундай ҳолатни акс эттиради, яъни унинг ҳар бир нуқтаси фоиз ставкаси ва даромад даражасининг жуфтлигини кўрсатади, бунда товар бозори мувозанат ҳолатида бўлади.

9.2.2-б расмда IS эгри чизиги инъекциялар (инвестициялар) ва оқимлар (жамғармалар)нинг тенглиги тамойилидан (бу эса товарлар бозори мувозанатининг шарти ҳисобланади), асосий макроиктисодий тенгликдан келиб чиқади:

$$C + I + G + Ex = C + S + T + Im \quad (9.2.5)$$


Тенгликнинг ҳар икки томонидан истеъмол ҳаражатлари С ни айирамиз ва қуидагини ҳосил қиласиз:

$$I + G + Ex = S + T + Im \quad (9.2.6)$$

Тенгликнинг ўнг қисмида – *инъекциялар* (injections) – даромад оқимини оширувчи ҳаражатлар, чап томонида – даромадларни қисқаришига олиб келувчи *оқимлар* (leakages) келтирилган. Мувозанат ҳолатидаги иқтисодиётда ҳаражатлар даромадларга, инъекциялар оқимларга тенгdir.

Инъекциялар фоиз ставкасида тескари, оқимлар даромад даражаси билан тўғри боғлиқликда бўлади. Бу боғлиқликларни қуидагича ёзиш мумкин:


$$I(R) + G + Ex(R) = S(Y) + T(Y) + Im(Y) \quad (9.2.7)$$






### 9.2.2-а расм. IS эгри чизигининг ясалиши

9.2.2-б расмда тўртта график тасвирланган. I – графикда товар бозоридаги мувозанат – инъекциялар (инвестициялар) ва оқимлар (жамғармалар) тенглиги шарти кўрсатилган, буни  $45^0$  бурчак остидаги биссектриса акс эттирган. II – графикда жамғарма ва даромаднинг ўзаро тўғри пропорционал боғлиқлигининг графиги келтирилган. III - графикда инъекцияларнинг фоиз ставкасига тескари боғлиқлиги акс эттирилган. Натижада IV - графикда IS эгри чизигини ҳосил қилдик. Фоиз ставкаси  $R_1$  да инъекциялар ҳажми  $I_1$  ни ташкил этди, бу жамғармаларнинг  $S_1$  миқдорига тўғри келади, бундай миқдор эса даромаднинг  $Y_1$  даражасида мавжуд бўлади.

Товар бозорининг мувозанат графиги



Жамғарма графиги



### 9.2.2-б расм. IS эгри чизигининг ясалиши

Шунга ўхшаш,  $R_2$  фоиз ставкада инъекциялар микдори  $I_2$  га тенг бўлади, бунда жамғармалар ҳажми  $S_2$  ташкил этади, бу даромад даражаси  $Y_2$  га мос келади. Натижада, IV – графикда ҳосил бўлган нуқталарни тўғри чизик кўринишида бирлаштириб, IS эгри чизигини ҳосил қиласиз.

IS эгри чизиги фоиз ставкаси ( $R$ ) ва реал даромад ( $Y$ ) даражаларининг барча мумкин бўлган комбинацияларини кўрсатади, бунда товар бозори мувозанат ҳолатида бўлади, яъни товар ва хизматларга бўлган талаб таклифга тенг бўлади, бу эса фақатгина даромад режалаштирилган ҳаражатларга, инъекциялар оқимларга тенг бўлгандагина содир бўлади.

**IS эгри чизиги ташқарисидаги нуқталар.** IS эгри чизиги ташқарисидаги ҳар қандай нуқтада иқтисодиётнинг мувозанати бузилади. Масалан, IS дан юқорироқ жойлашган А нуқтада (9.2.2-б расм), даромад микдори  $Y_2$  га тенг, бу  $S_2$  жамғарма микдорига мос

келади, фоиз ставкаси  $R_1$ , ундағи инъекция миқдори  $I_1$  га тенг. Бундай вазиятта жамғармалар инъекциялардан ортиқ бўлади ( $S_2 > I_1$ ), бу товарлар бозорида даромад (ишлаб чиқариш) ҳаражатлардан ортиқ эканлигини билдиради, яъни товарлар таклифи товарларга бўлган талабдан кўп эканлигини билдиради. Демак,  $IS$  эгри чизигидан юқорида жойлашган барча нуқталарда товарлар таклифининг ортиқчалиги мавжуд бўлади (excess supply of goods – ESG).

$IS$  эгри чизигидан пастда жойлашган В нуқтада даромад миқдори  $Y_1$  га тенг, бу жамғармаларнинг  $S_1$  миқдорига тўғри келади, фоиз ставкаси  $R_2$  га тенг, бу инъекцияларнинг  $I_2$  миқдорига мос келади.  $I_2 > S_1$ , бу дегани, инъекциялар жамғармалардан ортиқ, яъни ҳаражатлар даромадлар (ишлаб чиқариш ҳажми)дан кўп, талаб таклифдан ортиқ. Шундай қилиб,  $IS$  дан пастда жойлашган барча нуқталарда товарларга бўлган ортиқча талаб кузатилади (excess demand for goods – EDG).

*IS* эгри чизигининг қиялиги.

$IS$  эгри чизиги қўйига қараб йўналган, чунки юқорироқ даражадаги фоиз ставкаси истеъмол, инвестиция ва соф экспорт ҳаражатларини пасайтиради, ундан келиб чиқиб ялпи талаб (ялпи ҳаражатлар) камаяди, бу мувозанатли даромадни янада паст даражага тушишига олиб келади. Ва аксинча, пастроқ даражадаги фоиз ставкаси автоном режалаштирилган ҳаражатларни оширади, юқорироқ даражадаги автоном режалаштирилган ҳаражатлар даромадни  $k_A$  марттага оширади, бунда,  $k_A$  – ҳаражатларнинг тўлиқ мультипликатори (ёки супермультипликатор).

Даромад даражаси ва фоиз ставкаси ўртасидаги ўзаро боғлиқликни,  $IS$  эгри чизигининг ўзига хос хусусиятлари ҳақидаги тасаввурни унинг алгебраик таҳлили орқали билиш мумкин бўлади.

*IS* эгри чизигининг алгебраик таҳлили.

Мувозанатли даромад даражаси ишлаб чиқаришнинг ҳажми ( $Y$ ) ялпи режалаштирилаётган ҳаражатлар ( $E = C + I + G + Xn$ )га тенг бўлганда ўрнатилишини эслайлик. Истеъмол, инвестиция ва соф экспорт функциялари чизиқли ва улар фоиз ставкасига боғлиқ деб фараз қиласлилик:

$$\begin{aligned} C &= \underline{C} + mpc(Y - T - tY) - aR \\ I &= I - dR \\ Xn &= Ex - (Im + mpmY) - eR = Xn - mpmY - eR \end{aligned} \quad (9.2.8)$$

Мувозанатли даромад даражаси қуйидагига тенг бўлади:

$$Y = (C - mpcT + I + G + Xn - bR) / (1 - mpc(1 - t) + mpm) \quad (9.2.9)$$

бунда,  $b = (a+d+e)$  ва у автоном ҳаражатларнинг фоиз ставкасига нисбатан сезувчанлик коэффициенти ҳисобланиб, фоиз ставкаси бир фоизга ўзгарганда автоном ҳаражатлар қай даражада ўзгаришини кўрсатади.

$C - mpc T + I + G + Xn = A$  (автоном ҳаражатлар йиғиндиси) ва  $[1/(1 - mpc(1 - t) + mpm)] = k_A$  (ҳаражатларнинг тўлиқ мультипликатори) бўлганлиги учун, у ҳолда *IS* эгри чизиги тенгламаси қуйидагича бўлади:

$$Y = k_A (A - bR) \quad (9.2.10)$$

ёки фоиз ставкаси учун:

$$R = A/b - (1/k_A b)Y \quad (9.2.11)$$

Коэффициент  $b > 0$  ва унинг олдида «манфий» ишора бўлганлиги сабабли *IS* эгри чизиги қўйига қараб йўналган.

***IS* эгри чизигининг силжиши.** *IS* эгри чизигининг силжиши унинг таркибини ташкил этувчи ҳар бир автоном ҳаражат ( $C, I, G$  ёки  $Xn$ )нинг ва автоном соғ солиқлар ( $Tx$  ёки  $Tr$ ) ўзгариши билан боғлиқ. Автоном ҳаражатлар ошса (ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларнинг фоиз ставкасининг ҳар қандай даражасида ҳам улар хоҳишистакларини, яъни, истеъмол ва инвестиция товарларини сотиб олишни оширадиган оптимитик кайфиятлари; давлат ҳаражатларининг ошиши; автоном солиқларнинг (аккорд) пасайиши; трансферт тўловларининг ортиши; соғ экспортнинг ошиши), *IS* эгри чизиги ўнгга силжийди.

Агар автоном ҳаражатлар қандайдир сабабга кўра камайса, *IS* эгри чизиги чапга силжийди. Ҳар икки ҳолатдаги силжиш параллел бўлади ва  $k_A \Delta A$  (чунки  $\Delta Y = k_A \Delta A$ ) га тенг масофада содир бўлади, яъни ўзгармас фоиз ставкада силжиш масофаси автоном ва мультипликатор ҳаражатлар ўзгариши катталиги билан аниқланади. Автоном ҳаражатлар қанчалик ката микдорга ўзгарса ёки мультипликатор катталиги қанчалик катта бўлса, эгри чизик шунчалик узоқ масофага силжийди.

### **9.3. LM әгри чизиғи ва унинг ясалиши**

Пул бозоридаги мувозанатни LM әгри чизиғи (liquidity preference - money supply) белгилаб беради ва у пулга бўлган талаб таклифга тенг бўлгандаги Y ва R нинг барча мумкин бўлган нисбатларини кўрсатиб беради. Пул деганда одатда M1 пул агрегати тушунилади, у ўз ичига нақд пуллар ва жорий ҳисоблардаги маблағлар (demand deposits – ҳисобдаги чеклар)ни олади, уларни эса истаган вақтда нақд пулларга айлантириш мумкинлиги бизга 6-бобдан маълум.

LM әгри чизифини ҳосил қилиниши асосида кейнсча ликвидлиликни афзал кўриш назарияси ётади, у қандай қилиб реал пул маблағлари заҳиралари (real money balances)нинг талаб ва таклифи нисбати фоиз ставкасини белгилаб беришини тушунтириб беради. Реал пул маблағлари заҳиралари нархлар даражаси ўзгаришини ҳисобга олиб тўғриланган (корректировка қилинган) номинал заҳира бўлиб, у M/P<sub>g</sub> тенг бўлади.

Ликвидлиликни афзал кўриш назариясига мувофиқ реал пул маблағларининг таклифи ( $M/P$ )<sup>S</sup> ўзгармас бўлиб, у нақд пуллар - С миқдори ва заҳиралар R, яъни пул базаси (H - high powered money; H = C + R)ни назорат қилувчи орган – МБ томонидан белгиланади. Пул таклифи экзоген катталик бўлиб ва у фоиз ставкасига боғлиқ бўлмаганлиги учун графикда вертикаль чизик кўринишида тасвирланган.

Реал пул заҳираларига талаб ( $M/P$ )<sup>D</sup> барча пулларга бўлган талаб турларини ўз ичига олади: 1) пулларга бўлган трансакцияли талаб, у товар ва хизматларни сотиб олиш учун пулларга бўлган талабни билдиради (битимлар тузиш учун пулларга бўлган талаб, яъни трансакциялар учун), пулларнинг муомала воситаси функциясидан ва абсолют ликвидлилик хусусиятидан келиб чиқиб, даромадга тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади ( $M/P$ )<sup>D\_T</sup> = ( $M/P$ )<sup>D(Y)</sup>; 2) пулларга бўлган эҳтиёткорлик талаби, у ҳам даромадга тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади; 3) пулларга бўлган спекулятив талаб, пулларнинг жамғарма воситаси функциясидан келиб чиқади, у фоиз ставкасига тескари пропорционал боғлиқликда бўлади, кейнсча моделда у нақд пулларни сақлашнинг альтернатив ҳаражатларини ифодалайди, яъни, агар кишилар ўзларининг барча молиявий активларини даромад келтирувчи (фоизли даромад келтирувчи) қимматли қоғозлар (облигациялар)ни сотиб олишдан воз кечиб,

нақд пул күринишида сақласалар, улар йўқотадиган даромадни кўрсатади:  $(M/P)^D_A = (M/P)^D(R)$ . Фоиз ставкаси қанчалик юқори бўлса, нақд пулларни шунчалик камроқ сақлаш мақсадга муво-фикарdir. Фоиз ставкаси паст бўлса, пулларнинг ликвидлилик хусусияти кишиларни ўзига кўпроқ жалб қиласди ва улар облигацияларни сотиб, нақд пуллар ҳажмини оширишга ҳаракат қила-дилар (шу сабабли Кейнснинг пуллар назарияси «ликвидлиликни афзал кўриш назарияси» номини олган). Шундай қилиб, инсон «портфель» деб аталадиган молиявий воситаларга эга бўлишни афзал кўради, уларга эса ҳам нақд пуллар ҳам қимматли қофозлар киради. Портфел таркиби, яъни ундаги пул ва пул бўлмаган молиявий активларнинг нисбати фоиз ставкаси динамикасига боғлиқ ҳолда ўзгаради ва у агар минимал таваккалчилик билан максимал даражада даромад келтирса, оптималь ҳисобланади. Натижада, агар пулларга бўлган талаб функцияси чизиқли бўлса, пулларга бўлган умумий талаб функциясини қуидагича ёзишимиз мумкин:

$$(M/P)^D = (M/P)^D_T + (M/P)^D_A = kY - hR \quad (9.3.1)$$

бунда,  $(M/P)^D_T$  – пулларга бўлган реал трансакцияли талаб,  $(M/P)^D_A$  – пулларга бўлган реал спекулятив талаб;  $Y$  – реал даромад,  $k$  – даромад бўйича пулларга бўлган талабнинг сезувчанлиги ёки ликвидлилик коэффициенти, яъни, ижобий коэффициент, у даромад даражаси бир бирликка ўзгарганда пулларга бўлган реал талаб қандай даражада ўзгаришини кўрсатади;  $R$  – фоиз ставкаси,  $h$  – фоиз ставкасига пулларга бўлган талабнинг сезувчанлиги (эластиклиги) ёки ижобий коэффициент, у фоиз ставкаси бир бирликка ўзгарганда пулларга бўлган реал талаб қандай ўзгаришини кўрсатади;  $h$  олдиаги «манфий» ишора тескари боғлиқликни билдиради (фоиз ставкасининг ошиши пулга бўлган талабни қисқартиради ва аксинча). Шунинг учун, пулларга бўлган умумий талаб фоиз ставкасига тескари боғлиқликда бўлганланлиги сабабли, пулларга бўлган умумий талаб эгри чизиғи қуига пастга қараб йўналган бўлади.

Пуллар таклифи ( $M$ ) МБ томонидан белгиланганлиги учун, ушбу катталик экзоген бўлиб, ўзгармасдир ва графикда у вертикал чизик кўринишига эга.

*Пул бозорида мувозанат* пулларга бўлган талаб эгри чизигининг таклиф эгри чизифи билан кесишган нуқтасида ўрнатилади. Бундай мувозанат ўрнатилишининг иқтисодий механизмини ҳам кейнсча ликвидлиликни афзал кўриш назарияси тушунтириб беради ва у фоиз ставкаси ва облигациялар нархи ўртасидаги тескари боғлиқлик қонуниятига асосланади.

Фоиз ставкасининг мувозанатга интилиши кишилар ўз активлари портфели таркибини ўзгартирганликлари сабабли содир бўлади (мувозанатли фоиз ставкасида портфелдаги пуллик ва пуллик бўлмаган активларнинг ўзаро нисбати оптимал даражада бўлади). Пулларга бўлган талаб ҳамда пуллар таклифининг ўзгариши фоиз ставкасининг ўзгаришига олиб келади. Агар пулларга бўлган талаб ошса, таклиф эса ўзгармаса, фоиз ставкаси кўтарилади, чунки кишилар облигацияларни сота бошлайдилар. Натижада облигациялар бозорида таклиф талабдан ошади ва облигациялар нархи пасаяди. Облигациялар нархи фоиз ставкаси билан тескари боғлиқликда бўлганлиги сабабли, фоиз ставкаси кўтарилади.


МБ пул таклифини камайтирганда ҳам фоиз ставкаси даражаси қўтарилади. Пул массасининг камайиши кишиларни ўз облигацияларини сотишга мажбур этади. Ва аксинча, агар пулларга бўлган талаб камайса ёки МБ пуллар таклифини оширганда фоиз ставкаси пасаяди.

Аммо пул бозоридаги мувозанатга фақатгина фоиз ставкаси катталиги  $R$  (реал пул заҳиралари катталигига таъсир этиб) таъсир кўрсатмайди. Даромад даражаси  $Y$  ҳам пулларга бўлган талабга таъсир этади. Даромад юқори бўлганда, ҳаражатлар катта бўлади, кишилар кўпроқ битимлар тузадилар, кўп товар ва хизматлар харид қиладилар ва бунда пулларга бўлган трансакцияли талаб ортади. Бу боғлиқлардан фойдаланиб, пул бозорининг мувозанатли эгри чизифи - LMни ҳосил қилиш мумкин, у фоиз ставкаси ( $R$ ) ва даромад даражаси ( $Y$ ) ўртасидаги боғлиқликни ифодалайди.

### ***LM эгри чизигининг ясалиши.***

LM эгри чизифи даромад даражаси  $Y$  ва фоиз ставкаси  $R$  нинг пул бозори мувозанатда бўлган ҳолатдаги барча комбинацияларини кўрсатади, яъни бунда пулларга бўлган реал талаб унинг таклифига тенг бўлади:  $(M/P)^D = (M/P)^S$ . LM эгри чизигини икки усулда ясаймиз: 9.3-а расмдаги LM эгри чизифи кейнсча ликвидлиликни афзал кўриш назариясидан келиб чиқсан мувозанатли пул


бозорининг графиги асосида ясалади. Даромад даражасининг ошиши ( $Y_1$ дан  $Y_2$  гача) пулларга бўлган талабни ошириб,  $M^D$  эгри чизифини ўнгга силжитади, фоиз ставкаси эса  $R_1$ дан  $R_2$ га кўтарилади. Бу LM эгри чизифини тасвирлашда мувозанатли пул бозорини таъминлаш учун юқори даромадга юқори фоиз ставкаси мос келишини кўрсатади. Шунинг учун LM эгри чизифининг йўналиши ижобий бўлади.




### 9.3.-а расм. LM эгри чизифининг ясалиши (1-усул)

9.3-б расмда LM эгри чизифи (IV график) пулларга бўлган умумий талаб (у ўз ичига: а) даромадга боғлиқ ва II графикда  $(M/P)^D_T$  эгри чизик кўринишида келтирилган пулларга бўлган трансакцияли талаб ва б) фоиз ставкасига боғлиқ ва III графикда  $(M/P)^D_A$  эгри чизик кўринишида тасвирланган пулларга бўлган спекулятив талабни олади) таклифга  $(M/P)^S$  тенглиги тамойилидан келтириб чиқарилган (I графикнинг III квадрантида келтирилган). Даромад даражаси  $Y_1$  га тенг бўлганда пулларга бўлган трансакция талаби  $[(M/P)^D_T]_1$  га тенг ва иқтисодиётда мавжуд пул таклифи шароитида пулларга бўлган спекулятив талаб  $[(M/P)^D_A]_1$  га тенг бўлиб,  $R_1$  фоиз ставкасига мос келади. Агар даромад даражаси  $Y_2$  га ошса, пулларга бўлган трансакция талаби  $[(M/P)^D_T]_2$  ни ташкил этади, бунда пулларга бўлган спекулятив талаб  $[(M/P)^D_A]_2$  га тенг бўлади, бу  $R_2$  фоиз ставкасига мос келади. Шундай қилиб, юқори даражадаги даромадга юқорироқ фоиз ставкаси тўғри келади.

Пул бозоридаги мувозанат





Пулларга бўлган трансакцияли талаб



LM эгри чизиги

Пулларга бўлган спекулятив талаб



### 9.3-б расм. LM эгри чизигининг ясалиши (2-усул)

**LM эгри чизиги ташқарисидаги нуқталар.** LM эгри чизиги ташқарисида жойлашган барча нуқталар пул бозоридаги мувозанатнинг бекарорлигини кўрсатади. LM эгри чизигидан юқорида жойлашган А нуқтани кўриб ўтайлик. Бу нуқтада даромад даражаси  $Y_1$  га тенг, бу  $[(M/P_T^D)]_1$  га тенг катталиктаги пулларга бўлган трансакция талабига мос келади, фоиз ставкаси эса  $R_2$  га

тенг, бу эса пулларга бўлган спекулятив талабга тенгдир ( $M^D_A$ )<sub>2</sub>. Пулларга бўлган бундай катталиқдаги талабларнинг йифиндиси пуллар таклифига мос келади, у A' нуқта билан характерланади ва эгри чизик устида ётади, бунда пул таклифи иқтисодиётдаги мавжуд пуллардан кам бўлади ( $(M/P)^S$  эгри чизифи).

Шундай қилиб,  $LM$  дан юқорида ётган барча нуқталарда, пуллар таклифи пулларга бўлган умумий талабдан ортиқ бўлади, бу пулларнинг ортиқчалигини англатади (excess supply of money – ESM).  $LM$  нуқтадан пастда жойлашган В нуқта пулларга бўлган трансакция талаби  $[(M/P)^D_T]_2$ ни ташкил этади, чунки даромад даражаси  $Y_2$ га тенг, пулларга бўлган спекулятив талаб эса  $[(M/P)^D_A]_1$  га тенг, фоиз ставкаси  $R_1$ га тенг. Пулларга бўлган талаб йифиндиси В' нуқтадаги пул таклифи катталигига мос келади, у бунда иқтисодиётдаги мавжуд пуллардан кам бўлади, яъни пулларга бўлган талаб таклифдан ортиқ бўлади. Бундан,  $LM$  эгри чизигидан қуйида жойлашган барча нуқталарда пулларга бўлган ортиқча талаб мавжуд бўлади (excess demand for money – ESM). Бу нуқталарда мувозанат ўрнатилиши учун ёки даромад даражаси, ёки фоиз ставкаси катталиги ёки ҳар иккиси ўзгариши керак бўлади. Агар фоиз ставкаси пасайса, пулларга бўлган талаб ортади ва даромад даражаси пасайса, у ҳолда пулларга бўлган талаб камаяди.

#### **9.4. Товар ва пул бозори мувозанати**

IS ва LM эгри чизиқларининг алоҳида ҳар бири мувозанатли даромад  $Y_e$  ва мувозанатли фоиз ставкаси  $R_e$  ни белгилаб бера олмайди. Иқтисодиётда мувозанат IS ва LM эгри чизиқларининг фақатгина биргаликда кесишган нуқтасида аниқланади (9.4 – а расм).

Товар ва пуллар бозорида бир вақтнинг ўзида мувозанат фақат даромад ( $Y_e$ ) ва фоиз ставкаси ( $R_e$ ) даражаларининг ягона миқдорида ўрнатилади (9.4 – а расм).

Даромад даражаси ва фоиз ставкасининг бошқа ҳар қандай миқдорида алоҳида бир ёки ҳар икки бозорда мувозанатнинг бузилиши содир бўлади. Масалан,  $R_1$  фоиз ставкасида пул бозорида мувозанат  $Y_1$  даромад даражасида ўрнатилади ( $R_1$  чизигининг LM эгри чизифи билан кесишуви), аммо товар бозорида бундай фоиз

ставкада мувозанат даромаднинг  $Y_2$  даражасида мавжуд бўлади ( $R_1$  чизикнинг IS эгри чизик билан кесишуви).


Ҳар икки бозорнинг биргаликдаги мувозанатли ҳолати IS ва LM эгри чизиклари тенглигининг қарор топишидан юзага келади. Масалан, 9.4-б расм да, А ва В нуқталарда товар бозорида мувозанат мавжуд (товарларга талаб = товарлар таклифи), чунки улар IS эгри чизиги устида, С ва D нуқталарда – мувозанат бузилган. Аксинча, С ва D нуқталар пул бозоридаги мувозанатга мос келади (пулларга бўлган талаб = пуллар таклифи), чунки улар LM эгри чизигида жойлашган, А ва В нуқталарда эса – мувозанат бузилган. Умумий мувозанат – бу иқтисодиётда товар ва пул бозорида бир вақтнинг ўзида мувозанат ўрнатилишидаги вазиятни англатади ва у фақат Е нуқтада мавжуд бўлади (9.4 –а расм ва 9.4 –б расм).

Бир вақтда товар ва пул бозорида мувозанатга мос келувчи даромад миқдорини ( $Y_e$ ) (9.4 – а расм) Кейнс «*самарали талаб миқдори*» деб атади.

Бу тизим қандай қилиб бекарорликдан умумий мувозанатга келиши мумкин? Агар товар ва хизматлар бозори бекарор вазиятда бўлса, у ҳолда заҳираларнинг кутилмаган ўзгариши юз беради, иқтисодиётни Е нуқтага келтириш учун фирмалар ишлаб чиқариш ҳажмини ёки қисқартирадилар ёки оширадилар. Агар пул бозори бекарор бўлса, пулларга бўлган талаб ортганда фоиз ставкаси ошади, кишилар пулларга бўлган талабларини бошқа йўл билан қондира олмасалар, улар облигацияларини сотишни бошлайдилар ёки пул таклифи уларга бўлган талабдан ортса, облигацияларни сотиб оладилар ва иқтисодиёт бундай ҳолатда Е нуқта томон силжий бошлайди.

IS ва LM эгри чизикларининг кесишуви текисликни тўртта соҳага ажратади (9.4-б расм), уларнинг ҳар бирида эса бекарорлик мавжуд. I ва II соҳаларда пулларнинг ортиқча таклифи кузатилади, чунки улар LM эгри чизигидан юқорида жойлашган, LM эгри чизигидан пастда жойлашган III ва IV соҳаларда эса пулларга бўлган ортиқча талаб мавжуд. I ва IV соҳалар товар ва хизматларнинг ортиқча таклифига мос келади, чунки улар IS эгри чизигидан юқорида жойлашган, бунда II ва III соҳаларда товар ва хизматларга ортиқча талаб мавжуд бўлади. Иқтисодиётнинг мувозанатга мослашуви ва ҳаракати расмда стрелка йўналишида кўрсатилган. Агар товар бозорида товарлар ортиқчалиги мавжуд

бўлса, фирмалар заҳиралари ортади, ишлаб чиқариш (даромад) миқдори  $Y$  эса камаяди (I ва IV соҳаларда чапга горизонтал стрелкалар IS эгри чизиги йўналиши бўйича йўналган). Товарларга бўлган талаб ортиқча бўлганда фирмалар заҳиралари камаяди, ишлаб чиқариш ҳажми эса ортади (II ва III соҳаларда ўнгга горизонтал стрелкалар IS эгри чизиги йўналиши бўйлаб).



**9.4-расм. Товар ва пул бозорининг биргаликдаги мувозанати**

Пул бозорида пул таклифи ортиқчалиги кузатилаётган бўлса, кишилар облигациялар сотиб оладилар, облигацияларга бўлган талаб ортиши натижасида эса улар нархи ортади, бу (ликвидлиликни афзал кўриш назариясига биноан облигация нархи ва фоиз ставкаси ўртасида тескари боғлиқликка асосланган) фоиз ставкасини пасайтиради (I ва II соҳаларда LM эгри чизиги йўналишида пастга қараган вертикаль йўналишдаги стрелкалар). Пулларга бўлган ортиқча талабда аксинча, кишилар накд пулларни уларга танқислик бўлганда олиш учун облигацияларни сота бошлайдилар, бу облигациялар таклифини оширади, уларнинг нархи тушишига ва бу ҳолат фоиз ставкасини ошишига олиб келади (III ва IV соҳаларда LM эгри чизиги бўйлаб пастга йўналган вертикаль стрелкалар). Шуниси аҳамиятлики, пул бозорида

мувозанатнинг тикланиши тезроқ содир бўлади, бунинг учун активлар портфели таркибини ўзгартиришнинг ўзи кифоя ва бу узоқ вақтни талаб этмайди, ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга эса бундан фарқли равишда узоқ вақт талаб этилади.

Бу вазиятни ҳисобга олиб, иқтисодиёт бекарорликда бўлганда, масалан, А нуқтада бўлганда мувозанатга эришишнинг иқтисодий механизмини кўриб ўтамиз (9.4.-в расм). Бу нуқта II соҳада жойлашган бўлиб, бунда пуллар таклифи ортиқчалиги ва товар ва хизматларга ортиқча талаб мавжуд бўлади. Пуллар таклифининг пулларга бўлган талабга нисбатан ортиқчалиги, кишиларнинг ортиқча пулларни қимматли қоғозларга ўзгартиришга интилишларига олиб келади, фоиз ставкаси пасаяди ва облигациялар нархи кўтарилади.

Пуллар бозорида мувозанат LM эгри чизифида В нуқтада ўрнатилади. Аммо бу соҳада мавжуд товар ва хизматларга бўлган ортиқча талаб фирмалар заҳираларининг пасайишига ва уларнинг ишлаб чиқаришни оширишларига олиб келади, бу вазият пуллар бозорини бекарорлигига сабаб бўлади ва иқтисодиётни III соҳага силжитади (С нуқта), бу пулларга бўлган талабнинг ортиқчалигига мос келиб, фоиз ставкасини ошишига ва LM эгри чизифига қайтишига олиб келади. Аммо товар бозорида сакланиб қолаётган ортиқча талаб фоиз ставкаси ошишидан келиб чиқсан, қисқариши мумкин бўлган инвестиция талабига қарамасдан, заҳираларнинг кейинчалик қисқаришини ва ишлаб чиқаришнинг ошишини таъминлаб беради. Пул бозори бекарорлик ҳолатига келади (даромад ошиши туфайли пулларга ортиқча талаб пайдо бўлади), бу фоиз ставкасини ошишига олиб келади ва иқтисодиётни IS эгри чизифидан пастда жойлашган ва ҳали ҳам товар ва хизматларга бўлган ортиқча талабга мос келувчи LM эгри чизифидаги D нуқтага қайтаради. Келгусида заҳираларнинг қисқариши ва ишлаб чиқаришнинг ортиши натижасида иқтисодиёт F нуқтага силжийди, Е мувозанат нуқтага келмагунча яна пул бозоридаги мувозанат бузилади ва ҳакозо.

Шундай қилиб, товар ва пул бозорларида бир вақтнинг ўзида мувозанатга, яъни IS ва LM эгри чизикларининг кесишиш нуқтасига келмагунча иқтисодиёт худди зинопоя каби ҳаракатда бўлади.

## Қисқача холосалар

1. IS-LM модели ўзида товар ва пул бозорларининг ўзаро биргаликдаги мувозанатини акс эттиради. У кейнсча турдаги модел бўлиб (demand-side), иқтисодиётни қисқа муддатда ўрганади ва замонавий ялпи талаб назариясининг асоси бўлиб хизмат қиласди.

2. IS эгри чизиги (инвестициялар-жамғармалар) товарлар бозоридаги мувозанатни тасвирлайди ва у товар ва хизматлар бозорида ҳосил бўладиган фоиз ставкаси  $R$  ва даромад даражаси  $Y$  ўртасидаги боғлиқликни акс эттиради.

3. Фоиз ставкасининг ўзгариши автоном ҳаражатларнинг: *инвестиция ҳаражатлари; истеъмол ҳаражатлари; соф экспортга ҳаражатларига* таъсир кўрсатади.

4. Автоном режалаштирилган ҳаражатлар миқдори фоиз ставкасига, реал ишлаб чиқариш ва даромаднинг умумий даражаси режалаштирилган автоном ҳаражатлар миқдорига боғлиқ экан, у ҳолда бу боғлиқликларни бирлаштириб, реал даромад фоиз ставкасига боғлиқ бўлиши керак, деган холосага келиш мумкин бўлади.

5. IS эгри чизиги ташқарисидаги ҳар қандай нуқтада иқтисодиётнинг мувозанати бузилади.

6. IS эгри чизиги қуйига қараб йўналган, чунки юқорироқ даражадаги фоиз ставкаси истеъмол, инвестиция ва соф экспорт ҳаражатларини пасайтиради, ундан келиб чиқиб ялпи талаб (ялпи ҳаражатлар) камаяди, бу мувозанатли даромадни янада паст даражага тушишига олиб келади ва аксинча.

7. IS эгри чизигининг силжиши унинг таркибини ташкил этувчи ҳар бир автоном ҳаражат ( $C, I, G$  ёки  $X_n$ )нинг ва автоном соф солиқлар ( $T_h$  ёки  $Tr$ ) ўзгариши билан боғлиқ. Автоном ҳаражатларнинг ошиши IS эгри чизигини ўнгга, уларнинг камайиши эса IS эгри чизигини чапга силжитади. Ҳар икки ҳолатдаги силжиш параллел бўлади ва  $k_A\Delta A$ (чунки  $\Delta Y = k_A\Delta A$ ) га тенг масофада содир бўлади, яъни ўзгармас фоиз ставкада силжиш масофаси автоном ва мультиплікатор ҳаражатлар ўзгариши катталиги билан аниқланади.

8. LM эгри чизиги (яъни, ликвидлилик - пуллар) пулларга бўлган талаб таклифга тенг бўлгандаги вазиятни, яъни пул бозоридаги мувозанатни характерлайди. Пулларга бўлган талаб фоиз ставкасига боғлиқ экан, у ҳолда пул бозорининг мувозанатли

Эгри чизиги - LM мавжуд бўлиб, ундаги ҳар бир нуқта мувозанатни таъминловчи даромад миқдори ва фоиз ставкаси комбинациясини акс эттиради.

9. LM эгри чизиги ташқарисида жойлашган барча нуқталар пул бозоридаги мувозанатнинг бекарорлигини кўрсатади.

10. Товар (IS) ва пул (LM)лар бозорларида мувозанатли эгри чизикларнинг кесишуви фоиз ставкаси R (мувозанатли фоиз ставка) ва даромад даражаларининг Y (мувозанатли даромад даражаси) ҳар икки бозордаги мувозанатини бир вақтнинг ўзида таъминлайдиган ягона миқдорини белгилаб беради.

11. IS-LM модели: 1) товар ва пуллар бозорларининг ўзаро боғлиқлигини кўриш; 2) биргаликдаги мувозанат ҳолатида ва ҳар бир алоҳида бозорда уларнинг мувозанатига таъсир этувчи омилларни аниқлаш; 3) ушбу бозорларда мувозанатнинг ўзгаришини иқтисодиётга таъсирини кўриш; 4) фискал ва монетар сиёсалари самарадорлигининг таҳлилини кўриш; 5) ялпи талабга таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш; 6) даврий тебранишнинг ҳар бир фазасида барқарорлаштириш сиёсатининг турли хил йўлларини таҳлил этиш имконини беради.

12. Умумий мувозанат – бу иқтисодиётда товар ва пул бозорида бир вақтнинг ўзида мувозанат ўрнатилишидаги вазиятни англатади. Бир вақтда товар ва пул бозорида мувозанатга мос келувчи даромад миқдорини ( $Y_e$ ) Кейнс «самарали талаб миқдори» деб атади.

## Таянч иборалар

IS-LM модели, товар (IS) ва пул (LM) бозорларида мувозанат, фоиз ставкаси (R), даромад даражаси, автоном режалаштирилган ҳаражатлар ва фоиз ставкаси ўртасидаги боғлиқлик, ликвидлиликни афзал кўриш назарияси, пул бозорида мувозанат, «самарали талаб миқдори», пулларнинг ликвидлилик хусусияти.

## **Х БОБ. ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ**

- 10.1. Иқтисодий ўсиш ва унинг кўрсаткичлари
  - 10.2. Иқтисодий ўсиш турлари ва омиллари
  - 10.3. Давлат сиёсати ва иқтисодий ўсиш
  - 10.4. Иқтисодий ўсишнинг афзалликлари ва камчиликлари
  - 10.5. Иқтисодий ўсишнинг неокейнсча моделлари
  - 10.6. Иқтисодий ўсишнинг неоклассик моделлари
- Қисқача холосалар**  
**Таянч иборалар**

### **10.1. Иқтисодий ўсиш ва унинг кўрсаткичлари**

Иқтисодий ўсиш муаммосини ўрганиш жуда муҳим аҳамиятга эга, чунки иқтисодий ўсиш фаровонликни оширади, уни белгилаб берувчи омиллар таҳлили эса турли мамлакатларда бир вақтнинг ўзида ёки бир мамлакатнинг ўзида, аммо унинг турли даврларида иқтисодий ривожланиш даражасидаги фарқнинг сабаб ва оқибатларини тушунтириб бериш имконини беради.

Иқтисодий ўсишнинг макроиқтисодиёт назарияси бир қатор муҳим масалаларни ҳал этишга қаратилган. Булар ичида энг асосийлари қуидагилардан иборат:

- иқтисодий ўсишни таъминлаш;
- иқтисодий ўсишга таъсир этувчи омилларни аниқлаш;
- нима учун баъзи мамлакатлар тезроқ, бошқалари эса нисбатан секин ривожланиши сабабларини ўрганиш;
- юқори даражадаги фаровонликка эришгандан сўнг, уни сақлаб қолиш учун қандай чора-тадбирлар кўриш масаласи;
- иқтисодиётининг ривожланиш даражаси паст бўлган мамлакатлар иқтисодий ўсишга эришишда қандай йўлдан бориши муаммоси;
- иқтисодий ўсишнинг камчиликларини ўрганиб, уларни бартараф этишга интилиш.

Булар ва шу каби бир қатор масалалар иқтисодий ўсишнинг макроиқтисодиёт назариясида ўрганилади ва ҳал этилади.

*Реал ЯИМнинг узоқ вакт давомида тўлиқ бандлик шароитидаги ўсиб бориши тенденциясига иқтисодий ўсиш дейилади.* Бу таърифнинг таянч иборалари қуидаги маъноларни англатади:

- тенденция сўзи реал ЯИМни йилига кўпайишини шартли деб ҳисобламайди, аммо “тренд” деб аталувчи тўғри чизик иқтисодиётнинг бир текис узок даврдаги йўналишини ифодалайди;

- узок вақт оралигидан, иқтисодий ўсиш узок муддатни характерловчи кўрсаткич бўлганлиги сабабли, ЯИМ потенциал ҳажми (ресурсларнинг тўлиқ бандлик шароитидаги ЯИМ)нинг ошиши иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш имкониятлари ортганини билдиради;

- реал ЯИМ, чунки номинал ЯИМ нархлар даражаси ўсиши ҳисобига ортиши ҳам мумкин, бундан ташқари бундай ҳолатда ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми қисқариши кузатилади. Аммо нархлар даражасининг ошиши номинал ЯИМ суръатлари ортишидан паст бўлса, ёки аксинча, номинал ЯИМ суръатлари нархлар даражасига қараганда юқорироқ бўлса, у ҳолда реал ЯИМ ҳажми камаймайди ва аксинча, ортади. Шунинг учун иқтисодий ўсишнинг асосий кўрсаткичи реал ЯИМ катталиги ҳисобланади.

График кўринишида иқтисодий ўсишни уч хил усулда тасвирлаш мумкин:

- реал ЯИМ эгри чизиги орқали;
- ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизиги орқали;
- ялпи талаб-ялпи таклиф модели орқали(AD-ASмодели).


10.1- а расмдаги тренд(эгри) чизиги реал ЯИМни узок муддатда ўсиб бориш тенденциясини кўрсатади. 10.1-б расмда иқтисодий ўсиш ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизиги орқали тасвирлаб берилган. Иқтисодиётда ишлаб чиқариладиган товарларнинг асосий турлари - бу инвестиция товарлар(ишлаб чиқариш учун мўлжалланган)и ва истеъмолга мўлжалланган товарлардир. Ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизиги (1-бобда батафсил берилган) иқтисодиётда ресурсларнинг маълум бир вақтда чекланганигини кўрсатади.

Эгри чизиқдаги ҳар бир нуқта мавжуд иқтисодий ресурслар ёрдамида ишлаб чиқарилиши мумкин бўлган истеъмол ва инвестиция товарларнинг маълум бир миқдордаги комбинацияси, нисбатини кўрсатади. Масалан, ишлаб чиқариш эгри чизигидаги A нуқтага тўғри келувчи ресурслар миқдорида истеъмол товарларини  $C_1$  ва инвестицион товарларини  $I_1$  миқдорда ишлаб чиқариш мумкин. Агар худди шу ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизигида истеъмол товарларини  $C_2$  миқдорга оширишни мақсад

қилиб қўйилса (А нуқтадан В нуқтага ўтиш), у ҳолда бу муаммони ҳал этиш фақатгина инвестиция товарларини  $I_2$  гача камайтириш, яъни альтернатив ҳаражатлар ҳисобига амалга оширилиши мумкин.

Агар иқтисодиёт янги ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизигига, яъни А нуқтадан Д нуқтага ўтса, у ҳолда ҳам истеъмол( $C_3$ ) ҳам инвестиция товарлар ( $I_3$ )ини ишлаб чиқариш альтернатив (муқобил) ҳаражатларсиз ортади. Айнан ана шу ҳолат иқтисодий ўсишни англатиб, ишлаб чиқариш имкониятларини янги даражага кўтарилиши, ресурслар чекланганлиги ва альтернатив ҳаражатлар муаммосининг ҳал этилиши хисобланади. Шундай қилиб, иқтисодий ўсиш ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизифида ўнгга силжиган (параллел силжиши шарт эмас) ҳолатда тасвирланиши мумкин.

10.1-в расмда иқтисодий ўсиш AD-AS модели ёрдамида тасвиrlанган. Иқтисодий ўсиш потенциал ЯИМ, яъни реал ЯИМни узоқ муддатда ўсишини кўrsатиб, уни графикда узоқ муддатдаги ялпи таклиф (LRAS)нинг ўнгга силжиши ва ишлаб чиқариш ҳажмини  $Y^*_1$  дан  $Y^*_2$  гача ортишини билдиради.



## 10.1.-расм. Иқтисодий ўсишнинг график тасвирлари

Мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражаси, унинг иқтисодий потенциалини баҳолашда реал ЯИМ катталиги кўрсаткичидан кенг фойдаланилсада, ушбу абсолют кўрсаткич турмуш даражасини тўлиқ акс эттира олмайди. Мамлакат

ривожини, фаровонлик даражасини нисбатан аниқ кўрсата оладиган кўрсаткич киши бошига тўғри келадиган реал ЯИМ катталиги ҳисобланади, яъни бундай нисбий кўрсаткич умуман иқтисодиётда ишлаб чиқарилган товар ва хизматлар миқдори нархинигина эмас, балки унинг ўртача бир кишига қанча миқдорда тўғри келишини кўрсатиб беради.

Кишилар турмуш даражаси кўп даражада аҳоли сонининг ўсиш суръатларига боғлиқдир. Бир томондан мамлакат аҳолисининг сони ишчи кучи, яъни меҳнат ресурслари миқдорини белгилаб беради. Аммо иккинчи бир томондан, аҳоли сонининг ўсиши киши бошига тўғри келадиган ЯИМ миқдорини камайтиради, яъни турмуш даражасини пасайтиради.

Иқтисодий ўсиш ҳақида фақатгина аҳоли турмуш даражаси (фаровонлиги) ошсагина, яъни иқтисодий ривожланиш аҳоли сони ўсишига нисбатан реал ЯИМнинг кўпроқ ўсиши билан биргаликда кузатилган бўлсагина айтиш мумкин бўлади. Киши бошига тўғри келувчи реал ЯИМ даражаси бўйича мамлакатлар ўртасида жуда катта фарқлар мавжуд. Киши бошига тўғри келувчи ЯИМ кўрсаткичининг ошиши мамлакатда яшовчи бир кишига товар ва хизматлар эндилиқда борган сари кўпроқ тўғри келаётганини, фаровонлик ортаётганлигини билдиради.

Аммо вақт ўтиши билан мамлакатлар бўйича киши бошига тўғри келувчи реал ЯИМ даражаси ўзгариб туради. Сабаб, турли мамлакатларда иқтисодий ўсиш тезлиги турличадир. Иқтисодий ўсиш тезлиги кўрсаткичи иқтисодий ўсиш динамикасини белгилаб берувчи кўрсаткич бўлиб, у қайси бир мамлакат тезроқ ривожланаётганлигини кўрсатади.

Иқтисодий ўсиш тезлиги маълум вақт оралиғида ЯИМнинг йиллик ўртача ўсиш суръатларида ёки киши бошига тўғри келувчи йиллик ўртача ЯИМ ўсиш суръатларида ифодаланади (бу янада аниқ кўрсаткич). Масалан, ўртача иқтисодий ўсиш суръатларининг юқори бўлишига эришган Япония охирги 100 йилда олдинги сафларга чиқиб олди, ўсишнинг паст суръатлари туфайли эса Буюк Британия ва Аргентина ўз мавқеларини йўқотдилар. Бундан ташқари, бир неча йиллар ўтиб, унчалик катта фарқ қилмаган ўсиш суръатлари мамлакатлар ўртасида ишлаб чиқариш ва даромад даражаларида бўладиган катта фарқларга олиб келиши мумкин. Бу тўпланиб борадиган ўсиш (compound growth) туфайли, яъни кумулятив самара орқали юз беради.

Кумулятив самара “мураккаб фоиз” формуласи орқали аниқланади, яъни унда олдинги олинган фоиз ҳам хисобга олинади. Масалан, мамлакатда ЯИМ катталиги 100 млрд.долл.ни ташкил этади деб фараз қилайлик, ЯИМнинг ўртача йиллик ўсиш суръатлари 10% бўлса, у ҳолда ЯИМнинг микдори биринчи йил охирига келиб 110 млрд.долл. ( $100+100 \times 0.1=110$ ) ни, иккинчи йил охирида 121 млрд.долл. ( $100+100 \times 0.1+ (100+100 \times 0.1) \times 0.1=121$ ), учинчи йил охирида 133.1 млрд.долл. ( $100+100 \times 0.1+ (100+100 \times 0.1) \times 0.1+ [(100+100 \times 0.1) \times 0.1]=133.1$ ) ва ҳакозони ташкил этади. Шундай қилиб, агар ЯИМнинг ўртача йиллик ўсиш суръатлари маълум бўлса,( $g_a$  – annual growth rate), ЯИМнинг бошланғич даражаси( $Y_0$ )ни билган ҳолда ва мураккаб фоиз формуласидан фойдаланиб, ЯИМнинг  $t$  йилдан кейинги катталигини ( $Y_t$ ) хисоблаш мумкин бўлади:

$$Y_t = Y_0(1+g_a)^t, \quad (10.1)$$

бундан, ЯИМнинг ўртача ўсиш суръатлари қуидагига тенг:

$$g_a = \sqrt{\frac{Y_t}{Y_0}} - 1 \quad (10.2)$$

Шундай қилиб, ЯИМнинг ўртача йиллик ўсиш суръатлари бир неча йиллик ўртача геометрик ўсиш суръатларини ўзида акс эттиради.

Хисоблашни соддалаштириш учун одатда **«70 катталиги қоидаси»** дан фойдаланилади, бу қоида, агар қандайдир ўзгарувчан катталик йилига  $x\%$  даражада ортса, унинг микдори тахминан 70 йилдан сўнг икки баробарга ошишини кўрсатади. Масалан, агар жон бошига тўғри келувчи ЯИМ йилига 1% га ортаётган бўлса, у ҳолда унинг катталиги 70 йилдан кейин ( $70/1$ ) икки баробарга ортади. Агар жон бошига тўғри келувчи ЯИМ йилига 4% га ошаётган бўлса, у ҳолда унинг катталиги тахминан 17,5 йилдан кейин ( $70/4$ ) икки баробарга ортади.

## 10.2. Иқтисодий ўсиш турлари ва омиллари

Баъзи мамлакатлар бошқаларга нисбатан тезроқ ривожлашишини, иқтисодий ўсишни қандай тезлаштириш мумкинлигини, яъни давлатлараро ва маълум вақт оралиғида реал ЯИМ (киши бошига тўғри келувчи реал ЯИМ) даражаси ва унинг ўсиш суръатлари орасидаги фарқни тушуниш учун иқтисодий ўшишининг

*турлари ва омилларини таҳлил қилиш керак бўлади. Ишлаб чиқариш имкониятларининг ошиши ва потенциал ЯИМ ҳажмининг ўсиши кўп жиҳатдан ресурсларнинг ҳажми ёки улар сифатининг ўзгариши билан боғлиқ бўлади.*

Иқтисодий ўсишни икки: а) *экстенсив* ва б) *интенсив* турга ажратадилар. Ресурсларнинг миқдоран ўсиши ёки иқтисодий омилларни оддий қўшиш ҳисобига содир бўладиган ўсиш иқтисодий ўсишнинг экстенсив турига тегишидир. Ресурсларнинг сифат жиҳатидан такомиллашиши ва илмий-техник тараққиёт (прогресс)нинг энг янги ютуқларини қўллаш билан боғлиқ ўсиш эса иқтисодий ўсишнинг интенсив тури ҳисобланади. Бундан келиб чиқиб, яъни иқтисодий ўсишнинг икки турига қараб икки гуруҳ омилларни фарқлайдилар:

- ресурсларнинг сонига таъсир этувчи омиллар: ер, меҳнат, капитал ва тадбиркорлик фаолияти. Иқтисодий ўсишнинг *экстенсив тури* омилларига қуйидаги омиллар киради: ишчи кучи сонини кўпайтириш; янги корхоналар қуриш; ишлаб чиқариш воситалари ҳажмини ошириш; хўжаликка қўшимча ерларни жалб этиш; янги ерларни очиш ва фойдали қазилмалар қазиб чиқаришни кўпайтириш; ресурслар миқдорини ошириш имконини берадиган ташқи савдони ривожлантириш ва бошқалар. Аммо бунда ишчилар малакаси ва улар меҳнати унумдорлиги, ишлаб чиқариш воситалари сифати ва технология ўзгармасдан қолади. Шунинг учун меҳнат ва капитал бирлигига тўғри келадиган маҳсулотдан олинадиган даромад ўзгармасдан қолади.

- сифатга таъсир этувчи омиллар. Иқтисодий ўсишнинг *интенсив тури* омиллари қуйидагилардир: ишчи кучи малакаси ва касбий тайёргарлиги даражасини ошириш; ишлаб чиқаришга ишлаб чиқариш воситаларини нисбатан такомиллаштирилганини қўллаш; янги технологиялар (биринчи навбатда ресурсларни тежайдиган)ни қўллаш; меҳнатни илмий ташкил этиш; иқтисодиётни давлат томонидан бошқаришда нисбатан самарали усусларни қўллаш.

Иқтисодий ўсишнинг интенсив тури омиллари ичida жамият аъзоларининг мавжуд билимларини ошириш ва тўплаш, янги билимлар натижасида эришиладиган илмий янгилик, кашфиётлар ва бундай кашфиётларни амалга оширишга асосланган илмий-техник тараққиёт омиллари муҳим аҳамиятга эгадир. Айнан ана шу

илмий - техник тараққиёт ресурслар сифатини такомиллаштириш учун имконият яратади.

Ресурслар сифатининг асосий иқтисодий хусусияти уларнинг унумдорлиги ҳисобланади. Мамлакатда аҳоли турмуш даражасини белгилаб берувчи энг асосий омил - бу меҳнат унумдорлигидир (4-бобда ҳам кўриб ўтилган эди). Ишчи бир соатда қанчалик кўп товар ва хизматлар ишлаб чиқарса, меҳнат унумдорлиги шунча юқори ва реал ЯИМ ҳажми шунчалик катта бўлади. Аҳоли турмуш даражаси мамлакатда яратилган товар ва хизматлар миқдори билан белгиланади, шунинг учун реал ЯИМ қанчалик катта бўлса, турмуш, фаровонлик даражаси шунчалик юқори бўлади.

Меҳнат унумдорлигига, ундан келиб чиқиб иқтисодий ўсиш ва унинг суръатларига қуйидаги омиллар таъсир этади:

- *жисмоний капитал* - бу товар ва хизматларни ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган бино, иншоот, асбоб-ускуна ва ҳакозолар заҳирасидир. Шуни айтиб ўтиш керакки, жисмоний капиталнинг ўзи ишлаб чиқариш жараёнининг маҳсулидир. У қанчалик такомиллашган ва замонавий бўлса, шунчалик кўп товарлар (жумладан инвестиция товарлари, яъни замонавий асбоб-ускуналар) ва хизматлар унинг ёрдамида ишлаб чиқарилиши мумкин бўлади.

- *меҳнат капитали* (инсоний капитал) – бу таълим олиш (мактаб, коллеж, университет, касбга тайёрлаш ва малака ошириш курслари) ва меҳнат фаолияти жараёнида (*learning by doing*) ишчиларнинг олган билим, кўникма ва меҳнат маҳоратларидир. Айтиш жоизки, инсон капитали жисмоний капитал каби ишлаб чиқариш жараёни натижасидир ва у ҳам жамиятнинг янги товар ва хизматлар яратишдаги имкониятрларини оширади.

- *табиий ресурслар* – бу табиат инъом этиб таъминлаб берадиган омиллар, яъни ер, дарёлар, фойдали қазилмалар ва ҳакозолар. Табиий ресурслар тикланадиган ва қайта тикланмайдиган турларга бўлинади. Қайта тикланадиган турга ўрмон ресурслари мисол бўлади (кесилган дарахтлар ўрнига янгиларини экиш мумкин). Тикланмайдиганлар: нефть, кўмир, темир рудаси ва бошқалар. Уларнинг тикланиши учун минг ёки миллионлаб йиллар керак бўлади. Табиий омиллар заҳираси иқтисодий ривожланишнинг жуда муҳим омили ҳисоблансада, уларнинг мавжудлиги иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари ва иқтисодиётнинг юқори даражада самарали бўлиши учун асосий шарт ҳисобланмайди.

Ҳақиқатдан ҳам АҚШ иқтисодий ривожининг тез суръатлари даставвал бўш ерларнинг, қишлоқ хўжалигига яроқли бўлган ерларнинг кўплиги билан боғлиқ бўлган. Қувайт ва Саудия Арабистони қўплаб нефть қувурларини излаб топиш ва қазиб чиқариш эвазига дунёning энг бой мамлакатларига айландилар. Аммо, масалан, Япония табиий омилларга бой бўлмасада, дунёning етук, ривожланган мамлакатлари қаторидан жой олди. Жанубий Осиё мамлакатлари (“Осиё аждархолари” деб аталмиш давлатлар, яъни Гонгконг, Тайвань, Жанубий Корея ва Сингапур) иқтисодий ўсиши суръатларининг тезлиги табиий ресурсларнинг кўплиги ҳисобига содир бўлмаган. Табиий омиллар инсон томонидан ишлаб чиқарилмайдиган ягона омилдир. Қайта тикланмайдиган табиий ресурслар чекланганлиги туфайли жаҳон иқтисодиёти ўсишининг чегараси мавжуд деган ғоялар кенг тарқалган. Аммо бундай чегарани кенгайтириш масаласини технологик ютуқлар ёрдамида ҳал этиш мумкинлиги бугунги кунда ўз тасдиfinи топмоқда.

- *технологик билимлар* – бу ишлаб чиқаришда қўлланиладиган энг яхши усулларни тушуниб этиш ва уларни қўллай олишни билдиради. Технологик билимларнинг инсон капиталидан фарқи шундаки, технологик билимлар бу усулларни ишлаб чиқиш ва тушуниб этишни ифодалайди (қандай ишлаб чиқариш керак деган саволга жавоб беради), инсон капиталида эса бу усулларни инсонлар (ишли кучи) томонидан эгаллай олиш даражаси, билимларни меҳнат кўникмаларига айлантириш тушунилади. Янги технологиялар меҳнатни самаралироқ бўлишига, товар ва хизматларни кўпроқ ишлаб чиқаришга имкон яратади.

Технологик билимлар жуда катта аҳамиятга эга, чунки улар:  
а) ресурсларнинг чекланганлиги муаммосини ҳал этишга имкон яратади; б) иқтисодий ўсиш суръатлари тезлашишининг асосий омили ҳисобланади.

100 йил аввалги турмушдан ҳозирги ҳаёт даражасининг юқорилиги айнан ана шу технологик билимларнинг мавжудлиги сабаблидир. Телефон, компьютер, ички ёниш двигатели, конвейерлар – товар ва хизматлар ишлаб чиқариш имкониятини оширган минглаб техник янгиликлар таркибига киради.

Шундай қилиб, мамлакатда ҳаёт даражаси иқтисодиётнинг товар ва хизматлар ишлаб чиқариш имконияти билан белгиланса, меҳнат унумдорлиги жисмоний ва инсон капитали, табиий ресурслар ва технологик билимлар даражасига боғлиқдир.

### **10.3. Давлат сиёсати ва иқтисодий ўсиш**

Аҳоли турмуш даражаси ва меҳнат унумдорлиги ошишига давлатнинг иқтисодий сиёсати сезиларли даражада таъсир этади. Энг аввало иқтисодий сиёсат орқали давлат жисмоний ва инсон капиталига таъсир этиш мумкин. Агар иқтисодиётда капитал заҳиралари ортиб борса, мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти ошади ва келгусида иқтисодиёт кўпроқ товар ва хизматларни ишлаб чиқариши мумкин бўлади. Шунинг учун агар ҳукумат унумдорликни, иқтисодий ўсиш ва аҳоли турмуш даражасини оширишни мақсад қилиб қўйса, у ҳолда қуидагича сиёсат юритиши лозим:

- *ички инвестициялар ва жамғармаларни разбатлантириши;* иқтисодиётда капитал заҳираларининг ўсиши инвестициялар ёрдамида амалга оширилади. Иқтисодиётда инвестициялар салмоғи қанчалик юқори бўлса (масалан, Япония, Жанубий Кореяда), иқтисодий ўсиш суръати шунчалик юқори бўлади. Капитал заҳираларининг ўсиши меҳнат унумдорлигига таъсир этар экан, у ҳолда иқтисодий ўсишнинг асосий шарти – инвестицияларни оширишdir. Инвестициялар асосини жамғармалар ташкил этади. Агар жамият камроқ истеъмол қилиб, кўпроқ жамғарса, у ҳолда инвестиция учун кўпроқ ресурсга эга бўлади.

- *инвестицияларни чет элдан кириб келишини разбатлантириши* (мамлакат капиталига айлантириш учун турли хил чеклашларни йўқ қилиш орқали). Капитал миқдорини кўпайтиришни фақатгина ички эмас, балки чет эл инвестициялари ҳисобига ҳам амалга ошириш мумкин. Чет эл инвестицияларининг икки тури мавжуд: а) тўғридан-тўғри инвестициялар; б) портфель инвестициялар.

Тўғридан-тўғри инвестициялар - бу чет элликлар бошқарадиган ва улар эга бўлган инвестициялардир. Чет эл портфель инвестициялари – бу хорижликлар ёрдамида молиялаштириладиган капитал инвестицияларидир, масалан ушбу мамлакат фирмалари томонидан уларга тегишли бўлган акция ва облигацияларни хорижликларга сотишдан тушган даромад - портфель инвестициялардир, аммо улар шу мамлакат ишлаб чиқарувчилари (резидентлари) бошқарувчи остидадир.

Фирмаларда хориж капитали иштирокида яратилган даромаднинг (хориж фирмаларининг тўғридан-тўғри қилган инвестициялардан олган фойдаси ва портфель инвестицияларнинг қимматли қоғозларидан олинган дивиденд ва фоизлари) бир қисми чет элга кетсада, чет эл инвестициялари мамлакат иқтисодий ўсишини таъминлаб беради, хорижий молия манбаалари мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини, меҳнат унумдорлиги ва иш ҳақи даражасини оширади. Бундан ташқари, чет эл инвестициялари ривожланаётган мамлакатларга ривожланган давлатларда ишлаб чиқилган ва ишлатиладиган энг янги технологияларни ўзлаштириш имконини беради.

• *таълимни разбатлантириши*; таълим бериш - бу инсон капиталига инвестиция қилиш демакдир. Статистик маълумотларга кўра, АҚШда таълимга сарфланган ҳар бир йил ишчининг ўртача 10% иш ҳақини оширади. Таълим фақат реципиент (яъни таълим олган киши)нинг меҳнат унумдорлигини оширибгина қолмай, балки мусбат ташқи самара (экстерналия)ни ҳам таъминлаб беради. Ташқи самара бирор кишининг ҳаракати бошқа бир кишининг фаровонлигига таъсир этишида намоён бўлади. Маълумотли киши шундай ғояларни илгари суриши мумкинки, натижада улар бошқалар учун фойдали бўлади, яъни таълимнинг мусбат ташқи самараси ҳаракат доирасига тушиб қолган ҳар қандай инсон ундан фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Таълимнинг салбий жиҳати “ақлли кишиларнинг чиқиб кетиши” деб ном олган ҳодиса бўлиб, у камбағал, ўтиш даврини бошдан кечираётган мамлакатлардан нисбатан маълумотли ва малакали мутахассисларнинг бой, турмуш даражаси юқори бўлган мамлакатларга эмиграциясида намоён бўлади.

• *тадқиқот ва ишланмаларни разбатлантириши*; яшаш даражасининг юқори бўлиши асосан технологик билимлар туфайли содир бўлади, улар эса ўз ўринда тадқиқот ва ишланмалардан иборатdir. Вақт ўтиши билан билимлар умумжамият неъмат бўлиб қолади, шунинг учун биз уларни бир вақтда бошқалар турмуш даражасини камайтирмасдан туриб ишлатишимиш мумкин бўлиб қолади. Тадқиқот ва ишланмалар грантлар, солиқларни пасайтириш ва патентлар (вақтинчалик кашфиётлардан фойдаланиш учун хукуқ бериш) орқали рафбатлантирилиши мумкин.

• *хусусий мулкни ҳимоя қилиши ва сиёсий барқарорликни таъминлаш*; хусусий мулк хукуқи деганда, кишиларнинг ўзларига

тегишли бўлган ресурсларга эркин эгалик қилишини тушунмоқ лозим. Кишилар ишлашни ҳохлашлари, жамғаришлари, инвестиция қилишлари, савдо билан шуғулланишлари, кашфиётлар яратишлари учун улар ўзлари эгалик қиладиган меҳнат натижаларининг ўғирланмаслигига ва барча келишилган битимлар бажарилишига ишонч ҳосил қилишлари керак. Оз даражада бўлсада сиёсий бекарорлик хусусий мулкка бўлган ишончни камайтиради (сўндиради), чунки революцион хукумат хусусий мулкни, айниқса капитални мусодара қилиши мумкин. Иқтисодий сиёсатнинг барқарор бўлиши: а) ички ва ташқи инвестицияни жалб этиш; б) интеллектуал хукуқни ҳимоя қилиш (у ўз ўринда технологик тараққиёт ривожини рағбатлантиради)да катта аҳамиятга эгадир.

• *эркин савдони рағбатлантириши*; эркин савдо технологик янгиланишларга ўхшашиб. У мамлакатга барча маҳсулотларни эмас, балки бошқа бир мамлакатда ушбу мамлакатга нисбатан самаралироқ ишлаб чиқарилиши мумкин бўлган маҳсулотларни сотиб олиш имкониятини беради. Кўпинча ривожланаётган мамлакатларда саноатнинг янги тармокларини чет эл рақобатчиларидан ҳимоя қилиш учун протекционистик сиёсат, халқаро савдони чеклаш ёки таъқиқловчи сиёсати олиб борилади. Бундай ҳаракатлар асосизидир, чунки ривожланган давлатлар билан савдони кенгайтириш нафақат ривожланаётган давлатларга маҳсулотлар ишлаб чиқаришда ишлаб чиқариш ҳаражатларини иқтисод қилиш ва ишлаб чиқарилиши самарасиз бўлганларини ишлаб чиқармаслик, балки жаҳоннинг энг янги техник ва технологик ютуқларидан фойдаланиш имкониятларини яратиб беради.

• *аҳоли сони ўсишини назорат қилиши*; фаровонлик ошиши учун ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари аҳоли сони ўсиш суръатларидан юқори бўлиши керак. Аҳолининг ортиқча ўсиш суръатлари бошқа ишлаб чиқариш омилларини “нисбатан ингичка” (яъни бир ишчига тўғри келадиган)лаштириб, иқтисодиётнинг ўсиш имкониятини камайтиради. Аҳоли сонининг кескин ўсиши бир кишига тўғри келадиган капитал сонини пасайтиради, бунинг натижасида меҳнат унумдорлиги ва фаровонлик даражаси пасаяди. Айниқса, аҳоли сонининг ўсиши муаммоси инсоний капитални таҳлил қилганда юзага келади. Аҳоли сонининг тез суръатлар билан ошиши, яъни унда болалар, ёшлар ҳиссасининг кўпайиши таълим тизимида жиддий қийинчиликларни туғдиради (айниқса ривожланаётган давлатларда).

## **10.4. Иқтисодий ўсишнинг афзалликлари ва камчиликлари**

Иқтисодий ўсишнинг аҳамияти шундаки, у фаровонлик даражасини ошириш имкониятларини кенгайтиради. Унинг асосида ижтимоий дастурлар, камбағалликни йўқотиш, фан ва таълимни ривожлантиришни амалга ошириш ва экологик муаммоларни ҳал этиш бўйича шарт-шароитлар яратилади.

Иқтисодий ўсиш иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш имкониятларини оширади, ресурсларнинг чекланганлиги муаммосини ҳал этиш имконини беради. Иқтисодий ўсиш туфайли янги ресурслар, товар ва хизматлар ишлаб чиқариш хилма-хиллиги ва кўплигини таъминловчи, яшашни сифат жиҳатидан яхшиловчи ишлаб чиқариш жараёнининг янги самарали технологиялари яратилади. Аммо унинг ўзи қўргина иқтисодий, ижтимоий, экологик ва бошқа қўргина муаммоларни ҳал этишга қодир эмас. Иқтисодий ўсишнинг сезиларли камчиликлари мавжуд бўлиб, уларга қуидагиларни киритиш мумкин:

- альтернатив (муқобил) ҳаражатлар, яъни иқтисодий ўсишини таъминлаш ва келгусида истеъмол (фаровонлик)ни ошириш имконига эга бўлиш учун ҳозирда истеъмолнинг бир қисмидан воз кечиши зарурлиги; иқтисодий ўсишнинг асоси инвестициялар ҳисобланади, бу эса капитал заҳираларини кўпайтиришни таъминлайди.

Инвестиция муаммоси - бу вақтлараро танлов муаммосидир (ҳозир ва келажак ўртасида). Бир томондан, инвестицияларни инвестиция товарлар (бино, иншоот, асбоб-ускуналар)ига қарата кўпайтириш иқтисодиётни ривожланишига, ҳозирда эса ишлатиладиган товар ва хизматлар ишлаб чиқаришига йўналтириладиган ресурсларни камайишига олиб келади. Иккинчи бир томондан, инвестициялар асосини жамғармалар ташкил этади, охиргиси эса ихтиёрдаги даромаднинг бир қисмини ташкил этади ( $ИД=C+S$ ). Ихтиёрдаги даромаднинг мавжуд миқдорида инвестицияларни ошириш учун жамғармани кўпайтириш келгусида истеъмолни кўпайтиради, ҳозирги кунда эса истеъмолни қисқартиришни талаб этади.

- инвестициялар (капитал)дан келадиган даромаднинг камайиши билан боғлиқ ҳаражатлар; капитал заҳираларининг ортиқ даражада кўпайиб кетиши натижасида қўшимча бирлик капитал ёрдамида ишлаб чиқарилган қўшимча маҳсулотни

камайтиради. Яъни, капитал унумдорлигининг пасайиши туфайли жамғарма ва инвестицияларнинг нисбатан юқорилиги бошланғич даврда иқтисодий ўсишга олиб келади, лекин бу ўсиш иқтисодиёт капитал заҳираларини тўплашни қўпайтирган сари аста-секин туша бошлайди.

Шундай қилиб, жамғарма нормаси ўсиши фақатгина иқтисодий ўсишни тезлаштиришда вақтинчалик самара беради. Бундан келиб чиқиб узоқ муддатда жамғарма нормасининг нисбатан юқори бўлиши меҳнат унумдорлиги ва даромаднинг юқори бўлишига олиб келади. Аммо ушбу кўрсаткичларнинг тез суръатларда ўсиши эса фақатгина технологик жараён ёрдамида амалга оширилиши мумкин.

Бундан ташқари, капитал унумдорлигининг пасайишида яна бир хулосага келиш мумкин: камбағал мамлакатда капиталнинг маълум миқдорда қўпайиши бой давлатда худди шундай қўпайганга қараганда иқтисодий ўсишни қўпроқ даражада оширади, яъни паст даражада ривожланган мамлакат тезроқ иқтисодий ўсишга мойил бўлади. Бу ҳодиса “тез старт самараси”(catch-up-effekt) номини олган.

Ривожланган мамлакатларда ишлаб чиқаришнинг техник таъминланганлик даражаси жуда юқори. Бунинг оқибатида, бир ишчига тўғри келадиган капитал миқдорининг озгина ўсиши ҳам меҳнат унумдорлигининг жуда оз миқдорда ошишига олиб келади. Шунинг учун бир хил ҳажмдаги ЯИМ инвестицияга йўналтирилганда, камбағал мамлакатлар бой мамлакатларга қараганда юқорироқ ривожланиш суръатларига эришадилар. Масалан, охирги 30-40 йил ичida АҚШ ва Жанубий Корея ЯИМнинг деярли бир хил қисмини инвестиция қилганлар. Аммо ЯИМ АҚШ да ўртacha 2%га, Жанубий Кореяда эса 5- 6%га ошган.

- *атроф-муҳитни ифлосланиши билан боғлиқ ҳаражатлар;* иқтисодий ўсишнинг доимий, юқори даражадаги суръатларини фақатгина кашфиёт ва илмий янгиликларга асосланган технологик тараққиёт орқали амалга ошириш мумкин. Аммо қўпгина кашфиётлар ва янгиликлар (ички ёнув двигатели, реактив двигатель, пластмасса, синтетик толалар, кимёвий ўғитларни ишлаб чиқариш, атом энергияси)ни амалда қўллаш бир томондан иқтисодий ўсишни, фаровонликни оширган бўлса, иккинчи томондан атроф-муҳитнинг ифлосланишига, шунингдек экологик ҳалокат таҳдидига олиб келди (бунда парадокс шундаки, экологик муаммоларни ҳал этиш

фақатгина технологик тараққиётни ривожлантириш туфайли ҳал этилиши мумкин).

## 10.5. Иқтисодий ўсишнинг неокейнсча моделлари

*E. Домарнинг иқтисодий ўсиш модели.* Макроиқтисодиёт назарияда иқтисодий ўсишнинг турли хил моделлари мавжуд бўлиб, улар ичида энг кенг тарқалганларидан бири америкалик Е.Домар (аммо келиб чиқиши бўйича польшалик) ва инглиз иқтисодчиси Р.Харродларнинг неокейнсча иқтисодий ўсиш моделлари. Тадқиқот натижалари бир-бирига жуда яқин бўлганлиги ва деярли бир вақтнинг ўзида олиб борилганлиги учун иқтисодиёт назарияда ушбу моделлар Харрод - Домар модели деб аталган. Аммо ҳар бир моделнинг ўзига хос хусусияти бўлганлиги сабабли, ушбу моделлар бир-биридан алоҳида кўриб ўтилади.

Е. Домар ўз иқтисодий ўсиш моделини яратища Дж.М.Кейнснинг макроиқтисодий назарияси пойдеворига асосланганини очиқ-оидин тан олган, аммо ўз ҳиссасини кейнсча назариядаги инвестицияларнинг иқтисодий динамика қисмига тегишли эканлигига деб билган ва буни алоҳида таъкидлаб ўтган. Кейнс моделида инвестициялар функцияси даромадларнинг ошишига олиб келиши ва бунинг мультиплекатив самараси натижасида ялпи талаб ва бандлик ортиши тушунтирилган эди. Бошқача айтганда, инвестициялар бу моделда ҳаражатлар сингари жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Кейнс давлат ҳаражатларига, жамият миқёсида амалга ошириладиган ишлар (йўллар, кўприклар қурилиши ва бошқалар)га алоҳида аҳамият берган. Аммо Кейнс ўз таҳлилида иқтисодий жараённи қисқа муддатда, иқтисодий давр пасайган шароитда ва ялпи талаб нуқтаи назардан ўргангандигини эслайлик (5-бобга қаранг). Е.Домар эса айнан ўзининг моделида инвестицияларни нафақат ялпи талаб, балки ялпи таклиф томонидан ҳам таҳлил қилиб, инвестициялар нафақат даромад, балки ишлаб чиқариш қувватлари, уларнинг ривожланиши ва товарлар таклифи омили эканлигини кўрсатиб берди.

Е.Домар агарда инвестициялар ишлаб чиқариш қувватларини оширас, қўшимча даромадлар келтирас экан, у ҳолда инвестициялар қандай даражада ўсиши керакки, даромаднинг ўсиш суръатлари ишлаб чиқариш қувватларининг ўсиш суръатларига

тeng бўлсин, деган масалани ҳал этишни ўз олдига мақсад қилиб кўйди. Ушбу саволга жавоб бериш учун Е.Домар уч тизимли tenglamani ҳосил қилди:

- таклиф tenglamasi;
- талаб tenglamasi;
- талаб ва таклифнинг ўзаро tengligi tenglamasi.

*Таклиф tenglamasi* инвестициялар ишлаб чиқариш қувватлари (ишлаб чиқариш)ни қандай даражада ўсишга олиб келишини кўрсатади. Ишлаб чиқариш қувватлари ортиши ҳисобига қўпайган ишлаб чиқариш ҳажми( $\Delta Q$ )ни қўйидагича аниқлаш мумкин:

$$\beta = \Delta Q / I \quad (10.5.1)$$

бунда,  $\beta$  – бир бирлик инвестиция ҳисобидан яратилган янги маҳсулот, яъни инвестицияларнинг ўртача унумдорлиги;  $I$  - умумий капитал ҳаражатлар;  $\Delta Q$  - ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши.

*Талаб tenglamasi* қўшимча қувватларни банд қилиш учун талаб қандай катталикка ошиши кераклигини кўрсатади. Мультиликатор назариясига кўра, жамғармага чекли мойилликнинг ҳар қандай даражасида миллий даромаднинг ўсиши ( $\Delta Y$ ) қўшимча инвестициялар ( $\Delta I$ )нинг мультиликатив таъсири натижасида юзага келади:

$$\Delta Y = \Delta I \times 1 / \alpha \quad (10.5.2)$$

бунда,  $1 / \alpha$  – мультиликатор;  $\Delta Y$  - миллий даромаднинг ўсиши;  $\Delta I$  - қўшимча инвестициялар.

Агар таклиф tenglamasi  $\Delta Q = I \times \beta$  ни талаб tenglamasi  $\Delta Y = \Delta I \times 1 / \alpha$  билан солиширадиган бўлсақ, шуни кўриш мумкинки, ўтган давр билан солиширганда, таклиф tenglamasida умумий инвестициялар, талаб tenglamasida инвестицияларнинг ўсиши келтирилган. Буни қўйидагича тушунтириш мумкин:  $\Delta Q$  - ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши умумий капиталнинг унумдорлиги билан таъминланса,  $\Delta Y$  - миллий даромаднинг ортиши қўшимча капитал қўйилмаларнинг мультиликатив самараси таъсирида ортади.

*Даромад ва ишлаб чиқариши қувватлари ўсишининг ўзаро tengligi tenglamasi (ёки талаб ва таклифнинг ўзаро tengligi tenglamasi)*

$$\Delta I \times 1 / \alpha = I \times \beta \quad (10.5.3)$$

бундан:

$$\Delta I / I = \alpha \times \beta \quad (10.5.4)$$

Тенгламанинг чап қисмida инвестицияларнинг йиллик ўсиш суръати, у ишлаб чиқариш қувватларини ошириш ҳисобига тўлиқ бандликни таъминлаши учун йиллик  $\alpha$   $\beta$  даражада ўсиши ва даромад ҳам худди шундай суръатларди қўпайиши лозим бўлади. Масалан,  $\alpha = 20\%$ ,  $\beta = 33\%$  бўлса, у ҳолда, баланслашган инвестицияларнинг ҳажми 6,6% га тенг бўлади.

Шундай қилиб, Е.Домар модели инвестициялар доимо қандай суръатларда ортишини аниқлаш имконини беради. Бу эса ўз навбатда миллий даромаднинг жамғарма қисми (жамғармага чекли мойиллик) ва инвестицияларнинг ўртача самарадорлигига боғлиқ бўлади.

Бундан иқтисодий сиёsat учун муҳим бир хулоса келиб чиқади: жамият миқёсида фақатгина доимий суръатларда ўсадиган инвестициялар ялпи талаб ва ялпи таклифнинг динамикадаги мувозанатини таъминлаб беради. Инвестицияларнинг баланслашган ўсишини қўллаб-қувватлаш учун давлат миллий даромаднинг жамғарма қисмига ёки техник тараққиётнинг ўсиш суръатлари (капитал унумдорлиги)га таъсир кўрсатиши мумкин бўлади.

*P.Харроднинг иқтисодий ўсиши модели.* Юқорида айтиб ўтилганидек, мазмунан ушбу модел Е. Домар модели билан ўхшаш бўлиб, аммо у ҳам ўз хусусиятларига эгадир. Е. Домар модели маълум бир вақт давомида инвестицияларнинг икки ёқлама ролини, яъни ялпи талаб ва ишлаб чиқариш қувватлари (ялпи таклиф)ни кенгайишини тадқиқ этган эди. Шу сабабли у мультиплікатордан фойдаланишга тўлиқ асосланди ва у зарур деб ҳисобланган миллий даромадни таъминлашда инвестицияларнинг ўсиш меъёрини аниқлаб бериш имкониятини яратди.

Р.Харрод моделининг мақсади эса иқтисодиёт ўсишининг траекториясини тадқиқ этишдан иборат бўлди. Шунинг учун унинг асосини инвестициялар ўсишининг уни ошишга олиб келган даромадга нисбатини аниқлаш имконини берадиган акселератор назарияси ташкил этади. Бундан ташқари, Е. Домар давлат сиёсати билан боғлиқ бўлган автоном инвестициялар (даромадга боғлиқ бўлмаган)дан фойдаланган бўлса, Р.Харрод ўз тадқиқотини индуцирланган (миллий даромад билан боғлиқ бўлган) инвестициялардан фойдаланиб олиб борди.

Акселератор назарияси (тамойили)ни батафсилроқ кўриб ўтайлик. Акселератор тамойили – бу инвестицияларнинг

кутилаётган ўзгарувчан ишлаб чиқариш ҳажми (даромад)га боғлиқлигини тушунтириб берувчи назариядир. Акселератор тамойили аввало даврийлик назарияси чегарасида ишлаб чиқилиб, у иқтисодий инқизорларни истеъмол талаби ҳаракатига инвестицияларнинг реакциясини таҳлил қилиб бериш билан тушунтириб беришга ҳаракат қилди. Акселератор назариясини XXаср бошларида француз иқтисодчи А. Афталъен ва америкалик иқтисодчи Дж. Кларк тадқиқ қилиб, асос солишган. Бу назарияга асосан, талаб (ёки даромадлар)нинг ошиши инвестициялар даражаси кўтарилишига, энг аввало асосий капитал соҳасида тезлаштирувчи (акселератор) бўлиб таъсир кўрсатади.

Акселератор тамойили миллий даромад ва ялпи талабнинг ошиши инвестиция жараёнларини тезлаштиришини кўрсатади. Бу дегани, янги капитал қўйилмалар даромадларнинг ўсиш функциясини акселератор коэффициентига кўпайтмаси билан аниқланади:

$$\Delta I = \Delta Y \times \delta \quad (10.5.5)$$

бунда,

$\Delta Y$  - даромадларнинг ўсиши;

$\delta$  - акселератор коэффициенти.

Акселератор коэффициенти техник тараққиётнинг турига боғлиқ бўлган катталиқ хисобланади:

- капитал сифими юқори ёки катта ҳажмдаги капитални талаб қиласидиган техник тараққиётда  $\delta$  қиймати ошади;
- капитални тежайдиган техник тараққиётда  $\delta$  қиймати камаяди.

R. Харрод ўз моделини яратишда ўз таҳлилига учта тенгламани киритди:

- ҳақиқий ўсиш суръатлари тенгламаси;
- кафолатланган ўсиш суръатлари тенгламаси;
- табиий ўсиш суръатлари тенгламаси.

Юқорида айтиб ўтилганидек, ўз иқтисодий моделининг таҳлили давомида R. Харрод ҳам Е. Домар каби худди шундай хулосаларга келди. Умуман олганда бу икки модельнинг (аммо мазмунан бир хил) хулосаси қўйидагича: ишлаб чиқаришнинг мавжуд техник шароитида иқтисодий ўсиш суръатлари жамғармага чекли мойиллик катталиги билан аниқланади, бозор иқтисодиёти тизимида макроиқтисодий мувозанат ўзининг табиатига кўра бекарор бўлади ва уни тўлиқ бандлик шароитида қўллаб-қувватлаб

туриш учун фаол, аниқ мақсад сари йўналтирилган давлатнинг иқтисодий сиёсатини олиб бориш зарурати туғилади.

## 10.6. Иқтисодий ўсишнинг неоклассик моделлари

Биринчи неоклассик моделлар 1950-1960 йилларда, иқтисодий ривожланишнинг динамик (бир маромда) мувозанати муаммосига эътибор бирмунча камайганида пайдо бўлди ва унда биринчи навбатда потенциал иқтисодий ўсишга эришиш нафақат фойдаланилмаган қувватлар ҳисобига, балки энди янги техника, меҳнат унумдорлигини ошириш ва ишлаб чиқаришни ташкил этишни яхшилаш ҳисобига амалга ошириш кераклиги ғояси илгари сурилди.

Иқтисодий ўсиш назариясининг неоклассик йўналиши вакиллари – америкалик иқтисодчи Р.Солоу ва инглиз иқтисодчиси А.Льюис ва бошқалар йирик фирмаларга бозор иқтисодиётининг эркин рақобати шароитида иқтисодий ўсишга эришишларида ўз ресурсларидан юқори даражада фойдаланишларига имконият бериш мақсадида давлатнинг иқтисодиётга аралашувига қарши чиқдилар.

**R.Солоу модели.** Ушбу модел биринчи маротаба Р.Солоу томонидан 1956 йилда “Иқтисодий ўсиш назариясига қўшилган ҳисса” мақоласида, кейинчалик эса 1957 йилда чоп этилган “Техник тараққиёт ва агрегатив ишлаб чиқариш функцияси” китобида батафсил ёритилган. Ушбу моделни яратиш натижасида Р.Солоу Нобел мукофотига сазовор бўлган. Модел неоклассик йўналиш назариясининг шартларидан бирига, яъни ишлаб чиқариш омиллари бозорида тўлиқ бандликни таъминловчи соф рақобатга асосланган ҳолда қурилган.

Умумий кўринишда миллий ишлаб чиқаришнинг ҳажми ( $Y$ ) учта ишлаб чиқариш омилиниң функциясидир: меҳнат ( $L$ ), капитал ( $K$ ) ва ер ( $N$ ), аммо ер омили Р.Солоу моделида тушириб қолдирилган. Бунга сабаб қилиб у юқори техник даражани характерловчи иқтисодий тизимда ернинг аҳамияти камлигини таъкидлаган, шунинг учун ишлаб чиқариш ҳажми факат меҳнат ресурслари ва ишлаб чиқариш қувватларига боғлиқ бўлади деб кўрсатган:

$$Y = f(L, K) \quad (10.6.1)$$

ёки ушбу формула ёйиб кўрсатилса,

$$Y = (\Delta Y / \Delta L) L + (\Delta Y / \Delta K) K \quad (10.6.2)$$

бунда

$\Delta Y / \Delta L$  – меҳнатнинг чекли маҳсулоти, MPL;

$\Delta Y / \Delta K$  - капиталнинг чекли маҳсулоти, MPK.

Соддороқ кўринишда қуидагича ёзиш мумкин:

$$y = Y / L \quad (10.6.3)$$

бунда,

$y$  – киши бошига ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки меҳнат унумдорлиги

$$k = K / L \quad (10.6.4)$$

бунда,


$k$  – меҳнатнинг капитал билан таъминланганлиги.

У ҳолда ишлаб чиқариш функциясини қуидагича ёзиш мумкин:

$$y = f(k) \quad (10.6.5)$$

бунда,

$$f(k) = F(k, l).$$



**10.6-расм. Р.Солоу моделида ишлаб чиқариш функцияси графиги.**

Р.Солоу моделининг асосий холосалари:

- жамғарма меъёри барқарор капитал билан таъминланганлик даражасини белгилаб берувчи асосий омилдир, катта жамғарма меъёри юқори ишлаб чиқариш даражаси ва капитал заҳирасини таъминлаб беради;
- аҳоли сонининг кўпайиши иқтисодиётнинг барқарор юксалиши шароитида узлуксиз иқтисодий ўсишнинг сабабларидан биридир;
- аҳоли сонининг кўпайиши инвестицияларнинг ошиши билан кузатилмаса, бир ишчига тўғри келадиган капитал заҳирасининг камайиши юз беради;
- аҳоли сони юқори суръатларда ўсаётган мамлакатларнинг капитал билан таъминланганлик даражаси паст бўлиб, даромадлари ҳам кам бўлади;
- Р.Солоу моделида техника тараққиёти ҳаёт даражаси узлуксиз юқори бўлишининг ягона шарти ҳисобланади.

Р.Солоу модели иқтисодий ўсишнинг учта манбай – инвестициялар, ишчи кучи сони ва техника тараққиёти ўртасидаги боғлиқлиқлиқни очиб бериш имкониятини беради. Бунда давлатнинг иқтисодий ўсишга таъсири унинг жамғарма меъёри ва техник тараққиёт тезлигига таъсир кўрсатиши орқали амалга оширилади. Жамғарма меъёри қандай бўлиши керак? Таъкидлаб ўтилдики, мувозанат ҳолатидаги иқтисодий ўсишда турли миқдордаги жамғарма меъёрлари бўлиши кузатилади, шунинг учун оптимал ҳажмдаги жамғарма меъёри истеъмол даражасини максимал даражада таъминлаб берувчи иқтисодий ўсишнинг жамғарма меъёри ҳисобланади. Бундай меъёр “**олтин қоида**” деб номланган.

Агар иқтисодиётнинг “олтин қоида”да эга бўлиши мумкин бўлган капиталдан кўпроқ заҳираси бўлса, бундай ҳолатда у жамғарма меъерини камайтиришга қаратилган сиёsatни олиб бориши керак бўлади. Агар иқтисодиётнинг “олтин қоида”даги барқарор ҳолатга қараганда капитал билан таъминланганлик даражаси паст бўлса, у ҳолда жамғарма меъерини ошириш керак бўлади.

**А.Льюис модели.** Ушбу модель ишчи кучи заҳирасини иқтисодий ўсишнинг асоси деб тушунтиради. Шунинг учун унинг муаллифи бу моделни “аҳоли сони кўп, капитал танқис, табиий ресурслари чекланган” давлатлар учун қўллаш мумкинлигини ўқтиради. Бундай мамлакатлар қаторига А. Льюис Хиндистон,

Покистон, Египет ва бошқа давлатларни киритади. Модел иқтисодиётнинг икки: ер билан боғлиқ *аграп* ва меҳнат, ишлаб чиқариш ва *саноат* секторларини ҳисобга олган ҳолда тадқиқ этилган.

А.Льюис моделининг асосий ғояси меҳнат ресурсларининг бир қисмини қишлоқ хўжалиги соҳасидан саноатга қайта тақсимлаш ва шунинг асосида иқтисодий ўсиш суръатларини тезлаштиришдан иборат эди. Иқтисодий ўсишнинг ўзини А.Льюис икки тури мавжудлигини: саноатда унинг манбай бўлиб қўшимча иш кучи сонидан фойдаланиш (иқтисодий ўсишнинг экстенсив тури) бўлса, қишлоқ хўжалигида – чекли меҳнат унумдорлигининг ошиши (иқтисодий ўсишнинг интенсив тури) эканлигини қўрсатиб берди.

А.Льюис томонидан ишлаб чиқилган ушбу модел нафақат ривожланаётган давлатларга нисбатан, балки ривожланган давлатлар учун ҳам қўлланилиши мумкинлиги баъзи иқтисодчилар (масалан, Ш. Киндлбергер) иқтисодиётининг ривожланганлик даражаси турлича бўлган давлатлар мисолида исботлаб берганлар.

### **Қисқача хуносалар**

1. Реал ЯИМнинг узоқ вақт давомида тўлиқ бандлик шароитидаги ўсиб бориш тенденциясига иқтисодий ўсиш дейилади. Иқтисодий ўсиш ўз ифодасини потенциал ЯИМ, мамлакат иқтисодий салоҳияти ва аҳоли турмуш даражасининг ошишида топади.

2. График кўринишда иқтисодий ўсишни уч хил усулда: а) реал ЯИМнинг эгри чизиги орқали; б) ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизиги орқали; в) ялпи талаб-ялпи таклиф модели орқали (AD-AS модели) орқали тасвирлаш мумкин .

3. Аҳолининг турмуш даражаси (фаровонлиги) ошса, яъни бунда аҳоли сони ўсишига нисбатан реал ЯИМнинг қўпроқ ўсиши кузатилган бўлса, иқтисодий ўсиш юз берган ҳисобланади.

4. Иқтисодий ўсишнинг икки: экстенсив ва интенсив турлари мавжуд. Ресурсларнинг миқдоран ўсиши ёки иқтисодий омилларни оддий қўшиш ҳисобига содир бўладиган ўсиш иқтисодий ўсишнинг экстенсив турига тегишлидир. Ресурсларнинг сифат жиҳатидан такомиллашиши ва илмий –техник тараққиёт (прогресс)нинг энг

янги ютуқларини қўллаш билан боғлиқ ўсиш эса иқтисодий ўсишнинг интенсив тури ҳисобланади.

5. Мамлакатда аҳоли турмуш даражасини белгилаб берувчи энг асосий омил - бу меҳнат унумдорлигидир. Меҳнат унумдорлигига, ундан келиб чиқиб иқтисодий ўсиш ва унинг суръатларига қўйидаги омиллар таъсир этади: жисмоний капитал, меҳнат капитали, табиий ресурслар ва технологик билимлар.

6. Давлат иқтисодий ўсишни таъминлашда: а) ички инвестициялар ва жамғармаларни; б) инвестицияларни чет элдан кириб келишини (мамлакат капиталига айлантириш учун турли хил чеклашларни йўқ қилиш орқали); в) тадқиқот ва ишланмаларни; д) эркин савдони рафбатлантириши; е) хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва сиёсий барқарорликни таъминлаши; ж) аҳоли сони ўсишини назорат қилиши зарур бўлади.

7. Иқтисодий ўсиш иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш имкониятларини оширади, ресурсларнинг чекланганлиги муаммосини ҳал этиш имконини беради. Иқтисодий ўсиш туфайли янги ресурслар, товар ва хизматлар ишлаб чиқариш хилма-хиллиги ва микдоран қўплигини таъминловчи, яшаши сифат жиҳатидан яхшиловчи ишлаб чиқариш жараёнининг янги самарали технологиялари яратилади. Иқтисодий ўсиш камчиликлардан холи эмас, уларга: *иқтисодий ўсишни таъминлаш ва келгусида истеъмол (фаровонлик)ни ошириш имконига эга бўлиши учун ҳозирда истеъмолнинг бир қисмидан воз кечиши зарурлиги; инвестициялар(капитал)дан келадиган даромаднинг камайиши билан боғлиқ ҳаражатлар* (капитал захираларининг ошиши билан қўшимча бирлик капитал ёрдамида ишлаб чиқарилган қўшимча маҳсулот, яъни қўшимча капитал камаяди); *атроф-муҳитни ифлосланиши билан боғлиқ ҳаражатлар* киради.

8. Иқтисодий ўсишнинг неокейнча моделлари: Е.Домар ва Р.Харродларнинг иқтисодий ўсиш моделлари Дж.М.Кейнснинг макроиқтисодий назарияси пойdevорига асосланган. Е. Домар ўзининг моделида инвестицияларни нафақат ялпи талаб, балки ялпи таклиф томонидан ҳам таҳлил қилиб, инвестициялар нафақат даромад, балки ишлаб чиқариш қувватлари, уларнинг ривожланиши ва товарлар таклифи омили эканлигини кўрсатиб берди. Р.Харрод моделининг асосини инвестициялар ўсишининг уни ошишга олиб келган даромадга нисбатини аниқлаш имконини берадиган акселератор назарияси ташкил этади.

9. Акселератор тамойили миллий даромад ва ялпи талабнинг ошиши инвестиция жараёнларини тезлаштиришини кўрсатади. У янги капитал қўйилмалар даромадларининг ўсиш функциясини акселератор коэффициентига кўпайтмаси билан аниқланади:  $\Delta I = \Delta Y \times \delta$ . Акселератор коэффициенти техник тараққиётнинг турига боғлиқ бўлган катталик ҳисобланади: а) капитал сифими юқори ёки катта ҳажмдаги капитални талаб қиласидан техник тараққиётда  $\delta$  қиймати ошади; б) капитални тежайдиган техник тараққиётда  $\delta$  қиймати камаяди.

10. Р. Харрод ўз моделини яратишда таҳлилга учта тенглама: а) ҳақиқий ўсиш суръатлари тенгламаси; б) кафолатланган ўсиш суръатлари тенгламаси; в) табиий ўсиш суръатлари тенгламасини киритди.

11. Е. Домар агарда инвестициялар ишлаб чиқариш қувватларини оширади, қўшимча даромадлар келтиради экан, у ҳолда инвестициялар қандай даражада ўсиши керакки, даромаднинг ўсиш суръатлари ишлаб чиқариш қувватларининг ўсиш суръатларига тенг бўлсин, деган масалани ҳал этиш учун уч тизимли тенглама тузди: а) таклиф тенгламаси; б) талаб тенгламаси; в) талаб ва таклифнинг ўзаро тенглиги тенгламаси.

12. Р. Харрод ва Е. Домар иқтисодий ўсиш моделларининг хуносалари мазмунан бир хил: ишлаб чиқаришнинг мавжуд техник шароитида иқтисодий ўсиш суръатлари жамғармага чекли мойиллик катталиги билан аниқланади, бозор иқтисодиёти тизимида макроиктисодий мувозанат ўзининг табиатига кўра бекарор бўлади ва уни тўлиқ бандлик шароитида қўллаб-қувватлаб туриш учун фаол, аниқ мақсад сари йўналтирилган давлатнинг иқтисодий сиёсатини олиб бориш керак бўлади. Иқтисодий ўсиш назариясининг неоклассик йўналиши вакиллари: Р.Солоу ва А.Льюис давлатнинг иқтисодиётга аралашувига қарши чиқканлар.

13. Мувозанат ҳолатидаги иқтисодий ўсишда турли миқдордаги жамғарма меъёрлари бўлиши кузатилади, шунинг учун оптималь ҳажмдаги жамғарма истеъмол даражасини максимал даражада таъминлаб берувчи жамғарма меъёри ҳисобланади. Бундай меъёр “**олтин қоида**” деб номини олган.

14. А.Льюис моделининг асосий ғояси меҳнат ресурсларининг бир қисмини қишлоқ хўжалиги соҳасидан саноатга қайта тақсимлаш ва шунинг асосида иқтисодий ўсиш суръатларини тезлаштиришдан иборат эди.

## **Таянч иборалар**

иқтисодий ўсиш, реал ЯИМ, киши бошига түгри келадиган реал ЯИМ, экстенсив ва интенсив иқтисодий ўсиш, иқтисодий ўсиш омиллари, меңнат унумдорлиги, жисмоний капитал, меңнат капитали, табиий ресурслар, технологик билимлар, давлат сиёсати, ички ва ташқи инвестицияларни рағбатлантириш, таълим рағбатлантириш, илмий ва тадқиқот ишларини рағбатлантириш, эркин савдони рағбатлантириш, фаровонлик даражасини ошириш, муқобил ҳаражатлар, акселератор коэффициенти, Е. Домар модели , Р. Харрод модели, Р. Солоу модели, А. Льюис модели, иқтисодий ўсишнинг талаб тенгламаси, таклиф тенгламаси, талаб ва таклифнинг ўзаро тенглиги тенгламаси, “олтин қоида”, ҳақиқий, кафолатланган ва табиий ўсиш суръатлари

## **XI – БОБ. ХАЛҚАРО САВДО НАЗАРИЯСИ ВА ТАШҚИ САВДО СИЁСАТИ**

11.1. Хўжалик ҳаётининг интернационаллашуви. Жаҳон хўжалиги.

11.2. Халқаро савдо назарияси ва савдо сиёсати.

**Қисқача хulosалар**

**Таянч иборалар**

### **11.1. Хўжалик ҳаётининг интернационаллашуви.**

#### **Жаҳон хўжалиги**

Замонавий иқтисодий алоқаларнинг бутунжаҳон ривожланиш даражаси жаҳон хўжалигининг шаклланганлиги ҳақида сўз юритиш имконини беради.

**Жаҳон хўжалиги** – бу бутунжаҳон геоиқтисодий макон бўлиб, унда хўжалик субъектлари, ташкилот, ҳудуд ва мамлакатларнинг эркин ва фаол ўзаро алоқалари амалга оширилади.

Жаҳон хўжалиги – миллий иқтисодиётларнинг шунчаки йиғиндиси бўлмай, балки уларнинг ўзаро жипслилиги ва боғлиқлигига асосланган бирлашма ҳисобланади.

**Жаҳон хўжалигининг ташкил топиши** – узоқ вақт тарихий ривожланишнинг натижасидир. Баъзи тадқиқотчилар унинг келиб чиқишини қабилалараро боғлиқликларнинг шаклланишида ва умуман иқтисодиёт тарихи – бу хўжалик ҳаёти интернационаллашувининг ривожланиш жараёнидир, деб таъкидлайдилар.

Жаҳон хўжалиги шаклланганлигининг барча мамлакатлар учун умумий ҳисобланган даври саноатда бурилиш бўлган аср, яъни Европа мамлакатларида капитализмнинг ташкил топиши даври ҳисобланади.

XX асрда жаҳон хўжалиги икки қисм: жаҳон капиталистик (умумий ҳалқаро савдонинг 9/10 қисми) ва жаҳон социалистик хўжаликларига ажраган эди. Замонавий шароитларда жаҳон хўжалиги яхлит бир бутунликни акс эттириб, соф бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланиб ривожланмоқда.

Замонавий жаҳон хўжалигининг жадал суръатларда ривожланишининг асосий омили илмий-техник инқилоб ҳисоблансада, кўп ҳолларда илмий-техник тараққиёт ва унинг ютуқларини татбиқ этиш давлатларнинг миллий чегаралари доирасида қолиб кетади ва

ҳалқаро-илмий, иқтисодий даражалардаги алоқаларга чиқиши талаб этади. Масалан, космосни забт этиш бўйича тадқиқотларнинг жадал суръатларда ривожланиши, ИКТ соҳасидаги энг сўнгги ютуқлар, экологик муаммоларнинг ҳал этилиши қўпгина мамлакатларнинг биргалиқдаги ҳатти ҳаракатига бевосита боғлиқ бўлади.

**Жаҳон бозори** деганда, мамлакатлар ўртасида улар ижтимоий маҳсулотларининг бир қисмини сотиш бўйича ўзаро муносабатлари тизими тушунилади. Бу иқтисодий муносабатлар ёки айирбошлиш қўйидаги шаклларда амалга оширилади:

- ҳалқаро савдо;
- ишлаб чиқариш кооперацияси;
- капитал миграцияси;
- ишчи кучи миграцияси;
- ўзаро тўловлар ва ҳисоб валюта операциялари.

Ташқи иқтисодий муносабатларнинг энг муҳим шакли – **ҳалқаро савдо** ёки алоҳида мамлакатлар ўртасида товар ва хизматлар билан айирбошлиш ҳисобланади ҳамда у ўзига қўйидагиларни киритади:

- ўзаро товарлар билан айирбошлиш;
- ўзаро фан ва техника ютуқлари билан айирбошлиш (лицензиялар, ноу-хау ва бошқалар орқали);
- асбоб-ускуналар етказиб беришни қўзда тутадиган капитал қурилиш обьектлари билан савдо қилиш, лойиҳа ва қурилиш ишларини бажариш;
- хизматлар савдоси.

Ҳалқаро айирбошлишнинг бошқа барча шакллари ташқи савдо ривожланиши асосида пайдо бўлган.

**Ишлаб чиқариш кооперацияси** деганда, икки ёки бир неча мамлакатларнинг маълум бир ишни бажариш ёки қандайдир бир якуний маҳсулотни ишлаб чиқариш бўйича биргалиқдаги фаолиятлари тушунилади. Масалан, ҳамкорликдаги илмий - тадқиқот ишланмалари, ҳамкорликда автомобиллар ва бошқа мураккаб асбоб-ускуналарни ишлаб чиқариш ва ҳакозо.

Ҳозирги пайтда ҳалқаро айирбошлишнинг тез ривожланиб бораётган шакллари:

- капитал миграцияси, яъни капитални юқори фойда кетидан бир мамлакатдан бошқасига кўчиб юриши;

- ишчи кучларининг миграцияси ҳисобланади.

Мамлакатлар ўртасида ҳар қандай иқтисодий муносабатлар қиймат жиҳатидан баҳоланишга ва маълум тартибдаги тўловларга мухтоҷ бўлар экан, шунга мувофиқ тез суръатлар билан валюта муносабатлари ҳам тараққий этади.

Мамлакатни жаҳон бозорида тутган ўрни унинг табиий географик шароити, фан-техника ва ижтимоий-иқтисодий тараққиёти даражаси, халқаро меҳнат тақсимотида ўйнайдиган ролига бевосита боғлиқдир.

Жаҳон хўжалигининг шаклланиши ва мамлакатларнинг жаҳон хўжалиги алоқаларида фаол иштирок этиши туфайли «очик иқтисодиёт» атамаси пайдо бўлди. Иқтисодиётнинг очиқлиги миллий иқтисодиётнинг жаҳон хўжалигига, жаҳон бозорига кўшилганини, интеграциялашувини англатади.

Хозирда кўпгина мамлакатлар хориж билан кўплаб иқтисодий алоқага киришган бўлиб, бунга товар ва хизмат, ахборот, капитал ва ишчи кучлари билан айирбошлишни киритиш мумкин. Бундай алоқаларнинг ривожланиш даражасига қараб иқтисодиётнинг қай даражада очиқлиги аниқланади.

Очиқ иқтисодиёт – бу шундай иқтисодиётки, унда мамлакатнинг барча фуқаролари халқаро товар ва капитал бозорида олди-бердиларни чекланмаган ҳолда амалга оширишлари мумкин.

Очиқ иқтисодиёт – бу фақатгина ўз кучига таянган ҳолда ривожланувчи ёпиқ, яъни, автаркия хўжалигига мутлақо қарама-қарши бўлган хўжалик юритищdir. Очиқ иқтисодиёт шароитида ҳар қандай мамлакат ички бозорларининг хорижий товарлар, капитал, ахборот ва иш кучи билан маълум даражада ўзаро алоқаси ва унга тегишли бўлиши тушунилади.

Замонавий шароитларда иқтисодиётнинг очиқлик даражаси унинг самарали даражада ривожланишининг шарти ҳисобланади ва у қуидагиларга боғлиқдир:

- жаҳон хўжалиги ресурсларининг рационал тақсимланишига кўмак берувчи ишлаб чиқариш ихтисослашувининг чуқурлашуви ва кооперацияси;

- халқаро иқтисодий муносабатлар тизими орқали жаҳон тажрибаси ва илмий-техник ютуқларнинг кенг миқёсда тарқалиши;

- халқаро рақобат ҳисобига рақобатли муҳитнинг шаклланиши.

Очиқ иқтисодиёт иқтисодий чегараларнинг мутлақ мавжуд эмаслигини, назоратсиз эканлигини, халқаро алоқаларда

тўсиқларнинг умуман мавжуд эмаслигини англатмайди. Иқтисодиётнинг очиқлиги оқилона, самарали ва миллий иқтисодий хавфсизликни назарда тутган ҳолда таъминланиши лозим.

Иқтисодиётнинг очиқлик даражасини аниқлашда **экспорт квотаси** кўрсаткичидан фойдаланилади. У маълум бир мамлакатнинг экспортини ЯИМ катталигига нисбати билан аниқланади ва фоизларда ифодаланади.

Мамлакат иқтисодиётининг очиқлик даражаси экспорт квотаси 10 % дан кам бўлмаган ҳолатида мақбул ҳисобланади. СССР иқтисодиётига ёпиқлик характерли ҳисобланган ва унинг экспорт квотаси 7-8 % ни ташкил этган. 1995 йилда Россиянинг экспорт квотаси тахминан 25 %ни ташкил этган. Аммо бу миллий иқтисодиёт очиқлигининг самаралилиги белгиси ҳисобланмайди, аксинча очиқликнинг сохта қўринишидир. Бу – ташқи савдонинг шокли либераллашуви оқибатлари ҳисобланади. Миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигининг паст даражаси шароитида мамлакат ички бозори ва миллий ишлаб чиқарувчилар товарларининг ташқи дунёга очиқлиги миллий хавфсизликка хавф ва иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши имкониятларига тўсиқ бўлади.

Жаҳон хўжалигининг иқтисодий асоси – бу ишлаб чиқаришнинг интернационаллашуви. Интернационаллашув – бу миллий хўжаликлар ўртасида иқтисодий алоқаларнинг ривожланиш жараёни бўлиб, бунда бир мамлакат иқтисодиёти жаҳон хўжалигининг бир бўлаги сифатида ҳалқаро меҳнат тақсимоти, ишлаб чиқариш, илм - техника соҳасида ихтисослашади ва унинг кооперацияси асосида ўзаро бирлашади.

**Ишлаб чиқаришининг интернационаллашуви** – бу ташкилий-иқтисодий шаклларнинг шундай бир ривожланишидирки, бунда бир мамлакат ишлаб чиқариши натижалари бошқа мамлакатлар истеъмоли билан боғлиқ бўлади. Ишлаб чиқаришнинг интернационаллашуви мамлакатларнинг алоҳида олинган товар ва хизматларни ишлаб чиқариш бўйича ихтисослашуви шаклида амалга оширилади. Ишлаб чиқаришнинг ҳалқаро ихтисослашуви ҳалқаро меҳнат тақсимоти учун, яъни мамлакатлар учун алоҳида товар ва хизматларни ишлаб чиқаришда ихтисослашув ва кооперациянинг шаклланишига асос яратади.

Одатда ихтисослашув маълум бир мамлакатда мавжуд бўлган, унинг ўзига хос табиий шарт-шароити, ресурсларига таянади.

Индустрисиал ривожланиш босқичида ихтисослаштиришнинг муҳим омили бўлиб саноатнинг ривожланиш даражаси ва техник тараққиёт хизмат қиласи.

Халқаро ихтисослашувнинг қўйидаги қўринишлари мавжуд:

- турли хилдаги тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш;

- бўлакли (таркибий қисмларни ишлаб чиқариш);

- технологик (алоҳида технологик жараённи амалга ошириш: йиғиш, пайвандлаш, бўяш ва ҳакозо.).

Мамлакатларнинг алоҳида олинган товар ва хизматлар бўйича ихтисослашуви ишлаб чиқарувчи мамлакатнинг ўз эҳтиёжидан ҳам кўп бўлган ҳажмда маҳсулот ишлаб чиқаришини шарт қилиб қўяди. Бу эса иқтисодиёт тармоқларининг халқаро миқёсда ихтисослашуви шаклида намоён бўлади ва бу экспортга йўналтирилган ва биринчи навбатда ҳалқаро меҳнат тақсимотида мамлакат ўрнини белгилаб берувчи тармоқлар ҳисобига амалга оширилади. Масалан, Япония жаҳонда автомобилларни ишлаб чиқариш бўйича биринчи-иккинчи ўринларни эгаллайди. Мамлакатда ишлаб чиқарилаётган автомобилларнинг тахминан ярми бошқа давлатларга экспорт қилинади. Автомобил саноати – ушбу мамлакатнинг халқаро соҳада ихтисослашуви тармоғи ҳисобланади. Канада ғаллани етиштириш бўйича еттинчи ва уни экспорт қилиш бўйича иккинчи ўринни эгаллайди. Мамлакат қишлоқ хўжалигининг ғаллага ихтисослашуви халқаро меҳнат тақсимотида унинг ихтисослашуви тармоғи ҳисобланади. Ўз ўринда халқаро ихтисослашув товар ва хизматлар бўйича халқаро айирбошлишни тақазо этади. Бу айирбошлаш эса мамлакатлар ўртасида халқаро иқтисодий алоқаларнинг ривожланишида намоён бўлади.

Ихтисослашув ишлаб чиқариш жараёнининг кооперацияси заруратини туғдиради.

**Ишлаб чиқаришнинг ҳалқаро кооперацияси** – бу турли мамлакатларнинг ихтисослашган фирма ва ташкилотлари ўртасида барқарор ишлаб чиқариш алоқаларининг шаклланишидир. Ишлаб чиқаришнинг ҳалқаро кооперацияси шерикчиликнинг ишлаб чиқариш - технологик шакли қўринишида амалга оширилади. Қўшма ишлаб чиқариш битимлар асосида ҳамкорлик дастурларни амалга оширишни кўзлади.

Жаҳон хўжалигида жаҳоннинг турли мамлакатлари ўртасида иқтисодий муносабатларнинг ўзига хос бир тизими – халқаро иқтисодий муносабатлар тобора ривожланиб бормоқда. Халқаро

иқтисодий муносабатлар қуйидаги конкрет шаклларда амалга оширилади:

- халқаро ихтисослашув ва меҳнат тақсимоти;
- товар ва хизматларнинг халқаро савдоси;
- капиталнинг халқаро ҳаракати;
- ишчи қучининг халқаро миграцияси;
- халқаро валюта-молия муносабатлари;
- халқаро иқтисодий интеграция.

Жаҳон хўжалигининг ривожланиш жараёни, халқаро географик меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви ва иқтисодий интеграция хўжалик ҳаётининг тобора интернационаллашувига сабаб бўлмоқда. Бу жараёнда ҳал қилувчи ролни *транснационал корпорация (ТНК)лар* ўйнамоқда. 90-йиллар ўрталарида уларнинг умумий сони 40 мингни, хориждаги филиаллар сони эса - 250 мингни ташкил этган. Улар халқаро меҳнат тақсимотининг фаол иштирокчиси ҳисобланади ва унинг ривожланишига кўмак беради.

**Транснационал корпорация (ТНК)** – бу турли мамлакатларда жойлашган халқаро компания бўлиб, у жаҳон хўжалигининг бир ёки бир неча тармоқларини бирлаштирувчи корхоналарни ўз ичига олади.

ТНКлар жаҳоннинг турли мамлакатлари бўйича филиал, шўъба компания ва бўлимларни жойлаштиришга асосланган халқаро ишлаб чиқариш тизимини ташкил этадилар. ТНКлар катта инвестициялар ва малакали ходимларни талаб этувчи юқори технологияли, фан ва техникага асосланган тармоқларга кириб боради. Шу сабабли кўп ҳолларда ТНКлар томонидан бундай тармоқларни монопол ҳукмронлик қилиш ҳолатлари юз беради.

**Жаҳон хўжалигининг асосий хусусиятлари.** Энг аввало таъкидлаш керакки, жаҳон хўжалиги таркибиға кирувчи ҳар бир мамлакат ўзаро бир-бирлари билан шундай боғлиқликда бўладиларки, бу алоқалар уларнинг ҳар бирига жаҳон хўжалигига иштирок этишларидан манфаат келтиради.

Жаҳон хўжалигининг ташкил топиши натижасида ҳар бир мамлакатда мавжуд ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги ортади ва бунда бутунжаҳон иқтисодий ўсиш суръатлари жадаллашади. Жаҳон хўжалиги глобал иқтисодий организмни ифодалаб, сайёрамизнинг деярли барча мамлакатлари ва халқларини ўз ичига олади. Жаҳон хўжалиги бозор қонуниятлари асосида ривожланаётган бозор иқтисодиёти тизими бўлиб, у яхлит

бир бутунликни ифодалайди. Аммо жаҳон хўжалиги тизимиға турли укладли хўжаликка эга бўлган давлатлар киради.

Жаҳон хўжалигига ривожланган бозор инфраструктураси характерли бўлиб, унга жаҳон бозорлари: товар ва хизматлар, ишлаб чиқариш омиллари бозори, капитал бозори; шунингдек жаҳон валюта ва молия тизимлари киради.

Хозирги даврда жаҳон хўжалигининг қўйидаги таркиби қўриб ўтилади:

- а) товар ва хизматларнинг жаҳон бозори;
- б) жаҳон капитал бозори;
- в) жаҳон иш кучи бозори;
- г) халқаро валюта тизими;
- д) халқаро молия-кредит.

Бундан ташқари, маълумот олиш, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари, маданият соҳаларида интернационаллашув жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда.

Жаҳон хўжалигининг асосий субъектлари қўйидагилар:

- халқ хўжалиги комплексига эга давлатлар;
- транснационал корпорациялар;
- халқаро ташкилотлар ва институтлар;
- миллий чегаралардан чиқсан хўжалик секторларининг барча фирмалари.

Жаҳон хўжалиги нотекис ривожланиши билан характерланади. Унинг бўлаклари ўртасидаги иқтисодий фарқлар товарлар, меҳнат, капитал ва маълумотлар бозорларининг ривожланиш даражаси, мамлакат ичкарисида меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви ва уларнинг жаҳон бозорига кириб бориш характеристи, аҳолисининг ижтимоий ҳимоя шакли ва унинг даражасида намоён бўлади.

Турли мамлакатлар иқтисодий ривожланишининг умумий кўрсаткичлари хилма-хиллиги улар иқтисодий ривожланишини бир нуқтаи назардан баҳолаш имкониятини бермайди. Бунинг учун бир неча асосий кўрсаткичлар қўлланилади:

- мутлақ ва нисбий ЯИМ (ЯММ);
- МД ва киши бошига тўғри келувчи даромад;
- миллий иқтисодиётнинг тармоқлар структураси;
- мамлакатнинг экспорта и импорт структураси;
- аҳолининг турмуш даражаси, унинг сифати ва ҳакозолар.

**Иқтисодий интеграция.** Интеграция — бу хўжалик ҳаёти интернационаллашувининг шакли бўлиб, миллий хўжаликлар

чамбарчас қўшилиб кетишининг объектив жараёнидир ва бунда иқтисодий сиёsat миллий ва жаҳон даражасида турли шаклларда мувофиқлаштирилган ҳолда амалга оширилади: эркин савдо, божхона иттифоқи, умумий бозорлар, иқтисодий иттифоқлар, валюта-иктисодий ва сиёсий иттифоқлар.

Иқтисодий интеграциянинг энг муҳим хусусиятлари: биринчидан, давлатлараро иқтисодий жараёнларни тартибга солиш; иккинчидан, нисбатан мустақил бўлган маълум бир ҳудуддаги интернационал хўжалик комплексини умумий қайта ишлаб чиқаришнинг мутаносиблиги ва таркибига мос равища шакллантириш; учинчидан, маълум бир ҳудуд доирасида давлатлараро товарлар, иш кучи ва молиявий ресурсларнинг ҳаракатланиш имкониятларни кенгайтириш ва уларнинг ҳаракатланишига тўсиқ бўладиган турли хилдаги маъмурий, иқтисодий тўсиқларни бартараф этиш; тўртинчидан, интеграцион бирлашмаларда иштирок этувчи давлатларнинг ички иқтисодий шароитларини ўзаро яқинлаштириш, уларнинг иқтисодий ривожланиш даражасини тенглаштиришга интилишdir.

Интеграцион бирлашмаларнинг қуидаги асосий қўринишлари мавжуд:

- эркин савдо ҳудуди, бунда қатнашувчи мамлакатлар ўзаро савдода божхона тўсиқларини бартараф этиш билан чегараланадилар;

- божхона иттифоқи, бунда гурухлар ичida товар ва хизматларнинг эркин ҳаракатида учинчи мамлакатга нисбатан ягона божхона тарифи амал қиласи ва божхона даромадини тақсимлашнинг пропорционал тизими яратилади;

- умумий бозор, бунда нафақат мамлакатлараро ўзаро савдо алоқалардаги тўсиқлар бартараф этилади, балки ишчи кучи ва капитал ҳаракати учун ҳам шароитлар яратилади; яъни, умумий бозор – умумий товарлар, хизматлар, капиталлар, ишчи кучи бозоридир;

- иқтисодий иттифоқ, у умумий бозор ва ягона иқтисодий сиёsat юритишни, мавжуд бир ҳудуд доирасида юз бераётган давлатлараро ижтимоий-иктисодий жараёнларни тартибга солиш тизимини яратишни ўз ичига олади;

- валюта иттифоқи, ягона банк тизими ва охир-оқибатда ягона валютага асосланадиган иқтисодий иттифоқни кўзлаган ҳолда ташкил этилади;

- сиёсий иттифоқ, бунда мамлакатлар ўртасида сиёсий масалалар бўйича умумий ечимлар қабул қилиш мақсади кўзланади.

Иқтисодий интеграциянинг энг оддий шакли — эркин савдо ҳудудидир, нисбатан мураккаброқ шакли умумий бозор ҳисобланади ва давлатлараро иқтисодий интеграциянинг энг мураккаб шакли бу – иқтисодий ва валюта иттифоқи ҳисобланади.

## 11. 2. Халқаро савдо назарияси ва савдо сиёсати

Халқаро иқтисодий алоқаларнинг энг ривожланган шакли - бу халқаро савдодир.

**Халқаро савдо** деганда, бу жаҳон хўжалигининг турли мамлакатлари ўртасида ўзаро товар ва хизматлар айирбошланишига асосланадиган битимлар тизими тушунилади.

Жаҳон савдоси нисбатан тор маънода алоҳида олинган мамлакатнинг ташқи савдоси, яъни товар ва хизматларнинг мамлакат ҳудудлари чегарасидан ташқарисидаги ҳаракати деб ҳам қаралади.

Мамлакат ичкарисига кириб келадиган товарлар (импорт) ва унинг ташқарисига чиқиб кетадиган товарлар (экспорт) **ташқи савдо айланмасини** ташкил этади. Миллий экспорт ва импорт қийматлари ўртасидаги фарқ **савдо балансини** ташкил этади. Агар импорт экспортдан ортиқ бўлса, савдо баланси манфий бўлади, бу ҳолда мамлакатда савдо баланси тақчиллиги юзага келади. Агарда мамлакат товар ва хизматларни кўпроқ экспорт қилган бўлса, у ҳолда савдо баланси мусбат бўлади.

Ташқи савдо моҳиятини ўрганиш, уни талқин қилишга ҳаракатлар XV—XVIII асрларда, феодализмдан капитализмга ўтиш даврида илк бор меркантилистлар (Т. Мен, Ч. Давенант, Ж.Б. Кольбер) томонидан амалга оширилган.

Меркантилистлар ғояларининг асосини қуйидагилар ташкил этган:

- улар мамлакатнинг бойлиги мавжуд олтин ёки кумушлар, яъни қимматбаҳо металларда деб билганлар;
- дунё чекланган ҳажмдаги бойликка эга;
- бир мамлакатнинг бойлиги фақат бошқа бир мамлакатнинг камбағаллашуви ҳисобига ортиши мумкин.

Улар мамлакатнинг жаҳон миқёсида обрў-эътибори, салоҳиятини оширишда қуидагиларни асосий омил деб белгилаб берганлар:

- товарларни импортга нисбатан қўпроқ экспорт қилиш, бу қимматбаҳо металлар (хусусан олтин, кумуш)ни мамлакатга кириб келишини, ишлаб чиқариш ва бандликни оширади;
- экспортни ошириш ва импортни камайтириш учун тарифлар, квота каби воситалар билан ташқи савдони тартибга солиш;
- хом-ашёни четга чиқаришни қатъян ман этиш ва мамлакатда қазиб чиқарилмайдиган хом-ашёни божсиз кириб келишига рухсат бериш, бу олтинни жамғариш ва экспорт учун тайёр маҳсулотларга нархларни пасайтириш имконини беради.

Меркантилизм мактаби бир ярим асрдан қўпроқ давр яшаб, халқаро савдо назариясига ўз ҳиссасини қўшди, яъни у биринчи маротаба иқтисодий ўсиш учун ташқи савдо назариясига катта аҳамият ва шу билан бирга тўлов балансига тавсиф берди.

Аммо меркантилистлар қарашлири чегараланган характерга эга эди, улар бир миллатнинг бойиши бошқа бир миллатнинг камбағаллашуви ҳисобига бўлиши ва бу эса протекционистик сиёsat орқали амалга оширилиши керак деб ҳисоблаган эдилар.

Ташқи иқтисодий сиёsat давлатнинг иқтисодиётни тартибга солишдаги муҳим бир йўналишларидан ҳисобланади. Ташқи иқтисодий сиёsatнинг икки ўзаро бир-бирига мутлақо қарама-қарши бўлган тамойили мавжуд: **эркин савдо (фритредерлик)** ва **ташқи савдони чеклаш (протекционизм)**. Ҳозирда кўпгина мамлакатларда бу икки тамойилдан уйғунликда фойдаланилади, аммо мамлакатлар ташқи савдо сиёsatида эркин савдога кўп ҳолларда устунлик берадилар.

**Халқаро савдо назариясига** XVIII аср охири — XIX аср бошларида классик мактаб вакиллари - А. Смит и Д. Рикардо асос солдилар. А. Смит ўзининг «Халқлар бойлигининг сабаби ва табиатини тадқиқ этиш ҳақида» («Исследование о природе и причинах богатства народов» (1776 й.)) деб номланган асарида **мутлақ устунлик назариясини** яратди. Бу даврда хом-ашё товарлари билан савдо қилиш устун бўлган ва шу сабабдан унинг асосида ушбу назария яратилган. А.Смит мамлакат мутлақ устунликка эга бўлган шароитда, эркин савдо фойдалилиги ва зарурлигини исботлаб берган. У ушбу мамлакатдан бошқа

мамлакатларга нисбатан ишлаб чиқариш ҳаражатлари камроқ бўладиган товарларни экспорт қилишни ва бу мамлакатга нисбатан ўзга мамлакатларда ишлаб чиқариш ҳаражатлари кам бўладиган товарларни импорт қилиш кераклигини таъкидлаб ўтган.

А. Смита назариясига кўра:

- ҳукумат ташқи савдога аралашмаслиги, очик бозорлар ва эркин савдони қўллаб-қувватлаши лозим;
- миллатлар уларнинг ишлаб чиқаришларида устунлиги бўлган товарларда ихтисослашишлари ва бошқа миллатларнинг ишлаб чиқаришда устунлиги бўлган товарлари билан айирбошлашлари ва савдо қилишлари керак;
- ташқи савдо меҳнат унумдорлиги ошишини рағбатлантиради, миллий бозорлар чегараларини кенгайишига олиб келади;
- экспорт мамлакат иқтисодиёти ривожланишида ижобий омил ҳисобланади, чунки мамлакат ички бозорларида сотилмай, ортиқча бўлган маҳсулотларни бошқа мамлакатлар бозорларига олиб чиқиб кетилишини англатади.

**Мутлақ устунлик назарияси** - мамлакатлар ўзлари кам ҳаражатлар билан ишлаб чиқарадиган маҳсулотларни дунёнинг бошқа мамлакатларига экспорт қилишлари, бошқа мамлакатларда эса нисбатан кам ҳаражатлар билан ишлаб чиқариладиган товар ва хизматларни импорт қилишларини англатади.

А. Смит назариясининг камчилиги шунда эдики, ишлаб чиқариш омиллари мутлақ мобилликка (ҳаракатланишга) мойил бўладилар ва улар вақт ўтиши билан мутлақ афзалликка эга бўлган худудларга кўчиб ўтадилар. Бунда маълум вақт ўтгач, баъзи бир худудларнинг бошқа худудлар устидан мутлақ устунлиги йўқолиши мумкин ва табиийки, бундай шароитда савдо алоқалари тўхтатилади. Аммо А. Смитнинг хизмати шундан иборат эдики, мамлакатнинг табиий ва маълум вақт давомида эришган устунлигининг мавжудлиги орқали у мамлакатлараро савдо оқимини тушунтириб бера олганлигига бўлди.

А. Смитнинг қарашлари Д. Рикардонинг назарияси билан тўлдирилди, ривожлантирилди ва замонавий шароитларда халқаро савдонинг манфаатларини асослаб беришда катта аҳамиятга эга ҳисобланади. Д. Рикардо **нисбий устунлик назариясини** таърифлаб берди. Д. Рикардо ўзининг «Сиёсий иқтисодиёт ва солиққа тортишнинг асослари» номли асарида (1817 й.) А. Смитнинг

моделини ҳам ўз ичига олувчи ўзаро манфаатли савдонинг умумий тамойилини кенгроқ таърифлаб берди. У ҳар қандай мамлакат мутлақ устунликка эга бўлмаса ҳам маълум бир товарларни ишлаб чиқаришда халқаро савдо улар учун манфаатли эканлигини кўрсатиб берди.

Д. Рикардо нисбий устунлик назариясини муқобил (альтернатив) нарх тушунчасини киритиш орқали таърифлаб берди. **Муқобил нарх** — бир бирлик товарни ишлаб чиқаришга сарфланадиган иш вақтини бошқа бир бирлик товарни ишлаб чиқаришга зарур бўлган иш вақтига нисбатидир.

**Нисбий устунлик қонунини** қуидагича таърифлаш мумкин: мамлакатлар нисбатан ўzlари учун меҳнат ҳаражатлари камроқ сарфланадиган товарларни ишлаб чиқаришга ихтисослашсаларда, аммо абсолют микдорда бундай ҳаражатлар чет мамлакатлардагига қараганда кўпроқ ҳам бўлиши мумкин.

Бундан хulosса шуки, эркин жаҳон савдоси ҳар бир мамлакатнинг маълум бир товарни ишлаб чиқаришда ихтисослашуви, нисбатан устунликка эга бўлган товарларни ишлаб чиқариши, бутун дунёда маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши ва ҳар бир мамлакат истеъмолининг кўпайишига олиб келади.

Нисбий устунлик назарияси маълум камчиликлардан холи эмас эди:

- назария икки мамлакат ва иккита товар учун кўриб чиқилган ва таҳлил этилган;
- назарияда эркин савдо ҳукмронлиги таҳмин қилинган;
- ишлаб чиқаришнинг доимий ҳаражатларига асосланган;
- транспорт ҳаражатлари мавжуд эмаслиги шарт қилиб кўйилган;
- илмий-техник тараққиёт, технологик ўзгаришларни ҳисобга олмаган;
- ресурсларнинг муқобил йўналишда ишлатилгандаги тўлиқ бир-бирини ўрнини босишини назарда тутади .

Шундай бўлсада, бу назариянинг аҳамиятини баҳолаш мураккаб, чунки у:

- биринчи маротаба ялпи талаб ва таклифнинг мувозанатини тавсифлаб берди;
- мамлакат бошқа давлатларга зарар етказмасдан ва балки мамлакат ичкарисида савдо имкониятларини ривожлантирган,

савдо түсиқларидан воз кечган ҳолда ташқи савдодан манфаат кўришини исботлаб берди;

- келгусидаги назариялар ривожига илмий асос солди.

**Жаҳон товар айланмаси** барча давлатлар экспорт ҳажмларини қўшиш орқали аниқланади ва АҚШ долларида ифодаланади.

Алоҳида олинган мамлакатнинг халқаро савдодаги иштирокини баҳолаш учун «ташқи савдо» ва «ташқи савдо айланмаси» атамаларидан фойдаланилади. **Ташқи савдо** - бу маълум бир мамлакатнинг бошқа мамлакатлар билан ўзаро товар айирбошлиши бўлиб, у товар ва хизматларнинг экспорт ва импорт бўйича тўловларини ўз ичига олади. Бу атамалар алоҳида мамлакат ташқи савдо айланмасини таҳлил этишда қўлланилади. Халқаро ва ташқи савдони тавсифлаш учун: умумий товар айланмаси, товар таркиби, географик таркиби кўрсаткичларидан фойдаланилади. **Ташқи савдо айланмаси** - мамлакат экспорти и импорти қийматларининг йигиндисидир.

**Халқаро савдонинг асосий шакллари** — товарларнинг экспорт и импортидир.

Халқаро савдода мамлакатнинг қатнашувини белгилаб берувчи кўрсаткичлар бўлиб қуйидагилар хизмат қиласиди:

- **экспорт квотаси** — товар ва хизматлар экспортининг ЯИМга нисбати, у мамлакатда умумий ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулотнинг қандай улуши жаҳон бозорларида сотилишини кўрсатади;

- **импорт квотаси** - импортнинг мамлакат ички истеъмоли ҳажмига нисбати, ички истеъмол ўз ичига миллий ишлаб чиқариш ва импорт заҳираси ҳажмини олади ва импорт квотаси мамлакатдаги товар ва хизматларнинг ички истеъмолида импортнинг улушкини кўрсатади.

Эркин савдонинг кенгайиб бориши XX асрга хос тенденция ҳисобланиб, у турли йўллар билан амалга оширилади. Савдони либераллаштиришнинг шаклларидан бири – ўзаро шерикчиликка асосланган, ҳар икки томон учун қулай бўлган мамлакатлар ўртасида икки томонлама савдо битимларини тузиш ҳисобланади.

Халқаро савдони ривожлантириш ва тартибга солиш мақсадида 1947 йилда жаҳоннинг 23 та мамлакати ГАТТ – **Савдо ва тарифлар бўйича Бош битимга** имзо чекдилар.

ГАТТда савдонинг қуйидаги тамойиллари кўзда тутилган:

- барча иштирокчи мамлакатлар учун тенг ҳуқуқли, дискриминациясиз (камситишсиз) тартиб ўрнатиш;
- божхона божларини камайтириш;
- импорт квоталарни бартараф этиш.

Ўзаро савдо алоқаларида иштирокчи мамлакатлар учун ГАТТ энг қулай шарт-шароитларни яратган ҳолда, учинчи мамлакатларга нисбатан сезиларли чеклашларни назарда тутди.

1996 йил бошига келиб ГАТТ таркибига 130 мамлакат киритилган эди. 1996 йил январидан бошлаб ГАТТ **Жаҳон Савдо Ташкилоти (ЖСТ)** деб ўзгартирилди. ЖСТ ГАТТдан ташқари ўз ичига Хизматлар билан савдо қилиш ҳақида (ГАТС) ва интеллектуал мулк соҳаси савдоси бўйича битимларни киритади. Шундай қилиб, янги ташкилот хизматлар ҳамда интеллектуал мулкни айирбошлишни ҳам тартибга солишни ўз ичига олади.

**Иқтисодий интеграция** – икки ёки ундан ортиқ мамлакатлар бозорларини ягона иқтисодий маконда бирлаштириш бўлиб, божхона тўсиқларининг бартараф этилишини, савдода ягона меъёр ва стандартларни қўллашни кўзда тутади. Интеграцион иттифоқка **Европа Иттифоқи** (ЕИ) мисол бўла олади, унинг тарихи эса 1957 йилдан бошланади, у вақтда Европа иқтисодий Уюшмаси (ЕЭС) таркиб топади. 1992 йилда тузилган **Маастрихт шартномасига** кўра, ЕИ ўз таркибиға кирган мамлакатларни ягона ички бозор бўлиб ташкил этилишини мақсад қилиб қўйган.

Жаҳоннинг бошқа худудларида ҳам интеграцион гурухлар мавжуд: АСЕАН (Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари Ассоциацияси), НАФТА (АҚШ, Канада, Мексика), ЛАИ (Лотин Америкаси мамлакатлари аъзо), МЕРКОСУР (Жанубий Америка мамлакатлари аъзо), ОПЕК ва бошқалар.

Индонезия, Малайзия, Сингапур, Таиланд ва Филиппин ташқи ишлар вазирларининг 1967 йил 8 августда Бангкокда бўлиб ўтган конференцияси қарори билан Жанубий-шарқий Осиё мамлакатлари ассоциацияси – **АСЕАН**нинг ташкил этилиши ҳам минтақавий интеграциялашишдан аниқ мақсадларни кўзлаган ҳолда ташкил этилди. АСЕАНга кейинчалик – 1984 йилда Бруней, 1995 йилда Вьетнам, 1997 йилда Лаос ва Мьянма, 1999 йилда эса Камбоджа ҳам аъзо бўлдилар. АСЕАНга аъзо мамлакатлар сони 10та бўлиб, ушбу мамлакатларда 592 млн.дан ортиқ аҳоли яшайди.

Бангкок декларациясига кўра, ташкилотнинг асосий мақсади куйидагилардан иборатдир:

- БМТ Устави тамойиллариға амал қилған ҳолда худудда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш;
- ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам асосида ташкилотга аъзо давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳалари ривожланишини жадаллаштириш;
- ташкилотга аъзо давлатларнинг ўзаро умумий, икки томонлама ва ҳудудий халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлигини кўллаб-куватлашдир.

Шимолий Америкада шимолий Америка эркин савдо ассоциацияси - (**НАФТА**) ташкил этилган бўлиб, унга ахолиси 400 млн.кишидан иборат бўлган АҚШ, Канада ва Мексика давлатлари киради, уларда жаҳоннинг 1/4 ЯИМи яратилади. НАФТАни ташкил этишдан асосий мақсад, АҚШ, Канада ва Мексика давлатлари ўртасида савдо ва инвестициялар соҳасидаги тўсиқларни бартараф этишдир. Бундан ташқари, НАФТАни ташкил этишдан кўзланган мақсад қуидагилар:

- аъзо мамлакатлар ўртасида божхона ва паспорт тўсиқларни бартараф этиш ва ушбу мамлакатларда товар ва хизматлар ҳаракатини рағбатлантириш;
- эркин савдо ҳудудида соғлом рақобатни яратиш ва уни кўллаб қувватлаш;
- ўзаро битим тузиб аъзо бўлган давлатларга инвестицияларни жалб этиш;
- интеллектуал мулк ҳуқуқини самарали ҳимоя қилишни таъминлаб бериш;
- ягона континентал бозорни яратиш ва бошқалардир.

Лотин Америка интеграцияси ассоциацияси (**ЛАИ**)га, Лотин Америкаси ҳудудида жойлашган 11 мамлакат: Аргентина, Боливия, Бразилия, Венесуэла, Колумбия, Мексика, Парагвай, Перу, Уругвай, Чили, Эквадор аъзодир. Ташкилотнинг мақсади ҳудудий иқтисодий ҳамкорлик ва савдони ривожлантириш, умумий бозорни яратишидир. Ассоциациянинг юридик асоси - 1980 йилнинг 2 августида имзоланган Монтевидио шартномаси ҳисобланади.

**Меркосур** – Жанубий Америка мамлакатларининг умумий бозори бўлиб, унга Аргентина, Бразилия, Уругвай, Парагвай ва Венесуэла давлатлари аъзодир, 1991 йилда Асунсьонс шартномасига асосан ташкил этилган, кейинроқ эса 1994 йилда Ору-Прету шартномасига кўра ўзгартирилди, янгиланди ва унда Меркосурнинг таркиби белгилаб берилди. Меркосур Лотин

Америкаси ва Кариб басейнининг 55,3% аҳолиси (300 млн.дан ортиқ киши) ни ўз ичига олади. Аъзо мамлакатлар ўртасида тузилган битимнинг мақсади – эркин савдога, товарлар, аҳоли ва валюталарнинг эркин ҳаракатига кенг йўл очиб беришdir.

Жаҳон хўжалик тизимида ҳудудий гурухлардан ташқари маълум бир тармоқقا тегишли бўлган қўпгина гурухлар мавжуд. Улардан энг асосийси – ОПЕК (нефтни экспорт қилувчи 12 та мамлакатни ўз ичига оловчи ташкилот)дир. ОПЕК ҳаракатдаги доимий ташкилот сифатида 1960 йилнинг 10-14 сентябрида Боғдоддаги конференцияда ташкил этилган.

### **Қисқача хуносалар**

1. *Жаҳон хўжалиги* – бу бутунжаҳон геоиктисодий макон бўлиб, унда хўжалик субъектлари, ташкилот, ҳудуд ва мамлакатларнинг эркин ва фаол ўзаро алоқалари амалга оширилади. Жаҳон хўжалиги – миллий иқтисодиётларнинг шунчаки йиғиндиси бўлмай, балки уларнинг ўзаро жипслилиги ва боғлиқлигига асосланган бирлашмаси ҳисобланади.

2. *Жаҳон бозори* деганда мамлакатлар ўртасида уларнинг ижтимоий маҳсулотларининг бир қисмини сотиш бўйича ўзаро муносабатлари тизими тушунилади. Бу иқтисодий муносабатлар ёки айирбошлиш қуидаги шаклларда амалга оширилади: а) халқаро савдо; б) ишлаб чиқариш кооперацияси; в) капитал миграцияси; г) ишчи кучи миграцияси; д) ўзаро тўловлар ва ҳисоб валюта операциялари.

3. Ташқи иқтисодий муносабатларнинг энг муҳим шакли – *халқаро савдо* ёки алоҳида мамлакатлар ўртасида товар ва хизматлар билан айирбошлиш ҳисобланади.

4. *Ишлаб чиқариш кооперацияси* деганда икки ёки бир неча мамлакатларнинг маълум бир ишни бажариш ёки қандайдир бир якуний маҳсулотни ишлаб чиқариш бўйича биргаликдаги фаолиятлари тушунилади.

5. *Очиқ иқтисодиёт* – бу шундай иқтисодиётки, унда мамлакатнинг барча фуқаролари халқаро товар ва капитал бозорида олди-бердиларни чекланмаган ҳолда амалга оширишлари мумкин.

6. Иқтисодиётнинг очиқлик даражасини аниқлашда *экспорт квотаси* кўрсаткичидан фойдаланилади. У маълум бир

мамлакатнинг экспортини ЯИМ катталигига нисбати билан аниқланади ва фоизларда ифодаланади.

7. *Ишлаб чиқаришининг интернационаллашуви* – бу ташкилий-иктисодий шаклларнинг шундай бир ривожланишидирки, бунда бир мамлакат ишлаб чиқариши натижалари бошқа мамлакатлар истеъмоли билан боғлиқ бўлади.

8. Ишлаб чиқаришнинг халқаро ихтисослашуви халқаро меҳнат тақсимоти учун, яъни мамлакатлар учун алоҳида товар ва хизматларни ишлаб чиқаришда ихтисослашув ва кооперациянинг шаклланишига асос яратади. Одатда ихтисослашув маълум бир мамлакатда мавжуд бўлган, унинг ўзига хос табиий шарт-шароити, ресурсларига таянади. Индустрисал ривожланиш босқичида ихтисослаштиришнинг муҳим омили бўлиб саноатнинг ривожланиш даражаси ва техник тараққиёт хизмат қиласи.

9. *Ишлаб чиқаришнинг халқаро кооперацияси* – бу турли мамлакатларнинг ихтисослашган фирма ва ташкилотлари ўртасида барқарор ишлаб чиқариш алоқаларининг шаклланишидир. Ишлаб чиқаришнинг халқаро кооперацияси шерикчиликнинг ишлаб чиқариш - технологик шакли кўринишида амалга оширилади ва қўшма ишлаб чиқариш битимлар асосида ҳамкорлиқдаги дастурларни амалга оширишни кўзлади.

10. *Транснационал корпорация (ТНК)* – бу турли мамлакатларда жойлашган халқаро компания (концерн) бўлиб, у жаҳон хўжалигининг бир ёки бир неча тармоқларини бирлаштирувчи корхоналарни ўз ичига олади.

11. *Интеграция* - бу хўжалик ҳаёти интернационаллашувининг шакли бўлиб, миллий хўжаликлар чамбарчас қўшилиб кетишининг объектив жараёнидир ва бунда иқтисодий сиёsat миллий ва жаҳон даражасида турли шаклларда мувофиқлаштирилган ҳолда амалга оширилади: эркин савдо, божхона иттифоқи, умумий бозорлар, иқтисодий иттифоқлар, валюта-иктисодий ва сиёсий иттифоқлар.

12. *Ҳалқаро савдо* – бу жаҳон хўжалигининг турли мамлакатлари ўртасида ўзаро товарлар айирбошланишига асосланадиган битимлар тизимидир. *Ҳалқаро савдонинг асосий шакллари* - товарларнинг экспорт и импортидир. Ҳалқаро савдода мамлакатнинг қатнашувини белгилаб берувчи кўрсаткичлар бу – экспорт ва импорт квоталари ҳисобланади.

13. Ташқи иқтисодий сиёсат давлатнинг иқтисодиётни тартибга солишдаги муҳим бир йўналишларидан ҳисобланади. Ташқи иқтисодий сиёсатнинг икки ўзаро бир-бирига мутлақо қарама-қарши бўлган тамойили мавжуд: эркин савдо (*фрит-редерлик*) ва ташқи савдони чеклаш (*протекционизм*). Ҳозирда кўпгина мамлакатларда бу икки тамойилдан уйғунликда фойдаланилади, аммо мамлакатлар ташқи савдо сиёсатида эркин савдога кўп ҳолларда устунлик берадилар.

14. Мутлақ устунлик назариясининг мазмuni шундан иборатки, мамлакатлар ўzlари кам ҳаражатлар билан ишлаб чиқардиган маҳсулотларини дунёning бошқа мамлакатларига экспорт қилсалар, бошқа мамлакатларда эса нисбатан кам ҳаражатлар билан ишлаб чиқариладиган товар ва хизматларни импорт қиладилар.

15. Нисбий устунлик қонунини қуидагича таърифлаш мумкин: мамлакатлар нисбатан ўzlари учун меҳнат ҳаражатлари камроқ сарфланадиган товарларни ишлаб чиқаришга ихтисослашсаларда, аммо абсолют микдорда бундай ҳаражатлар чет мамлакатлардагига нисбатан кўпроқ ҳам бўлиши мумкин.

16. Жаҳон товар айланмаси барча давлатлар экспорт ҳажмларини қўшиш орқали аниқланади ва АҚШ долларида ифодаланади.

17. *Ташқи савдо* - бу маълум бир мамлакатнинг бошқа мамлакатлар билан ўзаро товар айирбошли бўлиб, у товар ва хизматларнинг экспорт ва импорт бўйича тўловларини ўз ичига олади. *Ташқи савдо айланмаси* - мамлакат экспорти и импорти қийматларининг йиғиндишидир.

18. Савдони либераллаштиришнинг шаклларидан бири - ўзаро шерикчиликка асосланган, ҳар икки томон учун қулай бўлган мамлакатлар ўртасида икки томонлама савдо битимларини тузиш ҳисобланади. Халқаро савдони ривожлантириш ва тартибга солиш мақсадида 1947 йилда жаҳоннинг 23 та мамлакати ГАТТ – *Савдо ва тарифлар бўйича Бош битимга имзо чекдилар*.

19. 1996 йил бошига келиб ГАТТ таркибига 130 мамлакат киритилган эди. 1996 йил январидан бошлаб ГАТТ *Жаҳон Савдо Ташкилоти (ЖСТ)* деб ўзгартирилди.

20. Иқтисодий интеграция – икки ёки ундан ортиқ мамлакатлар бозорларини ягона иқтисодий маконда бирлаштириш бўлиб, божхона тўсиқларини бартараф этилишини, савдода ягона

меъёр ва стандартларни қўллашни кўзда тутади. Интеграцион иттифоққа *Европа Иттифоқи* (ЕИ) мисол бўла олади. Жаҳоннинг бошқа худудларида ҳам интеграцион гурухлар мавжуд: АСЕАН, НАФТА, ЛАИ, МЕРКОСУР, ОПЕК ва бошқалардир.

## **Таянч иборалар**

жаҳон хўжалиги, жаҳон бозори, ишлаб чиқариш кооперацияси, капитал миграцияси, ишчи кучи миграцияси, халқаро савдо, очик иқтисодиёт, ёпиқ иқтисодиёт, экспорт ва импорт квотаси, ишлаб чиқаришнинг интернационаллашуви, ишлаб чиқаришнинг халқаро ихтисослашуви, ишлаб чиқаришнинг халқаро кооперацияси, транснационал корпорация (ТНК), интеграция, эркин савдо, божхона иттифоқи, умумий бозорлар, нисбий назарияси, жаҳон товар айланмаси, ташқи савдо, ГАТТ (Савдо ва тарифлар бўйича Бош битим), Жаҳон Савдо Ташкилоти (ЖСТ), иқтисодий интеграция, АСЕАН, НАФТА, ЛАИ, МЕРКОСУР, ОПЕК

## **XII – БОБ. ТҮЛОВ БАЛАНСИ ВА ВАЛЮТА КУРСИ**

12.1. Түлов баланси.

12.2. Валюта курси.

**Қисқача холосалар**

**Таянч иборалар**

### **12.1. Түлов баланси**

Мамлакатнинг маълум бир вақт давомидаги барча халқаро иқтисодий фаолияти, шу жумладан ташки савдо, капитал ва ишчи кучи миграцияси унинг түлов балансида ўз аксини топади.

Түлов балансида мамлакатнинг турли мамлакатлар билан халқаро савдо ва молиявий соҳада амалга оширилган операциялари акс эттирилган бўлиб, унда мазкур мамлакатнинг йил давомида бошқа мамлакатлар билан барча иқтисодий битимлар (трансакциялар)и битилган бўлади.

Ҳар қандай ташки иқтисодий битим валюталарни айирбошлиш билан кузатиладиган олди-сотди жараёни ҳисобланар экан, якуний ҳисобда мамлакатнинг жаҳон бозоридаги фаолиятининг натижалари хорижий валютанинг тушумлари ва ҳаражатларида ифодаланади. Бир томондан хориждан тушадиган барча тушумларни, бошқа томондан – мамлакатнинг хорижга барча түловларини кўрсатувчи хужжатга **түлов баланси** деб аталади.

**Түлов баланси** – муайян муддат давомида мамлакатнинг чет элларга сарфлаган ва худди шу давр мобайнида мамлакатга чет элдан тушган түловлар суммалари нисбатини тавсифлайди. Түлов туркумига ташки қарз, унинг фоизи, четдан олинган товарлар ва хизматлар ҳаки, хорижий инвестициялар, хорижда дипломатик ишларни, иқтисодий алоқаларни юритиш ҳаражатлари, фуқаролар ва қўшма корхоналарнинг чет элга пул ўтказмалари ва бошқалар киради.

Түлов балансида икки томонлама ёзув тамойилидан фойдаланилади, чунки ҳар қандай битимнинг икки томони, яъни дебет ва кредити мавдуддир. Дебет мамлакатга хорижий валютада тўланадиган реал ва молиявий активларнинг оқиб келишини акс эттиради ва шунинг учун дебет операциялари «-» ишора билан ёзилади, чунки улар миллий валюта таклифи ортиқчалигини, хорижий валютага эса талаб ошишини келтириб чиқаради. Кредит

реал ва молиявий активларнинг мамлакатдан оқиб чиқиб кетиши ва уларга хорижликлар томонидан тўланадиган операциялар бўлиб, у тўлов балансида «+» ишора орқали акс эттирилади. Улар миллий валютага талаб ва хорижий валюта таклифини оширади.

Тўлов баланси мамлакатнинг монетар, фискал, валюта, ташқи иқтисодий сиёсатини ишлаб чиқиш ва давлат ташқи қарзини бошқаришнинг асоси ҳисобланади.

Тўлов баланси уч бўлимдан иборат:

• *жорий операциялар ҳисоби*, у ушбу мамлакатнинг бошқа мамлакатлар билан товар, хизматлар ва пул ўтказишлар билан боғлиқ барча операциялари йифиндиси бўлиб, у ўз ичига қуидагиларни олади:

а) товарларнинг экспорт и импорти (*visibles*); товарлар экспорти «+» ишора билан акс эттирилади, яъни кредит, чунки у хорижий валюта заҳирасини оширади. Импорт «-» ишора билан ёзилади, яъни дебет, чунки у хорижий валюта заҳирасини камайтиради. Товарларнинг экспорт и импорти савдо балансини ифодалайди.

б) хизматларнинг экспорт и импорти (*invisibles*), масалан, халқаро туризм.

в) инвестициялардан келадиган соф даромадлар (соф омиллар даромади ёки кредит хизматларининг соф даромади), у мамлакат фуқароларининг чет эл инвестицияларидан олган фоиз, дивидендлари ва хорижликларнинг ушбу мамлакатда уларнинг инвестициялардан олган фоиз, дивидентлари ўртасидаги фарқни ифодалайди.

г) соф трансферлар, у ўз ичига хорижий ёрдам, яъни пенсиялар, совғалар, грантлар, пул жўнатишни олади.

Макроиқтисодий моделларда жорий ҳисоб операциялари сальдоси соф экспортни акс эттиради:

$$Ex - Im = Xn = Y - (C + I + G) \quad (12.1.1)$$

бунда,

$Ex$  – экспорт ;

$Im$  – импорт;

$Xn$  – соф экспорт;

$Y$  – ЯИМ;

$(C + I + G)$  - истеъмол, инвестиция харажатлари ва давлат хариди, у миллий макроиқтисодий агентлар – уй хўжаликлари, фирмалар ва давлатга сотиладиган бир қисм ЯИМни ифодалайди.

Жорий ҳисоб операциялари мусбат, яъни профицитли ёки манфий, яъни дефицитли (камомадли) бўлиши мумкин. Дефицит(камомад) чет элдан қарз олиш ҳисобига ёки молиявий активларни сотиш орқали молиялаштирилади, бу эса тўлов балансининг иккинчи бўлими – капитал ҳаракати ҳисобида акс эттирилади.

• *капитал ҳаракати ҳисобида* барча активлар билан халқаро битимлар, яъни капиталларнинг оқиб келиши ва оқиб чиқиб кетиши бўйича (capital inflows and outflows) узоқ ва қисқа (қимматли қофозларнинг олди-сотдиси, кўчмас мулкни сотиб олиш, тўғридан-тўғри инвестициялар, хорижликларнинг ушбу мамлакатдаги жорий ҳисоблари, хорижликларнинг қарзлари ва хорижликлардан қарзлар) муддатли операциялар акс эттирилади.

Капитал ҳаракати ҳисоби сальдоси мусбат (мамлакатга соф капиталнинг оқиб келиши), манфий (мамлакатдан соф капиталнинг оқиб кетиши) бўлиши мумкин.

• *расмий заҳиралар ҳисоби*, у ўз ичига хорижий валюта заҳираси, олтин ва халқаро ҳисобдаги маблағлар, масалан, СДР – маҳсус қарз олишга ҳуқуқлар (special drawing rights)ни олади. СДР (олтин қофозлар дейилади) Халқаро валюта фондида ҳисоб шаклидаги заҳирани ифодалайди. Тўлов баланси камомадли бўлганда мамлакат ХВФ ҳисоби заҳирасидан маблағларни олиши, ортиқчалик (профицит) юзага келганда эса ХВФдаги ўз заҳираларини ошириши мумкин.

Агар тўлов баланси сальдоси манфий, яъни камомадли бўлса, уни молиялаштириш керак бўлади. Бундай ҳолатда МБ расмий заҳираларни камайтиради, яъни МБнинг *интервенцияси* рўй беради (intervention – аралашув). Интервенция – бу МБ томонидан миллий валюта ҳисобига хорижий валюталарни сотиш ёки сотиб олишдир. Тўлов балансининг камомади шароитида МБ интервенцияси натижасида ички бозорда хорижий валютанинг таклифи ортади, миллий валютанинг таклифи эса қисқаради. Ушбу операция экспортбоп ҳисобланиб, «+» ишора билан ҳисобга олинади, яъни бу кредитдир. Ички бозорда миллий валюта миқдори қисқарап экан, у ҳолда унинг валюта курси ошади ва бу ҳолат иқтисодиёт ривожланишини қандайдир даражада тўхтатиб туради.

Агар тўлов баланси сальдоси мусбат, яъни профицитли бўлса, у ҳолда МБда расмий заҳиралар ортиши рўй беради. Бу «-» ишора билан акс эттирилади, яъни бу дебетдир (импортбоп операция),

ички бозорда хорижий валюта таклифи қисқарап, миллий валюта таклифи ошар экан, унинг курси пасаяди ва бу иқтисодий ривожланиши рағбатлантиради (рағбатлантирувчи сиёсат) .

**Тўлов балансига таъсир этувчи омиллар:** а) соф экспорт (яъни жорий ҳисоб операциялари баланси) ва б) капитал оқимлари (капитал ҳаракати ҳисоби баланси) ҳисобланади.

**Соф экспортга таъсир қилувчи омиллар.** Соф экспорт ( $X_n = Ex - Im$ ) экспорт ва импорт ўртасидаги фарқ бўлиб, ялпи талабнинг таркибий қисми ҳисобланади. Соф экспорт мусбат (агар экспорт импортдан катта бўлса, яъни  $Ex > Im$ ) ёки манфий (агар импорт экспортдан ортиқ бўлса, яъни,  $Ex < Im$ ) катталик бўлиши мумкин. Макроиқтисодий моделларда «соф экспорт»га жорий ҳисоб операцияларининг сальдоси мос келади. Агар соф экспорт  $> 0$  бўлса, бу жорий ҳисоб операцияларининг тақчиллигини англаради; агар соф экспорт  $< 0$  бўлса, бу жорий ҳисоб операцияларининг профицитини билдиради.

Соф экспортга таъсир этувчи омилларни кўриб чиқамиз.

IS-LM моделига мувоғиқ соф экспорт формуласи қўйидаги кўринишга эга:

$$X_n = Ex (R) - Im (Y) \quad (12.1.2)$$

-                    +

Бу шуни билдиради, экспорт:

- фоиз ставкаси билан тескари боғлиқликда ( $R$ ),
- ушбу мамлакатнинг даромад даражасига боғлиқ эмас ( $Y$ ) (яъни, бу автоном катталик, чунки у миллий даромад даражасига эмас, балки бошқа мамлакатлар даромад даражасига боғлиқдир).

Эслатиб ўтамиз, фоиз ставкасининг ўзгариши экспорт катталиги валюта курси орқали таъсир кўрсатади. Мамлакатда фоиз ставкасининг ошиши унинг молиявий активлари (масалан, облигациялар)нинг даромадлилиги ошганини билдиради. Хорижликлар ушбу мамлакатнинг қимматли қоғозларини харид қилиш ҳохишини билдириб (чет элликлар ўз мамлакатлари қимматли қоғозларига қараганда улардан эндиликда юқорироқ даражада бўлган фоизли даромад кўрадилар), унинг миллий валютасига талабларини оширадилар, бу миллий пул бирлиги валюта курсининг ошишига олиб келади. Валюта курсининг ошиши ушбу мамлакат экспортини хорижликлар учун қимматроқ бўлишига олиб келади, чунки чет элликлар бундай шароитда бошқа мамлакатнинг илгариги миқдордаги валюта бирлиги ва

товарларини олиш учун энди ўз валюталарини кўпроқ сарфлашларига тўғри келади. Бундан, фоиз ставкасининг ошиши валюта курсининг ошиши ва экспортнинг қисқаришини англатишини айтиш мумкин.

Импорт автоном катталик эмас, чунки у:

- мамлакат миллий даромад даражаси ( $Y$ )га тўғридан-тўғри боғлиқ бўлиб, бундан ташқари импорт:

- фоиз ставкасига тўғридан-тўғри боғлиқ ( $R$ ) ва фоиз ставкаси билан валюта курси ўртасида тўғри боғлиқлик мавжуд бўлганлиги сабабли:

- валюта курси билан тўғри пропорционал боғлиқликда (миллий пул бирлигининг валюта курси қанчалик юқори бўлса, ушбу мамлакат фуқаролари 1 бирлик миллий валюталарига шунчалик кўп ҳажмда хорижий валюта ва бундан импортни кўпроқ олишлари мумкин бўлади, яъни энди импорт товарлари мамлакат фуқаролари учун нисбатан арzonроқ бўлиб қолади, чунки улар ўзларининг маълум бир микдордаги валюталарига илгариги даврга нисбатан кўпроқ чет эл валютасини айирбошлашлари мумкин бўлиб қолади ва шунинг учун олдингидан кўп микдорда импорт товарларини харид қиласилар).

Ички омиллар (ички даромад катталиги -  $Y$  ва валюта курси -  $e$ )дан ташқари соф экспорт (унинг қўтарилиши ва тушиши)га ташқи омил - бошқа мамлакатлар даромадлари таъсир қўрсатади. У қанчалик катта бўлса, яъни бошқа мамлакатлар қанчалик бой бўлса, ушбу мамлакат товарларига шунчалик кўп талаб билдирилади, яъни экспорт кўп бўлади ва соф экспорт катталиги юқори бўлади.

Соф экспортга 2 самара таъсир қўрсатади:

*1) даромад самараси*

Ушбу мамлакатнинг даромад катталиги импортга таъсир қўрсатар экан, у ҳолда соф экспорт қуйидагича ёзилиши мумкин:

$$\underline{X_n} = \underline{X_n} - m_{pr} Y \quad (12.1.3)$$

бунда,

$\underline{X_n}$  – автоном соф экспорт (экспорт и автоном импорт ўртасидаги фарқ), яъни у мамлакат ички даромадига боғлиқ бўлмаган катталик;

$m_{pr}$  – импортга чекли мойиллик, у даромад бир бирликка ортганда (камайганда) импортнинг қанчага ошиши (камайиши)ни қўрсатади, яъни,  $m_{pr} = I_m / \Delta Y$ ,  $Y$  – мамлакатнинг ялпи ички даромади катталиги.  $Y$  ошганда (масалан, даврий тебранишнинг

кўтарилиш даврида), Xn қисқаради, чунки импорт ортади, яъни импорт товарларига талаб ортади. У пасайганда (масалан, даврий тебранишнинг пасайиш даврида), Xn кўтарилади, чунки импорт камаяди.

## 2) валюта курси самараси

Юқорида айтиб ўтилганидек, валюта курсининг ўзгариши экспорт ва автоном импортга таъсир кўрсатади. Агар миллий валюта қимматлашса, яъни унинг қиймати бошқа валюталарга нисбатан кўтарилади ва бундай ҳолатда экспорт қисқаради ва импорт ортади ва аксинча.

Соф экспортга таъсир этувчи омиллар кўриб ўтилганда *номинал ва реал валюта курсини фарқлаш лозим*.

*Номинал валюта курси* – бу миллий пул бирлиги нархининг маълум бир миқдордаги хорижий валютада акс эттиришdir, яъни икки валюта нархларининг ўзаро нисбатидир. Номинал валюта курси жаҳоннинг барча банк хизматлари орқали валюта бозорида ўрнатилади. Мамлакатнинг валютасига унинг таклифига нисбатан талаб ошганда банк хизматчилари (foreign exchange traders) валюта нархини оширадилар, бунда валюта қимматлашади ёки аксинча бўлиши ҳам мумкин. Агар хорижликлар ушбу мамлакат товарларини сотиб олишни истасалар, у ҳолда унинг миллий валютасига талаб ортади ва бундай ҳолатда банк хизматчилари бошқа мамлакатлар валютасига миллий валютани айирбошлийдилар ва шунинг учун валюта курси кўтарилади (ёки аксинча).

Ҳар қандай реал катталик каби реал валюта курсини ҳосил қилиш учун (реал ЯИМ, реал иш ҳақи, реал фоиз ставкаси) ҳам номинал катталикни инфляция даражасидан холос этиш лозим бўлади.

Реал валюта курси икки мамлакатда ишлаб чиқарилган товарларнинг нисбий баҳосидир. Реал валюта курси бир мамлакат товарлари бошқа мамлакат товарларига алмашиши мумкин бўлган нисбатни кўрсатади, шу туфайли у *савдо шароити* деб ҳам юритилади.

Номинал ва реал валюта курслари ўртасидаги нисбат қуйидаги кўринишга эга:

$$\varepsilon = e \times P/P_F \quad (12.1.4)$$

бунда,

$\varepsilon$  – реал валюта курси;

$e$  – номинал валюта курси;

$P$  – мамлакат ичидағи нархлар даражаси;

$P_F$  – хориждаги нархлар даражаси.

Реал валюта курсининг фоиздаги ўзгариши (ўзгариш даражаси) қуйидаги формула орқали ҳисобланishi мумкин:

$$\Delta \varepsilon (\%) = \Delta e (\%) + (\pi - \pi_F) \quad (12.1.5)$$

бунда,

$\Delta \varepsilon (\%)$  - реал валюта курсининг фоиздаги ўзгариши;

$\Delta e (\%)$  – номинал валюта курсининг фоиздаги ўзгариши;

$\pi$  - мамлакатдаги инфляция даражаси;

$\pi_F$  – хориждаги инфляция даражаси.

Реал валюта курси ( $\varepsilon$ ) бошқача айтганда, *савдо шароитлари* (terms of trade) халқаро савдода ушбу мамлакат товарларининг рақобатбардошлигини белгилаб беради. Айирбошланадиган реал валюта курси қанчалик паст бўлса (яъни, ушбу мамлакатда айирбошланадиган номинал валюта курси ва инфляция даражаси қанчалик паст бўлса ва чет элда инфляция даражаси юқори бўлса), савдо шароитлари шунчалик яхши бўлади.

Соф экспорт номинал валюта курси катталиги билан эмас, балки реал валюта курси, яъни савдо шароитлари билан аниқланади, шунинг учун соф экспорт формуласи қуйидагича кўринишга эга бўлади:

$$X_n = \underline{X_n} - mpmY - \eta \varepsilon \quad (12.1.6)$$

бунда,

$\eta$  – реал валюта курси бир бирликка ўзгарганда соф экспорт қай даражада ўзгаришини кўрсатувчи катталиқ ва у реал валюта курси ўзгаришига соф экспорт сезувчанлигини характерлайди, яъни,  $\eta = \Delta X_n / \Delta \varepsilon$ .

Муайян бир мамлакатнинг товарларига талаб ортиб, соф экспорт миқдори катта бўлса, мамлакат товарларининг рақобатбардошлиги ошади, агар:

- ушбу мамлакат янги товарларни ишлаб чиқара бошласа;
- ушбу мамлакат товарлари сифатлироқ бўлса;
- инфляция даражаси нисбатан паст бўлса;
- инфляция даражаси хорижда нисбатан юқори бўлса.

*Капитал ҳаракатига таъсир этувчи омиллар.*

Тўлов балансининг иккинчи бўлими капитал ҳаракати ҳисоби ҳисобланади. Халқаро капитал оқими - CF (capital flows)га таъсир этувчи омилларни кўриб чиқайлик. Мамлакатлар ўртасида капитал

ҳаракати уларнинг бир-бирларидан молиявий активларни сотиш ва харид қилиш натижасида содир бўлар экан, у ҳолда улар ҳам валюта курсига таъсир кўрсатади. Агар ушбу мамлакат қимматли қоғозларига талаб юқори бўлса, миллий валютага талаб ортиб, валюта курси кўтарилади. Қимматли қоғозларга бўлган талаб уларнинг даромадлилиги, яъни фоиз ставкаси билан аниқланади. Мамлакатда фоиз ставкаси (яъни, қимматли қоғозлар бўйича фоизли даромад) қанчалик юқори бўлса, инвесторлар учун молиявий активларнинг жозибадорлиги юқори бўлади. Инвестор учун молиявий активларни қайси бир мамлакатда (мамлакат ичкарисида ёки бошқа мамлакатларда) сотиб олиш фарқсиз ҳисобланади. Инвесторнинг қимматли қоғозларни сотиб олишининг асосида уларнинг даромадлилиги ётади. Шундай қилиб, молиявий активларга талабни белгилаб берувчи асосий омил - бу маълум бир мамлакат ва бошқа давлат қимматли қоғозлари даромадлилиги даражаси ўртасидаги фарқ ҳисобланади. Ушбу мамлакат фоиз ставкаси катталиги ( $R$ ) ва хорижий давлат фоиз ставкаси катталиги ( $R_F$ ) ўртасидаги фарқ *фоиз ставкалари дифференциали* (interest rate differential)деб аталади. Шунинг учун капитал оқимлари формуласи қўйидаги қўринишга эга:

$$CF = \underline{CF} + c (R - R_F) \quad (12.1.7)$$

бунда,

$\underline{CF}$  – автоном капитал оқимлари;

$R$  – ушбу мамлакат фоиз ставкаси;

$R_F$  – хорижий мамлакат фоиз ставкаси;

$c$  – мамлакат ички ва хориждаги фоиз ставкалари ўртасидаги фарқнинг ўзгаришига капитал оқими катталиги ўзгаришининг сезувчанлиги.

Тўлов баланси мамлакатнинг ташки дунё билан ўзаро ҳисоб-китоблари ҳолатини ифодалар экан, давлат уни мутаносиб ҳолда бўлишидан манфаатдордир. Бундай мутаносибликка қисқа муддат ичida валюта курсини ўзгартириш ҳисобига эришиш мумкин.

## 12.2. Валюта курси


Мамлакатлар ўртасида савдо ва молиявий операцияларни таъминлаш мақсадида уларнинг миллий пул бирликлари ўртасида маълум бир нисбат ўрнатилади. Мамлакат пул бирлиги *миллий валюта* деб аталади. Миллий валюталар нисбати *валюта курси* (exchange rate) дейилади. Айирбошланадиган курс – бу бир

мамлакат миллий пул бирлиги нархининг бошқа бир мамлакат миллий пул бирлигига ифодаланишидир. (Масалан, 1 доллар = 6,2 юан, 1 евро = 1,45 доллар, бу дегани, 1 доллар нархи 6,2 юан, 1 евро нархи 1,45 долларга тенгдир).

Валюта курсининг 2 тури мавжуд: 1) *девизли курс*, у бир бирлик миллий валютага қанча миқдорда хорижий валютани айирбошлаш мумкинлигини кўрсатади, яъни бу хорижий валюта бирлигига ифодаланган миллий валюта нархидир (тўғри котировка); 2) *алмашиш курси*, у девизли курсга тескари катталик бўлиб, у бир бирлик хорижий валюта қанча миқдорда миллий валютани айирбошлаш мумкинлигини кўрсатади (тескари котировка). Масалан, 1 доллар = 6,2 юан нисбат – АҚШ учун девизли курс ва ХХР учун алмашиб курси ҳисобланади).

Биз ўз таҳлилимида валюта курси деганда девизли курсни, яъни валюталарнинг тўғри котировкасини фараз қиласиз.

Валюта курси валюта бозори (foreign exchange market)да миллий валютага бўлган талаб ва унинг таклифи ўртасидаги нисбат орқали ўрнатилади. 12.2а- расмда у тасвирланган бўлиб, бунда  $e$  – долларнинг валюта курси, яъни юанларда ифодаланган 1 доллар нархи,  $D$  – долларга бўлган талаб эгри чизиғи,  $S$  - долларнинг таклиф эгри чизиғи. Валюта (доллар)га бўлган талаб эгри чизиғи пастга қараб йўналган, чунки долларнинг валюта курси қанчалик юқори бўлса, яъни юанларда долларнинг нархи қанчалик юқори бўлса, хитойликлар 1 долларга шунчалик кўп юанларини сарфлашлари керак бўлади ва улар томонидан долларга бўлган талаб миқдори камаяди.



**12.2-расм. Валюта курси ва уни тартибга солиш**

Валюта (доллар) таклифи эгри чизиги юқорига қараб тик йўналган, чунки долларнинг валюта курси қанчалик юқори бўлса, америкаликлар 1 долларга шунчалик кўп юанларни сотиб оладилар, шу сабабли долларнинг таклиф миқдори катта бўлади. Мувозанатли валюта курси  $e_0$  долларга бўлган талаб ва таклиф эгри чизиқлари кесишган нуқтада ўрнатилади.

Миллий валюта(фунт)га талаб қўйидагилар билан белгиланади:

- ушбу мамлакатда ишлаб чиқарилган товарларга бошқа мамлакатлар томонидан билдирилган талаб;
- ушбу мамлакат молиявий активлар (акция ва облигациялар)ига бошқа мамлакатларнинг талаби.

Маълум бир давлатнинг, масалан АҚШнинг товарлари ва молиявий активларига эга бўлиши учун Хитой ўзининг валютаси – юанларини у сотиб олаётган мамлакатнинг валютаси (доллар)га айирбошлиши керак бўлади. Шунинг учун чет элликларнинг (хитойликларнинг) ушбу мамлакат (бизнинг мисолда АҚШ) товарлари ва молиявий активлари(капитал экспорти)ни сотиб олишларига бўлган ҳохишлари, яъни америка товарлари экспорти қанчалик кўп бўлса, уларнинг миллий валюта(доллар)сига хитойликлар томонидан талабни оширади. Валютага бўлган талабнинг ошиши (12.2-(б) расмда)да долларларга бўлган талаб эгри чизигининг  $D_1$  дан  $D_2$  га силжиши унинг нархи, яъни валюта курси ( $e_1$  дан  $e_2$  га)нинг ошишига олиб келади. Валюта курсининг ошиши шуни билдирадики, чет элликлар (хитойликлар) ўзларининг валюта (юан)ларини ушбу мамлакат валюта бирлиги (доллар)га кўпроқ айирбошлашлари ёки тўлашлари керак бўлади. Агар аввал биз долларнинг валюта курси 1 долларга 6,2 юан тўғри келган деб таҳмин қилган бўлсак, унинг ошгани эса масалан, валюталарнинг нисбати 1 долларга энди 7 юан teng келади деб таҳмин қилиниши мумкин бўлади.

Миллий валюта ( бизнинг мисолда доллар) таклифи қўйидагилар орқали аниқланади:

- ушбу мамлакат (АҚШ)нинг бошқа мамлакатлар (масалан, Хитой) товарларига, яъни, импорт товарларига бўлган талаби;
- ушбу мамлакатнинг бошқа мамлакатлар молиявий активларига бўлган талаби.

Миллий валюта (долларлар) таклифи ушбу мамлакат (АҚШ)нинг бошқа мамлакатлар (Хитой) товар ва молиявий

активларини нечоғлиқ кўп сотиб олиши мумкинлигига боғлиқ бўлади. Миллий валюта таклифи (долларлар таклифи) ортиши (12.2-в расмда) долларлар таклифи эгри чизифининг ўнгга  $S_1$  дан  $S_2$  га силжиши унинг валюта курсини пасайтиради ( $e_1$  дан  $e_2$  га). Валюта курси, яъни миллий пул бирлиги нархининг пасайиши эндиликда 1 бирлик миллий валюта (доллар)га хорижий валюта (юанлар)ни камроқ, масалан, 1 долларга 6,2 юан эмас, факатгина 1 долларга 4,5 юан айирбошлаш мумкинлигини анлатади.

Валюта курси ўрнатилишининг қаттиқ ва сузувчи тартиби мавжуд.

**Қаттиқ валюта курси.** Қаттиқ валюта курси (fixed exchange rate)да валюта курси АҚШ Марказий Банки – Федерал Заҳира Тизими (ФРС) томонидан маълум бир қатъий нисбатда белгилаб берилади, масалан, 1 долларга 6,2 юан ва Федерал Заҳира Тизими (ФРС) интервенцияси йўли билан қўллаб- қувватланиб туради. Федерал Заҳира Тизими (ФРС) интервенцияси деганда, миллий валюта ҳисобидан хорижий валютани сотиш ва сотиб олиш тушунилади, унинг мақсади миллий пул бирлиги валюта курсини ўзгармас даражада ушлаб туриш ҳисобланади. Агар миллий валютага талаб ортса, у ҳолда унинг курси  $e_1$  дан  $e_2$  га ошади(12.2-б расм). Бундай ҳолатда ФРС қаттиқ валюта курсини  $e_1$  даражада ушлаб туриши керак. Валюта курсини пасайтириш ва уни  $e_2$  дан  $e_1$  га қайтариш учун, Федерал Заҳира Тизими бундай ҳолатга аралашиб (intervene), юанларни сотиб олиб (яъни, юанларга талаб билдириб) долларлар таклифини ошириши лозим. Натижада долларлар таклифининг эгри чизифи ўнгга,  $S_1$  дан  $S_2$  га силжийди ва долларларнинг бошланғич курси -  $e_1$  ўрнатилади.

Агар импорт товарлари ва хорижий молиявий активларига талаб ортиши натижасида миллий валюта таклифи (12.2-(в)расм) ошса, у ҳолда миллий валюта курси (доллар) пасаяди (  $e_1$  дан  $e_2$  га), бундай ҳолатда Федерал Заҳира Тизими қаттиқ валюта курсини  $e_1$  даражада ушлаб туриш учун валюта курсини ошириш мақсадида валюта интервенциясини ўтказади. Бунда у миллий валюта таклифини (долларлар эгри чизифи таклифининг чапга  $S_2$  дан  $S_1$ га силжиши) хорижий валюта(юанлар)га талаб билдириб, яъни унга миллий валютани айирбошлаб камайтириши лозим. Федерал Заҳира Тизими интервенцияси валюта заҳиралари (foreign exchange reserves) операцияларига асосланган бўлади (валюта заҳиралари

ҳисоби қаттиқ валюта курси тартибида тўлов балансининг таркибий қисми ҳисобланади).

Федерал Захира Тизими интервенциялари тўлов баланси ҳолати билан боғлиқ бўлади. Агар миллий валюта курси ошса, у ҳолда валюта заҳиралари ортади. Агар ушбу мамлакат товарларига талаб ортса, яъни экспорт ҳажми ортса, валюта курси ошади, бу хорижий валютани мамлакатга оқиб келишини, жорий операциялар ҳисоби сальдосининг ижобий бўлишини таъминлайди ва агар ушбу мамлакат молиявий активларига талаб ошса, бу капиталнинг мамлакатга оқиб келиши ва капитал ҳаракати ҳисоби сальдосининг ижобий бўлишига сабаб бўлади. Валюта курсини пасайтириш учун, Федерал Захира Тизими хорижий валютани сотиб олиш ҳисобига миллий валюта таклифини оширади. Натижада валюта заҳиралари-нинг тўлдирилиши таъминланади.

Ва аксинча, маълум бир мамлакатнинг импорт товарлари ва хорижий валюта активларига талабининг ортиши натижасида миллий валюта курси пасайиши рўй беради. Импорт ортиши сабабли жорий операциялар ҳисобида тақчиллик юз беради, хорижий молиявий активларга талабнинг ортиши туфайли капиталнинг оқиб чиқиб кетиши ва капитал ҳаракати ҳисоби сальдоси ҳам манфий бўлиши кузатилади. Натижада тўлов балансида тақчиллик ҳолати юзага келади. Бу тақчилликни молиялаштириш ва миллий валюта курсини ошириш учун Федерал Захира Тизими миллий валюта таклифини қисқартиради, яъни хорижий валютани сотиш ҳисобига уларни харид қиласади. Натижада Федерал Захира Тизими валюта заҳиралари қисқаради.

Шундай қилиб, қаттиқ валюта курслари тартибида тўлов баланси тенгламаси (BP – balance of payments) қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$\begin{aligned} \text{BP} &= X_n + CF - \Delta R = 0 \\ X_n + CF &= \Delta R \quad (12.2.1) \end{aligned}$$

яъни,

бунда,

BP – тўлов баланси;

X<sub>n</sub> – жорий операциялар ҳисоби баланси;

CF – капитал ҳаракати ҳисоби баланси;

ΔR – валюта заҳиралари миқдорининг ўзгариши.

Агар жорий операциялар ҳисоби балансининг йифиндиси мусбат катталик бўлса, яъни тўлов баланси профицитли бўлса, у ҳолда валюта заҳиралари ортади, агар манфий бўлиб, тўлов баланси

камомадли бўлса, валюта заҳиралари камаяди. Тўлов балансининг тенглиги (мувозанат ҳолати) Федерал Захира Тизими томонидан валюта заҳиралари катталигини ўзгартириш, яъни унинг интервенцияси ҳисобига юз беради.

Қаттиқ валюта курслари тартибида тўлов балансининг сурункали профицит ҳолати ҳам, дефицит ҳолати ҳам хавфли ҳисобланади. Тўлов балансининг сурункали профицит ҳолатида, расмий заҳираларнинг ортиқча тўпланиши оқибатида инфляция (чунки Федерал Захира Тизими қаттиқ валюта курсини қўллаш учун тўлов балансининг профицитли ортиши шароитида пул таклифи, яъни миллий валютани доимий равишда оширишга мажбур бўлади) юзага келади. Тўлов балансининг сурункали профицити шароитида расмий заҳираларнинг тўлиқ сарфланиб кетиш хавфи туғилади (чунки Федерал Захира Тизими қаттиқ валюта курсини қўллаб-қувватлаш учун унинг пасайиши, тўлов балансининг тақчиллиги шароитида доимий равишда хорижий валюта таклифини оширишга мажбур бўлади ва унинг заҳиралари аста-секин камайиб боради). Бу Федерал Захира Тизими томонидан инфляция ёки валюта заҳиралари камайиши хавфини йўқотиш учун миллий пул бирлиги валюта курси, яъни унинг бошқа валюталарга нисбатан нархи (value)ни расмий равишда ўзгартиришига олиб келади. Қаттиқ валюта курслари тартибида Федерал Захира Тизими томонидан миллий пул бирлиги валюта курсининг расмий оширилиши *ревальвация* (revaluation, яъни нархининг ошиши) дейилади. Қаттиқ валюта курслари тартибида Федерал Захира Тизими томонидан миллий пул бирлиги валюта курсининг расмий пасайтирилиши *девальвация* (devaluation, яъни нархининг пасайиши) дейилади.

Қаттиқ курслар тизими 1944 йилда, АҚШнинг Брэттон-Вудс шахрида ишлаб чиқилган ва қабул қилинганлиги сабабли у Брэттон-Вудс валюта тизими деб аталади. Бу тизимга биноан:

- Халқаро ҳисоблар учун заҳира валюта АҚШ доллари бўлиб қолди;
- АҚШ ғазначилиги биринчи бор талабга кўра долларларни олтинга, 1 тройск унция(31.1 грамма)ни 35 долларга айирбошлиш мажбуриятини олди;
- барча миллий валюталар қатъий (аниқ бир қатъий нисбатда) долларга ва доллар орқали олтинга «маҳкамлаб» қўйилди .

Америка доллари халқаро ҳисобларда олтин ўрнини эгаллади, чунки ўша пайтда АҚШ дунёning энг бой мамлакати эди. У капиталистик мамлакат саноат ишлаб чиқаришининг 57% и, жаҳон экспортининг 30%ини таъминлаб берди ва капиталистик мамлакатлар олтин заҳираларининг  $\frac{3}{4}$  қисмини ўзида жамлаган эди. АҚШларининг миллий валютаси – доллар – энг қатъий валюта ҳисобланиб, катта ишончга сазовор бўлган. Аммо аста-секин жаҳондаги кучлар нисбати ўзгариб бориб, Япония ва Германияда «иқтисодий мўъжиза» рўй берган, улар саноат ишлаб чиқаришининг суръатлари АҚШ иқтисодиётининг ўсиш суръатидан ошиб кетиш ҳолати юз берган. 1954 йилда Европа иқтисодий бирлашмаси ҳосил қилинди (ЕЭС ёки «Умумий бозор»), унга даставвал 6 мамлакат аъзо бўлди (Германия, Франция, Италия, Белгия, Нидерландия ва Люксембург). Шундан сўнг Америка товарларининг рақобатбардошлиги пасайди. Реал қимматга эга товар ва хизматларга америкаликлар томонидан катта миқдорда сарфланган долларларнинг бошқа мамлакатлар қўлида тўпланиши оқибатида, АҚШлари ғазначилигига уларни олtinga айирбошлиш масаласи кўндаланг бўлиб қолди. АҚШнинг олтин заҳираси шиддатли тарзда камайиб борди. АҚШ долларларни олtinga айирбошлини бекор қилишни эълон қилди, 1969 ва 1971 йилларда доллар девальвация қилинди, яъни долларнинг валюта курси бошқа валюталарга нисбатан пасайтирилди. Ундан олдин 1967 йилда Буюк Британия II Жаҳон урушидан кейинги иқтисодий қийинчиликларга дуч келгани оқибатида бу мамлакатнинг МБ (Bank of England)и долларга нисбатан фунтнинг девальвацияси (яъни, валюта курсининг пасайиши)ни эълон қилишга мажбур бўлди. Германия 1969 йилда долларга нисбатан марканинг ревальвацияси (яъни, валюта курсининг ошиши)ни амалга оширди. Брэттон-Вудск қаттиқ валюта курси тизимининг инқизори бошланди. Шу тартибда 1973 йилнинг 19 марта эгилувчан валюта курслари тизими киритилди.

**Эгилувчан валюта курси.** Эгилувчан (flexible) ёки сузувчи (floating) валюта курслари тизимида валюта курслари бозор механизми орқали тартибга солинади ва валюта бозоридаги талаб ва таклиф нисбати орқали ўрнатилади. Шунинг учун тўлов баланси мувозанати МБнинг аралашувисиз (интервенциясиз) ўрнатилади ва бу капиталнинг оқиб келиши ёки оқиб чиқиб кетиши орқали амалга оширилади.

Тўлов баланси тенгламаси қўйидаги кўринишга эга:

$$BP = Xn + CF = 0 \quad \text{яъни, } Xn = -CF \quad (12.2.2)$$

бунда,

BP – тўлов баланси;

Xn – жорий операциялар ҳисоби баланси;

CF – капитал ҳаракати ҳисоби баланси.

Агар тўлов балансида камомад кузатилаётган бўлса, у мамлакатга капиталнинг оқиб келиши орқали молиялаштирилади. Тўлов балансининг етишмовчилиги шуни билдиради, ушбу мамлакат товарлари ва молиявий активларига талаб унинг бошقا мамлакатлар товарлари ва молиявий активларига талабидан камроқ эканлигини кўрсатади. Бу миллий пул бирлиги валюта курсининг пасайишига олиб келади, чунки унинг таклифи ортади (ушбу мамлакат фуқаролари хорижий товарлар ва молиявий активларни харид қилиш учун чет эл валютасига ўз миллий валюталарини таклиф этадилар).

Сузиб юрувчи валюта курси тартибида валюта курсининг пасайиши *валютанинг қадрсизланиши* (depreciation) деб аталади. Валютанинг қадрсизланиши миллий товарларни арzonроқ қилиб, товарлар экспорти ва капитал оқимиға ижобий таъсир этади, чунки эндиликда хорижликлар ўз миллий валюталарига ушбу мамлакат валютасини кўпроқ олиш имкониятига эга бўладилар.

Агар тўлов баланси профицитли бўлса, у капиталнинг оқиб чиқиб кетиши орқали молиялаштирилади. Профицит хорижий товарлар ва молиявий активларга нисбатан ушбу мамлакат товарлари ва молиявий активларига талаб катта эканлигини билдиради. Бу миллий валютага бўлган талабни ва унинг валюта курсини оширади. Валюта курсининг сузиб юрувчи валюта курси тартибида *валютанинг қимматлашуви* (appreciation) номини олган. Валютанинг қимматлашуви шунга олиб келадики, энди ушбу мамлакат валюта бирлигини олиш учун хорижликлар ўзларининг валюталарини кўпроқ сарфлашлари керак бўлади. Бу миллий товарларни нисбатан қимматроқ қилиб, экспортни қисқартиради ва импортни рағбатлантиради, яъни импорт товарлари ва чет эл қимматбаҳо қоғозларига талаб ортади, чунки уларни кўпроқ харид қилиш имконияти яратилади. Натижада миллий валютанинг валюта курси пасаяди.

Аммо замонавий валюта тизими абсолют (мутлақ) эгилувчан валюта курслари тизими ҳисобланмайди, АҚШ Федерал Захира

Тизими (ФРС) ва Европа банклар консорциуми долларнинг 1985 йилдагидек абсолют эркин тебраниши, унинг курси тушиб кетишига йўл қўймайди, яъни АҚШ Федерал Заҳира Тизими уни сунъий равишда сотиб олиб ва унга талабни ошириб, юқори валюта курсини қўллаб-куватлаб турди. Агар МБ валюта курсини ўрнатишда қатнашмаса, у ҳолда бу – «соф сузиш» тизими ҳисобланади (clean floating).

## Қисқача хulosалар

1. Ҳар қандай ташқи иқтисодий битим валюталарни айирбошлиш билан кузатиладиган олди-сотди жараёни ҳисобланар экан, якуний ҳисобда мамлакатнинг жаҳон бозоридаги фаолиятининг натижалари хорижий валютанинг тушумлари ва ҳаражатларида ифодаланади. Бир томондан хориждан тушадиган барча тушумларни, бошқа томондан – мамлакатнинг хорижга барча тўловларини кўрсатувчи хужжатга тўлов баланси деб аталади.

2. Тўлов баланси уч бўлимдан иборат: а) *жорий операциялар ҳисоби*, у ушбу мамлакатнинг бошқа мамлакатлар билан товар, хизматлар ва пул ўтказишлар билан боғлиқ барча операциялари йиғиндисидир; б) *капитал ҳаракати ҳисобида* барча активлар билан халқаро битимлар, яъни капиталларнинг оқиб келиши ва оқиб чиқиб кетиши узоқ ва қисқа муддатли операциялари акс эттирилади; в) *расмий заҳиралар ҳисоби*, у ўз ичига хорижий валюта заҳираси, олтин ва халқаро ҳисобдаги маблағларни олади.

3. Тўлов балансига таъсир этувчи омиллар: а) соф экспорт (яъни, жорий ҳисоб операциялари баланси) ва б) капитал оқимлари (капитал ҳаракати ҳисоби баланси) ҳисобланади.

4. *Номинал валюта курси* – бу миллий пул бирлиги нархининг маълум бир миқдордаги хорижий валютада акс эттиришdir, яъни икки валюта нархларининг ўзаро нисбатидир. Номинал валюта курси жаҳоннинг барча банк хизматлари орқали валюта бозорида ўрнатилади. Мамлакатнинг валютасига унинг таклифига нисбатан талаб ошганда банк хизматчилари (foreign exchange traders) валюта нархини оширадилар, бунда валюта қимматлашади ёки аксинча бўлиши ҳам мумкин. Агар хорижликлар ушбу мамлакат товарларини сотиб олишни истасалар, у ҳолда унинг миллий валютасига талаб ортади ва бундай ҳолатда банк хизматчилари

бошқа мамлакатлар валютасига миллий валютани айирбошлидилар ва шунинг учун валюта курси кўтарилади (ёки аксинча).

5. Реал валюта курси икки мамлакатда ишлаб чиқарилган товарларнинг нисбий баҳосидир. Реал валюта курси бир мамлакат товарлари бошқа мамлакат товарларига алмашиши мумкин бўлган нисбатни кўрсатади, шу туфайли у *савдо шароити* деб ҳам юритилади.

6. Агар ушбу мамлакат қимматли қоғозларига талаб юқори бўлса, миллий валютага талаб ортиб, валюта курси кўтарилади. Қимматли қоғозларга бўлган талаб уларнинг даромадлилиги, яъни фоиз ставкаси билан аниқланади. Мамлакатда фоиз ставкаси (яъни, қимматли қоғозлар бўйича фоизли даромад) қанчалик юқори бўлса, инвесторлар учун молиявий активларнинг жозибадорлиги юқори бўлади.

7. Мамлакатлар ўртасида савдо ва молиявий операцияларни таъминлаш мақсадида уларнинг миллий пул бирликлари ўртасида маълум бир нисбат ўрнатилади. Мамлакат пул бирлиги *миллий валюта* деб аталади. Миллий валюталар нисбати *валюта курси* (exchange rate) дейилади. Айирбошланадиган курс – бу бир мамлакат миллий пул бирлиги нархининг бошқа бир мамлакат миллий пул бирлигига ифодаланишидир.

8. Валюта курсининг 2 тури мавжуд: 1) *девизли курс*, у бир бирлик миллий валютага қанча миқдорда хорижий валютани айирбошлаш мумкинлигини кўрсатади (бу тўғри котировка); 2) *алмашиши курси*, девизли курсга тескари катталик бўлиб, у бир бирлик хорижий валютага қанча миқдорда миллий валютани айирбошлаш мумкинлигини кўрсатади (тескари котировка).

9. Валюта курси валюта бозори (foreign exchange market)да миллий валютага бўлган талаб ва унинг таклифи ўртасидаги нисбат орқали ўрнатилади.

10. Миллий валютага талаб қуйидагилар билан белгиланади: а) ушбу мамлакатда ишлаб чиқарилган товарларга бошқа мамлакатлар томонидан билдирилган талаб; б) ушбу мамлакат молиявий активлар (акция ва облигациялар)ига бошқа мамлакатларнинг талаби.

11. Миллий валюта таклифи қуйидагилар орқали аниқланади: а) ушбу мамлакатнинг бошқа мамлакатлар товарларига, яъни, импорт товарларига бўлган талаби; б) ушбу мамлакатнинг бошқа мамлакатлар молиявий активларига бўлган талаби.

12. Қаттиқ валюта курси (fixed exchange rate) да валюта курси МБ томонидан маълум бир қатъий нисбатда белгилаб берилади. МБ интервенцияси деганда, миллий валюта ҳисобидан хорижий валютани сотиш ва сотиб олиш тушунилади, унинг мақсади миллий пул бирлиги валюта курсини ўзгармас даражада ушлаб туриш ҳисобланади.

13. Қатъий валюта курслари тартибида тўлов балансининг сурункали профицит ҳолати ҳам, дефицит ҳолати ҳам хавфли ҳисобланади.

14. Қатъий валюта курслари тартибида МБ томонидан миллий пул бирлиги валюта курсининг расмий оширилиши *ревальвация* (revaluation, яъни нархининг ошиши) дейилади. Қатъий валюта курслари тартибида МБ томонидан миллий пул бирлиги валюта курсининг расмий пасайтирилиши *девальвация* (devaluation, яъни нархининг пасайши) дейилади.

15. Эгилувчан (flexible) ёки сузуви (floating) валюта курслари тизимида валюта курслари бозор механизми орқали тартибга солинади ва валюта бозоридаги талаб ва таклиф нисбати орқали ўрнатилади. Шунинг учун тўлов баланси мувозанати МБнинг аралашувисиз (интервенциясиз) ўрнатилади ва бу капиталнинг оқиб келиши ёки оқиб чиқиши орқали амалга оширилади.

16. Сузиб юрувчи валюта курси тартибида валюта курсининг пасайши *валютанинг қадрсизланиши* (depreciation) деб аталади. Валютанинг қадрсизланиши миллий товарларни арzonроқ қилиб, товарлар экспорти ва капитал оқимига ижобий таъсир этади, чунки эндиликда хорижликлар ўз миллий валюталарига ушбу мамлакат валютасини кўпроқ олиш имкониятига эга бўладилар.

17. Валюта курсининг ошиши сузиб юрувчи валюта курси тартибида *валютанинг қимматлашуви* (appreciation) номини олган. Валютанинг қимматлашуви шунга олиб келадики, энди ушбу мамлакат валюта бирлигини олиш учун хорижликлар ўзларининг валюталарини кўпроқ сарфлашлари керак бўлади.

## Таянч иборалар

тўлов баланси, жорий операциялар ҳисоби, капитал ҳаракати ҳисоби, расмий заҳиралар ҳисоби, автоном соғ экспорт, валюта курси, номинал ва реал валюта курси, котировкалаш, валюта бозоридаги талаб ва таклиф, ревальвация, девальвация, савдо

шароитлари, фоиз ставкалари дифференциали, миллий валюта, хорижий валюта, девизли курс, алмашиш курси, валюта бозори, қаттиқ ва сузувчи валюта курси, валютанинг қадрсизланиши, валютанинг қимматлашуви, иқтисодиётининг рақобатдошлигини ошириш, экспортнинг товар таркибини диверсификация қилиш, олтин-валюта заҳираларининг ортиши, миллий валюта барқа-рорлиги

# **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРДА МАВЗУЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ДОИР ТОПШИРИҚЛАР**

## **I – боб Муҳокама учун саволлар**

1. Макроиқтисодиёт фани нимани ўрганади?
2. Макроиқтисодий таҳлилнинг усуллари ва асосий тамойилларини тушунтиринг.
3. Иқтисодий модел борлиқни тўлиқ тасвирлаши керак деб ҳисоблайсизми?
4. Макроиқтисодий агентларни тушунтиринг.
5. Очиқ ва ёпиқ иқтисодиёт деганда нимани тушунасиз?
6. Макроиқтисодий бозорларни тушунтиринг.
7. Самарадорлик тушунчасини ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизиғидан фойдаланиб тушунтириб беринг.
8. Муқобил (альтернатив) ҳаражатларни ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизиғи орқали тушунтиринг.
9. Иқтисодий тизимлар ва уларнинг турли хил моделларини тушунтиринг.
10. Маҳсулотлар, ҳаражатлар ва даромадларнинг доиравий айланишини айланма ҳаракат оқими модели орқали тушунтиринг.
11. Қуйида келтирилган таъкидлашлар микроиқтисодиёт ёки макроиқтисодиётга тегишли эканлигини аниқланг:
  - а) оиланинг жамғарма қисмига ажратган маблағлари ҳақидаги қарори;
  - б) давлат томонидан автомобиллар ишлаб чиқаришни тартибга солиш;
  - в) миллий жамғарма даражаси ошишининг иқтисодий ўсишга таъсири;
  - г) фирманинг ишчилар сонини ёллаш ҳақидаги қарори;
  - д) инфляция суръатлари ва пул ҳажми ўзгариши ўртасидаги боғлиқлик.

## **Тестларга ягона бўлган тўғри жавобни топинг.**

1. Макроиктисодиёт фани иқтисодиёт назариясининг бир бўлими сифатида нимани ўрганади?
  - а) инсоният иқтисодий ривожланишининг глобал тенденцияларини ўрганувчи фан;
  - б) давлатнинг иқтисодиётдаги ролини;
  - в) очиқ ва ёпик иқтисодиётни;
  - г) иқтисодиётни яхлит бир тизим сифатида ўрганувчи фан.
2. Макроиктисодий таҳлилнинг асосий тамойили – бу:
  - а) индукция ва дедукция;
  - б) умумлаштириш;
  - в) бошқа омиллар ўзгармас бўлганда;
  - г) норматив ва позитив таҳлилни қўшиб олиб бормоқ.
3. Келтирилганлардан қайси бирини модел деб бўлмайди?
  - а) Нью-Йорк фонд биржасидаги савдо;
  - б) очиқ ва ёпик иқтисодиётдаги айланма ҳаракат оқими;
  - в) ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизифи;
  - г) Кейнс хочи.
4. Иқтисодий модел нима?
  - а) реал борлиқнинг назарий ифодаси;
  - б) иқтисодий билимларнинг умумий жиҳатлари;
  - в) реал борлиқнинг абстракт кўриниши;
  - г) борлиқни математик тенгламалар орқали ифодаланиши.
5. Аралаш иқтисодий тизимга асосланган миллий бозорнинг маҳсулотлар, ҳаражатлар ва даромадларнинг доиравий айланма оқими моделида ким «ўйин қоидалари»ни ишлаб чиқади:
  - а) уй хўжаликлари;
  - б) банк тизими;
  - в) давлат;
  - г) фирмалар.
6. Қайси бир иқтисодий тизимда иқтисодий муаммолар факат давлат орқали ҳал этилади:
  - а) соф бозор иқтисодиётига асосланган тизим;
  - б) маъмурий буйруқбозликка асосланган тизим;
  - в) аралаш иқтисодий тизим;
  - г) анъанавий иқтисодий тизим.

## **Инновацион педагогик технологияларни қўллаш бўйича тавсиялар**

<b>Кўлланиладиган усул ёки технология</b>	<b>Таянч иборалар</b>
<b>Кластер</b>	Иқтисодиёт назарияси Макроиқтисодиёт
<b>Вена диаграммаси</b>	Микроиқтисодиёт Макроиқтисодиёт
<b>«Муаммо» технологияси</b> - муаммонинг пайдо бўлиш сабаблари; - муаммони ҳал этиш йўллари	1. Ресурсларнинг чекланганлиги 2. Микро-макродаражада танлов муаммоси 3. Самарадорликка эришиш
<b>Вена диаграммаси</b>	- соф бозор иқтисодиётига асосланган тизим; - маъмурий буйруқбозликка асосланган тизим; - аралаш иқтисодий тизим; - анъанавий иқтисодий тизим.

### **II - боб Мұхокама учун саволлар**

1. Миллий иқтисодиёт ва унинг ривожланишини белгилаб берувчи ташқи ва ички омилларни тушунтириңг.
2. Миллий ҳисобчиик тизими деганда нимани тушунасиз?
3. МХТ тизими доирасида иқтисодий фаолликни макродаражада ўрганиш учун қандай асосий кўрсаткичлардан фойдаланилади?
4. ЯИМга таъриф беринг ва уни батафсил тушунтириб беринг.
5. ЯИМни ҳисоблашда баъзи бир норасмий битимар ҳисобга олинмайди. Уларни тушунтириңг.
6. Трансферт тўловлари деганда нимани тушунасиз?
7. ЯИМ ва ЯММ ўртасидаги фарқни тушунтириңг.
8. ЯИМни ҳисоблашнинг ҳаражатлар ва даромадлар усулларини тушунтириңг.
9. ЯИМни ҳисоблашнинг «қўшилган қиймат» усулида икки маротаба ҳисоблашга йўл қўймаслик деганда нимани тушунмоқ керак?

10. ЯИМ кўрсаткичининг миллий фаровонлик даражасини ҳар доим ҳам тўлиқ акс эттира олмаслиги сабабларини тушунтиринг.

11. Қуйида келтирилган битимлардан қайси бири ЯИМга киритилади ва қайсиларини киритиб бўлмасликни тушунтириб беринг.

а) оила ўзининг эски тураг жойи(квартираси)ни 3 млн.сўмга сотиб, янги қурилган тураг жойни 4,2 млн.сўмга сотиб олди;

б) фирма бошқа бир фирмадан илгари фойдаланилган 10 та компютерни сотиб олди;

в) оила «А» компания акцияларини 1 млн.сўмга сотиб олди;

г) нашриёт ўтган йили нашр этган ва омборларида сақланаётган 500 минг сўмлик китобларини сотмоқда.

12. Агарда уй бекаларининг бир қисми ишга киришга қарор қилса, уй юмушлари бўйича эса уй хизматчиларини ёллашса, у ҳолда бундай ўзгаришлар ЯИМ катталигига қандай акс этади?

13. Миллий хўжалик тизимида бошқа макроиктисодий кўрсаткичлар ва уларнинг ўзаро нисбати.

14. Номинал ва реал ЯИМ деганда нимани тушунасиз?

15. ЯИМ дефлятори қандай аниқланади?

### **Тестларга ягона бўлган тўғри жавобни топинг.**

1. Қуйида санаб ўтилганларнинг қайси бири ЯММ таркибиغا киради:

а) уй бекасининг хизмати;

б) қўшнисидан фойдаланилган автомобилни сотиб олиш;

в) брокердан акцияларни сотиб олиш;

г) маҳаллий китоб дўконидаги янги дарсликнинг қиймати;

2. Капитал истеъмолига ажратмалар бу:

а) соф инвестициялар;

б) соф чет эл инвестициялари;

в) амортизация;

г) истеъмол товарларини харид қилиш учун ишлатилиши мумкин бўлмаган жамғармалар.

3. Миллий даромад ҳажмини аниқлашда санаб ўтилган кўрсаткичлардан қайсилари ишлатилмайди:

а) корпорация фойдаси;

б) давлат трансферт тўловлари;

в) тадбиркорларнинг кредитга олган капитали учун тўлай-диган фоизлари;

г) ижарадан олинган даромад.

4. Шахсий даромад бу:

а) бир йилда ишлаб чиқарилган товар ва хизматлар қиймати;

б) уй хўжаликларининг йил давомида олган даромади;

в) ушбу мамлакатда жойлашган хусусий манбаалардан йиғилган жамғарма миқдори;

г) ЯММдан амартизацияни чегириш.

5. ЯММни ишлаб чиқаришда давлат секторининг ҳиссасини аниқлаш учун нима зарур?

а) товар ва хизматларни сотиб олишга кетган давлат ҳаражатлари ҳажмини ҳисоблаш;\*

б) хизматлар жумласига кирмайдиган товарларга кетган давлат сарфлари миқдорини аниқлаш;

в) оралиқ товарларга давлат сарфларини чиқариб ташлаган ҳолда, фақат якуний маҳсулот сотиб олиш билан боғлиқ давлат ҳаражатларини ҳисобга олиш;

г) давлатнинг фақат истеъмол товарларига ҳаражатларини ҳисобга олиш.

6. Агар реал ЯММ 6% камайса, аҳоли сони эса худи шу йили 3% қисқарса, унда:

а) аҳоли жон бошига реал ЯММ пасаяди;

б) аҳоли жон бошига реал ЯММ қўпаяди;

в) реал ЯММ ошади, номинал ЯММ эса пасаяди;

г) номинал ЯММ ўзгармайди.

7. Ялпи хусусий инвестициялар қуйидагини ҳисоблашда ҳисобга олинади:

а) даромадлар оқими усули бўйича ЯММни;

б) ҳаражатлар оқими усули бўйича ЯММни;

в) ҳаражатлар оқими усули бўйича СММни;

г) ўз ихтиёридаги даромадни.

8. Иш ҳақи қуйидаги ҳолда ҳисобга олинади:

а) даромадлар оқими усули бўйича ЯММни ҳисоблашда;

б) ҳаражатлар оқими усули бўйича ЯММни ҳисоблашда;

в) соф экспортни ҳисоблашда;

г) давлат корхоналарига соф субсидияларни ҳисоблашда;

9. Фараз қиласиз, ЯММ 500 млрд. доллардан 600 млрд. долларгача, ЯММнинг дефлятори эса 125 дан 150 гача ошиди. Шундай шароитда реал ЯММ қуидагича бўлади:

- а) ўзгармайди;
- б) ошади;
- в) камаяди;
- г) мавжуд маълумотлар асосида ҳисоблаш мумкин эмас.

10. Куйида икки йиллик маълумотлар келтирилган:

Йиллар	Номинал ЯИМ	ЯИМ дефлятори
2010	96 млрд. \$	100%
2014	48 млрд. \$	75%

Агар 2010 йилни асос қилиб олинган йил десак, 2014 йилда реал ЯИМ қандай бўлган?

- а) 72 млрд. \$;
- б) 36 млрд. \$;
- в) 64 млрд. \$;
- г) 48 млрд. \$.

11. Фараз қилайлик, 1-йилда (базис қилиб олинган йилда) номинал ЯИМ 500 га тенг бўлган. 6 йилдан сўнг ЯИМ 2 баробарига ортди, реал ЯИМ эса 40% га ошиди. Бундай шароитда номинал ЯИМ 6 йилдан сўнг қандай бўлади?

- а) 2000;
- б) 1400;
- в) 1000;
- г) 750.

12. Агарда фирмалар ўзларининг фойдаларини акциядорларга дивидендлар шаклида тўласалар, у ҳолда миллий ҳисобчиликда қайси бир кўрсаткич ортади:

- а) ЯИМ;
- б) соф инвестициялар;
- в) амортизациялар;
- г) шахсий даромад.

13. Агар ЯИМ жорий нархларда 1200млн. \$ га тенг бўлса, реал ЯИМ эса 1100 млн. \$ни ташкил этса, у ҳолда ЯИМ дефлятори нечага тенг бўлади?

- а) 1,1

- б) 0,92
- в) 1,09
- г) 1,2

14. Автомобиль шиналарини ишлаб чиқарадиган фирма автомобиль ишлаб чиқарувчи фирмага 4 та шинани 400\$ дан, бошқа бир firma ушбу автомобиль фирмасига плейерни 500\$ дан сотади. Янги автомашинага буларнинг барчасини ўрнатиб, автомобиль фирмаси автомобильни 20000\$га сотади. ЯИМ ни ҳисоблашда унинг таркибиға ҳисобдагиларнинг қайси бири киритилади?

- а) 20000;
- б) 900;
- в) 20900;
- г) 20000 дан автомобиль фирмаси фойдасининг айирмаси.

### **Масалаларни ечинг**

1. Агар 2014 йилда уй хўжаликларининг истеъмол ҳаражатлари 350 млрд.еврони, ялпи ички инвестициялар 130 млрд.еврони, амортизация 25млрд.еврони, давлатнинг товарларга қилган ҳаражатлари – 100млрд.евро, экспорт – 40млрд.евро, импорт – 20млрд.еврони ташкил этган бўлса, у ҳолда соф миллий маҳсулот нимага teng бўлади?

2. Агар 2014 йилда уй хўжаликларининг истеъмол ҳаражатлари - 300 млрд.еврони, ялпи хусусий ички инвестициялар - 150 млрд.еврони, давлатнинг товарларга қилган ҳаражатлари – 100млрд.евро, бизнесга эгри солиқлар – 120млрд.евро, соф экспорт – 40млрд.еврони ташкил этган бўлса, у ҳолда номинал ЯИМ нимага teng бўлади?

3. Қуйидагилар маълум бўлса, инвестициялар, импорт ва соф ички маҳсулот ҳажмини топинг:

- а) ЯИМ – 5000 млрд.сўм;
- б) С - 3200 млрд.сўм;
- в) G - 900 млрд.сўм;
- г) - 80 млрд.сўм;
- д) Амортизация - 150 млрд.сўм;
- е) экспорт - 350 млрд.сўм.

4. Қуйидагиларга асосланиб, ялпи ички маҳсулот, соф ички маҳсулот ва миллий даромадни ҳисоблаб топинг:

Экспорт - 23

Импорт - 81  
 Товар ва хизматларнинг давлат хариdi - 25  
 Соф хусусий ички инвестициялар - 390  
 Амортизация - 120  
 Истеъмол ҳаражатлари - 28  
 Иш хақи - 27  
 Бизнесга эгри солиқлар - 105  
 Трансферт тўловлари - 33  
 Индивидуал солиқлар – 3  
 5. Қуйидагиларга асосланиб реал ЯИМни топинг:

Йиллар	Номинал ЯИМ, млрд.сўм	Нарх индекси, (ЯИМ дефлятори, %да)
1971	200	20
1983	900	40
1994	2800	70
2002	4200	100
2004	4800	120
2006	8440	222

- а) 1971 – 2002йиллар ичида нархлар даражаси қай даражада ўзгарди?  
 б) 2004-2006 йиллар орасида нархлар даражаси қандай ўзгарди?

6. Жадвалда номинал ЯИМ ва тегишлича нарх индексларининг бир неча йиллик маълумотлари келтирилган. Бу йиллар учун реал ЯИМни ҳисобланг. Ҳар бир йил учун номинал ЯИМ инфляцияланадими ёки дефляцияланадими тушунириб беринг.

Йиллар	Номинал ЯИМ, млрд.\$	Нархлар индекси, (%ларда, 1987=100)	Реал ЯИМ,(млрд.\$)
1959	494,2	25,6	
1964	648,0	27,7	
1967	814,3	30,3	
1973	1349,6	41,3	
1978	2232,7	60,3	
1988	4900,4	103,9	

7. Фараз қилайлик, 3 та неъмат ишлаб чиқарилади ва истеъмол қилинади. Жадвалда икки давр учун уларнинг ҳажми ва нарх (бир бирлик маҳсулот учун)лари келтирилган. Ласпейрес, Пааше ва Фишер индексларини ҳисоблаб топинг (бунда 2002 - йил асос қилиб олинган).

Йиллар	2002	2002	2012	2012
	Нарх	Ҳажм	Нарх	Ҳажм
Китоблар	10	10	15	8
Кийим-кечаклар	27	6	24	7
Телевизорлар	655	3	425	5

8. Фараз қилайлик, 2 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда ва истеъмол қилинмоқда. 2002 йилда бир дона апельсин нархи 1\$, 2010 йилда эса – 0,5\$ ни ташкил этган. Олмалар 2002 йилда 0,5\$, 1990 йилда эса – 1\$ бўлган. 2002 йилда - 10 та олма ва 5 та апельсин, 2010 йилда эса – 5 та олма ва 10 та апельсин ишлаб чиқарилган. 2010 йил учун ЯИМ дефляторини ҳисоблаб топинг, бунда 2002 йилни базис йил деб қабул қилинг.

9. Ёпиқ иқтисодиёт қуйидаги қўрсаткичлар орқали берилган:  
истеъмол ҳаражатлари ( $C$ ) = 1200;  
ялпи инвестициялар ( $I$ ) = 500;  
давлат ҳаражатлари ( $G$ ) = 300;  
давлат трансферлари ( $TR$ ) = 200;  
давлат қарзлари бўйича фоизлар( $N$ ) = 100;  
соликлар ( $T$ ) = 400;  
соф экспорт( $X_n$ ) = -100.

Хусусий жамғармалар (1), давлат жамғармалари (2), ташқи дунё жамғармалари нимага тенг?

10. Агар номинал ЯИМ бир йилда 50 млрд. пул бирлигига ортган бўлса ва 1000млрд. пул бирлигини ташкил этса, ЯИМ дефлятори 1,25 бўлганда, реал ЯИМ нимага тенг бўлади?

### **III - боб** **Мұхокама учун саволлар**

1. Иқтисодиётнинг даврий тебраниши ва унинг фазаларини тушунтириңг.
2. Иқтисодий назарияда иқтисодий тебранишларнинг бир қанча сабаблари күрсатилади. Уларни тушунтириб беринг.
3. Иқтисодий тебраниш давомийлигига күра қандай турларга бўлинади?
4. Ишчи кучи ёки иқтисодий фаол аҳоли деганда нимани тушунасиз?
5. Ишлаётган ёки банд бўлган аҳоли деганда кимлар тушунилади?
6. Ишчи кучи таркибиغا киравчи ишсизлар тушунчасига таъриф беринг.
7. Ишсизлик даражаси ва у қандай аниқланади?
8. Ишсизликнинг қандай қўринишларини биласиз?
9. Фрикцион ишсизлик деганда қандай ишсизлик тушунилади?
10. Структуравий ишсизлик турини тушунтириб беринг.
11. Даврий ишсизлик деганда қандай ишсизликни тушунасиз?
12. Ишсизликнинг табиий ёки меъёрдаги даражаси деганда нимани тушунасиз?
13. Ишсизликнинг ҳақиқий даражаси деганда нимани тушунмоқ лозим?
14. Иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш потенциали нима?
15. Оукен қонуни.
16. Ўзбекистонда меҳнат бозорига ахолининг қайси гурухлари киради?
17. Талаб ва таклиф инфляциясини тушунтириңг (график ёрдамида).
18. Ишсизлик ва инфляция ўртасидаги боғлиқликни ифодаловчи Филлипс эгри чизигини тушунтириңг.

**Тестларга ягона бўлган тўғри жавобни топинг.**

1. Техник тараққиёт ва структуравий (таркибий) ўзгаришлар қайси бир циклнинг асосий хусусиятларига киради?
  - а) Кузнец;
  - б) Тоффлер;

в) Китчин;

г) Контдратьев;

2. Энг узок давом этадиган цикл бу - ... циклидир.

а) Контдратьев;

б) Китчин;

в) Тоффлер;

г) Кузнец;

3. Қуйидагилардан қайси бири даврий тебранишга тегишли:

а) Контдратьев" иқтисодий тебранишлари;

б) барча макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўзгариши;

в) иши мавсумий характерга эга баъзи соҳалардагина иқтисодий фаолликнинг ўзгариши;

г) фақат баъзи соҳалардагина иқтисодий кўрсаткичларнинг ўзгариши.

4. Яқин орада яна ишга жойлашишга умид қилаётган одам:

а) бандлар гуруҳига киради;

б) ишсизлар гуруҳига киради;

в) ишчи кучи таркибида ҳисобга олинмайди;

г) тўла банд бўлмаган сифатида қаралади.

5. Агар киши касал бўлса ва ишлай олмаса, қайси жавоб тўғри?

а) бандлар гуруҳига киради;

б) ишсизлар гуруҳига киради;

в) ишчи кучи таркибида ҳисобга олинмайди;

г) тўла банд бўлмаган сифатида қаралади.

6. Иқтисодиётдаги пасайиш туфайли ишини йўқотганлар ишсизликнинг қайси кўринишига мансуб:

а) ишсизликнинг фрикцион кўринишига;

б) ишсизликнинг таркибий кўринишига;

в) ишсизликнинг даврий кўринишига;

г) мавсумий ишсизликка.

7. Дж. М.Кейнс фикрича:

а) ҳукумат ишсизликни пасайтириш учун давлат хариди ва соликлардан фойдаланиши керак;

б) бозор тизимида қисқа муддатда юқори бандлик даражасини мустақил таъминлашга қодир механизм мавжуд;

в) иқтисодиёт марказлашган режалаштириш асосида ривожлашиши керак;

г) хусусий мулкчиликни йўқотиш зарур.

8. Етарли бўлмаган ялпи талаб нимага олиб келади?

- а) фрикцион ишсизликнинг ошишига;
- б) таркибий ишсизликнинг ошишига;
- в) даврий ишсизликнинг ошишига;
- г) яширин ишсизликнинг ошишига.

9. Оукен қонунига кўра, ишсизлик ҳақиқий даражасининг унинг табиий даражасидан икки фоизга ортиклиги ЯММ ҳақиқий даражасининг унинг потенциал даражасидан орқада қолганини билдиради. Бу орқада қолиш неча фоизга тенг (бунда  $\beta = 2,5$ га тенг бўлса)?

- а) 2%га;
- б) 3%га;
- в) 5%га;
- г) 5%дан анча ортиқ.

10. Кўпчилик иқтисодиётчиларнинг фикрига кўра, қисқа муддатли даврда бандлик даражаси ва миллий ишлаб чиқариш ҳажми нима билан белгиланади?

- а) нархлар даражаси;
- б) мавжуд ишчи кучининг сони;
- в) миллий капитал захиралари;
- г) ялпи ҳаражатлар даражаси.

11. Агар номинал даромад 8%га ошса, нархлар даражаси эса 10%га ошса, унда реал даромад:

- а) 2% ошади;
- б) 18% ошади;
- в) 2% пасаяди;
- г) 18% пасаяди.

12. Кутилмаган инфляциядан кимлар ҳаммадан ҳам кам озор чекади?

- а) қайд этилган номинал даромад олувчилар;
- б) кимнинг номинал даромади нархлар даражаси қўтарилишига нисбатан секинроқ ўssa;
- в) пул жамғармасига эга бўлганлар;
- г) нархлар пастлигида қарздор бўлиб қолганлар.

13. Ялпи ҳаражатларнинг ўсиши инфляцияга олиб келади, агар:

- а) иқтисодиёт тўла бандлик шароитида ривожланса;
- б) ҳақиқий ва потенциал ЯММ ҳажми тенг бўлса;

в) ишчи кучи сони ўсмаса;  
г) иқтисодиёт тўла бандлик шароитида ривожланса, хақиқий ва потенциал ЯММ ҳажми тенг бўлса.

14. Филлипс эгри чизиги инфляция билан қуидада келтирилганларнинг қайси бири ўртасидаги боғланишни кўрсатади?

- а) пул таклифи;
- б) ишсизлик даражаси;
- в) фоиз даражаси;
- г) сиёсий иқтисодий давр.

### **Масалаларни ечинг**

1. Статистик маълумотларга кўра, йиллик инфляция даражаси 20% ни, реал фоиз ставкаси эса 5% ни ташкил этди. Номинал фоиз ставкаси нечага тенг?

2. Фараз қилайлик, сиз ўз 100\$ ингизни сақлаб қўйиш ёки ишлатиш танлови олдида турибсиз. Маълумки, агарда сиз уни банкка қўйсангиз, бир йилдан сўнг 112 \$ оласиз. Инфляция йилига 14%ни ташкил этади. Сизнинг қарорингиз қандай бўлади? Бунда номинал ва реал фоиз ставкалари нимага тенг бўлади? Агарда инфляция даражаси 10%га пасайса ва бунда номинал фоиз ставкаси ўзгармай қолса, сизнинг қарорингизга бундай ҳолат қандай таъсир кўрсатади?

3. Статистик маълумотларга кўра, йиллик инфляция даражаси 40% ни, реал фоиз ставкаси эса 4% ни ташкил этди. Номинал фоиз ставкаси нечага тенг?

4. Статистик маълумотларга кўра, йиллик инфляция даражаси 13% ни, номинал фоиз ставкаси эса 17% ни ташкил этди. Реал фоиз ставкаси нечага тенг?

### **IV – боб Мухокама учун саволлар**

1. Ялпи талабга таъриф беринг. AD эгри чизигини графикда тасвирлаб, уни қуига томон йўналганлигининг 3 та сабабини тушунириинг.

2. AD нинг ўнгга ва чапга силжиши сабабларини график орқали тушунириинг.

3. AS га таъриф беринг. Нима учун узоқ муддатдаги ялпи таклиф эгриси вертикал (тик) кўринишга эга?

4. Қисқа муддатдаги ялпи таклиф эгрисини кейнсча кесма орқали тушунтиринг.

5. AS эгри чизигини чапга ва ўнгга силжитувчи нархга боғлик бўлмаган омилларни тушунтиринг.

6. Мувозанатли нархлар даражаси ва ишлаб чиқаришнинг мувозанатли реал ҳажмини ялпи талаб ва ялпи таклиф ўзгаргандаги ҳолатларда графиклар орқали таҳлил қилиб тушунтириб беринг.

7. Қисқа муддатли мувозанатдан узоқ муддатли мувозанатга ўтишни ва храповик самарасини чизмада тушунтиринг.

8. Қуйидаги омилларнинг AD ва ASга таъсирини график тасвирлаб тушунтириб беринг:

а) фоиз ставкаси даражасининг пасайиши (нархлар даражаси ўзгариши билан боғлик бўлмаган);

б) иқтисодиётда инфляцион кутишларнинг кучайиши;

в) даромад солиғи ставкасининг ошиши;

г) иқтисодиётда пул таклифининг кўпайиши;

д) иқтисодиётга янги технологияларнинг жорий этилиши;

е) давлатнинг ижтимоий дастурларга маблағларни қисқартириши;

ж) иқтисодий талофатларни келтириб чиқарган кучли зилзила оқибатлари.

9. АҚШ оммавий ахборот воситаларида бир қатор Жанубий Америка мамлакатларининг ушбу мамлакат банкларидан олган ўз қарзларини қайтара олмаслиги ҳақидаги эълон пайдо бўлди. Бу ҳолат АҚШ иқтисодиётининг ялпи талаб ҳажмига қандай таъсир кўрсатади?

10. Мамлакатда нархлар даражасининг ортиши сабабли аҳолининг турмуш даражасини қўллаб – қувватлаш мақсадида касаба уюшмаси иш ҳақи даражасини оширишга қаратилган ҳаракатни кучайтириди. AD – AS моделини қўллаб, бундай шароитда қандай қилиб стагфляция пайдо бўлишини тушунтиринг.

### **Тестларга ягона бўлган тўғри жавобни топинг.**

1. Агар нархлар даражаси ўсиб, ишлаб чиқариш эса пасайса, унда бунинг сабаблари қуйидагилардан бири билан белгиланади:

а) ялпи талаб эгри чизигининг ўнгга кўчиши билан;

- б) ялпи талаб эгри чизифининг чапга кўчиши билан;
- в) ялпи таклиф эгри чизифининг чапга кўчиши билан;\*
- г) ялпи таклиф эгри чизифининг ўнгга кўчиши билан.

2. Ялпи таклиф эгри чизифининг кейнсча кесмаси қандай кўринишга эга?

- а) ўсувчи қиялик кўринишига;
- б) пасаювчи қиялик кўринишига;
- в) тик (вертикал) чизик билан акс эттирилган;
- г) ётиқ (горизонтал) чизик билан берилган.

3. Ялпи таклифнинг ўсиши нимага олиб келади?

- а) нархлар даражаси ва ЯММ реал ҳажмининг пасайишига;
- б) нархлар ўсишининг секинлашуви ва ЯММ реал ҳажмининг кўпайишига;
- в) нархлар даражаси ва реал ифодадаги ЯММ реал ҳажмининг камайишига;
- г) нархлар ўсишининг секинлашуви ва ЯММ реал ҳажмининг камайишига.

4. Иқтисодиётдаги вазият ялпи таклиф эгри чизифининг кейнсча кесмасига мос келганда, ялпи талабнинг ўсиши нимага олиб келади?

- а) нархлар ошишига, бироқ реал ифодадаги ЯММ ўзгаришига таъсир кўрсатмайди;
- б) реал ифодадаги ЯММ ҳажмининг кўпайишига, бироқ нархлар даражасига таъсир кўрсатмайди;
- в) ҳам нархлар даражаси, ҳам реал ифодадаги ЯММ ҳажмининг ошишига;
- г) нархлар ошишига ва реал ифодадаги ЯММ ҳажмининг қисқаришига.

5. Агар импорт товарлар нархлари кўтарилса, бу ҳолнинг эҳтимолга яқин сабаби:

- а) ялпи таклифнинг қисқариши;
- б) ялпи таклифнинг ўсиши;
- в) ялпи талабнинг ўсиши;
- г) ялпи талабнинг пасайиши.

6. Агар тадбиркорлик солиқлари ўssa, унда:

- а) ялпи талаб қисқаради, ялпи таклиф ҳажми эса ўзгармайди;
- б) ялпи таклиф қисқаради, ялпи талаб ҳажми эса ўзгармайди;
- в) ялпи таклиф ва ялпи талаб қисқаради;
- г) ялпи таклиф ва ялпи талаб ўсади.

7. Ялпи талаб эгри чизифининг пасайиши:

- а) реал касса қолдиқлари самарасининг натижаси;
- б) фоиз ставкаси самарасининг натижаси;
- в) импорт харидлари самарасининг натижаси;

г) бойлик самараси, импорт харидлари самараси ва фоиз ставкаси самарасининг натижаси.

8. Агар давлат атроф-муҳитни сақлаш талабларини кучайтиrsa, бу нимага олиб келади?

- а) маҳсулот бирлигига ишлаб чиқариш харажатларининг ўсиши ва ялпи таклиф эгри чизифининг ўнгга кўчишига;
- б) маҳсулот бирлигига ишлаб чиқариш харажатларининг ўсиши ва ялпи таклиф эгри чизифининг чапга кўчишига;
- в) маҳсулот бирлигига ишлаб чиқариш харажатларининг ўсиши ва ялпи талаб эгри чизифининг чапга кўчишига;
- г) маҳсулот бирлигига ишлаб чиқариш харажатларининг пасайиши ва ялпи талаб эгри чизифининг ўнгга кўчишига.

9. Агар ялпи талаб силжиши қўйидаги кесмалардан бирида юз берса, ялпи талабнинг кўпайиши мувозанатли СММ ва нархлар даражасининг ўсишига олиб келади:

- а) AS эгри чизиқнинг Кейнсча кесмасида;
- б) AS эгри чизиқнинг оралиқ кесмасида;\*
- в) AS эгри чизиқнинг Кейнс ва оралиқ кесмаларида;
- г) AS эгри чизиқнинг классик кесмасида.

10. Пул массасининг ошиши миллий даромад реал ҳажмига ва бандлик даражасига деярли ёки ҳеч қандай таъсир қўрсатмайди:

- а) ялпи таклиф эгри чизифининг Кейнс кесмасида;
- б) ялпи таклиф эгри чизифининг оралиқ кесмасида;
- в) ялпи таклиф эгри чизифининг классик кесмасида;
- г) ялпи таклиф эгри чизифининг оралиқ ва Кейнс кесмаларида.

## **Масалалар**

1. Банк тизимида янги техник воситаларни қўллаш натижасида муомаладаги пулнинг айланиш тезлиги ошди. Марказий Банк пул таклифини ўзгартириш ёрдамида иқтисодиётдаги ишлаб чиқарилаётган реал миллий маҳсулот ҳажми ва нархлар даражасини барқарорлаштириш чора-тадбирларини кўрди. Бошланғич вазиятдаги шок ҳолатни ва Марказий Банкнинг барқарорлаштириш сиёсатини график тасвирлаб, тушунтириб беринг.

2. Бошланғич вазиятда иқтисодиёт узоқ муддатдаги мувозанат ҳолатида бўлиб, қуидагилар орқали кўрсатилган:

- узоқ муддатдаги AS эгри чизиги вертикал кўринишга эга бўлиб, бунда  $Y = 2800$ ;

- қисқа муддатдаги AS горизонтал эгри чизигида  $P = 1,0$

- AD эгри чизиги  $Y = 3,5$ , бунда  $M = 800$ .

Таклиф шоки юз берди ва натижада нархлар даражаси 1,4 ( $SRAS^*$ ) даражага ошди, миллий ишлаб чиқаришнинг потенциал даражаси эса  $Y = 2500$  ( $SRAS^*$ ) даражагача пасайди.

а) агар Марказий Банк иқтисодий вазиятга аралашмаса, яъни AD эгриси илгариги ҳолатида қолса, қисқа ва узоқ муддатда Y ва P нинг янги мувозанатли даражаси нимага teng бўлади?

б) агар Марказий Банк барқарорлаштириш сиёсатини олиб борса, қисқа муддатда  $Y=2800$ га teng миллий ишлаб чиқариш даражаси таъминланиши учун у муомалага қўшимча қанча миқдорда пул массасини чиқариши керак бўлади?

в) агар муомалага чиқарилган қўшимча пул массаси иқтисодиётда кейинчалик ҳам муомалада бўлса, у ҳолда узоқ муддатдаги мувозанатнинг координата нуқталари қандай бўлади?

3. Масалани чизма орқали тушунтириб ечинг.

Фараз қилайлик, иқтисодиёт бошланғич даврда ўзининг потенциал даражасида ( $Y^*$ ) бўлиб, шок натижасида нархларнинг ҳар бир даражасида ялпи талаб пасайиши юз бермоқда. Нархлар қаттиқ (ноэластик) бўлганда, қуидаги келтирилган вазиятларнинг қайси бири тўғри бўлади:

а) ишсизлик даражасининг кўпайиши;

б) иқтисодиётда капитал заҳираларининг қисқариши;

в) потенциал ЯИМнинг пасайиши;

г) нархлар даражаси ва иш ҳақининг ошиши.

## **V – боб Муҳокама учун саволлар**

1. Классик модел асосчилари.

2. Классик моделнинг асосий қоидалари.

3. Классик бозорда нархлар эгилувчанлигини тушунтиринг.

4. Нима сабабдан классик моделда ялпи таклиф иқтисодиётнинг асосий муаммоси эканлигини тушунтиринг.

5. Кейнсча макроиктисодий моделнинг асосий хулосаларини тушунтириб беринг.

6. Кейнсча моделда нима сабабдан нархлар ноэластик (қаттиқ ёки «ёпишқоқ»)?

7. Кейнсча макроиктисодий назарияда асосий иқтисодий муаммо ялпи талаб эканлигини батафсил тушунтириб беринг.

8. Кейнсча моделда жамғарма ва истеъмол функцияларини, уларнинг графикларини тушунтиринг.

9. Инвестициялар ва фоиз ставкаси ўртасидаги боғлиқликни график орқали тушунтириб беринг.

10. Неоклассик йўналишнинг асосий оқимлари.

11. Даромад - истеъмол ва даромад- жамғарма ўртасидаги боғлиқлик.

12. Истеъмол ва жамғариш графиклари.

13. Истеъмол ва жамғаришнинг ўртача ҳамда чекланган миқдори.

14. Инвестициялар. Инвестицияларга талаб эгри чизиғи.

15. Инвестиция даражасига таъсир этувчи омиллар.

16. Кейнсча макроиктисодий моделда мувозанат ўрнатилишини тадқиқ этиш учун ҳақиқий ва режалаштирилган ҳаражатлар тушунчалари киритилган. Уларни тушунтиринг.

17. Мультипликатор самараси деганда нимани тушунасиз ва у қандай аниқланади?

18. Тежамкорлик парадоксини тушунтириб беринг.

### **Тестларга ягона бўлган тўғри жавобни топинг**

1. Классик моделнинг асосий қоидаларига қўйидагилардан қайси бири тегишли?

- а) барча реал бозорлар соф рақобатли ва нархлар эгилувчан;
- б) бозор мувозанати бозорларда автоматик тарзда ўрнатилади;
- в) иқтисодиётга давлат аралашмаслиги керак;
- г) юқоридагиларнинг барчаси.

2. Кейнс назариясининг классик назариядан устун келишига имкон берган асосий сабаб:

- а) Кейнс назарияси иқтисодиётнинг узоқ даврдаги ҳатти-харакатини изоҳлаб берганида;
- б) Кейнс назарияси иқтисодиётнинг қисқа даврдаги ҳатти-харакатини изоҳлаб берганида;

в) классик назария иқтисодиётнинг қисқа даврдаги ҳатти-харакатини изоҳлаб бера олмаганида;

г) „б” ва „в” жавоблар тўғри\*

3. Истеъмолга бўлган чекли мойиллик қандай аниқланади?

а)  $APC = C / Y$

б)  $MPC = \Delta Y / \Delta C$

в)  $MPS = \Delta S / \Delta Y$

г)  $MPC = \Delta C / \Delta Y$

4. Агар истеъмол функцияси  $C = 100 + 0,8Y$  га teng бўлса, у ҳолда автоном ҳаражатлар мультипликатори қуидагилардан қайси бирига teng?

а) 80;

б) 5;

в) 125;

г) 1,25;

5. Дж.Кейнс таъкидлашича, мамлакатдаги истеъмол ҳаражатларининг ҳажми нимага боғлиқ?

а) истеъмолчининг яшаш жойига;

б) пул таклифининг ўсиш суръатига;

в) миллий даромад даражасига;

г) ихтиёрдаги даромад даражасига.

6. Агар ихтиёрдаги даромад ҳажми камаяётган бўлса, унда бошқа teng шароитларда:

а) истеъмол ҳаражатлари ҳам, жамғармалар ҳам ўсади;

б) истеъмол ҳаражатлари ўсади, жамғармалар эса қисқаради;

в) истеъмол ҳаражатлари қисқаради, жамғармалар эса ўсади;

г) истеъмол ҳаражатлари ҳам, жамғармалар ҳам қисқаради.

7. Агар ихтиёрдаги даромад ҳажми берилган мамлакатда кўпайса, унда:

а) истеъмолга ва жамғармага бўлган ўртacha мойиллик ўсади;

б) истеъмолга бўлган ўртacha мойиллик ўсади, жамғармага бўлгани эса пасаяди;

в) истеъмолга бўлган ўртacha мойиллик пасаяди, жамғармага бўлгани эса ўсади.

г) истеъмолга ва жамғармага бўлган ўртacha мойиллик пасаяди.

8. Ихтиёрдаги даромаднинг берилган даражасида жамғармага ва истеъмолга бўлган ўртacha мойиллик миқдорларининг йиғиндиси:

а) 0 га teng;

б) 1 га teng;

- в) 100 га тенг;
- г) 1000 га тенг.

9. Фоиз ставкаси даражасидаги ўзгаришлар ЯММНИНГ қуидаги қисмларидан қайси бирининг миқдорига қўпроқ таъсир кўрсатади:

- а) истеъмол ҳаражатлари;
- б) инвестициялар;
- в) давлат ҳаражатлари;
- г) экспорт.

10. Қуидаги боғлиқликлардан қайси бири тескари боғлиқликни ифодалайди?

- а) истеъмол ҳаражатлари ва ихтиёрдаги даромад ўртасидаги боғлиқлик;
- б) инвестиция ҳаражатлари ва фоиз ставкаси даражаси ўртасидаги боғлиқлик;
- в) жамғармалар ва фоиз ставкаси даражаси ўртасидаги боғлиқлик;
- г) инвестиция ҳаражатлари ва миллий даромад ўртасидаги боғлиқлик.

11. Қуидагиларнинг қайси бири кейнсча моделда макроиктисодий мувозанатни аниқлайди?

- а) истеъмол ва жамғарма эгри чизиқларининг кесишуви;
- б) истеъмол ва инвестиция эгри чизиқларининг кесишуви;
- в) ялпи ҳаражатлар эгрисининг жамғарма нолга тенг бўлгандаги кесишган нуқтаси;
- г) жамғарма эгрисининг биссектриса билан кесишуви.

12. Автоном ҳаражатлар мультиплатори қандай аниқланади?

- а)  $MR = 1 / (1 - mpc)$ ;
- б)  $MR = 1 - mpc / C$ ;
- в)  $MR = C / (1 + mpc)$ ;
- г)  $MR = C / 1 - mpc$ .

## Масалаларни ечинг

1.  $C = 40 + 0,85 Y$  га тенг бўлган истеъмол функцияси берилган. Уй хўжаликларининг даромадлари 300 пул бирлигига тенг бўлганда жамғарма ҳажмини ҳисобланг.

2. Фараз қилайлик, истеъмол функцияси  $C = 50 + 0,8 Y$  га тенг. Инвестициялар ҳажми 30 га ва давлат ҳаражатлари 10 тенг бўлсин. Бундай иқтисодиёт учун  $Y$  ни топинг. Агар  $G = 20$  га тенг бўлсачи?

3. Агарда 2008 йилда даромад 950 млн.еврода тенг бўлганда, уй хўжаликларининг истеъмол ҳажми 800 млн.еврода, 2007 йилда эса тегишлича 750 млн.евро ва 700 млн.еврони ташкил этган бўлса, у ҳолда истеъмолга чекли мойиллик (МРС) нимага тенг бўлади?

4. Ўтган йил якунларига кўра, мамлакатда ихтиёрдаги даромад 1000 пул бирлигига тенг бўлган, ҳисоб қилинаётган ушбу йил учун эса – 1250 пул бирлигини ташкил этди. Агарда истеъмолга чекли мойиллик 0,5 га тенг бўлса, у ҳолда ҳисоб қилинаётган ушбу йил учун истеъмолнинг ўсган қисми неча пул бирлигини ташкил этади?

5. Мамлакатда даромаднинг истеъмолга сарфланадиган қисми 30% га тенг. Агарда ўтган йили истеъмолнинг ҳажми ундан олдинги йилда истеъмол 420 пул бирлигига тенг бўлгандагига нисбатан 120 пул бирлигига ошган бўлса, у ҳолда ўтган йилги ихтиёрдаги даромадни ҳисоблаб топинг.

6. Ўтган йили жамғарма ҳажми 500 пул бирлигини ташкил этди. Жорий йилнинг якунига кўра (таҳлил қилинаётган давр учун), жамғармалар 150 пул бирлигига ошди. Агарда жамғармага ўртacha мойиллик 50%га тенг бўлса, у ҳолда ихтиёрдаги даромад нимага тенг бўлади?

## **VI – боб Муҳокама учун саволлар**

1. Пулнинг моҳияти ва унинг функцияларини тушунтиринг.

2. Пулларга бўлган трансакцияли, спекулятив, эҳтиёткорлик талаб ва умумий талабни графикда чизма орқали тушунтириб беринг.

3. Пулларни нақд ҳолда сақлашнинг альтернатив қиймати фоиз ставкаси эканлигини тушунтириб беринг.

4. Банкнинг тўлов қобилияти ва ликвидлилиги деганда нимани тушунасиз?

5. МБ қандай функцияларни бажаради?

6. Банкларнинг мажбурий заҳира меъёри, кредит имкониятлари, ҳақиқий заҳиралари қандай аниқланади?

7. Пул массаси нима ва унга қандай пул агрегатлари киритилади?

8. Давлат қандай қилиб иқтисодиётда пул массаси ҳажмига таъсир күрсатади?

9. Иқтисодиётдаги пул таклифи ҳажмига таъсир этувчи омил – банк мультипликатори ва унинг амал қилиш механизмини тушунтириңг.

10. Пул мультипликаторининг моҳиятини тушунтириб беринг. У нимага ва қандай қилиб иқтисодиётдаги пул массаси ҳажмига таъсир күрсатади?

### **Тестларга ягона бўлган тўғри жавобни топинг**

1. М1 ўз ичига қуидагилардан бирини олади:

- а) металл ва қоғоз нақд пуллар ҳамда депозитли сертификатлар;
- б) металл ва қоғоз нақд пуллар ҳамда чексиз омонатдаги депозитлар;
- в) нақд пуллар + чекли депозитлар + йўл чеклари;
- г) барча пуллар ва “деярли пуллар”.

2. Пуллар ва “деярли пуллар” ўртасидаги фарқ қуидагидан иборат:

- а) “деярли пуллар”, пуллардан фарқли равишда, майдаланмайдиган қоғоз пуллардир;
- б) “деярли пуллар” банк ҳисобларида депозитларни ўз ичига олади, пуллар эса уларни ўз ичига олмайди;
- в) пуллар “деярли пуллар”га қараганда тезроқ айланади;
- г) пулларни, “деярли пуллар”дан фарқли ўлароқ, бевосита сарфлаш мумкин.

3. Пуллар:

- а) муомала воситаси;
- б) қиймат ўлчови;
- в) жамғарма воситаси;
- г) барча жавоблар тўғри.

4. Битимлар учун пулга талаб қуидагича ўзгаради:

- а) фоиз ставкаси ошганда ўсади;
- б) фоиз ставкаси пасайганда ўсади;
- в) ЯММнинг номинал ҳажми камайганда пасаяди;
- г) ЯММ номинал ҳажмининг ўсишига қараб камаяди.

5. Қуидагилардан қайси бирини кредит пуллар шаклига киритиш мумкин?

- а) вексель;
- б) банкнота;
- в) чек;
- г) юқоридагиларнинг барчасини.

6. Кўплаб банкларнинг бири бўлган X банкда 10000 доллар миқдоридаги депозит мавжуд. Мажбурий захиралар меъёри МБ томонидан 25% деб белгиланган. Бу депозит бериладиган қарзлар суммасини камида қўйидаги миқдорда кўпайтиришга қодир:

- а) аниқ бўлмаган миқдорда;
- б) 7500 доллар;
- в) 10000 доллар;
- г) 30000 доллар;

7. Агар марказий банк ЯММ ҳажмини оширишга интилаётган бўлса, қўйидаги тадбирлардан қайси бирини бажармаслиги керак?

а) умумий ҳаражатлар даражасини ошириш мақсадида инвестиция ҳаражатларини кўпайтириш;

б) нақд пул эгалари диққатини кредитларга кўпроқ жалб қилиш мақсадида фоиз ставкаларини ошириш;

в) банклар томонидан ўзларининг пул кўринишида бўлмаган активларини оширишни рағбатлантириш учун банк резервларини кўпайтириши;

г) жорий ҳисоб рақамлардаги маблағларни кўпайтириш.

8. Фоиз ставкаси даражасидаги ўзгаришлар ЯММнинг қўйидаги қисмларидан қайси бирининг миқдорига кўпроқ таъсир кўрсатади:

- а) истеъмол ҳаражатлари;
- б) инвестициялар;
- в) давлат ҳаражатлари;
- г) экспорт.

9. Банк мультипликатори қандай аниқланади?

- а)  $\text{mult}_{\text{банк}} = R/D$ ;
- б)  $\text{mult}_{\text{банк}} = 1/r_r$ ;
- в)  $\text{mult}_{\text{банк}} = D \times (1 + rr)$ ;
- г)  $\text{mult}_{\text{банк}} = C/D$

10. Пул агрегатларининг ликвидлилиги ва даромадлилигининг ошиши тегишлича қандай йўналишда ҳаракатланади?

- а) L дан M0га томон, M0 дан L га томон\*
- б) L дан M0гача бир хил йўналишда;
- в) M0дан L гача бир хил йўналишда;

г) түғри жавоб мавжуд әмас.

11. Банкларнинг мажбурий захира меъёри қандай аниқланади?

а)  $R_{\text{мажб.}} = (D / rr)$ ;

б)  $R_{\text{мажб.}} = (Dxrr)$ ;

в)  $R_{\text{мажб.}} = (Dx / rr)$ ;

г)  $R_{\text{мажб.}} = (1 / (Dxrr))$ .

12. Пул базасини ҳисоблаш формуласини кўрсатиб, тушунтириб беринг:

а)  $H = (C + R)$ ;

б)  $H = (C/D)$ ;

в)  $H = (1 / (C + R))$ ;

г)  $H = (R/D)$ .

13. Пул мультипликатори қандай аниқланади?

а)  $\text{mult}_{\text{пул}} = [(cr + 1) / (cr + rr)]$ ;

б)  $\text{mult}_{\text{пул}} = [(cr + 1)x (cr + rr)]$ ;

в)  $\text{mult}_{\text{пул}} = [(cr + rr) / (cr + 1)]$ ;

г)  $\text{mult}_{\text{пул}} = [(cr + rr)x (cr + 1)]$ .

14. Депонентлаш меъёри қандай аниқланади?

а)  $cr = (Cx D)$ ;

б)  $rr = (R/D)$ ;

в)  $cr = (C/D)$ ;

г)  $rr = (RxD)$ ;

## Масалаларни ечинг

1. Пул базаси  $H = 300$ ; мажбурий захиралар  $R = 130$ ; депозитлар  $D = 790$ ; пул массаси  $M = 960$  га тенг бўлганда пул мультипликаторини ҳисоблаб топинг.

2. Агар номинал пул таклифи 10% га ошса, нархлар даражаси 8%га ортса, у ҳолда пулнинг миқдорий назариясига асосан пул муомаласи тезлиги ўзгармас шароитда реал даромад неча фоизга ўзгаради?

3. Депонентлаш ва захира меъёрлари коэффициентларининг куйидаги миқдорларида пул мультипликаторини ҳисоблаб топинг:

а)  $c = 0,5; r = 0,25$ ;

б)  $r = 1; c = 1$  дан кичик бўлган ҳар қандай катталик.

4. Депонентларнинг захира меъёри 0,35 ва депонентлаш коэффициенти 0,3 га тенг бўлганда:

а) пул мультиликатори катталигини ҳисобланг;

б) агарда МБ пул таклифини очик бозордаги операциялар орқали 350 млн.сўмга оширишга қарор қилса, у қанча миқдорда (сўмга) давлат облигацияларини сотиб олиши керак бўлади?

## VII – боб

1. Пул-кредит (монетар) сиёсатига таъриф беринг. Унинг асосий воситаларини тушунтириб беринг.

2. Пул-кредит (монетар) сиёсатнинг мақсадини тушунтириб беринг.

3. Иқтисодиётга МБ нима учун керак ва ўз мақсадига эришишда у нималарни амалга оширади?

4. Мажбурий заҳира меъёри деганда нимани тушуниш лозим ва у қандай аниқланади? Кредит имкониятлари чи?

5. Мажбурий заҳира меъёри воситасидан МБ нима учун ва қандай фойдаланади?

6. Ҳисоб фоиз ставкаси, унинг ўзгариши тижорат банкларининг кредит имкониятлари катталигига ва пул базасига қандай таъсир кўрсатади?

7. Очик бозордаги операциялар орқали Марказий банк иқтисодиётдаги пул массаси ҳажмини тартибга солиши ва кўп ҳолларда бундай операциялар МБ томонидан РЕПО шаклида амалга оширилишини тушунтиринг.

8. Юмшоқ ва қаттиқ пул-кредит сиёсати деганда нимани тушунмоқ керак?

9. Рағбатлантирувчи ва ушлаб турувчи пул-кредит сиёсатини график орқали тушунтиринг.

10. Иқтисодиётга пул таклифи ўзгаришининг таъсир этиш механизми, «пул трансмиссияси механизми»ни тушунтиринг.

11. Монетар сиёсатнинг афзалликлари ва камчиликлари нималардан иборат?

12. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки пул-кредит сиёсатини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини айтиб беринг.

### Тестларга ягона бўлган тўғри жавобни топинг

1. Ҳисоб ставкаси:

а) МБ очик бозорда сотиб оладиган давлат облигацияси курси;

б) МБ тижорат банклариға ссудага берадиган фоиз ставкаси;  
в) тижорат банклари заҳиралари умумий ҳажмининг ошиши;  
г) МБнинг пул массаси ва ЯИМ ҳажмининг ошишига таъсир этиш даражаси.

2. Рағбатлантирувчи монетар сиёсатда агар МБ пул таклифини оширишга қаратилган чора-тадбирларни ўтказмоқчи бўлса, у:

- а) заҳира меъёри талабарини камайтиради;
- б) ҳисоб фоиз ставкасини пасайтиради;
- в) МБнинг давлат қимматбаҳо қоғозларини сотиб олади;
- г) барча жавоблар тўғри.

3. Мажбурий заҳира меъёри ошса:

- а) банкнинг кредитга берадиган маблағлари қисқаради;
- б) унинг кредит имкониятлари камаяди;
- в) банк мультиликатори миқдорини ошишига олиб келади;
- г) а) ва б) жавоблар тўғри.

4. Марказий банк томонидан давлатнинг қимматбаҳо қоғозлари сотиб олинса, у ҳолда:

- а) тижорат банкларининг МБ даги ҳисоб рақамида уларнинг заҳиралари ортади;
- б) тижорат банкларининг МБ даги ҳисоб рақамида уларнинг заҳиралари камаяди;
- в) банкларнинг кредит имкониятлари ортиши депозит (мультиликатив) кенгайишга олиб келади;
- г) а) ва в) жавоблар тўғри .

5. Ушлаб турувчи (чекланувчи) монетар сиёсатда МБ пул таклифини камайтиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширса, у ҳолда:

- а) заҳира меъёри талабарини камайтиради;
- б) ҳисоб фоиз ставкасини пасайтиради;
- в) МБнинг давлат қимматбаҳо қоғозларини сотиб олади;
- г) тўғри жавоб йўқ.

6. Агарда иқтисодиётда пасайиш юз бераётган бўлса, бундай ҳолатда иқтисодиётдаги пул трансмиссияси механизмининг тўлиқ мантиқий кетма-кетлигини белгиланг:

- а) МБ давлатнинг қимматбаҳо қоғозларини сотиб олади → тижорат банкларининг кредит имкониятлари ортади → банклар кредитларни кўпроқ беради → пул таклифи мультиликатив тарзда ортади → фоиз ставкаси (кредит нархи) тушади → фирмалар арzon кредитларни катта хоҳиш билан оладилар → инвестицион

ҳаражатлар кўпаяди → ялпи талаб ортади → ишлаб чиқариш ҳажми мультиликатив равища ошади \*

б) МБ давлатнинг қимматбаҳо қоғозларини сотади → тижорат банкларининг кредит имкониятлари камаяди → фоиз ставкаси (кредит нархи) ошади → фирмалар қиммат кредитларни кам оладилар → инвестиция ҳаражатлари камаяди → ишлаб чиқариш ҳажми мультиликатив равища пасаяди;

в) МБ давлатнинг қимматли қоғозларини сотади → тижорат банкларининг кредит имкониятлари чекланади → пул таклифи мультиликатив равища қисқаради → фоиз ставкаси (кредит нархи) ошади → фирмалар томонидан қиммат кредитларга талаб пасаяди → инвестиция ҳаражатлари қисқаради → ялпи талаб камаяди → ишлаб чиқариш ҳажми пасаяди;

г) тўғри жавоб мавжуд эмас.

### **Масалаларни ечинг**

1. Тижорат банкининг умумий заҳиралари 220млн., депозитлари 950млн. пул бирлигига teng. Депозитларининг мажбурий захира меъёри 20% ни ташкил этади. Агар банк ўзининг барча ортиқча заҳираларини кредит бериш учун сарфласа, бундай ҳолатда пул таклифи қандай ўзгариши мумкин?

2. Мажбурий захира меъёри 20% га teng бўлганда, тижорат банки депозитлардан яна 5% ини ортиқча захира кўринишида сақлаб қўйган. Депозитлар миқдори 10000 пул бирлигини ташкил этади. Тижорат банки максимал қанча миқдорда кредит бера олиши мумкин бўлади?

### **VIII боб Муҳокама учун саволлар**

1. Давлатнинг фискал сиёсати деганда нимани тушунмоқ лозим?

2. Фискал сиёсат инструментлари.

3. Фискал сиёсат инструментларининг ялпи талаб (AD)га таъсирини тушунтиринг.

4. Фискал сиёсат турлари.

5. Давлат бандликни ошириш ва иқтисодий ўсишни рағбатлантириш учун фискал сиёсатни қандай олиб бориши керак?

6. Фискал сиёсат инструментларининг ялпи таклиф (AS)га таъсирини тушунтиринг.

7. Лаффер эгри чизигини график орқали тушунтириб беринг.

8. Давлат бюджети деганда нимани тушунмоқ лозим?

9. Давлат бюджетидан ўз вазифаларини бажариш мақсадида ҳукумат қандай йўналишларда ҳаражатлар қиласди?

10. Давлат бюджети даромадининг асосий манбааларини айтиб беринг.

11. Давлат бюджети ҳолати қандай кўринишларда бўлади?

12. Давлат бюджети тақчиллиги ва унинг қандай кўринишлари мавжуд?

13. Давлат бюджетининг концепцияларини тушунтиринг.

14. Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштиришнинг қандай йўллари мавжуд?

15. Давлат қарзининг турлари ва унинг салбий оқибатлари.

### **Тестларга ягона бўлган тўғри жавобни топинг**

1. Фискал сиёсатнинг воситалари:

а) давлат бюджетининг даромадлари ҳисобланади;

б) давлат ҳаражатлари, солиқлар ва трансфертлар;

в) давлат бюджетининг ҳаражатлари ҳисобланади;

г) барча жавоблар тўғри.

2. Фискал сиёсат инструментларининг ялпи талабга таъсирини айтиб беринг:

а) давлат ҳаражатларининг ўзгариши ялпи талабга тўғридан-тўғри, солик ва трансфертлар эса ялпи талабга билвосита таъсир этади;

б) давлат ҳаражатларининг ўзгариши ялпи талабга билвосита, солик ва трансфертлар эса ялпи талабга тўғридан-тўғри таъсир этади;

в) ялпи талабга давлат ҳаражатларининг ўзгариши, солик ва трансфертлар тўғридан-тўғри таъсир этади;

г) ялпи талабга давлат ҳаражатларининг ўзгариши, солик ва трансфертлар билвосита таъсир этади.

3. Рағбатлантириувчи фискал сиёсат воситалари:

а) давлат ҳаражатларини камайтириш;

б) солиқларни ошириш;

в) трансферт тўловларини камайтириш;

г) барча жавоблар түғри.

4. Дискрецион фискал сиёсат деганда:

а) автоматик стабилизаторларнинг таъсир этиши билан боғлиқ бўлган сиёсатни тушунмоқ керак;

б) ҳукуматнинг қонуний (расмий) равишда иқтисодиётни барқарорлаштириш мақсадида солиқларни ўзгартириши тушунилади;

в) ҳукуматнинг қонуний (расмий) равишда иқтисодиётни барқарорлаштириш мақсадида давлат ҳаражатларини, солик ва трансферларни ўзгартириши тушунилади;

г) түғри жавоб мавжуд эмас.

5. Солиқларнинг ялпи таклифга таъсирини ўрганган олим:

а) Ж.М.Кейнс;

б) А.Маршалл;

в) А.Лаффер

г) У. Петти.

6. Стагфляцияга қарши курашда 80-йилларда А. Лаффер ўзининг гипотетик эгри чизиги ёрдамида :

а) солик ставкасини ошириш чорасини таклиф этди;

б) солик ставкасини тушириш чорасини таклиф этди;

в) давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириши назарда тутди;

г) даромадларни оширишни кўзда тутган эди.

7. Давлат бюджетининг концепциялари ичida бюджетнинг йилига баланслашуви концепцияси деганда:

а) ҳар йили баланслашган бюджет бўлишини зарур деб ҳисобламайди, муҳими бюджет иқтисодиётнинг маълум бир даври давомида баланслашган бўлиши лозим;

б) давлатнинг бюджетни баланслаштиришга қаратилган эмас, балки иқтисодиётни барқарорлаштиришга эришишни мақсад қилиб қўйган концепцияси назарда тутилади;

в) иқтисодиёт даврининг ҳар қандай фазасида йилига бюджет ҳаражатлари даромадларига тенг бўлиши тушунилади;

г) барча жавоблар түғри.

8. Давлатнинг иқтисодиётни барқарорлаштиришга эришишни мақсад қилиб қўйган Кейнснинг концепциясида:

а) энг аввало бюджетни тартибга солишда унинг воситаларидан фойдаланиш шарт деб ҳисобланган;

- б) унинг назарияси рецессия, яъни иқтисодиётнинг пасайиш даври билан курашишга йўналтирилган;
- в) бюджет тақчиллигининг сурункали бўлиб қолишига ва макроиқтисодий муаммолардан бири ҳисобланиб, инфляция жараёнларнинг кучайишига олиб келди;
- г) барча жавоблар тўғри.

## **Инновацион педагогик технологияларни қўллаш бўйича тавсиялар**

<b>Қўлланиладиган усул ёки технология</b>	<b>Таянч иборалар</b>
<b>Кластер</b>	Фискал сиёsat Давлат бюджети
<b>Вена диаграммаси</b>	Фискал сиёsat Монетар сиёsat
<b>«Муаммо» технологияси</b> - муаммонинг пайдо бўлиш сабаблари; - муаммони ҳал этиш йўллари	1. Давлат бюджети камомади 2. Сиқиб чиқарувчи самара 3. Давлат қарзлари
<b>Вена диаграммаси</b>	- давлатнинг ички қарзлари; - давлатнинг ташқи қарзлари

## **IX – боб Муҳокама учун саволлар**

- Нима сабабдан иқтисодиётда товар ва пул бозорларининг ўзаро алоқадорлиги жараёни ўрганилади?
- IS-LM моделининг мазмунини ва нима сабабдан ушбу модел Хикс-Хансен модели деб аталади?
- IS эгри чизиғини ҳосил қилишда нималар асос бўлади?
- IS эгри чизиғини таҳлил этишда фоиз ставкасининг ўзгариши автоном ҳаражатларининг таркибий қисмларига таъсир кўрсатишини батафсил тушунтиринг.
- IS эгри чизиғи қандай ясалишини тушунтириб беринг.
- LM эгри чизиғини ҳосил қилиниши асосида кейнсча ликвидлиликни афзал кўриш назарияси ётади, уни пул бозоридаги мувозанат орқали тушунтириб беринг.

7. LM эгри чизигининг ясалишини батафсил тушунтириб беринг.

8. Товар ва пул бозорида мувозанат қандай ўрнатилади?

### **Тестларга ягона бўлган тўғри жавобни топинг**

1. IS-LM моделида фоиз ставкаси қандай ўрнатилади?

а) товар бозорининг меҳнат бозори билан ўзаро алоқаси орқали;

б) товарлар бозорида талаб ва таклиф мувозанати туфайли;

в) пул ва товарлар бозоридаги боғлиқлик натижасида;

г) пул бозорида талаб ва таклиф мувозанати туфайли.

2. Куйидагиларнинг қайси бири IS-LM моделида тахмин қилинади?

а) истеъмол ҳажми фақат жорий даромадга боғлиқ;

б) инвестициялар ҳажмини миллий даромад ҳажми белгилаб беради;

в) жамғармалар фоиз ставкаси функцияси ҳисобланади;

г) иқтисодиётда нархлар даражаси ўзгармас катталик.

3. Товар ва пуллар бозорларида мувозанатли эгри чизикларнинг кесишуви:

а) фоиз ставкаси ва даромад даражаларининг ҳар икки бозордаги мувозанатини бир вақтнинг ўзида таъминлайдиган ягона миқдорини белгилаб беради;

б) нархлар даражаси ва даромад ўртасидаги мувозанат миқдорини кўрсатади;

в) товарлар бозоридаги ялпи талаб ва ялпи таклиф мувозанатини белгилайди;

г) фоиз ставкаси ва инвестициялар миқдори ўртасидаги боғлиқликни ифодалайди.

4. IS эгри чизигини ҳосил қилишда фоиз ставкасининг ўзариши автоном ҳаражатларининг қуйидаги таркибий қисмларига таъсир кўрсатади:

а) инвестиция ҳаражатлари, истеъмол ҳаражатлари, давлат ҳаражатлари ва соф экспорт;

б) инвестиция ҳаражатлари, истеъмол ҳаражатлари ва соф экспорт;

в) инвестиция ҳаражатлари, истеъмол ҳаражатлари ва экспорт ҳажми;

г) инвестиция ҳаражатлари, истеъмол ҳаражатлари ва импорт ҳажми;

## **Инновацион педагогик технологияларни қўллаш бўйича тавсиялар**

<b>Кўлланиладиган усул ёки технология</b>	<b>Таянч иборалар</b>
<b>Кластер</b>	IS-LM модели
<b>Вена диаграммаси</b>	IS модели LM модели
<b>«Муаммо» технологияси</b> - муаммонинг пайдо бўлиш сабаблари; - муаммони ҳал этиш йўуллари	Иқтисодиётда умумий мувозанатга эришиш

### **X – боб Муҳокама учун саволлар**

1. Иқтисодий ўсиш деганда нимани тушунмоқ лозим ва у қандай аниқланади?
2. Иқтисодий ўсишнинг макроиқтисодий назарияси қандай масалаларни ҳал этишга қаратилган?
3. График кўринишда иқтисодий ўсишни уч хил усулда тасвирлаб тушунтириб беринг.
4. Иқтисодий ўсишнинг экстенсив ва интенсив турларини тушунтиринг.
5. Иқтисодий ўсишнинг қандай омиллари мавжуд?
6. Иқтисодий ўсишга эришиш учун давлат ўз макроиқтисодий сиёсатида нималарга эътиборни қаратиши лозим?
7. Иқтисодий ўсишнинг афзалликлари ва камчиликларини тушунтириб беринг.
8. Е. Домар ва Р. Харрод иқтисодий ўсиш моделларининг умумийлиги ва уларнинг ҳар бирига хос алоҳида жиҳатлари нимада деб биласиз?
9. Акселератор нима ва ундан Р.Харрод моделида қандай фойдаланилган?

10. Иқтисодий ўсишнинг неоклассик моделларини характерлаб, уларни неокейнсча моделлардан фарқини тушунтириб беринг.

11. Р.Солоу моделини тушунтиринг ва у ўз моделида «олтин қоида»дан қандай фойдаланганлигини айтиб беринг.

12. А.Льюис иқтисодий модели мазмунини тушунтириб беринг.

### **Тестларга ягона бўлган тўғри жавобни топинг**

1. Мехнат унумдорлигига, ундан келиб чиқиб иқтисодий ўсиш ва унинг суръатларига қуйидаги омиллар таъсир этади:

- а) жисмоний капитал ва мехнат капитали;
- б) табиий ресурслар, технологик билимлар;
- в) мамлакатнинг халқаро майдондаги ўрни;
- г) а) ва б) жавоблар тўғри.

2. График усулда иқтисодий ўсишни қайси усулларда тасвиrlаш мумкин?

- а) реал ЯИМ эгри чизифи орқали;
- б) ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизифи орқали;
- в) AD-AS модели орқали;
- г) юқоридаги барча усуллар орқали.

3. Куйида келтирилганлардан қайси бири меҳнат унумдорлигининг ўсишига таъсир кўрсатмайди?

- а) технологик ўзгаришлар;
- б) ишловчилар сонининг кўпайиши;
- в) ишловчиларнинг таълим ва малака даражаси;
- г) ишлаб чиқариш самараси.

4. Иқтисодий ўсиш қуйидагича тасвиrlаниши мумкин:

а) ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизифининг чапга чилжиши билан;

б) ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизифининг ўнгга силжиши билан;

в) ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизифи ичida бир нуқтадан иккинчисига ҳаракат билан;

г) ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизифидан ташқарида бир нуқтадан бошқасига ҳаракат билан.

5. Куйида келтирилган кўрсаткичлардан қайси бири энг кўп даражада давлатнинг иқтисодий салоҳиятини белгилаб беради:

- а) ЯИМнинг номинал ҳажми;

- б) ЯИМнинг реал ҳажми;
- в) жон бошига тўғри келувчи номинал ЯИМ;
- г) жон бошига тўғри келувчи реал ЯИМ\*.

6. Фараз қилайлик, гипотетик иқтисодиётда 100нафар ишловчи банд бўлиб, уларнинг ҳар бири йилига 3000 соат ишлади. Меҳнат унумдорлиги соатига 20 долларни ташкил этади. Умумий ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми нечага тенг (долл.)?

- а) 300 000;
- б) 3 000 000;
- в) 6 000 000\*
- г) 2 800 000.

7. Е.Домар ўзининг иқтисодий ўсиш моделида:

- а) инвестицияларни ялпи талаб томонидан таҳлил қилди;
- б) уч тизимли тенгламани ҳосил қилди;
- в) инвестицияларни нафақат ялпи талаб, балки ялпи таклиф томонидан ҳам таҳлил қилди;
- г) б) ва в) жавоблар тўғри.

8. Р.Харрод ўз моделида:

- а) иқтисодиёт ўсишининг траекториясини тадқиқ этди;
- б) тадқиқотни индуцирланган (миллий даромад билан боғлиқ бўлган) инвестициялардан фойдаланиб олиб борди;
- в) давлат сиёсати билан боғлиқ бўлган автоном инвестициялар (даромадга боғлиқ бўлмаган)дан фойдаланди;
- г) акселератор назариясига асосланди;
- д) а), б), в) жавоблар тўғри.

9. Р.Солоу модели:

- а) инвестициялар, ишчи кучи сони ва техника тараққиёти ўртасидаги боғлиқлиқликни очиб бериш имкониятини беради;
- б) меҳнат капитали ва табиий ресурслар ўртасидаги боғлиқлиқни акс эттиради;
- в) ишчи кучи заҳирасини иқтисодий ўсишнинг асоси деб тушунтиради;
- г) Р.Солоу моделида техника тараққиёти ҳаёт даражаси узлуксиз юқори бўлишининг ягона шарти ҳисобланади.

10. А.Льюис ўз моделида:

- а) ишчи кучи заҳирасини иқтисодий ўсишнинг асоси деб тушунтиради;
- б) “аҳоли сони кўп, капитал танқис, табиий ресурслари чекланган” давлатлар учун қўллаш мумкин деб ўқтиради;

- в) меҳнат ресурсларининг бир қисмини қишлоқ хўжалиги соҳасидан саноатга қайта тақсимлаш ва шунинг асосида иқтисодий ўсиш суръатларини тезлаштириш мумкинлигини айтади;
- г) барча жавоблар тўғри.

## **Инновацион педагогик технологияларни қўллаш бўйича тавсиялар**

<b>Қўлланиладиган усул ёки технология</b>	<b>Таянч иборалар</b>
<b>Кластер</b>	Иқтисодий ўсиш
<b>Вена диаграммаси</b>	Е.Домар модели Р.Харрод модели Р.Солоу модели А.Льюис модели
<b>«Муаммо» технологияси</b> - муаммонинг пайдо бўлиш сабаблари; - муаммони ҳал этиш йўллари	1. Иқтисодий ўсиш 2. Меҳнат унумдорлиги 3. Аҳолининг юқори турмуш даражаси

## **XI – боб Муҳокама учун саволлар**

1. Жаҳон хўжалиги деганда нимани тушунасиз ва у қандай қилиб шаклланган?
2. Замонавий жаҳон хўжалиги жадал суръатларда ривожланишининг асосий омили нимада деб ҳисоблайсиз?
3. Жаҳон бозори, ундаги муносабатлар ва айирбошлиш қандай шаклларда амалга оширилади?
4. Ташқи иқтисодий муносабатларнинг энг муҳим шакли – ҳалқаро савдо ўз ичига нималарни олади?
5. Очиқ иқтисодиёт деганда нимани тушунмок керак?
6. Экспорт квотаси нима ва у қандай аниқланади? Импорт квотасичи?
7. Ишлаб чиқаришнинг ҳалқаро ихтисослашуви ва унинг қандай кўринишлари мавжуд?
8. Ишлаб чиқаришнинг интернационаллашуви, ихтисослашуви, кооперация тушунчаларининг мазмуни ва ўзаро алоқадорлигини тушунтириб беринг.

9. Халқаро иқтисодий муносабатлар қандай шаклларда амалга оширилади?

10. Жаҳон хўжалигининг асосий хусусиятларини тушунтиринг.

11. Иқтисодий интеграциялар ва интеграцион бирлашмаларнинг қандай асосий кўринишлари мавжуд?

12. Ташқи иқтисодий сиёсатнинг икки ўзаро бир-бирига мутлақо қарама-қарши бўлган тамойили мавжуд: эркин савдо (фритредерлик) ва ташқи савдони чеклаш (протекционизм). Уларни тушунтириб беринг.

13. Халқаро савдо назарияси, А.Смитнинг мутлақ устунлик назарияси ва Д.Рикардонинг нисбий устунлик назарияларини тушунтиринг.

14. ГАТТ, унинг такил топиши ва тамойилларини айтиб беринг.

15. Иқтисодий интеграция ва жаҳонда таркиб топган қандай интеграцион гурухларни биласиз?

### **Тестларга ягона бўлган тўғри жавобни топинг**

1. Мамлакатнинг жаҳон хўжалигига қўшилганлгини қўйидагиларнинг қайси бири кўпроқ даражада белгилаб беради?

а) табиий ресурслар истеъмолини чеклаб қўйиш;

б) миллий иқтисодиёт рақобатбардошлиқ даражасини ошириш;

в) мамлакатнинг озиқ-овқат, ёқилғи-энергетика ресурслари мустақиллигига эришиши;

г) экспорт квотаси 10% дан кам бўлганда.

2. Ташқи иқтисодий муносабатларнинг энг муҳим шакли бу -

а) ишлаб чиқариш кооперацияси;

б) халқаро савдо;

в) ишчи кучи миграцияси;

г) капитал миграцияси.

3. Ҳозирги пайтда халқаро айирбошлашнинг тез ривожланиб бораётган 2 та шаклини айтинг:

а) капитал миграцияси, яъни капитални юқори фойда кетидан бир мамлакатдан бошқасига кўчиб юриши;

б) ишлаб чиқариш кооперацияси;

в) ишчи кучларининг миграцияси ҳисобланади;

г) валюта муносабатлари.

4. Замонавий шароитларда иқтисодиётнинг очиқлик даражаси күйидагиларнинг қайси бирига боғлиқ:

а) ишлаб чиқариш ихтисослашувининг чуқурлашуви ва кооперациясига;

б) халқаро иқтисодий муносабатлар тизими орқали жаҳон тажрибаси ва илмий-техник ютуқларнинг кенг миқёсда тарқалишига;

в) халқаро рақобат ҳисобига рақобатли муҳитнинг шаклланишига;

г) юқоридагиларнинг барчасига.

5. Экспорт квотаси қандай аниқланади?

а) мамлакат экспорти ва импорти ўртасидаги фарқ билан;

б) маълум бир мамлакатнинг экспортини ЯИМ катталигига нисбати билан;

в) бутунжаҳон ЯИМида мамлакат экспорти улуши билан;

г) киши бошига тўғри келадиган ЯИМ.

6. Ташқи савдо айланмаси бу –

а) мамлакат экспорти и импорти қийматларининг айирмасидир;

б) мамлакат экспорти и импорти қийматларининг йиғиндисидир;

в)товар ва хизматлар экспортининг ЯИМга нисбати;

г) импортнинг мамлакат ички истеъмоли ҳажмига нисбати.

## **XII – боб** **Муҳокама учун саволлар**

1. Мамлакатнинг тўлов баланси деганда нимани тушунмоқ керак?

2.Тўлов баланси қандай уч бўлимдан иборат?

3. Марказий банк интервенцияси деганда нимани тушуниш керак ва қандай ҳолатларда МБ ундан фойдаланади?

4. Тўлов балансига қандай омиллар таъсир кўрсатади?

5. Валюта курси, номинал ва реал валюта курсини тушунтиринг.

6. Қандай шароитда мамлакат товарларининг рақобатбардошлиги ошиб, унинг товарларига талаб ортади, соғ экспорт миқдори катта бўлади?

7. Миллий валюта ва валюта курсининг қандай икки тури мавжуд?

8. Миллий валютага бўлган талаб ва таклиф нималарга боғлиқ?

9. Валюта курси ўрнатилишининг қаттиқ ва сузувчи тартиби мавжуд. Уларни тушунтиринг.

10. Ўзбекистонда ташқи иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятларини тушунтириб беринг.

### **Тестларга ягона бўлган тўғри жавобни топинг**

1. Тўлов баланси бўлимларини тўғри белгилаб қўрсатинг:

а) жорий операциялар ҳисоби, товарларнинг экспорт и импорти, хизматларнинг экспорт и импорти;

б) жорий операциялар ҳисоби, капитал ҳаракати ҳисоби, расмий заҳиралар ҳисоби;

в) жорий операциялар ҳисоби, капитал ҳаракати ҳисоби, соф трансферлар;

г) жорий операциялар ҳисоби, товарларнинг экспорт и импорти, соф трансферлар.

2. Валюта курсининг қандай 2 тури мавжуд:

а) девизли курс;

б) алмашиб курси;

в) тўғри ва тескари котировка;

г) барча жавоблар тўғри.

3. Валюта курси ўрнатилишининг қандай икки тартиби мавжуд?

а) қаттиқ валюта курси;

б) эгилувчан ёки сузувчи валюта курси;

в) девизли курс;

г) а) ва б) жавоблар тўғри.

## АТАМАЛАР ЛУГАТИ

**Абсолют ликвидилик** - пулларнинг тез ва ҳаражатларсиз бошқа бир активга (реал ёки молиявий) айирбошлиш мумкинлигидир. Инглиз тилида «liquid» сўзи, «суюқ, окувчан» маъносини англатади. Барча активлар ликвидилик хусусиятига эга, чунки уларни айирбошлиш ёки сотиш мумкин, аммо уларнинг ликвидилик даражаси турличадир. Фақат нақд пуллар абсолют ликвидилик хусусиятига эгадир.

**Абстрактлаштириш** - иқтисодий ҳодиса ва жараёнларни тадқиқ этиш ва тушунтиришда моделларни қўллаш.

**Автаркия** – давлатларнинг бошқа давлатлар иқтисодиётига боғлиқ бўлмаган мустақил миллий хўжалик яратишга қаратилган реакцион сиёсати.

**Автоном истеъмол** – шахсий истеъмол ҳаражатларининг ялпи миллий даромад ўзгаришига боғлиқ бўлмаган қисми. ШД нолга тенг бўлганда ҳам автоном истеъмол тўпланган мулк ва жамғармаларнинг камайиши ёки қарз ҳисобига амалга оширилиши мумкин бўлади.

**Автоном инвестициялар** – асосий капиталга қилинган инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулот ҳажми ўзгаришига боғлиқ бўлмаган қисми.

**Автоматик стабилизаторлар (барқарорлаштиргичлар)** – бюджет-солиқ сиёсатининг иқтисодий тебранишларнинг таъсирини автоматик тарзда камайтирувчи элементлари (ишсизлик, камбағаллик, ногиронлик бўйича нафақалар, кишиларнинг даромадлари бўйича соликлари, қўшимча қиймат солиғи ва бошқалар).

**Агрегатлаш** - алоҳида элементларни бир бутун агрегатга бирлаштириш бўлиб, у доимо абстрактлашга асосланади, яъни унчалик аҳамиятга эга бўлмаган жиҳатларни чиқариб ташлаб, аҳамиятга молик бўлган иқтисодий жараён ва ҳодисаларнинг қонуниятлари ажратиб қўрсатилади.

**Акселератор** – бу миллий даромаднинг ўзгаришига жавобан янги инвестицияларнинг неча маротаба ўсишини қўрсатувчи коэффициентdir.

**Активлар** – иқтисодий фаолият субъектларининг пул ва молиявий маблағлари, асосий ва айланма фондларининг қиймати.

**Актив тўлов баланси** - тўлов балансида тушумлар суммаси тўловлар суммасидан ортиқ бўлади.

**Америка модели** нисбатан либерал ҳисобланиб, унда ижтимоий тенгликка эришиш масаласи қўйилмайди. Бу модел тадбиркорликни рағбатлантиришга, аҳолининг нисбатан фаол қисмининг бойишига қаратилган. Аҳолининг кам таъминланган қисми турмуш даражасига мувофиқ қисман имтиёз ва нафақалар билан таъминланади. Бу модель юқори меҳнат унумдорлигига ва кишиларнинг шахсий муваффақиятига асослангандир.

**Амортизация** – фойдаланиш жараёнида асосий капитал қийматининг камайиши.

**Анъанавий иқтисодий тизим** элементлари барча иқтисодий тизимларнинг таркибида мавжуд бўлиб, бундай иқтисодий тизим анъана, урф-одатларга асосланади. У кўпинча иқтисодий жиҳатдан кам ривожланган давлатларда хукм суради. Бунда ишлаб чиқариш техникалари, айирбошлиш, даромадларни қайта тақсимлаш вақт белгилаб берган урф-одатларга асосланади.

**Аралаш иқтисодий тизим** соф бозор иқтисодиёти ва маъмурий- буйруқбозликка асосланган иқтисодий тизимлар элементларини синтезлаштиради, яъни бунда бозор механизми давлатнинг иқтисодий жараёнларга фаол аралашуви билан тўлдирилади.

**Аҳолининг харид қобилияти** – аҳолининг бозорда вужудга келган нархлар асосида товар ва хизматларни харид қилиш имконияти.

**Ахборот коммуникация технологиялари** - хусусий, умумий ва ишлаб чиқариш коммуникациясида ахборотлар тайёрлаш, қайта ишлаш ва етказиб бериш билан боғлиқ бўлган обьектлар, ҳаракатлар ва қоидалар, шунингдек барча технологиялар ҳамда санаб ўтилган жараёнларни бирлашган равишда таъминловчи соҳалар мажмуаси. АКТ тушунчасига микроэлектроника, компьютер ва дастурий таъминот, телекоммуникациялар ишлаб чиқиши ҳамда ишлаб чиқариш, Интернетдан эркин фойдаланишни таъминлаш, Интернетнинг ахборот ресурсларини таъминлаш, шунингдек санаб ўтилган соҳалар билан боғлиқ бўлган турли хил ҳодисалар ва бу фаолият соҳаларини тартибга солувчи расмий ва норасмий қоидалар киради.

**Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш** – аҳолини бозор иқтисодиётининг салбий ижтимоий ва иқтисодий оқибатларидан асраш,

шу оқибатларнинг аҳоли ижтимоий-иктисодий аҳволига таъсирини юмшатиш.

**Аҳолининг реал даромадлари** – нарх даражаси ўзгаришини ҳисобга олиб, аҳолининг ихтиёрида бўлган даромадга сотиб олиш мумкин бўлган товар ва хизматлар миқдори, яъни, аҳолининг ихтиёрида бўлган даромаднинг харид қуввати.

**“Ақлли кишиларнинг кетиб қолиши”** — мамлакатдан "интеллектуал элита" вакилларини чет элда ишга жойлашиш мақсадида чиқиб кетиши.

**Базель қўмитаси талаблари** – банк тизимининг барқарор амал қилиши ҳамда ўз мажбуриятларини бажара олишини таъминлаш учун ўрнатилган халқаро меъёрлар мажмуи бўлиб, у капиталнинг етарлилик даражасини, банкларни назорат қилиш жараёнига ҳамда бозор интизомига қўйилган талабларни ифодалайди.

**Бандлик** – меҳнатга лаёқатли аҳолининг ижтимоий фойдали меҳнат билан машғул бўлиши; фуқароларнинг шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ ва қонунга зид келмайдиган, меҳнат даромади берадиган фаолияти.

**Банкларнинг умумий капитали** – банкларнинг ўз фаолиятларини (банк операцияларини) амалга ошириш учун мўлжалланган молиявий ресурслари бўлиб, у банклар томонидан турли манбаалар орқали жалб этилган пул капиталидан иборат.

**Банк заҳиралари** – банкда сақланаётган нақд пуллар, Марказий банкда тижорат банклари томонидан сақланаётган фоизсиз депозитлар.

**Банклар капиталининг етарлилик даражаси** – бу жами капиталнинг рискка тортилган активларга нисбати бўлиб, у халқаро Базель келишувига қўра, камида 8 фоизни ташкил этиши керак.

**Банкнота** – бу банкнинг векселидир (қарзли мажбуриятидир). Замонавий шароитларда банкноталарни муомалага фақат МБ чиқариш ҳуқуқига эга бўлганлиги сабабли нақд пуллар МБнинг қарзли мажбуриятлари ҳисобланади.

**Банк тизими** – бу мамлакат ҳудудида тарихан шаклланган ва қонун билан мустаҳкамланган кредит ташкилотларининг фаолият кўрсатиш шакли.

**Банкнинг тўлов қобилияти** - бу унинг активлари миқдори энг камида унинг қарзларига teng бўлишидир. Банк активларига эса унинг бошқа шахс ва муассасалардан сотиб оладиган банкноталари

ва барча молиявий маблағлари (облигациялар и қарзли мажбуриятлари) киради. Облигациялар ва қарзли мажбуриятлар банк даромадининг манбай бўлиб хизмат қилади. Банкнинг қарзлари (liabilities) – унинг пассиви – бу мижознинг биринчи талаби бўйича қайтариб бериш мажбурий бўлган банкка қўйилган депозитларидир.

**Банк ликвидлилиги** – яъни банкнинг исталган вақтда омонатчиларнинг ҳар қанча сонига омонатларини бир қисми ёки ҳаммасини нақд пулда бера олишга қодирлигидир. Агарда банк барча депозитларни қофоз пулларда сақласа, у абсолют ликвидлиликка эга бўлади.

**Банкнинг актив операциялари** – банкларнинг келажакда даромад олиш мақсадида жамланган кредит маблағларини кредитларга ва инвестицияларга жойлаштирилиши ва бошқа мақсадли операцияларидир.

**Банкрот** – хўжалик суди томонидан эътироф этилган, қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини тўла ҳажмда қондиришга ёки мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини бажаришга қодир эмаслиги.

**Банк депозитлари** – жисмоний ва юридик шахсларнинг банк муассасаларига маълум муддатга ва муддатсиз омонат шаклида қўйилган бўш пул маблағлари.

**Банк кредити** - экспорт ва импортни кредитлашда ссуда формасида намоён бўлади ва у товарлар, товар ҳужжатлари, векселларни, ҳамда траттани гаровга олган ҳолда берилади. Баъзан банклар ўзларига чамбарчас алоқада бўлган йирик экспортёр- фирмаларга бланкли кредит, яъни расмий таъминланмаган кредитлар берадилар.

**Банкларнинг кредит портфели** – тижорат банклари томонидан берилган кредитларнинг умумий жамланмаси. Улар қуидагича таснифланади: а) яхши; б) стандарт; в) субстандарт; г) шубҳали; д) умидсиз. Тижорат банкларига маълум санага ссуда ҳисоб варақаларида қолган пул маблағлари мажмуаси (қолдиги).

**Банк-молия тизимининг барқарорлиги** – банкларнинг ва бошқа молия муассасаларининг ўз мажбуриятлари юзасидан талабларга тўла жавоб бера олиши. Бу ликвидлилик, капиталнинг етарлилиги, активлар сифати, рентабеллик кўрсаткичлари орқали аниқланади.

**Барқарорлик** – нарса ва ҳодисаларнинг амал қилиши ва ривожланишдаги ўзига хос муайянлик ҳолати.

**Барқарор иқтисодий мувозанат** - иқтисодиётнинг ҳар қандай (ички, ташқи) таъсирлар остида ҳам бозор механизми ёрдамида мустақил равишда яна ўзининг мувозанат ҳолатига қайта олишидир. Агарда иқтисодиёт ташқи таъсирлар остида юз берган бекарорлик ҳолатидан мустақил равишда барқарорликка қайта олмаса, у ҳолда иқтисодиёт *бекарор мувозанатликка* юз тутади.

**Бевосита инвестиция** – капитал қўйилмаларни инвестор томонидан тўғридан-тўғри инвестиция объектларга йўналтирилиши назарда тутилади.

**Бизнес** – фойда олишга қаратилган (эҳтиёж ва муҳтожликни қондириш натижасида) тадбиркорлик фаолиятини англатади.

**Билвосита инвестиция** – воситачи молиявий ташкилотлар орқали инвесторлар томонидан капитал қўйилмаларнинг қўйилиши тарзида ифодаланади.

**Бозор конъюнктураси** – муайян вақт мобайнида товарлар бозорининг ҳолатини тавсифловчи вақтинчалик иқтисодий вазият бўлиб, қуидаги белгилар орқали аниқланади: ички ва ташқи савдодаги ўзгаришлар; ишлаб чиқариш ва қурилиш динамикаси; товар заҳиралари ҳаракати; нархлар динамикаси ва бошқалар.

**Божхона божи** - товарлар давлат чегарасини кесиб ўтганда солинадиган маҳсус пул солиги.

**Божхона иттифоқи** — икки ва ундан ортиқ давлатларнинг бир-бирига ва учинчи мамлакатларга нисбатан соддалаштирилган тариф сиёсатини ўтказишидир.

**Божхона тарифи** — товар оқимларининг чегарани кесиб ўтишида давлат томонидан олинадиган, солиқ микдори кўрсатилган тартибланган товарлар рўйхати.

**Бюджет профицити** – муайян даврда бюджет даромадларининг бюджет ҳаражатларидан ортиқ бўлган микдори.

**Бюджет дефицити (тақчиллиги)** – бюджет ҳаражатларининг бюджет даромадларидан ортиб кетиши натижасида вужудга келган тақчиллик.

**Валюта** — маълум бир давлатнинг қонун билан ўрнатилган пул воситаси (миллий валюта), бир ёки бир неча етакчи мамлакатларнинг валютаси кўринишидаги жаҳон резерв пуллари, Халқаро валюта фонди ва Европа валюта тизими аъзолари

томонидан кўп томонлама ҳисоб-китобларда фойдаланиладиган халқаро валюта бирликлари.

**Валюта бозори** - турли мамлакатлар миллий пул бирлиги(валюта) ўзаро бир-бирига айирбошланадиган бозор.

**Валюта курси** – мамлакат пул бирлигининг бошқа мамлакат пул бирлигига ифодаланган баҳоси.

**Валюта тушуми** – товар ва хизматларни экспорт қилиш, шунингдек, халқаро кредитлар ҳисобига хорижий валюталарнинг келиб тушиши.

**Вексель** – бу бир иқтисодий агент (хусусий шахс)нинг бошқа бир иқтисодий агентдан маълум бир микдорда ва маълум вактга олган қарзини фоизли мукофоти билан қайтариши шарт бўлган мажбуриятли қарзидир.

**ГАТТ**- Савдо ва тарифлар бўйича Бош келишув — ташқи савдо операцияларини ўtkазишида белгиланган тамойилларга амал қилишга рози бўлган мамлакатларни бирлаштирувчи савдо ва тариф масалалари бўйича халқаро акт.

**Гиперинфляция**— ҳаддан ташқари инфляция, нархнинг шиддат билан ўсиши, пул қадрининг ғоят тез пасайиши, пул топишга интилишнинг минимал даражага келиши билан характерланади.

**Гипотеза** - бирор-бир ҳодисани тушунтириш учун илгари сурилаётган илмий таҳмин, аммо амалда ҳали ўз тасдиғини топиши ва назарий жиҳатдан тўғри бўлиши учун назарий асосланган бўлишни талаб этади.

**Глобал молиявий-иқтисодий инқироз** – жаҳоннинг деярли барча мамлакатларида молиявий, ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда мутаносиблик ва нисбатларнинг кескин издан чиқиши натижасида бекарорлик ва чуқур танглик ҳолатларининг вужудга келиши.

**Глобал муаммолар** — оламшумул аҳамиятга эга бўлган ва ўз ечимини топишида жаҳондаги барча мамлакатларнинг биргаликдаги ҳаракатларини талаб этувчи цивилизациямизнинг энг долзарб масалалари.

**Давлат** - унга тегишли барча муассаса ва ташкилотлар сиёсий ва юридик ҳуқуқга эга ва у мамлакат иқтисодиётини тартибга солишда иқтисодий жараёнларга таъсир этади.

**Давлат бюджети** – давлатнинг даромад ва ҳаражатлари, ҳамда уларни молиявий таъминлаш манбаларининг тартиблаштирилган режаси.

**Давлат инвестицияси** – давлат бюджети ва бюджетдан ташқари давлат фондлари ҳамда давлат корхоналари томонидан капиталлар қўйилишини ифодалайди.

**Давлат қарзлари** – давлатнинг мамлакатда қимматли қоғозларни чиқариш шаклидаги, турли бюджетдан ташқари фондлардан (ички қарз), ҳамда хорижий давлатлардан, улардаги жисмоний ва юридик шахслардан, шунингдек, халқаро молиявий ташкилотлардан (ташқи қарз) олган қарзлари.

**Давлат ички қарзлари** – давлат томонидан ички маблағни жалб қилиш натижасида вужудга келган мажбуриятларининг йиғиндиси.

**Давлат ташқи қарзи** – давлат томонидан хориждан маблағ жалб қилиш натижасида вужудга келган мажбуриятларининг йиғиндиси.

**Давлатнинг мақсадли жамғармалари** – давлат бюджети таркибида жамланадиган жамғармалар бўлиб, уларнинг ҳар бири учун маблағлар манбалари, ҳар бир манбаадан маблағ тушиши меъёрлари ва шартлари, шунингдек шу маблағлардан фойдаланилиши мумкин бўлган мақсадлар қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

**Даромад солиги** – фуқароларнинг муайян давр (бир йил) давомида ялпи даромадидан олинадиган мажбурий тўлов (солик).

**Даромад солиги ставкалари** – аҳоли даромадларидан табақалаштирилган ҳолда олинадиган соликларнинг фоизлардаги даражалари.

**Девальвация** – қайд қилинган валюта курси тизими амал қилаётган шароитда ҳукумат томонидан миллий валютанинг бошқа валюталарга нисбатан курсини туширишга қаратилган тадбири. Девальвация тўлов баланси тақчиллигини бартараф қилиш, экспортни арzonлаштириш, импортни қимматлаштириш имконини беради.

**Дедукция** - умумийликдан хусусийликка, назариядан фактларга мурожаат қилиш орқали амалдаги жараёнларни текшириб тасдиқлаш ёки инкор этиш усули.

**Декрет пуллар** - давлат томонидан умумий тўлов воситаси сифатида қонунан тасдиқланган пуллардир.

**“Демографик портлаш”** — жаҳоннинг кам ривожланган ва камбағал мамлакатларида назорат қилиб бўлмайдиган даражада аҳоли сонининг ўсиши.

**Демпинг** – экспорт товарларини бозорнинг ўртача нархидан, ҳатто таннархидан ҳам пастроқ нархда сотиш. Бу усул бозорни эгаллаш, рақобатчиларни синдириш мақсадида қўлланилади.

**Депозит** – лотинча сўздан олинган бўлиб, луғавий маъноси-сақлаш учун топширилган буюм маъносини билдиради. Банк депозитлари – жисмоний ва юридик шахсларнинг банк муассасаларига маълум муддатга ва муддатсиз омонат шаклида қўйилган бўш пул маблағлари.

**Дефицит** – бирор нарсанинг етишмаслиги, камчилиги. Жумладан, товарлар етишмаслиги, бюджет маблағларининг етишмаслиги.

**Дефляция** – инфляция даврида муомаладаги қоғоз пулни камайтириш. Давлат томонидан муомаладаги пул миқдорини камайтиришга қаратилган молия ва пул - кредит тадбирларини қўллаш орқали амалга оширилади. Иқтисодиётда нархлар умумий даражасининг пасайиши.

**Диверсификация** – (лотинчадан *diversus*- ҳар хил ва *facere*-қилмоқ, бажармок) – ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш, маҳсулот ва хизматларни сотиш бозорларини кенгайтириш мақсадида тармоқ ва корхоналар фаолият соҳаларини кенгайтириш, маҳсулот ва хизматлар ассортиментларини кўпайтириш.

**Дивиденд** – акционерлик жамияти соғ фойдасидан акция эгаларига тўланадиган қисми бўлиб, у акционерларга нақд пул ёки акциялар билан тўланади.

**Дотация** - бюджет ва бюджетдан ташқари фондлардан қайтариб олмаслик шарти билан хўжаликларнинг заарларини қоплаш, шунингдек, маҳаллий бюджетлар мутаносиблигини таъминлаш учун ажратилган пул маблағлариdir.

**Евро** - универсал европа ҳисоб-китоб-тўлов бирлиги бўлиб, ЕИга аъзо мамлакатлар ҳудудида ЭКЮ ўрнига жорий этилган.

**Европа валюта тизими (ЕВТ)** - ЕИ аъзоларининг ҳудудий валюта гуруҳи.

**Европа Иттифоки (ЕИ)** - Европанинг 28та давлатини бирлаштирувчи иқтисодий ва сиёсий гурух.

**Ёпиқ иқтисодиёт** - хусусий ва давлат секторини бирлаштирувчи иқтисодиёт.

**Жаҳон банки** – 1944 йилда Халқаро валюта жамғармаси билан бир вақтда тузилган биринчи давлатлараро инвестиция институти бўлиб, ўз фаолиятини 1946 йил 25 июнда бошлаган.

**Жаҳон баҳоси** - талаб ва таклиф эгри чизиқлари таъсирини ҳисобга олган ҳолда миллий нарх кўрсаткичлари таъсирида халқаро савдо марказларида ҳосил бўладиган нарх.

**Жаҳон бозори** — моддийлаштирилган ва моддийлаштирилмаган кўринишидаги ижтимоий маҳсулотни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлиш ва истеъмол босқичларини ўз ичига олувчи ХИМ субъектлари (миллий ва ҳудудий иқтисодиётлар, халқаро ташкилотлар ва корпорациялар)нинг ўзаро иқтисодий таъсиралиш глобал муҳитидир.

**Жаҳон бозори конъюнктураси** - жаҳон товар бозорларида сотиш шарти, ушбу бозорлардаги талаб, таклиф, нархлар даражаси, уларнинг ўзгариш тенденциялари.

**Жаҳон молия институтлари** – жаҳон молиявий ва иқтисодий тизими барқарорлигини таъминлаш мақсадида ушбу жараёнларни тартибга солиш, мувофиқлаштириш бўйича чора-тадбирларини ишлаб чиқувчи, турли восита ва йўллар билан қўллаб-қувватловчи ва тавсиялар берувчи халқаро ва миллий молиявий ташкилотлар.

**Жаҳон молия-валюта тизими** – халқаро валюта ва молиявий муносабатларнинг давлатлараро битимларда келишилган ҳолда амал қиласидиган шакли, халқаро миқёсда хизмат қилувчи молиявий муассасалар мажмуаси.

**Жаҳон савдо ташкилоти** – халқаро савдони институционал ва хуқуқий асосини ташкил этувчи мустақил давлатлараро ташкилот.

**Ижтимоий соҳа** – аҳолининг муносаб турмуш шароити ва фаровонлигини таъминлашга хизмат қилувчи соҳа ва тармоқлар мажмуаси. Булар қаторига уй-жой фонdlари, соғлиқни сақлаш, таълим, спорт, маданият муассасалари ва бошқа тузилмаларни киритиш мумкин.

**Иммиграцион квота** — хорижий фуқароларнинг кириб келишини давлат томонидан миқдорий чеклаш.

**Импорт** – мамлакат ички бозорларида сотиш учун чет эл маҳсулотларини, капиталини, технология ва хизматларини олиб келиш. Импорт халқаро меҳнат тақсимоти натижасидир. У вактни тежашга, иқтисодиёт, аҳоли эҳтиёжини қондириш вазифаларини муваффақият билан ҳал қилишга кўмаклашади.

**Импортга чегараланган мойилик** – импортга қилинган ҳаражатлардаги ўзгаришнинг ЯИМ ўзгаришига нисбатан улуши, импортга қаратилган ҳаражатлар ҳиссаси.

**Инвестиция** – бу иқтисодий самара (фойда, даромад) олиш ёки ижобий ижтимоий натижага эришиш учун сарфланадиган пул маблағлари, банкларга қўйилган омонатлар, пайлар, қимматли қофозлар (акция, облигациялар), технологиялар, машиналар, асбобускуналар, лицензиялар ва самара берадиган бошқа ҳар қандай бойликлардир. Инвестиция ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида мамлакат ёки чет элларда иқтисодиётнинг турли тармоқларига узоқ муддатли капитал киритиш бўлиб, унинг молиявий ва реал турлари мавжуд.

**Инвестор** – хусусий ва қарзга олинган мулкий ва интеллектуал қийматларни сарфлаш ҳакида қарор қабул қилувчи инвестиция фаолияти субъекти.

**Инвестициявий жозибадорлик** – инвестиция обьектларини таснифлаш ва баҳолаш, рейтинг орқали таққослашни амалга ошириш, турли иқтисодий ривожланиш босқичлари ва даражасидаги хўжалик ҳамда инвестиция жараёнларини қиёшлаш орқали таҳлил қилиш.

**Инвестиция мухити** – инвестициялар жозибадорлиги ҳамда хавф-хатар даражасини белгилаб берувчи ижтимоий-иқтисодий, молиявий ва сиёсий омиллар мажмуи.

**Инвестиция фаолияти** - инвестиция мақсадларини амалга ошириш билан боғлиқ фаолият. Инвестиция комплекси ташкилотлари орқали амалга оширилади.

**Инвестиция фаолияти иштирокчилари** - буюртмачилар, пудратчилар, етказиб берувчилар, банклар, сугурта компаниялари, лойиҳаловчилар, воситачилар, илмий-маслаҳат фирмалари, ўз мамлакатида қонунчиликка кўра инвестициявий мулк эгалари (тасарруфчилари) ёки буюртмалардан фойдаланувчи сифатида қатнаша оловчи хорижий ташкилотларни киритиш мумкин.

**Инвестициявий фаоллик** – турли иқтисодий субъектлар (давлат, корхона ва ташкилотлар, жамғармалар ва х.к.)ning даромад олиш мақсадида миллий ёки хорижий иқтисодиётларга инвестиция ресурсларини киритишга интилиши.

**Инвестициявий кредитлар** – ишлаб чиқаришни кенгайтириш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, модернизациялаш ва реконструкция қилиш, янги бино ва иншоотларни қуриш учун зарур бўлган воситалар ҳамда қимматли қофозларни сотиб олиш мақсадида олинган узоқ муддатли кредитлар.

**Инвестиция сиёсати** – савдо менежменти умумий стратегиясининг бир қисми бўлиб, корхонани ривожлантириш учун активларни кенгайтиришнинг энг самарали йўлларини тиклашни назарда тутади.

**Инвестиция дастури** – ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида мамлакат ёки чет элларда иқтисодиётнинг турли тармоқларига узоқ муддатли капитал киритиш учун ишлаб чиқилган дастур.

**Инвестиция лойиҳаси** - маълум ҳаракатларни амалга оширувчи, яъни келгусида фойда олиш мақсадида капитал қўйилишига асосланган, ташкилий-ҳукуқий ва молиявий ҳисобкитоб ҳужжатлари тизими.

**Инвестициявий ҳамкорлик** халқаро иқтисодий муносабатларнинг бир кўриниши бўлиб, ресурсларни рационал тақсимлаш, халқаро меҳнат тақсимотида иштирок этиш натижасида унинг устунликларидан фойдаланиш орқали нисбатан юқори натижаларга эришиш, технологик ишлаб чиқариш тузилмасини янгилаш кабиларни мақсад қилган.

**Индексация** – иқтисодиётдаги нархларнинг ўртача даражаси ўзгаришига боғлиқ равишда иш ҳақи ва бошқа даромадларни тузатиш, келиштириш.

**Индоссамент** - вексель олиб пулни олмаган киши уни бошқа бир одамга бериши ва бунда унинг вексел берилганлиги ҳақида ёзувни битишидир.

**Индукция** - фактларни йиғиб, уларни бир тизимга келтириш ва таҳлил қилиш, сўнгра уларни умумлаштириш ва хулоса чиқариш усули.

**Инъекциялар** - мамлакат ичидаги ишлаб чиқарилган ҳар қандай маҳсулот ҳажмига истеъмолдаги ўзгариш туфайли қилинган қўшимча ҳаражатлардир.

**Инновацион технологиилар** – иқтисодиётга янгиликларни татбиқ этиш босқичларида қўлланилувчи усул ва воситалар мажмуи бўлиб, ўз ичига жорий этиш, тренинг, консалтинг, трансферт, аудит, инжиниринг каби турларини олади.

**Интернет хизматлари** - интернет тармоғи абонентларига амалий баённомалар томонидан тақдим этилувчи функционал имкониятлар мажмуи: электрон почта, файлларни қабул қилиш ва узатиш, веб-ҳужжатларни ўқиш, онлайн мулоқот (чат), терминал

орқали эркин фойдаланиш, тармоқда ҳужжатларни сақлаш ва ишлаш ва х.к.

**Инфляция** – пул муомаласи қонунларининг бузилиши натижасида миллий валютанинг қадрсизланиши, нархларнинг ўсиши.

**Инфляция даражаси** – маълум вақт ичида (ой, йил) нархлар даражасининг фоиздаги ўзгариши.

**Инқирозга қарши чоралар дастури** – Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан 2009-2012 йилларга мўлжалланиб инқирозга қарши ишлаб чиқилган чоралар дастури бўлиб, мазкур дастурда талабни рағбатлантиришга йўналтирилган бир қатор молиявий имтиёзлар ва барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминловчи чора-табдирлар мажмуи ўз аксини топган.

**Ипотека** – банкнинг гаров хат, кўчмас мулк гарови асосида муайян муддатга ссуда бериши.

**Ипотека кредити** - жойларда тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилишига барпо этиладиган уй-жой гарови остида бериладиган узок муддатли кредит. Ипотека кредитлари тижорат банклари томонидан қайтаришлиқ, тўловлилиқ, таъминланганлик ва муддатлилик шартларида берилади.

**Истеъмол** – ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнининг охирги фазаси, ижтимоий маҳсулотдан аҳолини иқтисодий талабларини қондириш жараёни.

**Истеъмолга ўртача мойиллик** – истеъмол ҳаражатларининг даромаддаги ( ёки шахсий тасарруфдаги даромад ҳажмидаги) ҳиссаси.

**Истеъмолга чегараланган мойиллик** – истеъмол ҳаражатларидағи ўзгаришнинг бу ўзгаришни келтириб чиқарган даромадларнинг ўзгариш миқдоридаги улуши.

**Истеъмол кредити** – марказий банк томонидан барқарорлик даврида қўлланиладиган пул сиёсати дастаги. Бундай кредит банклар ва бошқа маҳсус кредит институтлари томонидан аҳолининг узок муддатли истеъмол товарларини сотиб олиш учун берилади.

**Истеъмол товарлари** – инсон эҳтиёжини қондиришга мўлжалланган истеъмол буюмларининг товар шакли; пулга сотиб олиб, истеъмол этиладиган моддий маҳсулотлар ва ҳар хил хизматлар.

**Ички инвестиция** – мамлакат ичида турли шаклдаги капиталлар қўйилишини ифодалайди.

**Иш билан банд бўлган жами аҳоли** – ишчи кучи (иқтисодий фаол аҳоли)нинг ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлган қисми.

**Ишлаб чиқариш инфратузилмаси** – ишлаб чиқаришнинг ривожланиши учун ташқи шарт-шароитларни таъминловчи тармоқлар мажмуи бўлиб, ўз ичига темир ва автомобиль йўллари, электр, газ ва сув таъминоти, алоқа коммуникациялари, омбор хўжалиги ва бошқаларни олади.

**Ишлаб чиқаришни модернизациялаш** – ишлаб чиқаришни замонавий технологиялар билан жиҳозлаш, уни маънавий жиҳатдан янгилаш, таркибий жиҳатдан техник ва технологик қайта тузиш каби чора-тадбирларни ўз ичига олувчи жараён. Ишлаб чиқаришни модернизациялашнинг асосий йўналиш ва воситалари бўлиб қуидагилар ҳисобланади: корхоналардан эскирган асбоб-ускуналарни чиқариб, замонавий техника ва технологиялар билан алмаштириш; маҳаллий ресурслар асосида ишлаб чиқаришга инновацион технологияларни жорий этиш; ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ассортиментини кенгайтириш; ишлаб чиқариш ҳаражатларини пасайтириш ва ресурсларни тежаш; сифатни бошқариш ва сертификатлаш тизимини жорий этиш; чиқитсиз ва экологик тоза технологияларни жорий этиш ва бошқалар.

**Ишсизлик** – мамлакатда иш билан банд бўлмаган ишчи кучи гурухининг мавжуд бўлиши, аҳоли иқтисодий фаол қисмининг ўзига иш топа олмасдан қолиши, ишчи кучидан тўлиқ фойдаланмаслик.

**Ишчи кучи** – ишга лаёкатли, ишлаётган ва фаол иш излаётган аҳоли.

**Ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизиғи** – бу мавжуд ресурслардан муқобил танлов асосида самарали фойдаланиш йўлларини аниқлашда қўлланилиши мумкин бўлган оддий макроиқтисодий моделдир.

**Иш ўрни** – муайян касбдаги бир ходимнинг меҳнат вазифаларини амалга ошириши учун мослаштирилган ва ишни бажариш учун ишлаб чиқариш воситалари, меҳнат қуроллари билан жиҳозланган жой.

**Иш билан таминлаш** – фуқароларнинг қонун хужжатларига зид келмайдиган, ўз шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш

билан боғлиқ бўлган, уларга иш ҳақи ёки даромад келтирадиган фаолият.

**Иш ҳақи** – бу, ёлланма ходим даромади бўлиб, унга тегишли бўлган мулкчилик ҳуқуқини иқтисодий жиҳатдан рўёбга чиқариш шаклидир.

**Иқтисодий барқарорлик** – бу иқтисодий тизимнинг шундай ҳолатики, уни ташкил этувчиларининг барқарор ва ўзаро мутаносиб равишда ривожланиши қайта ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини таъминлайди.

**Иқтисодий интеграция** — ҳудудий миқёсда сифат жиҳатдан янги иқтисодий муҳитни яратиш йўли орқали миллий хўжалик комплексларининг ўзаро яқинлашиш ва бир-бирига кириб бориши жараёни.

**Иқтисодий иттифоқ** — иқтисодий интеграциянинг олий кўриниши, у умумий ҳуқуқий меъёрлар, солик базасининг соддалаштирилиши, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларда ягона стандартларни жорий этиш, ягона валютага ўтиш кабилар билан тавсифланади.

**Иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги** – мамлакат иқтисодиётининг халқаро савдода иштирок этиш, жаҳон бозоридаги ўз ўрни ва мавқеини сақлаб қолиш ва кенгайтира олиш, жаҳон талабларига жавоб берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқара олишга лаёқати бўлиб, у қуидагилар орқали белгиланади: мамлакатдаги ишлаб чиқаришнинг техник-иқтисодий даражаси, ишлаб чиқариш ҳаражатлари миқдори, ишлаб чиқарилаётган товарлар сифати, инфратузилманинг ривожланганлик даражаси, мутлақ ва нисбий устунликларнинг мавжудлиги.

**Иқтисодий ўсиш** – реал ялпи ички маҳсулот умумий ҳажмининг ёки аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал ялпи ички маҳсулотнинг олдинги йилга нисбатан ўсиши.

**Иқтисодиётнинг реал сектори** – иқтисодиётнинг бевосита моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ соҳаси бўлиб, у ўз ичига саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт, алоқа тармоқларини олади.

**Иқтисодий фаол аҳоли** – бу аҳолининг товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш учун ўз ишчи кучини таклиф этишни таъминлайдиган қисми.

**Иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли** – меҳнат билан банд бўлмаган ва ишсиз деб ҳисобланмайдиган шахслар (ўқувчилар ва

талабалар, ишламаётган учинчи гурух ногиронлари, уй бекалари, ихтиёрий равища мәхнат билан банд бўлмаган шахслар).

**Иқтисодий ночор корхоналар** – муайян миқдорда капитал йўқотиш, ишлаб чиқариш майдонларининг қисқариши, ишсизлар сонининг ортиши, рақобатбардош бўлмаган маҳсулот ишлаб чиқарадиган ва бунинг учун катта миқдорда материаллар, хом ашё, ёнилғи, мәхнат ресурслари сарфлайдиган қолоқ, самарасиз корхона.

**Картель** - ташқи савдо ассоциацияси (унинг аъзолари алоҳида товар гуруҳлари бўйича ишлаб чиқариш ва нарх сиёсатини мувофиқлаштириб олади).

**«Катта йигирмалик»** – 20 та йирик мамлакатлар гурухи бўлиб, унга жаҳондаги энг бой мамлакатлар ва йирик ривожланаётган давлатлар киради ва улар хиссасига жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 90 фоиз улуши тўғри келади.

**Конъюнктура** – бу бозорда маълум бир вақтда юзага келган иқтисодий ҳолатdir (асосан талаб ҳамда таклиф нисбати ва у билан боғлиқ бўлган нархлар даражаси орқали юзага келади).

**Кооперация алоқалари** – турли соҳа ишлаб чиқариш тармоқларида маълум маҳсулотни тайёрлаш бўйича узок муддатли алоқаларни ўрнатиш.

**Кредит** – бу вақтинча бўш турган пул маблағларини маълум муддатга, хақ тўлаш шарти билан қарзга олиш ва қайтариб бериш юзасидан келиб чиқсан иқтисодий муносабатлар йиғиндисидир.

**Кутилаётган инфляция даражаси** – мавжуд ижтимоий-иктисодий ахборотлар, маълумотлар асосида алоҳида шахс ва корхоналар томонидан кутиладиган бўлғуси даврдаги инфляция даражаси.

**Лизинг** – машина, асбоб-ускуна, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш иншоатларини ижарага берувчидаги мулкий ҳукуқ сақланишини кўзда тутувчи узок муддатли ижарага беришнинг янги маҳсус шакли бўлиб, капитал қўйилмаларини молиялаштириш банк кредитининг муқобил шаклидир.

**Макроиктисодиёт** – бу мамлакат иқтисодиётини яхлит бир тизим сифатида ўрганувчи фан бўлиб, у иқтисодиёт назариясининг бўлими сифатида барқарор иқтисодий ўсиш, ресурсларнинг тўлиқ бандлиги, инфляция даражасини минималлаштири, фискал сиёsat, монетар сиёsat, тўлов баланси мувозанатини таъминлаш каби кўпгина давлат аҳамиятига молик масалалар билан шуғулланади.

**Макроиктисодий кўрсаткичлар** – мамлакат яхлит иқтисодиёти даражасидаги ижтимоий-иктисодий жараён ва ҳодисаларни ўлчаш ва баҳолаш имкониятини берувчи кўрсаткичлардир. Масалан, ялпи ички маҳсулот, миллий даромад, иқтисодий ўсиш, ишсизлик, инфляция даражаси ва бошқалар.

**Макроиктисодий агентлар** - уй хўжаликлари, фирмалар, давлат, чет эл секторидир.

**Макроиктисодий бозорлар** - товарлар ва хизматлар бозори (реал бозор), молиявий бозор(молиявий активлар бозори), иқтисодий ресурслар бозори, валюта бозори.

**Мамлакат пул обороти** – маълум бир давр мобайнида корхоналар, ташкилотлар ва аҳоли томонидан нақд пул ва нақд пулсиз шаклда амалга оширилган тўловлар мажмуасидир.

**Марказий банк** – бу мамлакатнинг энг асосий банки ҳисобланади. Марказий банк пул-кредит (монетар) сиёсатини олиб боради. АҚШда у ФРС (Federal Reserve System), Буюк Британияда – Англия банки (Bank of England), Германияда – Bundesdeutchebank, Россияда – Россия Марказий банки деб юритилади. Асосий функцияси мамлакат иқтисодиётидаги пул массасини назорат қилишдан иборат.

**Мажбурий заҳира меъёри** – бу тижорат банкларининг МБ да ўзларининг бир қисм депозитларини фоизсиз омонатлар (агарда мамлакатда заҳирали банк тизими бўлса) ёки нақд пуллар шаклида сақлашидир.

**Маъмурий-буйруқбозликка асосланган иқтисодий тизим** - ишлаб чиқариш воситаларига давлат эгалик қилган, иқтисодий қарорларни жамоа бўлиб қабул қилинадиган, иқтисодиётни давлат режаси асосида марказлаштирилган бошқарув орқали ташкил этилишидир.

**Меҳнат бозори** – меҳнатга қобилиятли аҳолининг иш билан банд бўлган ва банд бўлмаган қисмлари ва иш берувчилар ўртасидаги муносабатларни ҳамда уларнинг шахсий манфаатларини ҳисобга оловчи шартномалар асосида ишчи кучини ишга ёллашни амалга оширувчи, шунингдек, унга бўлган талаб ва таклиф ўртасидаги нисбатларни бевосита тартибга солувчи, бозор иқтисодиётининг мураккаб ижтимоий-иктисодий тизимиdir.

**Меҳнат унумдорлиги** – бу ишчи кучи меҳнат фаолиятининг иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичидир. У ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки кўрсатилган хизматлар миқдорининг меҳнат

харажатларига нисбати, яъни меҳнат харажатлари бирлиги ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот билан белгиланади.

**Меҳнат ҳақи** – жорий даврда иш берувчи томонидан ёлланган ходимга бажарган ишлари учун берилган пул ёки натура усулидаги тўловлар бўлиб, улар ҳисобланган суммалар йифиндисидан ташкил топади ва икки қисмга бўлинади: иш ҳақи ва ижтимоий суғуртага ажратмалар.

**Микроиктисодиёт** - иқтисодиёт назариясининг бир қисми, у биринчидан, иқтисодий бирликлар (фирмалар, уй хўжаликлари, тармоқлар)ни, иккинчидан эса алоҳида олинган бозорларни, аниқ олинган нархларни тадқиқ этади.

**Миллий иқтисодиёт** – бу тарихан маълум бир ҳудудлар чегарасида таркиб топган ушбу мамлакат тармоқларининг ўзаро меҳнат тақсимоти ва умумий мақсадларига мувофиқ комплекс бирлашувининг тизимиdir.

**Миллий валюта** – мамлакатнинг миллий пул бирлиги.

**Миллий валютанинг қадрсизланиши** – хорижий валюталарга нисбатан миллий валюта курсининг камайиши.

**Миллий валютанинг қимматлашиши** – хорижий валюталарга нисбатан миллий валюта курсининг кўтарилиши.

**Моделлаштириш** - абстракция усулидир, яъни иқтисодий ҳодиса ва жараёнларни ўрганиш ва маълум ечимларни топишда улардан энг асосийларини танлаб тадқиқ этиш ёки бошқача айтганда далилларни кутилаётган натижалар билан боғлаш усули ҳисобланади.

**Молия бозори** – олди-сотди обьекти сифатида пул ҳамда пулга тенглаштирилган қимматли қоғозлар майдонга тушувчи муносабатлар бўлиб, одатда ўз ичига қарз мажбуриятлари бозори ва капитал (мулк) бозорини олади.

**Молия-банк тизими кредит қобилияти** – миллий ёки халқаро молия-банк муассасаларининг кредит ресурсларига эҳтиёж сезган субъектларга қарз бериш имконияти.

**Модернизация** – обьектни такомиллаштириш, яхшилаш, янгилаш, уни янги талаб ва меъёрларга, техник шарт-шароитларга, сифат кўрсаткичларига мослаштириш.

**Молия тизими** – молиявий муносабатлар ва турли даражада уларга хизмат қилувчи молиявий муассасалар мажмуаси.

**Молия-банк тизими** – тарихан шаклланган ва белгиланган қонун қоидалар асосида фаолият юритувчи мамлакатдаги молия-кредит муассасалари мажмуудир.

**Молиявий институтлар** – белгиланган қонун-қоидалар доирасида фаолият юритувчи мамлакатдаги молия-кредит ташкилотлари.

**Молиявий манбалар** – иқтисодиётнинг турли даражасида чора-тадбирларни амалга ошириш учун тақозо этилувчи молиявий маблағларнинг келиб чиқиш манбалари. Масалан, молиявий манбалар аҳоли ва корхоналарнинг манбалари, давлат бюджети маблағлари, қарзга олинган маблағлар, хорижий инвесторларнинг маблағлари ва бошқа кўринишларда бўлиши мумкин.

**Молиявий инвестиция** – даромад олиш мақсадида инвестицияларни турли қимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар, банкларнинг депозит сертификатлари ва бошқалар)га қўйилишидир.

**Мультипикатор** – бу ялпи ҳаражатларнинг бир бирликка ортиши (камайиши) ялпи даромадларни неча маротаба ошиши (қискариши)га олиб келишини кўрсатувчи коэффициентdir.

**Нархлар индекси** - товарлар ва хизматлар, ёки активлар ўртача нархининг ўзгариши кўрсаткичи. Нархлар индекси бозор савати деб юритиладиган маълум тўпламдаги товар ва хизматларнинг жорий йилдаги нархлари йифиндисини базис йилдаги нархлари йифиндисига нисбати билан аниқланади.

**Номинал ЯИМ**– бу жорий нархларда, яъни ушбу йил нархларида ҳисобланган кўрсаткич бўлиб, у қиймат кўрсаткичи ҳисобланади ва шунинг учун нархлар даражасининг ўзгариши унинг катталигига таъсир кўрсатади.

**Оралиқ маҳсулот** – ишлаб чиқариш ва муомала жараёнидан чиқиб кетмаган, якуний истеъмол учун етиб бормаган, қайта ишлаш ёки сотишга мўлжалланган маҳсулот.

**Ортиқча талаб** – мавжуд нархлар даражасида товарлар ва хизматлар таклифидан уларга бўлган талабнинг кўплиги. Тўлиқ бандлилик шароитида инфляция даражасининг ошишига олиб келади.

**Очиқ иқтисодиёт** - хусусий, давлат ва чет эл(хорижий) секторларини бирлаштирувчи иқтисодиёт.

**Оқимлар** - миллий даромаднинг бир қисмини мамлакат ичкарисида ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан бошқасига сафарбар этилишидир.

**Портфель инвестициялар** — хўжалик объектини эксплуатация қилиш туфайли даромад олиш хуқуқини кафолатловчи капитал қўйилмалари.

**Потенциал ЯИМ** – тўлиқ бандлилик шароитида, ёки мавжуд сармоя ресурслари ва ишчи кучидан тўлиқ фойдаланиш ҳисобига эришилиши мумкин бўлган ишлаб чиқариш ҳажми.

**Преференция** – иқтисодиётни мақсадга мувофиқ ривожлантириш ва тартибга солишда айрим соҳа ва тармоқлар, корхона ва ишлаб чиқариш турларига нисбатан берилувчи имтиёз, афзаллик ва устуворликлардир.

**Протекционизм** – давлатнинг хориж рақобатидан ички бозорни ҳимоя қилиш сиёсати, мамалакатга олиб келинаётган товарларга юқори божлар белгилайди, айрим товарларни олиб келиш чекланади ёки умуман тақиқланади.

**Пул** – барча товар ва хизматлар айрбошланадиган, умумий эквивалент сифатида фойдаланиладиган, бошқа барча товарлар қийматини ифодалайдиган махсус товар.

**Пул базаси** – банк тизимидан ташқаридаги нақд пуллар ва Марказий банкдаги тижорат банкларининг заҳираларидир.

**Пул массаси** – ҳар қандай мамлакат иқтисодиётида товарлар ва хизматлар айланишини таъминлайдиган, хусусий шахслар, институционал мулқдорлар(корхоналар, бирламалар, ташкилотлар ва б.) ва давлат эгалик қиласидаги нақд ва нақд пулсиз харид ҳамда тўлов воситалари мажмуидир.

**Пул - кредит сиёсати** – давлат томонидан иқтисодий ўсишли таъминлаш мақсадида пул муомаласини ташкил этиш ва барқарорлигини таъминлаш учун амалга ошириладиган барча чоратадбирлар мажмуидир.

**Пулга бўлган талаб** – уй хўжаликлари ва фирмалар томонидан битимларда тўлов воситаси сифатида фойдаланиш, кўзда тутилмаган ҳаражатлар учун сақлаб туриш, молиявий активлар сифатида фойдаланиб даромад олиш учун жамғариш мақсадида эга бўлишга интилган пул миқдоридир.

**Пулларга бўлган трансакцияли талаб** – бу пулларга битимлар тузиш учун, яъни товар ва хизматларни сотиб олиш учун бўлган талабдир.

**Пулнинг миқдорий назарияси** – пул таклифи ва иқтисодиётдаги баҳоларнинг умумий даражаси ўртасидаги тўғридан-тўғри боғлиқликни ўрнатувчи назариядир. Биринчи бор инглиз файла-

суфи ва иқтисодчиси Д.Юм томонидан XVIII асрда илгари сурилди, америкалик иқтисодчи И. Фишер томонидан 1911 йилда ривожлантирилди ва кейинчалик Кембриж университети иқтисодчилари томонидан такомиллаштирилди.

**Пулларнинг таклифи** - бу иқтисодиётда мавжуд барча пуллар бўлиб, жами пулларнинг умумий ҳажмиdir. Пул массасини тавсифлаш ва ўлчаш учун турли умумлаштирилган кўрсаткичлар қўлланилади ва улар *пул агрегатлари* деб аталади.

**Расмий заҳиралар даражаси** – мамлакатда (одатда Марказий банкда) тўпланган расмий заҳиралар (масалан, чет эл валюталари, олтин, мамлакатнинг ХВФда кредит улуши, қарз олишнинг маҳсус ҳуқуқи (SDR) ва ҳ.к.) ҳажмининг молиявий барқарорликни таъминлаш эҳтиёжларига етарлилиги.

**Реал ЯИМ** – бу қиёсий нархларда, яъни ўзгармас ёки базис йил нархларида ҳисобланган ялпи ички маҳсулотдар. Бунда базис йил қилиб исталган йилни олиш мумкин, яъни танланган базис йил жорий йилдан олдин ҳам, ундан кейин ҳам бўлиши мумкин.

**Реал алмашинув курси** – икки мамлакатда баҳолар даражасининг ўзаро нисбатини ҳисобга олевчи алмашинув курси. Солиширалаётган мамлакатлардаги номинал алмашинув курсини баҳолар индексларининг ўзаро нисбатига кўпайтириш йўли билан топилади.

**Реал инвестиция** – асосий воситаларни вужудга келтириш, товар моддий бойликлар заҳирасини оширишга қўйиладиган капиталdir, яъни корхоналарини бунёд этиш ҳамда уларни бир маромда ишлашини таъминлаш учун етарли миқдорда хом-ашё заҳираларини барпо этишга йўналтирилиши.

**Реал фоиз ставкаси** – инфляция суръати ҳисобга олиниб тузатиш киритилган номинал фоиз ставкаси.

**Ревальвация** – қайд қилинган валют курси тизими амал қилаётган шароитда ҳукумат томонидан миллий валютанинг бошқа валюталарга нисбатан курсини оширишга қаратилган тадбири. Импортни арzonлаштиради ва экспортни қимматлаштиради.

**Ресурслар бозори** - уй хўжаликлари ўзларига тегишли бўлган ишлаб чиқариш омилларини тадбиркорларга сотадиган бозор.

**Реинвестициялар** – инвесторнинг фаолияти натижасида олинган фойдани (даромадни) муаомалага киритиш.

**Рецессия** – ишлаб чиқаришнинг нисбатан мўътадил, кескин бўлмаган ҳолдаги пасайиши ёки иқтисодий ўсиш суръатларининг давомли равишда пасайиб бориши.

**“Саккизлик” гурухи** (“Катта саккизлик”, G-8) – Буюк Британия, Германия, Италия, Канада, Россия, АҚШ, Франция ва Япония ҳукуматларини бирлаштирувчи халқаро клуб. Шунингдек, мазкур мамлакатлар етакчиларининг норасмий Европа комиссияси иштирокидаги форуми ҳам шу ном билан аталиб, форум доирасида долзарб халқаро муаммоларга ёндашувлар амалга оширилади.

**Сальдо** - муайян вақт давомида молиявий тушумлар ва сарфлар, экспорт ва импорт қиймати (савдо баланси сальдоси), хорижий тўловлар ва тушумлар (тўлов баланси сальдоси) ўртасидаги фарқ.

**Самарадорлик** – иқтисодиёт назариясининг асосий муаммоси ҳисобланиб, у ресурсларнинг чекланганлиги шароитида улардан оқилона фойдаланган ҳолда чексиз эҳтиёжларни максимал даражада қондиришлиқ йўлларини тадқиқ этади.

**Сектор** – институцион бирликлар йиғиндиси бўлиб, уларнинг мақсади, молиялаштириш манбалари ва функциялари бир хил бўлади, натижада уларнинг иқтисодий ҳуқуки ҳам ўхшашиб кетади.

**Солиқлар** – белгиланган ва муайян миқдорларда ундириладиган, мунтазам, қайтариб берилмайдиган ва беғараз хусусиятга эга бўлган, бюджетга йўналтириладиган мажбурий пул тўловларидир.

**Солиқ ставкаси** – солиқларни ҳисоблашда солиқ базасининг ҳар бир бирлиги ҳисобига тўғри келадиган солиқ меъёридир.

**Солиқ имтиёзи** – солиқ тўловчиларнинг айrim тоифаларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ тўлашдан тўлиқ, қисман ва вақтинча озод қилиш шаклидир.

**Солиқ кредити** – бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммасини маълум муддатга кечиктириш, бўлиб-бўлиб тўлаш ёки солиқни қайтариш шаклидир.

**Солиқ юки** – солиқ тўловчиларнинг муайян даврда бюджетга тўланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғиндисидир. Мамлакат миқёсида муайян даврдаги барча тўланган солиқлар ва йиғимларнинг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғи ҳам солиқ юкини ифодалайди.

**Соф бозор иқтисодиёти тизими** – бу хусусий мулкчиликка, эркин танловга, шахсий манфаат, рақобатга асосланган тизим бўлиб, давлатнинг иқтисодиётга аралашувини чеклайди.

**Соф ички маҳсулот (соф миллий даромад)** макроиқтисодий кўрсаткич бўлиб, ЯИМ (ЯМД) дан амортизация ажратмалари миқдорини айриб ташлаш йўли билан топилади.

**Стагфляция** – бу иқтисодиётда нархлар ва ишсизлик даражаларининг бир вақтнинг ўзида ўсишидир.

**Субсидиялар** - бу пул ёки натура кўринишидаги ёрдам тури бўлиб, бюджет ва бюджетдан ташқари фондлардан ажратилади. Субсидиялар бевосита ва билвосита бўлиши мумкин. *Тўгри субсидиялар* – капитал қўйилмалар, илмий тадқиқотлар, кадрларни қайта тайёрлашга ажратилган маблағлар бўлса, эгри субсидиялар солиқ имтиёзлари, имтиёзли шартларда кредитлар бериш, пасайтирилган божхона божлари ва бошқалардир.

**Субвенция** - қатъий мақсадлар учун бериладиган дотация тури бўлиб, фойдаланиш шарти бузилганда уни кайтариб олиш мумкин.

**Таркибий ўзгаришлар** – бу миллий иқтисодиётнинг самарали ва барқарор таркибий тузилишини таъминлаш мақсадида унинг тармоқ ва соҳаларини изчил равишда ўзгаририб боришидир. Таркибий ўзгаришлар ўз ичига янги тармоқларни барпо этиш, баъзиларини кенгайтириш, айrim самарасиз, истиқболга эга бўлмаган тармоқларни қисқартириш каби чора-тадбирларни олади.

**Таркибий ишсизлик** – бу иқтисодиётни таркибий қайта қуриш оқибатида ишчи кучига талаб таркибида ўзгариш рўй бериши натижасида юзага келадиган мажбурий ишсизликнинг кўринишидир.

**Ташқи савдо айланмаси** – мамлакат, мамлакатлар гурухи ташқи савдо фаолияти ҳажмининг пул кўринишидаги ифодасидир, муайян вақт оралиғида (масалан, йил давомидаги) экспорт ва импорт ҳажмининг йиғиндисига teng бўлади.

**Ташқи савдо** – бир мамлакатнинг бошқа мамлакатлар билан савдоси.

**Ташқи савдо сиёсати** – бу бир мамлакатни бошқа мамлакатлар билан олиб бораётган савдоси (экспорти ва импорти) борасидаги сиёсатидир. Бунга teng ҳуқуқлилик ва икки томонлама манфаат олиш кўзда тутилади.

**Ташқи савдо баланси сальдоси** – бу мамлакат экспорти ва импорти ҳажми ўртасидаги фарқ, тафовутдир.

**Ташқи қарз** – бу мамлакат ҳукумати, молия-кредит ташкилотлари, йирик корхоналарининг бошқа мамлакатлар молия-кредит муассасаларидан қарзга олган молиявий маблағларининг жами ҳажмиdir.

**Ташқи нодавлат қарзлар** – бу мамлакатдаги хусусий шахслар (молия муассасалари, корхоналар ва ахоли) томонидан бошқа мамлакатлар молия-кредит муассасаларидан қарзга олган молиявий маблағларининг жами ҳажмиdir.

**Тижорат банклари** – бу саноат ва савдони қисқа муддатли кредитлар билан таъминлаш, шунингдек хусусий мижозларга турли турдаги банк хизматларини кўрсатишга ихтисослашган банклардир.

**Товар ва хизматлар бозори** - истеъмолчилар товар ва хизматларни харид қиласиган, ишлаб чиқарувчилар эса ўз маҳсулотларини сотадиган бозор.

**Трансакция талаби** – бу пулларга битимлар тузиш учун, яъни товар ва хизматларни сотиб олиш учун бўлган талабдир. Пулларга бўлган талабнинг бу тури классик моделда тушунтирилган ва у пулларга бўлган талабнинг ягона тури хисобланиб, пулларнинг миқдорий назарияси (америкалик иқтисодчи И.Фишер ва инглиз иқтисодчиси А.Маршалл таклиф этган) тенгламасидан келтириб чиқарилган.

**Трансмиллий корпорациялар (ТМК)** - чет эл активлариiga эга бўлган йирик компанияни иқтисодий ташкиллаштириш кўриниши.

**Трансферт тўловлари** – эвазига ҳеч қандай товар ёки хизматлар олинмайдиган давлат ҳаражатлари (пенсия, степендиялар, ишсизлик нафақаси ва бошқалар).

**Турмуш даражаси** – ахолининг зарурий, моддий ва номоддий неъматлар ҳамда хизматлар билан таъминланганлик ҳамда уларни истеъмол қилиш даражаси.

**Тўлов баланси** – муайян муддат давомида мамлакатнинг чет элларга тўлаган ва худди шу давр мобайнида мамлакатга чет элдан тушган тўловлар суммалари нисбатини тавсифлайди. Тўлов туркумiga ташқи қарз, унинг фоизи, четдан олинган товарлар ва хизматлар ҳаки, хорижий инвестициялар, хорижда дипломатик ишларни, иқтисодий алоқаларни юритиш ҳаражатлари, фуқаролар

ва қўшма корхоналарнинг чет элга пул ўтказмалари ва бошқалар киради.

**Тўғридан – тўғри инвестициялар** – бевосита маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат қўрсатиш жараёнини ташкил этиш ёки янада кенгайтириш мақсадида хорижий шериклар томонидан узоқ муддатли капитал қўйилмалар киритиш. Тўғридан-тўғри инвестициялар инвесторларга мазкур ишлаб чиқариш жараёнлари устидан назорат қилиш имконини беради.

**Уй хўжаликлари** – бу мустақил, оқилона ҳаракат қилувчи макроиқтисодий агент бўлиб, унинг иқтисодий фаолият юритишдан мақсади товар ва хизматлардан олинадиган фойдалиликни максималлаштиришдир.

**Узоқ муддатли депозитлар** – жисмоний ва юридик шахсларнинг тијорат банкларига бир йилдан ортиқ муддатга қўйилган пул кўринишидаги жамғарма ва омонатлар.

**Умумий бозор** — ишлаб чиқариш омилларини миллий чегаралар орқали эркин кўчиб ўтиши таъминланадиган иқтисодий интеграция кўриниши.

**Умумий мувозанат** – бу бир вақтнинг ўзида барча бозорларда мувозанат ўрнатилиши, бутун бир иқтисодий тизимдаги мувозанат, яъни макроиқтисодий мувозанатдир. Бундай макроиқтисодий мувозанатга эса ялпи талаб ва ялпи таклиф ўзаро тенглашгандагина эришилади.

**Услуб** (approach) – бу бир неча усул ва тамойиллар йиғиндиси ҳисобланиб, улар орқали тадқиқот мақсадига эришиш йўллари белгиланади.

**Филипс эгри чизиғи** – ишсизлик даражаси динамикаси (абцисса ўқи) ва инфляция суръати (ордината ўқи) орасидаги боғлиқликни графикда тасвирловчи эгри чизик.

**«Фитч Рейтингс», «Мудис», «Стандарт энд Пурс» халқаро рейтинг компанияси** – фаолияти банклар, молиявий институтлар, инвестиция ва акционерлик компанияларининг кредит лаёқатини ўз вақтида ва аниқ баҳолашга йўналтирилган халқаро рейтинг агентликлари.

**Фирмалар** - бу мустақил, оқилона ҳаракат қилувчи макроиқтисодий агент бўлиб, уларнинг иқтисодий фаолият юритишдан мақсади фойда олишни максималлаштиришдир.

**Фонд бозори** – қимматли қоғозлар ва бошқа молиявий воситаларнинг олди-сотди жараёнлари амалга оширилувчи маҳсус ташкиллаштирилган бозор.

**Халқаро иқтисодий муносабатлар** — мамлакатлар ва худудлар ўртасидаги, халқаро ташкилотлар ва корпорациялар иштирокидаги хўжалик алоқалари тизими.

**Халқаро ишлаб чиқариш кооперацияси** — ишлаб чиқариш босқичларининг ўзаро бир-бирини тўлдириши ва уларни мувофиқлаштириш мақсадида миллий иқтисодий комплексларнинг хамкорлик қилиши.

**Халқаро ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви** — мамлакатлар ўртасидаги меҳнат тақсимоти кўриниши бўлиб, унда ўзларининг ички эҳтиёжларидан ортиқча бир турдаги маҳсулотлар тайёрлаш билан шуғулланувчи миллий ишлаб чиқаришларнинг табақаланиши юз беради.

**Халқаро савдо назарияси** - иқтисодий назариянинг бир қисми. Ишлаб чиқариш ва айирбошлишга халқаро ихтисослашув сабабларини, ҳамда бундан мамлакатлар оладиган манфаатларни ўрганади.

**Халқаро ташкилотлар** – уларнинг ҳар бири халқаро сиёсатда ўзларининг фаолият мақсадлари йўналишларига қараб, ер юзи тараққиётида эгаллаб турган мавқеларига қараб, умуман халқаро сиёсий-амалий муносабатлар жараёнида ҳаракатларга киришадиган бошқа халқаро ташкилотлар тизимидағи мақомларига қараб аҳамият касб этадилар.

**Халқаро транзит** - хорижий юкларни жўнатиш ва қабул қилиб олиш пунктлари берилган мамлакат ҳудудидан ташқарида бўлиши шартида ташилишидир. Агар товарлар божхона омборига жойлаштирилмасдан ташилса, бевосита халқаро транзит, божхона омборидан фойдаланилса – билвосита халқаро транзит ҳисобланади.

**Харид қобилияти паритети** – валюталар алмашинув курсларининг шундай даражасики, бунда ҳар бир валютанинг харид қобилияти тенглашади.

**Хизмат кўрсатиш соҳаси** – ижтимоий ишлаб чиқаришнинг моддий-буюмлашган кўринишга эга бўлмаган истеъмол қийматларини яратишга йўналтирилган соҳалари. У ўз ичига моддий хизматлар кўрсатиш (транспорт, алоқа, савдо, майший хизмат ва бошқалар) ҳамда номоддий хизматлар кўрсатиш (хукукий маслаҳатлар бериш, ўқитиш, малака ошириш ва бошқалар)ни олади.

**Хорижий инвестиция** – чет эллик инвесторлар фойда (даромад) олиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти ва бошқа турдаги фаолият объектларига қўшаётган мулкий бойликларнинг ва уларга нисбатан ҳуқуқларнинг, шунингдек, интеллектуал мулкка нисбатан ҳуқуқларнинг барча турлари чет эл инвестициялари ҳисобланади.

**Хусусий сектор** - уй хўжаликлари ва фирмаларни бирлаштирувчи иқтисодиёт сектори.

**Хусусий тадбиркорлик** – бу фуқаролар (алоҳида фуқаролар) томонидан ўзларининг таваккалчиликлари ва мулкий жавобгарликлари остида, шахсий даромад (фойда) олиш мақсадида амалдаги қонунчилик доирасида амалга ошириладиган ташаббускор хўжалик фаолиятидир.

**Чек** – бу банк омонатчисининг маълум бир микдордаги ўз пулларини ўзига ёки бошқа бир кишига бериши ҳақидаги буйруғидир.

**Чет эл(хорижий) сектори** - ушбу сектор дунёning барча мамлакатларини бирлаштиради ва мустақил оқилона ҳаракат қилувчи макроиктисодий агент ҳисобланади.

**Шахсий даромад** – жисмоний шахсларнинг солиқ тўлагунга қадар даромади.

**Швед модели** кучли ижтимоий сиёsat юритиши билан ажралиб туради ва у миллий даромадни нисбатан кам таъминланган аҳоли қатлами томон қайта тақсимланиши орқали мулкий тенгсизликни камайтиришга қаратилгандир.

**Экспорт** – товарлар, хизматлар, инвестиция, қимматли қофзлар, технологиялар ва бошқаларни ташқи бозорга чиқариш.

**Экспорт салоҳияти** – миллий иқтисодиётнинг жаҳон бозорларида рақобатбардош бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳамда уларни жаҳон нархлари бўйича етарли ҳажмларда экспорт қилиш қобилияти.

**Экспорт квотаси** - мамлакат экспорти қийматининг унинг ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ)га нисбати (фоизларда).

**Эмбарго** - алоҳида мамлакат ёки давлатлар гурӯҳи билан савдони бутунлай таъқиқлаш.

**Эмиссия** – қоғоз пулларнинг ғазнахонага ёки бошқа давлат молия органлари томонидан муомалага чиқарилиши; барча шаклдаги пул белгиларини муомалага чиқариш.

**Эркин иқтисодий ҳудудлар** - мамлакатнинг шундай ҳудудики, бу ерга олиб кирилган товарлар миллий божхона юрисдикциясидан ташқарида ҳисобланади, бинобарин божхона назорати ва солиқса тортишдан озод этилади, яъни - бу миллий иқтисодиётнинг бир қисмини ташкил этиб, бу ерда мамлакатнинг бошка ҳхудудларида қўлланилмайдиган ўзига хос имтиёзлар ва рағбатлантиришлар тизимидан фойдаланилади.

**Эркин савдо ҳудудлари** (ЭСХ) — преференциал ҳудуд ҳисобланиб, унинг доирасида божхона ва миқдорий чеклашлардан ҳоли савдо тартибига риоя қилинади.

**Ягона солиқ тўлови** – кичик бизнес субъектларини қўллаб-куватлаш мақсадида турли солиқ ва йиғимлар ўрнига соддалаштирилган тартибда тўланувчи солиқ тури.

**Якуний маҳсулот** – бу қайта ишлаш ёки қайта сотишга йўналтирилмаган ва якуний истеъмолга мўлжалланган маҳсулотdir.

**Ялпи ички маҳсулот** – мамлакатда бир йил давомида ишлаб чиқарилган жами пировард маҳсулот ва хизматларнинг бозор қиймати йиғиндиси.

**Ялпи миллий даромад** – мамлакат резидентлари томонидан ишлаб чиқаришда иштироқ этиш натижасида ҳамда мулкларидан олган бошланғич даромадлари йиғиндиси.

**Ялпи таклиф** – бу график кўринишга эга, расмда эгри чизик шаклида акс эттирилган модел бўлиб, у маълум бир даврда муайян нархларда миллий иқтисодиётда ишлаб чиқарилган ва харидорларга таклиф этилаётган реал миллий маҳсулот ҳажмидир.

**Ялпи талаб** – бу график кўринишга эга, расмда эгри чизик шаклида акс эттирилган модел бўлиб, у миллий иқтисодиётда ишлаб чиқарилган товар ва хизматлар ҳажмини уй хўжаликлари, корхоналар, ҳукумат ҳамда хорижий харидорлар томонидан муайян нархлар даражасида сотиб олиш хоҳиши ва тўлов қобилиятини акс эттиради.

**Янги индустрιал мамлакатлар** (ЯИМ) — иқтисодий жиҳатдан энг тез ривожланаётган Осиё (масалан, Жанубий Қурия, Сингапур, Тайван, Гонконг), Африка ва Лотин Америкасидаги бир қатор давлатлар киради.

**Япон модели** аҳоли турмуш даражаси (жумладан иш хақи даражаси) меҳнат унумдорлиги ортишидан орқада қолиши билан характерланади. Бунинг ҳисобига маҳсулот таннархи камайиб, унинг жаҳон бозорида рақобатбардошлиги кескин ортади. Мулк

бўйича кескин табақаланишга тўсиқлар қўйилмайди. Бундай модел фақатгина миллатнинг юқори даражада ўзлигини англаб етишида, кишиларнинг миллий манфаатларини уларнинг шахсий манфаатларидан юқори қўя олишида мавжуд бўлиши мумкин бўлади.

**Ўсиш суръатлари** – иқтисодий ҳодиса ва жараёнларнинг миқдор ва сифат жиҳатидан ўзгариш даражаси.

**Қаттиқ (қайд этилган) валюта курси** – Марказий банк томонидан валюта интервенцияси ёрдамида таъминлаб туриладиган валюта курси.

**Қоғоз ва металл пуллар** – бу рамзга эга пуллар ҳисобланади. Ушбу пуларнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, уларнинг товар қиймати паст бўлиб, пул қийматига мос келмайди.

**Ҳисоб фоиз ставкаси** – бу Марказий банкнинг тижорат банкларига кредитлар бўйича берадиган фоизидир. Тижорат банклари ўз заҳираларини тезкор равишда тўлдиришлари зарурати пайдо бўлганда ёки мураккаб молиявий вазиятга тушиб қолганларида Марказий банкдан қарз олишлари мумкин ва бунда у тижорат банклари учун охирги босқич кредитор бўлиб хизмат қиласди.

## Инглиз тилида атамалар

агрегатлаш	aggregation
макроиктисодиёт	macroeconomics
микроиктисодиёт	microeconomics
услуб	approach
уй хўжаликлари	households
фирмалар	business firms
хусусий сектор	private sector
давлат	government
бозор муваффақиятсизликларини	
олдини олиш ва йўқотиш	market failures
ёпиқ иқтисодиёт	closed economy
чет эл (хорижий) сектор	foreign sector
очиқ иқтисодиёт	open economy
бозорларни агрегатлаш	aggregation markets
товар ва хизматлар бозори	goods market
молия бозори	financial assets market
пул бозори	money market

қимматли коғозлар бозори	bonds market
пул массаси	money stock
ресурслар бозори	resource market
мехнат бозори	labour market
мехнатнинг мувозанат ҳажми	labour force
иш ҳаки ставкаси	wage rate
валюта бозори	foreign exchange market
валюта курси	exchange rate
айланма оқим модели	model of circular flows
истеъмол ҳаражатлари	consumption spending
даромад	revenue
ҳаражатлар	costs
Жон Мейнард Кейнс	John Maynard Keynes
Миллий Ҳисобчилик Тизими (МХТ)	System of National Product and Income Accounts
ялпи ички маҳсулот	Gross Domestic Product
ялпи миллий маҳсулот	Gross National Product
инвестицияларга ҳаражатлар	investment spending
ялпи инвестициялар	gross investment
амортизация	depreciation
соф инвестициялар	net investment
истеъмол қилинган капитал қиймати	capital consumption
allowances	
хусусий инвестиция	private investment
захираларга инвестициялар	inventory investment
товар ва хизматларнинг давлат хариди	government spending
соф экспорт	net export
экспортдан тушган даромад	export
импорт ҳаражати	import
хусусий фирмаларда ишловчиларнинг	
иш ҳақи	wages and salaries
аренда тўлови ёки рента	rental payments
фоиз тўловлари ёки фоиз	percent payments
фойда «хусусий мулк эгасининг	
даромади»	proprietors' income
соф миллий маҳсулот	Net National Product
миллий даромад	National Income
шахсий даромад	Personal Income
ихтиёрдаги шахсий даромад	Disposal Personal Income

истеъмол	consumption
жамғарма	saving
шахсий жамғарма	personal savings
бизнес жамғармалари	savings of business
хусусий жамғармалар	private savings
давлат жамғармалари	government savings
миллий жамғармалар	national savings
чет эл сектори жамғармалари	foreign sector savings
истеъмол нархлар индекси	consumer price index
аҳоли жон бошига тӯғри келувчи ЯИМ	per capita
«соф иқтисодий фаровонлик»	Net Economic Welfare
иқтисодий ёки бизнес цикл	business cycle
чўққи ёки энг юқори нуқта	peak
пасайиш фазаси ва рецессия	recession
чуқур пасайиш ёки депрессия	depression
ўсиш ёки жонланиш фазаси	recovery
иқтисодиётнинг қизиб кетиши	overheated
пасайиш	recession ёки slump
инқироз ёки стагнация	crisis ёки stagnation
мамлакат аҳолиси	population
ишчи кучи таркибига киритиладиган	labour force
аҳоли	non-labour force
ишчи кучи таркибига киритilmайдиган	employed
аҳоли	unemployed
банд бўлганлар	rate of unemployment
иҳсизлар	natural rate of unemployment
иҳсизлик даражаси	full-employment rate of
иҳсизликнинг табиий даражаси	inflation
тўлиқ бандлик шароитидаги иҳсизлик	deflation
unemployment	desinflation
инфляция	rate of inflation
дефляция	demand-pull inflation
дезинфляция	money supply
инфляции суръати ёки даражаси	velocity of money
талаб инфляцияси	price level
пул таклифи	
муомаладаги пул массаси	
муомаладаги пул тезлиги	
нархлар даражаси	

реал ишлаб чиқариш ҳажми	
реал ЯИМ	yield
харажатлар инфляцияси	cost-push inflation
«Эскирган оёк-кийимлар» ҳаражатлари	shoe leather costs
«меню» ҳаражатлари	menu costs
кутилаётган инфляция	expected
кутилмаган инфляция	unexpected
Филлипс эгри чизиги	short-term Phillips curve
мехнатнинг таклиф эгриси	labour supply curve
мехнат ҳажми	full employment
иш хақининг ставкаси	wagerate
мехнатга талаб эгри чизиги	labour demand curve
инвестициялар	investment
жамармалар	savings
монетаризм	monetarist theory
“таклиф иқтисодиёти” назарияси	supply-side economics
рационал кутишлар назарияси	rational expectations theory
ялпи талаб	aggregate demand
ялпи таклиф	aggregate supply
истеъмолга ўртacha мойиллик	average propensity to consume
жамғармага ўртacha мойиллик	average propensity to save
истеъмолга чекли мойиллик	marginal propensity to consume
жамғармага чекли мойиллик	marginal propensity to save
автоном инвестициялар	autonomous investment
индуцирланган инвестициялар	induced investment
инвестицияларга чекли мойиллик	marginal propensity to investment
режалаштирилган инвестициялар	planned investment
кейнс хочи	keynesian cross
декрет пуллар	fiat money
банкнота	banknote
муомала воситаси	medium of exchange
қиймат ўлчови	unit of account
жамғарма воситаси	store of value
трансакция ҳаражатлари ёки	transaction costs
битимлар учун ҳаражатлар	transaction demand for money
трансакция талаби	double coincidence of wills
икки томонлама хошишнинг	liquidity
ўзаро мос келиши	
ликвидилик	

автоном инвестиция	autonomous investment
индуцирланган инвестиция	induced investment
пулнинг қиймат ўлчови функцияси	unit of account
пулга бўлган трансакцион талаб	transaction demand for money
пулларга бўлган эҳтиёткорлик	
талаби	precautionary demand for money
пулларга бўлган спекулятив талаб	speculative demand for money
муддатли омонатлар	time deposits
давлат хазинаси векселлари	treasury bills
деярли-пуллар	near-money
нақд пуллар	currency
омонатдаги ҳисоблар	save deposits
муддатли омонатлар	time deposits
давлат хазинаси векселлари	treasury bills
банкнинг қарзлари, мажбуриятлари	
яъни унинг пассиви	liabilities
активлар	assets
ортиқча захиралар	excess reserves
пулбазаси	monetary base
захира меъёри	reserve ratio
банк мультипликатори	simple money multiplier
пул мультипликатори	money multiplier
пулга бўлган трансакцион талаб	transaction demand for money
пулга бўлган эҳтиёткорлик талаби	precautionary demand for money
пулга бўлган спекулятив талаб	speculative demand for money
ҳисоб фоиз ставкаси	discount rate
очик бозордаги операциялар	open market operations
фоизли даромад	percent income
пул трансмиссияси механизми	money transmission mechanism
пул бозорининг мувозанати	Liquidity preference=Money supply
инъекциялар	injections
оқимлар	leakages
товарларга бўлган ортиқча талаб	excess demand for goods
жорий ҳисоблардаги маблағлар	demand deposits
реал пул маблағлари захиралари	real money balances
пул базаси ёки	
юқори қувватли пуллар	high powered money
пулларга бўлган ортиқча талаб	excess demand for money
тез старт самараси	catch-up-effekt

бозорларни ўз-ўзини мувозанатга	market-clearing
келтириш, тартибга солиш	short-run
тамойили	marginal propensity to investment
қисқа муддат	visibles
инвестицияларга чекли мойиллик	invisibles
товарларнинг экспорт и импорти	
хизматларнинг экспорт и импорти	
капиталларнинг оқиб келиши ва	
оқиб чиқиб кетиши	capital inflows and outflows
савдо шароитлари	terms of trade
капитал оқими	capital flows
фоиз ставкаси дифференциали	interest rate differential
қатъий валюта курси	fixed exchange rate
валюта захиралари	foreign exchange reserves
ревальвация	revaluation
девальвация	devaluation
эгилувчан ёки	
сузувчи валюта курслари тизими	flexible are floating
валютанинг қадрсизланиши	depreciation
валютанинг қимматлашуви	appreciation
«соф сузиш» валюта тизими	clean floating

## Ўқув жараёнида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш учун тавсиялар

Хозирда республикамизнинг педагогик амалиётида ўқитишининг янги усул ва воситалари тобора кенг қўлланилмоқда. Ўқитишининг анъанавий шакл ва усуллари ўрнини эндиликда бир бутун жараён ҳисобланган ўқитиш технологиялари эгалламоқлиги зарурияти пайдо бўлди.

Ўқитишининг педагогик технологиялар асосида ташкил этишнинг бир қатор хусусиятлари мавжуд. Буларга яхлитлилик, қулийлик, натижалилик ва қўллашлилик киради.

Аммо таълим жараёнини технологик жараён сифатида лойиҳалаштириш ва режалаштиришни фақатгина технологик билим, тажриба ва қўникмаларга эга бўлган ўқитувчигина амалга ошириши мумкинлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур. Ўқитувчининг педагогик жараёндаги асосий функцияси – бу бошқарувчилиқdir. Ўқитувчи шахснинг шаклланиши, ривожланиши,

билим олиши ва тарбияланиши жараёнини бошқаради. Ўқитувчининг энг асосий вазифаси янги педагогик ва информацион технологияларни эгаллаш, сўров усулларини, талабаларнинг фикрлаш қобилиятлари ва нутқ маданиятини ривожлантиришdir. Замонавий босқичда ўқитувчининг яна қатор вазифалари қуидагилардир:

- талабаларни фикрлашга, ўрганилаётган масалаларни чукур ўйлашга ўргатиш;
- уларнинг ҳатти-ҳаракатларини изланувчанликка қаратиш;
- ҳақиқатни билишда, англашда шахсан қатнашиш;
- таҳлил, ўз-ўзини таҳлил этиш;
- ўзи холоса қилиши ва бошқалар.

Янги, замонавий услубда таълим беришда «ишлиб чиқариш технологияси», «ўқитишни технологиялаштириш», «таълим технологияси», «ўқитиш технологияси», «педагогик технология» тушунчаларини бир-биридан фарқлай билиш зарур. Масалан, педагогик технология – ўқитишни технологиялаштиришда педагогик ҳодиса ва жараёнларга қўлланиладиган тушунчадир. Ўқитишни технологиялаштириш – педагогика фанининг йўналиши ҳисобланиб, ўқитиш жараёнига технологик йўл асосида таълим мақсадларининг самарали бўлишига оптимал усул ва воситаларни, қонуният ва тамойилларни тадқиқ этиш ва очиб беришлиkdir.

Янги педагогик технологиялар асосида ўқитишни ташкил этишда технологик харитага катта эътибор бериш лозим. Чунки унда бутун бир дарс давомида эришиш лозим бўлган барча жиҳатлар мужассам бўлади. Энг муҳими, мақсад ва вазифалар, асосий қисм ва кутиладиган натижа аниқ белгилаб олинган бўлади.

Ўқитиш услуби ўқитишда мақсадга эришишнинг энг мураккаб жараёни ҳисобланади. Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, ўқитиш услубини танлашда қўпгина омилларни ҳисобга олиш керак бўлади:

- ўқув маълумоти мураккаблиги ва ҳажми;
- ўқувчи-талабаларни ўқищдаги имкониятлари, яъни тайёргарлик даражаси, умумий ўқув қўнималарининг шаклланганлиги, фаоллиги, қизиқиши ва ҳохиши, ёши, индивидуал имконият ва қобилиятлари;
- ўқув жараёнига ажратилган вақт;
- ўқитиш шароитлари;
- ўқитувчи ва ўқувчи, ўқувчиларнинг ўзаро муносабатлари;
- ўқувчилар сони;

- ўқитувчининг нақадар билимдон эканлиги, шахсий хусусиятлари ва бошқалар.

Ҳозирги кунда ўқитишининг интерактив усуллари жуда кенг тарқалган бўлиб, уларни ўқитувчи-педагог қайси дарсда, қандай қилиб ва қайси усулни қўллаш кераклигини ўзи ҳал этмоғи керак бўлади. Булардан энг кенг тарқалганлари «Ақлий ҳужум», «Кейс-стади», «Кластер» услублари, «Инсерт» техникаси, «Категориал» жадвал тузиш, «Венна», «Қандай қилиб?» диаграммалари, «З/Х/У», «SWOT-таҳлил» жадваллари, «Нима учун?», «Балиқ скелети», «Каскад» схемалари ва бошқалардир. Айтиш жоизки, бу усулларнинг ҳар бири учун, ўқув жараёнида уларни қўллаш учун маълум қоидалар ишлаб чиқилган, уларни ўқитувчи ва талабалар аниқ билишлари, уларга риоя қилишлари лозим бўлади. Фақат шундагина ўқув жараёнининг якуний натижалари самарали бўлиши мумкин бўлади. Қуйида уларнинг баъзиларини келтириб ўтамиз.


### **«Ақлий ҳужум» усулининг асосий қоидалари:**

- Олға сурилган фикр ва ғоялар танқид остига олинмайди ва баҳоланмайди.
  - Таклиф килинаётган фикр ва ғоялар қанчалик фантастик ва антиқа бўлса ҳам, уни баҳолашдан ўзингизни тийинг!
  - Танқид қилманг – ҳамма билдирилган фикрлар бир хилда бебаҳодир.
    - Фикр билдирилаётганда бўлманг!
    - Мақсад – фикр ва ғоялар сонини кўпайтириш.
    - Қанчалик кўп фикр ва ғоялар билдирилса шунчалик яхши. Янги ва бебаҳо фикр ва ғояларнинг пайдо бўлиш эҳтимоли пайдо бўлади.
  - Агар фикрлар қайтарилса асабийлашманг ва ҳайрон бўлманг.
  - Ҳаёллар «тўзғишига» ижозат беринг.
  - Бу муаммо фақатгина маълум усуллар ёрдамидагина ҳал бўлиши мумкин, деб ўйламанг.
  - Фикрлар «ҳужуми»ни ўtkазиш вақти аниқланади ва унга қатъиян риоя қилиниши шарт.
  - Берилган саволга қисқача (1-2 сўздан иборат) жавоб берилади.

# КЛАСТЕР

## ◊ Кластерни түзиш қоидаси

1. Ақлингизга келган барча нарсаны ёзинг. Фоя сифатини мұхокама қилманг: уларни оддий ҳолда ёзинг.
2. Орфография ва бошқа омилларга эътибор берманг.
3. Ажратилған вакт тугагунча ёзувни тұхтатманг. Агарда ақлингизга ғоялар келиши бирдан тұхтаса, қачонки янги ғоялар пайдо бўлмагунчағозга расм чизинг.
4. Кўпроқ алоқа бўлишлигига ҳаракат қилинг. Ғоялар сони, улар оқими ва улар ўртасидаги ўзаро алоқадорликни чегараламанг.



## Гуруҳларда ишлаш қоидаси

- Шеригингизни диққат билан тингланг.
- Гуруҳ ишларида ўзаро фаол иштирок этинг, берилган топшириқларга масъулият билан ёндошинг.
- Агар ёрдам керак бўлса, албатта мурожаат килинг.
- Агар сиздан ёрдам сўрашса, албатта ёрдам беринг.
- Гуруҳлар фаолиятининг натижаларини баҳолашда ҳамма иштирок этиши шарт.

Аниқ тушунмоғимиз лозим:

- Бошқаларга ўргатиш оркали ўзимиз ўрганамиз;
- Биз битта кемадамиз: ёки биргаликда сузуб чикамиз, ёки биргаликда чўкиб кетамиз.

## «БИРГАЛИКДА ЎҚИЙМИЗ» ТЕХНИКАСИ

**Биргаликда ўқиши:** ўқув гуруҳи кичик гуруҳларга бўлинади. Ҳар бир кичик гуруҳ ўрганилаётган мавзунинг маълум бир соҳасида эксперт бўлади ва бошқаларни ўргатади.

Ҳар бир гуруҳнинг мақсади бошқа барча гуруҳлар иштирокчилари мавзуу саволларини тўла ҳажмда эгаллаб олишдан иборат.

*«Биргаликда ўқииймиз» техникасидан фойдаланган ҳолда гуруҳларда ишини ташкил этиши жараёнининг тузилиши*

1. Билим даражасига қараб 3-5 кишидан иборат бўлган ҳар хил турдаги гуруҳлар тузилади.



2. Ҳар бир гуруҳга *битта* топшириқ берилади – умумий мавзунинг бир қисми, унинг устида бутун ўқув гуруҳи иш олиб боради ҳамда таянчлар – **эксперт вараклари** – тақдим этилади.



3. Хар бир гурух ичида умумий топшириқ тақсимланади.



4. Ҳамма якка тартибдаги топшириқни бажаради.



5. Барча гурух аъзоларининг мини-маърузалари тингланади. Умумий натижа (бутун эксперт варағи бўйича саволлар жавоби)ни шакллантиради ва уни тақдимотга тайёрлашади.



6. Спикер ёки гурух барча аъзолари биргаликда бажарган иш натижаларини тақдимот этишади.

## ЭССЕ

Эссе ҳажми таклиф қилинган мавзудаги 1000 сўздан 5000 сўзгача бўлган асадтир.

||| Эссе – бу муаллифнинг алоҳида индивидуал позициясига эга эркин шаклдаги баёни бўлиб, қандайдир буюм ёки қандайдир сабаб бўйича умумий ёки олдиндан билдирилган фикр-мулоҳазалардан иборат бўлади.

||| Далилланган эссе бу қўйилган саволга далилланган жавоб мавжуд бўлган ёзма ишдир. Муаллиф муайян позицияга эга ва уни ҳимоя қиласи, ўз позициясини қувватлаш учун бир қатор далилларни тақдим этади. Мақсад – муаллиф ўзи қўллайдиган нуқтаи назарга бошқаларни ҳам ишонтиришни хоҳлайди.

||| Агар Сиз ўқувчиларни фикран тасаввур қила олсангиз ва эссени ёзиш жараёнида фикран улар билан мулоқот юрита олсангиз, унда далилланган эссени ёзиш осонлашади.

## **Далилланган эссеining тузилиши:**

- Масала юзасидан муаллифнинг нисбий нуқтаи назарини билдириш (1 хатбоши).
- Айтилган позициянинг далилланиши – муаллифнинг шу позицияни қўллаш учун ишонарли далиллари айни позицияни қабул қилишга ишонтиради.
- Хулоса – резюме (1 хатбоши).

### ***Далилланган эссени баҳолаши кўрсаткичлари ва мезонлари:***

- мазмуннинг мавзуга мувофиқлиги;
- муаммони кўриши, унга муносабат, ўзининг нуқтаи назари, далилларнинг ишончлилиги;
- услуг: баённинг аниқлиги, очик-равишанлиги;
- ёзиши қоидаларига риоя қилиши.

«Менинг фикримча, агар барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари давом этаверса мамлакатимиз иқтисодиёти гуллаб-яшнайверади» мавзууда далилланган эссе ёзинг.

### **«ЎЙЛАНГ-ЖУФТЛИКДА ИШЛАНГ-ФИКР АЛМАШИНГ»**

Ушбу техника биргаликдаги фаолият бўлиб, талабаларни матн устида фикрлаш, ўз ғояларини шакллантириш ва уларни ҳамкорлар ёрдамида муайян шаклда ифодалашга йўналтиради.

### **«Ўйланг-Жуфтликда ишланг-Фикр алмашинг» техникасидан фойдаланган ҳолда гурухларда ишни ташкил этиш жараёнининг тузилиши**

1. Ўқитувчи савол ва топшириқ беради: олдин ўйлаб чиқиши, сўнг қисқа жавоблар ёзиш тартибида.



2. Талабалар жуфтликларга бўлиниб, бир-бири билан фикр алмашадилар ва иккала жавобни мужассам этган умумий жавобни ишлаб чиқишга ҳаракат қиласидилар.



3. Ўқитувчи бир неча жуфтликларга ўттиз секунд давомида аудиторияга ўз ишининг қисқа якунини ифодалаб беришини таклиф қиласиди.

Ишсизликнинг келиб чиқиш сабаблари	Ишсизликнинг ривожланган мамлакатлардаги салбий оқибатлари	Ишсизликнинг Ўзбекистондаги салбий оқибатлари

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Халқ сўзи», 1992 й., 243 (494)-сон
2. Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодекси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й.
3. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.
4. “Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида” ЎР Президентининг Қарори, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й.
5. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъruzаси Манба: UzA.
6. И.А.Каримов “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли”, Т.: “Ўзбекистон”, 1992.
7. И.А.Каримов “Ўзбекистон ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида”, Т.: “Ўзбекистон”, 1995.
8. И.А.Каримов “Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби”, Т.: “Ўзбекистон”, 1998.
9. И.А.Каримов “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”, Т.: “Ўзбекистон”, 1998.

10. И.А.Каримов “Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз”, Т.: “Ўзбекистон”, 1999.
11. И.А.Каримов “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / - Т.: Ўзбекистон, 2009.
12. И.А.Каримов “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир”, Т.: “Ўзбекистон”, 2010.
13. Абелъ Э. Макроэкономика: учебник: пер. с англ. / Абелъ Э., Бернанке Б. - СПб.: Питер, 2008.
14. Агапова Т.А., Серегина С.Ф. Макроэкономика: учебник/под общей ред. Проф.А.В. Сидоровича; МГУ им. М.В.Ломоносова.-7-е изд., перераб.и доп.- М.:Изд. «Дело и Сервис», 2005.
15. Алимов А.М., Отакузиева З.М., Макроиктисодиёт фанидан маъruzалар курси, Т.: ТДШИ, 2008 й.
16. Анисимов А.А., Артемьев Н.В., Тихонова О.Б., Макроэкономика. Теория, практика, безопасность: учебное пособие, Юнити-Дана, 2012.
17. Аносова А. В. [и др.]; Макроэкономика: учебник для бакалавров / под ред. С.Ф. Серёгиной. - М. :Юрайт, 2011.
18. Ахмедов Д.К., Ишмухамедов А.Э., Жумаев К.Х, Джумаев З.А. «Макроиктисодиёт» Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти 2004.
19. Бланшар О. Макроэкономика: учебник: пер. с англ. - М.: ГУ ВШЭ, 2010.

20. Бродский Б.Е. Лекции по макроэкономике переходного периода: учеб. пособие. - М.: ГУ ВШЭ, 2005.
21. Бродский Б.Е. Макроэкономика. Продвинутый уровень. Курс лекций, М.: Инфра-М, Магистр, 2014.
22. А.С.Булатова, Н.Н.Ливенцева. Мировая экономика и международные экономические отношения: учебник – М.: Магистр, 2008.
23. Бункина М.К., Семенов А.М. Макроэкономика: Учебник.- 4-е изд., перераб. И доп.-М.: Издательство «Дело и Сервис», 2003.
24. Валдайцева М.В. Макроэкономика: Учебно-методическое пособие / Под ред. проф. Н.А. Шapiro. - СПб.: НИУ ИТМО; ИХиБТ, 2013.
25. Веселова Н.В. Макроэкономика (продвинутый уровень). Электронное учебно-методическое пособие. - Нижний Новгород: Нижегородский госуниверситет, 2012.
26. Виноградова А.В. Макроэкономика: Учебно-методическое пособие. - Нижний Новгород: Нижегородский госуниверситет, 2012.
27. Водолазский А.А. Макроэкономика. Практикум: Учебное пособие / А.А. Водолазский, В.П. Худякова, А.Г. Самойленко, С.А. Тихоновская; Юж.-Рос. гос. техн. ун-т. - Новочеркасск: ЮРГТУ (НПИ), 2010.
28. Вечканов Г.С. Вечканова Г.Р. «Макроэкономика» Спб.: Питер, 2008г.
29. Герасимов Б.И., Косов Н.С., Дробышева В.В., Нижегородов Е.В., Пляшко М.М., Саталкина Н.И., Сизикин А.Ю.,

Спиридов С.П., Терехова Г.И. Экономическая теория. Макроэкономика. Переходная экономика: Учебное пособие. В 2 ч. / Под общ. ред. Б.И. Герасимова и Н.С. Косова. - Тамбов: Изд-во ТГТУ, 2009.

30. Зокирова Н., Абдураҳмонов О. Инқиroz: оқибатлар, бартараф этиш, меҳнат муаммолари ва янги марраларга чиқиш. – Т.: Fan va texnologiya, 2009.

31. Ивашковский С.Н. Макроэкономика: Учебник. 2-издание, испр., доп. –М.: Дело 2002.

32. Ивашковский С.Н. Экономика для менеджеров. Микро и макроуровень. Издание 7-е., М.: Дело, 2014.

33. Ишмуҳамедов А.Е., Джумаев З.А., Жумаев Қ.Х, Макроиктисодиёт, ўқув қўлланма, Т., ТДИУ, 2006 йил.

34. Кейнс Ж.М. “ Бандликнинг умумий назарияси, фоиз ставкаси ва пуллар”. М., 1978.

35. Кормышев В.В., Герасимов Б.И. Введение в экономический анализ: макроэкономика: Методическая разработка. - Тамбов: Изд-во ТГТУ, 2009.

36. Макконелл К., Брю С. «Экономикс. Принципы проблемы и политика». Пер. с 13-го англ.изд. – М.: ИНФРА – М, 2003.

37. Матвеева Т.Ю. Введение в макроэкономику. Учебное пособие, 5-е изд., испр. - М.: Изд. дом ГУ ВШЭ, 2007.

38. Мэнкью Н.Г. Принципы макроэкономики: Учебник для вузов. 2-ое изд./Пер. с англ. – СПб.: Питер, 2006.

39. Нуралиев С.У., Нуралиева Д.С. Экономика: Учебник для бакалавров, Дашков и К, 2015 год.

40. Отакузиева З.М. Методическое пособие к практическим занятиям по предмету «Макроэкономика». – Т.: Изд-во ТашГИВ, 2004.

41. Отакузиева З.М. «Давлат бюджети камомадини молиялаштириш йўллари», Тошкент Давлат Шарқшунослик Институтининг илмий журнали, 1-сон, Тошкент-2006-йил.

42. Отакузиева З.М., «Таълим технологияларини ўқув жараёнида қўллаш – давр талаби», Инновацион технологиилар ва уларни таълим жараёнига жорий этишнинг назарий ва амалий масалалари мавзусида республика илмий-амалий анжуман материаллари, Андижон -2011.

43. Отакузиева З.М., Талипова А., «Влияние налогово-бюджетной политики на развитие малого бизнеса и частного предпринимательства» Иқтисодиёт ва таълим журнали, 2-сон, ТДИУ - Тошкент, 2012.

44. Отакузиева З.М., Синдаров Ш.Э., «Микроэкономика», учебно-методическое пособие, ТУИТ, - Ташкент, «Алоқачи» - 2013.

45. Отакузиева З.М., Талипова А.С., «Комплексная методика управления состоянием и развитием систем» журнал «Биржа Эксперт», № 1-2, Тошкент – 2013.

46. Отакузиева З.М., «Сборник задач по экономике», учебно-методическое пособие, Филиал Российского Государственного университета нефти и газа им.И.М.Губкина, Ташкент-2015.

47. Рахимова Д.Н., Жумаев Н.Х., Тешабаев Т.З., Хошимов Э.А. «Инқирозга қарши бошқарув”, ўқув қўлланма, “Фан ва технология” Т.: -2013.

48. Под общей редакцией: Серегина С. Ф., Аносова А. В., Ким И. А., Касаткина А. А., Щукина Л. Б., Давыдова Е. А., Пономарев А. В., Букина И. С., Кутепова Н. И. Макроэкономика: учебник для бакалавров, М.: Юрайт, 2013.

49. Тарасевич Л.С. и др. «Макроэкономика» Учебник 5-е издание. М.:2004г.

50. Тешабаев Т.З. «Бошқарув тамойиллари ва инновацион технологиялар», Монография, «Фан ва технология», Тошкент – 2011.

51. Тешабаев Т.З. «Ўзбекистонда инновацион фаолиятни тартибга солиниши ва олий таълим тизимида кадрлар тайёрлаш концепцияси”, “ТАТУ хабарлари” журнали, 1-сон, Тошкент - 2012.

52. Тешабаев Т.З. «Фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини такомиллаштириш истиқболлари” “ТАТУ хабарлари” журнали, 2-сон, Тошкент-2012.

53. Тешабаев Т.З. “Таълим тизимида замонавий ахборот технологиялари” “Биржа-Эксперт” журнали, 9-сон, Тошкент-2012.

54. Тешабаев Т.З. “Таълим муассасаларида ахборот технологияларидан фойдаланишнинг айрим масалалари” “Биржа-Эксперт” журнали, 10-11-сон, Тошкент-2012.

55. Фишер С., Дорнбуш Р.,Шмалензи Р. Экономика:Пер. с англ. со 2-го изд.-М.:Дело, 2002.

56. Шагас Н.Л., Туманова Е.А. «Макроэкономика-2» МГУ. М.:2004г.

57. Экономическая теория. Макроэкономика. Переходная экономика: учебн.пособие: в 2 ч./ Б.И.Герасимов, Н.С.Косов,

В.В.Дробышева и др.; Под общ.ред. д-ра экон.наук, проф. Б.И.Герасимова и д-ра экон.наук, проф. Н.С.Косова. – Тамбов: Изд-во Тамб.гос.тех.ун-та, 2009.-Ч.2-204с, стр.32-42.

58. Экономика: учебник для вузов / Л. С. Гребнев. - М. : Логос, 2011. - 408 с.

## **Интернет-ресурслар**

- 1.www.uzreport.com.
- 2 www.wordbank.org.
- 3 [www.ebrd.org](http://www.ebrd.org).
4. www.imf.org
5. <http://gallery.economicus.ru>
6. www.presservice.uz, норматив-хуқуқий ҳужжатлар.
7. http://bibliotekar.ru, PDF форматидаги дарсликлар.
8. http://www.gaudeamus.ru - PDF форматидаги дарсликлар.

## **МУНДАРИЖА**

**Кириш.....**

### **I БОБ. МАКРОИҚТИСОДИЁТНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА ТАҲЛИЛ УСУЛЛАРИ**

- 1.1. Макроиқтисодиёт фанининг предмети. Макроиқтисодиёт ва микроиқтисодиёт.....  
1.2. Миллий ҳисобчилик тизими (МХТ) ва унинг келиб чиқиш тарихи.....  
1.3. Макроиқтисодий таҳлилнинг услуг ва тамойиллари.....  
1.4. Миллий хўжалик ишлаб чиқаришининг чекланганлиги. Муқобил ҳаражатлар.....  
1.5. Иқтисодий тизимлар ва уларнинг моделлари.....  
1.6. Доиравий оқим модели. «Оқимлар ва инъекциялар». Макроиқтисодий мувозанатнинг умумий шартлари.....  
*Қисқача холосалар*  
*Таянч иборалар*

### **II БОБ. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ НАТИЖАЛАРИНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР. НАРХЛАР ИНДЕКСИ**

- 2.1. Миллий иқтисодиёт ва унинг ривожланишини белгилаб берувчи омиллар.....  
2.2. Ялпи миллий маҳсулот ва уни ҳисоблашнинг усуллари.....  
2.3. Миллий хўжалик тизимидағи бошқа макроиқтисодий кўрсаткичларининг ўзаро нисбати. ....  
2.4. Асосий макроиқтисодий тенгламалар.....  
2.5. Номинал ва реал кўрсаткичлар. Нархлар индекси.....  
2.6. Макроиқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблашнинг мураккабликлари. Миллий фаровонликни баҳолашнинг муаммолари  
2.7. Хуфёна (яширин) иқтисодиёт.....  
*Қисқача холосалар*  
*Таянч иборалар*

## **III БОБ. УМУМИЙ МАКРОИҚТИСОДИЙ МУВОЗАНАТ: ЯЛПИ ТАЛАБ ВА ЯЛПИ ТАКЛИФ МОДЕЛИ**

- 3.1. Макроиқтисодий мувозанат тушунчаси.....  
3.2. Ялпи талаб ва унга таъсир этувчи омиллар.....  
3.3. Ялпи таклиф ва унга таъсир этувчи омиллар. Ялпи таклиф кесимлари.....  
3.4. Нархларнинг мувозанатли даражаси. Қисқа муддатдаги мувозанатдан узоқ муддатдаги мувозанатга ўтиш. Храповик самараси.....  
3.5. Талаб ва таклифнинг шок ҳолатга тушиши. Барқаролик сиёсати.....

*Қисқача хуросалар  
Таянч иборалар*

## **IV БОБ. МАКРОИҚТИСОДИЙ БЕҚАРОРЛИК: ИҚТИСОДИЁТНИНГ ДАВРИЙЛИГИ, ИШСИЗЛИК ВА ИНФЛЯЦИЯ**

- 4.1. Иқтисодиётнинг даврий тебраниши ва унинг фазалари. Иқтисодиётнинг даврий тебраниши сабаблари.....  
4.2. Аҳолининг асосий категориялари.....  
4.3. Ишсизликнинг келиб чиқиш сабаблари ва унинг асосий турлари. Табиий ишсизлик даражаси.....  
4.4. Ишсизлик оқибатлари. Ишсизликни бартараф этишининг давлат сиёсати.....  
4.5. Инфляция ва унинг қўрсаткичлари. Инфляция турлари....  
4.6. Инфляциянинг келиб чиқиш сабаблари ва оқибатлари. Инфляция ҳаражатлари.....  
4.7. Ишсизлик даражаси ва инфляция суръати ўртасидаги ўзаро боғлиқлик. Филлипс эгри чизифи.....

*Қисқача хуросалар  
Таянч иборалар*

## **V БОБ. КЛАССИК ВА КЕЙНСЧА МОДЕЛЛАР ТАҲЛИЛИ. КЕЙНСНИНГ ТОВАРЛАР ВА ХИЗМАТЛАР БОЗОРИДА МАКРОИҚТИСОДИЙ МУВОЗАНАТ МОДЕЛИ**

5.1. Макроиқтисодий мувозанатнинг классик модели.....
5.2. Кейнсча макроиқтисодий модел: асосий қонун ва хулосалар.....
5.3. Кейнсча модельда истеъмол ва жамғарма функциялари....
5.4. Кейнсча модельда инвестициялар функцияси.....
5.5. Кейнсча модельда миллий ишлаб чиқаришнинг мувозанат ҳажми.....
5.6. Мультиликатор самараси.....
5.7. Тежамкорлик парадокси.....
<i>Қисқача хулосалар</i>
<i>Таянч иборалар</i>

## **VI БОБ. ПУЛГА ТАЛАБ ФУНКЦИЯСИ. ПУЛ ТАКЛИФИ. ПУЛ БОЗОРИДА МУВОЗАНАТ**

6.1. Пул тушунчаси, унинг турлари ва функциялари.....
6.2. Пулга талаб, унинг турлари ва омиллари.....
6.3. Пул таклифи.....
6.4. Банклар ва уларнинг иқтисодиётда тутган ўрни.....
6.5. Банк мультиликатори.....
6.6. Пул мультиликатори.....
6.7. Пул бозоридаги мувозанат.....
<i>Қисқача хулосалар</i>
<i>Таянч иборалар</i>

## **VII БОБ. ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИ**

7.1. Пул – кредит (монетар) сиёсати ва унинг мақсади.....
7.2. Пул – кредит сиёсати воситалари ва унинг турлари.....
7.3. Иқтисодиётга пул таклифи ўзгаришининг таъсири.....
7.4. Монетар сиёсатнинг афзаллик ва камчиликлари.....

*Қисқача хуросалар  
Таянч иборалар*

## **VIII БОБ. ФИСКАЛ СИЁСАТ. ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ. ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТАҚЧИЛЛИГИ ВА ДАВЛАТ ҚАРЗЛАРИ**

- 8.1. Фискал сиёсат, унинг мақсади ва воситалари. Фискал сиёсат воситаларининг ялпи талабга таъсири.....
- 8.2. Фискал сиёсат кўринишлари. Фискал сиёсат воситаларининг ялпи таклифга таъсири.....
- 8.3. Давлат бюджети. давлат бюджетининг даромад ва ҳаражатлари. Бюджет камомади ва унинг кўринишлари.....
- 8.4. Давлат бюджети концепциялари.....
- 8.5. Давлат бюджети камомадини молиялаштириш йўллари...
- 8.6. Давлат қарзлари, унинг турлари ва оқибатлари.....

*Қисқача хуросалар  
Таянч иборалар*

## **IX – БОБ. ТОВАР ВА ПУЛ БОЗОРЛАРИНИНГ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИГИ. IS-LM МОДЕЛИ**

- 9.1. IS-LM модели ва унинг моҳияти.....
- 9.2. IS эгри чизиги ва унинг ясалиши.....
- 9.3. LM эгри чизиги ва унинг ясалиши .....
- 9.4. Товар ва пул бозори мувозанати.....

*Қисқача хуросалар  
Таянч иборалар*

## **Х БОБ. ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ**

- 10.1. Иқтисодий ўсиш ва унинг кўрсаткичлари.....
- 10.2. Иқтисодий ўсиш турлари ва омиллари.....
- 10.3. Давлат сиёсати ва иқтисодий ўсиш.....
- 10.4. Иқтисодий ўсишнинг афзаллик ва камчиликлари.....
- 10.5. Иқтисодий ўсишнинг неокейнсча моделлари.....
- 10.6. Иқтисодий ўсишнинг неоклассик моделлари.....

*Қисқача хуросалар  
Таянч иборалар*

## **XI – БОБ. ХАЛҚАРО САВДО НАЗАРИЯСИ ВА ТАШҚИ САВДО СИЁСАТИ**

11.1.	Хўжалик ҳаётининг интернационаллашуви. Жаҳон хўжалиги.....
11.2.	Халқаро савдо назарияси ва савдо сиёсати.....
	<i>Қисқача хуносалар</i>
	<i>Таянч иборалар</i>

## **XII - БОБ. ТЎЛОВ БАЛАНСИ ВА ВАЛЮТА КУРСИ**

12. 1.	Тўлов баланси.....
12. 2.	Валюта курси.....
	<i>Қисқача хуносалар</i>
	<i>Таянч иборалар</i>

<b>Амалий машғулотларда мавзуларни мустаҳкамлашга доир топшириқлар.....</b>
<b>Атамалар луғати.....</b>
<b>Инглиз тилида атамалар ва қисқартма сўзлар.....</b>
<b>Ўкув жараёнида замонавий педагогик технологияларни қўллаш бўйича тавсиялар.....</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....</b>

**Т.З. ТЕШАБАЕВ, З.М. ОТАҚҮЗИЕВА**

# **МАКРОИҚТИСОДИЁТ**

**Тошкент – «» – 2017**

Мұхаррир: М.Хайитова  
Тех. мұхаррир: Ф.Тишибоев  
Мусаввир: Д.Азизов  
Мусаҳиха: Н.Ҳасанова  
Компьютерда  
саҳифаловчи: Н.Рахматуллаева

